

ҲАМДАРД
«ҚАЙҒУДОШ»НИНГ
II ҚИСМИ

Абу Абдулборий
Жалолiddин ибн Иброҳим

*Йўқ даҳрда бир бесару сомон мендек,
Ўз ҳолига саргаштаю ҳайрон мендек,
Ғам кўйида хонумони вайрон мендек
Яъники, алохону аломон мендек.¹*

Навоий.

*Махтумқули айтар: барча насиҳат –
Аллоҳга қул бўлинг, Росулга – уммат,
Билсангиз, дунёнинг барчаси ҳасрат,
Ҳасрат билан бир-бир кетиб борадир.*

Махтумқули.

*Дардим кўндир диёримдан, давримдан,
Хайр қайси, эҳсон қайси – билинмас.
Золимларнинг жафосидан, жабридан,
Исломи қайси, иймон қайси – билинмас.*

Махтумқули.

*Чархнинг мен кўрмаган жавру жафоси қолдиму,
Хаста кўнглум чекмаган дарду балоси қолдиму.*

Бобур.

*"Ўлкамизда ёзилган бало-ю офатларнинг ҳам-
масининг боши омили халқимизнинг Исломи йўли-
дан озганлигидир..."*

Академик Алибек Рустамий.

*Қаро сочга оқ солган ҳасратдир, ҳасрат,
Ой юзларни доғ қилган ҳасратдир, ҳасрат.
Дил бўйнига тош осиб ғамга зарқ этган,
Белдан қувватни олган ҳасратдир, ҳасрат.*

Ж.

*Ўзим дардинг олай, азиз китобхон,
"Ҳамдард"ни айладим Сенга армузон.
Бир бошдан ўқисанг сўнги бетгача,
Ҳасратдан қутулиб, бўлурсан шодмон.*

Ж.

¹ Байтдаги изоҳталаб сўзлар изоҳи 31-бетда.

ҲАЁТ ҲАСРАТЛАРИ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

وبه أستعين رب يسر ولا تعسر وتمم بالخير

﴿ وَأَتَّبِعُوا أَحْسَنَ مَا أُنزِلَ إِلَيْكُمْ مِنْ رَبِّكُمْ مِنْ قَبْلِ أَنْ يَأْتِيَكُمْ الْعَذَابُ بِغَتَّةٍ وَأَنْتُمْ

لَا تَشْعُرُونَ أَنْ تَقُولَ نَفْسٌ بِحَسْرَتِي عَلَىٰ مَا فَرَطْتُ فِي جَنْبِ اللَّهِ وَإِنْ كُنْتُ لِمِنَ السَّخِرِينَ ﴾

﴿ *Ўзингиз сезмаган ҳолда азоб сизга тўсатдан келмасидан олдин, (мужрим) инсон: "Во ҳасрато! Аллоҳ ҳаққида суслик қилиб қўйдим, динни эрмакловчи масхарабоз бўлдим", деб афсус чекмасидан илгари Роббингиз томонидан сизларга нозил этилган энг гўзал таълимотга эргашингиз!* ﴾¹

Зумар 55-56-оятлар.

¹ Биринчи саҳифада келган ҳасратли байтларда ҳаётдаги дард-ҳасрат акс этган. Бу саҳифада келтирилган оятда эса охиратдаги ҳасрат, дард-алам ўз ифодасини топган. Мазкур оят ва байтлар ушбу Китобга муқаддима ўлароқ тақдим этилиб, асарда шу икки хил ҳасрат ҳақида сўз кетишига ишора қилинмоқда. Шунингдек, бунда дунё ва охират ҳасратидан қутулиш йўллари баҳс этилади.

Ҳасрат тарихи ва таърифига қисқа назар

Сўзни "ҳасрат"дан бошлаш ноқулай, лекин, начора, бунёд бўлгандан бери ҳасратлари аримаган дунёда умргузаронлик қилар эканмиз ҳасрат ҳақида сўзлашга мажбурмиз.

Одамато билан момо Ҳавво ер куррасига тушган пайтда уларга хурсандлик эмас, ҳасрат ҳамроҳ бўлган, қувонч эмас, қайғу уларни қаршилаган.¹

Ҳасан ал-Басрий дейди:

"Одам алайҳиссалом жаннатдан ерга туширилгандан сўнг 300 йил кўз ёш тўккан".²

Ваҳб ибн Мунаббих дейди:

*"Одам алайҳиссалом йўл қўйган хатосидан кейин бошини осмонга кўтармай қўйди. Жаннат кўйида 300 йил тинмай юм-юм йиғлади".**

Абдурраҳмон ибн Собит дейди:

*"Одам тўккан жола билан ер аҳолисининг жоласи таққосланса, Одам жоласи ер аҳлиникидан ўтиб кетади".**

Бу кўргилик етмагандай, дилбандлар можароси Ота-Она ҳасрати устига яна янги ҳасратни юклайди. Қобил нафс амри билан туғишган биродари Ҳобилни қатл этади.

﴿ فَطَوَّعَتْ لَهُ نَفْسُهُ قَتْلَ أَخِيهِ فَقَتَلَهُ فَأَصْبَحَ مِنَ الْخَاسِرِينَ ﴾ ﴿ فَأَصْبَحَ مِنَ النَّادِمِينَ ﴾

¹Одам ва Ҳавво вужудини инкор этиб, ўзини маймун сулоласига нисбат берган идроксизларнинг ботил назарияси ўзи каби шармандаликка юз тутган. Агар 1871 йилдаёқ маймун танасига Дарвиннинг (1809-1882) бошини қўйиб ҳажвий сурат чизилган бўлса, кейинроқ "У инсониятни таҳқирлади" деб қораланди. Дарвоқе, Чарлз Дарвин 1851 йилгача черковга қатнар эди, суюкли қизчаси тўсатдан вафот этгач, у бу мусибатни кўтаролмай черковни тарк этади. У "мен ҳеч қачон Илоҳ вужудини инкор этган эмасман" деган эди. (Маълумот "Википедия"нинг арабча бўлимидан олинди).

² **Ибн Абуд Дунё "الرفقة والبكاء".

"300 йил"ни ўқиб ажабланманг. Фан XXI асрга келиб, одамзоднинг гавдаси ҳозирги жуссасига нисбатан бир неча баробар катта бўлганини исботлади. Баҳайбат қушлар, гигант ҳайвонлар; (мамонтлар) ҳақида сўзлаган фан нимагадир ўша даврнинг гигант одами шаънида сукут сақлаган. Археологик қазилмалар натижасида топилган жисми ўта катта одам скелети оммадан сир тутилган. Бугун бу ҳақиқатлар ошкор бўлиб кетди. Гигант одамнинг ҳайвони ҳам ўзига муносиб бўлиши ҳақда ўйлаб кўрилмаган.

Бироз кутилса, ўша давр одамларининг узок умр кўргани ҳам ошкор этилади.

﴿ Унинг нафси ўз укасини ўлдиришга шиханг берди, филҳол уни ўлдирди. Шу боис зиёнкорлардан бўлди. ﴾¹

﴿ (Сўнг қилмишига) надомат айлади. ﴾

Моида 30-31 оятлар.

Шундай қилиб, одамзод Ер планетасига қадам қўйган лаҳзадан бошлаб ҳасрат у билан бирга одим отади. Дам каттайиб, дам кичрайиб, ханузгача сайёра сахнасида сайр этади.

Жаннатдан қувилиш бир ҳасрат, Ерга тушгач, қотилликка дуч келиш иккинчи ҳасрат. Шунга кўра, "ҳасратнинг ер юзида пайдо бўлганига фалон минг йил бўлган" деб аниқ бир санани қайд этиш қийин. Ҳасрат башарият тарихига уйғун. Унинг ибтидоси, хойнаҳой, Одам исён қилган кунга тўғри келса, ажаб эмас. Тоҳа сурасининг 20-оятида ушбу хабар келган:

﴿ فَأَكَلَا مِنْهَا فَبَدَتَ لَهُمَا سَوْءٌ تَهُمَا وَطَفِقَا يَخْصِفَانِ عَلَيْهِمَا مِنْ وَرَقِ الْجَنَّةِ وَعَصَىٰ آدَمُ رَبَّهُ فَغَوَىٰ ﴾

﴿ Одам ва Ҳавво ундан ейишлари билан авратлари очилиб қолди, (шунда) ўзларини жаннат япроқлари билан тўса бошладилар. Одам Парвардигорига осий бўлиб, йўлдан озди... ﴾

Айтишларича, маъсиятнинг шум оқибаталаридан бири авратнинг кашф бўлиши экан. Яъни гуноҳкорга берилган илк жазо унинг берк ўринлари, ҳеч ким кўрмаган, билмаган нозик жойларининг фош бўлишидир. Бу эса орият аҳли учун, иззатнафси бор инсон учун энг катта ҳасрат ва хасорат эрур.

Хўш, ҳасрат ўзи нима?

Ҳасрат – الحسرة асли арабча калима бўлиб, ўзбек тилида бир неча маъноларни ифодалайди. Жумладан, қайғу, алам; дард, оғриқ; азоб чекиш; зориқиш, соғиниш. Шикоят, нолиш каби ҳолатларни ифодаловчи гап-сўзлар ҳам **ҳасрат** дейилади.

¹ **Шиханг бермоқ** (шихангламоқ) – Бирор ёмон иш ёки ҳаракат қилишга ундамоқ, тезламоқ, гижгижламоқ; бировга қарши йўналтирмоқ.

Журжоний "Таърифот"ида: *Ҳасрат – гам-андух, ҳафагарчилик, афсус-надомат ва хӯрсинишининг энг охирги нуқтасига етиб боришидир*, деб таъриф берилган.

Ҳасрат бир мамлакат ё бир миллатга хос эмас. У жумла жаҳон муаммоси, умумбашарни қамраган бало-офат. Ҳар бир замон ва ҳар бир маконда рӯй берган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий қинғирликлар оқибати: ҳақсизлик босқонидан отилган нидо. У – инқироз инъикоси, инфляция ингроғи, йўқлик садоси, табақачилик самараси, ирқчилик ҳосиласи. Тенгсизлик, жабру жафо, зулму ситам пайдо қилган ўлат. Ҳасад ва ғийбат, тухмат ва зулмат, жаҳолат ва ҳамоқат бор жойда топилиши муқаррар иллат. Дил тирналганда тилдан отилган аччиқ нола ва фиғон. Зўравонлик бор ерда албатта, ҳасрат бўлади. Тақчилликдан ҳасрат туғилади, зуғум уни ўстиради. Шунга биноан, ҳасрат борасидаги сўзимиз муайян бир минтақага, баайни бир шахс ё миллатга қаратилмаганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Зеро ҳасрат – кўпга келган тўй. Дунёда манман деган давлатлару манаман деган донгдор шахсларнинг ҳам ўзига яраша ҳасрати бор. Ютуғи каби камчилиги, қувончи каби қайғуси бор. "Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тошу тарозу", "Ҳар ернинг ўз ботмони бор"... Уммон ортининг уммондек ҳасратлари бугунги кунда кимгадир мажҳул бўлса, кимгадир маълум. Тақдир шўроларга яшириб қўйган тухфа ҳам кўпга аён бўлмаган. Басират аҳлининг башорати писанд қилинмаган.

Ота мерос бу ирсий дард вақт ўтган сайин кучайиб борди. Аввалига йил сайин, кейинроқ ой сайин тури ва сони ортиб борган ҳасрат охирги икки асрга келиб, кун сайин, соат сайин жадаллашди. Жаҳонда ҳасратсиз соҳа, беҳасрат банда қолмади. Жамиятнинг "алифи"дан "ё"сигача бу дардга мубтало. Дўкайнинг ҳасрати ўзига яраша, ҳақирники ўзига яраша. Ота-она ҳасрати ўзгача, боланики бошқача. Бир томонда ҳоким, бошқа бир томонда маҳкум ҳасрат қилади. Ҳақимнинг ҳасра-

ти хастаникидан қолишмайди. Бозор, кўча-кўй, ишхона, уй ва ҳатто саройдан ҳасрат ғижжагининг мунгли оҳанги таралади. Матбуот, радионинг бирида нуқул ютуқ ва хурсандлик кўпиртирилса, бошқасида камчилик бўрттирилади... Бир минтақада иқтисодий ҳасрат кучайган, бошқа минтақада сиёсий ҳасрат авжига минган. Бир жойда диний, бошқа жойда миллий низолар. Ижтимоий дард шамоли гоҳ майин эсса, гоҳ тўзиб кетади. Мустамлакадан инграган қанча, истибдоддан "дод" деган қанча? Бинобарин, замин забони ҳол билан "юрагим зардобга тўлган, осту устим остин-устун, бағри дилим хун, моматалоқ танамнинг ҳар бир қаричида алам бор", деб инграётир. Шунга кўра, ҳаёт ҳасратдан мосуво эмаслигида иккита оқил мунозара қилмайди, деб ўйлайман. Башарият босиб ўтган заҳматли йўл бунга очик далил. Одам ва оғриқ, ҳаёт ва ҳасрат кўш ғилдиракли аравага ўхшайди.

*Оламга боқсанг ҳосили бошдин оёқ кулфат эрур,
Бир роҳатининг кейнида беҳадду сон меҳнат эрур.*

*Бир ошеқиким, лаҳзаё топса висоли дилбарин,
Доим ҳамул бечорага сўнгра гами фурқат эрур.*

*Ҳар кимсаким, коми дилин гар топса ондин ҳар нафас,
Андин насиби борҳо ҳирмон ила ҳасрат эрур.*

*Йўқдур жаҳонга эътимод ушбу жиҳатдин, эй кўнгул,
Ким инқилоб этмак анга даврон аро одат эрур.*

*Ҳаргиз Табибий, кўнглиннга келтурма фикре бешу кам,
Ким ани севмас даҳр аро ҳар кимиким, хушбахт эрур.*

Аҳмад Табибий.
(1869-1911)

Лекин ҳамма ҳасрат ҳам бир хил бўлавермайди. Атама бир хил, моҳият ҳар хил. Ҳасрат билан ҳасратнинг фарқи бор. Советлар даврида Мир Алишер Навоийнинг:

*Йўқ даҳрда бир бесару сомон мендек,
Ўз ҳолига саргаштаю ҳайрон мендек,
Ғам кўйида хонумони вайрон мендек
Яъники, алохону аломон мендек, –*

деган ҳасратнамо байтларини ва айрим тарихий ҳодисаларни дастак қилиб, "Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон халқларининг тарихи ғоят машаққатли ва фожиали", "Беруний ва Ибн Синонинг реакция таъқиби натижасида чеккан азобу уқубати, Улуғбекнинг фожиали тақдири, Навоийнинг фарёди тасодифий бўлмай, ўз замонасининг қонуний ҳодисасидир", деб муаззам ўтмишга ноҳолислик билан ноҳақ ҳукм чиқарилган.

"Ниҳоят, Улуғ Октябрь туфайли омманинг ижодий фаолияти учун олижаноб замин вужудга келди: меҳнаткашлар социалистик хўжаликнинг хўжайини ва ташкилотчиси бўлиб қолдилар, мамлакатнинг давлат ва ижтимоий ҳаётини қуриш ва бошқаришда актив иштирок қила бошладилар", деб совет тузуми мақталган, қоп-қорани оппоқ қилиб тасвирланган.

"Агар 1917 йил бўлмаганида, Ленин партияси бўлмаганида, Октябрь куёши чарақлаб чиқмаганида... Туркистон асрий қоронғуликдан қутулолмас эди. Революция минглаб қашшоқ ва фақирлар, эзилган ва хўрланган элларга янги ҳаёт эшигини очиб берди", деб мустамлакани нажоткорга чиқарилган. **"Биз номи йўқ қашшоқ, гадо эдик"**, дейишгача етиб борилган.

"Бўронлар қанотида келган Улуғ Октябрь мусаффо, ғуборсиз ҳаёт самосида асло ботмайдиган, сўнмайдиган мангу бахт куёшини кўтарди!.. Улуғ йўл устида Октябрь куёши порлади. Мазлумларнинг зориқиб кутган улуғ куни туғилди", деб нафақат хат-саводсиз авомни, балки диний-дунёвий китобларни ўқиган саводли кишиларни ҳам "сеҳрлаб" қўйилди.

"Ботмайдиган", "сўнмайдиган" "бахт куёши" "пуф" деганда ўчган шамдек, 91-йил шомида бир липпилаб ўчиб қолди. Бўрон тугул, шамол ҳам турмаган эди, лекин анча нураб қолган экан, ичкарида эсган енгил шабадани кўтаролмай қулади.

Шундай қилиб, "17-йилда туғилган мазлумлар зориқиб кутган улуғ кун" 91-йилда оламдан ўтади. Унга қабр тоши ўрнатиб, "1917-1991 йил. Мазлумлардан ёдгорлик" деб ёзиб қўйгани ҳеч ким ҳафсала қилмади. ﴿فَمَا بَكَتْ عَلَيْهِمُ السَّمَاءُ وَالْأَرْضُ﴾

﴿Уларга осмон ҳам, ер ҳам кўз ёш тўкиб йиғламади...﴾¹

То 1991-йилгача 17-йил тараннум этилган эди. Тараннум этганлар юқорига кўтарилган эди. Ҳозир эса ўша "мангу улуғ кун"нинг ўлимини мотам эмас, байрам қилиб нишонланмоқда. Бу ёғи "кимга – тўй, кимга – аза"...

"Эгри иш эллик йилдан кейин ҳам эланар" деган ҳаётий ҳақиқат асримизда қайта ўз исботини топди. Ишлар миридан-сиригача фош этилди. "Фаровон инсонлар" ҳасрат қозонида 70 йилдан ортиқ димланиб ётган эканлар. "Ҳур" дегани хор, "эркин" дегани тутқун бўлиб чиқди. Буни тузум тагига сув кетгандан кейин пайқаб қолинди.

"Саводли кишиларни ҳам "сеҳрлаб" қўйилган" дегани ҳаводан олинган қуруқ гап эмас. 91-йилгача ёзилган асарлар ва кейинги эътирофлар одамларнинг сеҳрланганига – эс-ҳушлари олиб қўйилганига далолат қилади.

"**Эътиқодимни нега ўзгартирдим?**" мақоласининг муаллифи ўтмишни хотирлаб дейди:

"Биз бахтиёр эдик ва бахтиёрлигимиз учун меҳрибон отамиз – доҳий Сталинга раҳматлар айтишдан бўшамасдик. Табиийки, у пайтларда биз дунёни боланинг кўзи билан кўрар, кўрганларимизни боланинг ақли билан идрок этар эдик – бизни исталган кўйга солса бўларди, биздан исталган қўғирчоқни ясаш мумкин эди. Бизга нимани уқтирсалар, шуни ҳақиқат деб қабул қилардик. Қулоқдан кирган панд-насиҳатлар, кўзимиз кўрган шиору чақириқлар юрагимизга бажарилиши шарт бўлган ҳарбий буйруқлардек ўрнашиб қоларди.

¹Духон 29-оят.

Комсомол билети биз учун энг муқаддас ашё эди – уни кўз қорачигидай асрардик.

Комсомоллик йилларимиз уруш даврига тўғри келди. Биз ҳали ҳам юпун, чала қурсоқ эдик, яшаи шароитимиз жуда қолоқ ва оғир эди. Турмушда ҳали тузукроқ рўшнолик кўрган-нимиз йўқ, хонадонларимизда биримиз икки бўлгани йўқ, юртимиз ҳам ободончиликдан йироқ эди. Биз буларнинг барини урушга йўярдик-да, ҳамон ўзимизни бахтиёр ҳисоблардик.

Тўғри, юрагимизнинг алла-қаерида шу бахтимиз кемтик-лигини гира-шира ҳис қилардик. Лекин "Нега шунақа? Бу кемтиклик нимада?" деб ўз-ўзимиздан сўрамасдик. Сўролмасдик ҳам. Биров ман этгани учун эмас, балки сўраб ўрганмаган эдик. Умуман, советча ҳаётимизнинг бирор жиҳатига шубҳа билдириши, бирон ишимизга шак келтириши ёки ақидамиздан гумон қилиши бизга ёт эди.

Биз бахтиёр эдик, чунки бизга "Сенлар — бахтиёрсан" деб уқтиришган эди. Биз Сталиннинг фарзандлари эдик".

Озод Шарафиддинов
"Тафаккур" журнали 1997 йил, 10-сон.

Майли, ўтган ишга – салавот, қолган ишга – баракот. Бундан буёғини Ҳақнинг Ўзи ислоҳ қилсин, ортда қолган ул қаро кунлар асло қайтиб келмасин, қайтаришга уринаётган ношудларнинг режасини барбод этсин, авлод аждоддек алданмасин.

"Ўзингдан ўтган айб, қаерга борсанг – хайб". Ҳаммасига аслида ўзимиз айбдор. Бировдан ўпка-гина қилиш бефойда. У хатолар такрорланмаслиги учун ўтмишдан сабоқ олиш эса кони фойда. Кўр ҳассасини бир марта йўқотади.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ قَالَ: "لَا يُلدَعُ الْمُؤْمِنُ مِنْ جُحْرٍ وَاحِدٍ مَرَّتَيْنِ"

Бухорийда келган ҳадис: "Мўмин бир чақилган индан икки марта чақилмайди", деб хатодан хулоса чиқаришни ўргатган.

Араб масали: "Агар ўзинг эгилмасанг, биров асло сенинг устингга минолмайди", деб уқтирган.

СССР, унинг асосчилари, арбоблари ҳақида танқидий сўз айтиш, фикр билдириш кеча қанча қийин бўлса, бугун шунча осон бўлиб қолди. "Қайта қуриш" давридан кўрқиб-писиб, ўта эҳтиёткорлик билан бошланган очиқ сўзлаш кейинчалик дадил тусга кирди. СССР чилпарчин бўлгандан кейин умуман бошқа босқичга ўтилди. "Ёв йўғида – ҳамма ботир" бўлиб қолди. Бора-бора "СССР, Ленин, Сталин" деган атамаларнинг сийқаси чиқиб кетди.

Сири фош этилган партия раҳнамоларининг чиркин қилмишини ўқиган киши улардан жирканмай иложи йўқ. Уларни фош этган китоблардан бири Игорьь Буничнинг (1937-2000) "Партиянинг олтинлари" китобидир. Китобни Озод Шарафидинов (1929-2005) мумтоз таржима қилган. "Сўз олтиндан қиммат" деганларидек, Раҳмон Қўчқор фикрни очувчи олтиндан қиммат муқаддима билан китобни янада бойитган. Асарни ўқигач, ўқувчида кеча билан бугунни солиштириш имкони туғилади. Олтинга ҳарис компартия раҳнамолари ҳамда уларга пайров раҳнамоларни қиёслаш осонлашади.

Ёритмоқчи бўлган мавзумиз ҳасрат ҳақида бўлгани боис ҳасратга кон у даврга тўхтамасликнинг иложи йўқ. Шунинг учун сийқаси чиққан калималарни ишлатишга мажбурмиз.

Ўтмишдан оғиз очилса, баъзиларнинг энсаси қотади. Ўтмиш энсақотар мавзу эмас. Ҳатто Қуръон ўтмишдан сабоқ берган. Бу билан инсониятга ўзининг тарихини муҳофаза этган. Зотан, тарихни ғубор қопламаслиги учун унинг ҳар бир саҳифасини дам-бадам варақлаб туриш зарур. Айтилмаган нарсаларнинг кўплиги шунда аёнлашади, қопқон билан қалқон, дўст билан душманни ажратиш осон кечади.

Ҳақ таоло: ﴿ قُلْ سِيرُوا فِي الْأَرْضِ فَانظُرُوا كَيْفَ كَانَ عَاقِبَةُ الَّذِينَ مِن قَبْلُ ﴾

﴿ (Эй Росулим, уларга) "Ер юзида сайру саёҳат айлаб, аввалгиларнинг оқибати – (аянчли ниҳояси) қандай бўлганини кўриб қўйинглар!" – деб айтинг! ﴾ деб фармон берди. Рум 42-оят.

Ўтмишни ёритиш масъулияти

*"Ўрта Осиё, жумладан,
Ўзбекистон халқларининг тарихи
зоят машаққатли ва фожияли" эдими?..*

Мен ўтмишга адвокатлик қилмоқчи эмасман. Ундаги қаро қилмишларни оқламайман. Лекин сарагини саракка, пучагини пучакка ажратмай туриб ўтмиш ҳақида ёзишни ҳамма инсофли инсонлар қатори қоралайман. Тарафкашлик, бирёқламалик, шахспарастлик, замонасозлик миллатни ўстирмайди, билъакс, ўлдиради. У баайни оғу, элни ёвнинг муте қаролига айлантирувчи қурол. Бунга кеча ва бугунимиз катта шоҳид.

Тарихдаги хатоларни бўрттириш – уят ва қабоҳат! Орномуси бор шарафли инсон бундай разил ишга қўл урмайди.

Мозийга доғ бўлиб тушган салбий ҳолатларни Исломга нисбат бериш эса – жаҳолат ва жиноят. Қилча маърифатга эга виждонли одам бу разолатга ботинмайди.

Яхшиликни яшириш, индамай ўтиб кетиш айни нонкўрлик ва хиёнат. Вафодор ватанпарвар, юртнинг содиқ фарзанди зуғум остида яшаб ижод қилган тақдирда ҳам имкон қадар, ишора билан бўлса ҳам ҳақиқатни айтишга уриниши лозим.

Ўтмишни ёритишда муболағага йўл қўйилгани, ҳаттоки "уйдирмачиликка берилиб кетиш" каби қалтис хатолар содир этилгани ўтган асрнинг ўрталаридаёқ ёш ўқувчилар томонидан адиблар юзига очик айтилган.

Абдулла Қаҳҳор (1907-1968) 1965 йилда ёзган "Ўтмишдан эртактлар" қиссасининг сўз бошида ушбу сатрларни ўқиймиз:

Зехнимда шунга ўхшаш қалқиб юрган хотираларимдан ташқари қалқимасдан тошдек чўкиб ётган хотиралар ҳам ҳисобсиз эканидан узоқ замон беҳабар эканман. Бундан мени Антон Павлович Чехов домла хабардор қилдилар.

Бундан ўттиз йил бурун мен у кишининг йигирма икки томлик тўпламини қўлимдан қўймасдан ўқиб чиқдим. Шунда аломат бир ҳодиса юз берди: шу билан муҳтарам устод

менга гўё муборак кўзойнақларини бердилар-у: "Мана буни тақиб, ўз халқингнинг ўтмишига назар сол!" – дедилар.

Устоднинг муборак кўзойнақларини тақиб халқимизнинг ўтмишига қарадим. Бир томонда Антон Павловичнинг темир йўл гайкаларини бураб олган "ёвуз ниятли киши"си, иккинчи томонда отқоровул, юр, деса юрган, тур, деса турган, устидан ошириб ўқ узганда киприк қоқмаган "баттол ўғри" – Бабар! Булар замона дарахтида етишган бир олманинг икки палласи эди.

Шундай қилиб, болалигимда зеҳнимга чўкиб қолган хотиралар уйғонди, юзага чиқди: ўша вақтдаги халқ ҳаёти кўз олдимга келди. Мана шунинг натижаси бўлиб, ўттизинчи йилларнинг ўрталарида гам-гуссага тўла "Ўғри", "Томошабоғ", "Бемор", "Анор", "Миллатчилар" вужудга келди. Бу ҳикояларни кенг китобхонлар оммаси хуш қабул қилган, ҳанузгача қайта-қайта босилиб келаётган бўлса ҳам, ўша вақтлардаёқ ёш китобхоннинг эътирозига сабаб бўлди. Ёшлар ҳикояларда тасвир этилган воқеаларни ортиқ даражада муболага деб билишарди.

Йиллар ўтиб янгидан-янги китобхон авлод етишган сайин бу эътирозлар кескин тус ола борди: наинки, хўкизидан айрилган мусибатдийда бир мўйсафидга ҳеч ким раҳм қилмаса, ахир амалдорлар ҳам одам-ку; наинки, киши ўз юртида бегона бўлиб, ўз шаҳрининг томошабоғига киролмаса; наинки, бемор хотинга гўдакнинг саҳарлари қиладиган дуосидан бошқа даво топилмаса; наинки, соғ-саломат йигит бошқоронги хотинига иккитагина анор олиб беролмаса; наинки, зиёли деб аталган киши бойнинг итидан ҳам тубан турса!

Ёш китобхонларнинг таънаси хусусан сўнгги йилларда дашномга айлана бошлади.

1960 йилда ўзбек аёлининг ўтмишига оид "Даҳшат" деган бир ҳикоя ёзган эдим. Бу ҳикояда саккизта аёлни Олимбек додхохнинг ҳарамига қамаб қўйганим бир аёлга ҳақорат бўлиб тушибди.

Имзосиз, адрессиз юборилган хатда шундай сатрлар бор: "...ўтмишда шундоқ бўлса, эҳтимол, бўлгандир, лекин ўзбек хотин-қизлари тарихининг шундай маломатли саҳифаларини ҳозир, бугунги кунда тирилтириш шартмиди? Сиз ўтмишни қаламга олганингизда баъзан уйдирмачиликка берилиб кетасиз..."

Мана шунақа таъна-даиномлардан кейин "уйдирмачиликка" берилмасдан, ўз кўзим билан кўрганларимни, кечирганларимни, ўтмиш ҳаёт лавҳаларидан эсимда қолганларини қаламга олгим келиб қолди. Китобнинг газета ва журналларда босилиб чиққан айрим парчаларини ўқиган бир танқидчимиз ҳалитдан гашилик қилиб: "Жуда зулмат-ку, китоб ўқувчида жуда оғир таассурот қолдирмасмикин?" – деб қолди.

Бу танқидчи 1930 йилда тугилган, ундан кейин тугилган ёшлар, шубҳасиз, бу мулоҳазани кескинроқ айтишини ҳам биламан. Мен китобни "Ўтмишдан лавҳалар" деб атамоқчи эдим, майли, шуларнинг ҳам кўнгли тўлсин, китобни "Ўтмишдан эртаклар" деб атай қолай.

Муқаддима ўрнидаги "Бир-икки сўз"дан сўнг муаллиф ўз кўзи билан кўрганларини, бошдан кечирганларини, ўтмиш ҳаёт лавҳасидан эсида қолганларини қаламга олади.

Дарҳақиқат, бугунги кунга келиб, қўқонлик темирчи ўғли ҳикоя қилган замон; оғир кунлар, ҳавас қилиб бўлмас дамлар, яхши-ёмон инсонлар, советлардан ўтган сафил ғоя, топинилган ноодамий мафкура, инқилобдан олдинги халқда сақланиб қолган одамийлик, омонатдорлик каби гўзал одатлар бугунги авлод учун эртакдек туюлади. Асардан парча ўқиймиз.

"Биз Яйпанда Олим бува деган бир нонвойнинг таиқисиди турар эдик", – деб сўз бошлайди адиб. Олим буванинг ҳовлиси билан таништириб бўлгандан сўнг унинг ўзи билан таништиришга ўтади. Олим бува билан танишиш орқали биз учун ўша давр – қийинчилик, қашшоқлик, саводсизлик илдиз ёйган давр билан танишиш имкони туғилади.

"Олим буванинг ўгли кимнингдир эшигида қарол, қизи эрга тегиб кетган. Унинг ўзи саҳарда туриб нон ёпади, нонни дўконнинг олдидаги тахтага дасталаб қўйгандан кейин чорвоғига кириб кетади-ю, шом қоронғисида чиқади; дўконга келиб нонни, тушган пулни санайди, пул баъзан кам келса керак, жаврайди, пул ёки нон кам келганига эмас, пул ташламасдан нон олиб кетган киши бировнинг ҳақини еб, дўзахий бўлганига куяди".

"Ўтмишдан эртаклар", 5-бет.

Дўппини ерга қўйиб тааммул қилишга ва чуқур фикр юриштишга лойиқ сатрлар.

Нонвой тонг саҳарда нонни ёпиб, дўкон олдидаги тахтага дасталаб қўяди. Сўнг чорвоғига (боғига) кириб кетиб, бошқа юмушлар билан банд бўлади. Кундузи кўчага шундоқ ташлаб кетган нонидан хабар олиш учун кечаси, адиб айтганидек, шом қоронғисида чорбоғидан чиқиб келади.

"Эртак!" демай илож йўқ. Чунки бугун сотувчи товардан кўзини узмай ён-атрофга кўз-қулоқ бўлиб, сергак туриши зарур. Бу – давр талаби. Ҳушёр турмаганни тунаб кетишади.

Дўконга келиб нонни, тушган пулни санайди. Баъзан (диққат қилинг, ҳамиша эмас, аҳёнда) кам келса керак, жаврайди.

Бақир-чақир қилмайди, айюҳаннос солмайди, дод-фарёд билан ҳамма ёқни бошига кўтармайди, тегишли органларга чопмайди, фақат жавраб қўяди, ичидан куяди.

Нега жаврайди? Нега куяди?

"...пул ёки нон кам келганига эмас, пул ташламасдан нон олиб кетган киши бировнинг ҳақини еб, дўзахий бўлганига куяди", – деб изоҳлайди адиб.

Яна "Эртак!" деб юборасиз. Ажойиб эртак!..

Чунки бугунги кунда буни ҳаётга татбиқ қилиш тугул, хаёлга келтиришнинг ўзи анча мушкул иш. Бунинг учун одам зўр фантазиячи, фикр доираси кенг хомхаёл бўлиши керак.¹

¹Туркиядаги бир нон дўконида фақирлар учун бепул пештахта қўйилиб, унга: "муҳтож бўлсанг, бу ердан ол" деб ёзиб қўйилган экан. Ажойиб тадбир!

Лениндан ҳаракатимизнинг моҳиятини бир оғиз сўз билан ифодалаб бера оласизми, деб сўрашганида: "Нон учун кураш!" – деб жавоб берган экан.¹ Ленин замони ортда қолди-ку, дерсиз. Тўғри айтасиз, лекин оқовасига нима дейсиз?..

Қайси бирига ажабланишга ҳам ҳайронсан: Эгаси йўқ нонни олиб, индамай пулини қўйиб кетган харидоргами, ёки қийинчилик замонда ноннинг ҳаммасини савати билан кўтариб қочиб кетмаган инсофли қашшоқларгами? Ахир "Ўзи йўқнинг – кўзи йўқ", "Кўзи йўқнинг – юзи йўқ" эмасми?

Ёки сотилган ноннинг пулини ҳеч ким ўғирламай, бир сават ноннинг пули кун бўйи тошдек тебранмай турганигами?

Ёки ўзгармас барқарор нарх-навогами?

Агар нарх-наво ҳар куни ўйнаб турса, бугун иккита нон олган пулга эртаси битта нон олсанг, кейинги кун шу пулга умуман нон сотиб ололмасанг, қаердан бундай эркин савдони топасан?! Бундай пайтда қайси танти нонвой *нонни дўконнинг олдидаги тахтага дасталаб қўйиб, ўзи чорвогига кетади?!*

Шўро ҳукумати бойнинг мол-мулкини талаган, камбағаллик томир отган даврга келиб бошқача манзаранинг гувоҳи бўламиз. Асарнинг 98-бетида адиб "нон-книшка" деган бизга нотаниш сўзни ишлатади. Киссада доим нон-книшкани кўтариб юриш, нонга навбатга туриб, рўйхат билан нон олиш, бир бурда нон учун жон куйдириш, бу – "Қўрқинчли эртак!"

Нонни шакаробга тўғралган пиёздай ингичка кесиб сотилган совет даврида нонвой нонни кўчага дасталаб қўйиб, бир ровга ичкарига кириб чиқса, нималар рўй бериши мумкин? Зум ўтмай бир тандир нонидан айрилган нонвой "вой, нон?!" деб додламайдими? Ҳозир шундай қилиб кўрсин-чи?

Ўша пайтларда "уч дона нон пули ўн беш сўм бўлган". (64-бетга қаранг). Ойбекнинг "Улуғ йўл"ида инкилобдан олдинги нарх-навони ва пул қадрини билишга ёрдам берадиган сатрларни кўриб қолиб. Шунини биргаликда ўқиб чиқайлик.

¹ Ж. Абдуллаев. "Ният холис бўлсин". Шарқ юлдузи. 1990 йил, 9 сон, 6 бет.

– Бугун чоршанба бозор, – деди у (Зумрад) онасига, – Эски жўвага бораман-да, жиякларни пуллайман. Кейин гулдор фаранг читдан кўйлаклик оламан. Янги нусха чиққан ойи, биласизми?

Кампирнинг энсаси қотган эди, силтаб ташлади:

– Тек ўтир, бозорга ўзим бораман. Унақа юрмисак бўлма, тентираш қизларга ярашмайди.¹ Йиғиб бер менга жиякларингни, – деди кампир юзига фотиҳа тортиб...



Зумрад жиякларини пешинга яқин пуллаб бўлди. Чақа ва тангаларни нимчасининг ички чўнтагига жойлаб кўнгли тинчигач, дўппи бозоридан чиқди. Юк ортилган аравалар, эшаклар, қўлларини чўзиб турган тиланчилар, сават-сават нонни кўтариб югурган болалар, Машираб газалларини ўқиб "Ё ҳу!" дея бақириб кетаётган қаландарлар тўла кўчани оралаб бораётган Зумрад таққа тўхтади...



Зумрад ҳар вақт ипак харид қиладиган дўкони олдида тўхтади. Қаригина, жиккак, мулойим кишига одоб билан салом бергач:

– Савдолари яхшими? – деб сўради.

Чол ҳам хушмуомалалик билан:

– Келинг-келинг, ой қизим, кампир саломатмилар? – деб қуюқ сўрашди. – Хизмат? – дея дарҳол жилоланиб турган ранг-баранг ипакларни саралашга киришди.

– Икки сўмга хиллаб ипак беринг, – деди Зумрад пулни узатиб.

Чол турли рангдаги калава-калава ипакларни тарозида тортар экан, бир нафас жағи тинмади...

"Улуғ йўл" 137-140-бетлар.

¹ **Юрмисак** – Кўп юришни яхши кўрадиган (санғи аёл).

"**Юрмисак бўлма(нг)! Тентираш қизларга ярашмайди**". Тарбия китобларига сарлавҳа, бозор дарвозаси ва мамлакат чегарасига пешлавҳа қилишга ҳамда қалб пештоқиға ёзиб қўйишга арзигулик тарбиявий гўзал ибора!

"Чақа, танга, тийин" аллақачон тарихга айланди. Чақа кўрмаган авлод бу пулни қомус орқали билиб олса керак.

"Икки сўмга хиллаб ипак беринг"... Бир вақтлар икки сўмга рангго ранг (ип эмас) ипак харид қилингани ҳам тарих архивига тушиб бўлган. Бу – 2 сўмга ипак эмас, ип ҳам келмайдиган давр авлоди учун тасдиқи қийин Эртак! Кесатиб айтаётганим йўқ, ҳақиқатда Эртак!

2014-йилнинг баҳорида бозорга чиққан бир киши: "7000 сўмга 2 кг картошка олдим. Бир вақтлар 7000 га "Москвич" машинасини сотиб олган эдик", деб қолди...

"Ёзнинг иссиқ кунлари. Ҳовлимиз, айниқса қоронғи бўлса ҳам салқинроқ уйимиз гиж-биж пашша. Бир куни дадам уйнинг эшик ва дарчасини зич ёпиб, аччиқ тугма қалампир тутатди. Тутун шундай аччиқ эдики, уйдан дадамнинг ўзи зўрға чиқди, узоқ йўталди. Унинг ниятидан хабардор бўлиб, Олим бува астойдил хафа бўлди ва девор оша:

– Уста, Худонинг махлуқига озор берманг, пашшани ҳам Худо яратган, жон берган! – деди.

Дадам тутунни дарров ўчирди". "Ўтмишдан эртақлар", 5-бет.

Бу ғаройиб ҳодиса 1914-йил атрофида рўй берган. 2014-йил авлодига буни тушиниш осон кечмаса керак. Она кўкрагига ёпишган оч чақалоқдек компьютерга маҳкам ёпишиб, одам ўлдириш; сўйиш, чавақлаш, замонавий қурооллар билан отиб ташлаш, шаҳар-қишлоқларни бомбардимон қилиш каби электрон ўйинларни ўйнаб ўсган болага "пашшага озор бермаслик" ҳақидаги ҳақиқат чўпчакдек туюлиши турган гап. "Ужас" "боевик" каби фильмларни, "каратэ" деб аталмиш кўл, оёқ, таёқ билан инсоннинг энг нозик жойларига зарба беришни, муштлашни, ўлганнинг устига чиқиб депсинишни ўргатадиган киноларни кўриб ўсган ўсмирга; китобга хуши йўқ, кино деса ўзини томдан ташлайдиган авлодга "бундан юз йил олдин ота-боболаринг пашшага озор бермаган" дейилса, улар буни қандай қабул қиларкин?

Интернетда мавзуга оид тарихий ривоятни ўқиб қолдим. Ривоят сихҳати менга маълум эмас. Навоий ўша давр одатига биноан айтганларидек, "ал-ухдату алар-ровий" – Гап нотўғри бўлса, жавобгарлик ривоятчининг зиммасигадир. (НАЛ).

Кунлардан бир куни Мир Алишер аср номози тугагач, кундалик одатига қарши, масжиддан тез чиқиб, суръат билан, бирор жойда тўхтамай, ҳиротликлар Унсия атаган ҳовлисига етиб борди ва ҳовли тўридаги бинафшазорга қараб юрди. У ерда бир муддат тургач, яна шундай ошиғич ила орқага қайтди. Бунни кўриб кўпчилик ҳайрон қолди. Хожжа Ҳофиз Муҳаммад Султоншоҳ Мир Алишердан бесаранжомлиги сабабини суриштирганда, у шундай жавоб берди:

– Мен масжидга келаётганимда, ҳовлимдаги бинафшазор четида таҳорат олган эдим. Номоз сафида турганимда, елкамда бир чумоли ўрмалаб юрганини кўрдим. Чумоли таҳорат олган жойда илашганини англадим. Мабодо у менинг елкамдан тушиб оёқ-ости бўлса-ю, озор топса, омон қолган тақдирда ҳам ўз уясининг йўлини тополмаса, уволига қоламан, деб қўрқдим. Шунинг учун номозни адо қилишим билан тезда таҳорат олган жойимга бориб, уни уяси оғзига қўйдим ва уволига қолишдан қутулдим. Елкамдан чумоли эмас, тоғ ағдарилгандек енгил тортдим, хожам...

Ушбулардан сўнг ўқувчида пашша ва шунга ўхшаш зараркунанда ҳашаротларни ўлдиришнинг шаръий ҳукми борасида савол пайдо бўлиши табиий. Шунга кўра айтамикки, зараркунанда ҳашаротларни оловдан бошқа восита билан ўлдириш жоиз. Замонавий электр жиҳоз билан ҳашаротни қириш олов билан қиришга кирмайди, деган фатво бор.

Олим бува ва Навоий каби аждод қиссасини келтиришдан мақсад ҳашаротни ўлдириш ё ўлдирмаслик ҳукмининг баёни учун эмас, ўша давр аҳлининг замондошимиз чиқолмаган маданият чўққисига чиққанига мисол ўлароқ эди. Озорижон газандага ҳам озор беришдан тийилиш раҳмдилликда қўйилган энг юксак рекорд. Уларнинг бу даражага кўтарилишида раҳмдилликка ундовчи дин таълимоти асосий омил бўлган.

Росулуллоҳ ﷺ марҳамат қилиб дедилар:

"Пайгамбарлардан бирини чумоли чақиб олади. Шунда у чумолилар инларини ёқиб юборишга буюрди. Инларга ўт қўйилади. "Бир дона чумоли сени чаққани учун тасбеҳ айтувчи бутун бошли умматни ёндириб юбордингми?!" – деб Аллоҳ унга ваҳий юборди".

Бухорий Саҳиҳи.

А. Қаҳҳорга қайтамиз. *"Йиллар ўтиб янгидан-янги китобхон авлод етишган сайин бу эътирозлар кескин тус ола борди. Ёш китобхонларнинг таънаси хусусан сўнгги йилларда дашномга айлана бошлади.*

Сиз ўтмишни қаламга олганингизда баъзан уйдирмачиликка берилиб кетасиз.

Ундан кейин тугилган ёшлар, шубҳасиз, бу мулоҳазани кескинроқ айтишини ҳам биламан", – деб нолийди адиб.

Унинг нолишича бордир, балким ёшлар ҳақдир, балким...

Инсоф билан айтганда, ўтмиш қандай бўлса, шундоғича: зоҳиру ботини ила кўрсатишга уринган адиблар ҳам бўлган, бу олий нав бутунлай қирилиб кетган эмас. Бунга Қодирийни, у кишининг "Ўткан кунлар" асарини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Қодирий кўзойнак тақмаган, узоқни кўрадиган кўзи ўткир эди. Қани энди, "мозийга қайтиб иш қилиш хайрлик" эканини англаб, мозийга ўз кўзи билан боққан Қодирийнинг¹ муборак қаламини янги қодирийлар Қаҳҳор ўғли Чеховнинг кўзойнагини мерос олгани каби мерос олишса-ю қўлдан қўймай ўқиладиган янги "Ўтган кунлар"ни тортиқ қилишса...

А. Қаҳҳор дунёга келмасдан уч йил бурун оламдан ўтган рус адибини² "домла", "устод" деб ҳурмат билан хотирлайди ва ўзига устоз деб билади. Йигирма саккиз ёшида унинг 22 томли китобини ўқиб чиқади. Ўрис кўзойнаги билан ўзбек

¹ А.Қодирий 1894 йилда таваллуд топган. 1937 йилда қамоққа олинган. 1938 йил куз фаслида Тошкент шаҳар қамоғида 44 ёшида ноҳақ отиб ўлдирилган.

² А.П.Чехов 1860 йилда дунёга келган, 1904 йил ёзда Германияга курортга кетиб, 44 ёшида дам олиш ва даволаниш муассасида; чет эл оромгоҳида вафот этган.

ўтмишига; турк тарихига боқиб, тарихий асарлар яратади. Лекин у кўзойнакда адиб узок ўтмишга эмас, яқин ўтмишга боққани унинг асарларидан маълум. А. Қаҳҳор Чеховдан кўра кўпроқ умр кўрди. Бироқ устозидек кўп асар ёзиш унга насиб этмади. Қодирий ёш кетгани ва мудҳиш даврда яшагани боис кўп асар мерос қолдирилмади. Умид қиламизки, Қодирий меросини олган некбахт шогирд бевақт вафот этган устозининг ёзишга улгурмай қолган асарларини ёзишни, бўғзида қолган сўзларини айтиб, тарих қатламида мурдадек жим ётган ҳақиқатларни юзага чиқаришни ўзининг олий бурчи деб билгай ва устоз ишини давом эттиришга енг шимаргай.

А.Қодирий юртни мустамлака балосига гирифтор этган хон давридан сўз очиб, сабоқ берган бўлса, янги қодирийлар "Ўткан кунлар"нинг тўхтаган жойидан – чор истеълосидан бошланган, 1917 йил инқилобидан сўнг авжига олган, ва... хунук тусда узок чўзилган зулматли кунлардан сўзлаб сабоқ бергайлар. Ленин асос солган тоталитар тузум, чегара билмас зўравонлик, ақл бовар қилмас ваҳшийлик, кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган йиртқичлик ва унинг битмас яралари, ҳасратлари, фитратга ва динга қарши курашишнинг хунук оқибати, асрларга татигулик асоратларидан далил-ҳужжатга асосланиб, бадий маҳорат билан ажойиб асарлар яратгайлар.

Тарихчиларнинг ёзишича: *Фақат 1937–1939-йилларда Ўзбекистонда ҳаммаси бўлиб 43 мингдан зиёд киши қамоққа олинган. Улардан 6 минг 920 нафари отиб ташланган, 37 минг нафари эса турли муддатли қамоқ ва сургунларга ҳукм этилган.*

"Қатағонлик сиёсати: унинг моҳияти ва оқибатлари".
e-tarix.uz

Мустабид тузум жаллодлари-ю каллакесар ворисларнинг ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайдиган бедодликларини, минглаб айбсиз инсонларнинг шафқатсиз жазоланишини, хазон бўлган умрларни: маҳв этилган нодир истеъдод соҳибларини бирма-

бир, номма-ном ёдга олгайлар. Илғор фикрли ақл эгаларининг туташ қисматини, "қама-қамалар" тарихини ўргангайлар...

Жаҳолат, бидъат-хурофот, ўзаро хилоф, таассуб, тарқоқлик, ўзбошимчалик, шахсга сиғиниш каби иллатлар миллатни қай аҳволга солганини ва солаётганини илмий ёритгайлар, оламга ёйиб, оммага овоза қилгайлар, тоинки кўзлар очилгай...

Итга хашак, отга суяк ташлаган меровларнинг фитратга зид телба-тескари ишларини очиб ташлагайлар.

Пайтавақулоқ пандавақилар қандай қилиб коммунистлар фирқасига аъзо бўлганини, қандай қилиб тез кун ичида юқори лавозимни эгаллаганини, узоқ-яқин хешларини ўққа тутиб, қаматиб давр сурганини холислик билан ёритгайлар. Бир асрдан мўлроқ давр фожиасини элга дастурхон қилгайлар. Давр худоёрхонлари, мусулмонқуллари, хомидлари ҳамда эл-юрт ғамида соч-соқоли оқарган юсуфбекҳожилари ҳақида сўзлаб, келажак авлодга янги аср тонготарини тасвирлаб бергайлар.

Ота-онаси билан бирга Тошкентга етиб келиб, чимматини эрининг уйига киргандан сўнг очган Кумуш ҳақида Қодирий жўшиб ёзган бўлса, янги қодирийлар (Ниёзий ибораси билан айтганда) "ой юзини чиммат зулматидан қутултир"ган ифбатсизларнинг Ватандан чиқиб кетиб, Россия, Корея, Тайланд ва бундан бошқа узоқ ўлкаларга ёлғиз ўзи очик сафар қилиб, чет элнинг жирканч кечасида, булғанч кўчасида бебаҳо номусини арзимас сариқ чақага пуллаб, эл-юртини шармисор қилаётган, бекалик бахтидан маҳрум "қиз"лар ҳақида ёзгайлар. Уларнинг қабоҳат йўлига киришга ундаган ёки мажбурлаган факторларни очиклагайлар. Нега улар бу йўлга кирди? Бунинг сабаби нима?.. Нотўғри тарбиями, шахвоний ҳиреми, иқтисодми?

Қорин очқаб қолганда, ор-номусни сотиб қорин тўйғизилмайди. Энг танг аҳволда ҳам Дин, Иймон, Ватан, Тана... сотилмайди. "Жиғилдон хуруж қилган ерда виждон йўқ", деб жиғилдонга онани, болани алмашилмайди.

Ё бунинг ортида яширин ғоя бекинганми? Бегоналарнинг қўли борми? Пок жамиятда фаҳш ёйишдан ким манфаатдор?!

Фоҳишабозлик илдизлари қаерда?

Ойдек қизларнинг бузилишига ким сабабчи? Ким айбдор?

Ота-онами? Ака-уками? Даюс эрми?!

Маҳалла-кўй, бозор, ишхона: жамоатчилик айбдормикин?

Ё мактаб, коллеж, институт, университетми? Балки, бола боғчадан бузила бошлагандир. (Бола мавзусига яна қайтамиз).

Фасод, фисқ-фужур тарқатишда видео, интернетга етадигани йўқ. Роҳи ростан оған битта сангдил бош эса мингта интернетдан ёмон. Бузғунчиликда ундан ўтадигани йўқ.

Нима бўлган тақдирда ҳам ҳамма айбни қизнинг устига ағдариш инсофдан бўлмас. Маълумки, Кумушга оғу берган – Зайнаб. У шу важҳдан қотил. Бироқ унинг жинояти ортида бошқа одамлар ва омиллар ётганини унутмаслик керак.

Зайнаб яхши ниятларда бир ёстикқа бош қўйган "эр"идан эрлик аломатининг бирортасини кўрмади. Муҳаббат ҳиссидан асар йўқ. Ҳаттоки сохта севги ундан дариғ тутилган. Хотин сифатида "эр"ига термилиб қараса, "эр" ундан юзини буради. Яқинлашса, орқага тисарилади. Лоақал сўз билан ички ўт алангасини ўчирай деб суюкли эрига ширин сўзларни танлаб гапирса, "қаллик" жонивор тилсиз ҳайвондек жимжит.

"Жабр ва хиёнат"дан сабр-бардоши тугаган ёш келинчак олдида бу азобдан қутулиш учун учта йўл бор эди. Учови ҳам бир-биридан ёмон.

Зайнабнинг қорни тўқ, усти бут, егани олдида, емагани ортида бўлгани билан у ғирт азобнинг ичида кун кўрарди, ҳаммага ором бахш этган тун унга алам бағишларди. Бу ҳол изоҳга муҳтож бўлмаса керак. Ахир бахт-саодат фақат еб-ичиш, қиммат кийим кийишнинг ўзи билан ўлчанмайди-ку.

Хуллас унинг олдида учта йўл бор:

1-Талоғини сўраб, "жонсиз ҳайкал эр"дан қутулиш.

2- Уни шу куйга солган рақибини қулатиш; маҳв этиш.

3- "Сен менга боқмасанг, менга термилиб тўймайдиганини ўзим топиб оламан", деб ўйнаш орттириш.

Зайнаб иккинчи йўлни танлади.

Қотиллик инсоният қўл урган энг катта жиноят. Фоҳишаллик – хиёнат эса аёл содир этган энг катта жиноятдир.

"Эрсиз хотин – бошвоқсиз от" дейилганидек, Зайнаб жонсиз ҳайкал эрга ўчакишиб, номигагина хотин бўлиб ўтмасдан, ҳақиқий хотинлардек яшаш учун; келинлик гаштини суриш, аёллигини ҳис этиш, жасад эҳтиёжини қондириш, тирик туллик азобидан қутулиш учун учинчи йўлга кадам қўйса бўларди, лекин у бу қабоҳатдан – фоҳишабозликдан жирканиб, қотилликни афзал билди. Зеро ўтмишда андининг ҳам андишаси бўлган.

Во дариғ! Замона зайнаблари эри бўла туриб ўйнаш ортирапти. Эрга тегмай ҳомила бўляпти. Баъзилари ахлат қутига ўхшаб қолган. Ҳар ким келиб нажасини тўкиб кетади. Айбга буюрманглар-у, агар ўринли ташбеҳ қилсак, айрим аёллар шахватпарастларнинг памперсига айланган. Ҳа, памперснинг ўзи – бир марта ишлатиб ташлаб юбориладиган арзимас мато.

Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, эр зоти эга бўлган энг қимматбаҳо бойлик, эр ҳимоя қилиши вожиб бўлган ноёб хазина – унинг аёли, қизи: ор-номуси, иффатидир. Эр бу бойликдан айрилса, ҳамма нарсадан айрилибди. Унинг ҳимоясига турмаса, эрлик номига доғ туширибди.

Хотинининг сийна ва сонини оламга кўз-кўз қилган эрни тарих билмайди. Аҳлининг киндигини, бел, билак болдирини оммага очиб кўрсатган эр мозийга ёт. Ўрис ҳам инқилобгача очик юрмаган. Мен баъзи аъзоларни минг истиҳола билан мажбуран зўр-базўр қаламга оляпман, эркакдан кўра ҳаёда юз чандон кучли бўлган "қизлар" эса ўша аъзоларни очиб қандай яланг юришини ақлга сиғдиролмадим.

Агар минг йиллик ҳасрат билан охирги юз йиллик ҳасратни ақл тарозисида ўлчанса, охирги юз йиллик минг йилдан оғир келади. Ўтган асрдан кўра кейингиси тарози босади. Бир асрни чорак аср анча ортда қолдиради.

Ўқувчининг ёдида бўлса керак, биринчи китобда Зайнаб исмли икки аёл "эрга закот бериш" масаласи бўйича Набий ﷺ

ҳузурига келган эди. Набий ﷺ Билолга ﷺ: "Қайси зайнабларни айтяпсан?" дегандилар. Бу гал сўз "Ўткан кунлар"даги Зайнаб ҳақида кетди. 14 аср олдин ўтган Зайнаб иймон чашмасидан қониб ичган аёл. Шунинг учун у эрига ёрдам бермоқчи бўлди. Бир аср олдинги Зайнаб эса бу чашмадан етарли ичмаган. Шунинг учун эрини хато йўл билан ўзига жалб этишга уринди. Уни жинойтдан тўсишга заиф иймоннинг кучи етмади.

Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, иймон чашмасидан атиги бир қултум хўпламаган замона зайнабларидан нимани кутиш мумкин?.. Иймон кетган жойдан ҳаё кетади, ҳаё кетган жойда шармандалик дарвозаси очилиб, номуссизлик кириб келади. Киндик очиб юриш маданиятга айланади.

"Киндиги очилмаган қиз" мақоласининг муаллифи куйиниб ёзган ушбу сатрларда давр ҳасрати ўз аксини топган:

Гапнинг рости, қизларимизнинг ибодат-ҳаёси, кийиниш маданияти ўзларини тутиши тўғрисида фақат эринчоқ одамгина ёзмади ва нималар демади.

"Қиз асрагунча, туз асраган афзал" дейишган қадимгилар. Нега? Чунки қиз бола шу қадар нозик ҳисобланганки, у сал нарсага айниб кетиши мумкин. Тоза оқ сутга бир томчи сиёҳ томса, қанчалик булганса, қиз боланинг ташқи кўринишининг очилиб-сочилиб кетиши ҳам шунчалик унинг бутун борлиғу номусига доғ бўлиб тушади. Бироқ ҳозир гап қиз бола тугул ҳатто ўғил болаларимизнинг кийиниш "маданияти" тўғрисида ҳам эмас, балки қандай кийинганидан, феъл атворининг кенгу торлигидан қатъи назар – кўз ўнгимизда ўз-ўзича шаклланиб келаётган бу одам нима эшитиб, нима кўриб улғаяётганлиги ҳақида.

Бошиданоқ айтиб қўяйлик: қадрли ота-оналару азиз ва мўътабар устозлар бизни кечирсинлару, аммо тан олмай иложимиз йўқ – ҳозирги кунда фарзандларимиз тарбияни биздан эмас, интернетевидео аталмиш раҳнамосидан олиб ётгани бор гап. Бир қараганда шуниси ҳам яхшидек. Ахир биз уззукун ўғил-қизимизнинг тарбияси билан шуғулланадиган бўлсак, бола-чақани ким боқади?

Интертелевидео эса унинг ҳам отаси, ҳам онаси, опаси, дугонаси, дўсти, тарбиячиси бўлиб қолганини шундан кейин ҳам тан олмай кўрингчи. Аммо бу "дўст"нинг болаларимизга ўргатаётган жуда кўп нарсаларини шу ёшга кириб, баъзан маҳрамингизга ҳам айтолмайсиз. Масалан, 7 ёшдаги қизалоқлар аёл киши боши айланиб, беҳол бўла бошладими, бу ҳомиладорликдан нишона эканлигини қаердан билади? 5 ёшдаги болакай эса чақалоқларни касалхонадан олиб келишмайди, уларни аялар худди мушукларга, бўри ёки тулкиларга ўхшаб "туғишию", катта болаларини эса "чақалоқни сотиб олдик" деб алдашларини ҳам ҳарҳолда уларга ўзимиз ёнимизга ўтиргизиб, эринмай, батафсил тушунтирмаган ёхуд бу ҳақда уларга бозча опаси махсус машгулот ўтиб гапириб бермагандир?

Бир танишимнинг қизи оддий мактабдан нуфузли гимназияга ўқишга қатнай бошлади. Эҳ қизлар, қизлар. Улар хоҳ етти ёшда бўлсин, хоҳ ўн еттида гаплашадиган мавзулари албатта мода ёки кийим-кечакдан бўлади. Нима гап ўтса ўтганки, янги келган қизалоқ дугоналари билан гурунглаша туриб ҳали умрида "топик" (қориннинг тепасидан келадиган майкача) кийиб кўрмаганини айтиб қолади. Қизлар пиқирлашиб кулишган, "Вей, сени қараю, киндиги очилмаган қиз!" деб уни мазах қилишган. Буни қарангки, бу гаплар қизалоққа оғир ботади. Гўёки киндигини очиб юрмаслик – уятдек, хўрлиги келиб, ота-онасини ёзгиради: мана, сизларнинг тартиб-қоидаларингизни деб ўртоқларимга калака бўлдим!

Ҳа, бу не гапки, эндиликда бор-йўғи бошқаларга нисбатан ахлоқли бўлиш ҳам айб ҳисоблансаю, жамоа ундайларнинг устидан кулса, янаям аниқроғи кийим кийишдаги оддий меъёрийликни табиий қабул қилолмасалар?

Ҳа, болаларнинг кўзи тугул киндиги ҳам очилиб кетгани энди янгилик эмас. Улар мактаб дастуридан тўрт қатор шеърни билмаслиги мумкин, аммо ҳар бир маънисиз реклама роликларини тўтиқушдай ёддан такрорлайди:

"Келтирдингми! Ҳа, шеф!", "Сизни простата, аденома безовта қилаяптими?", "Лейкерс билан газни бос!", "Яхши кўрасанми? Жейк!" ва ҳоказо.

Ҳомиладорликдан сақловчи воситалар рекламаси берилмаётганда сиз "э, болам барибир ҳеч нарсани тушунмайди-ку", деб хотиржам ўтираверарсиз, аммо болалар бир-бирига зимдан кўз уриштириб, пиқир-пиқир кулишади. Бизнинг аҳмоқлигимизнинг устиданми ёки ўзларининг ақлли бўлиб кетганликлариданми, билмайсиз...Булар ҳали ҳалвоси. Кабелли телевидение шарофати билан уззукун намоёниш этилаётган филмларни-ку айтмай қўя қолайлик...

Д.Кўзиева, журналист. ziyouz.uz дан олинди.

Ўзбек ойим очган аза тафсилотига Қодирий киришмай шу ерда асарга нуқта қўйган бўлса, даҳо қодирийлар аза асоратларини, азадорларнинг аянчли аҳволини батафсил битсинлар. Онгни хиралаштирган ғуборни артсинлар.

Бунинг учун илҳомнинг ўзи кифоя қилмас. Бунга даҳолик даркор. Эл аҳволига ичи ачиган даҳогина бу ишни уддалайди.

*Унинг сену мендек шоирлари кўп,
Буюк элга энди даҳолар керак.*

Э. Воҳидов.

Умарали Норматовнинг хабар беришича, ўтган асрнинг 40-йиллар охири, 50-йиллар бошларида ўнлаб ҳалол истеъдод соҳибларининг қатағон этилишига бевосита иштирок этган Милчаков деган кимсани А.Қахҳор раҳбарият олдида танқид қилиб: "ўзбек халқининг жаллоди" деб атаган экан. "50-йиллар шароитида рус кишиси, раҳбар ходим, ёзувчилар уюшмаси партия ташкилоти котиби Милчаковни "ўзбек халқининг жаллоди" деб аташга журъат этиш бу – аждаҳо комига ўзини тутиб бериш билан баробар эди. Абдулла Қахҳор бунга журъат эта олди", деб эслайди У. Норматов.

"Умидбахш тамойиллар". 2000 йил.

Мардум "Милчаковдай қаттоллардан қутулган" деб кафолат бериш душвор. "Мана бу мараз ўзбек халқининг жаллоди" деб айтувчи диловарнинг топилиши эса душвордин душвор.

Ўзбек сулувларининг бачадони жасур ўғлонлар ҳомиласига яроқсиз ҳолга келмаган деган умид ила айтаманки:

*Унинг сену мендек ўғлонлари кўп,
Юртга энди жасур донолар керак.
Каззоб ваъдабоздан кўнгли қолган хўп,
Элга содиқ дилбанд, диловар¹ керак.*

Ж.²

Сўзни: "Мен ўтмишга адвокатлик қилмоқчи эмасман. Ундаги қаро қилмишларни оқламайман. Лекин сарагини саракка, пучагини пучакка ажратмай туриб ўтмиш ҳақида ёзишни ҳамма инсофли инсонлар қатори қоралайман", деб бошлаган эдим. Энди шу мавзунини устоз ва шогирднинг ибратомуз суҳбатидан иборат қуйидаги ҳодиса ва унга тааллуқли изоҳот билан яқунламоқчиман.

Ёш ёзувчилардан бири "қайта қуриш"³ даврида кекса ёзувчилардан бирининг олдига бориб дардини очибди.

– Устоз, ёзганларимни ғалвирлаб кўрсам, ўттиз фоизи ҳам қолмай тўкилиб кетяпти-ю, нима деган одам бўлдиқ энди? – дебди. Устоз эса:

– Сен ўттиз фоиз демоқдасан, мен китоб жавони олдидан ўтаётиб ўзимнинг китобларим рўбарўсига келганимда кўзимни юмиб, тесқари қараб ўтяпман. Биз қариб қолдиқ, аммо сен ёшсан, бундан буёқ ғалвирда турадиган қилиб ёзгин, – дебди.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф,
"Тарих омонатдир" китобидан (1995 йил).
e-tarix.uz сайтидан олинди.

¹ **Диловар** – Юракли, мард, жасур.

² **Ж** – Муаллиф исмининг бош ҳарфи. Шеърларим остига шу ҳарфни рамз қилиб танладим. Китобдаги шеърларнинг аксари асар ёзиш асносида битилган.

³ **Қайта қуриш** – Совет Иттифоқининг биринчи ва охириги президенти Горбачев ташаббуси билан 1986-1991 йиллар орасида бутуниттифоқ бўйлаб ўтказилган ислоҳот. У асосан 1987 йилдан бошланган. Қайта қуриш 1991 йилда СССР қулаши билан яқун топади. Бу, советлар давридаги умри калта олтин давр ҳисобланган. Шу даврда одамлар кўкрагига шабада теккан, эркин нафас олишган.

Хатони тан олиш ҳам бир нав жасорат. Ёш авлодни шу хатони такрорламасликка чақирув чинакам донолик ва холис насиҳат.

Қўлига қалам тутган ҳар бир қаламкаш, минбарга чиққан ҳар қандай нотик дунёда юзини ерга қаратадиган, охиратда ўзини куйдирадиган беъмани, бефойда нарсаларни ёзишдан ва сўзлашдан эҳтиёт бўлмоғи даркор.

Бир жиҳатдан қарама-қарши, бир жиҳатдан бир-бирига уйғун икки асрда яшаб ижод қилган шоир дейди:

*Увоқ мақсад учун тарихни чаплаб,
Ҳомийларни, закийларни сотганлар камми?*

А.Орипов.
"Йиллар армони".

Озод Шарафиддинов хотирлайди:

"Мен нафақат олий ўқув юртида дарс берган педагогман, айни чоғда танқидчилик ҳам қилганман. Фаолиятимнинг анча қисми Ёзувчилар уюммаси билан боғлиқ кечган. Бу ердаги катта-катта йигинларда ёзувчи дўстларимнинг иккиюзламачилигини, риёкорлигини кўриб кўп изтироблар чекканман".

"Эътиқодимни нега ўзгартирдим?".
"Тафаккур" журнали 1997 йил, 10-сон.



Навоий фарёди

Навоий "фарёд"ига келсак, уни англаш бир оз мушкулроқ. Мушкуллиги шеър зоҳири билан шоир ҳаётининг, турмуш даражасининг номутаносиблигидадир. Агар бу байт Муқимий, Завқий, Ҳамза, Чўлпон каби ҳақиқатда ночор аҳволда яшаган шоирлар тилидан чиққанида эди, байтда ҳеч қандай мушкуллик бўлмасди. Лекин ҳамма мушкул шундаки, юракни эзувчи ноладан иборат байт дунёдор инсоннинг тилидан чиққан.

Хўш, бадавлат ҳазратнинг ва олийҳиммат бойнинг *"Йўқ даҳрда бир бесару сомон¹, саргаштаю ҳайрон,² хонумони вайрон,³ алохону аломон мендек,⁴* деган мақомга номуносиб "ҳасрат"ини қандай тушуниш керак? У нима?

Ҳақиқатми, мажозми, киноями ёки шоирона муболағами?

Навоий ўзининг оғир ҳолатидан шикоят қиляптими, ёки Роббисига роз айтяптими, ё ўзгалар номидан фарёд чекаптими? Ёки бу бадииятдаги бадикми?⁵ Аслини олганда, шоир бир жиҳатдан табиб. Сўз дориси билан даволовчи ҳақим. Гоҳида сўздай кучли малҳам топилмайди. Чироқ эмас, қуёш нури ёритолмаган маҳзун инсон дилини сўз ёғдусининг ёритиши инсоният тажрибасида синалган ҳақиқат. Косаси оқармайдиган йўқсилни ҳақим шу тарзда даволамоқчи бўлганмикин?

Навоийнинг бой-бадавлат бўлгани тарихий факт. Унинг мисолларига кейинроқ тўхтаимиз.

Лекин совет даврида ана шу тарихий фактдан кўз юмиб, байт зоҳири шундоғича олинган. *"Навоийнинг фарёди тасо-дифий бўлмай, ўз замонасининг қонуний ҳодисасидир"* деб буни ўша давр машаққатларига, ночор аҳволига далил-ҳужжат ва мисол қилиб кўрсатилган.

¹ **Бесару сомон** – Бечора, афтода; паришон ҳол; қурби етмас, ҳеч нарсаси йўқ.

² **Саргаштаю ҳайрон** – Боши айланган, саргардон.

³ **Хонумони вайрон** – Уй-жойи хароб.

⁴ **Алохону аломон** – Таланган, хонавайрон; уй-жойсиз.

⁵ **Бадик** – Беморни сўз билан даволаш. **Бадикхон** – Сўз билан даволовчи.

Жумбоқли байтни қоникарли тарзда шарҳлашни навоий-шунослардан кутиб қоламиз. Улар байтни шоир ҳаётининг қайси палласида ёзилганини ўрганиб, ҳал қилувчи сўзни айтгайлар. Аммо бир ўқувчиси сифатида ўз фикримни билдирмоқчиман. Байтни назаримда, тўрт хил англаш мумкин.

1- Уни *حسنات الأبرار سيئات المقربين* қабилида қабул қилиш мумкин.

2- Лафзи бир хил, маъно ва моҳияти ҳар хил жумла тарзида тушуниш мумкин.

3- Навоийни кимдир олқишлаган пайтда унга камтарона берилган жавоб тариқасида тушуниш, менимча, тўғрироқ

4- Халққа ҳасрат эмас, Холиққа муножот деб билиш.

Бу тўрт фаразни изоҳласак мақсудимиз ойдинлашади.

1. *حسنات الأبرار سيئات المقربين* "**Аброрлар ҳасаноти – муқарраблар саййиоти**" масали фозиллардан фавқулодда амал содир бўлган пайтда қўлланилади. Набийнинг ﷺ "*аввал ва охир, ошкор ва махфий гуноҳимни мағфират эт*", деган сўзлари бунга мисол бўла олади. Зотан гўзал ахлоқларни камолига етказиш учун юборилган зот ﷺ Исломдан олдин ҳам, кейин ҳам гуноҳ қилмаганлар. Шунга қарамай, доим истиғфор айтар эдилар. "*Дилимда кечган нарса учун бир кунда юздан ортиқ истиғфор айтаман*", деганлар.

Масалнинг маъноси: аброр (яхши инсонлар) яхшилик деб билган баъзи нарсани муқарраб (Аллоҳга яқин киши) ёмонлик деб билади. Масалан, аброр учун намозни жамоат билан ўқиш ҳасанот. Бироқ биринчи сафда ўқийдими, охирги сафдами, такбиратул эҳромни топадими ё бир ракаат кеч қоладими, бунга эътибор оз. Жамоатга кечикишни гуноҳ деб билмайди. Намоз ўқишнинг ўзи унинг учун ҳасанот.

Муқарраб эса охирги сафда туриш тугул, иккинчи сафда Аллоҳга юзланишни ўзига эп кўрмайди. Такбиратул эҳромни топмасликни ўзи учун гуноҳ деб билади. Шундай ҳолатларда "**Аброрлар ҳасаноти – муқарраблар саййиоти**", дейилади.

Аброр дўзах ўтидан кўрқиб, маъсиятдан четланади.

Муқарраб дўзахдан сақланиш баробарида ўзганинг ҳам дўзахга тушмаслигини истайди. Шунинг учун у доим эл-юртни икки дунё саодатига чорлайди. Ўзгалар мусибати учун оҳ уради, қийналган афтодаларни кўриб қийналади. Улар дардини ўз дардидек билиб фарёд чекади, нолаи афғон қилади. Салафлардан бири: "Ўзим Машрикда туриб, Мағрибда бир мусулмон озор чекаётганини эшитсам, худди кўл-оёғим узилгандек озор чекам", деган эди.

2. Ташидан бир-бирига ўхшаш нарсалар моҳиятида мутлоқо қарама-қарши, зиддиятли хоссалар мавжудлиги кўпга аён.

*Кўкдаги ой нонга ўхшайдир, бироқ,
Аслида андоқ тасаввурдин йироқ.*

Ж.Румий "Маснавий"сидан.

Қуйидаги ҳодисаларда бир хил ҳасрат, икки хил суратни кузатиш мумкин.

Кунботар томонда яшовчи бир киши: "ҳаётим яхши эмас", деб шикоят қилибди. Кунчиқар томонда яшовчи киши ҳам: "ҳаётим яхши эмас, ёмон", деб ўз турмушидан нолибди. Ҳар иккисининг турмуш тарзини, яшаш даражасини қиёсланганда бир хил ҳасрат орасидаги фарқ Фарб билан Шарқча экан: бири, уйга эга, машинаси бор, кунлик рўзгордан орттириб, банкка пул қўядиган фуқаро. Иккинчиси, яшашга уйи йўқ, машина тугул, велосипеди ҳам бўлмаган ўта қашшоқ, чин маънодаги яланг оёқ киши экан.

Бир мўйсафид:

– Гафлатда қолдим, – деб кўз ёш тўкади.

– Тинчликми, отахон? – деб сўрашганда,

– Ёшим етмишда. Етти ёшимдан бери намозни канда қилганим йўқ, илло яқинда гафлатда қолиб, бомдодни қазо қилиб қўйдим, – деб афсус билан бош чайқайди.

Шу отахонга тенгдош бошқа бир мўйсафид ҳам:

– Гафлатда қолдим, – деб йиғлайди.

– Тинчликми, отахон? – деб ундан ҳол сўрашганда,

– Ёшим етмишда. Шунча йил умр гафлатда ўтибди. Яқинда кенжа ўғлим кўкраги сўқир отасига намозни ўргатди, – дейди.

Лафзи бир хил маъноси ҳар хил сўзлар турк тилида талай. "Тирик хазина ёхуд жаҳонгашта сўз" мақоласида ёзилишича, **ёвуз** – Усмонли турк тилида ботир, баҳодир, **бекор** – бўйдоғ, **корхона** – исловотхона маъносини ифодалар экан.

Мақола муаллифи мавзуга доир қизиқарли саргузаштни ҳикоя қилади:

Инқилоб йилларида Туркистондан қувғин бўлган бир гуруҳ ватандошларимиз Истанбулда паноҳ топган эканлар. Шаҳар волийси уларни ҳузурига чорлаб ҳурмат кўрсатибди, қандай истак-орзулари борлигини сўрабди. Шунда меҳмон ўзбекларнинг улуғи тавозе билан бундай дебди:

"Илтифотингиз учун ташаккур, жаноб волий, ҳар нарса-миз етарли. Фақат бекормиз, бизга корхона керак".

Бизга бобо бўлган ўша содда ўзбек қаердан билсин-ки, Туркияда бекорнинг маъноси бўйдоқ, корхонанинг маъноси эса иширатхона, исловотхона...

Ана кўринг ҳангомани!

Шундай табаррук юртдан келган иззатли мусофирлар биз бўйдоқмиз, иширатхона керак деб турса, волийнинг аҳволини кўз олдингизга келтиринг.

Э. Воҳидов.

3. Саховатли нозимнинг ҳотамона хатти-ҳаракатидан донг қотган кишилар уни мақтаб "сиз ундоқсиз, сиз бундоқсиз" деган пайтда нозим уларга жавобан камтарлик билан шу байтларни битган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Ва яна ўз ҳолидан ўринли ё ўринсиз шикоят қилган кишига ўзининг камтарона ҳаётини мисол қилиб, ибрат олишга чақиргандир:

Ушбу дардингга Навоий ҳолин истишҳод бил.

4. Солиҳ банда Халлоқи олам олдида ўзини фақир, залил билиб зорланади. Зеро Унга мискинликни изҳор этиш анбиё ва уларга эргашган авлиё хислати. Улар моддий жиҳатдан бой бўлишсада, Аллоҳ ёнида ўзларини мискин тутишади. Бу –

маънавий бойлик белгиси. Моддий ва маънавий бойлик билан ҳаёт такомуллашади. Шу ҳолда Аллоҳга муҳтожликни ифода-лаш чинакам убудият рамзи.

Мусо алайҳиссалом: ﴿ فَقَالَ رَبِّ إِنِّي لِمَا أَنْزَلْتَ إِلَيَّ مِنْ خَيْرٍ فَقِيرٌ ﴾

﴿ "Роббим, Сен менга индирган ҳар қандай хайриятга мен фақирман; зорман", деди. ﴾

Қасас 24-оят.

Ато ибн Аби Рабоҳ Ибн Аббосдан رضي الله عنه ривоят қилади:

Набий ﷺ Арафа кунндаги илтижоларининг бирида шундай дуо қилган эдилар: "Илоҳо, Сен маконимни кўрасан, сўзимни эшитасан, ошкор ва махфий қилган ишимдан бирон-бири Сенга махфий эмас. Мен ночор, фақирман. Мадад ва ҳимоя талабгориман. Гуноҳини эътироф этган, хавфсираган, қўрқувдаги бандаман. Мискиндек тиланаман, залил гуноҳкордек ялиниб ёлвораман, Сенга бўйсунган, кўзи жиққа ёшга тўлган, синиқ, хокисор, хоҳишини Ўзингга топширган, мудом хавфсираб юрувчи кўзи ожиз кишидек дуо қиламан: Илоҳо, Сенга қилган дуоимда мени ноумид қўйма, бахти қаро қилма.

Эй энг яхши масъул, берувчиларнинг энг яхшиси, Ўзинг менга раҳм-шафқатли бўл".

Табароний "Муъжамул кабир".

Аллоҳни зикр қилиш, мудом ёдда тутиш, бандага эмас, Унинг Ўзига ёлвориш киши учун маънавий зод – озуқа. Юқоридаги ғазалда шоир ушбу ҳақиқатни эслаб дейди:

*Тенгри зикриким, малойикка гизои руҳ эрур,
Бу гизони Ҳақ йўлига кирган элга зод бил.¹*

¹ Мавзуга мубошир алоқаси бўлмасада, лекин фойдадан холи бўлмагани учун ғазалдаги яна икки мисрани келтиришни муносиб билдим.

*Эйки дебсенким, билай тавҳид сири хабар,
Шаръдин неким тажовуз айлади илҳод бил.*

Ислом пайғамбарининг ﷺ қодир бўлишига қарамай, ҳамма имконият кўлида бўла туриб, дабдабали ҳаётдан воз кечиб, камтарона: фақирона ҳаёт кечирганини далил кўрсатиб, ва у зотнинг муножотда "фақирман, мискинман, гуноҳимни тан оламан..." деган эътирофларини рўкач қилиб, тили узун, ақли калта, чулчит бир густох:¹ "ўзи фақир бўлган давлат раҳбари қандай қилиб раиятни бойитади?! Қандай қилиб давлат хазинасини тўлдиради?! Умуман қандай қилиб давлатни бошқаради?!" маъносидаги таъналарни ёғдирган эди.

Ўзининг қисқа қаричи билан ўлчаган у кўтоҳфаҳм гавир² билмайдики, Набий ﷺ ночор, фақир, осий эмас, аксинча, бойбадавлат, камтар, ботир, итоаткор бўлган. Мислсиз саховатини кўрган мушриклар динга ошиққан. Унинг гўзал таълимоти асосида фақир миллатлар бадавлат, етакчи миллатга айланган.

Аллоҳ Росулига ﷺ қарата: ﴿ وَوَجَدَكَ عَائِلًا فَأَغْنَى ﴾ *Раббингиз Сизни фақир ҳолда топиб, бой-бйдавлат қилиб қўймадими...* ﴿

Зуҳо 8-оят.

Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам ўз вазифалари нимадан иборат эканини баён қилиб:

إِنَّمَا بُعِثْتُ لِأَتَمِّمَ مَكَارِمَ الْأَخْلَاقِ – "Мен макоримул ахлоқнинг камолига етказиш учун юборилганман" дедилар.

Баъзи ривоятларда: صَالِحِ الْأَخْلَاقِ , бошқасида: حُسْنِ الْأَخْلَاقِ дейилган.

إِنَّمَا بُعِثْتُ لِأَتَمِّمَ مَكَارِمَ الْأَخْلَاقِ лафзи билан келган ривоятга асосланиб, айрим олимлар: "Ахлоқ-одобнинг энг гўзали карам: саховат, мурувват эрур", дейишган. Бунга сабаб, "макорим" калимаси арабча "карам – сахийлик" сўзидан олингандир.

Тарих Росулulloҳнинг ﷺ бетакрор саховатларига гувоҳ.

¹ Чулчит – Гапга сира ҳам тушунмайдиган одам. Густох – Беадаб, беандиша.

² Гавир – (Оташпараст). Фирром, шайтон.

Меҳмонга қўй сўйиш – бир нав саховат.

Фақирга бир сигир бериш катта саховат бўлиш баробарида катта ғамхўрлик ва нодир тантилиқдир. Зеро у мискин ўша сигирнинг сути билан кун кўради, бола-чақа боқади.

Ўғлини уйлашга қийналиб турган отага ёрдам қўлини чўзиш: иккита қўй, битта туя, битта буқа, оз-моз пулни махфий тарзда беминнат бериш – мисли кўрилмаган саховат ва ҳатамтойликдир.

Бир вақтнинг ўзида иккита-учта одамга 10 та, 20 та туяни эвазсиз, шундай тортиқ қилишни нима деб аташ мумкин?

Макоримул ахлоқни камолига етказган Росулulloҳ ﷺ Ҳақ йўлида, даъват ривожини учун бир мажлисининг ўзида 10 та, 20 та эмас, 100 та, 200 та туяни тортиқ қилар эдилар.

Абдуллоҳ (ибн Масъуд) хабар беради:

فَأَعْطَى الْأَقْرَعَ بْنِ حَابِسٍ مِائَةً مِنَ الْإِبِلِ وَأَعْطَى عَيْبَةَ مِثْلَ ذَلِكَ وَأَعْطَى أَنَسًا مِنْ أَشْرَافِ الْعَرَبِ

"Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ал-Ақраъ ибн Ҳобисга 100 та туя бердилар. Уйайнага ҳам шунча бердилар. Сўнг араб ашрофларига бериб-бериб юбордилар".

Бухорий Саҳиҳи.

Юзта-юзта туяни тортиқ қилган саховатли Пайғамбарнинг ўзи кундузи хурмо еб, кечаси бир коса сутга қаноатланган эканлар, соллаллоҳу алайҳи васаллам.

Гоҳида у кутлуғ хонадонда ойлаб қозон қайнамас эди. Бу – камбағалликдан эмас. Бунинг бир неча сабаблари бор.

Биринчи сабаб: саховат, хотамтойлик. Ўзи емай ўзгаларга егизиш хотамтойликнинг энг юқори чўққисидир.

Иккинчи сабаб: Аллоҳ ҳузурида қулчиликни тўлиқ ҳис этиш учундир. Оч, йўқсилгина қулчиликни яхши ҳис этади.

Дарвоқе, Аллоҳ қошида қашшоқликни изҳор этиб роз айтиш лаззатини руҳи фалаж ногиронлар қайдан билсин?!..

*Мунтазир раҳматига гумроҳлар,
Муфтаҳир қуллиги била шоҳлар.*

Шоҳ Бобур.

عَنْ أَبِي بَكْرٍ الصِّدِّيقِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ قَالَ لِرَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَّمَنِي دُعَاءً أَدْعُو بِهِ فِي صَلَاتِي قَالَ قُلِ اللَّهُمَّ إِنِّي ظَلَمْتُ نَفْسِي ظُلْمًا كَثِيرًا وَلَا يَغْفِرُ الذُّنُوبَ إِلَّا أَنْتَ فَاعْفِرْ لِي مَغْفِرَةً مِنْ عِنْدِكَ وَأَرْحَمَنِي إِنَّكَ أَنْتَ الْغَفُورُ الرَّحِيمُ

Абу Бакр رضي الله عنه Росулulloҳга صلى الله عليه وسلم: "Менга намозда ўқийдиган дуо ўргатинг", деганида, "Аллоҳумма, инний золамоту нафсий зулман касиран вала яғфируз зунуба илла анта, фағфир лий мағфиратан мин индик варҳамний иннака антал гафурур роҳийм". "Илоҳо, мен ўз жонимга кўп жабр қилдим, гуноҳларни Сендан ўзга ҳеч ким мағфират қилмайди, мени Ўз мағфиратинг ила мағфират эт, ва менга раҳм айла, зеро Сен мағфиратли, меҳрибонсан", деган дуони ўргатдилар.

Бухорий Саҳиҳи.

Ислом динига биринчи бўлиб кирган бу зот, ҳаётини, мол-мулкини Дин равнақиға, Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم хизматига бағишлаган диндор, ширкдан йироқ, ҳаромдан узоқ тақводор, Пайғамбар қошида вазир, жанг майдонида довюррак жувонмард жангчи, ҳаёт майдонида кўли очиқ саховатпеша, обид ва зоҳид Абу Бакр қанча гуноҳ қилган бўлиши мумкин? Гуноҳнинг қанча турига кўл урган бўлиши мумкин? Набийulloҳ صلى الله عليه وسلم унинг пок-лигини била туриб, унга шу муножотни таълим бердилар.

Тобеинлардан Товус ибн Кайсон ҳикоя қилади:

Мен бир кеча Ҳижрда¹ эдим. Бир пайт Али ибн Ҳусайн кириб келди. Ичимда "бу аҳли байтдан бўлган солиҳ киши, шу кеча дуосига қулоқ тутаман", дедимда ёнига яқинроқ келиб, муножотини эшитдим. Намозни бошлади, саждага бошини қўйиб: "(Илоҳо), ҳақир банданг Байтинг бўсағасида, қашшо-гинг, фақиринг Бўсағангда, тиланчи гадойинг Бўсағангда (туриб зорланурмен)...", – деди. Дуони ёдлаб олдим ва ҳар қачон бошга қайғу тушганда шу дуони ўқисам, қайғум арир эди.

Ибн Абуд Дунё "Ал-фаражу баъдаш-шидда"

¹ Ҳижр – Каъба шимолидаги ярим доира шаклидаги жой. Ҳижр Каъбадан.

Бандага фақирликни изҳор этиш – ҳасрат ва шикоят. Бу – мазмум. Яратувчига фақирликни изҳор этиш – убудият ва фазилат. Бу тушунчаларни моддиюнларнинг англаши душвор. Навоийшунослардан бири: "Навоийни тушуниш учун аввало Ислом динини билиш керак" деганда батамом ҳақ эди.

Адолатпарвар вазир, халқчил шоир, мутафаккир ва худотарс ҳастининг¹ ҳасрати ҳам шу қабилидан бўлса, ажаб эрмас. Ўзгалар ғамида яшаш ҳақиқий инсонпарварлик бўлганидек, олий мақомда туриб ўзини паст тутиш, Аллоҳ раҳматига, ризқига ва фазлига фақир мискинлигини тан олиб бўйин эгиш, том маънодаги хокисорлик ҳам улуғ фазилатдир.



¹ Ҳасти – Ҳазрат.

Такқос ва таҳлил

Мурувват ва футувват¹ тарғиботчисининг: *Йўқ даҳрда бир бесару сомон мендек*, деб бошланган нолишини; лафзи бир хил, маъно ва моҳияти бошқа ҳасратлардан фарқли "ҳасрат"ини тарихда қийналиб ўтган шоир-ёзувчиларнинг ҳасратига асло ўхшатиб бўлмайди, икки ҳасратни тенглаштириш тўғри эмас. У иккиси ўртасида товус билан товукча фарқ бор. Зеро А.Навоий А.Пушкин (1799-1837) сингари совуқ Сибирга – замҳарирга сургун қилинмаган. "Россияда инсон маънавий оламининг мусаввири, шеърият осмонининг юлдузи", деб шуҳрат қозонган рус адабиётининг сўнмас қуёши сингари ҳар кўйда сарсон-саргардон кезмаган, хонавайрон бўлмаган.

*Қай томонга назар ташламай, эвоҳ,
Темир кишанлару зулм қамчилари;
Қонунлар хатарли, қонунлар расво,
Эркисизликнинг ночор ёш томчилари;
Ҳар ёнда ҳақсизлик, зўрлик ҳукмрон,
Уйиган хурофот – қуюқ мавҳумот,
Қулликнинг даҳоси қўрқинч ўлдирган,
Шонларни бўғади шум ҳирси, ҳайҳот!*

Зулм ва эркисизликка қарши эҳтиросли нафрат билан сугорилган чакмоқсифат бу мисралар қайси бир монархиячига ёқади дейсиз? Юртини аянчли аҳволда кўрган шоир ушбу мисраларни ёзишга мажбур эди.

21 яшар талантили шоир Александр Сергеевич Пушкин рус шоҳининг амри билан совуқ Сибирга: замҳарирга сургун қилинади.

Агар шоир XX-XXI асрга етиб келганида, Дантес эмас, замона сталинларидан биронтаси ёш шоирни шу ёниқ мисралари учун "нақ пешонасидан" отиб ташларди.

¹ *Мурувват барча бермакдур, емак йўқ,
Футувват барча қилмакдур, демак йўқ.* 84-бетга қаранг.

Алишербекнинг йигитлик даврида (тахминан 1462 йилда, 21 ёшида) Ҳиротдан Самарқанди фирдавс монандга бадарға бўлиши тарихий ҳақиқат. Лекин икки сургун орасида Самарқанд билан Сибирча фарқ бор. Аёз билан ёз, биёбон билан бўстон орасида қанча тафовут бўлса, Алишер ила Александр сургуни орасидаги тафовут ҳам шунча.

Заҳиридин Муҳаммад "Бобурнома"да ёзади:

"Билмон, не жарима била Султон Абу Саид мирзо (Алишербекни) Ҳирийдин ихрож қилди. Самарқандга борди. Неча йилким, Самарқандта эди".

Мирхонднинг "Равзатус-сафо" асарида шундай дейилган:

"Амир Алишер... Абу Саид Султоннинг замонида дорус-салтанатиға (пойтахтиға, Ҳиротга) бориб, бир неча кунини ул иқбол уйи остонасининг мулозаматида ўткарди, аммо ўзининг ҳолиға яраша риоят ва тарбият тополмади. Шул важҳ била Хуросондин беҳишт монанд Самарқандга бориб, Хожя Жалолиддин, Фазлуллоҳ Абул Лайс хонақоҳида турди ва авқотини (вақтини) аксари китоб мутолаасиға масруф тутиб, гоҳо Амир Дарвеш Муҳаммад Тархон ва Амир Аҳмад ҳожи билаким, Мовароуннахрнинг соҳиб ихтиёри эрдилар".

Иззат Султон дейди:

"Шундай қилиб Алишер Навоий ўзининг бутун умр орзу қилган муҳитни биринчи маротаба Самарқандда топди: бу ернинг ҳокими санъат ва илмга Алишердек қашшоқ, аммо истеъдодли кишиларга ҳомийгина эмас, ўзи ҳам оқил ва шоир.

Самарқанд фақат ўзининг ақли ва инсонпарвар ҳокими билангина эмас, даставвал, ўзининг салобатли тарихи, қизгин иқтисодий ва маданий ҳаёти билан ҳам Алишер зеҳнида чуқур ва ёқимли хотиралар қолдирган".

"Навоийнинг қалб дафтари".

Профессор Мансурхон Тоиров дейди:

"Тарихчи Хондамирнинг ёзишича, Мир Алишер Навоийнинг уйлари олдидаги боғда йиллар давомида ҳар куни бир неча дош қозонда овқат пиширилиб, элга тортиқ қилинар экан".

"Инсоннинг сўнги сўзи – у ҳали айтилгани йўқ".

Ўз.АС. 2007 йил. 4-сон.

Фойда: *Қаламкашнинг вазифаси фақат ёзиш, нолиш ёки "танноз сўзлар ортидан қувиш" эмас, эзгуликка енг шимариб, амалий майдонда пешдор бўлиш, илдам одим отиш экан.*

Яна бир фойда: *Йиллар давомида ҳар куни бир неча дош қозонда овқат тарқатган бой билан у овқатга зор кимса тенг бўлмагани каби уларнинг ҳасрати ҳам бир хил бўлмайди. Шулон¹ тарқатган бошқа, шулон олиб ичган бошқа.*

Бандасига қоронғи сабабларга кўра тоқ ўтган Алишер² Александр сингари хотин талашиб дуэлда ўлмаган.

Пушкин номус мудофааси йўлида жон берган. Мағрур шоир: "Мен фуқаро бўлишим мумкин, ҳатто қул бўлишим мумкин, бироқ сира-сира малай ва масхарабоз бўлмайман!" – деган эди.

А. Навоий бундай тушкун ҳолатга тушмаган. Фақир ҳам, қул ҳам бўлмаган, қулликка рози бўлмаган. Замонасоз шоирлар сингари мол-дунё, мансаб илинжида малай ва масхарабоз ҳам бўлмаган. Демак унинг **"Бадойиъ ул-бидоя"** даги:

*Йўқ даҳрда бир бесару сомон мендек,
Ўз ҳолига саргаштаю ҳайрон мендек,
Ғам кўйида хонумони вайрон мендек,
Яъники, алохону аломон мендек, –*

деган ҳасратнамо мисралари рус шоирининг ҳақиқий ҳасрати қабилида эмас экан.



¹ **Шулон** – Камбағал, бева-бечораларга тарқатиладиган иссиқ овқат.

² Балким шу узлат унинг шуҳратига қанот бўлган кучдир...

Ўзбек адабиётининг буюк намояндаси Навоий ҳаёти ўрис адабиётининг улкан намояндаси Ф. Достоевский (1821-1881) ҳаёти каби изтиробга тўлмаган.

Фёдорнинг отаси Михаил Достоевский императорлик тиббий-жарроҳлик академиясида таҳсил олган, онаси бадавлат савдогар оиласида туғилган эди. 1812 йилги урушдан кейин оила мол-мулкининг катта қисмини йўқотади. Ф.Достоевский боши устидаги булутлар қуюқлаша боради.

Ёшлиқ чоғида тутқаноқ касалига гирифторм бўлган адиб уйланаётган пайтида касалини рафиқасидан сир тутди. Вақт ўтган сайин бундай "хуружлар" даҳшатли эпилепсияга айланади. Эр-хотин Кузнецкдан Семипалатинска қайтаётганида Мария эрининг тутқаноқ тутишига гувоҳ бўлади. Бундай кўрқинчли манзарадан даҳшатга тушган Мария шу-шу турмуш ўртоғига нисбатан ҳеч қанақа ҳисларни туймайди.

Рафиқасининг ўлиmidан сўнг Достоевский дўсти Врангелга ёзган эди: "Оҳ, менинг дўстим, у мени бениҳоя севарди. Мен ҳам уни чексиз севардим, бироқ биз бахтли бўлолмадик".

Бор-будидан айрилиб, қарзларга ботган Ф. Достоевский қамокқа тушмаслик учун турли чора тадбирлар излайди. Ёш Анна исмли (20 яшар) қизга уйланган адиб иқтисодий тангликдан қутулиш учун қимор ўйнашга мажбур бўлади.

Достоевский рафиқасини ҳар қанча севмасин, Аннанинг ҳаёти нохушликдан бошланади. Гап моддий етишмовчиликнинг ўзидагина эмасди. Эрининг қариндошлари Аннага ёмон муносабатда бўлишди. Айниқса, адибнинг ўғай ўғли (Мариянинг биринчи турмушидан фарзанди) Пётр Аннани ўзига рақиб деб билди.

Ҳеч қаерда ишламайдиган, ўғай отасининг ҳисобига яшайдиган Пётр, гўёки туғилажак ука-сингиллари уни меросдан маҳрум қилаётгандек, Аннани қандай қилиб бўлмасин, бу уйдан сиқиб чиқаришга уринарди. Келинойиси ҳам турли

баҳоналар билан Аннанинг ҳаётини ўт-алангага айлантирди. Бошқа бундай яшаб бўлмаслигини англаган Анна оиласини сақлаб қолиш мақсадида турмуш ўртоғини чет элга кўчиб кетишга кўндиради.

Ёш келин ва кекса куёв қариндошлар зулмидан "дод!" деб хорижга қочишади.

Шундан кейин улар бегона юртларда сарсон-саргардонликда умр кечиришади.

Германияда яна қимор ўйинларига ўралашиб қолади. У яна ҳамма нарсасини қиморга тикади. Уйга ҳеч нарсасиз келган эрини аёл яна кечириди. У билади: суюклиси қимор гирдобидан чиқа олмаётганини тушунади. Достоевский бошқа ўйнамасликка сўз беради.

Баденга кўчиб кетишади. Яна қимор. Ҳаммаси бошидан бошланган. Фақат бу сафар ютқизадиган пулнинг ўзи йўқ эди. Ҳали ёзилмаган асари учун ношир Катковдан 500 рубль миқдоридан аванс олади. Омадсиз адиб бу пулни ҳам бир кунда ютқизади. Энди нима қилиш керак? Рафиқасига совға қилган зирак ва никоҳ узугини пуллайди...¹

Ҳақиқий бесару самонлик, хонумони вайронлик, саргаштаю ҳайронлик мана мунақа бўлади.

Навоий бундай изтиробли кунларни бошдан кечирмаган. Руҳан сўниқмаган, моддий синмаган. Қимор ўйнамаган. Борбуддан айрилмаган. У бечораҳол эмас, бечорапарвар бўлган. Ғамбода эмас, ғамгузор, ношукур эмас, шокир ўтган.

"Қайғудош"да (303 бет) унинг ташаббуси ва ҳомийлиги остида барпо этилган Жоме масжиди, мадраса, работ, вақф, хонақоҳ, шифохона, ҳаммом, ҳовуз, канал, кўприк, бекат ва мусофирхона сингари турли иншоотлар ҳақида сўз кетган.

¹ Маълумот "Изтироб улғайтирган адиб" мақоласининг электрон нусхасидан олинди. "Ёшлик" журнали, 2012 йил 10-сони. Муаллиф Д.Турдиева.

Зиёда маълумот учун Иззат Султоннинг 1973 йил Тошкентда чоп этилган **Навоийнинг қалб дафтари** асарининг 233 бетига мурожаат қилишингиз мумкин.

Шоирнинг бинокорлик борасидаги ҳотамона фаолияти унинг иқтисодий жиҳатдан ҳеч қандай камчилик кўрмаганини, уйга эга эканини исботлайди. Демак, "танти¹ турк нозимининг ноласи мол-мулкидан айрилган рус адибининг ноласидек эмас!" – деб баралла айтсак бўлаверади.



Александр Блок 1880 йилда дунёга келади, беш ёшидан шеър ёза бошлайди. 1903 йилда химия, физика ва бундан бошқа турли фанларда шухрат қозонган энциклопедист олим Д.И.Менделеевнинг қизига уйланади. Қирчиллама қирқни қоралаган шоир 1921 йилда нақ очлик боис оламдан ўтади. Барча россияликлар каби ҳолдан толган шоир ўзини доим зулматда биларди:

Олдинга юраман – зулмат қучади,
Ортга чекинаман – сўқир туманлик.²

Александр даври ва диёридаги зулмат ва туман Алишер диёри ва даврига умуман яқин йўламаган эди. Ҳижрий 844 йил рамазон ойининг 17-куни (1441 йил 9 феврал)да турк салтанатининг иккинчи пойтахти Ҳиротда туғилган Навоий замонида ҳеч ким очликдан ўлмаган. Турк империяси гуллаб-яшнаган даврда Россия империясига ҳали асос солинмаган эди. Орадан 280 йил ўтгандан кейин 1721 йил Пётр I узок йиллар дунёнинг тинчини бузган империяга асос солади.



¹ Ўзгаларга ёрдам, сарф ва хизматини аямайдиган, мард; кўнгли ва қўли очик.

² "Мангу умид алангасида". Шарқ юлдузи. 1990. 11-сон.

Навоий меросининг зукко тадқиқотчиси марҳум академик Алибек Рустамий ёзади:

"Ўлкамизда ёзилган бало-ю офатларнинг ҳаммасининг бош омили халқимизнинг Ислом йўлидан озганлигидир."*

Бу жараён Туркистонда ўтган асрнинг иккинчи ярмидан (балки олдинроқ – Ж.) бошланиб, бизнинг асримизнинг ўртасида авжга чиқди. Қудрат ва илм эгаларининг кўпчилигини, шуҳрату мансабпараст сиёсий амалдорларнинг етакчилигида соддадил меҳнаткашларни разолат ботқоғига ботирдилар.

Жамиятнинг бу аҳволга тушишини ўтган асрнинг охири ва жорий асрнинг бошларидаёқ олдиндан кўра билган илму амал соҳиблари мактабдан бошлаб таълиму тарбияни миллий асосда замонавийлаштиришни ангадилар ва шу йўлда фидокорона элга хизмат кўрсатдилар..."¹

"Бу жараён Туркистонда ўтган асрнинг иккинчи ярмидан (балки олдинроқ – Ж.) бошланиб, бизнинг асримизнинг ўртасида авжга чиқди".

Изофа қилганим "балки олдинроқ" кўшимчасини қисқа изоҳлаб ўтсак. Мўғул истеълосидан кейин Диёрдаги диний-маърифий савия пасайиб кетади. Бу эса давлат бошқарувида, мамлакат амниятида: ички хавфсизлигида, ҳамда унинг фаровонлигида энг асосий таянч ҳисобланмиш "Тақво – Аллоҳдан кўрқиш" хусусиятини камайтиради. Жиноятчини шоҳ билан кўрқитиш мумкин. Шоҳнинг жиноятчига нисбатан қўллаган жазо ва уқубати унинг қалбига кўрқув солиб, кўп жиноятларнинг олдини олади. Зиндондан, жаримадан, даррадан, сазойи

¹ Таниқли олимга мансуб бу қимматбаҳо Сўзлар Мирзо Ҳайруллоҳ Хўқандийнинг 1995 йили Тошкент шаҳар "Ёзувчи" нашриётида чоп этилган "АХЛОҚИ ЗАМИМА" – "ЁМОН ХУЛҚЛАР" номли рисоласининг сўз бошидан олинди.

*Тилимиз табиби томонидан Диёр дардига қўйилган ушбу тўғри ташхисни мен бундан икки йил олдин битилган "Фаровонликнинг илк одими ва асосий омили" рисоласига эпиграф қилган эдим. Агар ўқувчига малоллик туғдириш хавфи қийнамаганида, бу Сўзни зарвараққа зарҳал ҳарфлар билан ёзиб, ҳар бир асаримга сарлавҳа қилиб олган бўлур эдим.

бўлишдан кўрққан ўғри, йўлтўсар, зўравон каби мужримлар жиноятдан тийилади. Золим зулмдан тўхтайди. Фоҳишабоз бузукликка бемалол ботинмайди. Фосиқ ошкора фисқ-фужур билан шуғулланмайди. Ватандан бадарға бўлишини билган фасодчи, бузуқи, нафси ёмонлар қадамини ўйлаб босади.

Дилида тақвosi бор одамни шоҳнинг жазоси эмас, Шаҳаншоҳнинг¹ жазоси – шоҳларнинг шоҳи Аллоҳ таолонинг жазоси кўрқитади. У катта жиноят эмас, енгил гуноҳ қилишдан ҳам тийилади. Жиноят ҳақида умуман фикр юритмайди.

Дили тақводан холи одамни эса шоҳнинг мазкур жазолари жиноятдан тийиб туради. Бу билан мамлакатда тинч-омонлик таъминланади.

Хўш, шоҳнинг ўзини ким ёки нима кўрқитади?

Шоҳ ҳам банда. Агар унинг дилида тақво бўлса, зулмдан тийилади. Бу – раият бахти. Тақво бўлмаса, бу – раиятнинг шўри, давлатнинг заволи, мамлакат вайронлиги демакдир.

Диний-маърифий савия пасайган сари тақво йўқолиб, юқорида саналган кўнгилсизликлар ҳар қадамда рўй бераверади.

Ўғри, зўравон, фоҳишалар амиру беклар билан келишиб, замона ибораси билан айтганда, лицензия (рухсатнома) олиб, хаёлига келган бузғунчиликни ошкор қилаверади. Шоҳ дилидан Тақво кетгач, истибдодга йўл очилади. Истибдод ўзидан кейин янги мустабидларни етиштириб кетади. Истилонинг мамлактга етказган энг катта зарари ҳам шу эди.

Мамлакат мўғуллар истилосидан қутулгандан кейин диёрда анча ижобий ўзгаришлар рўй берди. Амният, фаровонлик аста-секин мамлакатга қайтди. Бироқ истило асорати ўзининг салбий таъсирини кўрсатмай қолмади.

Сўзимизни тарихий ҳужжатлар билан исботлаш учун бу борада ишончли манба ҳисобланган тарихий ва қомусий асар "Бобурнома"га мурожаат қилиб кўрайлик.

¹ "Шаҳаншоҳ" атамасини бандага кўллаш дуруст эмас, дейди олимлар. Бу, биринчидан, тавҳидга зид. Иккинчидан, ҳаётий ҳақиқатга зид.

2002 йил Порсо Шамсиев, Содик Мирзаев ва Эйжи Мано (Япония) нашрлари асосида Саидбек Ҳасанов томонидан қайта нашр қилинган асарнинг 46-47 саҳифасида Бобур амир, беклар билан таништириш асносида ушбуларни ёзади:

Яна бири буким, агарчи забт ва тузуки хейли яхши эди, девон шори эди. Сиёқ илмини¹ билур эди, вале таъби зулм ва фисққа мойил эди. Самарқандга киргач, ўзгача тартиб ва насақ ва харж ва таҳмил² бунёд қила бошлади.

Ҳазрати Хожжа Убайдуллоҳнинг мутааллиқлариғаким, бурун харж ва таҳмилларда кўп фақир ва мискин аларнинг ҳимояти била зулм ва тааддийдин³ халос бўлурлар эди, не жойи улким, аларга мундоғ таклифлар бўлғай, кўп тааддий ва ташаддуд⁴ қила бошлади. Балки бу тааддий ва ташаддуд Хожсанинг авлодига дағи сироят⁵ қилди.

Яна бир буким, ўзиким нечук золим ва фосиқ эди, бек ва бекча ва навқари ва савдари тамом золим ва фосиқ эдиларким, Ҳисор эли, алалхусус Хисравшоҳга тааллуқ эл ҳамиша шурб ва зинога⁶ машғул эди. Бу мартабадаким, Хисравшоҳнинг навқарларидин биров бир кишининг хотунини тортиб элтар, бу хотуннинг эри Хисравшоҳга келиб додхоҳлик қилур, жавоб берурким, неча йил сенинг била эди, бир неча кун анинг била бўлсун.⁷

Яна бир буким, шаҳри ва бозори, балки турк ва сипоҳийнинг амрад⁸ ўғлонлари чухра қилур қўрқинчдин уйдин чиқмас эдилар.

Самарқанд аҳликим, йигирма-йигирма беш йил Султон Аҳмад замонида рафоҳият¹ ва фароғат била ўтқариб эдилар, аксар

¹ **Сиёқ илми** – Ҳисоб, арифметика.

² **Насақ** – Тартиб, интизом. **Харж** – Чиким, сарф. **Таҳмил** – Оғир иш юклаб қийнаш, юк юклаш, машаққатга қўйиш.

³ **Тааддий** – Тажовуз қилиш, ҳаддан ошиш.

⁴ **Ташаддуд** – Қаттиқлашиш, қаттиққўллик, тазйик.

⁵ **Сироят** – Кўчиш, юқиш, таъсир.

⁶ **Шурб** – Ичкиликбозлик. **Зино** – Фоҳишабозлик.

⁷ "Ичкиликбозлик ва фоҳишабозлик шу даражага етдики, Хисравшоҳнинг аскарларидан бири бир кишининг хотунини тортиб олиб, зўрлайди, зино қилади. Эр шўрлик Хисравшоҳга шикоят қилиб келса, шоҳ унга "Хотин бир неча йилдан бери сен билан, кўявер, бир неча кун у билан бўлаверсин", деб жавоб беради".

⁸ **Амрад** – Соқолсиз ёш йигит.

муомала ҳазрати Хожса жиҳатидин адл ва шаръ тариқи била эди, бу нав зулм ва фисқдин бажону дил озурда ва ранжида бўлдилар. *Вазий*² ва шариф, фақир ва мискин нарин ва дуойи бадига оғиз очиб, қўл кўтардилар.

*Ҳазар кун зи дарди дарунҳои реш,
Ки реши дарун оқибат сар канад.
Баҳам бармакун то тавони диле,
Ки оҳе жаҳоне баҳам бар канад.*³

Ложарам,⁴ зулм ва фисқ шоматидин Самарқандта беш-олти ой ҳукумат қилмади. (47-бет).

Бошқа бир султон ҳақида дейди: *Зулм ва фисққа кўп машғул эди. Муттасил чоғир ичар эди. Чухра қалин сахлар эди. Қаламравида*⁵ *чиройлик амрад бўлса, ҳар нав била келтуруб чухра қилур эди.*⁶ *Бекларнинг ўғлонларини, балки кўкалдошларини чухра қилиб эди, балки ўзининг кўкалдошидин туққонга доғи бу хизматни буюруб эди. Бу шум феъл анинг замонида андоқ шойиъ эрдиким, чухрасиз киши асло йўқ эди. Чухра сахламоқлиғни ҳунар билурлар эди. Чухра сахламаслиғни айб қилурлар эди. Зулм ва фисқнинг шоматидин ўғлонлари тамом жуманмарг бўлдилар.*

Таъби назми бор эди, девон тартиб қилиб эди, вале шеъри бисёр суст ва бемаза эди. Андоқ шеър айтқондин айтмагон яхши роқдур. Бадъэтиқод киши эди... Ҳаёси камроқ эди. (48-бет).

Бу, ислоҳотга ҳарис бир шоҳнинг куйиниб ёзганлари эди. Аҳвол йилдан йилга ёмонлашиб, академик Рустамий айтган аянчли давр яқинлаша бошлайди. XVIII аср эшик қоқади...

¹ **Рафоҳият** – Турмуш кенгчилиги, фаровонлик, яхши аҳвол. Ҳашаматли ҳаёт.

² **Вазий** – Оддий киши.

³ "Ички яралар дардидан ҳазар қил! Чунки ички яра ахир юзага чиқади. Қўлдан келганча ҳеч бир дилга озор берма! Дилдан чиққан бир оҳ жаҳонни барбод қилади". Байт таржимаси Бобурнома ҳошиясидан олинди. Сўз изоҳлари биздан.

⁴ **Ла жарома** – Шак-шубҳасиз, чорасиз. Бу сўз Қуръоннинг беш ўрнида келган.

Наҳл 23-62-109. Ҳуд 22. Ғофир 43. ﴿لَا جَرَمَ لَهُمْ فِي الْآخِرَةِ هُمْ الْأَخْسَرُونَ﴾

"Шак-шубҳасиз, улар охиратда янада қаттиқроқ зиён кўрадилар". Ўша даврнинг онгли авлоди ўз тилини Қуръон тилига яқинлаштирар эди. Бобур шулардан эди.

⁵ **Қаламрав** – Подишоҳ қўл остида, мамлакатада.

⁶ **Чухра** – Хос хизматкор. "Ўзбекистон миллий энциклопедияси"га қаранг.

Шунга кўра айтишимиз мумкинки, регресс давридан, яъни таназзулдан анча илгари яшаб ижод этган Навоий "дарди" ана шу мудҳиш жараённинг: таназзул ва емирилиш ибтидосининг тирик гувоҳи бўлган шоирлар дардидек эмас.

Махтумқули дейди:

Дардим кўпдир диёримдан, давримдан,
Хайр қайси, эҳсон қайси – билинмас.
Золимларнинг жафосидан, жабридан,
Ислон қайси, иймон қайси – билинмас.

Суҳбатинда Ҳақ каломин сўйлаш йўқ,
Мажлисинда бир насихат айлаш йўқ,
Ҳалол қайси, ҳаром қайси – сайлаш йўқ,
Суд қайсидир, зиён қайси – билинмас.

Халойикда ибрат-да йўқ, кўрим йўқ,
Бойларинда саховат йўқ, берим йўқ,
Хотинларда ҳаё, қизда шарм йўқ,
Адаб қайси, аркон қайси – билинмас.

Кишининг молига кўзни солдилар,
Таассуб-ла дилга кийна тўлдирар,
Бир-бирини ноҳақ ҳолда ўлдирар,
Нажот қайси, омон қайси – билинмас.

Махтумқули, жон меҳмондир, гавда – лош,¹
Яхшига дўст кўп-у ёмон беқардош,
Бу айёмда бош оёқдир, оёқ – бош,
Яхши қайси, ёмон қайси билинмас.

Махтумқули. (Тақрибан 1733-1791й).
"Яхши қайси, ёмон қайси билинмас".



¹ Лош, лоша – Ўлган нарсанинг жасади, ўлимтик.

Энди билдим замонанинг озганин,
Ёмонлар яхшидан қоча бошлади.
Қайтиб баднаслар аслзодадан,
Писанд этмай, тўрга кеча бошлади.

Риё бўлди кўпнинг қилган намози,
Тангри ҳеч биридан бўлмади рози,
Пайғамбар ўрнида ўтирган қози,
Пора истаб, қўлин оча бошлади.

Шоҳларда қолмади ҳукми адолат,
Бир пул учун муфтий берар ривоят,
Бил, бу ишлар – нишонайи қиёмат,
Золимлар тавбасиз ўта бошлади.

Додхоҳлар турубон, юзин сарғайтиб,
Ким тўрасин топиб, рангин қизартиб,
Золимлар мазлумга, сиртин қабартиб,
Қамчисиндан қонлар соча бошлади.

Мужтаҳид сўзига амал бўлмади,
Мунофиқлар Яратганни билмади,
Сўфилар пиридан таълим олмади,
Дунё учун диндан кеча бошлади.

Бир гуруҳ сўфилар "сўфиман" дейди,
Сўрамай, золимлар таомин ейди,
"Бизни яхши киши десинлар" дейди,
Ҳар эшикда халқа кура бошлади.

Қарига айланди биз кўрган ёшлар,
Оёққа айланди биз кўрган бошлар,
Бемаҳал юк боғлаб энди қардошлар,
Охират азмига кўча бошлади.

Оқил киши ғамда юрагин эзиб,
Дардининг дармонин сўроқлаб кезиб,
Замонанинг фасод бўлганин сезиб,
Фонийдан боқийга кўча бошлади.

Не асл бекларнинг навбати ўтди,
Сохтакорга, қароқчига сўз етди,
Дунёда ким қолиб, мурудга етди? –
Муҳаббат чироғи ўча бошлади.

Қози бўлган бир жавобда турмади,
Тунлар заҳмат чекиб, китоб кўрмади,
Шариат йўлинда тўғри юрмади,
Нафс учун иймонсиз ўта бошлади.

Махтумқули айтар: мудом йўл тани,
Беш кун синамоққа юборди сани,
Сендан бурун ўтган инсонлар қани? –
Ҳар ким навбатинда ўта бошлади.

Махтумқули.
"Ёмонлар яхшидан қоча бошлади".¹



¹ Ҳар иккила шеър Махтумқули Фироғий "Сайланма"сидан олинди.

"Дардим кўндир диёримдан, давримдан", "Қарига айланди биз кўрган ёшлар, Оёққа айланди биз кўрган бошлар"... Ушбу дарднок мисралар – чиройли айтилган поэтик иборатгина эмас, ўша даврда Диёр тортган дард-аламлар ҳасратидан туғилган аччиқ нидодир! Бутун бошли миллатнинг таназзулга тушиш омилларига ишора! Тўғри йўлдан оғиш, иймон амрига қулоқ осмаслик, Исломдан узоқлашиш, сохтакорлик, зулм ва зўравонлик каби давлатни емирувчи, таг-туғи билан кўпориб ташловчи ношаръий ва ғайриинсоний амаллар буюк давлатни заифлаштириб боради. Ҳар соҳада орқага кетаётган мамлакат ўзи сезмаган ҳолда ўзгаларга ўлжа бўла бошлайди. "Ўлжа" атамаси мен ўйлаб топган янги сўз эмас. Унга бу ном салкам бир ярим аср давом этган кўп серияли аянчли фильм ниҳоясига етгандан кейин берилмаган. Бу номни бош ролларни отабобомиз воқеий ҳаётда ижро этган, аччиқ ичакдай чўзилган фожиавий сериал тугагандан сўнг олинмаган. Қарийб 50 йил чор Россиясига, 70 йилдан кўпроқ коммунистларга ўлжа бўлиб таланган Она заминга бу ном У ҳали асир тушмасдан олдин – ўлжа бўлиб тақсимланмасдан илгари берилган эди.

Армин Вамбери ёзади: *"Менинг камтарона фикрим шу. Британия шери рус айиғи билан бу мамлакатларда (Ўрта Осиё) душманлик муносабатида бўладими ёки ака-укаларча ўз ўлжаларини тенг бўлиб оладиларми – бу шундай масалаки, ўзини филологик тадқиқотларга бағишлаган бир дарвеш сифатида мен бунга яқинроқ ёндаша олмайман".*

Армин Вамбери бундан 150 йил муқаддам Англияни Ўрта Осиёни Россияга бериб қўймасликка чақиради. Рус армияси Ўрта Осиёга яқинлашиб келаётганидан огоҳлантиради.

"Айрим одамлар Лондонда "Ўрта Осиё бизга керак эмас, керак бўлса руслар олаверсин", – деб юришибди, – ёзади ҳисоботида А. Вамбери. – Англиянинг ҳинд ерларига Россиянинг яқинлашиб келишига бепарқ қараши менинг ақлимга сизмайди. Россиянинг Ўрта Осиёдаги хатти-ҳаракатининг муваф-

фақият қозонишига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Лекин Россия фақат Бухоро билан чегараланадими? Ва ўз интилишларини Амударё билан чегаралайдими?

Мен Россия Туркистонни забт этгандан сўнг бир кун келиб Афғонистон ёки Шимолий Ҳиндистонга қараб юришдан ўзини тия олишини тасдиқлайдиган сиёсатдон билан учрашини истар эдим"...¹

Тирик миллатга ўлаксадек қаралса, алам қиларкан, хўрлигинг келади, кўздан қонли жолалар қуясан. Сиёсий кўр, ҳар жиҳатдан ғўр, ноиттифоқ хон-амирлар ва тарқоқ эл ўзига тасқарадек ташланган йиртқичларни ҳайдашдан буткул ожиз...

Хўш, А. Вамбери ўзи ким? Нимага асосланиб у "дарвешсифат филолог" Туркистонни Британия ва Россиянинг "ўлжа" сига чиқарди? Пировардда Ўлкани ким "ўлжа" қилиб олди?

Бу саволларга жавоб топишдан олдин e-tarix.uz сайтида ўқиганим "**Тарихимизнинг қора доғлари**" сарлавҳали мақоладан парчалар келтирмоқчиман. Мақола Мажид Ҳасанийнинг "**Юрт бўйнидаги қилич ёки истило**" китобидан олинган. (Тошкент. "Адолат". 1997)

Жаҳон тарихида рус империяси нисбатан анча ёш империя ҳисобланади. Подшо Пётр Биринчи 1721 йилда Россияни империя деб эълон қилган бўлса, 1917 йилги октябр тўнтаришини амалга ошириши билан В. И. Ленин бу салтанатнинг вориси, янада даҳшатлироқ давомчиси бўлган қизил империяга асос солди.

Ҳолбуки, пайдо бўлган кунидан бошлаб (ҳатто ҳали зоя даражасида бўлганида ҳам) бутун дунёда тўнтариш ясаб, танҳо ҳукмрон бўлиш нияти билан инсониятга дағдага қилиб келган ўша «қизил империя» эгаллаб турган беҳад катта ҳудудда қадимда кўплаб империялар ҳукмронлик қилиб ёки

¹ "**Вамбери олимми, жосус?**" Хайруллоҳ Исматуллаев. Ўз. АС. 1989 йил, 15 сентябр.

таъсир ўтказиб келганлар: Рум, Юнон, Германия, Византия империялари, Польша, Литва, Швед қироликлари, қатор Осиё, яъни Форс, Хитой, Турк империялари шулар жумласидандир. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, туркий халқларнинг ота-боболари ўтмишида ўн олти буюк империя кўрганлар: Буюк Хун, Боти Хун, Оврупо Хун (эрамизнинг IV асрида Оврупода барпо этган туркий давлат), Кўктурк, Авар, Ҳазор, Уйғур, Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Буюк Салжуқийлар, Хоразмийлар, Олтин Ўрда, Буюк Темур, Бобур, Усмонийлар империялари. Бу ўринда рус халқи уч юз йилга яқин давр мобайнида мўғул-татар хонликлари қарамлигида бўлганлигини ҳам унутмаслик керак.

Ўрта Осиё ва Қозоғистонга юриш даврида Фарғона генерал-губернатори: «Бир минг сарт бир рус аскарлари этигининг пошнасига арзимайди», – деб ёзган бўлса, уларнинг бошқа бири – Туркистон генерал-губернатори Фон Кауфман: «Амир исёнкорларидан (1868 й) бирортаси ҳам асир олинмасин. Қўлга тушганларнинг ҳаммаси, ҳаттоки ярадорлар ҳам отиб ташлансин», – деб фармон берган эди.

«Скобелев Ивановни зуғумга олгач, – деб ёзади Б. Наливкин, – у қўл остидаги аскарларини ҳужумга бошлаб, эмизикли болаларгача чопиб ташлади»...

Россия империясининг Кавказ ва Ўрта Осиёда олиб борган босқинчилик сиёсатини, ҳатто жаҳон йўқсилларининг «доҳий»си ҳам қоралаган эди.

Ленин «Туркистон мустамлакачилигининг энг ёрқин намунасидир», деб ёзган. (Ўзи Николайдан ўтиб тушди. Ж.)

Россия империясининг молия вазири Вишнегородский «Ўрта Осиё – рус тоғидаги энг қимматбаҳо дур», деб ёзганида Россиянинг келажакдаги иқтисодий юксалиши Ўрта Осиёга боғлиқ эканлигини назарда тутган эди.

"Тарихимизнинг қора доғлари".

e-tarix.uz

Энди Туркустон таназзулини олдиндан кўра олган ва Ўлкани "ўлжа" деб атаган А. Вамбери билан танишсак. Шу аснода юқоридаги саволларга ҳам жавоб топиб кетамиз. Барча маълумот 1989 йил 15 сентябрда Ўз. АС газетаси нашр этган "**Вамбери олимми, жосус?**" мақоласи асосида берилмоқда.

Венгриялик Армин Вамбери¹ 1832 йилнинг 19 март куни Дунай оролларида бирига жойлашган кичик венгер шаҳри Дуна Шердахелида яҳудий оиласида туғилган.

31 ёшли Армин Вамбери бундан 150 йил муқаддам дарвеш қиёфасида "Рашид афанди", "Рашид ҳожи" номи билан бизнинг юртимиз бўйлаб сафарга чиқади.

А. Вамбери 1863 йилнинг бошида Техронга келади. Эрон пойтахтидаги Туркия элчихонаси бошлиғи уни илиқ қаршилайди ва Ўрта Осиёга дарвеш қиёфасида амалга ошириладиган "саёҳат" режасини ишлаб чиқа бошлайдилар.

1863 йилнинг 28 март куни Маккадан қайтаётганлар билан бирга кечқурун Рашид афанди дарвеш қиёфасида ҳали бизга номаълум минг хил хаёллар, минг хил режалар билан юртимиз томон кела бошлайди.

1863 йил 29 май куни А. Вамбери кўшилиб олган карвон Хева хонлиги тупроғига қадам қўяди. Вамбери: "30 май куни биз ўзбек қишлоғига кириб келдик. Бу қишлоқ аҳолиси мен кўрган биринчи ўзбеклар эди; улар жуда ҳам ажойиб инсон эканлар", – деб ёзади дафтарига (63-бет).

Хевани кўрган Вамбери ҳайратда қолади. "Мен аввал Хеванинг шунчалик чиройлилиги саҳро билан қиёсдан бўлса керак, деб ўйлаб эдим. Йўқ, йўқ! Хеванинг атрофидаги баланд тераклар, соя ташлаб турган кичик ҳовлилар кўм-кўк яйловлар ва тўкин-сочин далалар ҳозир ҳам – Европанинг ғоят гўзал ерларини кўрганимдан кейин ҳам – мен учун энг чиройли бўлиб туюляпти". (64-бет).

¹ Венг. *Ármin Vámbéry*, немис. *Hermann Bamberger*. Герман Бамбергер.

Амударёнинг суви ҳақида: "Дунёда бунга ўхшаш бошқа дарё йўқ, муборак Нил дарёси ҳам бундай эмас, дейишарди. Мен бўлсам, бу, дарё сувининг тотлиги сувсиз чўлдан чиқиб, унинг қирғоқларида ором олиш натижасида бўрттириб айтилган гап бўлса керак, деб ўйлардим. Бироқ кейинчалик бунинг хатолигига ишондим. Аминманки, мен билган дарёлар ичида суви энг ширини, бу – Амударё сувидир", деб гувоҳлик беради можар сайёҳи ўзининг "Ўрта Осий бўйлаб саёҳат" китобида. (78-бет).

Вамберининг ёзишича, Хеванинг тупроғи бой, у буғдой, шоли, ипак, пахта, қоғоз сифатли бўёқ олинадиган руён номли илдизи билан шуҳрат қозонган. Хеванинг мевалари шундай тотлики, унга тенг келадиган меваларни Эрон ва Туркиядагина эмас, балки Европанинг ўзидан ҳам топиб бўлмайди. Айниқса, Ҳазорасп олмалари, Хеванинг нок ва анорлари, тенги йўқ, ажабтовур қовунлари жуда ҳам яхши. Унинг қовунлари Пекингача маълум. Айтишларича, Осмон (Усмон) салтанатининг султони вақти-вақти билан Урганч қовунларини хушлаб қолар экан. Бу қовунлар Россияда ҳам юқори баҳода сотилади. Бир арава қишки қовунга бир арава шакар тўлашади. (170-бет).¹

Яна бошқа бир китобида – "Ўрта Осиё очерклари"да Вамбери Хева қовунлари хусусида тўхталиб, уларни юқори баҳолайди: "Хева қовунларига ўхшаш қовунларни сиз Осиёдагина эмас, балки бутун ер юзида тополмайсиз. Уларнинг ширинлиги тўғрисида европалик ҳатто тасаввур ҳам қилолмайди. Улар шу даражада ширин ва хушбўйки, оғизда эрийди; агар уни нон билан ейилса, бизга табиат инъом этган энг ширин таом шу бўлади". (226-бет).

¹ Шу ўринда 616 ҳижрий, 1219 мелодий йилда Хоразмга келган сайёҳ, тарихчи, адиб Ёкут Ҳамавийнинг Ўрганч шаҳри ҳақида ёзиб қолдирган сўзини келтириш жуда ўринлидир. Араблар Ўрганчни ал-Журжон деб атаган. Сайёҳ дейди:

"لا أعلم أنني رأيت أعظم منها مدينة ولا أكثر أموالاً، وأحسن أحوالاً" – "Мен бундан буюкроқ, моли бисёр, аҳволи яхши шаҳарни кўрмаганман". (Роғиб Сиржоний мақоласидан олинди).

А. Вамбери ўзбек пахтасига алоҳида эътибор берган. Унинг 150 йил аввал чиқарган хулосасига кўра, Ўрта Осиё пахтасининг келажаги катта. Туркистон пахтаси ҳинд, эрон ва миср пахтасидан яхши, кўпларнинг фикрича, у машҳур америка пахтасидан қолишмайди. (229-бет). Ўрта Осиё пахтасини фақат Россия харид қилиши Вамберини ташвишга солади...

Туркистон ўлкасининг қазилма бойликлари тўғрисида ҳам А. Вамбери анча кенг ва ҳақиқатга яқин маълумотлар келтирган. Мен шундай хулосага келдим-ки, деб ёзади у, Туркистон бойлиги кам ўлкалардан эмас. Уни кум гардишли олмос, деб бежиз айтишмайди. Келажакда Ўрта Осиё ҳақиқатдан ҳам муҳим аҳамият касб этади ва Шарқ мамлакатлари ўртасида энг кўзга кўринарли ўринни эгаллайди. (238-бет).

Бухоро бўғдойи энг сифатли саналади, у узун ва ингичка қизил рангли дон беради. Бухоро дўконларида Вамбери чойнинг 16 хилини кўрган ва уларнинг номини ўз ён дафтарига туширган. Уларнинг айримлари мана булар: қирқма, ахбор, оқ қуйруқ, қора чой, сепет чой, ишбоглу, гулбўй, пошун, лонка...

Вамбери ўлчовича, ўша пайтларда Самарқанд сахн жиҳатидан Техронга тенг бўлган, лекин уйлар узокроқ жойлашган, катта бинолар эса яхши ерларга қурилган. (112-бет).

Бир нарсани олдинда айтиб қўйишимизга тўғри келади, деб ёзади мақола автори Х. Исматуллаев, – шаҳар-қишлоқларимиз, халқимиз, биздаги барча ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, юртимизнинг географик ва стратегик мавқеи ҳақида А. Вамбери ўз асарларида деярли ҳақиқатни ёзишга ҳаракат қилади. Унинг вазифаси Ўрта Осиёнинг географик, сиёсий, ижтимоий мавқеини тўғри баҳолашдан иборат эди. Уни Ўрта Осиёга юборганларга шу керак эди. У ўз вазифасини аъло даражада бажаради. Биз учун А. Вамбери ёзиб қолдирган халқимизнинг ўтмиш ҳаётига оид ҳар бир тарихий далиллар қимматлидир.

Қарши А. Вамбери бўлган охириги шаҳар эди. Бу шаҳарда уч кун тургач, у Амударёни кечиб ўтиб, Ҳиротга йўл олади. 27 ноябр куни Машҳадга етиб келади ва Машҳад шаҳрининг

губернатори англиз полковниги Долмаж қабулида бўлади. Мана шу кундан бошлаб Рашид афанди ўзининг дарвеш ниқобини олиб ташлаб, яна А. Вамбери қиёфасига киради. У тўплаган Ўрта Осиёга оид дастлабки маълумотлар билан танишган англиз полковниги Вамберини ва Маккага кетиш орзусидаги асли Қўнғирот мулла Исҳоқни икки яхши от ва етарли йўл анжомлари ва харажат билан таъминлайди.

Техронда Вамберини Эроннинг ёш шоҳи Назриддин ҳам қабул қилади. Ёш Назриддин шоҳ мени боғда қабул қилди, – деб эслайди Вамбери. – У мендан (Ўрта Осиёлик) ҳамкасблари, хонликлар ҳақида сўради. Мен уларнинг сиёсий аҳволи танглигини айтдим. Ёш шоҳ ёнида ўтирган вазирига: "Ўн беш минг аскар билан биз уларнинг ҳаммасини енгардик", – деди.

Вамбери Ўрта Осиёга қилган сафарининг асл моҳияти тўғрисида "сафаримнинг асл сири, моҳияти фақат икки кишига аён эди", деб ёзади, лекин кимлар бу сафарнинг сиридан воқиф бўлгани ҳақида оғиз очмайди.

Вамбери англизларнинг сўнги умиди эди. У бу умидни тўла оқлади. У ақлли, илмли, айёр ва сабр-бардошли эди.

Вамбери қисқа вақт ичида Хева, Қўқон хонликлари ва Бухоро амирлигига оид тўла маълумотлар тўплай олди. У ўз ҳисоботида сиёсий жабҳада бир неча йил кейин бўлиши мумкин воқеаларни олдиндан башорат қила олди.

Армин Вамбери Англияни Ўрта Осиёни Россияга бериб қўймасликка чақиради. Рус армияси Ўрта Осиёга яқинлашиб келаётганидан огоҳлантиради. "Айрим одамлар Лондонда "Ўрта Осиё бизга керак эмас, керак бўлса руслар олаверсин", – деб юришибди, – ёзади ҳисоботида А. Вамбери. У ўз ҳисоботини шу сўзлар билан якунлайди: "Менинг камтарона фикрим шу. Британия шери рус айиғи билан бу мамлакатларда душманлик муносабатида бўладими ёки ака-укаларча ўз ўлжаларини тенг бўлиб оладиларми"... Иқтибос тугади.

Бир оз узун, лекин керакли, назаримда, жуда зарур чекинишдан сўнг яна Навоий "фарёди"га қайтамиз.

Турк миллати дунёда етакчилик қилган, етти иқлим турк салтанатига етти букилган шукуҳли даврда яшаб ижод этган озод шоир "дард"и билан чор Россияси исканжасида ножинслар билан яшаб ижод этган Муқимий, Завқий, Фурқат, Аваз Ўтар, Мулла Сиддиқ Котиб, Каримбек Камий каби мазлум шоирлар дардини бир хил деб бўлмайди.

*Ё Раб, замона халқи бир-бирига ҳосид ўлди,
Фикру хаёли тун-кун онлари фосид ўлди,
Мулло элига оми ҳар доимо зид ўлди,
Илм аҳлини, дариго, бозори касод ўлди,
Ё Раб, кушойиш бер бул кори басталарга...*

*Ножинс элини, ё Раб, бизга ҳабиб қилма,
Бу дарди бедавони ҳаргиз насиб қилма,
Бир зарра гайр муҳрин дилга қариб қилма,
Муҳтож қил Ўзингга, ўзга табиб қилма,
Ё Раб, шифо ато қил бемору хасталарга.¹*

Мулла Сиддиқ Котиб дейди:

*Мусулмонлар, биродарлар, биза қандоз замон ўлди?
Худоёрхондин айрилдук, ани ҳажри ямон ўлди.
Тушиб бизларга кулфат, гайри мардум шодмон ўлди,
Шариат бўстонин гулистонига хазон ўлди,
Бу ҳасратдин диёнатпеша аҳли бағри қон ўлди...*

*Ўрис саллоти чиқти бош ўлуб анга губирнатир,
Уруш майдони соз ўлди, қани жанг қилгучи шотир,²
Кўруб, олди йироққа ўзларни лоф ургучи ботир,
Хатар хавфи билан жамъ ўлмади ҳеч кимсада хотир,
Мусулмон аҳлига меҳнат ўшал кун бегарон ўлди.³*

¹ Каримбек Камий мухаммаси. Ўз.А С 1990 йил, 28 декабр.

Каримбек Камий 1865 йил Тошкент шахрининг Себзор даҳасида туғилган.

² **Шотир** – Эпчил, абжир. Навкар, жиловдор. **Бегарон** – Чексиз, ҳадсиз.

³ Ўз.А С 1993 йил, 3 сентябр. Бу салмоқли мухаммас юз мисрадан ортиқ.

Завқий фарёди ҳамманикидан ўтиб тушади:

*Қаҳатлик бўлди бу Фарғонамизда,
Топилмас парча нон вайронамизда.*

*Паямбар бўлса нон, ош – авлиёдир,
Яна очлик давосиз бир балодир.*

*Ўлим хавфи ўраб қишлоқларни,
Не қишлоқу жибол авлоқларни.*

*Қирилди қанча одам вабодин,
Нишона қолмади меҳру вафодин.*

*Шишиб ўлганни кўммакка киши йўқ,
Ким ўлган бирла одамнинг иши йўқ...*

*Чиқиб эрдим бугун янги шаҳарга,
Кўзим тушиди бу янглиз шўр-шарга.*

*Ялангга тўпланибди кўп халойиқ,
Сўз айтур ҳар бири ҳолига лойиқ.*

*Камитет садри, ҳоким ҳам приступ,
Чиқиб келди аларни қуршади тўп.*

*Хотин-эркак тушибким орқасига
Илиб нимжон боласин елкасига.*

*Ҳама шовқин солиб, ким юлди сочин,
Дедилар: "барчамиз оч, қил иложин".*

*Бу янглиз хор бўлгайму одамзод,
Агар қодир эсангким айла имдод.*

*Хлеб деб телгром бергил ишига,
Ўшал оламни титратган кишига.*

Бу – оқ пошшо мустамлакаси давридаги ҳасратга мисол.
Мустамлака ҳамма балонинг боши, истибдод унинг самараси.

Ўн бешинчи асрда порлаган юлдуз "нола"си йигирманчи асрнинг тундай тонгида ёниб ўчган Қодирий, Ҳамза, Чўлпон ва саноғини уларни яратганнинг ёлғиз Ўзи билувчи эрта сўнган юлдузлар ноласидек эмас. Тўғри, улар ҳам эл-юрт ғамида қалам суришган, лекин Навоийдек эркин яшашмаган, анингдек кенг моддий таъминотга эга бўлишмаган. Мулкдорликка қарши аёвсиз курашилган, бир бурда нон учун эр-хотин бошини баркаш елкасини обкаш қилган оғир паллада шахсий дардлари эл дардидан кам эмас эди.

Ҳар ҳолда бемавридроқ бўлса керак, камбағал, боғбонлик билан кун кечиргучи бир оилада тузилгонман, – дейди Қодирий ўз таржимаи ҳолида. – Ёшим 7-8 га етгач, қорним ошқа тўймагонидан, устим тузукроқ кийим кўрмаганимдан аниқ билдимки, беш жоннинг томоғи фақат 80 ёшли бир чолнинг меҳнатида экан. Ёшим 9-10 га боргондан сўнг мени мактабга юбордилар. Оиламизнинг ниҳоятда қашшоқ кун кечиргани важҳидан ўн икки ёшимда мени бир бойга хизматчиликка бердилар...

Инқилобдан кейин тирикчилик янада оғирлашади, мушкуллар қалашади, ҳаёт хатарли тусга киради. "Октябр берган" эрк, ҳақ-ҳуқуқ Октябрдан сўнг бирин-кетин тортиб олинади.

1919 йилда А. Қодирийнинг "Иштирокиюн" "Коммунист" газетасида чиққан мақоласи ушбуларни тасдиқлайди. "Қимматчилик ҳасрати" мақоласи тўлалигича тақдим қилинмоқда.

"Иштирокиюн"нинг бир нўмиринда Тошқун ўртоқ "Қимматчилик тинкамга тегди" унвонли бир мақола ёзиб: ман сўққабош бўлатуриб шунча қийналмоқдаман, аммо бола-чақалик акаларнинг ҳоли нима кечмоқда экан, мазмунида бир сўз сўзлийдир.

Бола-чақалик бир йигит ўлдигимдан Тошқун оганинг бояги сўзи маним ярамга туз сенди. Шу қимматчилик вақтининг оиладор бир кишиси бўлувим сабаби ила қўлимга қалам олиб ман-да ўз ҳасратимни ёзиб ўтмоқчи бўлдим. Лекин маним кечирмоқда ўлдигим кунлар олдида Тошқун ўртоғимники ҳолва бўлиб қоладир.

Мана тубанда ўқуб кўрулсун: Ош-нон емоқдан бошқага ярамаган бир чол отам ила бир кампир онам, ёлғуз сўз сўйлаш ила ош пиширишка яратилган бир хотуним бор. Кўчага юз карра чиқиб, ҳар уйга кирганда "Ойи, нон бер!"ни ўзиники қилиб олган бир қизим, топканини кўчада чиқим қилиб, эрта-кеч маним овқатимга шерик бўладирган бир иним бор. Булардан бошқа тағи бир яшар ўғлум бўлса ҳам, Худога шуқр, ҳали тиши чиққанча йўқ. Маним қаровимдаги жамъи муфтхўрлар (муфтхўр – текинхўр) олти жон, ўзим ила етти жон бўламиз. Мана шу юқорида кўрсатганларимни тўйдирмоқлик кафолати маним устимга юкландир. Ўзим... да хидмат қилиб, ойлик вазифам саккиз юз қирқ сўм, ҳар кунига йигирма саккиз сўм 33 тийин тушса керак.

Энди шу жонивор йигирма саккиз сўм 33 тийиннинг устидаги ("Ишчи" ўртоқнинг таъбиринча) машаага томоша қилинса: ман Эски шаҳар озиқ шўъбаси тарафидин берилажак озиқларни ҳисобга олмай, тўп-тўғри бозор баҳосига ҳисоб юритаман, чунки Эски шаҳар озиқ шўъбасининг берадирган йигирма кунда бир карра нонини, икки ойда бир мартаба оила бошига икки қадоқ зигир мойини, бир ярим ойда жон бошига бир қадоқ сўк ва биринчи, оҳ ўлдим, деганда ярим қадоқ гўшини бутунлай ҳисобга олмайман. Ийднинг биринчи кундан бошлаб то алҳолгача билмадим, нима сабабдандир нон ҳам бергани йўқ. Бошқа нимарсалар ҳам ҳоказо...

Агарда қаттиғ тегмаса озиқ шўъбасининг мутасаддиларига шундай тавсияда бўлинур эдим: Бизадек камбагал Жулқунбойларни, ўзингизни, ҳам комитетингиздаги икки юзми, уч юзми хидматчиларингизни жавобини берингиз-да, ҳаммамизни оворагарчиликдан ҳам тамуғликдан қутқаринг!

Мақсаддан йироқ тушибман. Эрталабки чойни беш дона нон ила ичамиз. Бир пут унни ўрта ҳисоб ила икки юз сўм қилганда ҳар донаси беш сўмдан тушиб, йигирма беш сўм бўладир. Чойни ҳам уч сўм ҳисоблаганда юқорида кўрсатиб ўткан бир кунлик топшимнинг машааси тамом бўлиб, куннинг мундан бу ёғига бўладирган харажатлар бутунлай ўринлидир. (Эҳтимолки, бу сахиёна ёлғуз эрталабки чой учун бериладургандир).

Ўрни йўқ чиқимлар: тушлик чойга уч дона нон пули ўн беш сўм. Ўзим хизмат вақтида арзон баҳо ошхонадан бир коса ош ейман — пули олти сўм. Жамъи йигирма бир сўм.

Энди кечқурунги ошлик тури ҳафтада шу равишча бўладир: шанба ила душанба кун мошхўрда, якшанба ила сешанба мошкичири, чаҳоршанба кун сўк оши, панжшанба куни убра, жумъа куни палов. Паловдан бошқаларининг чиқими озроқ фарқли бўлгани учун бир кунлик масаллиқ тубандагича ҳисобланса мумкиндир. Ярим қадоқ мош беш сўмдан етти сўм элли тийин. Ярим қадоқ биринч олти сўмдан тўққуз сўм. Чорак қадоқ мой ўн сўм. Бир қадоқ картўшка олти сўм (гўш ўрнига картўшка ишлата бошлаганимизга икки ойлар бўлди. Гўшнинг исминигина эшитамиз. Бу яқинда ўзини кўрганимиз йўқ).

Хожжи туз ва ўтундан бошқа ош чиқими 36 сўм 50 тийин. Ҳафтада кир собундан бир қадоқ кетадир. Пули 60 сўм. Бул ҳам бир кунга 10 сўм тушади. Ош харажатидан тағи бир нарса ёдимдан кўтарилибдир. Ҳафтага бир хурмача қатиқ пули 35 сўм, кунига 6 сўмдан зиёдроқ тушса керак. Жамъи ўринсиз харажат 64 сўм 50 тийин. Ўринлик — 26 сўм ила жамъи 102 сўм 50 тийин. Юқорида ёлғуз овқат харажатларини кўрсатдим. Тошқун ўртоқ айтмишли ҳам ёзнинг кўнгил сус кетадурган мевалари ҳам бор. Ўлдим деганда ўттуз-қирқ сўмни бунга ҳам бермай иложинг йўқ. Майда-чуйдалари ила ҳисоблаганда маишатимга бир юз сўм етадир. Бу юз сўмни нима қилмоқ керак. Бунга ким айбли? Молни қимматландирувчи испикулянтми? Ёки вазифани оз берувчи ҳукуматми? Бу хусусда чурқ этмасдан ҳукмини ўқиғучининг муҳокамасига ташлаб ўтаман.

Боболаримизнинг "Қарзинг мингга етса, мурғи мусамман (қуш гўшти) егин" деган бир мақоллари бор. Лекин ҳозирда қарзим беш мингга етти ҳам мурғи мусаммандан дарак йўқ. Агарда бу сўз тўғри бўлса эди, мурғи мусаммандан бешини еган бўлур эдим.

Ўюн-кулгига, томошага ўчроқ (ҳарисроқ) бўлсам ҳам оқчасизликдан ташлаб юборганимга кўб вақтлар ўтди. Матбуотга майда-чуйда ёзишқа иқтидорим бўлса ҳам бу ишим яхшигина эди. Малъун қимматчилик қисирқиқидан кўбдан тарк этиб юбордим.

Юқоридаги бир неча сатр ҳасратни ёзарга "Кампирнинг дарди зўзада", деган каби Тошқунбой мақоласи сабаб бўлди. Ман-да ўз дардимни ёздим. Йўқса эзмаланиб ўлтурмоққа вақтим ҳам йўқ эди. "Иштирокиюн" бошқармаси бу эзмаликни босарми, йўқми маним ишим эмас. Ҳар ҳолда ҳасратимни ёзиб, юрагимни бўшатиб олганим учун ўзимни енгил каби сезмоқдаман.

Бу ёзганларим ўқувчига ортиқча бир эзмалик бўлиб сезилур, шунинг ила баробар ўринлик ҳам деб ўйлайман.

Жулқунбой

"Иштирокиюн".1919 йил, 5 август. 148-сон, 2-бет
ziyouz.uz.

Жуда танг аҳволда қолган Ҳамза "ёзувчи бўлмай ва дунёга келмай ман ўлай", дейишгача борган.

"Ҳамза диндор бўлганми?" мақоласида ёзилишича:

"У дўстлари ва юқори ташкилотларга ёзган ўнлаб мактубларида "ёрдам сўрасак бизга тескари қарайдилар", "ёзувчи бўлмай ва дунёга келмай ҳам ўлай", "ҳозирда кўриб турган кунларимни итлар кўрмайдур", дейди.

Бир қайдида "Оч туришга чора йўқ, ўғирликка уқув йўқ. Мардикорликка куч, усталикка хунар йўқ. Дехқончиликка ангал-дангал. Ўлишга текин ажал йўқ. Қочай десанг, на йўл бор, на тинч жой. Муни устига сан ҳам бўларсанда шуларга ўхшаган бедин, ноинсоф бир болшовой", дейилган.

Ҳамза 1928 йил 25 сентябрда бир дўстига йўллаган мактубида ҳаётининг хавф остида қолганлигини айтиб, пичоғимнинг гулдастаси синмасун эди. Ул ифвогарларнинг тегишлик чораларини кўрмасликлари яна бир зарба бермай қолмас, деб ёзади.

Кўп ўтмай, 1929 йил 18 мартда эса Ҳамза ваҳшийларча ўлдирилади.

Бу ишда сиёсий кучлар ҳам иштирок этганига шубҳа йўқ".

"Ҳамза диндор бўлганми?
"e-adabiyot.uz.

Чўлпонга миллатчи деган айб қўйилгандан кейин у ишсиз қолади. Асарлари чоп этилмайди. Чўлпон кўшниси Абдулазиз Хошмухаммедовга ҳасратланиб: "Театрдан иш беришмаяпти, асарларимни чиқаришмаяпти, иложсизликдан таржима билан кун кўриб турибман", – деган экан.

А. Хошмухаммедов ўша мудҳиш кунларни хотирлайди: Бир куни хотини (рус эди) менинг олдимда Чўлпонга:

– Ҳамид! Бизга қарзга сут олиб келадиган қария ҳақини сўраяпти. Нима қиламиз? – деди

– Таржима ҳақимни олсам, албатта тўлаймиз, ҳозир эса пулим йўқ, – деб жавоб қайтаради Чўлпон.¹

Чўлпон Москвадан Қодирийга йўллаган мазмуни ниҳоятда ғамгин мактубида ушбу тўртлик ёзилган эди:

*Ватандан дарбадар бўлдим, гарибман, ошёним йўқ,
Паришон ҳолимни сўргучи руҳи равоним йўқ.
Тирикман, ўлмаганман, лекин инсонликда соним йўқ,
Агар қатл этсалар, девона Маширабдек тавоним йўқ.²*

Абдулҳамид Чўлпон 20-йилларда ёзган шеърида дейди:

*Ҳасратим кўп, элга айта олмайман,
Армоним кўп, дилга жойлай олмайман,
Ўтли кунлар тушди менинг бошимга.*

*Кўз ёшимда ювсам юртнинг шонини,
Тилим билан сўрсам оққан қонини,
Қонли кунлар тушди менинг бошимга.*

1927-йили Чўлпон асли яхудий оиласидан бўлмиш олмониялик немис шоири Ҳенрих Ҳейненинг (Генрих Гейне 1797-1856) қуйидаги дарднок шеърини ўзбекчага ўгирган эди.

*Ҳамма эснаб турди, қулоқ солмади,
Қайғумни гапириб берган вақтимда.*

¹ Шарқ юлдузи. 1990.6.

² Қодирий, Чўлпон ва бошқалар. Юнус Мақсудий. e-tarix.uz.

*Мени алқаман киши қолмади,¹
Қайғумни назмга терган вақтимда.*

Ажабо, қаламкашнинг дарди, бошига тушган мусибати бир асарнинг дунёга келишига, ҳикматли сўзлар туғилишига туртки бўлар экан. "Ижодкорнинг шахсий бахтсизлиги гоҳо адабиёт бахтига айланиши мумкин" экан.² Қоғозга тушган дард умумхалқ хазинасига қимматбахо бойлик бўлиб тушади.

Ҳенрих: "Агар итнинг оғзини бойлаб қўйсангиз, у орқаси билан ҳуради", деган экан. Қўлига қалам эмас, анжом олган ҳунарманднинг ҳасрати ҳаёт шовқин-сурони ичида билинмай кетади. Овози узоққа етмайди, юқорига сира кўтарилмайди. Ижодкор уни оламга овоза қилади. Унинг бошқалардан кўра кўпроқ қийинчиликка дучор бўлиш ҳикмати: ўзгалар дардини англаш, ҳис этиб, оғзи бойланган элнинг оғзи боғлиқ ит ҳолига тушишининг олдини олиб, шикоятини юқорига етказиш бўлса, ажаб эмас. Унинг сеҳрли сўзи аччиқ лимонни ширин шарбатга, захарни асалга айлантира олиш кучига эга.

Цензура, назорат каби дарбандни билмаган: тўсиқ, ғов, тор, қисик йўллардан юрмаган қаламкаш билан цензура домидаги қаламкашнинг шаъни тоғдаги оху ила қафасдаги охудек гап. Хавфсинган қаламкашлар дилдаги фикрларни қоғозга ўраб, "ўзларинг тушиниб олинлар" қабалида иш тутишган. Кимдир у тилсимли асарлар ботинига боқиб, муаллиф мақсадини англаган, кимдир зоҳирга кифояланиб, ботин болидан маҳрум бўлган. Буни гул ва гулзор мисолида тушунтирсак: кимдир гулни томоша қилиб, унинг жамолидан баҳра олади. Кимдир гулга яқинлашиб ҳидлаб, унинг ёқимли ҳидидан маза топади. Ким гулоб чиқарса, ким бол йиғади. Ким гулдан илҳомланиб шеър ёзса, ким нақшга андоза олади. Ким эса оёғи билан топтаб, пайҳон қилади. Китобдан фойдаланиш, китобга нисбатан муносабат ҳам айни шунга ўхшайди.

¹ Алқамок; олқамок – Бировга яхшилик, бахт, саломатлик тиламоқ.

² Умарали Норматов сўзининг мулаххаси. "Умидбахш тамойиллар".

Қодирий шўролар истилосидан илгари, чамамда 21 ёшида, ҳали шўролар эл оғзига тумшуғбоғ, бўйнига сиртмоғ, қўлига кишан боғламасдан олдин ҳасратини очиқ айтиб шеър ёзган экан.

Келинг, шу шеърни ўқиб, фикр юритайлик. Шеър илк бор "Ойна" журналининг 1915 йил, 12-сонида араб алифбосида нашр қилинган. 1993 йилда Ўз.АС да қайта чоп этилади.

عاقلا فکرايلاغییل که نه اشلايور اهل وطن قیسی فاسق قایسی جاهل قیسی سی بولدی چین...

*Оқило, фикр айлагил, ки на ишлаюр аҳли ватан,
Қайси фосиқ, қайси жоҳил, қайсиси бўлди чапан?*

*Қилдилар бир-бирига душманликни ҳар вақт беибо,
Бир-бирини айбин очмоқга киришдилар бажан.*

*Ер сотарлар элда неча тўй бажо этмак учун,
Чунки бидъатни йўлида ҳам фидодур жону тан.*

*Пулни кўп исроф этармиз, бизга тўғри келмагай,
Тўлибон тошти бу вақт ул ақчалардин рестўран.*

*Занлари соҳибжамолу ҳам сатанг деб ўйлама,
Еб-ичиб жир битмаган андоғ сигири белабан.*

*Қизларин бўйнида кўруб зебигардон ҳам тумор,
Ўйламангиз олима деб, жумласи нафъсиз, зиян.*

*Туиса пул қўлига гар, соатча тўхтаб турмагай,
Чунки нодонни қўлида мушт туфроқдур суман.*

*Қодирий наздингиза ўз ҳасратидан сўйлади,
Айб этуб қилманг ҳақорат, муҳтарам аҳли ватан.*



"Аҳволимиз" шеърида Қодирий ўз даврининг ўта аянчли, ҳануз барҳам топмаган оғир аҳволини куйиниб ёзади:

*Кўр бизнинг аҳволимиз, гафлатда қандай ётамиз,
Жойи келган чоғида виждонни пулга сотамиз.*

*Ўғлимизга на адаб, на фан, на яхши сўйламоқ,
На Худони буйруғи бўлган улум ўрготамиз.*

*Коримиз шундан иборат бўлди ушбу чоғида,
Ўнтадан бедона боқиб, ёзу қиш сайротамиз.*

*Ҳамда ҳар кун такяларда наша, кўкнори чакиб,
Баччага кокил солиб, оҳ-воҳ билан ўйнотамиз.*

*Келингиз, ёшлар, зиёлилар, бу кун ғайрат қилинг,
Ухлаганларни агар Қодир эсак уйготамиз.*

*Қаримиз, боёнимиз, балки бу вақт оқвонамиз,
Ногаҳон кўрсак агар бир бесоқолни қотамиз.*

*Ўртада чиқса агар миллатни суйғучи,
Биз ани даҳрий санаб, тўфанча бирла отамиз.*

Қаранг! Ёш турк йигити элни фикр юритишга ундаяпти. Ёшлару зиёлиларни ғайратга, ғофилни уйғотишга чақиряпти...

Навоий, Пушкин, Қодирий тимсолида ўтмишдаги 21 ёшли йигитлар ташвиши билан бироз танишдик. Асримиздаги 21 ёшли йигитлар ташвиши қандай?! Ардоқлими, ачинарлими?!.. Бу, кенг баҳсга муҳтож алоҳида бир мавзу.

Садриддин Айний ҳам 1913 йилда "Ҳасрат" номли шеър ёзади. У бу шеърида мусулмончиликдан футур кетганидан, диёнат заифлашганидан, замон охирлашганидан шикоят қиладди. Кейинчалик у шу шеъри учун "пессимистик нолаларга берилган, ижоди зиддиятли", деб танқид остига олинган.

"Айний фаолияти ва ижодидаги бундай зиддиятлар то 1917 йилга қадар – Октябрь ғалабасига қадар сезилиб туради".¹ Инқилобни 40 ёшда қаршилаган Айний 1917 йилдан сўнг шўро адабиётининг яловбардорига айланади.

М. Қўшжонов "Айний бадиятининг эволюцияси"да ёзади:

Маълумки, Ҳамзанинг энг машҳур шеърларидан бири "Яша, Шўро" деб аталади. Садриддин Айний бирон шеърини "Яша, Шўро" деб атамаган бўлса ҳам, шу иборани у кўп ишлатади. "Биринчи май марши"да у ёзади:

*Яша шўро, яша шўро,
Биринчи май яшасин.*

Нафақат Ҳамза ёки Айний, балки кўп шоирлару зиёлилар ҳам шўролар ваъдасига алданиб, сўнг пушаймон бўлишган...

Навоий "нола"сини шўроларга содиқ бўлишига қарамай, ўзини "Маркс ва Лениннинг ҳароратли шогирди" санасада, темир тузум тахтакачи тагида таҳликали ҳаёт кечирган, гарчи бахт-шодлик ҳақида жўшиб куйласада, аслини олганда, жаҳон миқёсида чинакам бесару сомон, алохону аломон ҳисобланган ижодкорнинг "Номи йўқ қашшоқ эдик" деган ҳақсиз ҳасратига умуман тенглаштириб бўлмайди. Якка Аллоҳга сиғинган банда билан шахсга сиғинган банда орасида катта фарқ бор.

Ёзувчи Саид Аҳмад (1920-2007) сўзларини ўқиймиз:

Ўша йилларда (1930 йиллар) нашр қилинган китобларни, газета ва журналларни варақласангиз қуруқ мадҳиябозликка тўлиб тошган асарларни кўрасиз. Уларда очни тўқ, ялангочни усти бут, деб тасвирланди.

Ўз халқига, маданиятига лой чаплаш мусобақаси бўлаётганга ўхшарди. Бу мусобақанинг ўз золиблари, ўз чемпионлари бор эди. Адабий асарнинг қиммати Сталиннинг номи неча марта такрорланганига, улуг оғамизнинг вакиллари қандоқ ёрқин бўёқларда тасвирланганига қараб баҳоланарди.

¹ О. Шарафиддинов "Улкан ҳаётнинг илк саҳифалари" (1964 йил).

*Ўша асарлар чин кўнгилдан эмас, илҳомсиз, завқсиз, саба-
би тирикчилик деб ёзилгани шундоққина билиниб турарди.*

*Ким эдик тарихда биз,
Номи йўқ қашшоқ, гадо –*

деган шеърлар ўша даврнинг гимни, таронаси эди.

Саид Аҳмад "Ижод ва жасорат сабоғи".
Ўз.АС 1992 йил, 18 сентябр.

*Шоҳ эдик тарихда биз,
Юртда йўқ қашшоқ, гадо.
Ном улуғ эрди чунон
Даҳрийлар бўлмай пайдо.*

*Ножинслар ғаддор ила
Тарқатиб кетди вабо.
Не бахтким тез кунда эл
Дардига топса даво.*

Ж.

Ёш шоир ва журналист Беҳзод Фазлиддин дейди:

*"Яқинда атоқли шоирларимиздан бирининг китобларини
яна бир қур кўриб чиқишга тўғри келди. Жилд-жилд "Танлан-
ган асар"ларда, нари борса, бармоқ билан санарли шеърлар,
ўшаларнинг ҳам бағрида алвон йилларнинг қип-қизил доғлари
бор. Очиги, жуда галати ҳолга тушдим. Қисмат экан, шун-
дай ноёб истеъдодлар ўзлари истаб истамаган ҳолда шу
тариқа яшашга мажбур бўлишди. Бугуннинг кўзлари билан
қараганда, уларни айблаш осон" ...*

Б.Фазлиддиннинг И.Ҳаққул билан суҳбатидан.
2013 йил.



Амируш шуаронинг "дард"и коммунистик мафкура зуғу-мида улғайиб, шу мафкура узил-кесил барбод бўлган даврга етиб келган шоирлар дардига ҳам асло ўхшамас экан.

Энди инсон қадри ҳам аввалгиларга ўхшамас, (О.М.)

Кўнглум ичра дарду гам аввалгиларга ўхшамас... (А.Н.)

Навоий ғазалига Омон Матчон мухаммаси.

Ҳа, Навоий дилидаги дарду ғами, ҳасрату ноласи аввалгиларга ўхшамагани каби кейингиларга ҳам асло ўхшамади.

Навоий дейди:

Кўп ўқудум Вомиқу Фарҳоду Мажнун қиссасин,

Ўз ишимдин бул ажаброқ достоне топмадим.

Шунингдек, "Инсон" деб аталмиш мукаррам жонзотнинг кадр-қиймати ҳам аввалгиларга умуман ўхшамай қолган.

Бас, етар ёлгон Саодат,

Ёлгон Эрк, ёлгон Ватан.

"Бор овоз билан шу ҳақиқатни айтиш учун адабиётимизга 70 йил, шоир Эркин Воҳидовга эса 30 йил керак бўлди", деб ёзади таниқли олим Умарали Норматов ўзининг "Ўзликни англаш шарофати" мақоласида.

Эшитмас эл фижонимни,

Келар олмоққа жонимни,

Олурга лек ёнимни

Менинг бир хайрихоҳим йўқ.

Э.Воҳидов, "Қилурман тавбалар".

Токи бошлиқ зоти экан ҳақ,

Гапи гапу, сўзи сўз экан,

Тўрдагилар ҳокиму мутлақ,

Пастагилар юмуқ кўз экан,

*Пешонангга битилган аттанг,
Енгилмоқ бор доимо жангда.
Мудом сенинг қўлингда паттанг,
Мудом сенинг тўнинг елкангда.*

Э.Воҳидов, "Девонаи ҳақгўй".

*Агарчи исмим Эркин, эрки йўқ, банди кишан бўлдим,
Кўзим боғлиқ, дилим доғлиқ, тилим йўқ, бесухан бўлдим.¹*

*Кўриб ҳайратга тушди бу жаҳон ҳоли паришоним,
Бамисли анкабут сўрган чибин, пажмурда тан бўлдим.*

*Муаззам Сайхуну Жайхун лабида ташина лаб қолдим,
Кийинтирдим жаҳонни, жисми урён, бекафан бўлдим.*

*Чекибдур Бобуру Фурқат Ватан ҳажрида афгонлар,
Мен эрсам, воҳ, не гурбатким, Ватанда беватан бўлдим.*

*Олисда, оҳ диёрим, деб соғинган эй ватандошим,
Дема сен ўзни бебахт, бахти йўқ аслида ман бўлдим.*

*Шукурким, келди истиқлол, умидим рост қил, Оллоҳим,
Ки, шояд беқафас булбул каби соҳиб чаман бўлдим.*

*Ишончим бор, Ватан, бир кун келар чин нурли давронинг,
Дегайман шунда чин Эркин, чин инсон қайтадан бўлдим.*

Э. Воҳидов.



¹ Ўз. АС 1991йил, 18 октябрда нашр этилган Умарали Норматовнинг "Ўзликни англаш шарофати" мақоласида "бахт" ҳақида латифанамо ҳақиқат ҳикоя қилинган. 1989 йил воқеаларидан кейин Қўқонга келган мунаққид Умарали Норматов ҳодисани кўқонлик дўстларидан эшитган. Уни "Бадиъа"нинг шу байтларга битилган изоҳида (ҳошияда) келтирганман.

Ортиқбой Абдуллаев ёзади:

Биз узоқ йиллар маънавий ташналик ичида яшадик. Чинакам шеърга, ҳақ сўзга, ҳақиқатга ташна яшадик. Кўнглимизни безовта қилган хаёлларимизни, орзу-умидларимизни, юртимиз, халқимиз бошидан кечираётган гоҳ қувончли, гоҳ аянчли кунлар ҳақидаги рост сўзларимизни эркин айтишга ташна яшадик. Абдулла Орипов "Генетика" шеърида ёзганидек "лабда табассуму кўзда ёш билан":

*Ташна яшадик биз меҳрга мутлоқ,
Ишққа, муҳаббатга ташна ўтдик биз.
Гоҳ эса қуёшдек порлоқ ва йироқ
Ҳаққа, ҳақиқатга ташна ўтдик биз.
Ташна яшадик биз нурга, зиёга...¹*



*Ахтарурлар ҳамиша иллат,
Етти пуштинг гўрин титарлар.
Фақат унма, улгайма фақат,
Хато қилишингни кутарлар.*

*Улар сенга бир умр йўлдош,
Содиқ ҳамроҳ каби ўтарлар,
Қабринг узра эгсалар ҳам бош
Хато қилишингни кутарлар.*



*Бахтиёр ҳар дилга ошно топилгай,
Ғуссали юракка лекин йўқ ҳамдам.
Дўстлар эшиги ҳам тақ-тақ ёпилгай
Ғуссали қалб у ён гар қўйса қадам.*



¹ Шарқ юлдузи. 1990 йил, 6-сон.

*Болалик йилларнинг шўхликлари бор,
Ўйин жанжалга ҳам охир етарди.
Енгилган жўрамиз тўнгиллаб ночор:
– Отамга айтаман! – дея кетарди.*

*Сўнгра мактаб бордик, улгайдик гўё,
Кимдир оддий бўлди, кимдир атаман.
Алам чекканимиз дер эди гоҳо:
– Сени директорга айтаман!*

*Бир кун катта бўлдик бизлар ростдан ҳам,
Ўйлаб гапирмоқ шарт энди ҳар кимга.
Сени қўрқитарди бундайроқ одам:
– Парткомга айтаман парткомга!¹*

*Замонлар ўзгарди, ўзгарди дўст-ёв,
Давр ҳам ўзга бир либосни кийди.
Бугун хафа қилса бировни-бирова,
Дарҳол: Би-би-сига айтаман! – дейди.*

А. Орипов.



Хақсевар Ҳалима Худойбердиева ҳасрати ҳамманикидан
ҳайратли:

*Ўлмоқликнинг йўллари кўп,
Бугун юрак тош олар.
Жаҳолатнинг қўллари кўп,
Салла десанг бош олар.*

*Бир юракни нишон олиб,
Сўз отаркан дангаллар.
У мажлисда йиқилади
Кўкрагини чангаллаб.*

¹ Шеър электрон манбада қандай ёзилган бўлса, шундай олинди.

*Халқим, сенга етмайдирми,
Чор атрофдан теккан санг,
Ўз-ўзингни йиқитмоққа
Мунчаям шай турмасанг.*

*Сен шунча кўп хато қилдинг,
Кўзларингга келмай ним.
Энди Сен деб гўримда ҳам
Тинмас менинг уввосим.*

Ҳ.Худойбердиева. 1990 йил 6 май.



*Менинг даҳоларим ўтди оламдан,
Узлатга чекинди мағлуб дўстларим.
Заминдан юлиниб қолган ҳужрамда
Ой билан сўзлашиб йиғлар кўзларим.*

*Бир ошно излайдир девона дилим,
Қай тараф қарасам туман, залолат.¹
Куйган юрагимга етмайдир қўлим,
Етмайди ўзимга ўздан маломат.*

*Қайда дил товушин тинглар бандалар?.
Бир вола қайтмади кетган ноламдан.
Ер остида тинчлик, ер усти хатар,
Менинг даҳоларим ўтди оламдан.*



¹ 1921 йилда вафот этган А.Блок дардига уйғун дардлар; хасратига ҳамоҳанг ҳасратлар. Унинг: *Олдинга юраман – зулмат қучади,*
Ортга чекинаман – сўқир туманлик,
деган дарднок сўзларини юқорида ўқиган эдик. 1989 йилга келиб ўзбек шоири ўтмишдаги рус шоиридек нола қилиб: *Қай тараф қарасам туман, залолат,* демоқда.

Ҳасратли ҳужрамда
Қайғудан бўлак
Ҳамма кетиб бўлди бирма-бир... бирма-бир...
Дастурхонда фақат кемтилган юрак
Ва.. бир коса сабр...
Ҳасратли ҳужрамда
Зилзила тинди...
Анграйган эшикни ётиб қўяман.
Юракнинг қолганин ейман-да, энди
Бир коса сабрни ичиб қўяман.
Ҳасратли ҳужрамда
Дунё ҳам, мен ҳам
Бир-бировдан тўйдик ноилож...
Фақат қайғу оч-да, қайғу жуда оч!

Эшқобил Шукур. 1989 йил.



Жамол Камол "Жаллод билан суҳбат" шеърида дейди:

Ҳар биттадан юзта бола ўлар бизда,
Оналарнинг юраклари қийма-қийма,
Тоза ҳаво, тоза сув йўқ ўлкамизда,
Тупроғимиз заҳарланди...
– Менга нима?
– Пахта ўсар боғларда ҳам ўтлоқларда,
Гапларимни ҳақиқат бил, ёлгон дема.
Мева билан гўшт топилмас қишлоқларда,
Ўзинг айт, шу инсофданми?
– Сенга нима?¹

Бу дилидаги дардни тилига чиқара олган шоирлар ҳасрати эди. Қолганларнинг дарди ичида қолиб кетди. Кўпи "шодлик" ни куйлаб-куйлаб, дардни ўзи билан бирга олиб кетди.

¹ Шарқ юлдузи. 1990 йил, 6-сон.

70-80-йилларга келиб сиёсий-мафкуравий иқлим бироз мўътадиллашади. Қизил империяда қариллик аломатлари аста-секин зухур эта бошлайди. Шу даврда дадил овозга эга янги авлод юзага чиқади. 1917-йилни, партияни, "буюк рус оға"ни улуғламаган, шахсга ҳам, мафкурага ҳам сиғинмаган қалам-кашлар қалқиб чиқади. Аввалгилар икки букилиб:

Ассалом, Рус халқи, буюк оғамиз,
Барҳаёт доҳиймиз Ленин, жонажон!
Озодлик йўлини Сиз кўрсатдингиз,
Советлар юртида Ўзбек топди шон!

Партия раҳнамо, жон Ўзбекистон,
Серқуёш ўлкасан, обод, баркамол!
Тупроғинг хазина, бахтинг бир жаҳон,
Советлар юртида сенга ёр иқбол!

Серқуёш ўлкада кўрмасдик зиё,
Дарёлар бўйида эдик сувга зор.
Тонг отди, Инқилоб, Ленин раҳнамо,
Раҳнамо Лениндан халқлар миннатдор!

Партия раҳнамо, жон Ўзбекистон,
Серқуёш ўлкасан, обод, баркамол!
Тупроғинг хазина, бахтинг бир жаҳон,
Советлар юртида сенга ёр иқбол!

Коммунизм гулбоғи мангу навбахор,
Тоабод қардошлик – дўстлик барҳаёт!
Советлар байроғи ғолиб, барқарор,
Бу байроқ нуридан порлар коинот!

Партия раҳнамо, жон Ўзбекистон,
Серқуёш ўлкасан, обод, баркамол!
Тупроғинг хазина, бахтинг бир жаҳон,
Советлар юртида сенга ёр иқбол!

деган мадҳияни дилдан куйлаган бўлса, улар бу қадар бери-либ куйламайди. Биҳамдиллаҳ, ХХІ аср авлоди аввалгисидек:

Ассалом, Русский народ, наш великий брат!
Славься, вождь бессмертный, Ленин наш родной!
Путь борьбы за свободу вёл нас вперёд,
И Узбек прославлен Советской страной...

деган ёлғон мадҳияларни билмайди, илоҳим, билмасин ҳам.

Шунга ўхшаш ёлғон шеърларни ўқисам, أعذب الشعر أكذبه – Энг ширали шеър – энг ёлғон шеърдир, деган араб матали ёдимга тушади. Фозиллар сидқдан иборат шеърларнинг ёнини олиб: أعذب الشعر أصدقه деб, лафз ва маънони тўғрилаб қўйишган.

70-йил авлоди ўзидан олдинги авлоддан кўп жиҳатлари билан ажралиб турсада, лекин ҳасратда улардан қолишмас эди. Аввалгилар ёр кўйида, кейингилар тирикчилик кўйида куйган бўлса, бу авлод кўпроқ эл ташвишида куйиб ёнди. Шу боис улар: "Мен бахтиёрман" дейишга асос тополмади. Зўраки қаҳ-қаҳ уриб кулганлар каби зўраки илжая олмади.

*Бахтиёрман деган биргина сўзни
айтиш учун керак қанча куч, чидам,
гарчи бахт сўзларнинг энг ёқимлиги,
гарчи турса ҳамки тилнинг учида.
Оғир ботмасмикин бу сўз кимгадир,
тегиб кетмасмикин оҳ-воҳларига,
қандоқ бардош бериб яшайман кейин
бахтсиз кимсаларнинг нигоҳларига.
Авалло, бу сўзни ўзгалар айтсин,
айтсинлар кўзлари қувончга тўлиб.
Элнинг бахти учун умрини тиккан
Шоирлар айтмасин биринчи бўлиб.
Бу сўзни бир умр айтмай яшадим,
Ҳар шодлик келганда юрдим секинроқ.
Ғам сўзин элимдан аввалроқ айтдим,
Бахт сўзин айтаман элдан кейинроқ.*

1984 йил.

*Бағри ёмон баттолларга бор,
Қаҳри ёмон қаттолларга бор;*

*Қон ялаган қассобларга бор,
Сўз ўйнаган каззобларга бор;*

*Иймонидан кечганларга бор,
Бор-ўғини ечганларга бор;*

*Нега менга келасан, эй дард,
Нега менга келасан, эй гам!*

Шавкат Раҳмон. (1950-1996).



80-йилда шеърят бўстонига кириб келган, ўзбек адабиёти-нинг кенжа авлоди ҳисобланмиш Иқбол Мирзо дейди:

*Қайдан келаётир уюр-уюр гам,
Қайдан кўчаётир палахса ҳасрат?
Қайдан ёгаётир ширгоқдек алам,
Қайдан сизаётир лахта-лахта дард?*

*"Милт" этган шуъла йўқ, "йилт" этган учқун,
Ваҳима сузади баҳри муҳитда.
Озриган чол каби руҳият тушкун,
Ўлимни кутгандек оғир сукутда.*

*Бундай чоғ дўст бекор, жанона бекор,
Фақат гуссаларни тоширади май.
Туйғуларни эрмак қилган каби тор,
Суюгингни тешиб ўйин қилар най.*

*Вақтики, ёришар чархпалак олам,
Жилва қилар руҳинг – ёғду тушган дард,
Аммо қайга кетар уюр-уюр гам,
Аммо қайга сингар лахта-лахта дард.*

1993 йил таниқли шоир О.Матжоннинг (1943) 50 йиллик тўйи муносабати билан раҳматли Ў. Ҳошимов (1941-2013) тенгдошини (ёхуд укасини) қутлаб мақола ёзган эди. Мақола-ни ўқир эканман қутлов асносидаги ҳавас қаърида қандайдир ҳасрат яширингандек туюлди менга.

Кўп йиллар давомида бадий ижодга сиёсат дастёри сифатида қараб келинди. Чинакам бадий асарлар эса "майда", "интим" гаплар деб баҳоланди, деб бошланади мақола.

Сўнг адиб хоразмликларнинг Омон Матчонга ярақлаб турган, бир неча хонали янги, замонавий уй бунёд қилиб берганини, бундан аввалроқ қашқадарёликлар А. Ориповнинг 50 ёшга тўлгани муносабати билан ижодхона бунёд этганини, Ойдин Ҳожиева шарафига Бухорода "Ойдинбоғ" ташкил этилганини, наманганликлар Ҳабиб Саъдуллага шаҳар марказидан махсус уй ажратганини ҳамда Муҳаммад Алининг 50 ёшли тўйи Андижонда адабиёт байрамига айланганини зўр қувонч билан ёзган эди. Ўзининг ёмон ҳолатини эслаган адиб, яхши ҳолатига тўхтамасдан сўзни уч нуқта билан якунлайди. Сабаби мажхул. Ё камтарлик қилган, ёки бошқа гап бор. Ўзига нисбатан ҳамшаҳарларининг муносабатига тўхтамаган.

Шоир туғилиб ўсган қишлоқда бўлганимда яна бир нарсага чин дилдан ҳавас қилдим. Боголон қишлоғида лойсувоқ томли пастаккина уй мунгайиб турибди. Омоннинг болалиги шу уйда ўтган... Анча муддат туриб қолдим. Кўнглимда галати соғинч туйғулари уйғонди: менинг болалигим бундан ўн карра хароб кулбада кечган...

Омон Матчон туғилган кўҳна уйдан берироқда эса ярақлаб турган, бир неча хонали янги, замонавий уй бунёд қилинибди. Ижодхонани Хоразм вилояти ва туман ҳокимияти Хоразмдан чиққан халқ шоири учун махсус қуриб берибди... – деб ёзган эди адиб.¹

¹ Ўз.АС 1993. Марҳумга уй эмас, қаср қуриб берилса арзир эди. Лекин ҳамма қатори у ҳам оламдан ўтди. Охиратини обод қилсин. Дунёда қилган савоб ишларининг хузурини мангу охиратда кўрсин.

*Ижсроқўм уй бермиш, кўзларингда ёш...
Шунчалар кўпмида дилингда дардинг.
Етар, таъзим билан эгаверма бош,
Етар, юрагимни эзиб юбординг.*

А. Орипов.

Ҳар қандай инсон ёшлиқда ўт-аланга бўлиб ёнади. Тоғни толқон қилишдан тоймайди. Ёш 45-50 га етиб, фарзандлар каттайганда кўпларнинг ўти сўна бошлайди, попуғи пасаяди. Бир товукқа ҳам дон керак, ҳам – сув. Болаларни уй-жойли қилиш керак. "Бедананинг уйи йўқ, қайга борса – битбилдик" мақолида айтилганидай, бани башар уйсиз бедана эмас. Унга уй, бошпана лозим. Уй-жой ҳасрати қорин ҳасратидан қолишмайди.¹ Аввал метин иродага эга бўлиб, сўнг тойиган баъзи инсонлар уй-жой, дунё туфайли: "фарзандларим келажагини ўйлаб, ўз принципимга қарши иш қилишга мажбур бўляпман", деб ўз субутсизлигини эътироф этган.

Шу маънода Бедил дейдики:

*Бикун ҳифзи нафас то метавоний,
Ки нахли зинадги зин реша барпост.*

Яъни кучинг етгунча дамнингни ичингда сақла, чунки ҳозирги давр шароитида тириклик ниҳоли шу индамаслик томири орқали тикка туради.

¹ Росулulloҳ ﷺ уйқудан олдин: الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي أَطْعَمَنَا وَسَقَانَنَا وَكَفَانَنَا وَأَوَانَا فَكَمْ مِمَّنْ لَا كَافِيَ لَهُ وَلَا مُنَوِي – "Алҳамду лиллаҳил лазий атъамана, ва сақона, ва кафана, ва авана, факам мимман ла кафия лаҳу ва мувия" – "Едирган, ичирган, Ўзи бизга мададкор бўлган ва бошпана берган Аллоҳга ҳамд бўлсин. Қанча-қанча одамларнинг мададкори йўқ, уй-жойи; бошпанаси йўқ", деб ҳамд айтар эдилар. Интернет хабарларига кўра, ер юзининг 26% аҳолисигина шахсий уйга эга экан. 64% ижарага яшайди. 10% аҳоли қариндош ё танишининг уйида кун кўради. Жаҳонда бир миллиард киши шахсий уйга эга эмас. Бу – ҳар олти одамдан биттасининг уйи йўқ, демакдир. Мазкур рақамлар ҳар мамлакатда ҳар хил. Масалан, Саудия Арабистонида аҳолининг 22 % уй-жойга эга. Аксари ижара, озроғи вақф ва работларда яшайди. Бирлашган Араб Амирлигида 91% киши, Қувайтда 87% киши шахсий уйга эга. Ҳиндистон, Бангладеш, Миср каби мамлакатларда аҳвол анча ачинарли...

*Мову шамъи кушта натвон кард фарқ
Он қадар сар дар гиребон кардаем.*

Яъни бошимни шу қадар ёқам ичига яширибманки, мен билан сўндирилган шамни ажратиб бўлмайди. Сўндирилган шамда аланга бўлмайди. Аланга бўлмагач, демак шамнинг боши (пилиги) йўқ. Шоир ўзини шу шамга ўхшатади.

Навоий алангасини сўндирадиган ҳеч қандай ички ёки ташқи сабаб, ҳеч қандай хавф-хатар бўлмаган. Шу боис:

"Не назмки ўтлиг кўнгилдин чиқордим", деган бўлса, ажаб эмас.

1995 йилда "Ватан" газетасининг 22-сонида Раҳмон Қўчқорнинг шоир Шавкат Раҳмон билан ўтказган суҳбати берилган. Шу суҳбатдан мавзумизга оид ўринни келтирмоқчиман.

Раҳмон Қўчқор дейди:

– *Мана, ёшингиз ҳам қирқ бешга борди. Шоир учун ҳар томонлама жиддий паллани бошдан кечиряпсиз. Гарчи, ёзилган ва ёзилажак нарсаларни ёш белгиламайди, деган китобий қарашлар юрсада, менимча ижодда бунинг катта аҳамияти бор. Сизнинг ёшингизда... деб рўйхат санашимнинг эса ҳожа-ти бўлмаса керак...*

– *Мақтанса арзигулик йирик асар ёзганимиз йўқ. Биздан аввалги авлод, масалан Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфилар ижоди анча баракали. Бунинг асосий сабаби шундаки, тенгдошларимиз маълум тарихий даврда қарама-қаршилик билан овора бўлиб қолдилар. Бундан ташқари, энди астойдил меҳнат қиламиз деган пайтда бутун дунё бир бозор бўлди. Мундоқ қарасак, ўғил-қизларимиз балозатга етиб қолибди. Ижодга вақт қаёқда дейсиз. Қувватингиз борлигида фарзандларимга кичкина бир иморат қуриб берайин, деб шаҳар ҳокимиятига бир парча ер сотиб олиш мақсадида борсангиз, масалан, Шавкат Раҳмонни, ким ошди савдосига йўллашади. Ким ошди савдосида кимдан ошаман, деб ўйлайсиз.*

*Шоир бўлиш яхшидиру, аммо шоир сифатида тирикчилик қилиш ниҳоятда қийин. Начора, миллий тикланиш даврида ҳар қандай қийинчиликни саодат меваси сифатида қабул қилиб, сўнги бор жўмардлик, валлакатлик қилсак қилибмизда.*¹

Хуршид Даврон "Кутубхонаси" дан олинди.

XX-XXI аср шоир ва ёзувчиларининг ҳасратини ўқиб, XV асрда катта биноларга асос солган, улкан ишларга қўл урган, фақирларга фақат сўзи билан эмас, илм ва амали: саховату муруввати билан ҳамдард бўлган, мискинни хушнуд қилган, турли хил хайрия ишларига бош-қош бўлган, ўзи ҳомийлик қилган инсон кадрини биласиз ва таланти олдида донг қотганингиздай ҳиммати, ғайрати олдида ҳам тонг қоласиз.

Навоий дейди:

*Мурувват² барча бермакдур, емак йўқ,
Футувват³ барча қилмакдур, демак йўқ.*

Олийжаноб инсон ўзидан кўра ўзгалар учун кўпроқ куйиб ёнади. Ўзгалар учун оҳ тортиб, фарёд чекади. Навоий дейди:

*Юз жафо қилса манга бир қатла фарёд айламон,
Элга қилса бир жафо юз қатла фарёд айларам.*⁴

Шоир, таржимон, Хоразм Маъмун академиясининг илмий ходими Матназар Абдулҳаким шундай деган эди:

"Яхши биламизки, Навоий ғазалиётининг руҳи жаҳоний бир дардкашлик, ҳасратангезлик кайфияти билан сайқал топган".⁵



¹ Шу суҳбатдан бир йил ўтгач, шоир 46 ёшида вафот этади.

² **Мурувват** – Одамгарчилик юзасидан қилинган яхшилик; саховат, ҳиммат.

³ **Футувват** – Саховат, жўмардлик.

⁴ Байтга "Бадиъа"да изоҳ берилган.

⁵ Шарқ юлдузи. 1990 йил, 6-сон.

Булардан ташқари, шуни унутмаслик керакки, бу дунё – мўмин учун зиндон, кофир учун жаннатдек бўстон.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "الدُّنْيَا سِجْنُ الْمُؤْمِنِ وَجَنَّةُ الْكَافِرِ"

Жаноби Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: "Дунё – мўминнинг қамоғи, кофирнинг жаннатидир".

Муслим, Термизий, Ибн Можа ривояти.

Зиндонбанд, гарчи унинг зиндондаги шароити зўр бўлсада, озодликка чиқмагунча, ўз уйига етмагунча фарёд чекади. Шунингдек, мўмин ҳам то дунё қайдидан қутулмагунга қадар, асл ватани Жаннатга оёқ қўймагунгача фарёд чекиши тайин. Бунинг учун у маломат қилинмайди. Дунё матолари ҳар қанча қимматбаҳо, бебаҳо, деб аталсада, жаннат инъоми олдида ҳеч нима эмас. Ҳеч қандай қадр-қийматга эга эмас.

852 ҳижрий йилда вафот этган фақиҳ, муҳаддис, қози Ибн Ҳажар вазирлардек ҳайбат ва салобатга эга эди. Турмуш даражаси юқори бўлган. Бир куни жувозкаш жухуд кесатиб:

– Пайғамбарларинг "Дунё мўминнинг қамоғи кофирнинг жаннати", деган. Сенинг яшашингни қара-ю, меникини қара, бунга нима дейсан?! – дейди.

– Пайғамбаримиз тўғри айтганлар. Дунё мен борадиган жаннатга нисбатан қамокдек гап, аммо шу дунё сен борадиган жаҳаннамга нисбатан жаннатдир, – дейди Ибн Ҳажар.

Ўйлаб кўрилса, охиратдаги Ҳаёт олдида биз ҳам бу дунёда бесару самон, алохону аломон эканмиз. Аллоҳ ҳаёти дунёни "*уйин*", ухро ҳаётини "*Ҳақиқий Ҳаёт*" деб атаган. Бу буюк ҳақиқатни кун келиб ҳар бир инсон англаб етади.

Жаҳаннам қаршисида кўзи очилган осийнинг ҳавас қилиб бўлмас аянчли ҳолатини ваҳий қалами шундай тасвирлайди:

﴿ وَجَاءَ يَوْمَئِذٍ بِجَهَنَّمَ يَوْمَئِذٍ يَنْذَكُرُ الْإِنْسَانَ وَآنَى لَهُ الذِّكْرَى ﴿٢٣﴾ يَقُولُ يَا لَيْتَنِي قَدَّمْتُ لِحَيَاتِي ﴾

﴿ *Ўша куни жаҳаннамни келтирилур. Ўшанда инсон эслаб қолади, энди бу эслашдан не фойда?! (Шунда у надомат*

чекиб): "Эйвоҳ, кошкийди, ҳаётим учун олдинроқ (амали солиҳларни) тақдим қилган бўлсайдим", дейди. }
Фажр 23-24-оятлар.

Олимлар оятдаги нозик бир нуқтага диққатни қаратадилар: "Аллоҳ жаҳаннам билан юзма-юз турган инсон ҳолатини тасвирлар экан, *قَدَمْتُ فِي حَيَاتِي* деган лафзни келтирди, *قدمت في حياتي* демади. Бу ерда "лом" билан "фий"нинг фарқи катта. Биринчиси, "ҳаётим учун", яъни кейинги ҳаёт учун, иккинчиси, "ҳаётимда" деган маъноларни ифодалайди.

Демак гофил инсон иккала ҳаётнинг фарқини билганидан кейин ҳақиқий ҳаёт охират ҳаёти эканини англаб етади. Фурсатни бой бергани учун афсусланади. Оқил эса буни иймон нури ва ақл кўзи билан олдиндан кўриб, эртароқ ҳаракатини қилади.

*Ё Раб, ўлгон чоғда жоним жисми вайрондин жудо,
Ул бўлуб мундин жудо, Сен бўлмагил андин жудо,*

– деб бошланувчи "жудо" радифли ғазалда нозим:

*Хонумондин ойириб, қилганда зиндон ичра ҳибс
Қилма лутфинг мен алохону аломондин жудо,*

– дея илтижо қилганини аввалги қисмда ўқидик. Унда Навоий ўз ғоясини шундай ифодалаган эди:

*Нақди жон чиққанда иймон гавҳарин кўнглумга сол,
Айлагил жондин жудо, лек этма иймондин жудо.*

*Жаннат истаб айлаганларни ибодат қилмагил
Кавсару тўбию қасру ҳуру ризвондин жудо.*

*Барчадин айру Навоийга қилиб васлинг насиб,
Қилмагил, ё Раб, ани мундин, муни андин жудо.*

*Хазойин ул-маоний
БАДОЕЪ УЛ-ВАСАТ дан.*

Янги аср тонготарида адабиётга антиқа авлод кириб келди. Совет мафкурасидан захарланмаган бу авлодда эркинлик ҳисси аввалгиларга нисбатан кўпроқ, хавф камроқ, холислик ҳамин қадар эди. Исёнкор шоирлардаги Худованд ҳаққига беадаблик, ишқ-муҳаббатда ғулув, Худога эркалик ва тантиқлик каби мазмун сифатлар уларга кўчиб ўтмаган. Улар ижодига назар ташлаган киши ёш ижодкорларнинг захмат чекиб иймон булоғидан сув симирганини сезади.

Шулардан бири 1983 йилда таваллуд топган Бехзод Фазлиддин дейди:

"Не саодатки, улуғ Раббимиз Сизу бизни сермазмун, ҳар лаҳзасига ҳикмат яширинган нурли ҳаёт билан сийламиш. Фақат кўп ҳолларда буни унутиб қўйгандек бўламиз, шекилли... Яна, бизни буюк Калом эгасининг Ўзи беназир неъмат – Сўз саодатидан ҳам насибадор этган.

Пешонамизнинг ярқираганини қаранг!

Иймонли шоирларга нақадар оғир: улар оғизга кўчган ҳар сўз учун бир куни Ҳақ ҳузурида жавоб бериш кераклигини ҳис қилиб ҳаловат билмайдилар.

Иймонли шоирларга қандай яхши: улар ҳар айтилган нурли Сўз учун Яратганнинг чексиз марҳамати туфайли нажот топишдан умидвор яшайдилар".

Таъбир жоиз бўлса, иймонли шеърлар, иймонбой шоирлар кўпайишини орзулайман. Худо ҳаққи, агар ёзмайсан деб буюрилганида ҳозирнинг ўзидаёқ "ташлар" эдим бу ишни"...

Ушбу авлод "ҳасрати" билан танишишдан олдин, тўғрироғи, ижодидан намуна келтиришдан олдин юқорида ўқиганимиз олим ва шоир суҳбатидан яна бир парчани ўқисак.

Р.Қ: – Ҳозирги ёш шоирлардан кимларни ўқиш, келажигига ишониш мумкин, деб ҳисоблайсиз. Бира тўла уларга ўз тилак ва истакларингизни ҳам айтсангиз.

Ш.Р: – Шеъриятимиз теран, оқимлари кучли шеъриятдир. Бу шеъриятнинг кенжа авлоди орасида аллақачон шеър

бахтига муяссар бўлган шоирлар бор. Уларнинг ижодига хос бўлган фазилатлардан баҳраманд бўлиш учун икки-учта шеърларини ўқиш кифоя. Масалан, Сирожиддин Саййид – нозик санъат шоири, Асқар Маҳкам – қаттиқ иймон шоири, Абдували Қутбиддин – дилбар хаёл шоири, Зебо Мирзо – мунис дард шоири, Иқбол – асов тугён шоиридир. Мен яқин ўн йиллардан буён бу шоирларнинг ижодларида қалбакилик, феъл-хўйларида сотқинлик аломатларини сезмадим.

Истардимки, бу безараз авлод ўзлари сизинган зояларини, байроқларини нопокларга бериб қўймасин! Акс ҳолда, ҳар қандай баланд зоя, ҳар қандай муқаддас байроқ кирланиб, инсонларни яхши амаллар йўлида бирлаштиришда буюк қувватдан маҳрум бўлади. Бундан эса Худо асрасин!

– Иншоаллоҳ!

Манба 83-84-бетда ўтди.



ТАВАЛЛО

*Тирикмасман, ўлганга ҳам ўхшамайман,
Нажот сўраб келганга ҳам ўхшамайман.
Юрагимни ажсин босди – қариб кетдим,
Йигирмага тўлганга ҳам ўхшамайман.*

*Ўзим учун қўйган бари шартим оғир,
Тушган жойин қуритади – гардим оғир.
Мен эртага қайта тура оламанми,
Жон олмаса кетмайдиган Дардим оғир.*

*Нурларимни тунлар учун зарба қилдим,
Кўнглим уйин кимлар учун Каъба қилдим.
Суякларим зирқиради – лаззатланиб
Тавба қилдим, тавба қилдим, тавба қилдим.*

*Яна чўллаб ётганимни билармикан,
Дарёларим кўкдан қайтиб келармикан?
Шеърларимни элчи қилсам, даргоҳида
Энг одил Шоҳ мени қабул қилармикан?*

Тирикмасман, ўлганга ҳам ўхшамайман...

2005 йил.



ОҒРИҚ

*Қанча кунлар қазо бўлди,
Жонимизга жазо бўлди.
Биздан кимлар ризо бўлди?
Эгамизга нима деймиз?*

*Иймон азим дарахтдир хўб,
Япроғидан меваси кўп,
Шохларини синдирдик хўп,
Эгамизга нима деймиз?*

*Капалакка қўл бермадик,
Чумолига йўл бермадик,
Дил олмадик, дил бермадик,
Эгамизга нима деймиз?*

*Уйғонгимиз келмас сира,
Кўзимизни босган шира,
Борган сари кўнгил хира,
Эгамизга нима деймиз?*

*Шайтон бунча соҳибжамол?!
Қонимизда топар камол,
Ҳаётимиз – битта савол:
Эгамизга нима деймиз?*

Б.Фазлиддин. 2007 йил.



Янги аср авлодининг ҳаммаси ҳам шундай фикрлайди дейиш қийин. Фикри равшани бор, қинғир фикрлайдигани бор... Ғарб маданиятидан таъсирланган даванги гўсхўрлар¹ Мир Алишернинг юқоридаги байтини ва шунга ўхшаш байтларни пеш қилиб, "ўтмишинг ҳасратга тўла, тарихда ким эдингу ким бўлдинг?" деб таҳқирлаганда, ўтмишидан беҳабар ёш авлод ўксимасин, "бахтингни кўриб бераман" деган лўлига алданган лақмадай, "бахт бераман" деган айёр ленинларга алданмасин, ёлғон ваъдасига учмасин, янги сталинлар сиртмоғига сира-сира тушмасин деб, ва яна ҳасрат билан ҳасратнинг фарқига изоҳ ўлароқ "Ҳаёт ҳасратлари"нинг бу фаслида узоқ тўхтаб қолдик, маъзур тутасиз.²

Ўйлайманки, бу итноб фойдадан холи эмас. Зеро, шу баҳонада "Ҳасрат" тарихига енгил назар ташладик. Нозим шарофати билан; ўткир қалами мерос қолдирган бир рубоия хосиятидан узоқ ва яқин ўтмишга саёҳат айладик. Давр, диёр дарди билан танишдик. Душман дасисасининг дудама ханжар сингари хавфли ва хатарли эканини билдик. Вамбери: "Ўтмиши кўмилган миллатнинг истиқболи ҳам зулмат пардаси остидадир" деган экан. Шунга кўра, ўтмишга боқиш билан бирга истиқболга ҳам назар ташладик. Яна бир жуда муҳим **Фойда**: тил жонкуярларидан, "Сўз ҳақида сўз" соҳиби диққат билан тадқиқ қилганидек, азим ўлкамиз бошига ёғилган барча бало-офатларнинг энг асосий омилини қисман билиб олдик.³

Шунингдек, ҳасрат ҳақиқатидан ҳам бир оз воқиф бўлиб, ҳасратдан холи халқ йўқлигини айрим мисолларда кўрдик. Эътибордан соқит қолмаслиги керак бўлган мавзуларни бир карра эслаб ўтдик. Нафсиламрини айтганда, кўнгил ёзиб, бир дардлашиб олдик-да. Ахир, ҳатто буюк шоҳлар ҳам дардини қоғозга тўкиб, замондоши ва келажак авлод билан ҳасратлашган экан-ку...

¹ **Даванги** – Аҳмоқ, анқов, кўпол. **Гўсхўр** – Бировга ем бўлувчи лақма, гўл одам.

² Асар лафзан фаслларга бўлинмаган кўринсада, маънан фаслларга ажратилган.

³ Шу рисолаининг 46-бетига қаранг.

*Чархнинг мен кўрмаган жавру жафоси қолдиму,
Хаста кўнглум чекмаган дарду балоси қолдиму.*

Шоҳ Бобур.



*Чархнинг сен кўрмаган жавру жафоси кўп экан,
Хаста кўнглинг чекмаган дарду балоси кўп экан.
Кўрди барин бирма-бир сен кетиб тарқоқ элинг,
Қингир қилмишига Ҳақнинг ҳақли жазоси кўп экан.¹*

Ж.



*Махтумқули айтар: барча насиҳат –
Аллоҳга қул бўлинг, Росулга – уммат,
Билсангиз, дунёнинг барчаси ҳасрат,
Ҳасрат билан бир-бир кетиб борадир.*

Махтумқули.



*Жалололиддин айтар: айна насиҳат –
Аллоҳга қул бўлинг, Расулга – уммат.
Кўпнинг бошин еган ўтқинчи ҳасрат,
Азиз бошингизга солмасин кулфат.*

*Хоҳласангиз агар ҳузур-ҳаловат,
Шодлик, фаровонлик ҳамда фароғат,
Дунё-охиратда чинакам роҳат
Аллоҳга қул бўлинг, Расулга – уммат.*

¹ Арузга йўқман. Юқоридаги байтга қиёслаб, ўзимча бир нарса қўшиб қўйдим.

*Тушмасин бошимга азоб-уқубат,
Кўрмайин ҳеч қачон бало-ю офат,
Десангиз, эй доно аҳли маърифат,
Аллоҳга қул бўлинг, Росулга – уммат.*

*Гўзал хулқ, офият, чиройли тийнат,¹
Файз-барака, бойлик, бедава саховат
Истасангиз сизга бўлмогин зийнат,
Аллоҳга қул бўлинг, Росулга – уммат.*

Ж.



Навоий яшаган жамият ягона Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган онгли, иймонли жамият. Навоий ўшалардан бири. Уни шу илғор жамият тарбиялаб юзага чиқарган. Агар Навоий яшаган юқори даражали, иқтисодиёти юксак жамият юзага келса, истеъдод аҳли эъзозланадиган, қобилият кадрланадиган жамият бунёд этилса, ўйлайманки, яна истеъдодли навоийлар бунёд бўлур, биизниллаҳ.

Оламни илми билан забт этган Бухорий, Абу Исо Термизий каби алломаларни яратган замин яратилса, яна шулардек алломалар яралур, инша Аллоҳ. Ҳикмат хазинасига эга халқ моддий ва маънавий бойлик нашъу намосини суриб, фаровон ҳаёт кечиргай. Мамлакат гуллаб яшнагай...

Жаҳон тараққиёти ва тамаддунига салмоқли ҳисса қўшган таниқли табиблар, машҳур математиклар каби илм-фан дарғаларининг илмий изланишига етарли шароит яратиб берган дарёдил давлат ва жамият; уларнинг ёшлик чоғида мурғак қалбига илм-фанга нисбатан муҳаббат уруғини эккан улуғ устозлар, меҳрибон мураббийлар, танти ҳотамтойлар, холис

¹ **Тийнат** – Характер, табиат, хулқ-атвор.

Бедава – Қаттиқ эсувчи, шиддатли.

насиҳатгўйлар, боласининг молидан кўра илмини афзал кўрган ота-оналар пайдо бўлса, диёримиз яна қайтадан уламолар қибласига айланади, аввалгидек юртга яна чет элдан талабалар оқиб келади, инша Аллоҳ.

Худо кўрсатмасин, башариятни салкам бир аср гангитган ва аямай қакшатган манфур муҳит барпо бўлиб қолса борми, яна илон ёғини ялаган ильичлар урчиб, илкисдан иосифлар уруғлаб, бирдан бериялар болалайди. Ана унда томошани кўринг. Яна зулму ситам, фисқу фасод, яна қонхўрлик, яна шахсга сиғиниш, яна маддоҳлик, сохтакорлик, хийлакорлик, яна танқислик, талон-тарож, ночорлик, яна ва яна...

Хулоса: Тадқиқот шуни кўрсатдики, "Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон халқларининг ғоят машаққатли ва фожиали"¹ даври Навоий замонига эмас, чор мустамлакаси ва советлар даврига тўғри келар экан. Биздан кейинги авлод, балким, келажакда бундан машаққатлироқ, фожиаларга бой давр ҳақида, кутилмаган кунлар тўғрисида ёзиши ҳам мумкин...

*Шукуҳли мозийдан қолган мерос кам:
Нураган саройлар, пилта, пилик, шам.
Сўппайган симёғоч гўзадек гарам,
Қиш келмай ташвиши дилга солар гам.*

*Битмас яраларга Луқмон бормикин,
Луқмон келса қўллар инсон бормикин,
Дол бўлган дарозга дармон бормикин,
Кар-кўрга ваъз айтар ваъзхон бормикин?*

Ж. "Бадиъа"дан.

*Жаҳолат бир давосиз дард эрур жоҳилга, билгилким,
Қулоқ солмас иложу дардига гар очса Луқмон лаб.*

Огаҳий.

¹ Шу китобнинг 8-9-бетларига қаранг.

Илова. Тугилажсак савол ва эътирозга жавоб тариқасида шуни илова қилмоқчиман: Ҳар кимнинг сўзи тўғри ва хатодан иборат, илло Набий ﷺ сўзи – ҳадиси хатодан мустасно.

Беайб Парвардигор. Бани Одамнинг ҳаммаси хатокор, хатокорларнинг яхшиси тавба қилувчилар. Хато қилмоқ бор, тузатмаслик ор.

Ҳикмат – мўминнинг йўқотган нарсаси, умумхалқ мулки. Ҳикмат халқ хазинаси. Оқил уни қаерда топса олишга ҳақли. Кишининг айрим хатоси учун унинг барча яхшилигидан воз кечиш оқилликка зид бўлганидек, яхшиси билан бирга ёмонини олиш ҳам оқилликка зид ҳикматсиз ишдир. Тўғриси олиб, нотўғрисидан четланиш энг оқилона, энг тўғри тутум. Аллоҳ ақлли бандаларини мақтаб, улар васфида шундай деди:

﴿ فَبَشِّرْ عِبَادِ الَّذِينَ يَسْتَمِعُونَ الْقَوْلَ فَيَتَّبِعُونَ أَحْسَنَهُ أُولَئِكَ الَّذِينَ هَدَاهُمُ اللَّهُ وَأُولَئِكَ هُمْ أُولُوا الْأَلْبَابِ ﴾

﴿ Сўзни эшитиб, унинг энг яхшисига эргашиган бандаларимга хушxabар беринг! Улар Аллоҳ тўғри йўлга йўллаган зотлардир ва ўшаларгина ақл эгаларидир. ﴾

Зумар 17-18-оят.

Отнинг тўрт оёғи бўлса-да, қоқинади, инчунин, ҳар қандай забардаст олим ҳам хато қилади. Маишхурлик маъсумлик эмас. Бенуқсон Зот бирор бир бандага баркамолликни битмаган. Навоий ҳам банда... Маъсум – Муҳаммад ﷺ. Соҳибул камол – ёлғиз Зулжалол. Ҳақ китобидан ўзга барча китоб қусурдан қутулмайди.

Улуғ инсонларда нуқсон бўлмайди, бўлиши ҳам мумкин эмас, деган фикр қадимдан илгари сурилган. Йўқ, ундай эмас. Инсон – Одам фарзанди, Малак эмас. Айрим котиблар шахс мадҳида ҳаддан ортиқ муболага қилишади. Мақталиши керак бўлган "одам" нинг кураги устига бир жуфт қанот ўрнатиб "фаришта" дейишгача борилади. Гоҳида уни "худо" даражасига кўтарилади. Шу тариқа банданинг бандага қуллигига йўл очилади. Шундай қилиб бандага илоҳдек топинилади.

Ҳолат ва ҳодисани бўрттириш, ички кечинмаларни ифодадашда, ишқ-муҳаббатда, мадҳ ва мазамматда гулув қилиш – муболага шеъриятда кўпроқ учрайдиган ҳолдир.

Мумтоз адабиётимиз – катта бойлигимиз. Фахрлансак арзигулик бебаҳо улкан мерос. Уни ўрганамиз ва ўргатамиз. Бу – ўзимиз учун фойда. Лекин мумтоз адабиёт саҳифасида эҳтиёткорлик билан ўқиладиган ўринларни ҳам унутмаслик керак. Баъзи байтлардан ширкнинг бўйи арийди, баъзиси хурофотга қоришиб кетган. Ишқ-муҳаббатда гулув ва муболага анча юқори. Кўшилса бўладиган фикрлар бор, оқлаб бўлмайдиган фалсафий фикрлар бор. Холиққа нолайиқ таъбиҳ ва тамсил каби хатоларга йўл қўйилган. Аллоҳ Ўз зоти хусусида:

﴿ لَيْسَ كَمِثْلِهِ شَيْءٌ ﴾ (Унга ўхшаши ҳеч нарса йўқ!) деди.

Шу хатоларни кўра била туриб бетанбеҳ ўтиб кетиш диний омонатга ва таълим-тарбия асосларига умуман зиддир. "Маишхурлар хато қилмайди, хато қилган тақдирда ҳам уни тилга олинмайди", деган ақл ва нақлга зид "қоида"га риоя қилиб, ёш авлодни "маишхурлар"нинг хатосидан воқиф этмай, мероснинг ҳаммасини ёппасига аралаш-қуралаш ҳеч қандай изоҳсиз ва танбеҳсиз тақдим этиши дуруст эмас. Фараз қилайлик, бир муаллим билибми, билмайми ёш ўқувчиларга "икки карра икки – беш" деб ўргатса, буни билиб қолган ҳар қандай одам хатони тўғрилайди. Мутасаддилар унга қарши чоратадбир кўради. Бу соҳада лоқайдликнинг оқибати ёмон.

Шунингдек, шеъриятда ҳам кимдир, у ким бўлишидан қатъи назар гализ хатога йўл қўйса, хусусан иймон-эътиқод борасида йўлдан оғса, ўша олим ё нозимга ҳурмат сақлаган ҳолда лутфкорлик билан ўқувчиларни бундан огоҳ этмоқ зарур. "Бу тўғри, бу нотўғри" деган нарсани ўқувчи билсин.

"Маишхурлар хато қилмайди" деган тушунчадан ҳамда уларнинг ҳамма битикларини элакдан ўтказмай қабул қилишдан шахспарастлик, таассуб, кўр-кўрона фикр юритиши каби иллатлар пайдо бўлади.

Азизлар, камина кимнидир оқлаш ё қоралашдан, кимнидир мақтаб, кимнидир камситишдан йироқман.

Мен Навоий шеърятини ёки эътиқодини эмас, унинг даври диёрда ноёблашаётган олийжаноб хислатларидан айрим қирраларини ёритишга уриндим. Ғоя Ҳаққа етиш, ҳақиқатни топиш. Бу йўлда майдондаги барча машру василалардан фойдаланиш маррага тез ва осон етишдаги энг қулай восита. Мен шу имкониятдан фойдаланишга уриндим.

*Мир Алишер – тимсол, ортида даъват,
Эзгуликка, ҳаққа пайдар-пай, қат-қат.*

Талант бошқа, тавфиқ бошқа. Бу икки ноёб тортиқ ҳар кимга ҳам тенг берилмаган. Кимдадир талант бор, тавфиқ йўқ. Кимдир тавфиқли, талантли эмас. Кимдадир ҳар иккиси – талант ва тавфиқ муҳайё. Талантли бетавфиқлар ҳам кўп. Талант берган Зот тавфиқдан – Ўз тоатидан айирмасин.

*Шоирлиг ила шуҳра қилиб отимни,
Зойиъ қилдим шеър ила авқотимни.
Эмди тузайин Тенгрига тоотимни,¹
Кўп элга мушавваши этмай абётимни.*

*Чунким қаридим, умрни барбод этмай,
Кўнглумни йигитлар гамидин шод этмай,
Ҳар лаҳза биров ишқида фарёд этмай,
Ҳолим шарҳин назм ила бунёд этмай!*

Навоий. Ҳазойин ул-маъоний.

Тарки ишқ эттим, мени ишқ аҳли хайлидин суринг,
Чиқмасам, таъну жафо тоши башимга ёғдурунг.*

*Балки бўйнуи боғлабон, ушишоқ ибрат олғали
Ишқ мулки тўрт бозорида судраб кездуринг.*

Навоий. Фавойид ул-кибар.

¹ Тоот – Тоат-ибодат. *Хайл – Гуруҳ, тўда, саф.

*Ўзгаларни давлати васлингда хуш тут, чунки мен
Хаста кўнглумни гами ҳижрон била шод айладим.*

*Хоҳ сен ёр ўл манга, хоҳ ўзгаларнинг ёри бўл,
Чун мен ўз таъбимни бекасликка муътод¹ айладим.*

Навоий. *Наводир уш-шабоб.*

Бутун умрини дин ва миллат хизматига бағишлаб ёлғиз ўтган шайхулислом ҳаётининг охирги кунларида афсус чекиб: **"Вақтимни Қуръондан ўзгасига зойиъ қилганимдан пушаймонман"**, деган экан.

ذيل طبقات الحنابلة, Ибн Ражаб,

Беҳзод Фазлиддин таниқли адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққул билан ўтказган суҳбатида олимга кутилмаган ғаройиб саволни йўллайди:

– Машҳур адибимизнинг "Адабиёт атомдан кучли...",² деган иборасини бот-бот ёдга оламиз. Аммо бугун адабиётнинг ўтин ёришга етадиган кучи ҳам қолмади-ёв, деганга ўхшаш ажаб бир ҳаёлларга бораман гоҳо. Йўқ, бу ҳалитдан пессимистик руҳга берилиш эмас. Реал ҳолат шу хулосага олиб келади кишини. Ё шаккоклик қилаётирманми?

– Раҳматли адиб оғамиз Шукур Холмирзаев (1940-2005) билан ҳаёт, адабиёт, ижод аҳли тўғрисида кўп гурунглашганмиз. Ўлимидан сал олдинроқ бир кун Шукур ака менга: "Адабиёт ўлмайди, деган мазмунда мақола ёзганимдан хабардорсиз. Энди билсам, адабиёт ўлиши ҳам мумкин экан...", – деди. Шу гапдан буён ҳам анча вақт ўтди...

"Вақтга мағлуб бўлмайлик".
"Китоб дунёси" 2013 йил 12 июнь.

¹ **Бекаслик** – Ёлғизлик, тоқлик, кимсасизлик. **Муътод** – Одатлантирмоқ.

² Абдулла Қахҳор: "Адабиёт атомдан кучли, лекин кучини ўтин ёришга сарфлаши керак эмас", деган эди.

Ушбуларни ёзар эканман илгари ўқиб қолиб, унутишга уринганим ғалати бир фикр бирдан хаёлга ҳамла қилиб қолди. Котиб ёзган эди: "Такрор бўлсада айтай, миллий ўзига хослик бадий адабиётнинг бош ва асосий фазилатларидан эканини зинҳор инкор этмаган ҳолда таъкидлаш зарурким, санъат дин янглиғ миллий қадриятлардан устундир!"

"Кечиккан ҳайрат..."

Бу, мазмун-моҳиятан "кесак тошдан қаттиқ, мис тиллодан қиммат, ер самодан катта, лойқа сув зилол сувдан ширин", деган сўзга ҳамоҳанг сўздир. Қайси мақсадда, нимага асосланиб айтилгани бизга қоронғи. Дин билан санъат таққосланмайди.

Диннинг яшириб келинган тарихидан ва ҳатто оммага аён тарихидан маълумки, Дин издан чиққан ҳаёт ислоҳотида катта хизмат кўрсатган. Дин жоҳилни олимга, золимни одилга айлантирди, бахилни сахийга, кўрқоқни ботирга, шафқатсиз ёвузни ниҳоятда меҳрибон, ғамхўр инсонларга айлантирди. Диннинг башарият саодати йўлида тутган бекиёс ўрнини кўрмаслик учун кўз эмас, кўкрак сўқир бўлиши керак.

Маслаҳат: Ҳар нарсада меъёр яхши. Хусусан дин борасида сўз ирод этишдан олдин ҳиссиётга берилмай, ҳар битта гапни обдан ўйлаб гапириш шахсни ҳасрат ва надоматдан қутқаради. Ҳайрат кечикса, кечикар. Унинг зарари йўқ. Аммо тавбани кечиктириш кони зарар. Ҳар бир сония ғанимат.

*Бош тебратар соат кафгири,
Дер: қадримни билмас одамлар.
Секундларим гавҳар ҳар бири,
Нега парво қилмас одамлар?!*

*Бош тебратар соат кафгири,
Шошил, одам, ўтмоқдадир он.
Ҳар нарсанинг бўлар охири,
Бош тебратиб қолма сўнг, инсон!*

Э. Воҳидов. 1964 йил.

*Соат худди ҳаёт сингари
Ортга қайтмас олд босар асбоб.
Тез тўлади ҳаёт дафтари,
Ўлгунингча бўлади китоб.*

*Қиёматнинг бир номи Соат,
Китобингдан берасан ҳисоб.
Нозим айтган "охир" – Охират,
Унда сени кутмасин азоб.*

Ж. 2014 йил.

Киши модомики ҳаёт экан, тавба эшиги унинг учун ланг очик. Дунё ҳасрати Охират ҳасратларига уланиб кетмасдин олдин тавба, тавба ва яна тавбага, истиғфор, истиғфор ва яна истиғфорга шошилиш, бу буюк икки амални умр вазифасига айлантириш даҳолик аломати, аброрлар хислати. Зора, тавба таҳқиқи билан ҳаёт нажоткор тавҳид билан хотима топса.

Дўстона бу қиммат маслаҳатни тўғри қабул этгайсиз.

*Душман сирингни ўғирлайди,
Дўст хатоингни тўғирлайди.*

Мақол.

*Яхши дўст айбингни мисоли кўзгу
Юзма-юз ўзингга очиқ айтади.
Ёмон-чи, тароқдек минг тили билан
Сочдан сочга изво қилиб қайтади.*

Саъдий Шерозий.

"Ҳайратул аброр" соҳибининг ҳаётдан чиқарган ҳайрато-муз хулосасида фикр юритайлик!

*Ҳақнинг эрур саҳвсиз иш лозими,
Саҳв эрур лозимаи одами.¹*

¹ Яъни Саҳв-хато қилмаслик Аллоҳнинг лозим сифати, саҳв-хато қилиш эса одамнинг ажралмас сифати.

*Саҳвунгга де узр, таваҳҳум била,¹
Зулмдин эт тавба тазаллум била.²*



*Тавба эрур журмга топмоқ вуқуф,
Оллидаги йўлини кўрмак махуф.³*

*Чекма анинг комини истаб азоб,
Тавба била қилгил анга эҳтисоб.*

*Неча улуғ эрса гунаҳ хирмани,
Елга берур оҳу надомат ани.⁴*



¹ **Таваҳҳум** – Ваҳимага тушиш, кўрқиш.

Таваҳҳум айламоқ – Кўрқмоқ.

² **Тазаллум** – Зулмдан зорланиш, дод-фиғон.

³ Яъни Тавба дегани олдидаги йўлни кўрқинчли билиб, гуноҳдан тўхташдир.

⁴ Узоқ тафаккур қилишга арзирли мумтоз байт.

Неча улуғ эрса гунаҳ хирмани,

Яъни гуноҳ хирмони ҳар қанча баланд, юксак бўлмасин,

Елга берур оҳу надомат ани.

Қилмишга афсусланиш, оҳ-надомат чекиб, тавба қилиш кўкка туташ улкан хирмонни елга совуради – йўқ қилиб юборади.

Жаббор жалла жалалух дейди:

﴿ وَأَتَّبِعُوا أَحْسَنَ مَا أُنزِلَ إِلَيْكُمْ مِنْ رَبِّكُمْ مِنْ قَبْلِ أَنْ يَأْتِيَكُمْ الْعَذَابُ بَغْتَةً وَأَنْتُمْ لَا تَشْعُرُونَ أَنْ تَقُولَ نَفْسٌ بِحَسْرَتِي عَلَىٰ مَا فَرَطْتُ فِي جَنْبِ اللَّهِ وَإِنْ كُنْتُ لَمِنَ السَّخِرِينَ ﴾

﴿ Ўзингиз сезмаган ҳолда азоб сизга тўсатдан келмасидан олдин, (мужрим) инсон: "Во ҳасрато! Аллоҳ ҳаққида сустлик қилиб қўйдим, динни эрмакловчи масхарабоз бўлдим", деб афсус чекмасидан илгари Роббингиз томонидан сизларга нозил этилган энг гўзал таълимотга эргашингиз! ﴾

Зумар 55-56-оятлар.

Бу гўзал таълимотни ҳаётга татбиқ қилиш билан ҳасрат илдизи қурийдим, ҳаёт хуррамликка тўлади, янада гўзаллашди. Акси эса акс натижа беради.

*Кун-бакун зиёда бўлур ҳасратинг,
Тарк этмас экансан қабих одадинг,
Гар сўнса Иймонинг, ўлса Иффатинг,
Бошингдан аримас асло кулфатинг.*

*Эрмак учун кўндир ерда овунчоқ,
Озордан четланиб яшагин қувноқ.
Динни эрмаклашдан бўлмасанг узоқ,
Мангу ҳасрат сенга очажак қучоқ.*

*Ий валлоҳ,¹ сўзим чин ахтарма исбот,
Ҳаққа кўн, истасанг фаровон ҳаёт.
Дўзах зиндонидан топгайсан нажот,
Гўзал таълимотга эргаисанг, эй зот.*

¹ Ий, валлоҳ – Ҳа, Аллоҳга онтким... Юнус сураси 53-оятда келади:

﴿ وَسْتَنْبِئُكَ أَحَقُّ هُوَ قُلْ إِي وَرَبِّي إِنَّهُ لَحَقٌّ وَمَا أَنْتَ بِمُعْجِزِينَ ﴾ ﴿ Сиздан: "У (ваъда этилмиш азоб) ҳақми?" – деб сўрашади. Сиз: "Ий, ва роббий – ҳа, Роббимга қамаским, албатта у ҳақ, ва сизлар ундан қочиб қутулолмайсиз", деб айтинг. ﴾

*Йўқса, азобдан сўнг келажак азоб,
Ҳолва бўлиб қолар қайнаган офтоб.
Маъсиятдан агар қилсанг ижтиноб,¹
Жаннатда ичгайсан лаззатли шароб.*

*"Во ҳасрато!" сўзи сенга бегона,
"Во ажабо!" дейсан боқиб ҳар ёна.
Ҳақда яшаб доим турсанг мардона,
Раббинг оз саъйингга² қилур шукрона.³*

Ж.



¹ **Ижтиноб** – Четлашиш, узоқ бўлиш.

² ﴿إِنَّ هَذَا كَانَ لَكُمْ جَزَاءً وَكَانَ سَعْيَكُمْ مَشْكُورًا﴾ Инсон 22-оят.

⁴ Аллоҳнинг исмларидан бири Шакур ва Шокирдир. Шакур исми Қуръонда тўрт марта, Шокир исми икки марта келган. ﴿وَاللَّهُ شَكُورٌ حَلِيمٌ﴾ ﴿فَإِنَّ اللَّهَ شَاكِرٌ عَلِيمٌ﴾

Бу гўзал ва муборак исмнинг маъноси: "Аллоҳ бандадан содир этилган озгина амални тақдирлайди", демақдир. Масалан, йўлдан тиканли шох-шаббани олиб ташлаган кишининг оз амалини Аллоҳ тақдирлаб, гуноҳини мағфират қилган. Шунингдек, ташна итни кўриб, суғорган кишини жаннатга дохил этган.

"أَنَّ رَجُلًا رَأَى كَلْبًا يَأْكُلُ الثَّرَى مِنَ الْعَطَشِ فَأَخَذَ الرَّجُلُ خُفَّهُ فَجَعَلَ يَعْرِفُ لَهُ بِهِ حَتَّى أَرَوَاهُ فَشَكَرَ اللَّهُ لَهُ فَأَدْخَلَهُ الْجَنَّةَ". رواه البخاري

Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хабар бериб дедилар: "Бир киши ташналикдан тупроқ еяётган итни кўриб қолади. (Идиш тополмай) пойабзалида сув олиб, ит чанқоғи босилгунга қадар унга сув қуйиб беради. Аллоҳ унинг бу яхшилигини тақдирлаб, жаннатга дохил этади". Бухорий Саҳиҳи.

قال رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "بَيْنَمَا رَجُلٌ يَمْشِي بِطَرِيقٍ وَجَدَ عُصْنَ شَوْكٍ عَلَى الطَّرِيقِ فَأَخْرَجَهُ فَشَكَرَ اللَّهُ لَهُ فَعَفَرَ لَهُ". رواه البخاري

Росулulloҳ ﷺ дедилар: "Бир киши йўлда кетаётиб йўл устида ётган тиканли шохга дуч келади. Ва уни йўлдан олиб ташлайди. Аллоҳ у (банда меҳнатининг) шукронаси ўлароқ гуноҳини мағфират этади". Бухорий Саҳиҳи.

Зиддиятларга бой асрда яшаяпмиз. Бир-бирига умуман ёт сифатлар бир одамда мужассам. Одам боласига кунда ҳар хил қиёфага кириш одатий ҳолга айланган. Бугун бир сўз айтади, эртага ўша сўзидан қайтади. Бир қарасанг, мўмин-мусулмон, бир қарасанг, ёмондин ёмон, тутумидан бўласан ҳайрон. Гоҳ мазлум билан бирга ёш тўкади, гоҳ золим билан бирга қон тўкади. Гоҳида унинг муаттар бўйидан олам баҳра олса, гоҳи қўлансасидан одам безийди. Бадбўй хиди ўпкани қичитиб, йўтални кўзғайди. Дам малакдек қанот қоқади, дам иблис ундан ортда қолади. Оғзида сув пуркаб ўтни ўчиради, икки қўли билан оловга керосин сепади. Сиртдан тинчликсеварлар байроқдори, ботинан уруш тарафдори. Чиройли гапи жуда кўп, ишида чиройдан асар йўқ. Ҳаваси ҳасаддан баттар. Кулгисидан диллар япроқдек титрар.

Тавба демай илож йўқ. Бир тананинг ичида ҳам фасоҳат, ҳам сафоҳат жамланган. Бир жасадда фазилат билан фазиҳат ёнма-ён. Фазилатини эслаб ҳавасланасиз, разолатини кўриб нафратланасиз. Фозил деб ўйлаганимиз фосиқ чиқиб қоляпти, дўст деганимиз – душман. Баъзиларни ўз тукқан онаси ҳам танимай турибди. Баъзилар билан йигирма йилдан кўп ҳампо бўлиб унинг ҳақиқий башарасини билмай юрилибди. Баъзилар на чин кофир ва на чин мусулмон. Ихлос бозори касод, нифоқ бозори чакқон.

*Бошларига гул сочсанг, алардин юзингга тикон сончилур,
Агар ул гул сочмоғни бас қилсанг, бағрингга чўкур тикилур.¹*

Ана шундай дудмол даврда рўй бераётган ҳодисалар ҳам турмушнинг ўзи каби дудмол, мураккабли ва зиддиятли. Етти ўлчаб эмас, ҳатто моҳир чеварларнинг ўзи етмиш марта ўлчаб хато кесиб қўйяпти. Агар авангарднинг аҳволи шу бўлса, олға босмай, ортга қочса, қолганлардан нимани кутасиз?

Сойу дарёлар ўзанидан чиққани йўқ. Бугун олдинга оқиб, эртаси орқага оқаётгани йўқ. Хўроз макиёнга, макиён хўрозга

¹ "Маҳбубул қулуб"дан. **Чўкур** – Чўкиртақ, чақиртиканақдай ўткир синиқ шох.

айланмаган. Товуқ товус бўлмаган. Табиатда деярли ўзгариш топилмайди. Аммо одамзод табиатида анча ўзгаришлар, бир-бирига қарама-қаршиликларни кўплаб топиш мумкин.

Машҳур инсонни қўйинг, оддий бир инсоннинг маънавий портретини чизиш учун мавжуд бўёқлар етмаяпти. Агар портрет устаси Лев Толстой соқолини қиртишлаган чеварасининг замонига етиб келганида, у ҳам ХХІ аср инсонининг тасвири олдида бир қўли билан бош қашиб, иккинчи қўли билан соқолини чангаллаб қолармиди.

Ҳамманинг ҳурматини қозонган инсон зар-зўрга алданиб, гоҳ ўз манфаатини эл манфаатидан юқори қўйиб, гоҳ ўзининг хурмача қилиғи билан обрўсини тўкиб қўйяпти. Қозонга яқин йўлаб, қорасини юқтириб оляпти. Номаъқул бузоқнинг гўштини еб, улус муҳаббатини нафратга айлантиряпти. Раҳмон берганга шайтон ҳасад қилиб, ҳасадчилар жикқамушт бўлиб, бир-бирининг гўштини ейяпти.

Ёши бир жойга етганда кўкка интилиб тили тойиганлар қанча, қадами тойиганларчи? Қариганда қоқиниш ёмон.

Жаннатга чорлаб, жаҳаннамга чопган қанча?

Ўз фикрига, қинғир қарашига қул бўлганлар қанча?

Ўзгани яхшиликка буюриб, ўзи ёмонликка ботганларчи?

Нафс тўрига илиниб, қорин, шуҳрат, мансаб қулига айланганларни айтмаса ҳам бўлаверади. Уларнинг сони бор, саноғи йўқ. Сўзида турмаган, илмига амал қилмаганларнинг адади уларникидан кам эмас.

Шуларнинг барчасини онгли равишда кўриб билиб туриб, "илова" аввалида айтган сўзимни "илова" сўнгида қайтадан такрор айтаманки:

"Ҳикмат – мўминнинг йўқотган нарсаси, умумхалқ мулки.

Шахснинг айрим хатоси учун унинг барча яхшилигидан воз кечиш оқилликка зид бўлганидек, яхшиси билан бирга ёмонини олиш ҳам оқилликка зид ҳикматсиз ишдир. Тўғриси олиб, нотўғрисида четланиш энг оқилона, энг тўғри тадбирдир".

Шу принципга асосланиб, биз турли даврларда турли хил одамлар томонидан айтилган ҳикматли сўзлар, ибратли байтлардан иқтибос келтирдик. Бизни шахснинг ўзи эмас, сўзи қизиқтирди. Унинг умумбашарий мулкка айланган нодир ҳикматларини Сизга ҳам илиниб, рисоламизни бойитдик.

Мабодо китобда Сиз суймаган ёки Сизга муҳолиф бўлган шахс сўзини топсангиз, "фалончининг гапини келтирибди. У кофир, мунофиқ – эътиқодда, сиёсатда адашган", деб бургага аччиқ қилиб кўрпани куйдирманг. Эътиқод ва сиёсатда адашган бўлса бордир, бир вақтлар комфирқага аъзо бўлгандир, кейин яна бир бор тойигандир, лекин биз ундан нақл қилган ўринда у адашмаган. Сиз ҳам биз каби унинг ўзига эмас, сўзига боқинг. У сўзларнинг оғиздан чиқиши учун илм, тажриба, ақл-заковат, талант керак. Ўша нодир талант унда бор эди.

Мустафо ﷺ Умайя ҳақида: "أمن شعره وكفر قلبه" – *"Шеър иймон келтирди-ю, дили кофир бўлди"*, дегандилар. Шундай бўлишига қарамай, ҳар замонда саҳобалардан ﷺ Умайя ибн Солтнинг шеърини ўқишни талаб қилиб, шеър тинглардилар.

Амр ибн Шарид отасидан ривоят қилади: "Бир куни мен Росулulloҳ ﷺ уловларига мингашиб келаётган эдим, шунда Набий ﷺ "сенда Умайя ибн Солтнинг шеърларидан борми?" деб қолдилар. "Ҳа" дедим. "Ўқи" дедилар. Бир нечта байт ўқидим. "Яна ўқи" дедилар. Мен яна бир нечта байт ўқидим. "Яна" дедилар. Мен юз байт шеър ўқидим.

Муслим Саҳиҳи.

Абдулҳай Киттонийнинг (1884-1962) "الترايب الإدارية" китоби I-том 210-217-бетларига мурожаат қилсангиз, бу борада кўпроқ маълумот оласиз.

Ҳақ қаердан келса ҳам қайтарилмайди. Турк хирандманди ва муҳаддиси Абдуллоҳ ибн Муборак айтганидек, ҳикматли сўзни деворда ёзилган бўлса ҳам олаверинг.

Саҳиҳи Бухорийда келган узун ҳадисда айтилишича, Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу садақа молларни кўриқлашга тайин

этиладилар. Бир куни нотаниш киши келиб, егуликдан ховучлаб ола бошлайди. Абу Ҳурайра уни ушлаб:

– Сени Росулуллоҳга ﷺ олиб бораман, – дедилар.

– Мен зорикқан бечораман. Қарамоғимда бола-чақам бор, – деди.

Абу Ҳурайранинг раҳми келиб уни қўйиб юборади. Тонг отгач, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

– Абу Ҳурайра, кечаги асиринг нима қилди? – дедилар.

– Ё Росулуллоҳ, "муҳтожман, бола-чақам бор" деб шикоят қилгани учун раҳмим келиб қўйиб юбордим.

– Ёлғон сўзлабди. Эртага яна қайтиб келади.

Ҳақиқатда "киши" эртаси қайтиб келди. Яна шикоят қилиб қутилиб кетди. Учинчи куни келганда Абу Ҳурайра уни маҳкам тутиб дедилар:

– Иккинчи келмайман деб, мана учинчи марта келишинг...

– Мени қўйиб юборсанг, сенга манфаатли калималарни ўргатаман. Тўшакка ётишдан олдин Оятал Курсийни ўқиб ёт. Шунда Аллоҳнинг ҳифзи ҳимоясида бўласан. Тонг отгунча сенга шайтон яқинлаша олмайди, – деди.

Саҳоба Набийга ﷺ бўлган воқеани сўзлаб берди.

– Уч кундан бери ким билан мулоқот қилаётганингни биласанми? – сўрадилар Набий ﷺ.

– Йўқ.

– У шайтон. Ҳолбуки, у асли ёлғончи, лекин бу гал тўғри сўзлабди, – дедилар жанобимиз ﷺ.

Бухорий Саҳиҳидан қисқартириб олинди.

Олимларнинг "Ҳақ шайтондан бўлса ҳам олинур" деган сўзлари 1400 йил муқаддам рўй берган ушбу ҳодиса асосида келиб чиққан бўлса, ажаб эмас.

Росули Акрам ﷺ Бадр жангида асир тушган мушрикларга шарт қўйиб: "Мусулмонлардан ўнта боланинг саводини чиқарган киши озод!" дедилар. Мушрикдан оладиган нарсамиз йўқ, демадилар. Ҳар ёмоннинг бир яхшилиги бўлади, албатта.

Сув йўғида – таяммум

Маъзират

Аллоҳ тоало Росулulloҳга ﷺ хитоб қилиб:

﴿يَا أَيُّهَا الرَّسُولُ بَلِّغْ مَا أُنزِلَ إِلَيْكَ مِنْ رَبِّكَ﴾

﴿Эй Пайғамбар, Раббингдан сенга нозил этилмиш нарсани одамларга етказ!﴾ деди. Ва яна:

﴿ادْعُ إِلَى سَبِيلِ رَبِّكَ بِالْحُكْمَةِ وَالْمَوْعِظَةِ الْحَسَنَةِ﴾

﴿Раббингни йўлига ҳикмат ва гўзал ваъз ила чақир!﴾ деб буюрди.

Бу хитоб Набийга ﷺ қаратилган бўлсада, ҳукми Пайғамбар меросхўрларини ҳамда анбиёлар карвонига қўшилишни истаган ҳар бир мўминни ўз ичига олади. Шу боис қўлга қалам олдим.

Ўқимоқ бошқа, уқмоқ бошқа бўлгани каби, уқтирмоқ ҳам бошқача бўлар экан. Унинг учун "гўзал ваъз" тақозо қилганидек, билим билан бирга баёнга уста забон зарур экан, равон тил даркор экан. Ёзма нутқда эса сухандонликнинг ўзи етарли эмас экан. Таълиф қилмоқнинг, адабиётчилар таъбири билан айтганда, ижоднинг ўзига яраша машаққатлари бор экан.

"Шарқ юлдузи" журналида Раҳмон Қўчқор мухбир саволларига жавоб бериш асносида шундай деган эди:

"Ижод деганимиз ҳамма замонларда ва ҳар қандай йўналишда фақат эркинликда юз берадиган ҳодисадир. Ижодкорнинг асар яратишини аёлнинг кўзи ёришига қиёс қилинар экан, ўша дамда ҳар иккиси ҳам ўзини ўраб турган муҳитни, одамлар бу ҳақда нима дейишини эмас, балки ўзини қийнаётган дарддан, оғриқдан тезроқ халос бўлишни ўйлайди. Кейинги ҳамма тузатишу таҳрирлар – боланинг киндигини кесиб, оқ матога ўраш ҳам, қўлёлмадаги илҳом қутқуси билан

меъеридан ошган жойларни эпақага келтириш ҳам эркин ижоднинг сўнги ноталари ҳисобланади. Энди бу улуг ҳодиса маҳсули бўлмиш асарнинг дунё юзини кўриши бошқа масала. Мана шу ўринда Сиз айтган эркинлик ё бўлади, ё бўлмайди".

Раҳмон Қўчқор.
"Шарқ юлдузи".

Араб хирадмандларидан бири: "Қўлига қалам олган киши гўё ақлини товоққа қўйиб, "мана бу менинг ақлим, ақлимни томоша қилинглар", дегандек бўлади", деган экан.

Бир жиҳатдан юқоридаги икки ояти карима ёзишга ундаса, иккинчи жиҳатдан ёзиш масъулияти, ижод машаққати ва бу соҳадаги (тил-адабиёт соҳасидаги) камчилигим мени ёзишдан тўсарди. "Икки ўт орасида қолиш" деб шуни айтсалар керак-да.

Алҳамдулиллаҳ, эпсиз, нўноқ эмасман. Лекин тил-адабиётда жуда уддабурон ҳам эмасман. Аввал ёзган китобларимнинг бари мутахассис таҳририга муҳтож. Муҳаррирни топиш мен учун ҳозир осон эмас.

Шунга кўра, тил қоидаларидаги хатоларим учун олдиндан узр сўрайман. Таъбирдаги қусурим, жумла тузишдаги нуқсоним, имлодаги камчилигим учун узр-маъзур айтаман. Балки, осон тушунтирадиган нарсани қийин тушунтириб қўйгандирман. Енгил нарсани оғир қилиб қўйгандирман. Бу – бандалигим аломати.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, камина қўлига қалам олган пайтда бадий асар яратиш, адабиётга озми-кўпми ҳисса қўшишни ният қилган эмас. Бу рисоаларнинг бадий адабиётга алоқаси йўқ. Шунинг учун мунаққидлар эзгуликка даъват мақсадида битилган варақлардан бадий нуқсонлар топишса, "Бу майдонга тушишга – шоир ва шеърият ҳақида ёзишга унга ким қўйибди", деб аччиқланмасинлар. "Ҳасрат" мавзуси тақозо қилгани учун азбаройи Худо, "Сув йўғида – таямму", "Офтоб чикқунча ойдиндан фойдалан" қабалида иш тутдим.

Кўкка кўтариб мақталган бадий асарларини ҳам кўрдик, ўқидик. У асарлар бир жиҳатидан бекам-кўст кўригани билан "куйдим-ёндим"дан нарига ўтгани йўқ. Кеча бутун маҳоратларини ва сўз санъатини ишга солиб сафил ғояни мақтаган эдилар, мана бугун бутун маҳоратларини ва сўз санъатини ишга солиб унга лаънат ўқияптилар.

Биҳамдиллах, ёзганларим, айтганларим бугун айтиб, эртага қайтадиган бесубут нарса эмас. Гарчи сўз санъатида дудуқланганим билан шарият соҳасида тутилганим йўқ.

*Мен башар фарзанди – асли тупроқман,
Кўкдаги офтобмас, оддий чироқман.
Дерлар: Сув йўғида жоиз таяммум,
Корингга яровчи озроқ урпоқман.*

*Азизим, дўст-ёрим, Сенга армузон
Топган-тутганларим, ҳаттоки бу жон.
Боримни яширмай солдим дастурхон,
Қалбингга солмасин ёмонлар гумон.*

Ж.

Азиз ўқувчи!

Биламан, Сиз хато қидирадаган тоифадан эмассиз.

Биламан, Сиз хайриятга ташна олийжаноб инсонсиз.

Асардаги хато ва камчиликни кўриб, "Беайб Парвардигор, ҳамманинг ўзига яраша хато камчилиги бор" дейишингизга ишончим комил. Шунинг учун Сиздан кўнглим тўқ.

Агар асар шариат олимларининг кўлига тушиб қолса, улар қимматбаҳо вақтларини ажратиб китобни варақлашса, умид қиламанки, яримта хурмосини чин дилдан садақа қилган мискинни олқишлаганлари каби, камина меҳнатига ҳам шундай муносабатта бўлурлар. Зеро динимиз таълимоти ҳар кимни тоқатига яраша иш қилишга ундайди. Аллоҳ: ﴿فَاتَّقُوا اللَّهَ مَا اسْتَطَعْتُمْ﴾

﴿Тоқатингиз борича Аллоҳдан кўрқинг﴾ деди.

Тағобун 16-оят.

Жаноби Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

اتَّقُوا النَّارَ وَلَوْ بِشِقِّ تَمْرَةٍ – "Гарчи яримта хурмо билан бўлсада дўзах ўтидан сақланинглар!" дедилар.

Бухорий Саҳиҳи.

Қўлимдан келганича ёзиб, нашр этганларим гўё бисотимдаги яримта хурмодир. Яна кўпроқ бўлганида, мен ҳам яширмай яна ҳам кўпроқ берган бўлур эдим. Яъни янада кўпроқ ва янада яхшироқ ёзган бўлар эдим.

Бу дунёда биз истасак ҳам, истамасак ҳам ўзимизга яраша рақибимиз бўлар экан. Дунёда душмани энг кўп миллат мусулмонлар деганларича бор. Ичимизда ҳам, ташимизда ҳам бор. Ҳаммасига Аллоҳ кифоя қилсин. اللهم إنا نجعلك في نحورهم ونعوذ بك من شرورهم.

Хўроз қичқирмаса ҳам тонг отаверади. Бир шахсинг бор-йўқлиги билан эзгулик карвони тўхтаб қолмайди. Лекин ҳаёт бўла туриб, худди йўқдек пилдирпис бўлиш – жимжит яшаш ҳам дуруст эмас.

Тўғри, чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин. Сўйганда ҳам ўткир пичоқ билан сўйсин. Лекин қассоб ҳам, ўткир пичоқ ҳам топилмаганда, заруратдан қассоб ўрнига ёш бола қиррали ўткир тош билан нафақат чумчуқни, балки мол-қўйни ҳам сўйса бўлаверади. Йўқса...

Шунга кўра, бир "муллавачча" сифатида заруратдан қўлга қалам олдим. Турли одамлар билан учрашдим, турли гап-сўзларни эшитдим. Мақтов, олқиш, танқид, дашном, тўғри ва нотўғри фикрлар билдирилди. Ажойиб савдолар бошдан ўтди. Шулар туртки бўлиб ва яна "мунаққид"лардан бири билан ўтган мунозарали суҳбат боис "*Маъзират*" ва ундан олдин "*Илова*" (95-бет) ёзишга тўғри келди.

Бу "савдо" ҳар бир ижодкорнинг бошида бор экан. Совет мунаққидлари томонидан аёвсиз дўппосланган¹ шоир ҳазил-мутойиба тариқасида чинакамига ҳасрат қилиб ёзган эди:

¹ Дўппосламок – Хумордан чиққунча, роса муштламок, урмок.

*Ҳали сени, шеърим, неча бор
Ғурбатларга етаклар тақдир.
Бунда қанча... мухлисларинг бор,
Ҳали сени қилурлар таҳрир.*

*Ўзгаради қанча каломинг,
Ўзгаради қанчалар лавҳанг.
Ёзилганда "Тонг" бўлса номинг,
"Оқшом" бўлар балки сарлавҳанг.*

*Сўнг оламга ёйгали қанот,
Элни ўзга қилгали "шайдо"
Қуёш янглиг бир куни — ҳайҳот! —
Газетада бўлурсан пайдо.*

*Ўз номимдан танийман аранг,
Лол тураман сенинг қошингда.
Навбат билан танқидчи аканг
Ёнгоқ чақар энди бошингда.*

*Таҳлил айлаб терсу ўнгидан,
Иккимизни қилади беҳол.
Хўп дўппослаб танқид сўнгидан
Ижодимга тилайди камол.*

Э. Воҳидов.
"Шеър ҳақида шеър". 1961 йил.

*Танқидчининг бориға шукур,
Қайроқ тошдек онгни чархлайди,
Ёниб куяр танқиддан нонкўр,
Доно эса димоғ чоғлайди.*

Ж.

Маъзур тутасиз, ҳаммадан олдин ўз ҳасратимни дoston қилиб юборибман. Ҳамманинг кўнглини бирдай топиш амри маҳол бўлгани каби, ҳаммага бирдай маъқул тушадиган асар ёзиш ҳам умуман амри маҳол экан.

Мазмун-моҳиятга катта эътибор берувчи Сиздай ҳақиқат шайдоларига асарим манзур бўлса, шу мен учун катта ютук. Майда-чуйдага ортиқча эътибор қаратувчи ҳарфхўрларнинг ва ҳамма нарсадан камчилик изловчи танқидбозларнинг қоралаши унчалик аҳамиятли эмас. Тўғри танқидни жону дил билан тўғри қабул қилиш менинг вожибим.

Ҳикоя.

Шаҳар кўркига кўрк, жамолига жамол бағишловчи баланд минора битай деб қолган пайтда меъмор-қурувчилар ёнидан икки-учта ёш-яланг ўтиб қолади.

– *Минора қийшиқ экан, – дейди улардан бири.*

– *Ҳақиқатдан эгри экан, – деб тасдиқлайди иккинчиси.*

– *Раҳмат, йигитлар. Биз шуни пайқамабмиз. Агар кўмаклашсангиз, сизнинг ёрдамингизда минорани тўғрилаб оламиз, – дейди уста. Ва минорага арқон боғлаб, шогирдлари билан торта бошлайди. То йўловчи йигитлар "бўлди" демагунча, улар минорани "тўғрилаш" учун арқонни бор кучлар билан тортаверадилар. Охири "минора тўғри бўлди" дейилгач, уста уларга "раҳмат" айтиб кузатиб қўяди.*

– *Устоз, нега шу сатанларнинг сўзига ишондингиз? – дейди хуноби ошган шогирдлар.*

– *Мен-ку ишонганим йўқ. Лекин халқ ишонади. Агар шу йигитлар шаҳарда "минора қийшиқ экан" деган гапни тарқатса, одамлар минорани қийшиқ тасаввур қилишади. Ҳали минорани кўрмай туриб "қийшиқ"қа чиқарадилар, эл оғзига элак тутиб бўлмайди. Шунинг учун биз минорани уларнинг ўзига "тўғрилатиб олдик". Энди, "минора қийшиқ экан, биз арқон билан уни тўғриладик" деб жар солишса, ҳеч ким уларнинг сўзига ишонмайди, – деб изоҳлабди қурувчи уста.*

*Тўғри минорамни қийшиқ кўрган кўз,
Авомни чалгитиб айтма қийшиқ сўз.
Қингир юрак одам қингир кўради,
Қингирлар қирилмай юрибди ҳануз.*

Ж.



Энди ҳасрат таърифи, тарихи ва туридан иборат ноанъанавий бу узун фаслларга нуқта қўйиб, асосий мақсадга ўтсак.

Рисолага қўл уришдан мақсад ҳар бир соҳадаги ҳасрат ва дард-аламларни бирма-бир баён қилиш эмас. Иқтисоддаги ҳасрат, сиёсатдаги ҳасрат, диний ва миллий келишмовчилик ортидан туғилаётган қат-қат ҳасратларни бирма-бир қаламга олинса, қават-қават "Ҳасратнома" дунёга келади. Эҳтиросда эҳтиёткорлик эсдан чиқиб, тақиқланган чизиқларни босиб ўтиш эҳтимолдан холи эмас. Мавзу ҳассос ва хатарли. Тўғри гап тукқанингга ёқмайди, оқилга ишора кифоя.

Туядай бўй бўлгунча, тугмадай ўй бўлсин, туядек шаклдан – тугмадек ақл яхши, деган ҳикматли сўзлар атрофга ақл кўзи билан боқиб, оқилона иш юритишга ундайди. Киноя ва мажоз мазмунини англашга, тасриҳ этилмаган фикрларни, макнун маъноларни кашф этишга чорлайди.

Гарчи шунча мағрур турса ҳам
Пиёлага эгилар чойнак.¹

байтида ҳамда "сояга қараб тўн бичма" мақолида жамланган ҳақиқат билан киноядан кўп нарсани англаш мумкин. Гоҳида тасриҳдан кўра талмиҳнинг таъсири кучли, дейишади. Тасриҳ этилмаган сўзни шу каби қочирим билан ифодалаш афзал.

Навоий рубоиясида, унга дахлдор сўзларда ва умуман шу асарда мағзи чақилмаган талмиҳлару макнун маъноларнинг топилиши турган гап, уни топиб англаш эса катта гап.

¹ Э. Воҳидов. Тарбиявий аҳамият касб этгани учун шеър тўлалигича бериляпти.

Гарчи шунча мағрур турса ҳам
Пиёлага эгилар чойнак,
Шундай экан, манманлик нечун,
Кибру ҳаво нимага керак?
Қамтарин бўл, ҳатто бир қадам
Ўтма ғурур остонасидан,
Пиёлани инсон шунинг-чун,
Ўпар доим пешонасидан.

1956 йил.

Тарихдан дарс берган устоз, мозийдан сўз очган нотик ва айна шу мавзуда қалам тебратган қаламкаш ўзи ёритаётган тарихий ҳодисларни қандайдир сабабларга кўра воқеликка; бугунги кунга қиёсламаслиги мумкин. Кўз ўнгида такрорланаётган тарихни суҳбатдошига очиқ айтишга ботинмас. Катта билим, маҳорат ва матонатга муҳтож бу хислат ҳаммада ҳам топилиши қийинроқ. Ана шундай ҳолатда; ноқулай вазиятда зукко толиб ибрат кўзини очиб, тарихий ҳодисаларни замона майдонига олиб киради. Давр ва диёридаги воқеа ва ҳодисаларга солиштиради, таққослайди. Сўнг ўзи хулоса чиқаради.

Шуни унутмаслик керакки, ном ва атамалар, йил, ой, кун, кийим-кечак; ташқи қиёфалар бошқа-бошқа бўлиши мумкин, лекин ҳодисалар аввал қандай рўй берган бўлса, кейин ҳам худди шундай такрорланаверади. Қадим замонда Чингиз ҳамла қилган бўлса, ҳозирги замонда бошқа бир беюз ҳамла қилиши мумкин. Илгари Армин Вамбери қаландар қиёфасида юртга кириб жосуслик қилган бўлса, айна пайтда тили бир дили бошқа вамберилар бегонани ортда қолдириши мумкин.

Ибрат кўзи заррабинга ўхшайди. Ибрат кўзини катта очган оқилга жуда кўп нарсани кўриш имкони туғилади. Ибрат олмаган кўз эса Мирзо Бедил айтганидай:

*Ҳар дийдаеки ибрат нагирад, кўр аст.
Яъни: Ҳар кўзки ибрат олмаса, кўрдир.*

Қиёматни қаршилаётган умматнинг ҳасрати ўз бўйидан ўтиб кетди. Бечора дард терига ғарқ бўлган.

*Илдизи шу қадар мустаҳкаммикин
Жонимда кўкариб ётган иллатнинг?
Қандай сўзлар билан овутмоқ мумкин
Дардлари ўзидан буюк миллатни?!*

Б. Фазлиддин.

Ердан бичиб олгандек бир қарич давлатманд одамнинг дарвозаси кўкка туташганидек, дарду ҳасратлари ҳам кўкка бўй чўзган. Агар давлатманднинг достони шунчалик бўлса, бедавлат дарознинг достони қанча деб ўйлайсиз? Унинг қайси бирини ёзиб улгурасиз? Шундай экан, ҳеч бўлмаганидан кўра, кеч бўлгани яхши, деган ўғитга амал ўлароқ кўпни ўйлантирган айрим муаммоларга тўхтаймиз, холос. Аммо қолган катта-кичик муаммоларни синчиклаб ўрганиб, атрофлича муҳокама этиб, чиройли ечим беришни ўз ишининг удабурон мутахассисидан, масъулу мутасаддилардан умид этиб қоламиз. Ҳар ким ўз касбига омил. Ҳар ким ўз билганини ёзгани маъқул.

Хурсанд кўп, хурсандчилик кўп. Сафогоҳнинг сероблиги буни зоҳиран кўрсатиб турибди. Вақтичоғ одам ҳамдардга мухтож эмас. Шунинг учун у ҳақда ёзмаймиз. Аммо ҳасрат ва ҳамдард ҳақида ёзмасликнинг иложи йўқ. Зеро ҳасрат ўти тез ўчирилмаса, аввал одамни, сўнг оламни ёндиради. Баъдаз Амударё қирқ кокил бўлиб қуйилса ҳам у ўтни ўчиrolмайди.

Умид қиламанки, ҳаловати йўқолган дардманд **Ҳамдард** боис йўқотганини топса, ғамхонаси оромгоҳга айланса.

Гапни ота-она ҳасратидан бошласак. Зеро Ер юзига илк бор қадам қўйган, шу сайёрада ҳаётни бошлаб берган зотлар Ота-Онадур. Ҳар биримизнинг ҳаётимизга асос солган шу икки улуғ инсонлардир. Уй тўрисиға у улуғлар ҳақли ва муносиб бўлгани каби, сўз бошиға ҳам улар ҳақли ва муносибдур.

*Бугун сўзламоққа сенда имкон бор,
Ҳар қанча яхши сўз топсанг, айтиб қол.
Эртага ажалнинг элчиси келгач,
Тилинг қимирлашга топмагай мажол.*

Саъдий Шерозий.



ОТА-ОНА ҲАСРАТИ

*Она "болам ўссин" деб қилар ният.
Ўзи емай, ичмай унга едирар.
Бола ўсгач, бирдан тугилар ҳасрат,
Нобопин дастидан ютар зардоблар.*

*Сут бериб қон ютар бечора она,
Муҳаббатин бериб олади нафрат.
Боласин бошида тун-кун парвона,
Ўғлони улгайгач, ортар кудурат.*

*Сабаб не билмадим, билганлар айтсин,
Фош қилсин мардумга жиноят сирин.
Токи адашганлар тез ҳаққа қайтсин,
Токи турмуш кечсин янада ширин.*

*Келин сабабчими, ёки нобоп дўст,
Ё луқмани бузган ҳаром тузмикин.
Бу бобда шошмасдан сўзлаган дуруст,
Қалтис сўздан дилда пайдо бўлар кин.*

Ж.

Ота-она хасрати

Тил нутқ этган энг ширин калима – "ота-она" калимасидир. Айниқса, "она" калимаси жуда хузурбахш, ширадор. "Ота" калимаси эса Отанинг ўзидек салобатли.

Қулоқ эшитган энг ёқимли сўз – "ая-дада", "ойи-ада" деган сўздир. Хусусан, "аяжон", "ойижон" сўзи жуда жарангдор.

Кўз кўрган энг кўркам сиймо, томоша қилиб ҳеч тўймаган шакл-шамойил – шу волид ва волиданинг нурли талъатидир.

Дил талпинган, юракни ўртаган, ҳижрони азоб, висоли лаззат, бўйи анбар: ҳиди муаттар, суҳбати жонбахш, ўзи дилкаш энг улуғ инсон – падари бузруквор ва мушфиқ онаизор.

Дунёга келтирган, ҳаётга ҳозирлаган, оқ ювиб, оқ тараган, кеча-кундуз посбонинг, беминнат меҳрибонинг, чин, ҳақиқий дўст-ёринг, беш маҳал дуохонинг марҳаматли ота-онангдир.

"Ота-она" калимаси ҳар қанча ёқимли, хузурбахш бўлмасин, бироқ уни бола бир умр тўйиб айтолмас экан. Умрининг охиригача "онажон, отажон", деб икки мунисига мурожаат қилиш насиб этмас экан. Кимдир икки-уч йил "ойи, ада" деса, кимдир ўн йил, йигирма йил бу қутлуғ сўзни талаффуз этиб яшайди. Аммо умрбод айтиш кўпчиликка битилмаган. Зеро ўртада ўлим бор. Ўлим кишини кўп нарсдан айригани каби "ота-она" деб хитоб қилишдан ҳам айирар экан. Ота-онага ўрганган тил улардан кейин "ўғлим-қизим"га ўрганади. Кимдир бу борада мувозанатни сақласа, кимдир бир томонга оғиб кетади. "Онам" деб чиққан тил "болам" билан якун топади.

Бир қизалоқнинг отаси у дунёга келмасдан олдин дунёни тарк этади. Қизнинг тили "ая" деб чиқади. Кўчадаги болалар сумкани тўлдириб келаётган отасининг ёнига чопиб бориб, "дада" деб эркаланганда унинг ҳам "дада" дегиси келар, лекин кимнинг ёнига чопишини билмасди. Мушфиқ она ота йўқли-

гини билдирмасликка уриниб, қизига ҳам оналик, ҳам оталик қилди. Ўгай ота барибир ўгайлигига боради, деб қизини ўйлаб, турмушга чиқмади. Она-бола доим бирга. Она қизидан олдин уйқудан уйғониб нонушта тайёрлар: иккита пиёла, иккита ликоб, иккита қошиқ дастурхон устига қўяр, ва нонушта тайёр бўлганда қизни оҳиста уйғотар, қиз эса эркаланиб, онасининг бўйнига осиларди.

– Асалим, нонушта тайёр, дастурхонга марҳамат.

– Хўп бўлади, ойижон.

Қизалоқ юз-қўлини ювиб келиб онасининг қаршисига эмас, ёнига ўтиради. У эсини танигандан бери шу ҳолат ҳар куни такрорланади. Бир куни нима бўлди-ю қиз онасидан олдинроқ уйғонади. Қараса, онаси ҳамон уйқуда. Етти яшар қизча онани суюнтиришини истаб, ўзи нонушта тайёрлашга тушди. Одатдагидек дастурхонга иккита пиёла, иккита ликоб, иккита қошиқ қўйиб, онасини уйғотгани ётоқхонага кирди. Қуш уясида кўрганини қилади деганларидек, онасини оҳиста уйғотта бошлади.

– Нонушта тайёр, дастурхонга марҳамат.

Онаси уйғонмади.

– Ойи, нонушта тайёр, дастурхонга марҳамат.

Она ҳамон уйқуда. Қиз эса ҳафсала билан эринмай:

– Асалим, нонушта тайёр... – деб такрорларди.

Она қимирламай осуда ухлар, бола эса йиғламсираб:

– Ойижон, туринг, мен ўзим чой дамлаб қўйдим. Ойижон, илтимос, уйғонинг, – деб ялинишга ўтди. Сўнгра зорланиб йиғлашга тушди. Селдек кўз ёшлар она юзини юва бошлади. – Ойижон, кўзингизни очинг. Ялинаман, менга бир қаранг. Агар сизни хафа қилган бўлсам, кечиринг. Энди эркаланмайман, ёмонлик қилмайман, ҳамма айтганингизни сўзсиз бажараман.

Қиз жасажжи қўли билан онасининг нурли юзини сийпалаб, унинг теппасида узоқ ўтирди. Она эса кўзини юмганча жим ётарди. Қиз ён қўшнисини чақириб чиқди. Катта ёшли жувон ёш қўшнисининг жони узилганини пайқаб, қизни бағрига бос-

ди. У қизга нима дейишни, қандай тушинтиришни билмасдан унсиз йиғлай бошлади. "Онанг ўлди, энди уйғонмайди, меҳрибонинг мангу уйқуга кетибди", дегани тили бормади.

Эртасига маҳалла эркаклари аёлни тобутга солиб ҳовлидан олиб чиқиб кетишди. Бегона эркакларнинг онаси ётган уйга кираётганини кўрган қиз аввалига ҳайрон бўлди. "У уйда онам бор, кирманглар!" – деб уларнинг йўлини тўсди. Кимдир "сабр қил, қизим", деса, кимдир "бечора етимча", деди...

Шундан бери қизни ҳеч ким нонуштага уйғотмай қўйган. Шундан бери қиз "ойижон" дейишни қумсагани қумсаган...

Ҳа, ҳамманинг ҳам бир куни бу дунёдан мангу кўз юмиши бор. "Яхши ётиб тулинг, онажон", деб хуфтондан кейин ўз уйингга ошиқасан. Тонгда эмас, чошгоҳда ё тушда она саломига шошмасдан келганингда, мунисинг аллақачон жонни топширган бўлади. Шунда уввос солганча:

*Манам ганиматман, манам кетаман,
Деб нечун бир бора эслатмадингиз?
Онам, онам-а?!*

– деб афсусланишингдан не суд? Энди бошингни тошга бориб урасанми, деворга бориб урасанми, фойдаси йўқ. Кўз ёшинг Оролни тўлдиргани билан Онангни турғизолмайди.

Ҳа, уйқуга юмилган кўзлар кун келиб қайта очилмаслиги муқаррар. Бу – исбот талаб қилмас ҳақиқат. Инкор қилиш сафоҳат. Тадорик кўрмаслик ғафлат ва жаҳолат.

Бир лаҳзада, бир онда ҳамма нарса ўзгариб кетади. Инсон ором олиш учун бошини ёстикқа қўйиб, кўзини юмади. Бир вақт кўзини очиб қараса, у бутунлай бошқа оламда. Бутунлай ўзга муҳитда. Эгнида кийими йўқ, олдида фарзандлари йўқ...

Гапирай деса тил қотган, турай деса оёқ шол. Қимирлашга мажол йўқ, ёрдам берадиган дўст-ёр йўқ.

Шунда имтиҳон бошланади: "Раббинг ким? Дининг нима? Пайғамбаринг ким?" Ухровий Саодат шу имтиҳондан ўтишга боғлиқ. Имтиҳондан ўтса, ютади. Ўтмаса, қон ютади.

Жаноби Росулulloҳ ﷺ марҳамат қилиб дедилар:

...بِاسْمِكَ رَبِّي وَضَعْتُ جَنْبِي وَبِكَ أَرْفَعُهُ فَإِنْ أُمْسَكَتَ نَفْسِي فَارْحَمْهَا ، وَإِنْ أَرْسَلْتَهَا فَاحْفَظْهَا بِمَا تَحْفَظُ بِهِ عِبَادَكَ الصَّالِحِينَ

Ётишдан олдин этагингиз билан тўшакни қоқиб ташиланг, сўнг "бисмика Роббий вазаъту жанбий ва бика арфауҳу, фаин амсакта нафсий фарҳамҳа, ваин арсалтаҳа фаҳфазҳа бима таҳфазу биҳи ибадакас солиҳийн" – "Раббим, Сенинг исминг ила ётдим ва исминг ила тураман. Гар жонимни олсанг, раҳм айла, агар яшатсанг, солиҳ бандаларингни сақлаганинг каби мени ҳам (турли бало-офатлардан) сақла", деб дуо қилинг.

Бухорий, Муслим, Термизий ривояти.

اللَّهُمَّ إِنَّكَ خَلَقْتَ نَفْسِي، وَأَنْتَ تَوَفَّاهَا، لَكَ مَمَاتُهَا وَمَحْيَاهَا، إِنْ أَحْيَيْتَهَا فَاحْفَظْهَا، وَإِنْ أَمَتَّهَا فَاعْفُ رُفُوعَهَا، اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ الْعَافِيَةَ

"Аллоҳумма, иннака холақта нафсий, ва анта таваффаҳа, лака маматуҳа ва маҳяҳа, ин аҳйайтаҳа, фаҳфазҳа, ваин аматтаҳа, фағфир лаҳа. Аллоҳумма, инний асълука ал-аъфия" – "Илоҳо, жонимни яратган ҳам, жонимни олган ҳам, албатта Ўзингсан. Ҳаёт ва мамотим Сен учундир. Агар ул жонга ҳаёт бахш этсанг, уни Ўз ҳифзи ҳимоятингда асра, агар вафот эттирсанг, Ўзинг уни мағфират айла.

Илоҳо, мен Сендан офият сўрайман".

Имом Аҳмад Муснади.

"اللَّهُمَّ قِنِي عَذَابَكَ يَوْمَ تَبْعَثُ عِبَادَكَ" "Аллоҳумма, қиний азабака явма табъасу ибадак"¹ – Росулulloҳ ﷺ уйқудан олдин ўнг қўлни юз остига қўйиб, уч марта: "Илоҳо, бандаларингни қайта тирилтирадиган кунда мени азобингдан Ўзи асра", дердилар.

Абу Довуд Сунани.

¹ Остида чизиғи бор унли ҳарфларни бир оз чўзиб ўқилади. Маъсур дуоларни, яъни ҳадисдан нақл қилган дуоларимизни имкон қадар арабчани биладиган олим ё толиби илмга бир ўқиб берилгани яхши. Чунки арабча сўзларни кирилл ҳарфида тўлиқ ифода қилишнинг иложи йўқ.

Биламан, қизалокнинг тақдири кўпчиликни қизиқтиради. Отаси ўлибди, онаси яшаса бўларди-ку, деган ўй кимнингдир хаёлидан ўтгандир. Лекин, начора, бу борада бандаси ожиз.

*Ўшандоғ Мустафони ушбу оламдан фано қилди,
Худога бу сабабдин, эй биродар, баҳс этиб бўлмас.*

Машраб.

Мустафо ﷺ отани кўрмадилар, онадан эрта айрилдилар. Ҳаял ўтмай ота-она ўрнидаги бободан ҳам жудо бўлдилар.

Қизалок вояга етади, турмушга чиқиб, оналик шарафига эришади. Вақт соати етганда эрта кетган онаси каби ширин-шакар дилбандларини доғда қолдириб, ҳаётдан кўз юмади.

*Яшамоқ фароғат, яшамоқ азоб,
Бекорга эгилмас Сиздан бошқа кўк,
Кўнгилларни овлаб умрим бўпти соб,
Сизнинг кетишингиз хаёлда ҳам йўқ.*

*Олдимдан оққан сув, беқадр сувим,
Умрида бир яйраб, ёзилмаганим.
Бор туриши шафқат, бори сир сувим,
То қуриб қолгунча сезилмаганим.*

*Бошқалар ёнимдан кетмасин дебман,
Вақт топиб уларга борибман тонг-кеч,
Бошқаларга озор етмасин дебман,
Сизга ҳам етишин уйламабман ҳеч.*

*Бошқаларга чондим шаҳар, кентда ман,
Бир қайтариб ё бир кесатмадингиз,
Манам ганиматман, манам кетаман,
Деб нечун бир бора эслатмадингиз?
Онам, онам-а?!..*

Ҳ. Худойбердиева.

*Сизсиз ҳаёт маъносизга ўхшайди,
Дилим фақат сизнигина қумсайди.
Онажоним, соғинганман, бир кўрай,
Тушларимга киринг, ҳеч ким тўсмайди.*

*Беозорим, сал кечикиб уйғондим,
Армонларга тўлган ичим лиммо-лим.
Қиёматга қолди дийдор, мунисим,
Унғача дил ўртаса ҳам тилим жим.*

*Неча баҳор сизсиз ўтди куз каби,
Эзиб қўйди ёлғизликнинг тааби.
Истиғфору дуо қилиб ёзу қиш
Тўхтамагай ўғлингизнинг ҳеч лаби.*

*Кетдингизу тушди бошга балолар,
Дард бисёру топилмайди даволар,
Энди ким ҳам сиздай қилар дуолар,
Бу дунёда омон бўлсин онолар.*

*Пойингизда экан Жаннат, билмадим,
Билганимга гоҳо амал қилмадим.
Кел, десангиз, эвоҳ, нечун келмадим,
Сўзингизни қулогимга илмадим.*

*"Она", деса ёнгинамда бир инсон
Ҳавас билан боқғум унга, онажон.
Бахтли эрур онаси бор ҳар бир жон,
Ҳавас қилса арзир унга кенг жаҳон.*

*Миён Содиқ каримаси Султонхон,
Етимликда хун йиғлади топмай нон.
То ўлгунча ор-номусли, покдомон,
Хокисорим, меҳрибоним, онажон.*

Ўғлингиз Жалол.

Оламдан ўтган ота-она ҳаққига: "Аллоҳ раҳмат қилсин, жойлари жаннатта бўлсин..." деб дуо қилиш ҳам неъмат экан. Ота-онадан кейин улар номидан ҳаж-умрага бориш ҳар кимга насиб қилавермайдиган улуғ амал. Волид ва волида ортидан турли эзгу амалларни бажариб, савобини уларга бағишламоқ, анвои яхшиликларни амалга ошириб икки буюк инсонга бахш этиш жуда катта бахт. Бунинг қадрини бу неъматдан маҳрум фарзандлар билар экан.



Россиядан умрага келган иккита умрачи билан бўлган савол-жавоб бу фазилатларни менга эслатди. Меҳмонларнинг бири ўзбек, иккинчиси ўрис. Ўзбек ота-она номидан умра қилишга оид масаладан гап очди. Қўлдан келганча жавоб бердим. Шунда рус йигити қандайдир мунгли юз билан менга қаради.

– Мен кўпчиликдан бир масалани сўрасам, ҳаммаси "йўқ, бўлмайди" деб бир хил жавоб беряпти, – деди.

– Қандай масала экан? – сўрадим мен.

– Ота-онам 40 ёшида вафот этган. Исломни қабул қилмаган. Мен улар ҳаққига дуо қилиб, истиғфор айтсам бўладими?

Рости, ўйланиб қолдим. "Ота-онанг кофир, кофирга мағфират тиланмайди, ҳаққига дуо қилинмайди", десам, бу гап унга оғир ботади. У сукутимдан жавобимни англади шекили, бошини ерга эгиб дув-дув кўз ёш тўка бошлади. Забони ҳоли: "Ўғил бўлиб наҳот ота-онамга фойдам тегмаса. Байтуллоҳга келиб наҳотки "Илоҳим, ота-онамни ғариқи раҳмат, шойистаи жаннат қил, гуноҳини афв эт ", деб дуо қилолмасам, дер эди.

– Ота-онангизга меҳрибон ўғил экансиз. Бунинг ажрини оласиз. Билсангиз керак, Иброҳим  ва Муҳаммаднинг  ота-оналари ҳам ҳидоят топмаган эди, – деб уларнинг қиссасини сўзлаб бердим. Ҳидоят топган рус йигитга қараб гапиряпману хаёлимга мўмин ота-онасини унутган ўзбек йигитлари келди. Улар ҳаққига дуо қилмайдиган, ҳаж-умрага имконияти бўла туриб, ота-онасини олиб Байтуллоҳга шошмаётган, муборак сафарни пайсалга солаётган ўғил-қизларни эсладим.

عن معاوية بن جاهمة السلمي أن جاهمة جاء إلى النبي صلى الله عليه وسلم فقال :

يا رسول الله أردت أن أغزو وقد جئت أستشيرك . فقال (رسول الله ﷺ):

– هل لك من أم ؟

قال: نعم!

قال: فالزمها فإن الجنة تحت رجلها!

Машхур Муснад мусаннифи имоми Аҳмад, Сунан соҳиби Насоий ҳамда ал-Ҳоким Мустадракда қуйидаги ҳадисни келтирадилар.

Жоҳима ас-Сулабий Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келиб деди:

– *Ё Росулаллоҳ, газотга чиқмоқчиман, шу борада сиз билан маслаҳатлашгани келдим.*

– *Онанг борми?*

– *Ҳа, ҳаётлар.*

– *Онангдан ажрамай хизматини қил. Зеро Жаннат унинг пойи остиндадур.*

Аҳмад, Насоий, ал-Ҳоким ривояти.

Жаннат оналар оёғи остида.

Буни билганлар бор, билмаганлар бор. Билимига амал қилганлар бор, амал қилмаганлар бор, ва ҳатто билиб туриб зиддига қўл урган ноқобил, нонкўрлар ҳам йўқ эмас, бор.

Ҳар бир солиҳ фарзанд, чинакам дилбанд ота-онасини бир дам кўрмаса соғиниб қолади. Тонг саҳар ота-она саломига шошади. Кеч киргач, у икки муборак зот ҳолидан хабар олиб, тунги саломига ошиқади. Қуёш инсоният хизматига чиққан маҳалдан бошлаб, то само фонуси осмонда чарақлагунга қадар фарзанд ота-она хизматига шай туради. Кекса ота-она уйқуга кетгач, у ҳам бошини ёстикқа кўяди. Улардан олдин уйига кириб ётиб олиш солиҳ фарзанд одати эмас.

Баъзи бепарво фарзандлар онасининг телефон рақамини ёзганда "фалончи" деб она исминини қайд этади. Бу – одобдан эмас. Баъзилар "ойим", "энам" деб ёзади. Кимдир: "أمي الغالية" – "Қимматбаҳо онам", дейди. Бу яхши, лекин, аслини олганда оналар қимматбаҳо эмас, бебаҳо. Баъзи йигитлар телефонида кўриб қолдим, улар "طريق إلى الجنة" – "Жаннатга йўл" ёки "Жаннат дарвозаси" деб қайд этган экан. Ҳар қачон онаи зори сим қоққанида "Жаннатга йўл" деган ёзув чиқиб, фарзанд дилини яйратади ва унга масъулиятни, охиратни эслатади. Бу – одобнинг энг юқори чўққисидир.

Шунинг муқобилида она ҳам ўз телефонига боласининг қуруқ исминини эмас, гўзал хислатинини ёзиб қўяди. "Дилбандим", "Азиз ўғлим", "Паҳлавоним", "Ботиригим" ва ҳоказо.

Ота-она боланинг телефонига эмас, ўзига илҳақ бўлади. Агар бола сафарда бўлмаса, ота-онасидан тез-тез хабар олиб туриши лозим. Сафарга чиққанда доим телефон орқали боғланиб туриши шарт.

Солиҳ кишининг ҳикоя қилишича, кекса аёл оғир бетоб бўлиб қолади. Ҳамма фарзандлари унинг атрофида гирдика-палак бўлишади. Илло тўнғич фарзанд кўринмасди. Онани касалхонага олиб борилди. Бир аҳволда ётган она катта ўғлини сўрайди. Катта фирмага директор бўлиб кетган катта ўғил ҳа деганда онасидан хабар олавермайди. Она яна уни сўрайди. Атрофдагилар турли баҳона билан муштоқ онани овутади-лар. Ўғилга одам жўнатилади, сим қоқилади, хат ёзилади. У ҳам турли баҳоналар билан келолмаслигини айтади. Охири кимдир: "Оқ сут берган онанг оғир аҳволда. Бундан кейин уни кўрмаслигининг мумкин!" деб унга sms жўнатади. "Қанча сут керак бўлса, шунча жўнатишим мумкин. Бир машина десанг, бир машина сут жўнатаман. Қуруқ сут десанг, қуруқ сут, янги соғилган десанг, янги соғилганидан юбораман. Бироқ ҳозир ўзимнинг вақтим йўқ!" деб жавоб ёзади.

Бу воқеий ҳодисага қандай изоҳ беришга ҳайронман...

Солиҳ фарзанд янги мева чиққанда ўзи емай, аввал ота-онасига такдим этади. Дастурхон ёзилганда таомни энг аввал уларга тутди. Онадан олисдаги мусофир фарзанд ўзи танқис таом тановул қилаётган маҳал онасини ўйлайди. "Онам нима ейяпти экан", деб мунисига илинади. Кўзида ёш қалқийди. Ота-онани пулга зориқтириб қўймайди. Уларга пул бераётган маҳал юздаги табассум миқдорини янада оширади. Ҳамминг ёнида бермайди. "Дуо қилиб қўярсиз", демайди. Зотан, қарзини узиб турган қарздорнинг шарт қўйиши дуруст эмас. Агар хизматидан йироқда бўлса, саломини канда қилмай, дуо ва совға-салом билан алоқани тиклаб, силаи раҳмни узмайди.

Оға, соғ борсангиз, аввал
Дадамларга салом айтинг.

Югуриб чиққан ул мушфиқ
Онамларга салом айтинг.

Кўзи қон ҳамширам бирлан
Акамларга салом айтинг.

Ўпуб пешонасин мен чун
Укамларга салом айтинг.

Қўну қўшни, кичик-катта
Оғамларга салом айтинг.

Саломат денг, онажоним
Кўзин зинҳор ёшлатманг.

Жудолиғ доғи бас, бемор деб
Минг бор қақшатманг.

Онам бечорани ғам бистарига¹
Зор ташлатманг.

Оға, хамшираларга мотамим
Такрор бошлатманг.

Эшитган бўлсалар нотоблиғим,
Ўзга маром айтинг.

Отам ранжитмасунлар бу
Суюк ўғлин аносини,

Ўзи ҳайрон, тополмасдан
Бу дардининг давосини,

Жигар-бағри эзилгандир
Йўқотиб кўз қаросини,

Айурмасин аносидан
Эгам бир қуш болосини,

Отам ёлғуз топиб, бу сўзларим
Бир-бир тамом айтинг.

Акам, хамширалар мунглуғ
Онамни кўп қувонтирсин,

Саломат эркан ўғлинг деб,
Олуб кўнглин юпантирсин,

Бугун, эрта келармиш деб,
Гаҳи алдаб ишонтирсин,

¹ Бистар – Ўрин-бош, кўрпа-ёстик.

Мани йўқлиғим билдирмасин
Хизматла бу қондирсин.

Чоқириб ҳар бирин мандан бу хил
Арзу паём айтинг...

Сўранг биздан агар келса,
Сўрашиб жўра, ўртоғлар,

Қалай деб сўрасалар, айтинг:
Шукр сихат, омон, соғлар.

Келиб қолгай, денг албатта
Очилгунча гулу боғлар.

Алар кўнглига ҳам "бетоб"
Добон солманг қаро доғлар.

Ёзиб хат ҳол сўрашганга
Саломим ном-баном айтинг.

Ҳ.Ҳ. Ниёзий.1916 йил.



Қадрли Дилбандлар!
Жондан азиз Жигарбандлар!
Ширин-шакар, болдан тотли Фарзандлар!
Инсоният сулоласининг давомчилари!

Бугун боласиз, эртага ота ё она бўласиз. Шу кун келганда фарзандингиз сизнинг ота-оналик ҳаққингизни адо этишини истайсиз, талаб қиласиз. Ҳақни талаб қилишдан олдин зиммадаги ҳақни ўташ лозим. Ҳақни ўташдан олдин эса уни билиш, у ҳақида маърифат ҳосил қилиш лозим. Бу – ҳаётий ҳақиқат. Ҳар ким экканини ўради.

Ҳақ таолонинг фарзандларга йўллаган фармонидан, ўгит; панд-насиҳат ва Ўзи ўргатган дуоларидан хабардормисиз?

Озчилик фарзандларнинг бундан хабари бор. Кўпчилик, менимча, бундан беҳабар. Ота-оналар ҳасрати, қариялар уйи, бозорда гезрайиб ўтирган мўйсафид менинг шу фикрга: "кўпчилик беҳабар" деган хулосага келишимга сабаб бўлди.

Мактабда она тили қандай ўргатилса, она ҳаққи ҳам худди шундай ўргатилиши керак. Она ватан ҳақида гапирилганда, чинакам она эсдан чиқмаслиги лозим. Ҳақ таоло ундай деган, Росулulloҳ ﷺ бундай деган, донишмандлар шундай насиҳат қилишган, ота-она ҳақ-ҳуқуқи мана булардан иборат, ким ота-она ҳаққини адо қилмаса, уларнинг ҳурматини жойига қўйма-са, қонун олдида жавоб беради, оқ бўлганнинг охирати куяди, оқилларнинг икки дунёси обод бўлади, деган сўзлар қулоғига кириб ўсган; яхши тарбия олган бола, албатта, ота-онасининг кўз қувончиғи бўлиб етилади. Ушбу хонадондан ҳасратнинг саси чиқмайди. Пайғамбарона оламшумул гўзал таълимотдан йироқ оила эса бунинг тамоман акси. Уларнинг ҳасратидан чанг чиқади. Ўша ҳасратларга мисол келтиришдан олдин Ҳақ таолонинг фарзандларга йўналтирган айрим фармони илоҳияси, ўгити ҳамда ота-онага қандай одобда бўлиш, улар билан қандай сўзлашиш одоблари ўргатилган оят ва ҳадислардан намуна келтирмоқчиман.

﴿ وَوَصَّيْنَا الْإِنْسَانَ بِوَالِدَيْهِ حَمَلَتْهُ أُمُّهُ وَهْنًا عَلَىٰ وَهْنًا وَفِصَالَهُ فِي سَامِيٍّ أَنِ اشْكُرْ لِي وَلِوَالِدَيْكَ
إِلَى الْمَصِيرِ ﴾

﴿ *Биз инсонга ота-онаси борасида васият қилдик: онаси уни заифлик устига заифлик ила кўтариб юрди ва кўкракдан икки йилда ажратди, (шу боис): Менга ва ота-онангга шуқр қил! – (деб фарзандга амр этдик. Охир-оқибат) Менга қайтасизлар.* ﴾

Луқмон 14-оят.

Васият калимаси луғатда бир неча маънони ифодалайди.

- 1- Панд-насихат, ўғит. 2- Билдириш. 3- Буйруқ, амр.
- 4- Илзом, яъни мажбурият қилиб зиммага юкламоқ.

"Васият"ни ўзбек тилида кўпинча ўлим олдидан айтилган гап, охирги сўз маъносида истемол қилинади.

Аллоҳнинг инсонга васияти буйруқ, илзом, панд-насихат маъноларини жамлаган сермазмун жомеъ калимадир.

Аллоҳ инсонга васият қилар экан, энг аввало унга онанинг ҳомиладорлик даврини, жуда кўпчилик унутиб қўядиган илк кунларни эслатди: **"Заифлик устига заифлик ила кўтариб юрди"**. Буни икки хил тушуниш мумкин. 1- Ҳомиладор аёл кундан кунга заифлашиб боради. Ҳомиланинг биринчи ойида чакқон бўлиб юрган она тўққинзинчи ойида оёғини зўрға босади. Унинг орасида неча марта кўнгли озиб, қайт қилади. Эрнинг еган-ичгани ўзига қувват бўлса, аёлнинг еган-ичгани ярми қориндаги болага кетади, қолган ярмини кўнгли айниб, ерга қушиб ташлайди. Бу эса заифликни орттиради.

2- Аёл киши эркакка нисбатан анча заиф. Шунинг учун сафарда юкни аёллар эмас, эркаклар кўтариб юради. Аммо фарзандни эркаклар эмас, аёллар сафарда-ю ҳазарда кўтариб юради. Қорнида кўтаради, қўлида кўтариб эмизади. Ўзи заиф

бўлишига қарамай, бачадонда кундан кунга каттайиб бораётган болани ойлаб кўтариб юради. Бу машаққатли жараённи Улуғ Яратувчи инсон хотирасида тиклатиб: **"Заифлик устига заифлик ила кўтариб юрди"**, деди. Ва болани икки йил давомида эмизиш кераклигини: **"кўкракдан ажратиши – сутдан чиқариши икки йил"**, дея билдирди.

Инсон ёши улғайган сайин ташвиши кўпаяди. Ташвиш кўпайганда орқага эмас, олдинга боқади. Айниқса, қўли пул кўрганда ё бирор мансабни эгаллаганда, ўзи бола-чақали бўлганда аслини унутиб қўяди. Ота-она заҳматини, хусусан она тортган машаққатларни эсламайди. Ҳолик инсонга фармойиш беришдан олдин унутилган ўша кунларни эслатди, сўнгра: **"Менга ва ота-онанга шукр қил!"** деб буюрди.

Аллоҳга шукр қилишнинг сабаби аён. Зеро У инсонни йўқдан бор этди, ризқ берди, ҳидоятга йўллади, билмаганини билдирди ва сон-саноксиз неъматларни унинг устидан қуйиб юборди. Ота-онага шукр қилиш сабабини эса мазкур оятнинг ўзида қисман баён қилди. Яхшиликка яхшилик қилишдек одамий хислатни одам боласига уқтирди.

Ота-онага шукр қандай амалга ошади?

Яхшилик калимаси ўз ичига олган барча эзгу амалларни тақдим этиш билан шукур рўёбга ошади. Молу жонини икки мунисидан аямайди. Хизматидан бўйин товламайди. Улар билан сўзлашганда, қомусидаги энг ширин, ёқимли, қиммат сўзларни танлаб гапирди. Мудом улар ҳаққига дуода бўлади.

Ҳасан ал-Басрийга:

– *Ота-онага яхшилик қандай амалга оширилади? – деб савол беришди.*

– *Бор-йўгингни улардан аямайсан. Сўзларига итоат қилсан, илло маъсият ўрнида итоат қилмайсан, – деди олим.*

Ж.Суютий *الدر المنثور*

Абу Туфайл розияллоҳу анҳу ҳикоя қилади:

Мен Росулulloҳнинг ﷺ Жиъронада гўшт тақсимлаётганларини кўрдим. Ўшанда ёш гулом эдим. Бир пайт қандайдир аёл келиб қолди. Уни кўрган Росулulloҳ ﷺ дарҳол тўнларини ечиб унинг остига тўшадилар.

– Бу аёл ким? – сўрадим ёнимдагилардан.

– Росулulloҳни ﷺ эмизган оналари, – деб жавоб беришди.

Абу Довуд Сунани.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу дейди:

Росулulloҳ ﷺ оналарининг қабрини зиёрат қилдилар. (Қабр узра) йиғлаб, атрофдагиларни ҳам йиғлатдилар. Сўнг: "Раббимдан онам ҳаққиға истиғфор айтишиға изн сўрадим, менга изн берилмади. Қабрини зиёрат қилишиға изн сўрадим, бунга менга ижозат берилди. Қабристонни зиёрат қилингиз, зеро у ўлимни эслатади", дедилар.

Муслим Саҳиҳи.

Аллоҳ Васият оятини: ﴿إِلَى الْمَصِيرِ﴾ ﴿Қайтиш Менгадир﴾ яъни ҳаммаларинг: ота-она ҳам, фарзанд ҳам охируламр Менга қайтиб келасизлар, деган маъно билан яқунлади.

Бу жумлада латиф ишора бор. Шунингдек тарғиб билан тарҳиб жамланган. Қайтиб бориладиган жойни эслатиш билан жазо ва мукофот эслатилмоқда. Ҳар бир инсон пировардда буйруқ берганнинг даргоҳиға қайтади. Шунда У ўз буйруғи амалга ошган ё оширилмагани борасида инсонни сўроққа тутиши аниқ. Масъулиятдан қочишнинг сира иложи йўқ. Чунки махлуқотларнинг ҳаммаси ўз Холиқиға қайтади. Ёниб кул бўлгани ҳам, чириб қуртга ем бўлгани ҳам, чўкиб ўлганию, йиртқичга ем бўлганининг бари Унинг ҳузуриға боради. Саволиға жавоб беради. Агар Аллоҳнинг буйруғини бажарган бўлса, мукофотланади, амалга оширмаган бўлса, жазоланади.

Ота-онага яхшилик қилган фарзанд шу дунёнинг ўзидаёқ тақдирланар экан, шунингдек, ёмонлик қилган ҳам шу дунёнинг ўзида жазога тортилмай қолмас экан.

كُلُّ الذُّنُوبِ يُؤَخِّرُ اللَّهُ مَا شَاءَ مِنْهَا إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ إِلَّا عُنُقَ الْوَالِدَيْنِ فَإِنَّ اللَّهَ تَعَالَى يُعَجِّلُهُ لِصَاحِبِهِ فِي الْحَيَاةِ قَبْلَ الْمَمَاتِ .

Росулуллоҳ ﷺ: "Аллоҳ ҳамма гуноҳлардан Ўзи истаганини Қиёматга кечиктириб, бу дунёда жазоламайди, илло ота-онага оқ бўлганнинг жазосини Аллоҳ таоло ўлимдан олдин ҳаётлик чоғидаёқ тезлатади", дедилар.

أَخْرَجَهُ الْحَاكِمُ فِي الْمُسْتَدْرَكِ وَقَالَ: هَذَا حَدِيثٌ صَحِيحٌ الْإِسْنَادِ وَلَمْ يَخْرُجْ فِي تَعْلِيقِ الذَّهَبِيِّ فِي التَّلْخِصِ: بِكَارِ بْنِ عَبْدِ الْعَزِيزِ الضَّعِيفِ

Ваҳб ибн Мунаббих дейди:

"Ота-онага яхшилик қилиш умрни узайтиради".

الدر المنثور ج.Суютий

Аллоҳ таоло Исро сурасида деди:

﴿ وَقَضَىٰ رَبُّكَ أَلَّا تَعْبُدُوا إِلَّا إِيَّاهُ وَبِالْوَالِدَيْنِ إِحْسَانًا إِمَّا يَبُلُغَنَّ عِنْدَكَ الْكِبَرَ أَحَدُهُمَا أَوْ كِلَاهُمَا فَلَا تَقُلْ لَهُمَا أُفٍّ وَلَا نَهْرَهُمَا وَقُلْ لَهُمَا قَوْلًا كَرِيمًا وَأَخْفِضْ لَهُمَا جَنَاحَ الذُّلِّ مِنَ الرَّحْمَةِ وَقُلْ رَبِّ أَرْحَمُهُمَا كَمَا رَبَّيْتَنِي صَغِيرًا ﴾

﴿ Раббинг ёлғиз Унинг Ўзига ибодат қилишингизга ва ота-онага яхшилик қилишга буюрди. Агар улардан бири ёки иккаласи сенинг (қарамоғингда) қариллик ёшига етсалар, уларга қарата "уф" дема! Қаттиқ гапирма! Уларга марҳаматли, қадрли сўз сўзла. Уларга меҳрибонлик билан хокисорлик қанотини пас тут! Ва: "Раббим, улар мени гўдаклик чоғимда (раҳмдиллик билан) тарбиялаб ўстирганлари каби уларни ҳам раҳм айла", деб дуо қил! ﴾

Исро сураси 24-оят.

Яратувчи мазкур оят бошида *ота-онага яхшиликка буюрди*. Буйруқнинг ўзига кифояланмай, буйруқдан сўнг ота-она муомаласига оид яна бешта зарурий ахлоқни алоҳида-алоҳида баён қилиб ўргатди.

- 1- Улар олдида *уф* тортмаслик.
- 2- Қаттиқ гапирмаслик, ўдағайланмаслик.
- 3- Марҳаматли, қадрли сўзлардан сўзлаш.

Сўзга сифат бўлиб келган *Карийм* калимаси араб тилида бир неча маънода қўлланилади. Жумладан, "саховат, улуғлик, ҳурматли, қадрли, қимматли, қимматбаҳо" деган маъноларни ифодалайди. الضيف الكريم الأجر الكريم тошлар демакдир "ҳурматли меҳмон, қадрли меҳмон, қимматли меҳмон" маъносида.

Сўз асосан олти турга бўлинади:

1-2- قبيح و أقبح – Қабих (жирканч, ярамас, дағал, қўпол) сўзлар ва куракда турмайдиган, тилга олиб бўлмайдиган, қўполдан ҳам ўтиб тушган, ниҳоятда қабоҳатли сўзлар.

3-4- فاحش وأفحش – Бузук, уятсиз сўзлар ва ахлоқ-одобга умуман тўғри келмайдиган ўта беъмани, бемаза сўзлар.

5-6- حسن وأحسن – Гўзал сўзлар ва бағоят гўзал сўзлар.¹

"Тил тойиса, тузалмас" рисоласида унинг турларига батафсилроқ тўхтаимиз, инша Аллоҳ.

Аллоҳ таоло фарзандга ота-она билан сўзлашишни ўргатар экан сўзнинг ҳаммага маълум олти туридан биронтасини олмай, ота-онага хос сўзлашиш турини танлаб: *"Карийм сўз сўзла!"* деди. Яъни сўз бисотингдаги энг қимматбаҳо, энг нодир, камёб, марҳаматли, кадр-қийматли сўзлардан топиб, танлаб сўзла, деб амр этди.

¹ Саид Ҳаво раҳимахуллоҳнинг المستخلص في تركيبة الأنفس китоби. 380-бет.

4- Уларнинг ёнида қўлини кўтариб гапиришдан, қўлни пешлашдан қайтарди. Қанотдан мурод "қўл" деб изоҳлайди муфассирлар. Хуллас, шоҳ олдида қўл қовуштириб турганидек, ота-она олдида ҳам қўл қовуштириб туришга буюрди.

5- Улар ҳаққига дуо қилишга буюриб, дуо сийғасини Ўзи ўргатди.

Ушбулардан олдин Аллоҳ бандаларни *Унинг якка ўзига ибодат қилишга* буюрган эди. Лекин ибодат тафсилотларига ўтмаган. Оятнинг иккинчи қисми бўлмиш *ота-онага яхшилик қилишга* келганда, ўзингиз гувоҳ бўлганингиздек, тафсилотга кириб, бирма-бир, алоҳида-алоҳида тушунтирди.

Ота-онага яхшилик қилишга буюрган ва рағбатлантирган, оқ бўлишдан қайтарган ва кўрқитган оят-ҳадислар кўп. Улар алоҳида дарслик сифатида ўрганилиши зарур. Жамият ва оила учун, балки мамлакат равнақи, тинчлиги ва келажаги учун жуда ҳам зарур. Биз шу миқдор билан кифояланиб, навбатни ота-оналар ҳасратига берамиз. Аллоҳ амрини бажармаган, ота-она юзига оёқ қўйган ноқобил фарзандларнинг хунук оқибатлари билан қисқа танишамиз. Келтирилган мисоллар; воқеалар ҳаммаси ҳаётдан олинган.



Ўзимдан чиққан балога, қайга борай давога?

Қаҳратон қиш қаҳри қаттиқ қиролдек ҳамма ёққа қаҳрини сочган. Телба бўрон қутуриб, ёш-қарини уйга ҳайдаган. Қайдадир 40 градус, қаердадир 50-55 градус совуқ деган хабарлар одамнинг ичини музлатиб юборади. Бу қора совуққа оқ айиқдан бошқа махлуқнинг дош бериши қийин. Изғирин ҳаттоки экватор чизиғида жойлашган мамлакатларга ҳам ўз таъсирини ўтказган, Ернинг қоқ белида яшовчи совуқчан эллар совуқдан жунжикиб қолган. Ўрис кучугини кўчага чиқармайдиган ана шундай аёзли кунларнинг бирида мудҳиш воқеа рўй беради. Бир оила нобоп ўғил боис кўчада қолишга мажбур бўлади...

Мен зиёратчилар орасида *البكاء من خشية الله* – "Аллоҳдан кўрқиб йиғлаш" мавзусида суҳбат ўтказдим.

Бу турфа оламда йиғи тури кўп экан. Кўздан чиққан ёш бир хил, омил ҳар хил. Ким жисмоний оғриқдан йиғласа, ким руҳий оғриқдан: адолатсизлик ва инсофсизликдан йиғлайди. Кимдир кимларнингдир раҳмини келтириш учун дувуллаб ёш тўкса, кимдир кимгадир раҳми келганидан дув-дув ёш тўкар экан. Биров қорни учун йиғласа, биров қадри учун йиғлайди.¹ Аллакимлар эркалаб йиғлайди, аллакимлар аразлаб йиғлайди. Сохта ва самимий йиғилар бўлар экан. Шунингдек, инсонни Парвардигори оламга яқинлаштириб, жаннатга киргизадиган ва жаҳаннамдан узоқлаштирадиган муборак кўз ёши ҳам бор экан. Суҳбат асосан шу нав ҳақида кетди. Танқислаб бораётган бу ноёб кўз ёшга эга бўлиш жуда зарур деб ўйлайман...

¹ Устозлардан бирининг айтишича, бундан 100 йил олдин саҳро ва тоғлардан иборат Макка ва Мадина йўлида бадавий қароқчилар бўлган экан. Улар асосан ҳожиларни тўнаш-талаш билан кун кўрган. Бир бадавий панада яшириниб, ёлғиз келаётган ҳожига милтиқдан ўқ узади. Ўқ нишонга тегиб, йўловчи ўша заҳоти ерга қулайди. Қароқчи ўлжасини тита бошлайди. Ҳамма ёғини титкилаб, ковлаштириб, ҳеч нима топа олмагач, уввос солиб йиғлайди. Бир камбағал ҳожини ўлдириб қўйгани учун эмас, бир дона ўқи беҳуда кетгани учун: "битта ўқим увол бўлди-я", деб ўкирар экан.

Сухбатимиз сўнгида яна бир аламли кўз ёш турига гувоҳ бўлдим. Ўпкам тўлиб, ўзим ҳам йиғлаб юборай дедим. Нобоп фарзанд ўз онасига, ака-укаларига қилган хиёнатни эшитиб, эгим увишиб қалтиради. Мадинанинг устухонга етиб борувчи куруқ совуғидан эмас, даҳшатли хабарнинг таъсиридан эгим жунжикди, икки ҳамроҳимнинг ҳам эти увишиб, дили титради. Берилган саволдан учаламиз ҳам тонг қолдик. Ҳолбуки, ҳамроҳларимнинг бири имом-хатиб, иккинчиси "Усули фикҳ" бўйича докторлик диссертациясини ёқлаш арафасида турган номзод. Лекин биз у саволга жавоб топишдан, тўғрироғи, оғир муаммо ечимидан ожиз эдик.

Воқеа шундай бўлди. Сухбат тугагач, ҳамроҳларим билан меҳмонхонанинг кириш қисмида гурунглашиб ўтирган эдик. Шу пайт сухбатда фаол иштирок этган, саволларимга аниқ-тиниқ жавоб берган 60 ёшлар чамасидаги отахон изн сўраб даврамизга қўшилди.

– Ижозат берсаларинг, – деди отахон ҳазин оҳангда.

– Марҳамат, ўтиринг, – деб учовмиз ўринимиздан туриб, қаршимиздаги оромкурсига ўтиришга ишора қилдик.

– Мени қийнаган бир саволим бор.

– Бемалол, – дедим мен отахон менга юзланиб сўзлагани учун.

– Таксир, ақл бовар қилмас ғалати иш бўлди. Бир жиянимиз жуда нобоп чиқиб қолди. У нодон ҳеч кимга айтмай уйни сотиб юборибди. Бечора синглимнинг боши қотган. Кимга нима дейишни билмайди. Ҳаммасига менинг ўзим югуриб юрибман.

– Уй йигитнинг номидамиди? – сўрадим шошиб.

– Уй онасининг номида. Лекин у муғамбир оқ қоғоз олиб келиб онасига қўл қўйдирган. Амаллаб нотариусдан ўтказган.

– Субҳаналлоҳ!..

– Агар у ҳовли 100 минг долларга сотилса, арзон кетади. У эса ҳайҳотдай ҳовлини 50 мингга пуллаб ўтирибди. Онаси бундан умуман беҳабар. Уйни сотиб олган киши келиб, синг-

лимга "фалон куни уйни бўшатиб қўйинглар!" деб кетди. Ҳаммамизнинг бошимиз қотган...

– Ҳозир пул кимда?

– Пул йўқ. 50 мингнинг ҳаммасини кулини кўкка совурган.

– Оз муддат ичида бунча катта маблағни совуриш қийин. Сўранглар, балким пулни бирор жойга бекитиб қўйгандир. Айтмоқчи, у йигитнинг ёши нечада? Уйланганми?

– 28 га бориб қолди. Уйлангани йўқ. Билишимча, бола пулни ёмон йўлга сарфлаган.

Ҳаммамизни сукунат қоплади. Бошлар эгик, кўзлар ерга қадалган. Зоҳиримиз сукунатдек, ичимиз эса алғов-далғов.

– Аввало, мушкулларингни Аллоҳ осон қилсин. Ўзи ёрдам берсин. Сизларга осон тутмаймиз. Лекин шуни ҳам очик айтиш керакки, биз толиби илм. Фатво, қазо бизнинг қўлимизда эмас. Бундай катта муаммоларни уламо, қозилар билан бирга ҳал қилинади. Болани ўртага олинади. Жамоатчиликни жалб этилади. Маъмурий жазолаш, жиноий жавобгарликка тортиш бу – маъмурият вазифаси. Ҳар ким ўзича унинг "таъзирини" бериб қўйиши дуруст эмас. Зўравон ёллаб жазолаш ҳам одат тусига кириб бормоқда. Бундан мусулмон четланиши лозим. Ҳозир эса энг аввало, қўлдан келганча пулни топиш керак. Қиш кунида у оилани иссиқ уйга жойлаш керак.

– Уйни харид қилган одам билан гаплашдим. "Уйнинг бир чеккасидан тўрт сотих ерни сотсангиз. Синглимга шу ерга уй солиб бераман", десам, кўнмади. Лекин яхши одам экан. "Мен у йигитнинг онасидан яшириб уй сотганини билганим йўқ. Билганимда уйни олмасдим. Менга пулни қайтариб беринглар, мен уйни қайтараман", деди. 10 минг, 20 минг бўлса-ку, ўзим тўлаб қўя қолман, бироқ 50 минг бир ўзимга оғирлик қилади. Сингилга "бизникига кел", десам, унамаяпти. "Шунча бола билан сизникига қандай бораман?" деб хижолат бўляпти.

Менинг кўп саволимга тўғри ва тез жавоб берган чолнинг бир дона саволига мен мутлақо жавоб тополмадим.

"Кулоқдан кирган совуқ сўз кўнгилга бориб муз бўлар", дейдилар. Ҳаво совуқ, хабар ундан совуқ. Муштипар она совуқ ҳаво билан совуқ хабар ўртасида дир-дир титрайди. Эрта-индин уйни бўшатиб бериши керак. Қаёққа боради? Ота-она ўтиб кетган. Оға-иниси "бизникига кел" дегани билан бир этак болани олиб келинойининг ёнига бориш оғир. Келин келган уйга қайинсингил бегона. Бу бор ҳақиқат. Икковининг бир жойда яшаши икки овсиннинг бир жойда яшашидан оғирроқ. Агар икки мурасасиз овсин бир ҳовлида қисилиб турган пайтда қайинсингил улар устига кўч-кўрони билан кўчиб келса, уй оромгоҳ эмас, оташгоҳга айланади.

Айтишларича, қаноти бору учолмайдиган пингвин, بطريق деб аталмиш қушлар совуққа чидамли жонивор экан. Қаҳратон қиш кунида сувга бир шўнғиб, боласига егулик топиб чиқади. Совуқ ўта кучайган пайтда ҳамма пингвинлар жамоа-жамоа бўлиб йиғилади. Катта пингвинлар кичикларининг атрофида қатор-қатор айлана ҳосил қилиб, уларни ўртага олади. Ота-она қушлар шу пайтда айланасига жипс девор шаклига кириб, полапонлар учун иссиқ уй вазифасини бажаради. Полапонлар атрофида тинмай айланиб, уларни табиий равишда иситади.

Ҳайвонот оламида қанча ажойибот бўлса, одамзод оламида ундан кўп ғаройибот мавжуд. Одам боласи мурдани кўмишни қарғадан ўргангани каби¹ қийинчиликда бир-бирини ташлаб кетмай, бир баҳона топиб қочмасдан зич жипслашишни, аҳилликни ҳайвондан, яъниким, пингвиндан ўрганса арзийди.

Қиш чилласига² кирилаётган пайтда, ҳамма ўзини кўчадан уйга урган изғирин маҳалда, тўсатдан "уйни бўшат!" деган нохуш хабарни эшитган аёлни кимга ўхшатиш мумкин?

¹ ﴿ فَبَعَثَ اللَّهُ غُرَابًا يَبْحَثُ فِي الْأَرْضِ لِيُرِيَهُ، كَيْفَ يُورِي سَوَاءَ أَخِيهِ ﴾

﴿ Аллоҳ унга биродарининг мурдасини қандай кўмишни кўрсатиши учун ер титадиган қарғани жўнатди... ﴾ Моида 32-оят.

² 25 декабрдан 5 февралгача кечадиган энг совуқ қирқ кун.

Иккинчи жаҳон урушида уйи хонавайрон бўлган аёлгами?
Эри уйни қиморга бой бериб, ошёнсиз қолган хотингами?
Уйига ўт кетган жувонгами?

Уни иккинчи жаҳон урушида уйига бомба тушган аёлга ўхшатиш унча тўғри эмас. Чунки уй вайрон бўлгани билан ер жойида. Капа тикиб кун кўрса ҳам бўлаверади. Бу биринчидан. Иккинчидан, уйига бомба тушган бир рус ё украин аёли эмас. Уруш туфайли хонавайрон бўлган аёллар сон саноксиз. Улар бир-бирига далда берган. Аммо бу ёлғиз ўзбек аёлидек хонавайрон бўлган аёллар ўзбекнинг ичида ҳам, бошқа миллатлар орасида ҳам топилиши душвор. Учунчидан, бомбани немис фашисти ташлаган. Урушнинг илк қурбонига айланган заифа аёлларнинг уй-жойини бегоналар вайрон этган. Аммо бу онани бегона эмас, ўз жигарбанди хонавайрон айлади. Отаси болалари учун қуриб кетган уйни, катта ҳовлини хиёнаткорона тарзда пуллаб, пулини гумдон қилиб юборди. Ўз ота-онасига, ака-укаларига хиёнат қилди.

Сассиз кўз ёш тўкаётган бу аёлни қасрдек уйини қиморга бой бериб, "хотин, кўч-кўронни кўтар, болларни ол, яхши уй топилгунча ижарада яшаб турмиз", деган омадсиз қиморбознинг хотинига тенглаштириш умуман тўғри келмайди. Қиморбознинг хотини эрнинг бир кун бор, бир кун йўқ ҳолатига кўникиб қолган. Бугун бўлмаса эртага уй топади. Ё ўзининг уйини яна ютиб олади. Аёл қиморбозларни қарғаб, кўнгли бир оз таскин топади. У Она кимни қарғасин? Ўз ўғлиними? Яхшими ёмонми у барибир ўзининг фарзанди-ку.

Уйига ўт кетган жувон билан уйини ўғли сотиб юборган жувон ўртасида ўт билан сувча тафовут бор. Уйи куйганнинг гилами, кўрпа-тўшаги куяди. Ўзи қочиб қутилади.

Ўғли куйдирганнинг дили куяди. Бутун вужудини олов босади. Ундан қочиб қутилишнинг сира иложи йўқ.

Шундай қилиб, бу аёлни бирорта аёлга тенглаштира олмадим. Унинг забун ҳоли нам кўз, қуруқ лаб билан бошини ҳам қилганча ушбуларни пичирлаб такрорларди:

"Ўзимдан чиққан балога, қайга борай давога".

*"Ўзакдан чиққан ўт ёмон,
Ўзингдан чиққан ёт ёмон".*

*"Бир ота ўн ўгилни боқа олади,
Ўн ўгил бир отани боқа олмайди".*

*"Эримнинг топганини ўйнаб ейман,
Ўғлимнинг топганини ўйлаб ейман".*

*"Эримникига ҳокимман,
Ўғлимникига боқимман".*

"Ўгилсиз ҳам йиғлайди, ўгилли ҳам йиғлайди".

*"Қаргай десам – ёлғизим,
Қаргамай десам – ялмоғизим".*

*"Ердан чиққан ҳосилни қонга солиб сотарсан,
Ёмон чиққан ўгилни қайга бориб айтарсан?!"*

"Гўрингдан сув чиқмасин, уйингдан – қув"¹

*"Дўстинг ёмон бўлса, кечиб қутуласан,
Кўшининг ёмон бўлса, кўчиб қутуласан,
Хотининг ёмон бўлса, қўйиб қутуласан,
Эчкинг ёмон бўлса, сўйиб қутуласан,
Боланг ёмон бўлса, нетиб қутуласан?!"*

*Ахир ўз дилбандингдан кечолмайсан, кўчолмайсан, уни
қўёлмайсан, сўёлмайсан. Қутулиши эса зарур, лекин душвор...*

*Дарди сирринг лоақал қилма вужудингга аён,
Ўз вужудингдан чиқон душман иши душвор экан.*

*Ҳар хирад аҳлини сўзи бир муаммо гўё,
Дониш аҳлин пандини рад айламоқ бекор экан.*

Ҳ.Ҳ. Ниёзий. 1911 йил.

¹ **Қув** – Макр-ҳийлага уста; ичидан пишган; муғамбир, айёр.

Ер сайёраси мамлакатлардан ташкил топган.
Мамлакат шаҳар-қишлоқлардан ташкил топади.
Шаҳар-қишлоқлар маҳалла-кўйни ўз ичига олади.
Маҳалла гўё шаҳар нуфузига эга бўлган, бир неча кўчани
бирлаштирувчи маъмурий-ижтимоий бирликдир.

*Шаҳарлар отини маҳаллот этиб,
Бўлди чу юз шаҳр Ҳири от этиб.*

Навоий.

Байтдан англашиладики, келиб чиқиши жиҳатидан маҳалла шаҳр, яъни шаҳарча нуфузига эга, Ҳирот шаҳри эса юзта шаҳар – маҳалладан иборат бўлган экан.¹

Маҳалла уйлардан ташкил топади. Уйи йўқ маҳалланинг ўзи йўқ. Уйлар оилалардан ташкил топади.

Оила эр-хотин ва уларнинг фарзандидан иборатдир.

Уй – ҳар бир инсоннинг туб ватани. Маҳалла – мамлакати. Турар жой, бошпана, масканни ўзбеклар Ватан деб атаган.

Ҳикоя қилинган Онахон "Ватанда беватан" бўлганлар жумласидан. Ўз юртида ошёнсиз қолган бечоралардан.

Яхшилар бор жойда бирор бир инсон кўчада қолмайди. Кўчада қолса, бу инсоният шаънига катта доғ бўлиб тушади. Шундоқ ҳам маъсиятга тўлган сайёрамиз осмон аҳли олдида анча иснодга қолган. Башар сабабли сайёрамиз юзи шувут.

Бу қиссани бировнинг обрўсини тўкиш, шарманда қилиш учун келтиргани йўқ. Ҳошо лиллаҳ – Аллоҳ сақласин.

Мақсадимиз, шу Онага ва унга қисматдош оналарга бир оз тасалли бериш. Бошқа оналарни огоҳлантириш, хушёрликка чақириш. Шайтонга алданиб қолган йигитга инсоф кириб қолармикин деган умид илинжида, бошқа йигитлар бу қабохатга қайта қўл урмасинлар деган ниятда, ҳамда шоядки, у бечора хонадонга ёрдам қўлини чўзадиган муҳсин топилиб қолса, деган эзгу ниятда ушбуни ёзиб, сизга ҳавола қилдик.

¹ "Хуқанди латиф маҳаллалари ва кўчаларинг номланиш тарихи". Муҳаммад Яхёхон Дадабоев. 2007 йил.

Ё Раб, яхшиларнинг сафини кўпайтир, ёмоннинг уругини қурит. Ҳеч кимни ватанда беватан қилма, хонумонидан айирма. Дунё ва Охиратда ҳовлимизни ва ризқимизни кенг қил, тор-танқисликдан Ўзинг асра. Аллоҳумма, амийн.

82-бет хошиясида майда ҳарф билан ёзилган уйга оид маълумотни шу оила муносабати билан қайтадан катта ҳарфда келтирмоқчиман. Уйнинг шукронасини адо этиш учун ва ошёнсиз қолмаслик учун ушбу дуони доим ўқиб юринг. Маълумотни ёдда сақлаб, Парвардигорингизга шукур айтинг.

Муслим Саҳиҳида келган ҳадисда айтилишича, Росулulloҳ ﷺ уйқудан олдин: *الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي أَطْعَمَنَا وَسَقَانَا وَكَفَانَا وَأَوَّانَا فَكَمْ مِمَّنْ لَا كَافِيَ لَهُ وَلَا مُؤَيَّ*

*"Алҳамду лиллаҳил лазий атъамана, ва сақона, ва кафана, ва авана, факам мимман ла кафия лаҳу ва ла мувия"*¹

"Едирган, ичирган, Ўзи бизга мададкор бўлган ва бошпана берган Аллоҳга ҳамд бўлсин. Қанча-қанча одамларнинг мададкори йўқ, уй-жойи; бошпанаси йўқ", деб ҳамд айтар эдилар.

Термизий Сунанида қуйидаги ривоят келган:

اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي ذَنْبِي، وَوَسِّعْ لِي فِي دَارِي، وَبَارِكْ لِي فِيمَا رَزَقْتَنِي

"Аллоҳумма-ғфир лий занбий, ва вассеъ лий фий дарий, ва барик лий фийма розақтаний"

"Аллоҳум, гуноҳимни мағфират эт, ҳовлимни кенг қил, мени ризқлантирган нарсангда барака бер", деб дуо қилар эдилар. Бошқа ривоятда: *"فِي رِزْقِي"* – *"Ризқимга барака бер",* дейилган. Ибн Абу Шайба "Мусаннаф"ида:

اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي ذَنْبِي وَيَسِّرْ لِي أَمْرِي وَبَارِكْ لِي فِي رِزْقِي

"Аллоҳумма-ғфир лий занбий, ва яссир лий амрий ва барик лий фий ризқий"

"Илоҳо, гуноҳимни мағфират эт, ишимни осон қил – ўнгла ва ризқимга барака бер".

¹ Остида чизиғи бор унли ҳарфларни бир оз чўзиб талаффуз этилади.

Интернет хабарларига кўра, ер юзининг 26% аҳолисигина шахсий уйга эга экан. 64% ижарада яшайди. 10% аҳоли қариндош ё танишининг уйида кун кўради. Жаҳонда бир миллиард киши шахсий уйга эга эмас. Бу – ҳар олти одамдан биттасининг уйи йўқ, демакдир.

Мазкур рақамлар ҳар мамлакатда ҳар хил.

Масалан, Саудия Арабистонида аҳолининг 22 фоизи шахсий уй-жойга эга. Аксари ижара, оз қисм вақф ва работларда яшайди.

Бирлашган Араб Амирлигида 91% киши, Қувайтда 87% киши шахсий уйга эга.

Ҳиндистон, Бангладеш, Миср каби мамлакатларда аҳвол анча ачинарли... Мисрда баъзи одамлар қабристонда яшайди деган хабарни эшитганмиз.

Ушбулардан сўнг, тайёр ҳовлини кўлдан бой берган Онага "болани бузган аслида ота-она бўлади. Фарзандга яхши тарбия бериш керак эди. Нега ўғилни вақтлироқ уйлантирмадингиз?" деб дакки бериш ўринсиз. Бечоранинг дарди ўзига етарли. Бизнинг "насиҳат" ҳозир унга ортиқча.

Кўлидан ёрдам бериш келмаган киши ҳеч бўлмаса тилини тийсин. "Ўзинг кесган угра ош, айланиб ич, чайланиб ич", деб бечоранинг ярасига туз сепмасин.

Шўрлик она ичини еб: "Кимга бориб ёрилай, кимга ичимни очай, дардимни сўзлай? Кимдан маслаҳат олай? Ким менга сирдош ҳам йўлдош бўла олади? Чорасиз, ўзим кесган ошни айланиб ҳам ичаман, ўргилиб ҳам ичаман", деб айтаётгандир. Мелисага бориб шикоят қилса, боласини олиб кетади. Ҳам уйдан, ҳам ўғилдан айрилсинми?

Айтинг, у муштипар нима қилсин?

Шу мудҳиш ҳодиса такрорланмаслиги учун ҳар бир ота-онага қадим замонлардан бери мерос бўлиб келаётган қимматли сўзни бир карра эслатиб ўтмоқчиман:

Болангиз дилига энг аввало иймон уруғини экин. Ҳа деб қориннинг ғамини еявермай, қалб ғамини ҳам енг.

Моддий озуқа билан бирга маънавий ва илмий озуқа ҳам беринг. Илмий озуқа бера олмасангиз, болани устозларга топширинг, аммо маънавий озуқани асосан ўзингиз беришингиз керак.

Устини обод қиламан деб, ичини вайрон қилиб қўйманг.

Болангизга ягона Аллоҳ ва Унинг Росулини танитинг.

Охиратдан – Қиёматдан кўрқитинг. Шунда ўғил-қизга данғиллама уйнинг кулф-калитини ташлаб, бисотнинг жойини кўрсатиб, ўзингиз узоқ сафарга кўрқмай чиқиб кетаверинг.

Дили Аллоҳдан мосуво боладан ҳар нарсани кутса бўлади. Худо кўрсатмасин, ундай бола амал курсисига ўтирса борми, ўша куни давлат хазинасини сотиб, пулига музқаймоқ олиб ейди.

Бу ўхшатишдан этингиз жунжикиб: "Ноҳақиқий ўхшатиш" дерсиз.

Тўғри, бунинг сиз айтмоқчи, ноҳақиқий тамсиллигини ўзим ҳам жуда яхши билиб турибман. Мақсадим хазинани қуритишидан киноя эди. Қанча-қанча амалдорнинг чет эл банкига қўш қўллаб топшириб келган пули музлаб ётибди. "Музлади" дегани умидингни уз, пулнинг эгаси топилди, дегани экани кейин-кейин ойдинлашяпти. Айсберглар эрийди, лекин чет эллик корчалонлар музлатиб қўйган пулнинг эриши душвор.

"Ютганим – ўзимники, чайнаганим – гумон" ҳақиқатига асослансак, ундай "бола"лар чет эл банкида музлаб ётган кўкка туташ "кўк" пуллариға, сариқ олтинлариға хаттоки битта муз қаймоқ ҳам олиб ялай олмаяптилар.

Ҳаётда бунга реал мисоллар қалашиб ётибди.



Ўн йилдан кейин "тирилган" она ҳасрати

Ҳаёт – ҳайратхона. Унда кишини довдиратиб кўядиган ҳодисалар кўп. Аталага тикилиб ўлганлар бор, ошдаги тошни ғажирлатиб еб соппа-соғ юрганлар бор. Сув ичиб семирган қанча, буқани букламай ютиб юборса ҳам эт олмайдиган, ит ғажиган суякдай куриб қолганлар қанча?

Ҳижрий 208 йилда туғилиб, 281 йилда (823-89м) вафот этган машҳур воиз ва муҳаддис Ибн Абуд Дунё ўлгандан сўнг яшаб кетган кишилар ҳақида ғаройиб китоб таълиф этади.

Китобни *من عاش بعد الموت* деб номлайди. Бу қизиқ асарни ўқиб ҳайратдан ёқа ушлайсиз. Муаллиф ўз давригача рўй берган ажабтовур ҳодисаларни "санад" билан баён қилган.

Шунингдек, замондош олимлардан доктор Умар Сулаймон ал-Ашқар ҳайратомуз бир воқеани ёзган эди. Унинг ёзишича, биринчи жаҳон урушида катта ёшли турк жангчиси оғир тан жароҳати олади. Клиник ўлим ҳолатидаги жангчини реанимацияга ётқизилади. Унинг соғайишидан умидини узган доктор беморнинг оила аъзоларига тўғриси айтилади.

– Бемор кўп қон йўқотган. Биз қўлдан келганини қилдик. Сизларга очиғини айтишга мажбурмиз. Унинг соғайиб, оёққа туришида ҳеч қандай шанс йўқ. Тайёргарлик кўраверинглар.

– Доктор, ҳар қандай дори-дармон керак бўлса дунёнинг нариги чеккасидан бўлса ҳам топиб келамиз. Фақат отамизнинг жонини сақлаб қолинг.

– Биз барча имкониятларни ишга солдик. Энди беморга дори бефойда.

Отасининг ҳаётидан умидини узган фарзандлар тушкун кайфиятда уйга қайтадилар. Кимдир кафанга, кимдир гўрковга, кимдир ювғучига чопади. Жон талвасасида ётган ота эса ўлим ва ҳаёт орасидаги жанггоҳда курашни давом эттирарди. Ё ҳаёт, ё мамот! Ё кетади, ё қолади. Докторнинг хомчўтича қолишидан кўра кетиши аниқроқ.

Банданинг эмас, Аллоҳнинг айтгани бўлар экан. Чала мурдага айланган киши аста-секин ўзига кела бошлайди. Оёққа туради. Касалхонадан соғайиб чиқиб, уйига қайтади. Бу орада уруш тугайди. Ҳаёт секин изига тушади. Йиллар ўтиб жангчига қараган доктор оламдан ўтади. Шу аснода отахоннинг кампири ҳаётдан кўз юмади. Ёлғиз қолган отахон тўй бериб хотин оладилар. Шу орада мулкка тўймас, қурсағи тешик еб тўймаслар иккинчи жаҳони урушини ҳам бошлаб юборади. Узоқ муддат давом этган уруш тугайди. Ҳамма уйига қайтади. Ҳаёт изига тушади. Тинчлик ҳукмронлик сураётган ажойиб бир пайтда отахон омонатни топшириб, оламини тарк этади.

Ҳаёт деб аталмиш ҳайратхонада нималар бўлмайди дейсиз. Шунга кўра биз Ибн Абуд Дунёнинг ғаройиб китобида келтирилган ишониш қийин ҳодисаларни инкор этишга ҳам, тасдиқлашга ҳам шошмадик. "Ўлгандан сўнг тирилган она" сарлавҳасини ўқиб сиз азизларни ҳайрат тутиши табиий. Сизга ҳам шошилмасликни маслаҳат берамиз. Ўн йилдан сўнг "тирилган" бу она Ибн Абуд Дунё китобида келган бирорта ҳодисага ўхшамайди. Яъни чиндан ўлиб, қабрдан қайтган эмас. Умар Сулаймон ҳикоясидаги ўлим остонасидан қайтган жангчи қиссасига ҳам ҳеч қандай алоқаси йўқ. Сўзни улардан бошлашимизнинг сири – зеҳнимизни замонамизда рўй берган энг ҳайратли ва ҳасратли ҳодисага ҳозирлаш учун эди.

Қаердандир домангир ёки бу ҳаётини воқеани тан олмовчи хасм топилиб, "бу, тўқима қисса, ҳақиқий эмас" деб шубҳа солмаслигининг эҳтимоли йўқ эмас. Буни аввалги асарларда тажрибадан ўтказилди. Шунинг учун ҳодиса олинган манбани айтиб ўтишни маъқул кўрдик.

Тоҷик йигити ва рус қизи ўртасидаги "ишқий қисса"ни, аниқроғи можарони Россия телевидениесининг биринчи каналида намойиш этиладиган "Пусть говорят" кўрсатуви жаҳоннинг тўртдан бир қисмига тарқатди. Интернет эса уни бутун дунёга овоза қилди. Интернетдан асарга материал тўплаш асносида бу мудҳиш воқеага кўзим тушиб қолди.

Қирққа кириб қуйилмаган қув кишининг инсон боласини жиркантирадиган қилмиши ёнида ҳовлини ҳолва пулига сотган 28 яшар латта йигитнинг қилмиши ҳеч гап бўлмай қолади. Камолот ёшига етиб ўзини босиб олмаган номуссизнинг қиссасини эшитиб, "ҳовлифуруш"нинг қиссани умуман унутасиз.

Ёш йигит ҳовлини сотиб, нафсини қондирди; еди-ичди, маишат қилди, қиммат кийимлар олди. Пул тугагач, ҳаммасидан куруқ қолиб, шарманда бўлди, кўчада қолди. "Ёшлиқ қилиб қўйди, адашди", деб унга баҳона топса бўлади. Аммо 41 ёшли киши нафсни қондириш учун тирик онани ўлдига чиқарса, боласидан тонса, унга қандай баҳона топиш мумкин?

Можаро бола талашишдан бошланган.

Россиянинг Тула областида истиқомат қилувчи Елена Кострикина номли 32 яшар аёл ўғил кўради. Унинг даъвосига кўра, боланинг отаси – Михаил Кострикин. Аёлдан ёшроқ кўринадиган бу йигит унинг расмий эри. Бундан ташқари Еленанинг яна бошқа тўшакдош(лар)и бор. Жумладан, тожик-истонлик роппа-роса 41 ёшга тўлган Саид исмли тожик киши. Бир вақтнинг ўзида иккита эркак билан алоқа қилган дуркун жувон аввалида қорамағиз Саидни тан олмайди. "Мен ундай одамни билмайман", деб залда очик айтади. "Сиз Саидни танийсизми? У билан бирга бўлганмисиз?" деган томошабинлар саволига "танайман, кўрмаганман", деган жавобдан нарига ўтмайди. Кейин аниқланишича, Саид Елена билан етти йилдан бери беникоҳ бирга яшаётган экан. Аёл буни кейин тан олади. Ва мамнунлигини хандон кулги билан ифодалайди. Елена деганимиз ўрта бўй, гўштдор, гусубурида, кўрки йўк, лекин, нечундир кўпни ўзига ром этган енгил оёқ жувон.

Жанжал икки ёшга тўлган Дима исмли кўккўз, ранги сапсарик, бурни пучуқ боланинг нотайин отасини аниқлашдан бошланди. Буни аниқлаш ДНК га топширилади. Тўртта эркак ДНК текширувидан ўтади. 1-Еленанинг эри Михаил Кострикин. 2-Қирра бурун, қоратўри Саид Шарипов. 3-Борис деган ўрта ёшли киши. 4-Виталий исмли ёш йигит.

Учинчи, тўртинчи кишини нега текширувга жалб этилганини билмадим. Ҳойнаҳой улар ҳам бағри кенг аёлнинг хушторларидан бири бўлса керак-да. ДНК натижасига кўра, учта рус кишисида ҳеч қандай оталик аломати топилмаган. Лаборатория ходимаси Саидга қараб қўлидаги ДНК натижасини ўқийди: "Саид, сизда оталик аломати 99 фоизни кўрсатди".

Оталигини эшитган Саиднинг қувончи чексиз эди. Унинг қувончига шерик бўлган томошабинлар одатларига биноан чапак чалишди. Залда қарсак янгради. Чунки Саид 41 ёшгача фарзанд кўрмаган экан. "Наҳот пуштим қуриган бўлса, наҳот мендан насл қолмаса" деган хавотирда экан. Залга ўрнатилган катта иккита экранда мухбирнинг Саид билан унинг уйида ДНК натижасидан олдин ўтказган суҳбати намоён бўлади.

– Клянусь богом! – деб сўз бошлайди Саид, – агар бола меники экани аниқланса, уни бошимда кўтариб юраман. Яхши тарбия бераман. Клянусь богом! – деб яна қасам билан сўзини давом эттирди у, – мен 41 ёшгача фарзанд кўрганим йўқ. Бефарзандман. Шу ёшгача тирноққа зор ўтдим.

– Ижозат берсангиз яна бир бор ДНК олсак, – деди лаборатория ходимаси.

– Пожалуйста! – деб оғзини ланг очди Саид.

Бундай текширув, юқорида айтилганидек тўрт кишида ўтказилади. Кўрсатувда иштирок этаётган томошабинлар ва жонли кўрсатувни телевидение орқали кўраётган россияликлар кўз ўнгида ДНК натижаси ўқилади. Миллионлар кўзи олдида Саиднинг оталиги эълон қилинади. Ана қувончу, мана қувонч. Мухбир Саидга яқинлашиб, уни гапга тутди.

– Натижа чиққунча, юрагингиз така-пука бўлгандир?

– Шундай.

– Мана фан сизнинг оталигингизни исботлади. Мана энди наслингиз давом этади. Эндиги ҳис-туйғуларингиз қандай?

– 41 ёшда фарзанд кўрган кишининг ҳиссиётлари қандай бўлиши мумкин? – деган мазмунда жавоб берди у.

Мухбир ўсмоқчилашга ўтди.

– 41 ёшда фарзанд кўрдингиз-а. Димка сизнинг ёлғиз ўғлингиз, тилаб олган ягона дилбандингиз-а?

– Шундай. Қайта айтаман, менинг Димкадан бошқа фарзандим йўқ.

Устакор мухбирнинг мақсадини на гўл Саид пайқади, на Елена ва на студияда ўтирган доно томошабинлар. Мухбир Саиднинг учта фарзанди билан аллақачон танишиб бўлган, ҳатто суҳбат ўтказишга улгурган эди. Лекин уни ҳозирча сир тутиш керак.

Ҳамма Саид ва унинг хуштори Елена қувончига шерик. Қарсақлар, табриклар, юзда табассум билан изҳор этилган ажойиб тилаклар. Ҳазил-мутойибалар. Саид қаердандир гулдаста топиб, ёнида ўтирган хушторига узатди. (Қиш кунида Россияда табиий гулдаста фалон пул туришини унутмайлик. Бу лавҳа сал кейинроқ керак бўлади).

– Елена, сен бугун жуда мамнунсан. Мен сени ҳеч қачон бундай қувноқ ҳолатда кўрмаганман. Саид қулоғингга нима деб пичирлади? – сўради ўртани олиб бораётган мухбир.

– "Мен сени севаман" деди, – кулиб жавоб берди Елена.

– О! Ажойиб! Демак, тожикча тўй уюштиришимиз керак. Студиялагилар мухбирнинг "о"сига қарсақлар билан жўр бўлишди. Мухбир Михаил Кострикинга микрофон тутди:

– Рафиқангга рашк қилмайсанми?

– Йўқ, нега рашк қилай. Севгани билан бахтли бўлсин, – деди. "Кўша қарисин" демади. Ичида "кўшмазор бўл" деган демагани бандасига қоронғи.

Мухбир башанг кийинган тожик кишининг олдига келиб:

– Тожиклар уюшмасининг вакили Абдулла Давлатов бу ерга ташриф буюрган. Ёшларга тилакларингиз, – деди.

– Табриклайман, бахтли бўлишсин. Ишларига омад. Худо кўрсатмасин, кейинги кўрсатувга Михаил келиб, "бола меники" демасин-да, – деб, билса – ҳазил, билмаса – чин тарзида табриклади. "Икки ёш" дейилган жувон билан киши тўйда ўтирган келин-куёвдек илжайиб ўтирарди.

Зал кўтаринки руҳда. Ҳамма хурсанд. Илло ўртакаш мухбир юзидаги сохта хурсандлик йўқола бошлади. У ясама табассумни орқага улоктириб, жиддий тусга кирган. Демак, ҳозир кутулмаган бир нарса рўй беради.

Шодиёна авж палласига чиққан пайтда, тўсатдан, ҳеч кимнинг таклифисиз саҳна ўртасида тожик аёли пайдо бўлди. Мухбир йигит Давлатовнинг сўзини бўлиб, "кечирасиз, бир лаҳза", дедида кейин худди ҳеч нима билмагандек, шарқона узун кўйлаги тўпиғини ёпган, рўмолини орқадан боғлаб олган аёлга салом бериб:

– Сиз кимсиз? – деди.

Аслида залга кирадиганлар мухбирнинг таклифидан сўнг остона ҳатлаб ўтади. Хоҳлаган одам эшикни тепиб киравермайди. Эшик олдида қанча кўриқчиси бор. Лекин сценарийни пухта ёзган мухбир у аёлни танимагандек яна салом бериб:

– Сиз кимсиз? – деди.

Зални сукунат қоплаган. Тиқ этган товуш йўқ. Ҳамма ҳайратда. Гўё одамлар нафас олмаётганга ўхшарди.

– Сиз кимсиз?

Унинг кимлигини залда фақат икки киши билади, холос

– Мен Шаҳзода Шарипова, Саиднинг қаллиғиман.

Мунгли товушни эшитган ҳар инсоннинг дили титраб кетди. Қарсак ўрнига қичқириқлар кўтарилди. Сукунатни ғазаб ва ҳайрат натижасида оғиздан отилиб чиққан оҳлари бузди. Кимдир ачиниб оҳ урди. Кимдир ғазабини ютолмайди, "а", "о" деган товушлар чиқарди.

– Кечирасиз, Саид уйланмаган, у сўққабош, – деди мухбир ўзини билмаганга солиб.

– Мен унинг рафиқасиман.

– Қўлингиздаги нима?

– Шаҳодатномаи загс, – дейди аёл тожик тилида. Аввалдан тайёрлаб кўйилган тилмоч унинг сўзини русчага ўгириб турди.

Залда яна ғала-ғовур кўтарилди.

– Сўрасак майлими? Сизлар ажрашганмисизлар? – сўрайди студиядаги аёллардан бири.

– Йўқ, мен у кишининг никоҳидаман. Расмий ажрашганимиз йўқ.

Мухбир гувоҳномани очиб ўқий бошлайди:

– 28 май, 1993 йил Тожикистонда загсдан ўтилган. Бу ёғи неча пулга тушди... Саид бугун Еленанинг кўлини сўраяпти. Сиз бунга нима дейсиз?

– Агар у киши шуни хоҳласа, мен қарши эмасман.

– Марҳамат қилиб мана бу ерга ўтиринг.

Шаҳзодага "ёш келин-куёв" ўтирган узун оромкурси ёнидаги алоҳида ўриндикдан жой кўрсатилди.

– Фарзандларингиз борми? – тошбўрондек саволлар отила бошлади.

– Ҳа, фарзандимиз бор.

Қарсақларга аллақачон барҳам берилган. Унинг ўрнига ғазабнок оҳангдаги товушлар студия тинчини бузарди.

– Нечта? – ҳар томондан бир хил савол ёғилди.

– Учта – икки қиз бир ўғил.

Бақир-чақир кучайди. Ғала-ғовур ичида қолган мухбир:

– Биринчи канал телетомошанбинлари ҳалигача бундай шокка тушишмаган эди, кўрсатувнинг иккинчи қисмини бир оздан сўнг бошлаймиз, – деб кўрсатувнинг биринчи қисмини шартта тўхтатиб қўйди.

Иккинчи қисм бошланди.

– Шаҳзода 10 йилдан бери эрини кўргани йўқ. Қаранг, уларнинг учта фарзанди бор экан, – деди мухбир кўзини катта очиб, учта бармоғини юқори кўтарган ҳолда. – Келинлар, улар шу ўн йил давомида отасиз қандай кун кўрганларини биргаликда кўриб, эшитайлик.

Сўнг, операторлар томонидан Тожикистонда суратга олиб келинган видео лавҳа жумхурга кўрсатилди. Видеода Саиднинг хотини, иккинчи қизи ва ўғли намоён бўлди. Оғир-вазмин бу жувон паст овозда ерга қараб сўз бошлади.

"У кишини уйдан чиқиб кетганига ўн йил бўлди. Шундан бери дараги йўқ. Тирикми, ўликми, ҳеч қандай хабар билмай-миз. "Уй қуришга етарли пул топсам, тезда қайтаман" деб кетганди. Бир куни сизларнинг кўрсатувингизда у киши чиқиб қолди. Кўрдик, тирик эканлар, уйланиптилар, бир ўғиллари бор экан. Лекин, фарзандим йўқ, хотиним йўқ деб, тўғри сўзламабди. Манави болалар шу кишининг фарзанди.

Дадаси! Нега болаларингиздан тонасиз. Ахир шулар сизнинг фарзандларингиз-ку. Тўрт мучаси соғ. Ногирон эмас-ку. Ёлғиз бошим билан шуларни катта қилдим. Обшежитиенинг тор хонасида қисилиб яшадик. Сиз уйда ҳеч вақо йўқлигини билардингиз. Мен чой қайнатиб, бозорда сотиб, болаларни боқдим", деб кўзидан шашқатор ёш оқизди.

Сўз Саиднинг ўртанчи қизи Мадинахонга берилди. Енги узун кўйлак кийган, рўмолини олдидан ўраб олган иболи бу қиз бошини ерга қаратиб нукул йиғларди. У картошка пўчоғини арчиб еганларини, кўчадаги болалар "уйсиз, етимвачча" деб таҳқирлаганини эслаб, яна кўзига ёш олди.

Залда шовқин кўтарилди. "Сиз эркаклар фақат тўшакда эркаклик қила оласиз холосми?!" деган таъналар ёғилди. "Тезда иккинчи қисмга яқун ясалди. Ҳозиргина хурсанд ўтирган зал ғазаб отига минган. Муҳаббат нафратга айланган.

Гапни қисқа қилиб айтганда, Саид учта боласидан тонади. "Булар менинг болларим эмас", дейди. Экранда Саид ва унинг учта фарзандининг ёнма-ён сурати намоён бўлади. Болалар отага бир томчи сувдек ўхшарди. Бу уч бола Саиднинг пушти камари эканини исботлаш учун ДНК керак эмас. Болаларнинг юзи "биз Саиднинг пушти камаримиз" деб турибди.

– Саид, мен сендан учинчи марта сўраяпман. Жавоб бер. Болалар сеникимми? – деди залда ўтирган тўлик бир киши.

– Йўқ.

– Унда, аёлинг бу болаларни кўчадан орттириб келганми?!

Бадкирдор Саид покиза аёлига тухмат қилгани тили бормади. Савол жавобсиз қолди. Саволлар эса тинмай ёғиларди.

– Буларнинг бари "брeд!" – деди охири Саид.

"Бред"и нима экан деб қомусга қарадим. Бу калима бир неча хил маънони ифодалар экан. 1. Алаҳлаш, босинқираш.

2. Аҳмақона гап, бўлмағур сўз, ёлғон, уйдирма.

Мухбир тутақиб: "Қанақа бред?!" деб бақариб юборди.

– Сен эркакмисан, эркакча жавоб бер. Болалар сеникими? Юзимга қара! – деди бояги тўладан келган киши.

– Йўқ. Болалар меники эмас.

– Ахир экрандаги суратга қара, ўғлинг, икки қизинг қуйиб қўйгандай ўзингга ўхшайди-ку! – деди аёллардан бири.

– Шундан кейин сен ўзингни эркак деб биласанми, гапир! Елена, ўз дилбандидан воз кечган, пуштини тан олмаётган эр билан қандай бир ёстикқа бош қўясан?! Бундан кейин у билан қандай яшайсан?! – деб қичқирди бошқа бир аёл.

Ҳурматли ўқувчи, нобакор Саиднинг шунча гап-сўз асносидаги ташқи ҳолатини тасвирлаб ўтирмадим. Бунинг ҳозир имкони йўқ. Гап чўзилиб кетади. Қисқа айтганда, кўрсатув бошида умсунган хотиндек ўтирган Елена ҳозир бошини ҳам қилиб жим ўтирибди. Саид турқини бузмай, ҳеч нима бўлмагандек ҳаммани алдаб ётибди.

Даҳанаки жангни эслатувчи бу савол-жавобларга мухбир барҳам бериб, "энди 10 йилдан бери фарзанд доғида яшаётган онаизор сўзларини тингласак", деб қолди.

Яна Тожикистондан келтирилган видео лавҳа экранга ўзатилди. Унда Саиднинг онаси ўз уйида тасвирга олинган эди.

"Мана шу ерда ўғлим Саиджон туғилган. Отасидан эрта айрилган. У менинг энг севимли ўртанчи фарзандим. Шу ерда катта бўлди. Шу ерда ўқиди. Ва шу ерлик бир қизга уйланди. Мана шу уйда унинг биринчи қизи дунёга келган. Ўзи қийналиб етим ўсгани учун "онажон, мен сизга ҳамиша қарашаман, зориқтириб қўймайман, сизни ташлаб ҳеч қаерга кетмайман", дер эди. 10 йил олдин пул топиш мақсадида Россияга кетишини айтди. "Мендан хавотир олманглар, изламанглар" деб уйдан чиқиб кетди. 10 йил дом-дараксиз йўқ бўлиб кетди. Бир

куни ҳамсоялар "Россия телевидениесида ўғлингизни кўрсатяпти" деб қолишди. Оёғимни қўлга олиб, телевизорга чопдим. Ўғлимни кўриб, телевизорни ўпдим. Худога шукр қилдим. Боламни топиб берганларинг учун сизларга раҳмат, қуллуқ", деган жойига етганда Елена аччиқ қилибми, аразлабми, ёки она сўзларини кўтара олмайми, ҳар нечук шарт ўрнидан турдида, залдан лапанглаб чиқиб кетди. Девона ошиқ унинг орқасидан чопти. Хушёр мусаввир дарҳол улар изига тушди.

– Сен мени алдадинг. "Онам йўқ" демаганмидинг. Оиланг борми деб, неча марта сўрадим. Сен ҳаминиша "йўқ, йўқ" деб мени алдаб юрган экансан, – деди Елена даҳлизда.

– Елена, ўзингни бос. Мен сени ташлаб кетмайман. Мен сенсиз яшолмайман. Сен учун ҳамма нарсдан воз кечаман. Мен сени севаман, – деб ўрис хотинга ялинишга тушди.

"Севмай ўл!" дейдиган одам топилмади. Ҳайтовур икковлашиб яна студияга қайтиб, ўз ўринларига ўтиришди.

Томошабинлар боласини кўришга муштоқ онанинг сўзларини қайғуга чўмган ҳолда жим ўтириб тинглашар эди.

"Ўғлим у ерда уйланиб, оила қилибди. Унинг оиласи бу ерда. Ўғлимнинг ватанга қайтишини истайман. Уни бу ерда ҳаммамиз яхши кўрамиз, йўлига интизормиз".

Она сўзини тугатган ҳаммоно бир рус аёли океан остидан отилиб чиққан ракета сингари сакраб туриб, бор овози билан:

– Айт, номард, бу сенинг онангми ё йўқми?! Боладан воз кечганингдай онадан ҳам воз кечасанми?! – деб бақирди. Унинг гапи бўғзига тикилиб, ўпкаси тўлди. Бу рус аёлининг важоҳатини кўрган киши қўрқиб кетиши аниқ. – Подонок! – Разил, палид! Наҳот онанг билан 10 йилдан бери алоқани узиб қўйгансан-а. Наҳот бирор марта хабар олмаган бўлсанг-а. Сен Онангни сотдинг, ватанни сотдинг, паразит – ҳаромтовоқ!

– Ўзингизни қўлга олинг. Студияда тинчлик сақлашларингни сўрайман, – деб, мухбир одамларни тинчлантира бошлади. Аёл эса қўлини шопирганча ҳамон қичқирар эди.

– Тинчланинг, тинчлик сақланг! – деб сўзида давом этди:

– Мана бугун 10 йилдан бери ўғлини кўрмаган онаизор ўз фарзандини кўриш, қайта қучоғига босиш учун минглаб чақирим узоқликдан Москвага етиб келдилар. Марҳамат, студияга Саиднинг онаси Нағзигул Шариповани таклиф этамиз.

Студияда жонлаш пайдо бўлди.

Ўлдига чиқарилган онахон студияга тожикистонлик ҳамсоялари ҳамроҳлигида кириб келдилар. 10 йил олдин номард ўғил томонидан мурдага айлантирилган она анча тетик экан. Тан-жонлари соғ. Бошларида битта кичик, битта катта рўмол. Қўлларидаги дастрўмол билан тўхтовсиз оқаётган ёшларни артиб турибдилар. Ёнларидаги ҳамроҳлари рўмолини олдидан ўраган муслима аёл. У рус тилида бемалол сўзлашар экан.

Шу онда студияга йиғилганлар хаёлидан нималар ўтгани ҳақида бир нима дейиш қийин. Баъзилар "кампир ҳозир ўғли қулоғининг тагида шавла қайнатади, ўрис келинининг сочини битта-битта юлади", деб ўйлаган бўлишининг эҳтимоли катта. Рус жамияти учун бу ажабланарли ҳол эмас. Чунки бундан олдинги кўрсатувда Елена студияга кира солиб, собиқ эри Михаилни дўппослашга тушган эди. Россияликлар ва Россия телевединиясини мунтазам равишда кузатиб борувчи телето-мошабинлар бунақа тўполонларга кўникиб кетган.

Нуроний онахон руслар кутганича жанжал кўтармадилар. "Тузим кўр қилсин, оқ сутимни оққа, кўк сутимни кўкка соғдим", деб қарғамадилар. Ўзбек ойим янглиғ "анди, лўли" демадилар. Меҳри холадек, келинни "ўзи букри, кўзи ғилай, тиши сўйлақ, лаби дўрдоқ" деб ёмонламадилар. "Россияда ўғлимнинг бошини айлантириб тегиб олган мегажин, таъвия, жодугар" деб камситмадилар. Бошяланг, эркакчалиш аёл ёнида ўтириб, студияга онаси кириб келгач, унинг истиқболига турган ўғлини кўриб: "Ҳоо, тўхта! Ўша жодугарингдан кечмагунингча дийдорингни кўрмайин. Йўқол!" деб қувиб солмадилар. Аксинча, "Вой, онанг ўргилсин, соғинганман болам. Бўйларингдан онагинанг ўргилсин. Неча йилдан бери сени излайман" десалар, ношуд ўғил онадан кўнгил сўрашнинг ўрнига:

"онажон, мен бу аёлга кўнгил кўйганман, яхши кўраман" деб турибди-да. Бу гал ўзим ғазабда "яхши кўрмай ҳар бало бўл! Кўнглинг кўчасида шахватдан бошқа ғам йўқми?!" девордим.

Кўнгил иши қийин. Кўнгилга "уни суй, буни суйма" деб буйруқ бериш бекор. Бари бир у нозик, инжиқ дил буйруқни бажармайди. Лекин ўжар дилни поклаш ва тарбиялаш билан тўғрилаш мумкин. Покиза дил ҳар қандай таъвияга кўнгил кўймайди. Эрига хиёнат қилган хотинни бир лаҳза севмайди. Очдан ўлса ҳам одамлар чайнаб ахлатга ташлаган нарсани оғзига солмайди. Зилол сув турганда, балчикдан хўпламайди.

"Рус аёллари қоматни сақлаб қолиш учун кеч соат олтидан кейин овқатланмайди" деган миш-мишни эшитган эдик. Шунча можаронинг бош сабабчиси Елена рус аёлларининг битилмаган бу қонунига амал қилмаган кўринади. Ёки у юқорида эсланганидек, сув ичиб семирадиганлар сортиданмикин. Унга бир бор кўзи тушган одам бунга амин бўлади. Саид эса буқани букламай ютиб юборса ҳам эт олмайдиган, ит ғажиган суякдай қуриб қолган рамақижонлар туридан бўлса керак. Унинг нимжон жасадини кўрган одам бунда иккиланмайди. Ахир ўйлаб кўринг, у 10 йилдан бери Россияда пул топиб, уйга бир тийин ҳам жўнатмаган. Учта бола картошка пўчоғини ювиб, пишириб еб катта бўлган. "Ота" эса ўрис ўйнашига қишда гул совға қилиб ўтирибди. "Вино, водка, салаларни" гапирмасаям бўлаверади. Топганини хушторига сарфлагандан кейин семирадида у жонивор. У ёғда эса учта бола ва хотин картошка пўчоғини еб кун кўрган. Бечоралар ошдаги тошни ғажирлатиб еб соппа-соғ юрадиганлар туркумига кирса керак.

Уй қуриш учун пул топгани Россияга кетган ўғил на уй қурди, на онасига пул жўнатди, на фарзандларининг устини бутлади ва на уларнинг қорнини тўйғазди. Топганини ўзи еди. Лекин семирмади. Ўйнаши эса ўзига учта келади. Шундай бўлгандан кейин унинг таъриф-тавсифида "буқани букламай ютса ҳам семирмайдиган, ит ғажиган суякдай қуриб қолган, қулоғидан кун кўринадиган киши" десак янглиш бўлмас.

Қизикқонлик қилиб, кишилар шахсиятига тегаётгандек туюларман. Бирини нозик, бирини семиз дейиш тахқирловга ўхшар. Аслида ундай эмас. Аввало улар ўз қадр-қийматини, иззат-нафсини ўзи оёқ ости қилди. Ёлғончилик билан ўзини ўзи шарманда қилди. Зино бир жиноят ҳисобланса, фарзанддан тониш иккинчи жиноят. Тирик онани ўлдига чиқариш эса пасткашлик, нонкўрлик, номардлик ва бундан бошқа барча салбиётни ўз ичига олган катта жиноят, улкан гуноҳдир.

Бу шаънда қизикқонлик дуруст бўлмагани каби совуққонлик ҳам дуруст эмас. Мен масалага мўътадил ёндашяпман. Кирдикори фош бўлган Саид ҳикояси орқали Россияда мўр-малахдай ёйилган саидсимонларни; ўзбек, тожикларни Саид-дек шарманда бўлмасликка чақиряпман. Қуввати биллагидан ошиб кетган, шахват қони қайнаб турган ёш муҳожирларни маъсиятдан нафратлантиряпман. Иззатини билмаган баъзи ёшлар ярим яланғоч бузуқ хотинни кўриб орқасидан эргашиб кетяпти. Топган тутганини ўша бузуққа сарфляяпти. Баъзи беюзлар ўзингиз гувоҳи бўлганингиздек, онани, жуфти ҳалоллини, пушти камарини тан олмаяпти. Шарманда қилгани етмагандек, ватандан ва ватандагилардан бутунлай воз кечяпти.

Иккинчи хотинга уйланиш айб эмас. Муҳаббат инсоний фитрат. Лекин, эй йигит, кимга кўнгил қўйяпсан, бир қараб қўй, яхшилаб ўйлаб кўр. Эрини алдаган бевафогами, ёки ҳар ким нажасини тўкиб кетадиган бир бедавогами? "Муҳаббат чирой танламайди, уйқу – жой", деб ўзингни ўзинг алдама.

Ўзимизда ҳам суҳсурдай қизларнинг уруғи кўп. Вафодор, иболи гўзаллар ўрикзордаги ўрикдай ғиж-ғиж. Чалпакка ўраб итга отсанг ит қайрилиб қарамайдиган алвасти кетидан сўлак оқизиб юргандан кўра пулни топ, тез уйга қайт, оила қур...

Ёш, келишган Михаилга хиёнат қилган Елена қари Саидга вафо қилади деб ўйлансанми? "Етти йилдан бери бир ёстикқа бош қўйиб яшар экансиз, нега унда никоҳдан ўтмаяпсизлар?" дейилган саволга на Елена жавоб берди ва на Саид. Чунки иккаласи ҳам бу "муҳаббат" узоққа бормаслиги аниқ билади.

Қилмиши фош бўлмаганлар "бизни ҳеч ким кўрмади" деб суюнишмасин. Агар тез тавба қилишмаса, ҳаммаси Қиёматга қолади. У ердаги азоб-уқубат дунёдагидан анча оғир.

Гўзалликка ошифта укажонлар, чирой шайдолари, фаттон соҳибжамолга кўзингиз тушган ҳамон вужудингизда уйғонган ички ғалаённи ишқ-муҳаббат деб ўйламанг. У муҳаббат эмас, ўткинчи шаҳвоний бир ҳирс. Жисмоний кўзғалиш, рухий иштиёқ эмас. Оч киши овқатни кўрганда ҳосил бўладиган табиий ҳолат. Иймони сустрларда жисмоний майл рухий майлни енгади. Сиз автобусга ўхшаб ҳаммага ичидан жой топиб берадиган аёлга эмас, ўзингизга хос енгил маркабга ошиқинг.

Муҳаббат – икки пок дилни тандан олдин боғловчи нафис туйғу. Наҳс босган нопокка насиб қилмайдиган рухий майл.

У кўплар ўйлаганича осон етиладиган нарса эмас. Унинг ўзига яраша аччиқ мушкуллари бор. Ҳофиз Шеъррозий дейди:

*Аё соқий, суниб жоминг, қил эҳсон яшнасин диллар,
Кўринди аввал ишқ осон-у, сўнгра тушди мушкуллар.*

Ўртадаги қисқа танаффусдан сўнг яна студиядаги можарога қайтамиз.

Ўн йил ўғлини кўрмаган, ўлик-тиригини билмаган Она ўғлини кўрган заҳоти кучоғини очганча у томон интилди. Дакки-дашномни йиғиштириб: "онанг ўргилсин, соғинганман болам..." деб қирқ яшар кишини тўрт яшар боладек эркалатди.

Ҳикматлар мажмуасидан иборат *الحكماء* موسوعة تعلم من номли китобда мавзуга оид ҳикматни ўқиб қолдим. Унда "Она учун энг катта зарба у йигирма йил тарбиялаган ўғлини қўшнининг қизи оз кунда қўлига ўргатиб олишидир", дейилган эди.

Глобаллашаётган бу оламда қўшнининг қизи эмас, дунёнинг нариги чеккасидаги шўх қиз йигитни интернет, телефон орқали ром этиб, қўлига ўргатиб оляпти. Илгари бегона маҳаллага келин бўлиб тушган қиз: "Маҳаллада шунча йигитлар туриб бегонага текконимга йиғлайман" деб кўз ёш тўкар экан.

Ҳозир корейсга теккани ҳам йиғламай, хандон отяпти. Йигитлар улардан қолишмайди. Сухсурдай кўшни қизларнинг қадрига етмасдан қаердаги қаланғи-қасанғига ёпишиб олишяпти. Шундан кейин "эркак киши хотин кишининг яхши ёмонини қаёқдан билади", деган сўз тўғримикин деб қоласиз.

Буни эслашимнинг сабаби – она ўн йил ўғлини кўрмади, дийдорига тўймади, энди етишган маҳалда ўғил онаси билан тез сўрашиб, салом-алик қилди-ю ортга қайтиб, яна хушторининг пинжига суқилди. Кўнгил учун бўлсаям онасининг ёнига ўтирмади. Номард, онангни ёнида лоақал ўн дақиқа ўтир.

Студия тартиби шундайдир-да, дерсиз.

Студия маҳкама эмас-ку. Онаси билан ўтирса биров уни уришиб берармиди? Уришган тақдирда ҳам, "бор, тошингни тер, бу менинг онам, ўн йилдан бери кўрганым йўқ" деса, биров унга қаршилиқ кўрсатмайди-ку.

– Ризигул Латиповна, илтимос, сиз тушунтириб бера olasизми, нега Саид ўз фарзандларидан тоняпти? – деди мухбир Саиднинг онасига ҳамроҳ бўлиб келган муслима аёлга.

– Мен ҳам шунга ҳайронман. Нега у ўз болаларидан тоняпти. Ахир мен бу оилани жуда яхши биламан. Саидни ёшлигидан танийман. Мен бу маҳаллага келганимда у икки яшар эди. Ташлаб кетган шу хотинини олмасдан олдин уларнинг остонасига ётиб олган. Саидни онаси "бу қизни олиб бермайман" деганда, бизникига келиб, дадамга роса ялинган.

Саид, дадамни "опоғдада" дер эдингиз. "Онам кўнмаяпти, ўртага тушиб, ўзингиз онамни кўндилинг, илтимос, ёрдам беринглар" деганингизни эслайсизми?

Шаҳзода билан Саиднинг тўйи бўлди. Шу учта бола кўз ўнгимизда дунёга келган, – деди аёл равон рус тилида.

Зал томондан аёл кишининг Саидга отилган "подонок!" деган ҳайқириғи эшитилди.

Бундан олдинроқ мухбир айни саволни Шаҳзодага йўналтириб: "Нега эрингиз фарзандларидан тоняпти?" деганда, у: "мен буни изоҳлашдан ожизман", деганди.

– Биламан, ҳозир онахон учун бу саволга жавоб бериш оғир. "Нега ўғлингиз ўз ўғил-қизини тан олмаяпти?" дейиш бизга ҳам осон эмас, – деди мухбир. Шунда ҳамсоя хотин:

– Саидали, уялмайсизми? Ахир булар ўзингизнинг жигар-бандларингиз-ку, – деди.

Боядан бери оғзига талқон солиб жим ўтирган Саидали шарт ўрнидан туриб ҳамсоя томон юрди.

– Чунки мен бу хотинни умримда севмаганман, – деди Шаҳзодани кўрсатиб. Шаҳзода кўлидаги загс гувоҳномаси билан юзини тўсиб олган. У бундай юзсизликка ҳаётида илк бор дуч келиши. Қолаверса, студияда кўтарилган ғала-ғовур ва жанжалларни умрида кўрмаган.

– Саидали, умуман уятингиз қолмабди. "Шаҳзодани олиб беринглар, Шаҳзодани олиб беринглар" деб ялинавериб жон ҳолимизга кўймаган эдингиз. Энди эса "яхши кўрмаганманга" ўтвобсиз, – деб ҳамсоя аёллар Саидга ўтмишни эслатишди. Ҳужжат-исботи йўқ домод тўра лом-мим демай хушторининг биқинига ўтирволди. Шаҳзода ўзининг тарафини олиб, ўтмишни варақлаётган кўшниларга кўлини силтаб: "кўйинглар, майли, у кунларни эслашнинг фойдаси йўқ", дерди.

– Илтимос, менга сўз беринглар, – деди бир рус аёл ва изини кутмай сўзида давом этди. – Саиднинг хотиндан воз кечишига чидаса бўлади. Лекин фарзанддан воз кечиш нафақат мусулмончиликда, балки христианликда ҳам катта гуноҳ.

– Хотин, бола-чақа эмас, у ўз Онасидан воз кечган. "Онам ўлган" деб ўн йил алдаб юрган, – гапга аралашди мухбир. Ва Еленага юзланиб: – Шу гаплар ростми? – деди.

– Ҳа, мен ундан қайта-қайта сўраганман. "Ота-онанг борми, фарзандинг борми?" деганман. У доим: "Ота-онам ўлиб кетган, фарзандим йўқ" дерди.

– Мен бу махлуқни ўз исми билан атамай, ҳайвон деб атагим келяпти, – деди Абдулла Давлатов.

Студиядаги руҳий ҳарорат ниҳоятда юқорига кўтарилган. Ҳамма тутатқан. Сал гапга одамлар қизишиб кетяпти.

Шу тарзда навбатдаги қисм ҳам ниҳоясига етди.

Сўзамол мухбир якуний қисмни тўғри бориб қалбга тақаладиган ва найзадек санчиладиган сўзлар билан бошлайди:

– Саид "менинг наслим эмас" деган учта бола бугун олис юртдан бу ерга учиб келишган. Уларни студияга таклиф қилишдан олдин диққатингизни бир нарсага жалб қилмоқчиман. Ота ўз оиласини ташлаб кетгандан кейин болалардан каттаси балоғатга етади. Тўнғич фарзанди Муниса турмушга чиқади. Тўйда ота иштирок этмайди. Ёрдам, совға-салом жўнатмайди. Ҳатто қизи турмушга чиққанини ҳам билмайди. Биз ана шу тўйдан лавҳалар олиб келганмиз.

Саид, қизингизни тўйини томоша қилинг!!

Экранда оппоқ либос кийган, бошига рўмол ўраган, лўнда айтганда, бутун танаси; зийнатлари кўзлардан тўсилган иболи Муниса ва унинг келишган қаллиғи намоён бўлади. Саиднинг онаси, Мунисанинг бувиси келин-куёв оёғи остига пойандоз соляпти. Ҳамма хурсанд. Айниқса ёш болалар. Илло тўйида отасини кўрмаган Мунисанинг қувончи ҳамманикидек эмас.

Ҳозир у ўз уйини тарк этиб, қаллиғининг уйига йўл олади. Урф-одатга биноан қиз отасига таъзим қилиб, у билан хайрлашиши керак. Ота қизига панд-насихат қилиши, унинг кўнглини кўтариши лозим. Шу тарзда қиз падарона гўзал йўлланма билан янги ҳаётга қадам кўяди ва янги хонадонга кузатилади.

Она қизим! Қиз ота-онага омонат. Қиз узатиш Одам Атодан мерос. Қиз бола вояга етгандан кейин турмушга чиқиши, ўз тугилиб ўсган уйини ташлаб, ота-она, ака-укаси билан хайрлашиб, янги хонадонга кўчиши илоҳий суннат. Дунё қизларининг пешонасига битилгани шу. Фақат шу йўл орқали инсоният сулоласи давом этади.

Севикли фарзандим! Қўлимиздан келганча аянғиз иккимиз сизга гўзал тарбия беришга кўп ҳаракат қилдик. Оқ ювиб, оқ тарадик. Ўқитдик, ўргатдик, яхшиликка одатлантирдик. Энди шуларнинг барчасини ҳаётга татбиқ қилинг. Умр йўлдошингизни султон деб билинг. Одамлар подишоҳга муомала

қилгани сингари сиз умр йўлдошингизга шундай муомалада бўлинг. Қайнона, қайнотангизни "ая, дада" денг. Чақирсалар "лаббай" деб жавоб қайтаринг. Иш буюрсалар "хўп бўлади" дан бошқасини айтманг. Кам бўлмайсиз, иши Аллоҳ.

Нури дийдам! Илоҳо бахтли бўлинг. Қаллигингиз билан қўша қаринг. Сизга бахт-саодат тилайман. Сиҳат-саломатлик, туман бойлик, тинч-омонлик, файз-барака тилайман. Қўша-қўша солиҳ ва соғлом фарзандлар кўринг.

Илоҳо, қизим ва ўғлимни муҳаббат ва раҳмат риштаси билан боғла. Одам Ато ила Момо Ҳаво, Муҳаммад алайҳиссалом ила Ҳадижаи кубро, ҳазрати Али ила Фотимаи Заҳро ўрталаридаги муҳаббат каби муҳаббатни уларга ҳам насиб эт. Босган изини, борган жойини қутлуғ қил.

Ризқларига, умрларига, илмларига ва фарзандларига барака бер. Ҳамма ёмонларнинг ёмонлигидан Ўзинг асра. Ким уларга ёмонликни ирода этса, ўзи билан ўзини овора қилиб қўй, тузган режасини ўзининг зиддига қил... деган мазмундаги сўз ва дуолар билан қизини узатади. Кимдир узун, кимдир қисқа сўзлаб, ҳаммани йиғлатади. Юзларга фотиҳа тортилиб, қиз ота уйдан куёв уйига кўчади.

Бечора Мунисанинг дарвозадан кузатиб қўядиган отаси йўқ. Кимнингдир отаси маҳбус, кимникидир мархум, бу икки-сига узр бор. Аммо Муниса отасининг тақдири мажҳул. Бадкирдор ота Россияда нима қилиб юрганини қиз билмайди.

Ушбу ҳиссиётларни пайқаган ўтқир рус мухбири Мунисани саволга тутди:

– Отанг ўрнига тўйда сенга ким оталик қилди?

– Тоғам, – деди Муниса шарқ шеърятини безаган ширин забонда.

Фаҳишабоз ота эса дил даҳлизидан кириб, бутун вужудни титратиб юборадиган тўй машҳадини индамай томоша қилиб ўтирибди. "Фаҳишабоз ота" атамасини кўполликка йўйманг. Етти йил бегона хотин билан беникоҳ яшаган кишини яна нима деб аташ мумкин?

Тўй видеосини томоша қилаётган Саид юзида ўзгариш сезилди. Кўзида ёш қалқигандек бўлди. Қуриган лабини тили билан намлади. Меҳр томирлари жунбушга келгани сезилиб турарди. У падар эканини, фарзандларини соғинганини ҳис қила бошлади. Юзи падарона тусга кирди. Экрандан кўзини узолмай қолди. Қочоқ отасини қувиб келган уч дилбандини бағрига босгиси келди. Ахир уларнинг ҳар биттасини унинг ўзи туғуруқхонадан олиб чиққан. Тетапоя турганда суюнган, тили чиқиб "дада" деганда қувончдан боши кўкка етган.

Ҳамма берилиб томоша қилаётган тўй тантанаси туширилган видео лавҳа бирдан ўчади. Саидни боядан бери дам сизлаб, дам сенсираб хитоб қилаётган мухбир бу гал уни кесатик маънода сизлаб:

– Сиз "менинг болам эмас" деб тан олмаган тўнғич фарзандингиз ўз қаллиғи билан студиямизга ташриф буюрган. Уларни ичкарига таклиф этамиз. Улар бугун қочоқ оталарини кўриш ва уларни ташлаб кетиш сабабларини сўраш учун бу ерга келишган, – деди.

Узукка кўз қўйгандек бир-бирига жуда мос тушган келин-куёв; Саиднинг қизи ва куёви студияга кириб келишди. Ундан кейин иккинчи қизи кириб келди. Сўнг 15 ёшлар чамаси ўғли студияга таклиф этилди. Болаларнинг бўй-басти, ранг-рўйи, ақл-хуши, хусн-жамоли, ахлоқ-одоби жойида. Худо Саидни бу борада қисмаган экан. Ҳавас қилса арзирли ажойиб авлод. Булардан воз кечишнинг сира иложи йўқ. Қизлар ўранган, ибо ва ҳаё пардасига бурканган.

Учта бола кириб ўз ўрнига жойлашгандан сўнг улар ортидан амакилари, Саиднинг укаси кириб келди. Шундай қилиб студияда Саиднинг онаси, рафиқаси, учта фарзанди, туғишган укаси, иккита ҳамсоя аёл жамланишди. Улар бир тараф, Саид ва хуштори бир тараф. Худди рингни эслатади. Ана энди томошани кўрасиз. Залдаги томошабинларнинг Саидга ҳеч қандай қариндошлик жойи йўқ. Таниш, дўст ёки душман ҳам эмас. Текин томошани кўргани келган ғирт бегона одамлар.

Шундай бўлишига қарамай, гўё Саид уларнинг қизини ташлаб кетгандек ғазаб билан тинмай "подонок!", "паразит!" ва мен нақлидан истиҳола қилган бурама гаплар билан даккидашном бериб туришди. Агар бегонанинг мавқеи шундай бўлса, ғазабга тўлган қондошлар ҳоли ва мавқеи қандай бўлиши мумкин? Жабр кўрмаган умуман ёт инсонлар шунчалик сўкса, ҳақорат қилса, жабрдийданинг сўкиши қанақа бўларкин? Аввал даҳанаки жанг, сўнг кўл жанги бошланади. Хушторига қарата "сен учун ҳамма нарсдан воз кечаман" деган қари қаллиғ ҳам тек турмаса керак. Тилини қайраб, енгини шимаради. Ўтган кўрсатувда ҳамманинг кўз ўнгида эрини дўппослаган Елена кўлини қовуштириб жим ўтирмайди. "От кимники – минганники" деб, жанггоҳда эр талашадиган кепатаси бор. У бир чўқишда қочираман деган важоҳатда ўтирибди.

Ҳамманинг юраги така-пука. Нима бўларкин... Ҳатто кўрсатувни суратга олаётган оператор ҳам жон ҳовучлаб турибди. Ахир у ўз тажрибасидан келиб чиқиб, бундай ҳодисанинг оқибати нима билан якун топишини яхши билади-да.

"Охрана" деб аталмиш баҳайбат кўрикчилар фавқулоддаги ҳолатга шай туришибди.

Энди студияда нима бўлганини яхшироқ билиш учун сал орқага қайтишга тўғри келади.

Фарзандлардан биринчи бўлиб Муниса қаллиғи билан залга кириб келди. Тўғри отасининг ёнига бориб: "Ассалому алайкум, дадажон" деди. Саид онаизор истиқболига қандай шошиб борган бўлса, қизининг истиқболига ҳам шундай шошиб келди. Ота-бола кучоқ очиб кўришишди. Икки томон кўз ёшини бир-бирининг елкасига тўкди. Елкага тушган ёшлар аста сизиб дилга қуйилди. Бири "отажон" деса, бири "қизгинам" дерди. Кейин Саиднинг куёви қайнатаси олдига келиб, куёв болага лойиқ одоб билан сўрашди.

Биринчи қисмда зал, уларнинг ўзини ибораси билан айтганда, шокка тушган эди. Якуний қисмда зал қайтадан шокка тушди. Улар бундай етук одобни кўрмаганига бир асрдан

ошган эди. Балки ундан кўпроқдир. Ўн йилнинг аламини олиши керак бўлган қиз отасига қулоч очса-я? Роса қизиқ-ку!

Аслида қандай бўлиши керак эди?

Саиднинг онаси кела солиб, ўғлининг бошини айлангириб тегиб олган жодугар бошида ёнғоқ чақиши керак эди.

Шаҳзода эса эрини ундан совитиб, ўзига иситиб олган Еленанинг гўштини бурда-бурда қилиш керак. Жангга тирик етимлар қўшилиб, аёл танасини нимта-нимта қилиши керак.

Ундан кейин қовоғи солиқ кўшнилар галма-галдан ўрисни қарғаб, бири: "дийдоринг курсин, бетавфик", деса, иккинчиси: "турқинг курсин, уятсиз, мегажин", деб ўтиши керак.

Иккита қиз студияга келгунча онаси уларнинг қулоғига қуйиб қўйган, тинмай ўргатган гапларни ёмон отанинг юзига кўркмасдан шарт-шарт айтиб ташлаши, албатта лозим.

Саиднинг укаси "Ҳа, ота безори, ҳа, ноинсоф, кўппак! Хотинбоз ифлос! Қаёғларда изғиб юрибсан?! Биқинингдан дарча очиб қўярдим, акамсанда", дейиши мумкин эди.

Саиднинг ўғли эса, онаси тайинлаганидек, дадани кўрган-да сўрашмай, қовоқ солиб, ғоздек ўтиб кетиши керак.

Мусулмонларни қоралаш, ёмонотликқа чиқариш, номуносиб атамалар билан аташ авжига чиққан пайтда руслар Тожикистондан келган мусулмонлардан бундан бошқа нарсани кутмаётган эди. Мана ҳозир қулоқ эшитган миш-мишлар кўз ўнгимизда ҳақиқатга айланади. Жангари мусулмонлар студияни бошига кўтариб, бир-бири билан жиққамушт бўлади.

Буларнинг бирортаси бўлмади. Кутилган даҳанаки жанг ҳам, қўл жанги ҳам рўй бермади. Бад хаёллар тарқаб кетди.

Агар Саид Россияга бориб ўзини ва миллатини шарманда қилган бўлса, унинг жабрдийда қариндошлари, кийинишидан, ахлоқ-одобидан, сўзидан чин мусулмонлиги яққол кўриниб турган оила аъзолари ва ҳамсоялари Саидга нисбатан гўзал муомала билан ўзларининг етук одоблари орқали миллатдошларининг юзини ёруғ қилишди, мусулмон қандай бўлишини оламга кўрсатиб беришди.

"Москвага кетяпмиз, Россия телевидениясида чиқамиз, шунинг учун бизга шим олиб беринг, сочимизни европача қилиб таранг", деб қизлар онасига хархаша қилмади. Бошида рўмол, эгнида узун кўйлаги билан студияга кириб, ёмон отага яхши муомала қилиб, томошабинлар ҳайратини оширди. Уларнинг олқишига сазовор бўлди. Ҳайратини яширолмаган мухбир:

– Вот это воспитание! – деб юборди.

Муслималарнинг етук одобига йиғилганларнинг барчаси тасанно ўқиди. Ажнабий тилда: "Браво! Браво!" – "Офарин, тасанно!" деб олқишлашди.

Сўз берилишини кутиб ўтирмай сўзлайдиган аёллардан бири бор овоз билан қичқириб:

– Саид, ўрнидан тур! Бундай улуғвор онанг пойига бошингни кўй, тиз чўк! – деди.

Саид телевизорга чиқавериб артист бўлиб кетганми, ёки айбига иқроп бўлдими, ҳар нечук ўрнидан туриб онаси томон юрди. Студияга кириб келгандан бери йиғлаб ўтирган она пойига тиз чўкиб, бошини эгди. 15 ёшли ўғлини ўз олдига ўтирғизди. Охири: "Бу учови менинг фарзандларим!" деб тан олди. Зал донг қотди. Ҳар нарсага хархаша қиладиган Елена жимжит. Оний тинчликни норғул рус йигити бузиб:

– Саид! Тўғриси айтиман, бу ҳодисаларни кўрган, эшитган ҳар бир инсон қалбида сенга нисбатан нафрат туғилиши аниқ. Сен билан дўстлашадиган одамнинг топилиши қийин. Сени яхши кўрадиган одам деярли йўқ. Илло орқангдан қидириб Тожикистондан Москвага келган манави ажойиб қариндошларинг, ўғил-қизинг, энг аввало онанг ва рафиқанг ҳануз сени севишади. Уларни кўз қорачиғидай авайлаб асра. Улардан асло ажрама, – деди ҳис-ҳаяжонда.

Бу гапни эшитиб, Умар ибн Хаттобнинг сўзлари ёдимга тушди: *"Дўст учун жонни қурбон қилиши қийин эмас, лекин жонни қурбон қилишига лойиқ дўстнинг топилиши қийин"*.¹

1 موسوعة تعلم من الحكماء

Тоҷиклар вакили Давлатов "Саидга Россия фуқаролигини бермаслик керак", деб очиқ айтди. "У бир неча соатдан кейин депортация қилиниши мумкин", деб мухбир кўрқитди. Қолганларнинг қовоғидан қор ёғди. Ҳамма хўмрайган, тутакқан.

Мудҳиш воқеа баёнига нуқта қўйишдан олдин, бу фожиа яна такрорланмаслиги учун мен Саид ва унга ўхшаган оқибат билан ҳисоблашмайдиган ёшларга бир оғиз сўз айтмоқчиман.

Биз сизларни полиция ё депортация билан кўрқитмаймиз, кўрқита олмаймиз ҳам. Биз сизларни маъсиятнинг шум оқибатидан кўрқитамиз. Қиёматдан кўрқитамиз.

Ватандан чиқиб кетгандан кейин бизни ҳеч ким кўрмайди деб ўйламанг. Бу ёғига яшил чироқ, деб истаган номаъқулчиликка йўл очманг. Балким, ҳеч ким қилмишингизни кўрмас, ҳеч ким билмас. Лекин ёлғиз Аллоҳ ҳаммасини кўриб, билиб турибди. Икки Малак ёзиб боряпти. Бошга бало тушмасидан бурун, шарманда бўлмасдан олдин, ўзингизни ўнглаб олинг. Нобакорларга яқин йўламанг. Тавба қилинг, Аллоҳга қайтинг.

Ақли расо йигитлар, сизни ўз домига илинтирган "қиз", дилингизни ёндирган соҳибжамол агарчи маликаи Турандот бўлган тақдирда ҳам ҳеч қачон Онага тенг келмайди. "Сен учун ҳамма нарсадан воз кечаман" дейишга лойиқ эмас. Гапни ўйлаб гапиринг. Сизни ошифта қилган жамол яқинда сўлади. Ана-мана дегунча йигитлик қуввати сиздан юз ўгиради. Қарилик ҳамласига учрайсиз. Дастёрга эҳтиёжингиз ортади. Шахват сўнгач, "сўзона дил" ёр истамайди. Узоқ йил эр-хотин бўлиб яшаганлар қолган умрни "ака-сингил" сингари ўтказадилар. Шу пайтда ўйнаш эмас, хотинингиз ва ўзингиз боқиб катта қилган дилбандингиз жонингизга оро киради.

Фарзандларингиз: "Доктор, ҳар қандай дори-дармон керак бўлса дунёнинг нариги чеккасидан бўлса ҳам топиб келамиз. Фақат отамизнинг жонини сақлаб қолинг, уни бу оғир дарддан халос этинг", деб сизга жони ачиши ва жон куйдириши учун Сиз аввал улар учун астойдил жон куйдиринг. Ҳозирдан тайёргарлик кўринг! Эртага кеч бўлади.

Ёшликда фарзанддан тонсангиз, кексайганингизда сизни қип-қизил даштга олиб бориб, бирор тош устига ўтирғизиб келса, бировдан ўпкаламанг.

Ҳамма нарсада меъёрни ушланг. Камитманг ҳам, ошириб ҳам юборманг. Нуқсон зарар бўлгани каби ҳаддан ортиғи ҳам зарар.

*Асал гарчи ширин, яхши даволар жумласидандир,
Ошиб ҳаддан ширинлик, акси пайдо бўлмасин дерман.*

*Кishi инсоф ила виждон либосидан бўлиб маҳрум,
Ёмон феъли билан эл ичра расво бўлмасин дерман.*

Бу ибратли ғазални кейинги саҳифада тўлалигича топасиз.



"Бунақа можаролар Россиядаги муҳожирлар орасида қалашиб ётибди. Уни диний-тарбиявий китобда келтиришнинг нима **фойдаси** бор? Ўрисдан ҳам нақл қиласизми?" дейилиши мумкин. Мен ҳамма қатори ота-она ҳасратига мисол ўларок, отасини опичлаб, тошнинг устига ўтирғизиб кетган қадим замондаги йигит ривоятини келтирсам бўлар эди, лекин ўша қалашиб ётган муаммоларнинг камайишига ўз хиссамни қўшгим келиб, мисолни замонамиздан келтирдим. Йигитларимизнинг аксари Россияда, шунинг учун мисолнинг ўша ердан бўлишини мақсадга мувофиқ деб билдим. Бу ёзганимизнинг ҳам **Фойдаси** тегиб қолар, инша Аллоҳ.

Россияда юрганлар ёки чет элга ўқишга ё ишлашга кетганларнинг ҳаммаси ҳам бирдек эмас. Улар орасида олийжаноб инсонлар, зиёлилар, имомлар, тадбиркорлар, қўли гул хунармандлар жуда кўп.

Ҳамма ҳавас қиладиган истеъдодли ёшлар, покиза йигит-қизлар, ахлоқ-одоби ўзгармаган, ойдек юзидан нур таралиб турган навқирон авлод талай.

Ёшларга холисона панд-насиҳат қилиб турувчи ёши улғ мўътабар мураббийлар бор. Улар ҳалол-покликлари, тўғри сўзликлари, гўзал одоблари боис маҳаллий аҳоли орасида катта обрў-эътибор қозонишган. Уларнинг икки хаёли ватанда. Жасадлари мусофирчиликда, жонлари уйда: қавм-қариндош, дўст-ёрлар орасида. Ўзлари ғурбатда руҳлари мамлакатда. Гўё араб шоири ушбу байтларни улардан илҳомланиб ёзганга ўхшайди.

جِسْمِي مَعِيَ غَيْرَ أَنَّ الرُّوحَ عِنْدَكُمْ فَالْجِسْمُ فِي غُرْبَةٍ وَالرُّوحُ فِي وَطَنٍ
فَلْيَعْجَبِ النَّاسُ مِنِّي أَنْ لِي بَدَنًا لَا رُوحَ فِيهِ، وَلِي رُوحٌ بِلا بَدَنٍ¹

*Жисмим ўзим билан жон эса сизда,
Танам ғурбатда-ю руҳим Ватанда.
Одамлар ҳолимдан ажабланишсин,
Жоним бор бежасад, руҳим йўқ танда.*

Ж.Таржимаси.



¹أنا وأخوانها . سلمان العودة .

*Ширин суҳбат аро сўзларда изво бўлмасин дерман,
Кишининг шаънига гийбатлар асло бўлмасин дерман.*

*Асал гарчи ширин, яхши даволар жумласидандир,
Ошиб ҳаддан ширинлик, акси пайдо бўлмасин дерман.*

*Киши инсоф ила виждон либосидан бўлиб маҳрум,
Ёмон феъли билан эл ичра расво бўлмасин дерман.*

*Кишида баъзи қилмиш элни бошлар можароларга,
Ғаразли кирдикор эл бошига завго бўлмасин дерман.*

*Ўзидан бошқани инкор этар баъзи кишилар бор,
Ҳаётда бу каби хом, фикри бежо бўлмасин дерман.*

*Тугилган бўлса инсон наслидин поймол этиб аслин,
Фирибгар тулкию, шайтонга ошно бўлмасин дерман.*

*Ўзинг кимсан, сўзингни кўпчилик маъқулласин, Чустий,
Хатони тан олиб қалбингда даъво бўлмасин дерман.*

Чустий.

(1904-1983)



Муҳаббат боғчадан бошланадими?!

Асар бошида (24 бет) "балки бола боғчадан бузила бошлагандир" деган тахмин илгари сурилган эди. Шу гап қуруқ даъво бўлиб қолмаслиги учун "Маърифат" газетасида берилган, ундан ziyouz.uz сайти олган **"Севги нима ёхуд 12 ёшли боланинг "илк муҳаббати"** мақоласидан айрим парчалар келтирмоқчиман. Мақола ушбу сўзлар билан бошланади:

1- Бугун севги ҳақидаги савол билан боғча тарбияланувчисигами ёки мактаб ўқувчисигами мурожаат қилсангиз, албатта, жавоб оласиз. Гарчи жуда чиройли жавоб бўлмаса-да, уларнинг бу мавзу ҳақидаги ҳаминқадар фикрларини тушуниш қийин эмас.

2- Бошловчи хатларни ўқиб бўлгач, унга муносабат билдирди: "бугунги кунда севги-муҳаббат ёшлар ўртасида эпидемия каби тарқалди". Унинг бу гапларни айтишдан муддаоси нима билмадим-у, лекин аччиқ бўлса-да, унинг сўзларида жон бордек. Эпидемияга қарши кураш чоралари кўриладию, лекин унга қиёс қилинган нарса тақиқланмагани боисми, уни ҳеч ким тўхтатолмайди.

3- Яқинда катта ёшли кишилар даврасида бўлганимда, шу мавзу бўйича ҳам катталар ўзлари билганларича гапирдилар. Даврадагилардан бири шундай деди: "Ҳозир севги-муҳаббат деганлари ўйинчоқ бўлиб қолди. Осонгина севади, осонгина изҳор қилади, осонгина ташлаб кетади, осонгина унутади, осонгина бошқасини топади, осонгина..."

4- Биз бугун инкор этолмайдиган яна бир ҳақиқат бор: Ҳордиқ истаб қайси бир истироҳат боғига борманг, у ерда ўтириш учун бирорта бўш ўриндиқ тополмайсиз. Жуфтликлар ёнига бориб ўтиришга эса истиҳола қиласиз. Ўша жуфтликларнинг ошкора бирига қилаётган муомаласидан баъзида ҳайратга тушасиз. Очиғи, ўрганиб ҳам қолдик.

5- Бугунги кунга келиб нафақат радиоканаларимиз, балки хусусий газеталаримиз ҳам "ошиқ"ларнинг дил сўзларини "маъшуқ"ларга етказувчи оддий воситага айланди-қолди.

6- Яқинда шундай газеталаримиздан бирида 12 ёшли ошиқ бола синфдош қизга севги изҳор қилган сатрларга кўзим тушди. 12 ёшли...

7- Бу унинг тахминан 5- ёки 6-синфда ўқиётганидан далолат беради. Буниси ҳам етмагандек, у ўз севгисини “менинг биринчи муҳаббатим” дея таърифлабди. Кичик ёшдаги мактаб ўқувчисининг муҳаббат мавзусида шунчалик даражада фикр юрита олганига қойил қоласан киши. Бу гапни бир дугонамга айтганимда, “эй, шунгаям ҳайрон бўласанми, боғча болалари севиши нималигини билади-ку, ҳали у мактаб ўқувчиси экан”, деди қўл силтаб.

8- Мени эса бир савол қийнайди: улар шу ёшидаёқ севишни кимдан ўрганишган экан? Бунга сабаб қилиб бир нечта омилларни келтиришимиз мумкин. Жумладан, радиоканаллар орқали айтилаётган очиқ-ойдин дил изҳорлари, газета саҳифаларини тўлдираётган оҳвоҳлар, қолаверса телевидение орқали намойиш этилаётган бачкана теле-сериаллар қаҳрамонларига тақлид ёшларни бу туйғуга енгил-элли қараши билан бирга анчагина маънавий қашишоқ ҳам қилиб қўйди. Газета, радио ёки телевидениедаги сериалларни мунтазам кузатиб борсангиз, у ерда шундай ҳолатлар ҳам учрайдики, бу нарса қандай ёшда бўлишидан қатъи назар, халқ тили билан айтганда, болаларнинг “кўзини очиб юборади”.

9- Айни ўқиши, изланиши, илм олиши ёшида бўлганларга севги-муҳаббат анчагина халақит беради. Тасаввур қилиб кўринг, ҳали боғча ёки мактаб ёшидаги боланинг муҳаббат ҳақида ўйлаши ва ёхуд ёқтирганига севги изҳор этишини қабул қилиши мушкул.

Ҳар нарсанинг ўз ўрни бўлгани каби севмоқликнинг ҳам вақти-соати бор. Ўқиб, изланиб, маълум бир касбнинг эгаси бўлгандан кейин ҳам севишга вақт топилади. Тан олиши керак, ҳаётда севги-муҳаббатнинг ўз ўрни бор. Мана шу ўринни ақл тарозисига солиб, кейин белгилаш лозим, назаримда.

Маъмура Рамазон кизи,
“Маърифат” газетаси.
ziyouz.uz дан олинди.

*Севишган ҳар йигит-қиз, аввало, ақли расо бўлсин,
Куёв бирлан келинчақда вафо бўлсин, ҳаё бўлсин.*

*Севишмоқ яхши, севсин, ўйнасин, кулсин муродича,
Ва лекин бу севишда ота ҳам она ризо бўлсин.¹*

*Қуёш бўлса муҳаббат осмонида йигит ҳусни,
Садоқат осмонида келинчақ маҳлиқо бўлсин.*

*Йигитнинг қалби қизнинг қалбига дорилишифо бўлса,
Йигитнинг қалбига қиз қалбида доим даво бўлсин.*

*Икков ҳам тил учуда ошноликдан ҳазар айлаб,
Ҳақиқий бўлсин ишқи-ю самимий ошно бўлсин.*

*Алишерлар, Улуғбеклар тугилсин, ибни Синолар,
Тугилсин, Нодира, Зухро, бири Зебунисо бўлсин.*

*Бўлиб иқболу омад, бахту толе ёру хизматкор,
Юзи ёруғ, сўзи ўткир ҳамиша дилрабо бўлсин.*

*Бу истаклар учун меҳнат, матонат бўлғуси раҳбар,
Амал қилган йигит қизларга эл жони фидо бўлсин.*

*Бўлиб пири бадавлат айласин тўй устига тўйлар,
Келиб табрикламоққа Чустийдек шоир оғо бўлсин.*

Чустий.

¹ "Биз бир-биримизни севамик" деган пуч иддао билан кўчада топишиб, кўчада кўпайишиб, кўчага болани ташлаб, кўчада ажрашиб кетаверилмайди. Ота-она ҳар бир ишдан албатта-албатта хабардор бўлиши, рози бўлиши, ўзи бош-қош бўлиши лозим-лобуд.

Етим оталар хасрати

Етим болаларни эшитганмиз, "етим кўзи", "етим қовурға" деган сўзларни ўқиганмиз. Аммо "етим ота" деган калимага илк бор дуч келишимиз, деб таажжубланаётгандирсиз. Мен ҳам бу ғалати атамани дастлаб ўқиганимда сиздай таажжубланганман. Ҳайратхона деб атаганимиз бу ҳаётда етим оталар ҳам топилар экан.

Аслида етим деб, инсонга нисбатан отаси ўлган, балоғатга етмаган болага айтилади. Ҳайвонга нисбатан онаси ўлган болани етим деб юритилади.

"Тирик етим" деган ибора халқ орасида юрсада, у бола шаръан етим ҳукмини олмайди.

Тирик етим – Отаси ёки онаси ёки ҳар иккови томонидан ташлаб кетилган қаровсиз бола.

Асримиз тирик етимлар кўпайган асрга айланди. Яқинда чет элда олинган бир суратни кўриб қолдим. Унда 7-8 ёшлар чамасидаги бола бир ёшдан ўтган укасини тиззасига олиб тиламчилик қилиб ўтирибди. Пул топгани чиққан кийими жулдурвоқи болақайлар чарчаб ухлаб қолган. Кийим деганим, труси майкадан иборат. Олдида кичик қути, ёнида гўдак сут эмадиган идиш. Идиш бўм-бўш. Сути йўқ.

Сурат остига кимдир изоҳ тариқасида ўз фикрини билдириб: *"Ё Раб, мен ўз ҳаётимдан нолиган пайтимда гуноҳимни мағфират эт"*, деб ёзиб қўйибди.

Яхши илова. Шикоят эмас, шукр қилиш эслатиляпти.

Мен суратга *"Бу шаҳар қалби юмшоқлардан, амалдорлардан, бойлардан мосувомми?!"* деган фикрни илова қилдим.

Кўчадан минглаб одамлар ўтса-ю наҳот бу икки норасида билан ҳеч ким қизиқиб қўймаса? Ота-онаси борми, йўқми, уйи борми, йўқми бир оғиз суриштирмаса?

Юқорига гап ташийдиган "қулоқ"лар нега гадой болалар ҳолини юқорига етказишмайди? Улар тирик етимми, ё қипқизил етимми?.. Изидан тушиб ота-онасини қидиришмайди?

Савоб излаган яхшилар нима учун бу икки гўдак олдидан индамай шахдам ўтиб кетиб, олислардан савоб излашади?

"Нега? Нима учун?" деган саволлар одамни қийнайди. Чет элга бориб у икки норасидадан хабар олишга имкон йўқ...

Энди етим отага қайтсак. Мен у ҳақда бир шеърда ўқиб қолдим, тасдиғини воқеликда кўрдим. У оталар икки қисмга бўлинади: ғирт етим, тирик етим, яъни фарзанди қаровсиз қолдирган ота. Эркак ўз кунини амаллаб кўради, аммо етим оналар қандай кун кўради?! Фарзанд хиёнатига қандай чидайдими?! Кекса кампир ёлғизлик юкини қандай кўтаради?!..

*Кексайганда хор бўлган,
Тутган уйи дор бўлган,
Чин меҳрга зор бўлган,
Етим оталар ҳам бор...*

*Аёли кўп димоғдор,
Қовоғидан ёғар қор,
Ўғил-қизда юрак тор,
Етим оталар ҳам бор...*

*Рўзгорда ёлғиз қолган,
Йўл қараб кўзи толган,
Армонли сўзи қолган,
Етим оталар ҳам бор...*

*Уйқуда ором топган,
Уйғонса, ўйга толган,
Ғурбатда гариб ётган,
Етим оталар ҳам бор...*

*Тақдирдан бевақт куйган,
Паноҳи Илоҳ бўлган,
Қарғишини гуноҳ билган,
Етим оталар ҳам бор...*

Абдулғани хожи Сулаймон.

Қарилкнинг ўзи бир ҳасрат. Кекса одамнинг ёлғиз қолиши, кексайганда "етимлик" жафосини чекиши ҳасрат устига ҳасрат, дард устига дарддур.

Қарилкдир, ёронлар

*Йигитликнинг зўри кетди белимдан,
Дард ёмони қарилкдир, ёронлар.
Иложи йўқ унинг бошқа ўлимдан,
Дард ёмони қарилкдир, ёронлар.*

*Хасталар қутулар, қари қутулмас,
Бу дардга ҳеч кимдан чора кутилмас.
Кўнгил қуши учар-кетар тугилмас,
Дард ёмони қарилкдир, ёронлар.*

*Бир таом емакка тишлари қолмас,
Сўзига, ўғил, қиз қулоқ ҳам солмас.
Узоқдан кўзласа, кўзлари кўрмас,
Дард ёмони қарилкдир, ёронлар.*

*Етмишининг уйига кирганда ёши,
Ирғалаб, бир ерда турмайди боши.
Нонни чайнай олмас, талқондир оши,
Дард ёмони қарилкдир, ёронлар.*

*Айтсанг, сўз эшитмас, қулоқ кар бўлар,
Ўлтириб турмоғи дардисар бўлар.
Суяклар зирқираб, дарбадар бўлар,
Дард ёмони қарилкдир, ёронлар.*

*Оғзига қарасанг, бир тиши бўлмас,
Тўшак, ёстиқ билан ҳеч иши бўлмас.
Ёнида қадрдон тенг-тўши бўлмас,
Дард ёмони қариликдир, ёронлар.*

*Қолган-қутган бўлса унга берарлар,
Иссиқ-илиқ бўлмас, "шуниси" дерлар.
Ҳар кимга сўзларса, "гапирма" дерлар,
Дард ёмони қариликдир, ёронлар.*

*Танда қувват қолмас, юзингда кўркинг,
Ўлтириб, турмоққа етишмас эркинг.
Ошни ичиб бўлмас, қисилар ўпканг,
Дард ёмони қариликдир, ёронлар.*

*Махтумқули айтар: қариманг бадтар,
Етмишу саксоннинг ўзи ҳам етар.
Ўзин билмас нодон тиржайиб ўтар,
Дард ёмони қариликдир, ёронлар.*

Махтумқули.



Баъзи жойларда пул топишдан қолган ота; уйга бир нарса кўтариб келишдан ожиз падари бузруквор уй ичида кераксиз ортиқча матога айланиб қолар экан. Қайсидир рисоламда бу тўғрида ёзиб, бир мисол келтирган эдим. Такрор бўлсада ўша мисолни бу ерда яна келтирмоқчиман.

Раҳматли устозимиз Собиржон домла бир куни бизникига маззалари қочиб, ранглари анча ўзгариб келдилар. Дадам раҳматли домладан ҳол-аҳвол сўрадилар. Домла ўзларидаги ўзгариш сабабини сўзлаб бердилар.

– Механик Николайни танирмидингиз?

– Ҳа, танийман. Мотороли бор устами?

– Худди ўша. Кўрмайсизми, шу одам кечаси менинг сменамда катта темир ахлат қутисига тушиб, ўзини ёқиб юборибди. Мен кечроқ билиб қолдим. Қарасам, ярми ёниб бўлибди. Ўша заҳоти "тез ёрдам"га телефон қилдим. Лекин улар келгунча жасад кулга айланиб бўлган эди. Яхшиям бир парча қоғоз ёзиб кетибди. У қоғоз бўлмаганида, менга ҳам анча қийин бўлар эди. Унда ёзилишича, Николайни уйда ҳеч ким менсимай кўйган. Хотини катта корхонада цех бошлиғи, ўғли топармон-тутармон экан. Бечора оддий ишчи. Оила ичида нима бўлган Худо билади. Хуллас, у хатда:

"Менинг ҳеч кимда даъвоим йўқ. Бу ишга онгли равишда қўл урдим. Эркак киши қариган чоғда уйда ортиқча мато бўлиб қолар экан", деган мазмунда ёзувлар бор эди.

Яқинда шу мавзуда суҳбатлашиб ўтирганимизда, суҳбатдошлардан бири рус ҳажвчи адиби Михаил Задорновнинг бир ҳангомасини айтиб берди. Кимгадир ичак узди аския бўлиб туюлган бу ҳангома аслида кишини йиғлатадиган даҳшатли фожеа эди.

Уйдаги баъзи нарсалар кўзига ортиқча кўринган Миша:

– Ойи, уйдаги итни ҳайдаб юборайлик. Бизга боқиманди бўлиб ётибди, – дейди.

- Ит инсоннинг дўсти. Уйга ўғри тушса огоҳ этади... – деб жавоб беради она.
- Ундок бўлса, сигирни уйдан чиқариб ташлайлик.
- Сигирнинг сутини ичамиз, қатик, қаймоғини оламиз.

Бола ўзи ортиқча билган ҳар бир нарсани уйдан чиқариб ташлашга чақиради. Она боланинг ҳар бир талабига рад беради. У буюм рўзғор, уй-жой учун керак эканини боласига тушунтиради. Навбат хатарли нуқтага етиб келади.

- Унда, дадамни ташқарига ташлаб келайлик, бари бир уйда ортиқча бўлиб ётибди, – дейди бола отасига ишора қилиб.
- Дадангни бўлса, майли, ташлаб кела қол, – дейди она пинагини бузмай.

*Ўзбеклар отасин дегай "қиблагоҳ",
Падаринг ранжитиб ортирма гуноҳ.
Ўғлинг ҳам ўзингдек бўлади густоҳ,¹
Шундай жазоланган азалдан гумроҳ.*

*Бошингни кўтарма отанг қошида,
Парвона бўл доим унинг бошида.
Ёнидан ажрама етмиш ёшида,
Ҳозир тур эрта-кеч чойу ошида.*

Ж.

Навбатдаги иккита аянчли қисса "етим ота-она"га мисол бўла олади.

Ёшликдаги етимлик унча билинмайди, елдек ўтиб кетади. Кексайгандаги етимлик эса ундай эмас. Куни ойдек, ойи йилдек ўтади. Соат мили юрмай қотиб қолганга ўхшайди. Тонг отиши жуда қийин, тонг отгач, куннинг ботиши ундан қийин.



¹ Густоҳ – Адабсиз, андишасиз.

Чол-кампир етмишда етим бўлмасин

*Қариган чоғда кас ёлғиз қолмасин,
Чол-кампир етмишда етим бўлмасин.
Ғаламис ганимлар аҳволин кўриб,
Етим чол устидан асло кулмасин.*

*Қайга бориб, кимга қилсин шикоят,
Анво хил етимга тўлган жамият.
Норасида шафқат топмаган ерда,
Кексаларга ким ҳам қилгай иноят?*

*Ўз боланг бошингга бало бўлмасин,
Дори деб ичганинг вабо бўлмасин.
Қувончдан сўнг қайғу пайдо бўлмасин,
Ҳаётнинг охири расво бўлмасин.*

*Сен дилбандга жонни айлайсан фидо,
Дилбандинг улғайиб қилади жафо.
Сабаб не? Бирор кун ўйладингми ҳеч,
Нима етмаяпти, нима мосуво?*

*Пулми ёки динми, ўйлаб кўрдингми?
Умрингда етимнинг ҳолин сўрдингми?
Муаззин нажотга чақирган пайтда,
Боланг билан бирга сафда турдингми?*

Ж.



Тилаб олган боламиз...

Машҳур араб адиби, фақиҳ, ҳаётини таълим-тарбияга бағишлаб, кўп йиллар ўқитувчилик қилган мураббий, умрининг қолган чорак қисмида қозилик вазифасини ўтаган Али Тонтовий (1909-1999) ҳикоя қилади:

Маҳкамада иш ўрнимда ўтирган эдим. Бир маҳал хонага ёши бир жойга бориб қолган кекса киши кириб келди. Анча қариб қолган мўйсафид мадорсизликдан оёғини базўр босарди. У оёғини судраб келиб курсига ўтирди.

– Арзимни эшитсангиз, сўнг адолатли ҳукм чиқарсангиз.

– Марҳамат, гапираверинг, кулоғим сизда.

Сўнг мўйсафид ҳаёт қиссасини бир бошдан сўзлаб берди.

Йигитлигимда иқтисодий ҳолатим ўртача эди. Эрталаб уйдан чиқиб тўғри дўконимга келаман. Дўконда оз-моз мева, жиндай кўкат, сабзавот сотаман. Кунлик фойдам кунлик рўзғорга етарди. Кун қорайгач, дўкондан у-бу нарса кўтариб уйга қайтаман. Аёлим тезда қозон осиб таом пиширади. Эр-хотин биргаллашиб овқатланамиз. Етказганига шукур қилиб, уйкуга кетамиз. Ҳеч қандай ғам-ташвишимиз йўқ. Давлатдан маош ё бирор ёрдам пули олмаймиз. Одамлардан қарзимиз йўқ. Биз бировни безовта қилмаймиз, биров бизни безовта қилмайди. Очиғи, оми инсонман, мактаб кўрмаганман. Лекин беш маҳал намозимни қандай ўқишни, ўзимга юклатилган фарз амалларни биламан. Пул санашни биламан. Шу тарзда ҳалол-пок умр кечирдим. Бировни алдамаганман, ўғрилиқ қилмаганман, оз бўлса ҳам ҳалол бўлсин, деб ҳаромга яқин йўламаганман. Ҳаётдан мамнун эдим, илло бир нарса мени кўп қийнади. Ҳамма нарса етарли, лекин фарзанд йўқ эди.

Қўлдан келган чора-тадбирларни қўлладик. Сўнг ишимизни Аллоҳга топширдик.

Шу йўсин кунлар, ойлар ўтди. Ва ниҳоя уйимизда қувонч аломатлари пайдо бўлди. Аёлим ҳомиладор бўлди. Мен уни

шу кундан бошлаб бошимда кўтариб юрдим. Ҳурматга лойиқ сабрли бу аёлни янада ҳурмати оширдим, эркалатдим. Эрхотин кун санай бошладик. Сўнг соат, дақиқа санашга ўтдик. Ой-куни яқинлашганда туни билан мижжа қоқмадим. Тонгга яқин тўлғоқ тутди. Ум Абдун Нофеъ номли доя: "Суюнчи, Абу Иброҳим, ўғил!" деб қолди. Мажидий бир риёлдан¹ бошқа пулим йўқ эди. Бир риёлни дояга бердим.

Болани дунёга келган соатдан эркалата бошладик.² Унинг атрофида гирдикапалак бўлдик. У кулса, куламиниз, йиғласа, йиғлаймиз. Сал тоби қочса, ичимизни қоронғулик қоплайди. Асал ҳаётимизга заҳар тўкилади.

Боланинг бўйини ўлчаб эсимиз кетади. Бир оз ўсса, бу биз учун байрам. Тили чиққан куни қувончдан ўзимизни йўқотиб қўйганмиз. Тили чиққан бола нима талаб қилса, шуни дарҳол муҳайё қилдик.

Бола мадраса ёшига етди.

– Ўғлимиз катта бўлиб қолди. Уйда олиб ўтириш дуруст эмас, – деди онаси.

– Ўзим билан дўконга олиб кетаман. Ўша ерда ҳам ўйнайди, ҳам отасининг ҳунарини ўрганади.

– Кўкатфуруш бўладими?!

– Нима, отасининг касби ёмонми?.

– Йўқ. Бола кўкатфуруш бўлмайди. Уни мадрасага киргизамиз. Қўшнимиз Самуҳийбекнинг ўғли Исмат каби мадрасада ўқишини истайман. Ўқиб амалдор бўлишини хоҳлайман.

Хотиним билан шунча яшаб, бунчалик ўжарлигини билмаган эканман. У десамам, бу десамам кўнмади. Гап тамом, вассалом, дегандек икки оёғини бир этикка тикволди. "Аяси..." деб тушунтирмоқчи эдим, ўжар хотин оғиз очтирмади.

¹ريال مجيدي Риёл Мажидий (Мажидий риёл) – Қадимий пул бирлиги. Усмонли халифалардан султон Абдулмажидга нисбат берилади. Саудий риёл чиққунга қадар мазкур риёл муомалада бўлган.

²"Туғилган соатдан эркалатдик" дейилган нозик нуқтани эътибордан қочирманг. Бу "тарбия қаерда бузилган экан?" деган саволга жавоб топишда ёрдам беради.

Ноилож рози бўлдим. Болани мадрасага топширдик. Қориннинг насибасидан қирқиб, китоб, дафтар олдик. Бола аъло баҳога ўқий бошлади. Синфида биринчилардан экан. Ўқувчилар назарига тушди, меҳр-муҳаббатини қозонди.

Имтиҳонлардан аъло баҳо билан ўтди. "Ибтидоий" (бошланғич) таълим шаҳодатини олди.

– Онаси, боланинг саводи чиқди, ўзига керакли билимни олди. Шу етар. Уни мадрасадан чиқариб, дўконга олиб борай. Савдо-сотикни ўргансин.

– Вой шўрим, боламнинг келажагини барбод қиламанми? Йўқ, бола "санавийя"га (ўрта таълим марҳаласи) кириб ўқишни давом эттиради.

– "Келажак", "санавийя" деган сўзларни сенга ким ўргатди. Ота-бобосининг касбидан ҳазар қиладимми?

– Қўшнимиз Ум Исматнинг фарзанд келажагига, унинг ўқишига бўлган эҳтимомига қарамайсизми?

– Эй хотин, улар киму биз ким? Биз ахир ўрта ҳол одам бўлсак.

Хотиним гапини ўтказди. Бола "санавийя"да таҳсил олди. Бакалавриятни ҳам тугатди. Бу орада мен тортган моддий қийинчилик ҳақида гапирмаса ҳам бўлаверади. Ўзимиз қийналсак ҳам болага билдирмадик, болани қийнамадик.

– Яна бирон нарса қолдимми? – дедим кесатиб.

– Ҳа, дадажон.

– Яна нима?

– Оврупога бориб ўқимоқчиман.

– Оврупо?! Оврупонг нимаси?

– Парижга бормоқчиман. Магистратура ва докторантурани Парижда давом эттираман.

– Кофирлар диёрида-я?!

– Ҳа, ўқиш учун ўша ерга бормоқчиман.

– Аузу биллаҳ, умуман у томонларга бормайсан.

Она-бола бир томон бўлди, мен бир томон. Бу гал мен бўш келмадим. "Бормайсан!" деб туриб олдим.

Хотин тушмагур тиллаворларини сотиб, ўғлини жўнатиш тадоригига тушди. Бола менинг розилигимсиз Парижга учиб кетди. Дилим оғриди. Тўнимни тескари кийиб, ўғлим билан алоқани уздим. Хатларига жавоб жўнатмадим. Тилаб олган ўғлимиз экан, бу фироқ узоққа чўзилмади. Яна у билан хат орқали алоқа қила бошладим. У доим хатида пул талаб қилар эди. Мен эплаб-сеплаб сўраганини жўнатар эдим. "Йигирма лийра жўнатинг, ўттиз лийра жўнатинг", ўғил мактубининг мазмуни шундан иборат. Мен аёлим билан қаттиқ нон еб кун кўрдик, лекин унинг сўраганини топиб жўнатдик.

Ёзги таътилда унинг ўртоқлари юртга қайтиб, уч ойни ота-она бағрида ўтказишарди. У эса келмайди. "Нега келмайсан?" десам, "дарсим кўп" деб баҳона қилар эди.

20, 30 лийрага қоникмаган бола 100 лийра талаб қилишга ўтди. 100 ни ҳам амаллаб топдим. Кейин 300 лийра сўради.

Тақсир, ўзингиз ўйлаб кўринг, 300 лийра мендек кўкатфуруш учун жуда катта пул. Дўконим, дастмоям ҳаммаси бўлиб 300 лийра чиқмайди. Кунлик даромадим бир лийрадан оз.

"Ўғлим, ўртоқларингизга тенглашаман деманг. Улар бойбадавлат одамларнинг фарзанди. Биз ўзингиз билгандай ўрта ҳол, балки ундан қуйироқ одамлар бўлсак", деб хат жўнатсам, "пул жуда зарур, тезда жўнатинглар!" деб телеграмма жўнатибди. Тақсир, мен умримда телеграмма қабул қилмаганман. Почтачи телеграммани менга топширгандан кейин бош бармоғимни сиёҳга ботириб, оқ қағозга бостирди. Нега ундай қилди деб юрагим ёрилиб кетди. Почтачи қурғур бир кулиб кўйди.

Тонггача кўзимга уйқу келмади. Эрталаб телеграммани кўшнига ўқитдим. "Ўғлингизга тезда пул жўнатмасангиз бўлмайди. Менимча, у оғир аҳволда қолган", деди.

Ҳовлини ярим баҳосига сотдим. Тақсир, эшитяпсизми?

– Ҳа, ҳа, сизни диққат билан эшитяпман.

Болам учун ҳовлини 200 лийрага сотдим. Шу уйдан бошқа ҳеч қандай мол-дунёга эга эмас эдим. Шу бойлик ҳам ўғил

талаби йўлида сотилди. Қолган пулни бир яҳудий судхўрдан қарзга олдим. Ҳар бир лийрага ойига 9 қуруш тўлайдиган бўлдим. Йилнинг охирида бу пул 208 га айланди.

Ана-мана деб бир йил ўтиб кетди. Мен қарзни тўлолмадим. Яҳудийга банкротга учраганимни айтдим.

Боладан эса умуман хабар йўқ. Узоқнинг иши қийин экан. Уч йил хат жўнатдик. Биттасига ҳам жавоб келмади. Уйдан чиқиб кетганига етти йил бўлди. Онаси иккимиз унинг дийдорига муштоқмиз. Уй-жой қўлдан кетган, боладан дарак йўқ. Жуда оғир аҳволда қолдик. Шу кунларда яҳудий қарзни яна талаб қилиб келди. Мен қарзни узишдан умуман ожизлигимни айтдим. Иш маҳкамага кўтарилди. Маҳкама яҳудий даъвосини кўриб чиқиб, мени айбдор деб билди ва қамоққа ҳукм этди. Қариган чоғимда қамоққа тушдим.

Бечора кампирим ўзи ёлғиз қолди. Кимнингдир кирини ювиб, кимнингдир уйини тозалаб кун кўрибди. Қариган пайтда хорлик косасининг қуйқумини ичишга мажбур бўлди.

Қамоқдан чиққанимдан кейин эски кўшнилардан бири:

– Ўғлингизни кўрдингизми? – деб қолди.

– Ўғлим?! Келдими? Худо хайрингизни берсин, бу мен учун қўшалок қувонч-ку.

– Ўзингизни гўлликка солманг. Ё ҳақиқатда билмайсизми?

– Билсам, сиздан сўраб ўтирармидим.

– Ўғлингиз жа катта амалдор бўлиб кетган. Бой маҳаллада данғиллама уй қурган.

Ўғилни адресини олиб, чол-кампир етаклашиб унинг уйига йўл олдик. Дунёдаги ягона орзуйимиз тилаб олган якка-ю ягона ўғлимизни кўриш эди. Қучоғимга бир боссам, дунёдан беармон ўтардим. Орзу ушаладиган он яқинлашган сари юрак уриши ҳам тезлаб кетди. Оёқ чополмайди-ю юрак чопиб кетяпти. Кўтаринки шу руҳда унинг уйини топиб бордик.

Кўшни айтгандек, жуда данғиллама уй экан. Эшикни қоқдик. Эшикни ходима очди. Бизни бу аҳволда кўриб жиркангандек бурнини жийирди.

- Хўш, хизмат.
- Иброҳимни кўрмоқчи эдик.
- Бек жаноблари бегоналарни уйда қабул қилмайдилар.

Девонга боринглар, – деди.

– Биз бегона эмасмиз.

– Сизларга нима дедим. Девонга боринглар.

– Ҳе беадаб, биз бегона эмас. Мен отаси, манави оқ сут берган онаси бўлади, – деб жаҳлда овозимни кўтардим.

Эшик остидаги шовқинни эшитиб ўғлим чиқиб келди.

– Тинчликми, нима гап? – деди. Орқасидан дарҳол келишган франциялик қаллиғи эргашиб келди. Ўғлим Парижда уйланган экан.

Онаси шўрлик ўғлини кўриб ўзини тутолмади. Ҳўнг-ҳўнг йиғлашга тушди. Менинг ҳам ўпкам тўлиб кетди. Болагинам, деб талпиндик. Лекин изн бўлмагани учун ичкарига киролмадик. Одоб сақлаб остонада кутиб туравердик. Онаси чидолмади. Изни кутмай боласига ўзини отди. Бола эса бурнини жийриб ўзини орқага олди. Рафиқаси бир нима деб сўради. Ўғлим ҳам француз тилида бир калима айтди. Атиги бир калима бўлгани учун ёдлаб олдим. Маъносини суриштириб билсам, "жиннилар" дегани экан. Эр-хотин шипиллаб ичкарига кириб кетди. Ходима аввалгидан кўпол муомалада бизни хайдаб юборди.

Ҳа, тақсир, ўғлимиз остонасидан қувғин едик. Шу гапга ишонган бўлсангиз, кейингисига ишонишингиз қийин. Мен ўғлимнинг уйига кўп бор келдим. Ҳа деб бораверишим унинг жонига тегди. Бир куни:

– Сен мендан нима истайсан ўзи? Пулми? Ёки нима? Пул керак бўлса, мен сенга ойлик маош тайинлайман. Лекин "ўғлим" дема. Бировларга "мен фалончи амалдорнинг отаси-ман" деб оғиз оча кўрма. Оқибати ёмон бўлади.¹

¹ Аслида бундан кўполроқ сўз айтган эди, лекин мен ўзбекчиликни риоя қилиб энгилроқ таржима қилдим. Совет зулмини кўрган ўзбеклар бунчалик юзсизликни кўрмаган. У гапни кўтара олмайди. Шунинг учун энгил таржима қилинди.

Мана шунақа гаплар, тақсир. Мен унинг маошини олмадим. Рост, тиланчиликни афзал кўрдим. Онаси эса ҳамон бировларнинг кирини ювиб, уйини супуриб юрибди.

Шу кунларда кўчага чиқиб тиланчилик қилгани ҳам мадорим қолмади. Кампир ҳам кучдан қолган. Нима қилишни билмай тўғри сизнинг ҳузурингизга келдим.

– Менга унинг тўлиқ исмини, қаерда ишлашини айтиб беринг.

– Айтолмайман. Менга қаттиқ таҳдид қилган.

– Айтишингиз шарт. Шикоятни кўриб чиқишимиз учун унинг тўлиқ исмини билишимиз лозим.

– Ундай бўлса, мен Аллоҳга шикоят қиламан. Унинг Ўзи ҳақли жазони бергувчи, – деб чиқиб кетиб, қайтиб келмади.

Али Тонтовий.

Аянчли қисса Иброҳим ибн Абдуллоҳ ал-Ҳазимийнинг *عاقبة عقوق الوالدين* "Ота-онага оқ бўлишнинг ёмон оқибати" номли китобидан олинди. Муаллиф бу қиссани Али Тонтовийнинг *قصص من الحياة* "Ҳаётингиз қиссалар" китобидан нақл қилган.

Қиссани ўқиб бўлиб ўйга толдим. Ҳақиқатда *"Ўғилсиз ҳам йиғлар экан, ўғилли ҳам йиғлар экан"*.

Бу фожиа олдида Саид фожиаси ҳолва бўлиб қолди.

Француздан уйланган арабдан кўра ўрис хотинга илашган тожик йигит юз чандон афзал экан.

Бу – жоҳил, униси – зиёли: қанақадир фанлар доктори.

Бу – ажам, униси – араб. Қуръон ва ҳадисни бемалол тушунадиган киши. Лекин улар ўртасидаги фарқ еру осмонча.

Шунга кўра, Саиднинг бошидан сув ўгириб ичса арзийди.

Саид охир оқибат айбини тан олди. Онасидан узр сўради.

Иброҳимбек эса уни шу юқори даражага кўтарилишида асосий сабабчини: ота-онасини инкор этди. Илмий даража,

дунёвий мансаб нима, балки унинг вужудга келишига сабаб бўлмиш зотларни бутунлай инкор қилиб, остонадан ҳайдади.

Арабларнинг яхшиси жуда яхши бўлгани каби ёмони ҳам ўта ёмон бўлар экан.

Араб олимларининг эътирофича, "арабларни дин тартибга солиб турибди. Диндан узоқлашса, дунёда улардан фосикроқ одам бўлмайди".

Аллоҳ таоло дейди:

﴿الْأَعْرَابُ أَشَدُّ كُفْرًا وَنِفَاقًا وَأَجْدَرُ أَلَّا يَعْلَمُوا حُدُودَ مَا أَنْزَلَ اللَّهُ عَلَىٰ رَسُولِهِ ۗ وَاللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٌ﴾

﴿Аъроблар куфр ва нифоқда (бошқаларга нисбатан)¹ қаттиқроқдирлар. Ва Аллоҳ Ўз Росулига нозил этмиш ҳудудни — шаръий аҳкомларни билмасликка лойиқлар. Аллоҳ билувчи, Ҳаким зотдир.﴾²

Тавба 97-оят.

Росуллоҳга ﷺ озор берган, ўз уйларидан кувиб чиқарган, у зотга қарши қилич кўтарган ҳам ўша арабларнинг динсизи эди. Динга биринчи тўғаноқ ўша жоҳил араблар бўлган.

Энди дин бор-ку, дерсиз.

Тўғри дин бор, лекин ундан ҳамма бирдек фойдаланмаяптида. Арабларнинг айрим ёшлари Ғарбга меҳр қўйган. АҚШ, Англия, Франция, деса ўзини томдан ташлайди. Туппа-тузик бола, ўзингиз Иброҳим мисолида кўрганигиздек, ўша ерларга ўқишга бориб бузилиб келяпти.

"Ота-онага оқ бўлишнинг ёмон оқибати" китобида бундан баттар ҳодисалар келтирилган. Ўқиб тепа соч тикка бўлади.

Шулардан бирида айтилишича, бир қишлоқда муҳсинлар³ ҳар икки ҳайитдан бир кун олдин катта хўкиз сўйиб элга тар-

¹ Ибн Ошур тафсирига қаранг.

² Бу оят юқоридаги сўзга далил сифатида эмас, балки инсонлар ҳар нарсада тафовут қилганлари каби "куфр ва жаҳолатдан ҳам тафовут қиладилар" деган тушунчага шоҳид ўлароқ келтирилди.

³ Хайри эҳсон қиладиган қўли очиқ кишиларни араблар "муҳсин" деб атайди.

қатар экан. Бир куни шу қишлоқдан нотаниш киши ўтади. У гўшт тарқатаётган йигитни таниб:

– Ийе, фалончи, бормисиз? Қаёқларда юрибсиз? – дейди.

– Ҳа, ака, саломатмисиз?

– Онангиз сизни кутавериб кўзи тўрт бўлди-ку. Қишлоқда бировларнинг уйида хизматкорлик қилиб кун кўряпти. Сиз бу ерда гўшт тарқатяпсиз.

– Ака, ҳозир менинг ишим юриб қолган. Шу ердаги катта бойнинг куёвиман. Бу ерда ҳеч ким менинг қаерданлигимни билмайди. Мен қишлоғим билан бутунлай алоқани узганман. Илтимос, кимлигимни сир тутинг. Обрўга футур етади.

Киши ёқасини ушлаб, қишлоқдан чиқиб кетди.

Шаҳватга қул бўлишдан кўра мансаб, обрў, мол-дунёга қул бўлиш ёмонроқ. Шаҳватпараст билан мансабпарастнинг ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Иккинчисининг зарари жамиятга каттароқ. Уни ҳамма воқеда кўриб билиб турибди.

15-20 йилдан бери Ўрта Осиё халқлари ҳам араб диёрлари билан алоқа ўрнатган. Ўқишга, ишга ўзбек, тожик, қозоқ, қирғизлар келмоқда. 22 давлатга бўлинган араб давлатларининг айримиди миллатдошларимиз яшашмоқда. Касалхонада врачлик қилаётган докторлар бор, оламий меҳмонхонларда ишлаётган ходимлар бор. Оддий ишчилар, талабалар, ошпазлар бор. Шунингдек, бу мамлакатлар билан савдо-сотик алоқаси тикланган. Ўртада олди-берди, кирди-чиқди бўлиб турибди. Қиссадан ҳисса чиқариб айтмоқчи бўлган гапим шуки:

Араб диёрларига келган биродарлар ва диндан узоқ юрتلарда муқим яшаётган миллатдошлар!

Жаннатга олиб кирадиган ягона паспорт Иймон-Исломдир.

Тирикчилик илинжида ё бошқа мақсадда четга чиқиб шу паспортдан айрилиб қолманг. Яхши одамлар билан танишинг, ёмонлардан узоқлашинг. Аҳли аёлингизни ёмонга илашишидан асранг. Мусулмонлар бирлигига раҳна солган сиёсий ва диний фирқаларнинг нақадар зарар эканини англаб етинг.

Афсуски, турли диний янги фиркалар араб миллатига мансуб кишилар томонидан таъсис этилган. Улар яхшиликни кўзлаб ёмонликка тушиб қолишди, фойда бераман деб зиён келтиришди. Имом Шофиъий رحمه الله байтда айтганларидек:

رام نفعاً فضر من غير قصد ومن البر ما يكون عقوقاً

*"Нафни истаб билмай етказди зарар,
Гоҳо эзгу иш ҳам ёмонлик бўлар".
Қош қўяман деб кўз чиқарган каби
Тузатаман дебон бузди, баччагар.*

Ж.

Асримизда пайдо бўлган фирқа асосчиларидан бири яқинда ўз хатосини тан олди, ёшларни Аллоҳдан қўрқишга чақирди. Бу йўналишдаги ёшлар ғулув кетганини эътироф этди. Тузатаман деб бузиб қўйганини охири англади. Беозор ювош болаларни бетга чопар, шапшак қилиб қўйганини билди.

Кекса муассис ҳаққа қайтгани билан унинг шогирдлари, сафдош, издошлари ҳаққа қайтармикин? Ундан таъсирланиб, кўп кўнгилсизликка сабаб бўлган, одамлар орасида талотумларни келтириб чиқарган, гап англамас ўжар ёшларчи?

Китобида *كَنْزُ الْمَرْوَةِ فِي الصَّدَاقَةِ وَالْأُخُوَّةِ* ёзилишича, ким қаерга борса, ўзига ўхшаган одамлар билан топишиб кетар экан. Яхши яхшилар билан топишади, ёмон ўзига ўхшаган ёмон билан.

Китоб муаллифи ҳикоя қилади. Муҳожирлардан бири:

– Фалончи фосиқми? – дебди.

– Келганингизга бир ҳафта бўлди. Унинг фосиқлигини қаёқдан била қолдингиз?

– Биз билан келган фосиқлар бу шаҳардаги фосиқлар билан топишди. Фозиллар фозиллар билан топишди.

كابتور بو كابتور، زوڧ بو زوڧ – *أشكالها تقع الطيور على* Кабутар бо кабутар, зоғ бо зоғ – ўхшат-

магунча учратмас, деб бекорга айтилмаган.

Писмиқ муҳожиратда ҳам писмиқлигича қолади, ёввойи қаерда бўлса ёввойилигини ташламайди. Безори, ғаламис, илвирс чет элга келиши билан тузалиб қолмайди. Ҳар ким ўз ҳамтовоғини топиб, у билан улфатчилик қилади. Булбул ҳеч қачон зоғлар тўдасига қўшилмайди, зоғ бургутларга қўшилмайди. Муҳожиратдаги донолар бунинг тасдиқни ҳаётда ўз кўзлари билан кўрган бўлишса, ажаб эмас. Киши ўз ҳамтовоғларига боқиб, ўзининг кимлигини билиб олиши мумкин.

Шу муносабат билан жаноби Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ворид бўлган "**Қишлоқ (шаҳарга) кириш**" дуосини ёдлаб олишингизни ва сафарда ўқиб юришингизни тавсия қиламан. Зеро мусофирчиликда илк қадам Аллоҳга муножот билан тўғри ташланса, Аллоҳнинг Ўзи сизга яхшиларни рўбарў қилиб, ёмонлардан узоқлаштириб қўяди.

... أَنْ صُهِيبًا حَدَّثَهُ، أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، لَمَّا يَرَقَرِيَّةَ يُرِيدُ دُخُولَهَا، إِذَا قَالَ حِينَ يَرَاهَا: "اللَّهُمَّ رَبَّ السَّمَاوَاتِ السَّبْعِ وَمَا أُظِلَّنَّ، وَرَبَّ الْأَرْضِينَ السَّبْعِ وَمَا أَقْلُنَّ، وَرَبَّ الشَّيَاطِينِ وَمَا أُضِلَّنَّ، وَرَبَّ الرِّيَاحِ وَمَا ذَرِينِ، أَسْأَلُكَ خَيْرَ هَذِهِ الْقَرْيَةِ، وَخَيْرَ أَهْلِهَا، وَخَيْرَ مَا فِيهَا وَأَعُوذُ بِكَ مِنْ شَرِّهَا، وَشَرِّ أَهْلِهَا وَشَرِّ مَا فِيهَا".

Сухайб сўзлайди: "*Росулulloҳ ﷺ бирор қишлоққа киришни ирода этсалар, қишлоқни кўрган ҳамоно "Аллоҳумма, роббас-самаватис сабъ ва ма азлална, ва роббул арозийнас сабъ ва ма ақлална, ва роббаиш шаятийни ва ма азлална,¹ ва раббар рияҳи ва ма зарайна,² асъялука³ хойра ҳазиҳи-лқория ва хойра аҳлаҳа, ва хойра ма фийҳа. Ва аузу бика мин шарриҳа ва шарри аҳлиҳа ва шарри ма фийҳа", деб дуо қилар эдилар.*

Ё Аллоҳ, етти қат осмон ва улар соя солган мавжудот Парвардигори, етта қат ер ва улар кўтарган махлуқот Пар-

¹ Остида чизиғи бор "з" ҳарфларини "д"га мойилроқ талаффуз этинг.

² Бу "з"ни тилнинг учини бироз тишлаб талаффуз этилади.

³ Жам сийғаси билан келган ривоятда шу ўринда "فإنا نسألك" "Инна насъалука – Албатта биз Сендан сўраймиз", дейилган. Жам сийғасида ўқисангиз ҳам бўлади.

вардигори, шайтонлар ҳамда улар адаштирган одамзод Парвардигори, шамоллар ва улар учирган нарсалар Парвардигори, мен Сендан ушбу қишлоқ (шаҳар)даги яхшиликни сўрайман, бу ер аҳлининг яхшисига рўбару қилишингни ва унинг ичидаги яхшиликни сўрайман.

Бу қишлоқнинг ёмонидан, ундаги ёмон кишилардан ва унинг ичидаги ёмонликлардан паноҳ тилайман.

Бу Ҳоким ривояти. Шоший Муснадида айна ҳадис қуйидаги қўшимча билан келган.

وقال كعب إنها كانت دعوة داود عليه السلام حين يرى العدو Каъб илова қилиб дейди:

"Бу Довуд алайҳиссаломнинг душманни кўрганда ўқийдиган дуоси эди".



Қадр билмас қариндошдан қадр қилган ёт яхши

Бу ҳодисани *مجلة الأسرة* "Ал-Усра – Оила" журнали нашр этган.

Фароғатли ҳаёт кечирган аёллардан бири ҳикоя қилади:

Турмуш ўртоғим билан яхши ҳаёт кечирамиз. Бир ўғил, бир қизимиз бор. Ўғлимиз ўн икки ёшда, қизимиз ўнга кирди.

Онам ажойиб аёллар. Фарзандларини, набираларини ҳеч кимдан кам бўлишини, нимадир етишмай ўқиб қолишини истамайдилар. Ўзлари "Аёллар бозори"да кичик дўконда ишлайдилар. Эрталаб уйдан чиқиб кетиб, пешинда қайтадилар. Асрдан сўнг яна ишга отланиб, хуфтондан кейин кириб келадилар. Тушда келиб на келиндан ва на ўғилдан тушлик талаб қиладилар. Кечаси ҳам худди шундай. Акам билан кеннойимга ҳеч оғирликлари тушмайди. Уларга нисбатан сўзлари доим: "мана буни ол, мана буни кий, бу пулга хотинингга янги чиққан материалдан олиб бер, бу пулга болаларингга бирор нарса харид қил"дан нарига ўтмайди. Бизга нисбатан муомалари ҳам худди шундай.

Бир куни таксида ишдан қайтаётганларида машина ҳалокатга учрайди. Онам ўтирган такси ўта тез келаётган машина билан тўқнашади. Натижада онам мияси чайқалиб лат ейди, бир томони умуман ишламай қолади.

Бир томонлама фалажга учраган онам ёрдамчига муҳтож эди. Ейиш, ичиш, кийим алмаштириш ва ҳатто таҳоратхонага ҳам кимнингдир кўмагида кирарди. Келинойим бошида қаранган бўлди. Уч-тўрт кунда зерикди.

– Синглингизни ҳам оингиз тукқанлар. У киши ҳам қиз бўлиб оналарига қарасин-да. Пакет-пакет нарсаларни ойиз эрка қизларига таширдилар-ку, – дебди.

Хотинининг феълини билган акам ўша куниёқ ойимни бизникига олиб келди. Суюниб кетдим. Ёш болага қарагандек онамга қарай бошладим. Эрталабдан кечгача онам ёнидан жилмайман. Эримга аввалгидек эътибор бермай қўйганимни

кейин хис этдим. Онам билан бўлиб эримнинг ҳаққини тўлик адо этолмадим. Эрим бошида ҳеч нима демади. Сабр қилди. Кейин чидолмади.

– Қачонгача бунақа яшаймиз?!

– Соғайиб, оёққа турсалар акам олиб кетади. Унгача дадаси, бир оз сабр қилайлик...

Эрим бошқа гап айтмади.

Кунлар ўтди. Эримнинг сабр косаси тўлди шекилли, бир кун менга:

– Ё онангни де, ё мени де, – деб қолди.

– Дадаси, – деб сўз бошлаган эдим гапим оғзимда қолди.

– Гапни чўзма! Ё онам де, ё эрим.

Менинг ҳам ўжарлигим тутди.

– Албатта онамни дейманда. Ногирон онамни шу аҳволда қаёққа олиб бораман, кимга ташлайман?!

Иккита боласи бор қалтис қарор қабул қилмаса керак деб ўйлаган эдим. Йўқ, у жиддий ранжиган экан. Сўзимни тугатмай туриб талоғимни берди.

Ўша куни уйдан чиқиб кетдик.

Бор тилла тақинчоғимни, қимматбаҳо буюмларни сотиб, ижарага кичик уй олдим. Мўъжазгина уйда мен, онам, икки фарзандим яшай бошладик. "Ўтиб еганга тоғ чидамас" экан. Қўлдаги пулнинг ярмини ижара еди, қолган ярмини ўзимиз еб тугатдик. Бир пастда ижара тўлайдиган вақт ҳам етиб келди. Кейинроқ тўлашга ваъда бериб, яна бир оз яшадик. Ижарачи айтилган кун етиб келиб пул талаб қилди. "Ҳозир ёнимизда пул йўқ, кейинроқ тўласак майлими?" дедим. Бу гал кўнмади. Сабр косаси тўлган киши бизни уйдан ҳайдаб солди.

Қаёққа боришга бошим қотиб қолди. Ўйлаб-ўйлаб акамникига бордим. Эшикни келинойим очди.

– Акангиз уйда йўқ.

– Қачон келадилар?

– Билмайман. Келса ҳам ҳеч ким билан учрашмайди. Ҳозир иши бошидан ошиб-тошиб ётибди.

Акам талоқ бўлганимни билади. Ижарага яшашимиз, менинг ҳеч қаерда ишламаслигим унга маълум Лекин бирон маротаба келиб ҳол сўрамади. Шунинг учун ҳолатни тушуниб изимга қайтдим.

Кўчадан бошқа борадиган жойимиз қолмади. Бир катта дарахтни топиб, унинг остига ўрнашдик. Егулигимиз икки-уч кунда тугади.

(Аёл кўзида ёш қалқийди).

Кўчада ўтиришимизни кўриб одамлар бизни тиламчи деб ўйлади. Кимдир пул, кимдир нон ташлаб ўтди. Кимдир ачи-ниб қараса, кимдир нафрат билан қараб кетди.

(Томчилаб оқаётган ёш селга айланди).

Бир куни нурли бир киши шу йўлдан машинасида ўтиб қолди. Машинани тўхтатиб, бизга яхшигина маблағ берди. Бу маблағни олган одам кўчада қайта тиланчилик қилмаслиги керак.

Эртаси куни айни шу киши яна ёнимиздан ўтди.

– Нега кўчада ўтирибсизлар? Уйларингга бормайсизми?

– Уйимиз йўқ.

– Уйимиз йўқ?

– Ҳа, яқиндан бери шу дарахтнинг тагида яшаймиз.

– Қариндош-уруғлар йўқми?

– Энг яқинимиз, ўз акам тукқан онасидан хабар олмайдию бошқалардан нимани кутамиз, – деб бор гапни сўзлаб бердим.

Киши ўзини тутолмади. Кўзини маҳкам юмишига қармай ёшлар киприк орасидан сизиб чикди.

– Болаларингизни олинг, юкларни машинага юкланг. Она-хонни машинага ўтирғизинг.

– Қаёққа?

– Бу ердан яхшироқ жойга.

Кишига ташаккур билдириб, онамни, болаларни машинага ўтказдим. Юкларни орқага ортдим.

Киши бизни шинам уйга олиб келди. Эшикни очди. Бу эшик билан бирга биз учун саодат эшиги очилган эди.

– Бугундан бошлаб бу уй сизларники. Ҳеч ким сизлардан уни тортиб олмайди. Ижара ҳам талаб қилмайди. Бу сизларнинг шахсий уйингиз, – деди дона-дона қилиб.

– Ташаккур... – яна бир нималар деб ташаккур билдирмоқчи эдим, лекин тўсатдан келган инъом олдида тилим сўздан ожиз қолди.

– Бир оздан сўнг уйга, рўзғорга керакли асбоб-анжомларни келтираман.

Киши эшикни аста ёпиб чиқиб кетди.

Бу шинамгина мўъжаз уй мен учун худди қасрдек туюлди. Ҳа, ҳа, қасрнинг ўзи. Уй бизни қуёш иссиғидан, одамларнинг заҳарханда нигоҳидан қутқарган эди.

Бир оздан сўнг киши ваъда берган нарсаларини олиб келди. Кейинги кун яна бир дунё нарсани кўтариб, рафиқаси билан бирга меҳмон бўлиб кетишди. Сумкаларда мева-чева, сабзавот, ширинликлар, кийим-кечак ва ўйинчоқлар бор эди.

Хотини ҳар икки-уч ҳафтада биздан хабар олиб турди. Ҳар келганда пул ташлаб кетади. Ўғил-қизимни мадрасага жойлаштирдик.

Шу тарзда тўрт йил яшадик. Онамга беминнат хизмат қилдим. Тўртинчи йил меҳрибоним омонатни топширдилар.

Акамга одам жўнатиб, уйга чақирдим. Дарвоқе, тўрт йил орасида на турмуш ўртоғим ва на акам биздан хабар олди.

– Ака, хотинларнинг тобут кўтариб қабристонга бориши жоиз бўлганида, сизни безовта қилмас эдим. Энди ўғил бўлиб эркаклар бажарадиган ишни бажаринг.

– Ҳа, ҳа, тўғри айтасан, – деди довдираб.

Акам на кўз ёш тўкди, на юзи шувут бўлди.

Менга тинмай яхшилик қилаётган эр-хотинга шунча йилдан бери кўрсатган яхшиликлари ва иззат-икромлари учун миннатдорчилик билдирдим ва: "энди ишга жойлашсам. Илгари онамга қарар эдим. У киши ўтдилар. Ўз кунимни ўзим кўрсам", дедим. Улар менга муносиб иш топиб беришди.

Онам дуоסי боис саодат менга яна иқбол қилган эди.

Саодат таъмини татиб, икки болам билан ширин ҳаёт кечириб юрган кунларимизнинг бирида эшик тақиллаб қолди. Эшикни очдим. Не кўз билан кўрайки, остонада акам турарди. Унинг аҳволига қараб бўлмасди. У биздан кечирим сўради. Қилмишига пушаймон бўлди. "Тинчликми?" деб сўраганимда, бўлиб ўтган ишларни ҳаммасини бирма-бир айтиб берди. Аввалига акамнинг иши юришиб, омад кетидан омад, фойда ортидан фойда кўраверган. Бир куни дўконига, омборига ўт кетган. Бор будидан айрилган акам уйни сотиб ўзини тикламоқчи бўлади. Бу ҳам фойда бермайди. Аввал омад кетидан омад келган бўлса, кейин офат кетидан офат, зиён ортидан зиён ёпирилиб келаверган. Келинойим уйдаги нарсаларни олиб уйига кетиб қолибди. Акамни ночор аҳволда қолганини билгач, талоқ талаб қилибди. Шундай қилиб акам мол-дунёдан, хотиндан, уйдан айрилиб, кўчада қолибди.

Агар ҳозир онам ҳаёт бўлганида, акамни бу аҳволда кўриб юраклари эзилар эди, уни дарҳол уйга олиб кирардилар. Қора ўтмишни унутиб, ўғилларига аввалгидек меҳр-муҳаббатда муомала қилган бўлур эдилар. Бунини мен она сифатида айтяпман. Зеро Она камситилса ҳам, ўз уйдан ҳайдалса ҳам, У бари бир Онадир.



Ким айбдор?

"Бу оиланинг кўчада қолишида айбдор ким?" деган савол ўринли савол, лекин бу саволни муҳокама учун ўртага ташласак, баҳс-мунозара чўзилиб кетишидан чўчийман.

Аксарият эркаклар йигитни айблашади. Қўйиб берсангиз, унинг гирибонидан хиппа бўғиб, ишни кўпайтиришади.

Йигитни айблашлари тўғри, лекин дарров ёқага ёпишиш ақлан ва шаръан дуруст эмас. Бу муаммони ҳал қилмайди.

Аёлларнинг кўпи келинни энг асосий айбдор деб билишади. "Ёт бари бир ётлигини қилади. Бегона минг қилса ҳам – бегона", деб ёмон келинга мисолларни тахлаб ташлашади.

Баъзилар йигитнинг синглисига осилиши мумкин. "Эрига қараши керак эди. Эрнинг хотин зиммасида ҳаққи бор. Хотин эр ҳаққини адо қилганида, эр бу даражага етиб бормасди. Ҳеч ким кўчада қолмас эди", дейишади.

"Куёвнинг "ёв"и бор. Бир кун келиб ёвлигини қилади", деб аллакимлар куёвни мужримга чиқаради.

"Ҳамма айб онанинг ўзида. Бошида келинни маҳкам ушламаган. Фарзандларини ҳаддан ортиқ талтайтириб юборган", деб бор айбни онанинг устига юклайдиганлар ҳам йўқ эмас.

"Беш қўлини оғзига солган ижарачи инсоф қилганида улар кўчада қолмасди", деб кимдир ижарачини айбдор билади.

Амалдорлар, масъуллар, жамоатчилик, кўни-кўшни, қавм-қариндош тилга олиниб, уларнинг ҳам бу фожиада озми-кўпми айби борлиги эслаб ўтилади.

Яна ким қолди? Менимча, ҳеч ким қолмади-ёв. Қиссада иштирок этган, иштирок этмаган барча одамлар бирма бир айтиб ўтилди. Одамзод можаросига ҳайвонотни аралаштирсак дуруст бўлмас. Эр-хотиннинг жанжалига ит-мушук айбдор эмас. Қилғиликни қилиб, ҳайвондан тўнкасак уят бўлади. Шундоқ ҳам беайб ҳайвонлар номи инсон наздида сўкиш, койиш учун ишлатиладиган хунук иборага айланган. "Мол!", "хўкиз!", "ит!", "эшак!", ғазаби қайнаганлар тишини тишига босиб, "ш" ҳарфини икки марта айтиб "эшшак!" дейди. Ҳатто

эшак бефаҳм, бефарост, ҳеч нимага қизикмайдиган одамнинг рамзига айланган. "Ишқи йўқ – эшак, дарди йўқ – кесак".

Хўш, айбдор ким?

Мунозарачиларнинг ҳаммасининг гапида жон бор. Лекин шуни унутмаслик керакки, айбдор битта шахс эмас. Битта шахсга айбни юклаш дуруст эмас. Бунинг сабабчилари кўп, омиллари кўп. Сабабчилар, омиллар тез ўрганиб чиқилиши ва ҳақимлар томонидан муолажа қилиниши зарур. Бир шахсни тутиб олиб, айбдорлигини бўйнига қўйиб, анво хил жазо йўллари билан жазолаш орқали муаммо бартараф этилмайди.

Бундай ачинарли ҳолларнинг рўй беришига асосий сабаб – қасватул қалб – бағритошлик, сангдилликдир. Қалб қотса, меҳрибонлик манбаи дил тошга айланса, одам билан йиртқич ҳайвон ўртасида деярли фарқ қолмайди. Фарқ фақат ташқи қиёфанинг ўзида сақланиб қолиши мумкин. Турқи бошқа-бошқа тутуми бир хил. Сўз билан битадиган ишлар пичоқ билан битади. Ҳайвоннинг тили йўқ, шунинг учун пичоқдек тирноғи, аррадек тишлари билан ишини битиради. Бу ҳайвоний услуб инсон жамиятига ҳам кўчиб ўтди. Маслаҳат билан ҳал қилинадиган муаммо мушт билан ҳал қилиняпти. Тинчлик билан битадиган иш жанжал, ур-сур билан битяпти.

Қалб фақат ва фақат иймон билан – диний таълим-тарбия билан юмшайди, покланади. Бу олий ва мураккаб вазифа "Социализм, коммунизм, демократия" деганларининг иши эмас...

Тўнтарилган қора қозон каби қалб ҳам қорайиб, тўнтарилиб қолса, у қалб соҳибидан умуман яхшилик кутмайсиз.

Шунга биноан бундай баҳс эшигини ҳозирча очмасликни маъқул кўраман. Ундан кўра Онани уйдан чиқарган яқинлар тўғрисида эмас, уни янги уйга киргизган узоқлар тўғрисида сўзласак яхши бўлади. Қалби қотган бағритош ҳақида эмас, қалби юмшоқ бағри кенглар ҳақида гаплашсак нафи кўпроқ деб ўйлайман. Уларнинг кўзга кўринмас улкан фойдалари, мамлакат ва ҳатто ер курраси миқёсида тинч-омонликнинг сақланишига қўшган ҳиссалари ҳақида қисқа тўхтасак.

Интернет хабарига кўра, Ер юзида ҳар дақиқада беш марта ер силкиниб, зилзила бўлар экан. (Ал-ухдату алар-ровий).

360 марта кучли чакмоқ чақади. Ерга яшин сочади. Яшин – электр учқуни демакдир. 360 марта осмонда кўрқинчли момақалди роқ гумбирлаб, ер аҳлини ваҳимага солади.

Дунёнинг ўн икки ерида катта ёнғин чиқади.

Лой кўчади.

Бўрон кўзғалади. Дарахтларнинг белини синдиради.

Шамол ҳаммани аёвсиз савалайди. Юзига тарсаки солади. Томни кўчириб, эшик-деразаларни синдираман дейди.

Телба тўлқин тоғдек қад кўтариб, аввал соҳилдаги яланғочларни наҳангдек ютади, сўнгра шаҳарга ҳужумга ўтади.

Асов дарёлар ўзанидан чиқади. Қаёққа оқишни билмай, ўзини ҳар ёққа уради, ҳовлиларга, уйларга бостириб келади.

Ёмғир, дўл ҳеч кимни аямай шовуллаб қуяди.

Саноксиз чигиртка тўдаси далаларга ёпирилади. Йўлда дуч келган нарсани еб адо қилади. Кўз очтиргани қўймайди.

Каламушлар кўзғалиб, ҳамма нарсани кемириб ташлайди.

Ит, туялар қутуриб, эгасини қопади.

Қутирган оч бўри қўйларга ҳужум қилади, бирини нимталайди, бирини бўғизлайди, бирини тишлаб қочади.

Ҳатто ювош мол қутуради, телбаларча тентирайди. Паррандалар юқумли касалликка чалинади. Одамларнинг ёстиғини қуритади; вабо тарқатади.

Ер ёрилади. Уйларни, одамларни, машина, завод-фабрикаларни паққос ютади. Британияда ўтган йили иккита жойда ер ёрилган. Бу йил олтига жойда ер ёрилиб, уйларни, дарахтларни ўз домига тортди. Бу, ВВС тарқатган ва кўрсатган хабар. Теракдан баланд дарахтларнинг учи кўринмай қолди. Замин улкан дарахтзорларни худди бир чўқим ошни оғзига солгандек ютиб юборяпти.

Туман, чанг-тўзон, осмон билан туташган даҳшатли қуюн инсоният ҳаётига таҳдид солади. Тинчини бузади, ҳаловатини кетказди. Қалбга кўрқув солади.

Бундан ташқари самода парвоз қилаётган учоқлар тўқнашяпти, учоқлар йўқоляпти. (Малайзия пойтахтидан чиқиб ғойиб бўлган самолёт ҳалигача топилгани йўқ).

Ерда ҳар дақиқида турли хил авариялар, бахтсиз ҳодисалар рўй бериб турипти, минглаб одамлар ҳаётдан кўз юмяпти.

Кемалар уммон қаърида йўқолган.

Қуруқликдан вулқон отилиб чиққан, денгиздан вулканлар қайнаб чиққан.

Ўрмонларга ўт кетган. (Россия ўрмонларидаги кўрқинчли катта ёнғин ёдингиздан кўтарилмаган бўлса керак).¹

Шу ва шунга ўхшаш бало-офатлар, кўнгилсиз ҳодисалар ҳар куни рўй бермоқда.

Япония, АҚШ, Британия ва бундан бошқа катта давлатлар бу борада ҳам кичик давлатларга катта "намуна".

Бу бало-офатга асосий сабаб Аллоҳ айтганидек, инсоннинг ўзи.

﴿ وَمَا أَصَابَكُمْ مِّنْ مُّصِيبَةٍ فِيمَا كَسَبَتْ أَيْدِيكُمْ وَيَعْفُوا عَنْ كَثِيرٍ ﴾

﴿ Сизларга етган мусибат қўлларингиз касб этмиш маъсият сабаблидир. Боз устига У кўп гуноҳларни афв этур. ﴾

Шуро 30-оят.

﴿ ظَهَرَ الْفَسَادُ فِي الْبَرِّ وَالْبَحْرِ بِمَا كَسَبَتْ أَيْدِي النَّاسِ لِيُذِيقَهُمْ بَعْضَ الَّذِي عَمِلُوا لَعَلَّهُمْ يَرْجِعُونَ ﴾

﴿ Одамлар қилмиши боис қуруқликда ва денгизда фасод юз берди. Бу ўзлари қилган бузуқ ишларнинг жазосини торттириб қўйиш ва гуноҳдан қайтишлари учундур. ﴾

Рум 41-оят.

¹ 2010 йилнинг июл, август, сентябр ойларида Россия ўрмонларида катта ёнғин чиққан. Қишлоқлар куйиб кул бўлган. Шаҳарлардан аҳоли эвакуация қилинган. Москва қора қуюқ тутун ичида қолади. Куйинди ҳиди анқиб турган пойтахтда халқ оғиз-бурунларига бурундик тақиб юришга мажбур бўлади. Кўп одам ҳалок бўлади. Тирикларни хавф қамрайди. Мамлакат салкам уч ой олов ичида қолади. Қаранг: Википедия. Природные пожары в России в 2010 году.

Коинотдаги жонли-жонсиз жамийки махлуқот Аллоҳнинг лашкари. Унинг амрига мунтазир енгилмас қўшин.

Заррадан тортиб, одамларни қўрқитган метеоритгача,¹ чивиндан абобил қушларгача,² шамолдан то бўрон ва тўфонгача, ердаги денгиз, анҳордан то осмондан ёғган ёмғиргача осийлар ҳалокатига жўнатилган илоҳий қўшиндир. У кимнидир ўлдирса, кимнидир адабини бериб, кўзини очади.

﴿ وَاللّٰهُ جُنُودَ السَّمٰوٰتِ وَالْاَرْضِ وَكَانَ اللّٰهُ عَزِيْزًا حٰكِيْمًا ﴾ *Самовоту³ замин қўшинлари Аллоҳникидир! Аллоҳ Азиз,⁴ Ҳакийм зотдир.* ﴿

Фатҳ 7-оят.

﴿ وَمَا يٰعَلَمُ جُنُودَ رَبِّكَ اِلَّا هُوَ ﴾ *Парвардигорингнинг лашкарларини⁵ фақат Унинг ёлғиз Ўзи билур.* ﴿

Муддассир 31-оят.

Маъсият кечирилмас ҳадга етганда шу қўшинлардан бири ёки бир нечтаси исёнкор бандани жазолаш ё унга эслатиб қўйиш мақсадида Ер юзининг қайсидир минтақасига тушади. Юқорида санаб ўтилган бало-офатлардан бири ҳужум қилиб аҳолининг тинчини бузади. Одамлар уйини ташлаб қочишга мажбур бўлади. Ота-оналар ишдан, болалар ўқишдан қолади. Далаларда иш тўхтайтиди. Фабрикалар ёпилади. Поезд йўллар ишламайди, учоқлар учмайди. Ҳамма бир фосикнинг касрига қолади. Осойишталикка футур етади. Кўздан уйқу қочади.

¹ **Метеорит** – Космик фазодан ерга тушган жисм. Охирги марта метеорит 2013 йил 15 февралда Челябинск шаҳрига тушган.

² **Абобил** – Фил сурасида зикр қилинган тўда-тўда қушлар. Ибн Касир Тафсирига қаранг. Тафсирларда қушлар ҳар хил тавсиф этилган.

"Навоий асарлари луғати"да (НАЛ) Абобил қалдирғоч деб изоҳланган.

³ Само ва самовот калимаси ўзбек тилида айни маъноси билан қўлланилади.

Изминизда эмас бу дунё,

Самовотга ўтмас сўзимиз.

Э. Воҳидов.

⁴ Азиз ва Ҳакийм Аллоҳнинг асмой хусноларидан бири. Азиз – Куч, қувват ва иззат маъносини ифодалайди. Бу гўзал илоҳий исм Қуръонда 92 марта келган.

"*ولله الأسماء الحسنی*" китоби, 404-бет. Муаллиф Абдулазиз ибн Носир ал-Жалил.

⁵ Сонини, кимлар ва нималардан иборат эканини фақат Унинг Ўзи билади.

Бошқа минтақаларда эса тинчлик хукмрон. Ҳамма ёқ осойишта. Ҳар ёнда хотиржамлик. Ҳолбуки, у ерда ҳам гуноҳ содир этилади. Аслида маъсият ва жиноятдан холи ер йўқ.

Лекин у ерда ёмонларнинг айбини бекитиб турадиган яхшилар бор. Фосиқлар қилмишини ювадиган фозиллар бор. Аҳмоқлар бузган нарсани тузатадиган ақллилар бор.

Заиф ҳимоясига турадиган кучлилар, Фақир ҳолидан хабар оладиган ғанийлар, Етимнинг бошини силайдиган меҳрибон кўллар, Мазлум кўз ёшини артадиган мушфиқлар, Золимнинг кўлини қайтарадиган одиллар, Кўчада қолган уйсизга бошпана берадиган сахийлар, Жамият ишига бефарқ қарамайдиган солиҳлар, Уришганни яраштирадиган муслиҳлар бор.

Бадкирдорларнинг ярамас ишини ювиб юборадиган олийжаноб муҳсинлар бор.

Аллоҳдан кўрқиб мудом истиғфор айтайдиганлар у ерда сероб. Тавба қилувчилар жуда кўп.

Ёшу қари бозорга ётиб олган бир маҳалда беш маҳал масжид дарвозасини қоқадиган сабитқадам обидлар талай.

Эзгу амалларни пинҳон бажариб, Аллоҳ ғазабини ўчирадиган валийлар мавжуд. У ерда риёкордан кўра нияти холис беғаразлар кўпроқ. Ўғри ўз ишини қанчалик пинҳон тутса, яширишга уринса, яхши амалларни, хайр-эҳсон ва садақасини шунчалик пинҳон тутувчи тўғрилар кўплаб топилади.

Модомики жамиятда заиф-бечоралар ҳолидан хабар оладиган муҳсинлар бор экан у жамият Аллоҳ ғазабидан йироқдир. Улар Аллоҳнинг изни ва фазли билан тинч-осойишта фаровон ҳаёт кечиргайлар. Чунки Аллоҳ муҳсинларни яхши

кўради: ﴿ وَأَحْسِنُوا إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُحْسِنِينَ ﴾ *Эҳсон қилинглар! Албатта*

Аллоҳ муҳсинларни яхши кўради. ﴿

Аллоҳ муҳсин (яхшилик қилувчи)ларга бўлган муҳаббатини Қуръоннинг бешта оятида эълон қилган. Бақара сураси 195-оят, Оли Имрон 134-148-оятлар, Моида 13-93-оятлар.

Эҳсон – Яхшилик, эзгулик, кори хайр, мурувват, савоб иш.

Модомики бордир дунёда эҳсон...

*Модомики бордир дунёда эҳсон,
Эзгуликка ташна беминнат инсон,
Тинч-омон яшайди жумлаи жаҳон,
Ер обод, ризқ бутун, мусаффо осмон.*

*Шоҳлар қилса эҳсон чўл бўлур бўстон,
Ғамгин қолмас асло, раият шодмон.
Ҳаёт гулгун, ширин, ватан гулистон,
Юзлар мисли ширмон, лаъли лаб хандон.*

*Модомики бордир дунёда ёмон,
Ёмонликка ҳарис, илвирс, бадгумон,
Иккиюзли бадкор, ҳар сўзи ёлгон,
Ҳаётда тинчликнинг бўлиши гумон.*

*Ўзини бургут деб бир жиблажибон
Кўкка парвоз қилиб чарчади чунон.
Фозил тўнин кийган бир фосиқ нодон,
Фазилат қасрини айлади вайрон.*

*Шакли инсон, заҳри баайни илон,
Тана юмшоқ, тили нақ тирпратикон.
Шердек ўкиради кўпларга аҳён,
Шер келганда тезда бўлади қуён.*

*Душманлиги аниқ, либос дўстсимон,
Ҳар нарсага эга мосиво виждон.
Тўйганин билмайди, тешик жигилдон,
Қаҳридан ҳамманинг юрак-бағри қон.*

*Унинг олдида ип эшолмас шайтон,
Хасмини янчади мисли тегирмон.
Ўзи эплотмаса қилгай телефон,
Узоқдан хусумга отилар камон.*

*Тухмат тошин отмоқ унга хўп осон,
Бир дам яшолмайди қилмаса бўҳтон.
Ҳасад ўти дилда уради тугён,
Тирикка ўхшайди, лек асли бежсон.*

*Алвидо, ҳаёт, де, каттайса чаён,
Қаримасдан келур умрингга поён.
Аллоҳга ёлвору кўтарма сурон,
Гар Ўзи асраса, қоласан омон.*

*Ит аввалдек ҳурар, лек ўтар карвон,
Ранжу маломатда ёнса ҳамки жсон.
Манзилга етайлик, тўлсин хонадон,
Азизлар, сўзимдан бўлмангиз ҳайрон.*

*Дилимни ранжитгач жоҳил бадзабон,
Тилга келди шошиб бу байтлар шу он.
Бўрон босилди-ю қолди чанг-тўзон,
Сиз билан дардлашди котиб, китобхон.*

*Ҳаво етмай бир оз бўлдим хафақон,
Титради вужудим, ҳатто устухон.
Кимга бориб, кимга қиламан фигон,
Атрофимда барча мендек нотавон.*

*Дўстлар, бу дунёга ҳаммамиз меҳмон,
Бирма-бир кетамиз қолмас тирик жон.
Нечун жанжал, нечун фироқу ҳижрон,
Нечун кўксимизга санчамиз пайкон.*

*Модомики султон бўлса меҳрибон,
Халқпарварга тўлса муҳташам девон,
Онт ичиб айтаман, баҳс этмай, инон,
Заминда қолмайди бирорта нолон.*

*Бозлар барпо бўлур бузилиб зиндон,
Жиноятчи йўқдир, ҳамма хушхандон.
Энди ҳеч ким дардин қилмайди достон,
Чунки тинч-омонлик ерда ҳукмрон.*

*Ёш-қари, бой-фақир бари қадрдон,
Ҳар бир кас юраги қувончларга кон.
Тополмайсиз излаб сарсон-саргардон,
Бир дона жоҳил йўқ, ҳамма билимдон*

*Сипога айлангай ўтдай қизиққон,
Гина-кудуратлар бўлажак нисён.
Ҳеч банда меҳрини тутмагай ниҳон,
Буларнинг барчаси иймондан нишон.*

*Мамлакатни кезиб, айланиб обдон,
Учратмайсиз йўлда битта сўкагон.
Топмайсиз қидириб бесару самон¹
Гар юртни бошқарса тўғри сўз сарбон.*

¹Бесару сомон – Бечора, афтода; паришон ҳол; қурби етмас, ҳеч нарсаси йўқ.

*Машишашалар бўлур тез оппон-соппон,¹
Барча зўравонлик қилингай гумдон.
Ин-инига уриб кетар зўравон,
Адолатни қоим қилса паҳлавон.*

*Яхшиликка сен ҳам бел боғла ўғлон,
Шон-шараф уйини бузмасин бўрон.
Ғанимларга кўксинг айлагин қалқон,
Ор-номус, иззатга ўзинг бўл посбон.*

*Тухмат қилмас сенга ҳеч ким ҳеч қачон,
Киссангдан ҳеч нарса топмас "соҳирон".
Муз эриган каби иссиқ келган он,
Баҳор келса, бирдан эрийди бўҳтон.*

*Майли, бадгўй учун сен тўла товон,
Майли, савоб ишга жон бўлсин қурбон.
Югур, ел, қолмасин дийдаи гирён,
Ажрингни камитмай беражак Раҳмон.*

*Қил эҳсон, қил эҳсон, яна қил эҳсон,
То ғамзада диллар бўлгунча шодон.
Муҳсинлар ҳеч қачон кўрмагай зиён,
Эй Жалол, қил эҳсон келмай жонситон.²*

*Шеъримни беҳато ўқиса хушхон,³
Равон сўзлагувчи уста сухандон,
Маънодан анбару оҳангдан райҳон
Ҳидлари гуркираб тарқагай ҳар ён.*

¹ **Оппон-соппон бўлмоқ** – Тамом бўлмоқ, тугамоқ, битмоқ.

² **Жонситон** – Жон олувчи, ҳалок қилувчи.

³ **Хушхон** – Хушовоз, овози ёқимли.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "إِنَّ الصَّدَقَةَ تَطْفِي غَضَبَ الرَّبِّ وَتَدْفَعُ مِيتَةَ السُّوءِ"

Жаноб Росулulloҳ ﷺ марҳамат қилиб дедилар:

"Садақа албатта Парвардигорнинг газабини ўчиргай, ёмон ўлимдан сақлагай". Термизий Сунани.

قال رسول الله ﷺ: أحب الناس إلى الله أنفعهم للناس وأحب الأعمال إلى الله عز وجل سرور تدخله على مسلم أو

تكشف عنه كربة أو تقضي عنه ديناً أو تطرد عنه جوعاً ولأن أمشي مع أخي المسلم في حاجة أحب إلي من أن

أعتكف في المسجد شهراً ومن كف غضبه ستر الله عورته ومن كظم غيظاً ولو شاء أن يمضيه أمضاه ملأ الله قلبه

رضى يوم القيامة ومن مشى مع أخيه المسلم في حاجته حتى يثبتها له أثبت الله تعالى قدمه يوم تزل الأقدام وإن سوء

الخلق ليفسد العمل كما يفسد الخل العسل¹

Росуллоҳ ﷺ марҳамат қилиб дедилар:

"Аллоҳ учун энг суюкли инсон одамларга фойдаси кўп тегадиган инсондир.

Аллоҳ наздида энг маҳбуб амал – мусулмон қалбига қувонч киргизмоғинг, ёки ундан гам-қайғуни аритмоғинг, ёки қарзини адо қилмоғинг, ёки ундан очликни кеткизмоғингдир.

Мусулмон биродаримнинг ҳожатини чиқариш учун у билан бирга юрмоғим Масжидда бир ой эътикоф ўтирмоғимдан кўра яхшироқдир.

Кимки газабини тийса, Аллоҳ унинг айбини бекитади.

Кимки жаҳли чиққанда, истаса ёмонликка олиши мумкин бўла туриб газабини ютса, Аллоҳ Қиёмат куни унинг дилини қувончга тўлдиради.

Кимки мусулмон биродарининг ҳожатини чиқариш учун у билан бирга юрса, сабот билан ишини битирса, қадамлар тойийдиган кунда Аллоҳ уни собит қадам қилади.

Сирка асални бузгани каби бадхулқлик ҳам (яхши) амални бузади; зое қилади".

¹ ابن أبي الدنيا في قضاء الحوائج. الطبراني عن ابن عمر. صحيح الجامع الصغير رقم: 176

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу Мадина Ҳарамида эътикофда ўтирганларида бир киши келиб, у кишига ҳожати борлигини айтди. Маълумки, эътикофдаги одам масжиддан беузр чиқиши жоиз эмас. Кишининг ҳасратини эшитган улуғ саҳоба ўринларидан туриб у билан чиқиб кетдилар.

- Эътикофни бузасизми? – дейилганда,
- Ҳожандмад биродаримнинг ҳожатини ўташим мен учун масжидда эътикоф ўтиришдан яхшироқдир, – дедилар.

قال رسول الله ﷺ: صنائع المعروف تقي مصارع السوء وصدقة السر تطفى غضب الرب وصلة الرحم تزيد في العمر¹

Росуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

"Эзгу амаллар фожияли ўлимдан; ҳалокатдан; турли офатлардан асрайди. Махфий садақа Раб ғазабини ўчиради. Силаи раҳм умрни узайтиради".

Силаи раҳм – Қавм-қариндошларга меҳр-муҳаббат, улар ҳолидан хабар олиш, улар билан борди-келди қилиш.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу масжидда дарс бошлашдан олдин дарсга йиғилган тумонат одамга қарата: "Қариндош уруғи билан алоқани узиб қўйган (қотиъур раҳм) даврамиздан чиқиб кетсин. Улар ўтирган ерга Аллоҳнинг раҳмати тушмайди", дер эканлар.

Ер юзида уй-жой солишнинг қийинлиги ҳақида деярли ҳамма билади. Ер сотиб олиш бир машаққат, уй қуриш иккинчи машаққат, яхши қўшни топиш учинчи катта машаққат.

Ижарага турадиганларнинг машаққати ўзига яраша. Яхши, арзон уй топиш улкан машаққат. Арзонга уй бор, лекин яхши эмас. Яхши уй кўп, лекин арзон эмас. "Яхши" билан "арзон" нинг бирлашиши жуда қийин. Бу биринчидан, иккинчидан, шахсий уйга эга одамнинг бир ғами "яхши қўшни" топиш бўлса, ижарага турувчи кишининг ғами "яхши қўшни" топиш билан бирга "яхши ижарадорни" топишдир.

¹ رواه الطبراني في الكبير بإسناد حسن أنظر صحيح الترغيب والترهيب

"Агар ўткинчи ҳаёти дунёда уй масаласи шунча оғир бўлса, Охиратдаги мангу ҳаётда уй топиш умуман қийин бўлса керак. Дунёдаги уй билан Жаннатдаги Уйнинг фарқи ер билан осмонча. Биз каби фақирларга йўл бўлсин", деган умидсизлик дилни тирнаши мумкин.

Умидсизланишга ҳеч қандай асос йўқ. Ноумид шайтон. Жаннатда уйга эга бўлиш ерда уйга эга бўлишдан осонроқ.

قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: مَنْ عَادَ مَرِيضًا أَوْ زَارَ أَخَاهُ فِي اللَّهِ نَادَاهُ مُنَادٍ أَنْ طُبْتُ وَطَابَ مَمَشَاكَ وَتَبَوَّاتُ مِنَ الْجَنَّةِ مَنْزِلًا.

Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

"Қим касални кўргани келса, ё Аллоҳ йўлида дўстлашган биродарини зиёрат қилса, жарчи нидо қилиб: "Ҳуш келдингиз, қадамингиз қутлуг бўлсин, Жаннатда бир манзилга эга бўлдинг", дейди".

Термизий Сунани.

Бу касал кўргани борган ёки мўмин биродарининг зиёратига келган кишининг фазилати. Мўминга бошпана берган кишининг фазилати қандай бўлиши мумкин деб ўйлайсиз?

﴿ وَسَارِعُوا إِلَىٰ مَغْفِرَةٍ مِّن رَّبِّكُمْ وَجَنَّةٍ عَرْضُهَا السَّمَاوَاتُ وَالْأَرْضُ أُعِدَّتْ لِلْمُتَّقِينَ ﴿١٣٣﴾ الَّذِينَ

يُنْفِقُونَ فِي السَّرَّاءِ وَالضَّرَّاءِ وَالْكَبِيرِ وَالضَّرَّاءِ وَالْعَافِينَ عَنِ النَّاسِ ۗ وَاللَّهُ يُحِبُّ الْمُحْسِنِينَ ﴿١٣٤﴾

﴿Раббингиздан бўлган мағфиратга ҳамда тақводорларга ҳозирланган кенглиги осмонлару ерга баробар жаннатга зудлик билан шошингиз! У тақводорлар қувончли ва қайгули, оғир-енгил кунларда инфоқ-эхсон қилувчи, газабини ичга ютувчи, одамларни афв этувчи кишилардир. Аллоҳ муҳсинларни яхши кўради.﴾

Оли Имрон 133-134-оятлар.

Аллоҳ тақводоларга тайёрлаб қўйган Жаннатини метр, километр, сотих ё гектар билан белгиламади. Балки кенглигининг ўзи осмонлар ва ерча деди. Осмоннинг ҳисобини оладиган доно ҳали туғилгани йўқ, бундан кейин ҳам туғилмайди.

Юлдузга етадиган кўз ундан у ёғига сўқир бўлиб қолади. Ҳеч нимани кўрмайди. Демак Жаннат – чексиз макон.

Тақводорнинг энг охирги манзили, сўнги етиб борадиган жойи ўша ер. Худованди Карийм, озгина амалга кўп мукофот берувчи саховатли Аллоҳ мўмин бандасига шундай бебаҳо манзилгоҳни тайёрлаб қўйган ва уни ҳар куни безайди.

"Бизам ўзбекмиз, мусулмонмиз, аямиз, дадамиз номоз ўқиган, опоқ дадамиз Ҳажга борган" деган одам Жаннатга кириб кетаверадими? Жаннат бедарвозами?

Тамагир танбаллар хомтама бўлмаслиги учун оят гўё саволга жавоб ўлароқ Жаннат аҳлининг тўртта сифатини баён қилди.

1- Тақводорлик. ﴿أَعَدَّتْ لِلْمُتَّقِينَ﴾

Аллоҳ амрини бажариш, қайтарган амалидан тийилиш. Моддий-маънавий ҳаромдан сақланиш. Тилни, дилни, кўлни, кўзни, авратни бузукдан асраш.

2- Ҳар қандай вазиятда ҳам инфоқ-эҳсон қилиш.

﴿الَّذِينَ يُنْفِقُونَ فِي السَّرَّاءِ وَالضَّرَّاءِ﴾

Яъни яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам яхшиликка одатланиш.

3- Ғазабни ичга ютиш. ﴿وَالْكَاظِمِينَ الْغَيْظَ﴾

Жирракиликни ташлаш. Сал нарсага тутакмаслик. Тил билан кўлга эрк бермаслик.

4- Одамлардан ўтган хатони кечириш. Кечиримли бўлиш.

﴿وَالْعَافِينَ عَنِ النَّاسِ﴾

Иккинчи ва учинчи сифатида бир оз тўхтаб ўтсак.

2- **Сифат:** Ҳар қандай вазиятда ҳам инфоқ-эҳсон қилиш. Яъни яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам яхшиликка одатланиш.

Келажакка ияк сақлаш донолар хислати эмас. Бугунги иш эртага қўйилмайди. "Пул кўпайганда инфоқ-эҳсон қиламан", "Қариганда намоз ўқийман", "Келажакда ундоқ қиламан, мустақбалда бундоқ қиламан" деб мубҳам келажак билан қуруқ ваъдалар бериб, ўзининг ҳам, ўзгаларнинг ҳам қўйинини пуч

ёнғоққа тўлдириш қадимдан қораланган мазмум сифатдир. "Маҳбубул қулуб"да қимматбаҳо насихатни ўқиб қолдим.¹ Навоий насихат қиладилар:

Золим ва бедард суҳбатида нукта сурма², наммом³ ва номард мулояматида дам урма.⁴ Доно иликдин боргондин сўз айтмас, ўтган йигитлик орзу била қайтмас.

Ўтган рўзгор адамдур. Келмагандин сўз айтқон аҳли надамдур ва ҳол муғтанамдур. Бир турк бу маънида дебдур-ким: "Дам бу дамдур". Байт:

*Мозию мустақбал аҳволин такаллум айла кам,
Не учунким, дам бу дамдур, дам бу дамдур, дам бу дам.*

Яъни ўтмиш ва келажакни камроқ гапир, чунки вақт бу вақт, давр сен яшаётган ҳозирги давр. Сен шу даврдан гапир.

3-Сифат: *Ғазабни ичга ютиши. Жирракиликни ташлаш Сал нарсага тутатмаслик. Тилга ва қўлга эрк бермаслик.*

Ҳадисда келишича, Қиёмат куни ҳамма оғир аҳволда турган бир пайтда ғазабини Аллоҳ учун ютганларга нидо қилиниб: "Истаган Ҳурларингни танлаб олинглар" дейилар экан.

قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَنْ كَظَمَ غَيْظًا وَهُوَ قَادِرٌ عَلَى أَنْ يُنْفِذَهُ دَعَاهُ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ عَلَى رُءُوسِ
الْخَلَائِقِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ حَتَّى يُخَيِّرَهُ اللَّهُ مِنَ الْحُورِ مَا شَاءَ

Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

"Жазолашга қодир бўла туриб ғазабини ичга ютган кишини Аллоҳ азза ва жалла Қиёмат куни ҳамманинг олдида чақириб, истаган Ҳурини (ёки истаганча Ҳурни) танлаб олишга ихтиёр беради".

Абу Довуд Сунани.

¹ "Маҳбубул қулуб"нинг электрон нусхасидан олинди. Асл нусхага солиштиришнинг имкони бўлмади.

² **Нукта сурма** – Сўзлама.

³ **Наммом** – Чақимчи.

⁴ Чақимчи ва номардга мувофиқ сўз сўзлама, уларга ҳамоҳанг бўлма.

Шу китобнинг биринчи қисмида Навоийнинг бу борадаги ҳикоясини келтирган эдик. Ёдингизда бўлса, саройда шоҳ зиё-фат берган куни бир хизматкор қоқиниб кетиб, ҳамманинг кўз ўнгида бехосдан овқатни шоҳнинг бошидан тўкиб юборган эди. Шоҳ шу ерда оятга амалан иккита олийжаноб иш қилади.

1-Ғазабини ичига ютади, жазоламайди.

2-Ғуломни афв этади.

Бу каби қисса билан Навоий "Эй жаҳон аҳли, кўриб қўйинглар, турк хоқонлари мана бундай олийжаноб, кечиримли бўлган, бундан кейинги хону хоқонлар, сизлар ҳам шундай бўлингиз" деб шоҳу гадони кечиримликка чақирган эдилар.

Бизнинг замонавий ҳикоямизда эса ғазабини ютолмаган келин ногирон қайнонасини ўз уйдан чиқаришни истайди. Бевафо ўғил хотин ғазабидан қўрқибми, ё паст табиати ундадими, ҳар нечук онасини ҳийла билан сингисини уйига ташлаб кетади. Ғазабдор куёв жуфти ҳалолини, икки фарзандини ва қайнонасини арзимаган баҳона билан уйдан қувиб солади.

Саҳнада бир бегона киши пайдо бўлиб, ўз хайр-эҳсони билан Ҳақ ваъда қилган инъомларни қўлга киритиб кетади. Бағритош яқинлар эса кўп яхшиликдан маҳрум қолиш билан бирга Аллоҳ азза ва жалланинг ғазабига дучор бўлади.

Учта сангдилнинг қинғир қилмиши учун, кечирилмас, менимча, ҳеч қандай қонунда ҳеч қандай модда (статья) белгиланмаган жинояти учун ўша шаҳарга Худонинг балоси тушиши керак эди, лекин шаҳар ичида бир меҳрибон топилиб, уларнинг хатосини ёпди. Худонинг балосидан оммани қутқарди. Унинг шарофатидан яхшию ёмон баҳраманд бўлди.

Қисса охирида пайдо бўлган кишига ўхшаш саховатпеша, олийжаноб инсонлар бор экан осмон мусаффо, замин сокин, мамлакат обод, юрт тинч-омон, ҳаёт фаровон, эл шод бўлгай. Бундай инсонларнинг сафини кенгайтириши эл-юрт учун кони фойда. Ундайларнинг камайиши, қирилиши эл-юрт учун кони зиён.

Шунча гапдан кейин ҳам кимнингдир юрагининг бир чек-асида "айбдор ким?" деган савол маҳкам ўрнашиб, ҳалигача унга тинчлик бермаётган бўлиши мумкин. Жумбоқ барибир дилда сақланиб қолганга ўхшаяпти. Шунинг учун "айбдор ким?" деган саволга яна бир равга қайтмасак бўлмайдиганга ўхшайди.

Ўтган аср шоирларидан бири айбдорни топишда кўмаклашадиган ажойиб йўлланма қолдириб кетган экан. Ўтмишга айланган асримиз ўгитини биргаликда ўқиб, айбдорни топиб оламиз. Байтни ўқиган кишига терговчининг кераги йўқ. Терговчисиз осон йўл билан айбдорни топиб олиши мумкин.



*Бошингга не бало ёгса, бировданмас, ўзингдан кўр,
Йўлингдан адашсанг гар қинғир босган изингдан кўр.*

*Йўлинг узра ёзар бўлса, элинг ҳурмат пойандозин,
Бири меҳнат, бири обрў, бири ризқу рўзингдан кўр.*

*Агар суҳбат аро дўстинг кетар бўлса қўлин силтаб,
Бири ёлгон, бири гийбат, бири тузсиз сўзингдан кўр.*

*Сенга фарзандларинг интиқ бўлиб илдам эшик очса,
Бири софлик, бири поклик билан берган тузингдан кўр.*

*Кетингдан ким ҳаёсизлик, ибосизлик тошин отса,
Бири чарму, бири кесак, қаро икки юзингдан кўр.*

*Ҳамиша дўстларинг Ўтқир каби йўқлаб келар бўлса,
Бири сеҳринг, бири меҳринг тўлиб боққан кўзингдан кўр.¹*

Ўтқир Рашид.
(1917-1990).

Бошқа ерда ушбуни кўриб қолдим:

*Бошингга ҳар бало келса, хато босган изингдан кўр,
Агар ўглинг ёмон бўлса, ҳаром берган тузингдан кўр.*



¹ Шеърни мен асл манбадан олишга муваффақ бўлмадим. Биродарларнинг ён дафтарида кўчириб олинди. Матлаи:

Бошингга не бало ёгса, бировданмас, ўзингдан кўр,

Йўлингда гар адашсанг бир, қинғир босган изингдан кўр.

бошланувчи ғазални "Ўзингдандур", "изингдандур" кофиясида кўрдим. Бошқа жойда "кўр" радифи билан берилган экан.

Кўр боланинг ҳасратлари

Дунёдаги табиий гўзалликдан – ранг-баранг гуллар, яшил далалар, мовий осмон, чарақлаган юлдузлар ҳамда ҳар хил ҳайвонлар жамолидан фақат кўзи очик кишигина баҳраманд бўла олади. Кўзи ожиз банда бундан маҳрум.

Дунёдаги маънавий гўзалликдан эса кўнгил кўзи очик кимсагина баҳраманд бўлиши мумкин. Ҳатто кўзи кўр ҳам маънавий жамолдан баҳра олади. Аммо кўзи очик қалби сўқирлар маънавий гўзалликдан баҳра олишдан маҳрум.

Бу қисмда ҳақиқатда кўзи кўр боланинг ҳасратлари ёхуд орзу-истаклари ҳақида сўз юритамиз. Тўғрироғи, 1914 йилда "Ойна" журналида нашр этилган Маҳмудхўжа Беҳбудий қаламига мансуб Усмонли турк тилидан таржима қилинган бир мақолани эътиборингизга ҳавола қиламиз. Мақола "**Бир аъмо боланинг ҳасрати**" унвони остида берилган. Кўр бола дейди:

Эшитарманки, кун (офтоб) кўб гўзал... Наҳр (денгиз) бўйинда, сувнинг устида узайиб осилган гулларнинг кўруниши кўб латиф эмиш... Нозик-нозик сайраган қушларнинг ...ҳавойи қўш қанотларининг учушида кўрулатургон нимарсалардан эмиш!.. Эшитарманки, кечалари кўк юзинда ёшурунгон ёруқлар кўрунар эмиш... Мавж ва гирдобларидек ҳазин бўлган денгиз ичинда оқ чотирлик кемалар оқуб кетарлар эмиш!...

Эшитарманки, гулларнинг ранглари ислариндан, сулувликда яна зиёда эмиш.

Даралар... Тоғлар... Майдонлар... Сувлар, бешалар, хусусан, тонг замонлари у қадар латиф... у қадар тотли эмишларки, бу қадар буюклик ва эҳтишомга қариши инсон ҳайратиндан саждага кетармиш.

Лекин, ман ана ул гулдурагани эшитилатургон денгизни... на у ранглик гулларни... на кўк юзини... на кунни... на бешаларни... на у яхши меваларни... на қушларни... на ойдинликни... кўролмастгимдан таассуф этмайман. Хайр, Оллоҳим! Хайр! Шу фоний оламнинг яхшилигиндан ҳеч бирини орзу этмайман, магар...

Ҳайҳот!... Онажонимни кўрсайдим!

Қаранг! Ибрат олинг! Кўзи кўр бола дунё гўзалликларига боқиб лаззатланишни орзу қилмаяпти. Ҳамма кўради-ю нега мен кўрмайман, деб нолимаяпти. У Аллоҳнинг қисматига рози. Унинг ҳасрати, ягона орзу-истаги Онани кўриш. Она дийдорига тўйиш.

Кўр бола орзуси

*Илоҳо, заминни безаб қўйибсан,
Самодан нурларни ерга қўйибсан.
Еру осмонларга тафаккур билан
Боққан бандаларни Ўзинг сўйибсан.*

*Дунё гўзалликда бетакрор эмиш,
Қараганнинг кўзи қамашар эмиш,
Оқар сувда жамол, тоғ-тоида жамол,
Бог-роғлар товусдай товланар эмиш.*

*Ё Раб, кўрар кўздан маҳрум бандангман,
Шикоятдан тилни мудом тийганман.
Майли кўрмай қуёш, ой, юлдузларни,
Лек Онамни бир бор кўрсам эдим ман.*

*Юлдузга алмашмам унинг жамолин,
Унга чирой берар ҳар қанча ажсин.
Сўзини тингладим, меҳрини кўрдим,
Қани кўрсам эди, бир бора ўзин.*

Ж.

Бу кўзи ожиз боланинг ҳасрати эди. Кўзи очик бўлса-да она дийдорига тўймаган етимлар ҳасрати ҳам айни шундай.

Аммо баъзи жоҳил, ғофил болалар, хусусан хотин олган йигитлар уйлангандан кейин она юзига боққиси келмай қолар экан. Уни навбатдаги "Қайнона ҳасрати"да ўқиймиз.



Қайнона ҳасрати ва хандаси

*Биламан, ҳамшаҳрим ташвишли бедор,
Ва лекин лабида аския, ханда.*

М. Бобоев. (1911-1979)

Юқорида ота-онасини куйдирган фарзандаларнинг аянчли оқибати билан қисман танишдик. Ўйлаб кўринг, агар бола ўз онасини куйдирса, жигарбанд муштипар она жигарини эзса, бегонадан нимани кутиш мумкин? Ўғил бор уйга бегонанинг келиши бор. Ўша бегона, яъни келинчак баъзида қизи йўқ хонадонга қиз бўлиб қолади, бахт олиб келади. Иккита қизи бор уйга учинчи қиз бўлиб тушади, уй файзига файз қўшади. Баъзида бегона бегоналигини қилиб кўяди. Эр бошига чиқволиб, саси чиқмаган оиланинг фиғонини фалакка чиқаради. Келин қилгунча қарзга ботиб, энка-тенкаси чиққан қайнонанинг тўйдан кейин ҳасратидан чанг чиқади. Шунинг учун қайнона ҳасратига ҳам жой ажратдик. Келин қилиб суюнган, эртасига куюнган онаизорнинг оҳ-ноласини биргаликда эшитиб кўрайлик. Зокиржон Фурқат айтганидек:

*Бу сўзни гўши бор одам эшитсун,
Ўзида ҳуши бор одам эшитсун.*

Нозима Марҳабо биби дейди:

Тўй қилиб келинчак туширдим,
Ўзимга ўзим иш оширдим.
Мен энди... мен энди тушундим,
Бировнинг боласи уйимда.

Бақирманг дадаси, секин-ей,
Овозингиз бирам текин-ей.
Уйимнинг қайтига бекинай?
Бировнинг боласи уйимда.

Ҳаммага қиламан илтифот,
Тилимга бўламан эҳтиёт.
Кўчага чиқмасин "ахборот"
Бировнинг боласи уйимда.

Келинчак бир келар яйрасин,
Оллоҳим илтифот айласин,
Қозоним гўшт билан қайнасин,
Бировнинг боласи уйимда.

Сипороқ кийингин, вой, қизим,
Ибрат бўл келинга, хой, қизим.
Онани тушунгин, ой қизим,
Бировнинг боласи уйимда.

Ёрдам қил, сиқиб бер ўсмасин,
Бахтингни йўлини тўсмасин,
Совчига ёмонлаб қўймасин,
Бировнинг боласи уйимда.

Чимрилмасин деб қошлари,
Авайлаб шу келин пошшани.
"Сиз-сиз"лаб ҳайдайман пашшани,
Бировнинг боласи уйимда.

Койишар эркалаб қўясан,
Келинга "майли" деб турасан.
Бошингга тушганда биласан,
Бировнинг боласи уйимда.

Нонингни куйдирса, майлига,
Идишни синдирса, майлига,
"Адвакат" ман ўша Лайлига,
Бировнинг боласи уйимда.

"Болам" деб гапирсам "Уф, бўпти",
Билмадим балки куф-суф бўпти.
Ўғлим ҳам кўшилиб жуфт бўпти,
Бировнинг боласи уйимда.

Майли, мен қайнона қайнамай,
Келин ҳам тек юрсин, айнимай.
Бу ҳам бир кўргулик, айланай,
Бировнинг боласи уйимда.

Қаҳр-ла кўнгиллар лойланар,
Меҳр-ла кўнгиллар бойланар.
Бир кун ўз боламга айланар,
Бировнинг боласи уйимда.

Марҳабо дер: Ичим қон дўстлар,
Учрашиб турайлик, жон дўстлар.
Хасратдан юрагим қон, дўстлар,
Бировнинг боласи уйимда.

Марҳабо Каримова.



"Қиз бола – бировнинг хасми", яъни бировнинг насибаси, "Қиз бола палахмоннинг тоши", яъни қаерга отилса, шу ерга бориб тушади, деган маталлар кўпга маълум. Лекин ўзгариб турувчи табиат кўйнида яшаётган одамзод табиати ҳам шу табиат сингари ўзгариб турар экан. Ўзгарган табиат бора-бора одатга айланади. Яхшиликка ўзгарса-ку, нур устига нур, ёмонликка ўзгарса, томошани кўр.

*Табиатга ҳар неки одат эрур,
Чу эскирди одат табиат эрур.*

Навоий.

Биз тараққиёт тарихида кескин юз берган бурилиш даврининг авлодларимиз. Техника прогресс топиб, ахлоқ регрессга учраган ўтиш даврининг тирик гувоҳлари. Катта ишлар, улуғ ўзгаришлар арафасида турибмиз. Ҳамма буюк бир ўзгаришни кутяпти. Яхшиликка кўз тикиб, ёмонликдан кўз юмиб, ширин орзу-ҳаваслар оғушида яшаб юрган пайтимизда ҳаётимизнинг кўп қирраларида, хусусан ижтимоий ҳаётда ғалати ўзгаришлар рўй берган экан-у, кўпчилигимиз пайқамай қолибмиз. Эркакка тақлид қилган мегажинлар, ўзини хотин-халажга ўхшатаётган хотинчалишлардан ташқари кўп нарса ўзгариб кетибди. Шулардан бири, эл тилидаги "қиз бола – бировнинг хасми", деган маталдир. Энди, қиз бола эмас, ўғил бола – бировнинг хасмига айланибди. Бир қайнона ҳасратини ўқиб, мен бунга ишонч ҳосил қилдим.

Теваракка синчиклаб назар солсам, айрим хонадонларда ўғил болалар бировнинг (хотин ва хотин томоннинг) хасмига айланиб бўпти. Ота-она ўғилни ўстириб, ўқитиб, пул топишни ўргатиб, учирма қилгандан кейин; уйлантириб, уйлижойли қилиб бўлгач, ўғил жонивор келин дилозорнинг измига ўтиб кетади. Қўймижоз эрни бўрибосар хотин бирпасда ўз измига солиб олади. Одам бўлиш секин-аста, ҳайвон бўлиш бирпасда, деганларидек, кеча она этагидан тортиб: "ая, нанна

беринг" деб юрган бола уйлангач, бир кечада хотиннинг этагини маҳкам тутиб оляпти. Туғишдан бошқа деярли ҳамма юмушлари эр гарданига шундоғича юкланади. Хотин рухсат берганда тукқан онасини кўргани келади. Рухсат бўлмаса, ўзича бориб келишга жазм қилолмайди.

Ишонмайсизми? Ишонмасангиз, маҳаллангиздаги хотини билан кетиб қолган "йигит"нинг онасидан сўранг. Минг эшитгандан бир бор кўрган яхши. Маҳаллангизда тополмасангиз, кўшни маҳаллада албатта, топасиз.

Аксар йигитлар ўзлари сезмаган ҳолда ота-онадан оғиб, хотин томонга мойил бўлиб кетишган. Ҳамма нарсанинг олди хотин учун, хотиндан ортиб қолгани онага. Бир кунда бир марта "эна" деса, ўн марта "хотинжон" дейди.

Онага бир сўм сарфласа, хотинга ўн сўм, баъзида юз сўм сарфлайди.¹

Аяга аяб-тежаб харажат қилади, хотинга хотамтойдек сочиб юборади.

Ёш ёстикдош соғлиғига қаратган диққатни ёстикқа михланган ғанимат қари она соғлиғига қаратмайди.

Тўққиз ой олдин танишган бошқоронғи ёрининг кўнгли тусаган ҳар қандай нарса бир зумда муҳайё қилинади. Тўққиз ой қорнида, икки йил қўлида кўтариб катта қилган онаизор сўраган нарса топилмай ўлади. Дўконда ҳам йўқ, бозорда ҳам йўқ... Нима бало, оналар сўраган нарса шунчалик ноёб бўладими?!

Ёзнинг иссиқ кунларида айлангани саёҳатга чиқса, хотини билан чиқади. Она шўрлик уйда ёлғиз қолади. Хотини зерикиб қолмаслиги учун турли тадбирлар кўради: меҳмонга олиб боради, бозорга олиб тушади, машинасида "катайса" қилдиради. Аммо эрдан эрта бева қолган онаси зерикяптими, йўқми, бу билан заррача иши йўқ...

¹ Эски пул назарда тутиляпти. Бир сўмга бешта буханка, олти кунжутли чап-чап нон олинган давр. Бозорда бир тийин муомалада юрган замон...

Ражаб оий эди. Соат кечги 10. Иш столим устида уйқу-сираб ўтирибман. Меҳмон фикрлар кетиб қолмасдан тезроқ уларни қоғозга тушуриб олай деган ўйда шоша-пиша бир нарсаларни ёзипман. Бир маҳал телефон жиринглаб қолди. Сокин тунда жиринглаган телефон овози кўрқинчли бўлар эканми, ё менга шундай туюлдими, ҳар нечук чўчиб тушдим. Бегона рақам. Телефонга жавоб бердим. Овозидан ёши катта аёл эканини пайқадим. Салом-алиқдан сўнг у менинг баъзи китобларимни ўқиганини айтди. Ташаккур билдирди. Китобдаги айрим она-ларга қисматдош эканини айтиб тўхтаб қолди. У нимадандир чўчир, қаттиқ хавотир олар, айқаш-уйқаш сўзларни тушуниш қийин эди. Хуллас у қайнона экан. Ўғлини келинга топшириб қўйган мазлум қайнона. Аллоҳ гувоҳ, у муштипар она ҳасратидан кейин уйқум қочиб кетди. Муद्रок босган кўздан асар қолмади. "Ҳеч кимга айтманг. Ўғлим, келиним билмасин. Дуо қилиб қўйинг", деб телефонни ўчирди.

Э, гапираман десангиз, гап кўп, кўмир – оз. Энди қайнона тадқиқи билан танишайлик. У оналар номидан дейди:

Ўғил боланг – бировнинг хасми

Ўғилми қиз – бари ўз боланг,
Қизлар – меҳмон, дейишар расми,
Ўзингники асли қиз боланг,
Ўғил боланг – бировнинг хасми.

Ўстирасан бўлиб парвона,
Эга чиқар битта жонона,
Бу савдога бўлма ҳайрона,
Ўғил боланг – бировнинг хасми.

Унутса ҳам ўз онасини,
Туғилган уй ҳам хонасини,
Унутмайди қайнонасини,
Ўғил боланг – бировнинг хасми.

Қизинг жони илиниб турар,
Юраклари тилиниб турар,
Меҳри кўздан билиниб турар,
Ўғил боланг – бировнинг хасми.

Соғинганда йиғламай кутгин,
Ичикмасдан ўзингни тутгин,
Кўз ёшингни култ этиб ютгин,
Ўғил боланг – бировнинг хасми.

Уй-рўзғори бўйнида хуржун,
Боламга дер, Худо берган кун,
Дуо қилу, чиқармагин ун,
Ўғил боланг – бировнинг хасми.

Юрагининг устунни – ёри,
Совуққотса пўстини – ёри,
Боласига топгани, бори,
Ўғил боланг – бировнинг хасми.

Урушсалар қози бўласан,
Ўртада тарози бўласан,
Ўлимингга рози бўласан,
Ўғил боланг – бировнинг хасми.

Иши тушса ёнингга чопар,
Ҳиндистонда бўлсанг ҳам топар,
Бошқа куни кутма, эй, модар,¹
Ўғил боланг – бировнинг хасми.

Хафа бўлсанг койиб, тонасан,
Кечирасан, чунки онасан,
Тушун, мунча куйиб-ёнасан,
Ўғил боланг – бировнинг хасми.

Жанжал қилма, онамисан, бас!
Келин сенинг кундошинг эмас,
Ўғлинг энди сирдошинг эмас,
Ўғил боланг – бировнинг хасми.

Совчиликка боришдан олдин,
Сандикқа сеп солишдан олдин,
Бир мантикқа кўникиб олгин:
Ўғил боланг – бировнинг хасми.

¹ Модар – Она.

Келса-ю келмаса, дуо қил,
Билса-ю билмаса, дуо қил,
Берса-ю бермаса, дуо қил,
Ўғил боланг – бировнинг хасми.

Меҳнатларинг – Худо йўлига,
Заҳматларинг – Худо йўлига,
Қаратиб қўймасин қўлига,
Ўғил боланг – бировнинг хасми.

Келинга гапирсанг мулойим,
Ўғлинг сендан рози ҳар доим,
Бу ҳаётдир, Марҳабо ойим,
Ўғил боланг – бировнинг хасми.

Марҳабо Каримова.



Қайноналарнинг эътирофларига қараганда, аёл зоти келин тушурмагунга қадар чинакам аёл мақомига кўтарилмас экан. Пўлат ўтда тобланганидек, аёл ҳам келин қилгандан кейин тобланса керак-да.

Юқорида келтирганимиз "қайнона ҳасратлари"га баъзи аёллар қўшилмас, хусусан, келинчаклар буни муболаға деб билишар, лекин бу қаршилик, менимча, узоққа чўзилмайди. Ўғиллари улғайиб, уйга келин келганда, эскича фикр ҳам ўзгариб қолар. Илоҳим, яхши келин келсин. Эрининг шимини киядиган зўравон келиндан Ўзи асрасин. Чимилдикдан чиқиб, тор кўйлак, калта юбка билан ўзини кўз-кўз қилиб бозорга соладиганини душманизга ҳам насиб қилмасин. Шунинг учун уйга келин келмагунча шошиб бир қарорга келмаган маъқул.

Ҳали аёл бўлмабсиз, пошшо

Уйни безаб, тузатсанг ҳам,
Эрни кутиб, кузатсанг ҳам,
Ўнта қизни узатсанг ҳам,
Ҳали аёл бўлмабсиз, пошшо.

Уйингизга келин келган йўқ,
Юрагингиз ҳали қувноқ, шўх,
Кафтингизда тутмагансиз чўғ,
Ҳали аёл бўлмабсиз, пошшо.

Ташвиш сиздан бир қадам нари,
Меҳнатларнинг келмади гали,¹
Зўр синовлар олдинда ҳали,
Ҳали аёл бўлмабсиз, пошшо.

¹ Меҳнат (محنة - محنة) арабча калима бўлиб, синов; машаққат, қийинчилик маъноларини ифодалайди. Биз билган "иш, машғулот, касб, хунар" маъносидаги "меҳнат" калимаси مهنة арабча сўздан олинган, жами مهين.

Кўзларингиз ҳали сурмалик,
Кўйлагингиз ёқа, тугмалик,
Уйингизда ғалва йўқ, тинчлик,
Ҳали аёл бўлмабсиз, пошшо.

Кўнгил қуши сайраб турипти,
Орзулардан яйраб турипти,
Ёв у кунни пойлаб турипти,
Ҳали аёл бўлмабсиз, пошшо.

Бир бегона қуш келиб унда,
Ахлатингиз "титади" кунда,
Билмасликка оласиз шунда,
Ҳали аёл бўлмабсиз, пошшо.

Қандай гулсиз, исингиз чиқар,
Чин қиёфа, тусингиз чиқар,
Ё тилло, ё мисингиз чиқар,
Ҳали аёл бўлмабсиз, пошшо.

Марҳабохон, шеър ёзмай кетинг,
Нима қилай бўлмаса, айтинг?
Тинч кунларнинг қадрига етинг,
Ҳали аёл бўлмабсиз, пошшо.

Марҳабо Каримова.¹



¹ Шеърлар шоиранинг "Дунёнинг бир қавати" китобидан олинди. "ФАРҒОНА" нашрети 2008 йил.

Яқинда ҳажвий иккита фотосуратга кўзим тушиб қолди. Биринчи суратда оқ либосга бурканган келинчак қўлида катта тўппонча билан қайнона уйига кетаётгани тасвирланган. У авангарддаги жангчи сингари ўқланган тўппончани юқори кўтариб олдинга илғам қадам ташлаб бормоқда. Орқада эса танка ортидан келаётган пиёда аскар каби куёвтўра келмоқда.

Иккинчи суратда қари қайнона қўлига автоматни олиб, "келаверинг, келинпошшо", деб келинни эшик тагида Калашников билан кутиб ўтирибди.

Фотоҳажвчи, ҳойнаҳон, тинмай "терроризм" ҳақида гапирётган матбуотдан таъсирланиб, оилавий ҳаётни ҳам шундай тасвирлаган бўлса керак. Гул эмас, тўппонча кўтарган ёш келинни кўрган киши уни албатта "террорист" демай иложи йўқ. Ундан нафратланиши аниқ. Билмайдик, келинни кутиб ўтирган қайнона пистолет эмас, автомат кўтариб ўтирибди.

Агар қайнона-келин муносабатларини ҳажвчи сураткашга ўхшаб ҳарбий истилоҳда ифодаласак, гоҳида келин мазлум бўлиб чиқади, гоҳида қайнона.

1- Баъзи келинлар тўппонча билан келади. Қайнона уни автомат билан кутиб олади. (Буни юқорида билдик).

2- Баъзи хонадонларда бунинг акси, келин автомат билан бостириб келса, қайнона тўппонча ё палахмон, сопқон билан ўзини мудофа қилади.

3- Келин тиш тирноғигача қуролланиб келади. Ўқ ўтмас кийимларни кийиб олади. Унинг орқасида (фронт ортида) эса замонавий қурол-аслаҳага эга қизнинг ота-онаси, опа-сингиллари, ака-укалари туради. Аммо қайнона бечора қуролга эга бўлиш нари турсин, умрида тўппончани ҳам кўрмаган.

Шунақа гаплар. Ҳамма келин ҳам, ҳамма қайнона ҳам бир хил эмас. Ҳамма ўғил болалар ҳам ғиштдек бир қолипдан чиқмаган. Пишиқ ғишт бор, хом ғишт бор, куйган ғишт бор, ҳеч нимага ярамайдиган ғиштлир бор.

Навбатни куйган ғишт ёки энг охириги ғиштга ўхшаган йигитлар "ҳасрат"ига берамиз. Гапни сал узоқдан бошлаймиз.

XXI аср "эр"ларининг ҳасрати

Охирги икки асрда аёл ҳуқуқи ҳақида гап кўпайиб кетди. Қайсидир жойларда, қайсидир соҳаларда қандайдир ютуқларга эришилди, деб иддао қилинди. Кўп жойда кўп соҳалардаги кўрқинчли зиён-зарарлар яширилди. Шунга қарамай касални иситма ошкор қилиб қўяр экан: хаста жамиятнинг зоҳирий ва ботиний дардлари унинг ингроқларидан, ҳали у ерини, ҳали бу ерини ушлаб, "оҳ-воҳ" тортишидан аён бўлиб қолар экан.

Аёлларни озод этиш баҳонасида бошқа жинойтларга қўл урилгани кейинроқ ойдинлашди. "Ойни олиб бераман"га бола ишонар дейилганидай, "озодлик бераман" деганлар сўзига лаққа тушган аёл ўлжага айланганини сезмай қолди. Маккор "овчи"лар унга озодлик бериш ўрнига ундан озодликни, нафақат озодликни, балки ундаги кўп фазилатларини олиб қўйди.

"Ҳуқуқ" калимаси ҳар ерда ҳар хил талқин қилиниб, ҳар хил тушунилди. Андак эмас, анчагина тушунмовчиликларга йўл қўйилди.

1857 йилда Нью-Йоркда тўқимачилик комбинатидан (текстильдан) минглаб аёллар ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қилиб кўчага чиқишди. Уларнинг талаби 16 соатлик иш вақтини қисқартириш ва иш ҳаққини кўтаришдан иборат эди.

1908 йилнинг 8 март куни Нью-Йорк шаҳар хотин-қизлар социал-демократ ташкилоти ташаббуси билан "Аёллар тенг ҳуқуқлиги" шиори остида катта митинг бўлиб ўтди. Шу куни ўн беш минг аёл (15 000) шаҳар бўйлаб марш ўтказди.

"Ҳуррият" газетасида ҳуқуқшунос Гулчеҳра Маткаримова қаламига мансуб "Аёл ҳуқуқи" номли мақола берилган. 1997 йилнинг охири, 1998 йилнинг бошида нашр этилган мақолада муаллиф хотин-қизларнинг ҳуқуқи кўп бузилаётган давлатлар ҳақида сўзлайди. Зўравонликка учраётган чет эллик аёллар хусусида айрим рақамларни келтиради.

"Шаҳвоний мақсадлардаги ҳақорат ва камситишлар ҳар куни аёлларнинг ҳаётига зомин бўлади. Бундай жиноятлар оилада, ишда, кўчада, қамоқхоналарда ва қочоқлар лагериди содир этилади. Аёллар зўравонлик ва қийноқнинг қурбони бўладилар. Америкада ҳар 6 минутда бир аёлнинг номуси топталади.

Перуда эса полицияга келиб тушган арзномаларнинг 70 фоизи эри томонидан калтакланган хотин-қизларники.

7 миллион аҳолиси бўлган Лима шаҳрида эса фақат 1987 йилнинг ўзида 168970 та хотин-қизлар зўрланган.

Ҳиндистонда ҳар 10 аёлнинг 8 нафари ўз эри, қайнонаси ва қариндош-уруғларининг зулми қурбони бўлмоқдалар.¹

Фарангистонда 95 фоиз қонунбузарликнинг қурбонлари хотин-қизлардан иборат. Умуман қоидабузарликнинг 51 фоизи айнан оилада содир этилади.

Бундай қонунбузарлик ва зўравонликлар Бангладеш, Канада, Кения, Того, Гана каби давлатларда ҳам мавжуд", деб ёзади ҳуқуқшунос олима. Мақолада аёл зотини хўрлашнинг бошқа тури тилга олинган. Жумладан автор шундай дейди:

"Баъзи мамлакатларда қиз фарзанд ҳомилалик чоғидоёқ аборт йўли билан мажбурий равишда олиб ташланади. Масалан, Хиндистон ва Хитой шундай давлатлардан".²

Баъзи мамлакатларда нафақат қизни, балки ўғил болани ҳам аборт орқали ва бошқа йўллар билан олиб ташланар экан. У мамлакатларда қиз эмас, насл нишонга олинган. Наслни қуритиш ва қиришнинг янгича усуллари ишлаб чиқилган.

¹ Кеча (2013 йил 5 декабр) Би-Би-Си тарқатган хабарга кўра, хиндистонлик 27 ёшли Гириш Поте Франция фуқороси бўлган рафиқасини аввал пичоқлаб ўлдирган, сўнгра бурдалаб музлатгичга солиб қўйган. Мақоланинг "Хотинимни ўлдириб, бўлаклаб, музлатгичга солиб қўйдим" деган сарлавҳаси ҳар қандай кишининг ичини музлатиб ташлайди. Қизиғи, улар рўзғордан қийналган оилалар каби эмас, аксинча ҳашаматли вилада яшовчи бой оила экан.

² Гулчехра Маткаримова, "Аёл ҳуқуқи". "Ҳуррият" газетаси. 1998 йил, 7 январь.

Чет элларда на дин ва на давлат тарафидан ҳимояланган бечора хотин-қизлар ўз ҳақларини ўзлари талаб қилиб митинг ва маршлар уюштиришди. Ўз ҳақлари учун ўзлари кураш бошлашди. Уларнинг кураши иқтисодий тенглик ва хотин-қизларга шахс сифатида тажовуз қилинишини бартараф этиш масалаларини ўз ичига олган эди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Япониянинг комбатантлари хотин-қизларга нисбатан кўплаб жиноятлар содир этган. Ўша вақтларда 90 фоизи Корея фуқароларидан иборат бўлган 200 мингдан зиёд хотин-қиз япон аскарларининг кўнгилхушлик қилишлари учун ажратилиб, рўйхатга олинганлар. Бу аёлларни одатда "маишатбоп аёл" деб аташган.

Ғарбда бошланган феминистик ҳаракатлар ўз қудратини кўрсатди. Аёллар давлат ва жамоатчилик диққатини ўзларига қарата олдилар. Топталган ҳуқуқлар қисман тиклана бошлади. АҚШ да 1909 йилдан 1913 йилгача, февраль ойининг охириги якшанбасида хотин-қизлар байрами нишонланилди.

1911 йилдан Халқаро хотин-қизлар куни Германия, Австрия, Дания ва Швейцария 19 мартда нишонлана бошланган. Кейинчалик 12 майда нишонланган. 1914 йилдан эса 8 март байрам куни деб белгиланган. Бу кун Ангола, Гвинея, Камбоджа, Хитой, Конго, Лаос, Македония, Непал, Жанубий Корея ва Уганда давлатларида ҳам дам олиш куни деб эълон қилинган. Кейин бу "байрам" оммавийлашиб, бутун дунёда нишонланадиган бўлди. 2011 йили хотин-қизлар байрамининг 100 йиллиги нишонланган.

Хўш, "аёл ҳуқуқи" тушунчаси ўзбек заминида бундан 100 йил муқаддам қандай талқин қилинган? Қандай тушунилган?

Аёлнинг "Уй бекалиги" унинг ҳуқуқини топташмиди?

Ўзбек аёллари ўша пайтда чет элдаги мазлумалар каби завод-фабрикада 16 соатлаб ишлаганми?

Кўча-кўйда эркаклар томонидан зўрланганми?

Николай II нинг 1916 йил 25 июндаги "Империядаги рус бўлмаган эркак аҳолини ҳаракатдаги армия районида мудофаа иншоатлари ва ҳарбий алоқа йўллари қуриш ишларига жалб қилиш" ҳақидаги фармонида Туркистон ўлкасидаги рус бўлмаган 19 ёшдан 49 ёшгача бўлган жами 250 минг эркакни фронт ортидаги ишларга сафарбар қилиш кўзда тутилган. Ҳар шаҳарга минглаб мардикор юбориш вазифаси юклатилган. Бу халқнинг ғазабини кўзгатади. Нафрат ва ғазаб ғалаёнга айланади. Бунга қарши хотин-қизлар; оналар, рафиқалар, қизлару келинлар оёққа турган.

Ўзингиз яхшилаб ўйлаб кўринг, эрини, ўғлини, куёвини мардикорликка юбормаган она ўз қизини, келинини чет элга хушторликка жўнатишга рози бўладими? Номусингни сотиб нон топ, дейдими?!

Шижоатли у аёллар турли қийноқлар қурбони бўлганми?

Ўша кунларда аёл қурилишда қурувчи бўлиб ишлаганми?

Қўлида қадоғи бўлмаган эркак қурувчини топиш қийин. Оғир меҳнатга мосланган эркак териси-ки қавариб қадоққа айланса, мулойим қўл қавармайди деб ким кафолат беради?

﴿ *وَلَيْسَ الذَّكَرُ كَالْأُنْثَىٰ* ﴾ ﴿ *Ўғил қиздек эмас.* ﴾ Қиз ҳам ўғилдек бўлмас.

Латофат, малоҳат соҳибаси момик қўлини ғишт-лойга урса, куннинг айни исиган палласида эркаклар билан елкамаелка туриб теппа-тенг ишласа, ул гўзал хилқатдан нима сақланиб қолиши мумкин? Бундай аёл қайси эркакни нимаси билан мафтун қила олади? Нимаси билан қалбни қитиқлаб, дилда ширин ҳис-туйғулар уйғота олади?

Аёл ўша даврда (чимматига чангал солинган; қисматига қилич урилган давр) темир йўлда, рельслар орасида лом, бел, курак кўтариб, девсифат, бақувват йигитлар ишини бажарганми; нозик қўллари билан бетондай қаттиқ ерларни ўйганми? (Ёшлигимда поездга чиққанимда темир йўлда ишлаётган аёлларни кўриб юрагим эзилганди).

Алпомишу Фарҳоддек рустамнамо йигитлар уйда бола боқиб, қозон қайнатиб, кир ювиб, хотинлари рўзғор тебратиш учун шаҳарма шаҳар, бозорма бозор кезганми?

Бокира қизлар, бола-чақали жувонлар нон кўйида хорижга чиқиб танафурушлик қилганми? Жилла курса бир тиламчи аёлни кўчада гадойлик қилганини кўрган борми?

Одам савдоси бўлганми? Аёллар мардикор бозоричи?

Бу саволларга аниқ фактлар билан жавоб берадиган холис тарихчини излаб топиш мумкинми?

1857 йилда Нью-Йоркда фабрика-ю комбинатдан минглаб аёллар ўз ҳуқуқини талаб қилиб катта кўчага чиққан пайтда мусулмон аёллари Америка ва Европа аёллари каби ҳуқуқи топталган эдими ё эрининг топганини бирга баҳам кўриб, бола тарбияси, уй идораси ва саранжомлиги билан бандмиди?

Шўролар даврида ўтмиш мутлоқ қора қилиб кўрсатилган. Эртани ўйламай, юқорига ёқаман деб кўплар ҳеч истиҳола қилмай оғзига келган ёлғонни гапиришдан тап тортмаган. "Агар хотинлар оламини мазлумалар деб аташ жоиз бўлса, мусулмон хотинларини мазлумалар мазлумаси, деб атамоқ тўғрироқ бўларди. Ислом дини, шариат қонунлари¹ мусулмон хотинларини ҳар қандай кишилик ҳуқуқларидан маҳрум этиб, уларни тўрт девор орасида асоратда тутди",² деб динга, тарихга, афифа қизларга, Ўзбек ойим, Офтоб ойим каби ўша даврни гавдалантирган озод оналарга тухмат қилинди.

Бундай асоссиз даъволар, бўҳтон ва уйдирмалар тўқиш шўроларнинг манфур сифатларидан бири бўлган.

Қаранг! Фарбда аёллар завод-фабрика ёки далада 16 соат ишлашдан безиб, ўз уйига ошиқса, Шарқда аёлларни уйдан зўрлаб чиқариб, ишга: завод-фабрика ва далаларга ҳайдаш компанияси авж олдирилган.

¹ Мусулмонларни қоралаш билан Исломни қоралаш ўртасида катта фарқ бор.

²Тўхтасин Жалоловнинг "Бону" номли асаридан. 1963 йил. Ёш гвардия нашрети.

"Дарҳақиқат, на феодализм жамияти, на капитализм жамияти хотин-қизларнинг зако ва истеъдодини идрок этмади. Бу улуг кучни (аёллар кучини) жамият тараққиёти йўлида ишга солиб кўрмади. Мана шу жиҳатларни кўзда тутиб маишур рус революцион-демократ танқидчиси Н.Г. Чернишевский бундай деган эди: "Табиат хотин-қизларни кучли, истеъдодли қилиб яратиб, ақл-идрок билан тақдирлаган бўлса-да, бироқ, бу ақл-идрок жамият учун фойдасиз бўлиб қолмоқда. Жамият бу ақлни рад этмоқда, поймол қилмоқда, бўғмоқда. Агар бу ақл-идрок инкор қилинмаган, бўғилмаган ва аксинча ишга солинган бўлса эди, кишилик тарихи ўн марта тез тараққий қилган бўларди".

Агар Н. Г. Чернишевскийнинг бу сўзлари Европа хотинларининг жамиятда тутган мавқеларига нисбатан бир карра тўғри бўлса, мусулмон Шарқдаги аёлларнинг аянчли аҳволларига нисбатан минг карра тўғридир. Агар хотинлар оламини мазлумалар деб аташ жоиз бўлса, мусулмон хотинларини мазлумалар мазлумаси, деб атамоқ тўғрироқ бўларди. Ислом дини, шариат қонунлари мусулмон хотинларини ҳар қандай кишилик ҳуқуқларидан маҳрум этиб, уларни тўрт девор орасида асоратда тутди".¹

﴿ سُبْحَانَكَ هَذَا بُهْتَنٌ عَظِيمٌ ﴾ ﴿ Субҳанак! Покпарвардигор, бу гирт туҳмат – буюк бўҳтон-ку! ﴾

Икки-уч йил олдин ёзилган рисоламда "советлар озод қилган, эрк ва ҳуқуқ берган ўша мазлумалар мазлумаси" билан олиб борилган суҳбатни газетадан нақл қилган эдим. Такрор бўлсада шу суҳбатни қайта эътиборингизга ҳавола қилмоқчиман. Ахир керакли тошнинг оғирлиги йўқ, дейдилар-ку.

"Турғунлик йиллари" деб аталмиш даврда шўролар инқилобидан олдинги "эски ҳаёт" ва инқилобидан кейинги "янги ҳаёт"нинг тирик гувоҳи бўлмиш кекса аёлни телевидениега

¹ Юқоридаги манба.

чорлатиб суҳбат ўтказилади. Бу ҳақда Ўзбекистон ҳафта-номасида шундай хабар берилганди:¹

Турғунлик йилларида телевидениега эндигина ишга келган ёш бир журналист кекса большевик аёл иштирокида кўрсатув қилишга жазм этади. Экранга олиб чиқишдан аввал сиёсатга тўғри келмаган бирор гапни айтиб юбормасин деб, унинг гапларини ўзича текшириб, таҳрир қилмоқчи бўлди.

– Илгари замонда ёмон яшаганингиз, ҳозир фаровон ҳаёт кечираётганингиз ҳақида гапириб берасиз. Қани, ҳозир бир гапириб кўринг-чи.

– Илгарги замонда ёмон яшардик. Мана, ҳозирги замонда фаровон ҳаёт кечирмоқдамиз, Худога шукр...

Ёш муҳаррир унинг сўзини чўрт кесиб:

– "Худога шукр"ни айтманг, сиз большевик аёлсиз, – деди.

– Вой болам, шунга ўрганиб қолганмиз-да. Мана, ҳозир фаровон яшаймиз, еганимиз олдимизда, емаганимиз оптимизда, Худога шукр...

– Э, "Худога шукр"ни айтманг, дедим-ку, у диний ибора.

– Дўконларда ҳамма нарса мўл-кўл, муҳайё.

– Дўкон деманг, магазин денг.

– Вой болам, илгарги замонда дўкон бўларди-да. Унда одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса бўларди. – Бирдан кампир сайраб кетди. – Гўшт дейсанми, гурунч дейсанми, қоп-қоп ун, мош, ёғ, совун, гугурт... Лампа шиша дейсанми, лампа ёғи дейсанми, ҳатто ўтингача ўша битта дўкондан, баққолдан топиларди, – кампир яна авжига чиқди. – У вақтда ҳеч ким бировнинг ҳаққига кўз олайтириб қарамасди, битта чўпига ҳам тегмасди. Қош қорайганда дўкондорлар дўконнинг атрофини чипта билан ўраб уйларига кетаверардилар.²

¹ Убай Бурҳон. Ўз.АС 1993 йил, 9 апрел.

² Азиз, ёш ўқувчилар! Бундан 100-150 йил олдин дўконга (магазинга, уйга) қулф осилмаганини биласизми?

Дўконга қулф осиб 1917 йил тўнтаришидан кейин бошланган. А.Ф. Керенский раислик қилган вақтли ҳукумат жамиятда тартиб-интизомни сақлашга ожизлик

– Тушундим, хола, тушундим. Буларни гапириб ўтирманг. Ҳозир фаровон ҳаёт кечираётганингизни гапириб берсангиз, бас. Лекин "дўкон" деб юборманг, "магазин" денг... "Дўкон" – бу эски замондан қолган ибтидоий сўз, эскилик сарқити, тушундингизми?

– Тушундим, болам, тушундим.

Хуллас, кўрсатув вақти яқинлашди. Кампирни яна ваҳима босди, кўрққанидан қўллари қалтираб, худди бирор фалокат олдидан калима келтиргандек ўз-ўзича пичирлади. "Ишқилиб, ўша магазин ўлгур эсимдан чиқмасин-да".

Деворда аллақандай чирог ёниб, "Микрофон очиқ" деган сўзлар ёзилди. Энди кампирнинг вужудини ваҳима босди, кўзлари тиниб кетди, боши айлангандек бўлиб, эс-ҳушини йўқотаёзди. Худди шу вазиятда ёш муҳаррир кампирга савол бериб қолди:

– Неччига кирдингиз, нечта фарзандингиз бор, неvara, чевараларингиз кўпми?

Кампир дарров ўзини тутиб олиб, бурро-бурро жавоб берди. Энди муҳаррир асосий саволга ўтди:

– Илгарги замонда қандай яшаган эдингиз, ҳозир қандай яшаяпсиз? Шу ҳақда гапириб берсангиз.

– Хўп болам, ҳалиги ўзинг ўргатган гапларни айтаман-да, деди-ю гапга тушиб кетди. – Илгарги замонда ёмон яшардик. Мана ҳозир фаровончилик, еганимиз олдимизда, емаганимиз орқамизда. Дўконларда... Вой ўлай, айтиб юбордим-ку, – деди-ю бирдан тилини чиқариб, таққа тўхтаб қолди. Кампир тушмагур, шу тилини осилтирганча кўзларини катта очиб, бўзрайиб қараб тураверди.

қилиб қолади. Илгари шунчаки ёпиқ турадиган дўконлар ва хонадон эшикларига катта-катта қулф туша бошлайди. Ҳукуматга бoльшивеклар келгач, аҳвол ундан баттар оғирлашади. Аввало, бeгонaлар таъсири, йўқчилик ва асосийси динсизлик сабабидан ўғрилиқ, бoсқинчилик авж олади. Динсизлик кучайган сари қулф ҳам иш бермай, сигналлар системаси – сигнализация йўлга қўйилди.

Телеоператор ҳам худди аксига олгандек тилини осилтириб турган кампирнинг юзини экранда катта қилиб кўрсатиб турарди. Қаршисида ўтирган ёш муҳаррир унга "хола, тилингизни тортиб, оғзингизни ётиб олинг" деёлмасди. Чунки бу ҳангомаларни миллион-миллион томошабинлар кўриб турганди. Кампир на телеоператорнинг, на режиссёр ёрдамчисининг имо-ишорасини тушунарди. Ҳатто телеоператорлардан бири тилини чиқариб, яна тортиб олиб, нима қилишини кўрсатди, бўлмади...

Телеоператор ва режиссёр ёрдамчиси қулоғидаги микрофонларда фигони фалакка чиққан режиссёрнинг:

– Нима, кармисанлар, кампирга айт, тилини тортиб олсин, – деган овози билинар-билимас эшитилиб турарди. "Шошганда лаббай топилмайди", дегандек ҳамма саросимага тушиб қолганди. Ниҳоят режиссёр:

– Панорама қил, панорама, – деб бақирди.

– Қаёққа?

– Хоҳлаган томонингга! Тўрт томонинг қибла!

Телеоператор аппаратни "Бизнинг мулоқот" деб ёзилган ёзувга бурди-да, шунинг билан мусиқа чалиниб, кўрсатув тамом бўлди.

Убай Бурҳон. Ўз.АС 1993 йил, 9 апрел.

Хўш, хотин-қизлардан, ҳатто кекса кампирлардан "Худо хоҳласа"ни юлиб олиб; иймонидан айириб, унинг ўрнига "партияга бўлган ишонч"ни бериб қандай фойда топилди? Ким ҳаён кўрди-ю, ким зиён кўрди?

"Дўкон дема! Магазин де!" деб сўзга, фикрлашга, кийим кийишга, кўйингки, дахлсиз ҳуқуқларга тажовуз қилиш ва бундан бошқа турли зўравонлик билан аста-секин миллатни ўзлигидан айириш ортида нималар бекинган эди?

Иймонидан ва ўзлигидан айрилган, зехнияти заҳарланган қарам инсон тўлақонли хур, эркин бўлиши мумкинми-ди?

Аввал турли баҳоналар билан хотин-қизларнинг бошидаги рўмолини ечиб, бир мунча вақт ўтгач, енгини қирқиб, сўнг тўпикни ёпган этагини тиззанинг кўзигача очиб ким қандай фойда кўрди?

Бу билан фисқ-фасодга кенг шароит яратиб берилмадими?

Аёлни очиб, уйдан кўчага чиқариб, унинг энг асосий ва ўта масъулиятли олий вазифаси бўлмиш фарзанд тарбиясидан мосуво этиб, қўлига кетмон, бўйнига этак илиб қанча даромад топилди-ю, қандай ютуқларни қўлга киритилди?

Энди "оҳ!" десак ҳам, "воҳ" десак ҳам фойдаси йўқ. Шўри қуриган шўролар ҳамманинг шўрини қуритиб кетди.

Биз билган тўғрими, нотўғрими эски маълумотга кўра, ўшал мудҳиш даврда актив фаолият олиб борган, ёки фаол кўрсатилган Ҳамза Ниёзий Туркистон жамоли бўлмиш гўзал Фарғона халқига хитоб қилиб шундай деган экан:

Эй мардуми Фарғона, аҳволингга ким йиғлар?

Бадбахтликқа юз тутган иқболингга ким йиғлар?

Иффат ила номусинг кимлар қўлида барбод?

Қурбон ўлан маъсумлар, аҳволингга ким йиғлар?

Қон йиғлатса афлокни отингни хаёлотни,

Дарвоқе шу фурсатда аъмолингга ким йиғлар?

Ўзбекистонга тижорий сафар билан келган германиялик немис иш юзасидан Фарғона водийсининг айрим шаҳарларига боради. Рафиқасини ҳамроҳ қилган тадбиркор оддий ўзбек қизлари кийган "кийим"дан ҳайратланиб: "Бизда маданиятли оилалар бундай кийимни киймайди. Бу қадар яланғочсифат аёлни биз томонда кўрмайсиз. Битта-яримта фоҳишагина бузукчилик билан танилган жойларда шу алфозда кўриниб қолиши мумкин. Аммо сизларда туппа-тузук хонадон қизлари ҳам буни жамоат жойларида кийишдан уялмас экан", деган эди.

"Парчалаб кишанларни ҳар томон паришон қилган" аёлни, агар бугун оташин шоир кўриб қолса, қандай радифли шеър битар эди? Ахир аёлнинг очилмаган жойи қолмади-ку.

XXI аср аёли бугун бутунлай ўзгарган. У мутлақо озод. Ҳамма орзуси ушалган. Тешик тоғара-ю эски кулбадан асар ҳам қолгани йўқ. Эр балиқчи чол каби тинимсиз маликаи Турандот истаклари йўлида бўзчининг моқисидек югургани югурган. Тўғри, минг марта митинг ўтказиб муаммолари ҳал бўлмаган аёллар ҳамон топилади, балки аввалгидан серобдир. Зўрланаётган, номуси, ҳуқуқи топталаётган аёллар жаҳонда ҳали ҳам йўқ эмас. Ҳиндистонлик ёш Гириш Поте рафикаси каби золим, жоҳил ва оқибат билан ҳисоблашмайдиган тезоб эрлар кўлида қурбон бўлаётган хотинлар топилар. Лекин шунга қарамай, аксар хотинлар бугунги кунда жиловни кўлга олган. Унга ўз хўжайини ҳам хўжайинлик қилолмайди. Ўзи хон кўланкаси майдон жиловбардор аёллар эр жониворни маҳкам жиловлаб олган.

Иш шу тарзда давом этса, бундан кейин "хотин-қизлар ҳуқуқи" ҳақида эмас, "эр ва йигитлар ҳуқуқи" ҳақида ёзишга тўғри келадими? Фарҳодни Ширин, Алпомишни Барчиной, Отабекни Зайнаб, Ғофирни Жамила, Йўлчини Гулнор зулм-ситамидан қутқарадиган ташкилотлар тузиладими?..

"Тирик хазина ёхуд жаҳонгашта сўз"¹ номли мақола муаллифи: "Юртдан кетиб баъзан гадо бахтга ёр бўлур, ғарибликда тахтга ёр ҳам хору зор бўлур, деганларидек мусофирлик Сўзнинг бошига ҳам яхши-ёмон кунларни солар экан", деб сўзларнинг ўзгариб кетиши ҳақида тўхтаган эди. Иқлим, табиат ўзгаряпти, инсон ва унинг яшаш тарзи ўзгаряпти. Бу қитъадан у қитъага сафар қилиш бу маҳалладан у маҳаллага боришдек осон бўлиб қолган. Ғарблик билан шарқлик ўз уйида ўтириб бир-бири билан бемалол пичирлашиб гаплашиши оддий ҳолга айланган. Глобаллашув маданиятларни, урф-

¹ Э. Воҳидов.

одатларни ўзгартириб юборяпти. Шу зайлда тилимиз ўрганган сўзлар ҳам ўзгариши турган гап. "Эр-хотин" ўрнига, балки "хотин-эр" дейилар. Эркак қадри пасайиб кетаётган даврда "эр-хотин" дегандан кўра "хотин-эр" дейиш ўнғайга ўхшайди. "Бола-чақа" ўрнига "чақа-бола", "кеча-кундуз" ўрнига, "кундуз-кеча" дейиш ажабланадиган ҳол бўлмай қолади.

Хуллас биз бу ўринда 16 соатлаб завод-фабрикада ишлаб, уй юмушларига, бола-чақа тарбиясига, эр ҳаққини адо этишга вақт тополмай Нью-Йорк кўчаларида митинг қилган аёллар ҳақида эмас, хафталаб, ойлаб уйига келмай, эр-бола боқиш баҳонасида олам кезиб юрган аёллар ҳақида тўхтаимиз. Аниқроғи, шу мавзуда ёзилган ҳажвий ҳикояни эътиборингизга ҳавола қилиб, XXI аср "эрлари"нинг сассиз ҳасрати билан танишамиз.

Бу ҳикояда юқорида зикр қилганим: йиллар давомида тахланиб қолган саволларга, "аёлни очиб ким баҳра кўрди?", "уни эркаклардек ишлатиб ким қанча фойда топти?", "иш шу тарзда давом этса, бундан кейин "хотин-қиз ҳуқуқи" ҳақида эмас, "эр-йигит ҳуқуқи" ҳақида ёзишга тўғри келадими?" деган сўроқларга қисман жавоб топгандек бўласиз.

Марҳум адиб кичкина ҳикояга оламжаҳон мазмунни сиғдиришга муваффақ бўлган. Эр-хотин, кечирасиз, хотин-эр образи орқали маънодор қочиримлар билан аламли воқеликни тасвирлаб берган.

"Ҳамдард"нинг 24-бетида:

Зайнаб яхши ниятларда бир ёстиққа бош қўйган "эр"идан эрлик аломатининг бирортасини кўрмади. Муҳаббат ҳиссидан асар йўқ. Ҳаттоки сохта севги ундан дариг тутилган. Хотин сифатида "эр"ига термилиб қараса, "эр" ундан юзини буради. Яқинлашса, орқага тисарилади. Лоақал сўз билан ички ўт алангасини ўчирай деб суюкли эрига ширин сўзларни танлаб гапирса, "қаллиқ" жонивор тилсиз ҳайвондек жимжит.

Зайнабнинг қорни тўқ, усти бут, егани олдида, емагани ортида бўлгани билан у гирт азобнинг ичида кун кўрарди, ҳаммага ором бахш этган тун унга алам бағишларди. Бу ҳол изоҳга муҳтож бўлмаса керак. Ахир бахт-саодат фақат еб-ичиш, қиммат кийим кийишининг ўзи билан ўлчанмайди-ку, деб 150 йил олдин ўтган Зайнаб кечинмаларини ёзган эдик, унга анча ачинган эдик.

Орадан бир ярим аср вақт ўтди. Кўп нарса ўзгарди. Энди Зайнабга қисматдош эркаклар пайдо бўлди. Яъни номига хотини бор эрлар вужудга келди. Шунинг учун юқоридаги икки сатрда ёзилган Зайнаб ҳақидаги жумлада аёл исмининг ўрнига эркак исмини қўйиб ўқисангиз, ХХІ асрдаги айрим "эрлар" нинг оғир қисматидан воқиф бўласиз.

Масалан, Ҳошим яхши ниятларда бир ёстиққа бош қўйган "хотин"идан хотинлик аломатининг бирортасини кўрмади. Муҳаббат ҳиссидан асар йўқ. Ҳаттоки сохта севги ундан дариг тutilган. Эр сифатида хотинига термилиб қараса, хотин ундан юзини буради. Яқинлашса, орқага тисарилади.

Ҳошимнинг қорни тўқ, усти бут, егани олдида, емагани ортида бўлгани билан у гирт азобнинг ичида кун кўрарди, ҳаммага ором бахш этган тун унга алам бағишларди...

Қадрдонлар, жиддий асарга ҳажвияни аралаштирибди, деб аччиқланманг. Ҳаётнинг ўзи шундай бўлиб қолди: бир томонга қараб куясиз, бир томонга қараб куласиз. Аслини олганда бу ҳажвия остида ҳасрат яширинган.

Қадри пасайган эр зотининг, "инфляция"га учраган эркак қийматининг оғир аҳволини баён қилган бошқа бир қисса ёки ҳикоя топганимда, уни ҳам шу ерга қўйган бўлур эдим...

Шу аянчли "ҳажвия"нинг ўзи ҳам ўзини ўнглайман деган эрлар учун кифоя қилади.



"Ўзимнинг мўминчигим"

(Лабдан кулгини, кўздан уйқуни қочирадиган ҳажвия)

*“Поччалар Ача бўлди,
Ачалар Почча бўлди”*

Халқ мақоли

Куала-Лумпурдан¹ учган “Боинг” ҳаво кемаси Тошкент аэропортига келиб қўнганида кун оғган эди. Мўминтой халқаро залда интиқ бўлиб тагин бир соатча кутди. Ниҳоят залнинг нариги эшигида Маликаи-Турандот кўринди. Ёнида тансоқчиси — “у-шу” бўйича Осиё чемпиони Барчиной.

Мўминтой ҳамма эркаклар қатори хотинини кўзи тўрт бўлиб кутган, соғинган эди. Қўлидаги гулдастани кўтариб истиқболига югурди. Маликахоннинг лабидан бўса олмоқчи эди, хотини юзини тутиб қўяқолди. Мўминтой кўнгли чўкса ҳам сездирмади.

— Ассалому алайкум, хоним, — деди одоб билан. — Зиёратлар қабул! Яхши келдингизми?

Маликахон аёлларга хос вазминлик билан “дуруст” дедию, зина томон йўналди

Уччовлашиб пастга тушдилар. Яп-янги “БМВ”нинг эшиклари очик турар, ҳайдовчи белгиланган тартибга биноан рулда қилт этмай ўтирарди. Мўминтой Маликахоннинг ёнига ўтирмоқчи эди, хотини “шўпирнинг олдига ўтираверинг”, дегандек имо қилди. Ўзи тансоқчиси билан орқа ўриндиқдан жой олди.

Эркак кишининг кўнгли нозик бўлади. Айниқса, хотинини соғинган эркакнинг. Мўминтой аразлаганини билдириш учун машина эшигини қарсиллатиб ёпти. Маликахон эрининг дили оғриганини сизди.

— Умидчик қалай? — деди жилмайиб.

Мўминтойнинг кўнгли ёришди.

— Юрибди чопқиллаб, — деди ортига ўгирилиб. Сўнг бунақа пайтда аёлни “эритиш” учун барча эркаклар айтадиган гапни такрорлади. — Сизни шунақанги соғинган, шунақанги соғинган! Ҳар куни богчадан келиши билан “аяжоним қанила?” деб хархаша қилади. Бола ичкиб қолмасайди, деб қўрқаман, хоним!

¹ Малайзия пойтахти.

Уйга етгунча бошқа гаплашмадилар. Қўшқаватли дарвозадан кирдилар. Маликахон имо қилган эди, Барчиной ёнбошдаги хонага кириб кетди. Бу — тансоқчиларнинг хос хонаси бўлиб, тартибга кўра Маликахон таклиф қилмагунча улар хонадан чиқмасди.

Эр-хотин... кечирасиз, хотин-эр иккинчи қаватга чиқиб арабий гиламлар тўшалган ётоққа кирдилар. Мўминтой Маликахонга согинч тўла кўзлари билан мўлтираб термулди. Маликахон денгизда кўп чўмилган бўлса керак, юзлари тиниқлашиб, янаям очилиб кетган эди. — Яхши келдингизми, хоним, чарчамадингизми? — деди эркакларча назокат билан.

— Чарчаганда нима? — деди Маликахон зардасиз оҳангда. — Самолётда саккиз соат учшининг ўзи бўладими? Сауна тайёрми?

— Тайёр! — деди Мўминтой ҳозиржавоблик билан. — Тошпўлат пешинда ёқиб қўйган.

— Яхши. — Маликахон энди ечинаётган эди, йўлак томондан эркак кишининг ийманибгина йўталгани эшитилди. Мўминтой билди: бу — уй хизматчиси Тошпўлат эди.

— Нима гап? — деди йўлакка чиқиб.

— Умиджонни богчадан обкелувдим, — деди Тошпўлат пичирлаб.

— Кираверсинми?

Мўминтой хотинидан берухсат нима дейишини билмай турган эди, ичкаридан халат кийган Маликахоннинг ўзи чиқиб келди.

— Қани Умидчик? — деди ҳаяжонланиб.

Тошпўлат лўмбиллаб зинадан тушиб кетди. Зум ўтмай уч яшар Умиджон узун йўлак бошида кўринди. Маликахон “болажоним, бормисан?”, деб қучоқ очган эди, Умиджон негадир онасига эмас, “адажсо-о-он” деб отасининг бағрига отилди. Мўминтой хотинининг олдида қаттиқ изза бўлди. Бу нимаси, худди ўргатиб қўйгандек.

— Аяжонингни ўпмайсанми, жиннивой! — деди болани эркалаб.

— Ҳар куни “аяжоним қачон келадила” дердинг-ку!

— Мен сенга пултли самолёт обкелдим, Умидчик, — Маликахон шундай деб ётсираброқ турган болани бағрига босди. Икки юзидан ўпаётиб, бирдан жиддий тортди.

— Пешонасига нима қилди? — деди гоҳ эрига, гоҳ Тошпўлатга қараб.

— Нега гурра бўлди?

— Ҳечқиси йўқ, — деди Мўминтой айбдор оҳангда, — богчада Жамила деган қиз билан уришибди. Бола-да, бола...

— Неча марта айтаман, Умид қиз болалар билан ўйнамасин, деб!
— Маликахон таҳдид билан Тошпўлатга қаради. — Ҳой, мўйлов!
Болага қарасанг, ўласанми?! Уч юз долларни бекорга олаяпсанми,
тўнка!

— Узр, бекам! — деди Тошпўлат ерга қараб. — Иккинчи такрор-
ланмайди!

— Агар шу боланинг бир жойи тирналса, мўйловингни узиб
қўлингга тутқазаман, тушундингми?

Тошпўлат “Хўп бўлади, бекам, хўп бўлади” деганча орқасига
тисарилиб, зинадан тушиб кетди.

...Маликахон икки юзи шафтолидек қизариб саунадан чиққанида
емакхонада кечки овқат тайёр эди.

— Чучвара қилдим! — деди Мўминтой мақтаниб. — Ўз қўлим
билан! Холмат яхши ошпаз бўлгани билан хамир таомга уқуви йўқ.
Хотинини соғинган эркакнинг қўли ширин бўп кетарканми, Мўмин-
тойнинг чучварасига гап йўқ эди! Ҳар биттаси нари борса данакдек!
Бунақанги чучвара тугишга фақат эркак кишининг қўли келишади!
Мўминтой таомдан аввал буфетдаги шотланд вискидан қадаҳга
қуяётган Маликахонга “қўйинг, шуни ичмасангиз бир нима бўла-
дими?” деб дашином бергиси келдию, тилини тийди. Ичгиси келган
аёлнинг шаитини қайтариб бўларканми?

Эр-хотин... кечирасиз, хотин-эр иштаҳа билан овқатланишиди.

— Ўзим ҳам сизнинг чучварангизни соғингандим, бегим, — деди
Маликахон. — Нуқул балиқ, криветка ейвериши жонга тегди.
Мўминтой, “бегим” деган эркаловчи сўзни эшитиб эриб кетди.
Эркак кишига нима керак? Бир оғиз ширин сўз, бир оғиз мақтов...

— Хоним, — деди мулойим табассум билан. — Қанийди ҳеч қаёқ-
қа бормасангиз, ёнимда ўтирсангизда, ҳар куни оғзингизга ёқадиган
таомлар пишириб берсам...

Мўминтой ҳарчанд эркаланиб гапирмасин, Маликахонга малол
келгандек бўлди.

— Унда бизнесни ким юритади, оилага ким бош бўлади, хўжай-
ин?

Хотини “хўжайин” деган сўзни истехзо билан айтганини Мўмин-
той тушунди. (Эркак киши сезгир бўлади). Вазиятни юмшатиш учун
гапни бурди.

— Хоним, — деди сирли қилиб. — Қаранг, баҳор ҳам келди...

— Шунақами? — Маликахон индек қошини чимирди. — Денгиз буйидаги мамлакатларда баҳор билан ёзнинг фарқи бўлмайди...

— Шунақасиз-да, хоним! — Мўминтой аразлаб лабини бурди. — Сиз баҳорниям билмайсиз...

— Хўп баҳор келса нима бўпти? — сўради Маликахон.

Эркак кишининг хаёли камбағалнинг ҳовлисига ўхшайди. Камбағалнинг ҳеч вақоси йўқлиги учун ҳовлиси кенг кўрингандек, эркакнинг орзу-хаёллари ҳам чегара билмайди.

— Эсингиздами... — Мўминтой орзумандлик билан хўрсинди, — Тўрт йил олдин айни шунақа баҳор пайти, Умиджон туғилишидан олдин “Кўк сомса егим келяпти”, дегандингиз. “Жоним билан, пишириб бераман” десам, “Йўқ, ўзим қиламан”, деб “мадор сомса” пиширгандингиз... Бирам ажабтовур сомса бўлгандики! Ҳалиям мазаси оғзимда турибди.

Эри кўзларини сузиб, шу қадар эркаланиб гапирдики, Маликахоннинг меҳри товланди.

— Сиз “мадор сомса” ейман дейсизу, биз йўқ деймизми, бегим! — деди аёлларга хос қатъият билан. — Фақат ичига нима солишни эслатиб қўйсангиз бас! Эртагаёқ “телех”лар билан Олой бозорига тушиб ҳаммасини ест қиламан, эржон!

Мўминтой яйраб кетди.

— Бозорга борасиз, — деди жилмайиб. — Кўкат растасига кирасиз. Бир бог кўкпиез, салапан халтачада ялпиз, бир бог жағ-жағ...

— Ниманинг жағи? — деди Маликахон тушунмай.

— “Жағи” эмас, жағ-жағ! — деди Мўминтой. — Шунақа кўкат бор! Турган-битгани витамин! Кейин, жиндай йўнгишқа, яъни беда, икки бог “мадор”... Паркентнинг “мадор ўти” бўлсин. Ҳушёр бўлинг, тагин чалғитиб, қўлингизга хрен-прен тутқазиб юборишмасин!

— Хренни сиздан яхши биламан! — деди Маликахон. — Аннақа... бодрингга ўхшаган нарса-да! Жигарранг.

— Сиз бақлажонни айтаяпсиз. Хрен дегани эшакнинг қулозига ўхшаган бўлади. Илдизи тузловга солинади. Мадор ўтнинг барги ингичка, узун бўлади...

Маликахоннинг уяли телефони жириглаб, гапнинг белига тепди. Нариги томондан “Алё-ё-ё, Малика Турандатовна!”, деган чийилдоқ овоз келиши билан Маликахоннинг юпқа лаби титраб кетди.

— Ҳой, мегажсин! — деди паст, аммо таҳдидли оҳангда. — Эрта-лаб ровно соат ўнда банкка борасан! Лично ўзинг бориб, ўн саккиз миллионни менинг счётимга ўтказмасанг, малла сочингни битталаб юламан! Пулни ўтказиб, менинг и-мэйлимга поручение номерини юборасан! Хотин кишининг гапи битта бўлади, тушундингми?

Мўминтой хотинининг вазоҳатини кўриб қўрқиб кетди. Эсли эр аччиги чиққан аёлидан нарироқ юради, деган қоидага амал қилиб, болани ухлатиш баҳонасида зипиллаб чиқиб кетақолди.

Қайтиб кирса, Маликахон сигарет тутатган кўйи тажсанг бўлиб яна рақам тераётган экан. Охири телефон уланди шекилли, чеҳраси ёришиди.

— Алло, Киото? — деди суҳбатдоши рўпарасида тургандек табассум билан. — Алло, Такамурисан?

Шу кўйи чорак соатча гаплашиди. Ниҳоят “компаньони” билан бир тўхтамга келишиди, чоғи, “О-кей! Сенкью. Бай-бай!” деб ором-курсига суянди.

Мўминтой аста келиб хотинининг елкасидан қучди. Бошига эгилиб сочидан таралаётган муаттар бўйни ҳидлади. (Эркак қавми ҳидга ўч бўлади. Фақат бегона ҳидни тез пайқашни чатоқ). Ҳозир ҳам Маликахондан ёт ис келгандек бўлдию, ҳушёр тортди. Маликахон ҳам чарчаб турганиданми, кайфияти йўқми, юзини ўгирди.

— Шу... эркак зоти қизиқ-да, — деди ижирганиброқ. — Айни ишинг кўп пайтида мушукка ўхшаб оёгингга суйкалади!

— Доим шунақа қиласиз! — Мўминтойнинг кўзида ёш гилтиллади. — Шуям умид билан бир ёстиққа бош қўйган, демайсиз! “Такамури”ми, “Эчкимури”ми, ўшалардан қолманг, хўпми? Эркак экан, деб бир муштипарни эзаверасизми?

— Бўлмаса мен бола боқиб ўтирай-да, сиз кўчага чиқиб пул топиб келинг, — деди Маликахон зарда билан. — Дунёнинг у бурчидан бу бурчига бўзчининг моксидай қатнанг! Шартномалар тузинг! Банк билан ишланг. Божхона билан муомала қилинг! Тагин нима керак сизга, хўжайин! Еганингиз олдингизда, емаганингиз ортингизда бўлса. Тагингизга машина обериб қўйган бўлсам. Қиладиган ишингиз бир болага оталик қилиш экан. — У жаҳл билан юзини ўгирди. — Битта бола тугдириб қўйиб мақтанганига ўлайми? Қиз бола тугдир-саям майлийди.

Мўминтой аразлаб чиқиб кетаётган эди, телефон жонивор яна жириглади. Гўшакдан эркак кишининг гўлдирган овози эшитилди:

— Салом алейкум, миссис Малейка!

— О-о-о, мистер Аҳмадий! — Маликахон бир зумда жаҳлдан тушиб, очилиб-сочилиб узоқ гаплашди. Айниқса, хайрлашар чоғида айтган гапи Мўминтойнинг жон-жонидан ўтиб кетди.

— Ай лав ю, Ҳабибий, мистер Аҳмадий! Ай лав ю!

Уйда ўтирган эркакнинг сериалдан бўлак нима эрмаги бор? Мўминтой ҳам ярим йиллаб чўзиладиган ажнабий сериалларни кўравериб, инглизчани бинойидек тушунадиган бўлиб қолган, “ай лав ю” — “мен сени севаман” дегани эканини биларди. Устига-устак бултур ётоқдаги гиламни келтирганида Маликахон “бу Аҳмадий” фирмасининг гилами, уч минг доллар туради, деб огоҳлантиргани эсида эди.

— Аҳмадийни “айлавю” қилсангиз мени нега ушлаб турибсиз, хотинхўжа?! — деди алам билан. — Мард бўлсангиз жавобимни беринг! Ҳали қарасанг “Такамури”, ҳали “Арнольд”, ҳали “Аҳмадий”. Бўлди! Жонимдан тўйдим!

Маликахон баланд келди.

— Эркак кишига бало борми аёлларнинг ишига аралашиб, а? Бизнес дегани шунақа бўлади, эси наст одам! Бирини “жоним” дейсан, бирини “азизим” дейсан, бири билан ёқа бўғишасан. Бўлмаса, нон еёлмайсан!

— Нима, мени “лох” деб ўйлаяпсизми? — Мўминтой ҳиқиллаб йиғлаб юборди. — Бўлди! Отамникига кетаман! Битта болам билан кўчада қолмасман! Отамнинг тор бағрига сиққан кенг уйига сизмайманми?

— Отангизнинг кўзи учиб турибди! — Маликахон қўл силтади. — Икки хонали “хрушёвка” сизга тўртта товуқ кирса, нафаси қайтиб учтаси ўлиб қоладию, нақдлаб қўйибдимми сизга?! Пенсияси бир кун кечикса почтахонанинг эшигига бориб пойлаб ўтирадиган отангиз сўлақмондек қилиб боқсинми, сизни?! Кенг уйнинг куёвчаси бўлиб ўтирганингизга шукр қилсангиз-чи, бойвачча!

— Очимдан ўлмасман! — Мўминтой кўз ёшини рўмолчага артди.

— Зўр келса мардикор бозорга чиқаман! Бировнинг уйини супурарман, бировнинг кирини юварман, бир куним ўтар...

— Ўтадия-ўтади! — Маликахон асабий кулди. — Байталдек гижинглаган ҳар хотинлар борки, дераза тозалайсиз, деб обкетадида, шунақанги “ишлатадики”, бир ойгача беланги бўлиб юрасиз!

Мўминтой мунгайиб қолди. Эркак барибир андишали бўлади-да! Ўзи-ку, майли, бир кунини кўрар, хотинидан ажраса боланинг ҳоли нима кечади? Умиджонни обкетса, таъминлаш керак. Ташлаб кетай деса, ўғлисиз бир кун ҳам яшолмайди. Шу ёгини ўйлаб бир гапдан қола қолди. Маликахон ҳам ошириб юборганини сезди чоғи, бироздан кейин ёнига келиб, бошига эгилди.

— Менгаям осон тутманг, бегим, — деди қандайдир синиқ оҳангда. — Ҳамма нарсанинг тош-торозуси бор. Пул топиш осонми?

— Пул ўлсин, аяси, пул ўлсин! — деди Мўминтой йиғламсираб.

Чамаси шу гапда ҳамма дарди мужассамдек эди. Маликахоннинг эрига раҳми келди. Аммамнинг бузоғига ўхшаган лалайган бўлса-да, беозоргина, муштипаргина бўлиб, қўли косов, мўйлови супурги — хизматини қилиб юрарди-ку ахир! Шунини ўйлаб эрининг бошини силади.

— Ўзимнинг Мўминчигим! — деди эркалаб. — Мен сизни ҳеч кимга алишмайман, жоним!

Ана бўларкан-ку! Мўминтойнинг чехраси баҳор қуёшидек чарақлаб кетди. Эркак киши шу-да! Ёлгонлигини билиб турсаям ширин гапга ишонгиси келади. Начора, ишонмай иложи ҳам йўқ-да!

Эр-хотин... кечирасиз, хотин-эр энди бир-бировига қучоқ очишган эди, болалар хонасидан Умиджоннинг гингшигани эшитилди. Зум ўтмай баралла овозда йиглаб юборди.

— Адажо-о-он, гаршо-о-ок!

Мўминтой зипиллаб жўнаб қолди. Болани тўсиб келиб ётқизди шекилли, бўғиқ товушда айтаётган алласи эшитилди.

“Алла болам, аллаё, алла.

Тойчоқ болам аллаё, алла.

Ғамга ботган бошима, алла,

Кўзим тўла ёшима, алла...”

Бироздан кейин у ёгда Умиджон, буёгда Маликахон мазза қилиб уйқуга кетишиди...

“Мадор сомса” ҳам насия бўлди. Эртаси пешинда бизнесмен Маликаи-Турандот навбатдаги сафарга учиб кетди...

Ўткир Ҳошимов.



Йўқолган Рашк ҳасрати

*Лабинг тегса, ҳасад қилгум
Гилос бирлан узумдан ҳам.*

Баъзи инсоний хислатлар мўътадил ушланган пайтдагина фазилат ҳисобланади. Мўътадилликдан оған сайин фазилатлик хусусияти йўқолиб боради. Бунга "камгаплик"ни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Камгаплик – ажойиб хислат. Нодир фазилат. Лекин у ўз меъёридан ошиб кетса, гапириш лозим ўринда киши оғзига толқон солиб жим ўтирса, бутунлай соқов бўлиб олса, "камгаплик" ўз фазилатини йўқотади.

Масалан, тумонат одам йиғилган мажлис. Бир сергап жоҳил даврада ҳеч кимга гап бермай валдирамоқда. Ҳаммани оғзига қаратиб, бўлар-бўлмас, бефойда гапларни гапирмоқда. Даврада эса илм-маърифатга эга камгап киши бор. У одатига биноан жим ўтирибди. Унинг бу тутуми савоб эмас, гуноҳ.

Фирибгар сўзамоллик билан ботилни омиларга безаб кўрсатаётган пайтда аҳли ҳақ "*сукут сақлаган нажот топар*"ни баҳона қилиб, ё бошқа важ билан камгап бўлиб олиши яхши хислат эмас. Сўзлаш вожиб ўринда ҳар қандай камгап киши ўз одатини оёқ ости қилиб, ҳақ учун оғиз жуфтлаши вожиб.

Ҳаё сифати ҳам худди шундай. Ошиб кетса, бир бало. Камайиб кетса, минг бало.

Уятчан толиби илм уялиб, тушунмаган масаласини устоздан сўрамаса, ғам денгизига чўкаётган тортинчоқ киши уялиб, ҳеч кимни ёрдамга чақирмаса, номуси кучли қиз эрдан юзини бурса, эрнинг шариатга мувофиқ жинсий талабларига жавоб бермаса, буларнинг бари ҳаёдаги тафритдир. Ифрот қанчалик қораланса, тафрит ҳам шунчалик қораланади.

Ҳаёнинг камайиб кетганига мисол келтириш шарт эмас. Ҳар қадамда шармсиз ва шармисорга дуч келган асрдошимизнинг мисолга эҳтиёжи йўқ. Кўча-кўй, парк, интернет, бешарм журнал, бешарм тўйхона мисол учун очик майдондир.

Ёзмокчи бўлганимиз Рашк ҳам айна шундай: рашкнинг кўпи ёмон, ози ундан ёмон. Рашк мўътадил бўлгандагина маҳмуд. Меъёрдан ошиб кетса, ёки камайиб кетса, асли матлуб бу гўзал хулқ мазаммат этилмиш бадхулқлар сафига кўшилади.

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: "إِنَّ مِنَ الْغَيْرَةِ مَا يُحِبُّ اللَّهُ، وَمِنْهَا مَا يُبْغِضُ اللَّهُ: فَأَمَّا الْغَيْرَةُ الَّتِي يُحِبُّ اللَّهُ فَالْغَيْرَةُ فِي الرِّبَةِ، وَأَمَّا الْغَيْرَةُ الَّتِي يُبْغِضُ اللَّهُ فَالْغَيْرَةُ فِي غَيْرِ رِبَةٍ"

Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

"Албатта Аллоҳ хушлайдиган рашк бор ва Аллоҳ ёмон кўрадиган рашк бор. Аллоҳ суядиган рашк – шубҳа; ҳадик бор жойда қилинган рашкдир. Аллоҳ ёмон кўрадиган рашк – шубҳасиз, ҳадикдан холи жойдаги рашкдир".

Абу Довуд, Насоий, имом Аҳмад ривояти.

Шубҳа; ҳадик бор жойлардан мурод – аёл номусига хавф таҳдид соладиган жойлар, кўзи қаттиқ шаҳватпарастрлар аёлга кипригини қадайдиган кўча-кўй, аёлнинг ёлғиз сафари, эркак ва аёл аралаш юрадиган бозор, тўйхона, хиёбон каби шубҳа ва ҳадикка асос бор жойлардир. Эркак ва аёлнинг бир ерда ёлғиз қолиши ўта шубҳали ва хатарли ўринлардан.

Агар эрнинг жуфти ҳалоли, қизи, келини, опа-синглиси ва шу каби маҳрамлари мазкур жойларга борганда эр рашк қилса, рафиқасини ва юқорида саналган аёлларни бегона кўздан, мараз қалбдан қизганса, бу рашк Аллоҳ наздида маҳбуб экан.

Шубҳасиз жойда рашк қилиш Худо хушламас рашкдир. Ота-она, ака-ука, амаки, тоға каби маҳрамлари орасида турган аёлга рашк қилиш номаъкул рашк. Шунингдек, ёмон гумон ва ёмон одат асосидаги рашк ҳам Худо хуш кўрмас рашкдандир. Ж.Суютий дейди: *"Жоҳил ва фосиқлар шармандалик, беорлик деб билган асли мубоҳ амал рашк дейилмайди. Масалан, Ҳинд фосиқлари эри ўлган аёлнинг эрга тегишини ор деб билади. Афзонлар эри ўлган хотинни фақат эрнинг қариндошларидан бирига турмушга чиқишига рози бўлади".*

Ибн Можа Сунанининг шарҳи. Суютий ва бошқалар.

Маккадаги "Уммулқуро" университетининг мударриси доктор Абдулмунъим ҳикоя қилади:

Йигит бугун ишдан одатдаги вақтдан олдинроқ қайтди. Уйга кириб энди ўтирган ҳам эдики эшик қўнғироғи чалинди. Унинг зийрак рафиқаси ишдан толиқиб келган эрини безовта қилгиси келмай ўзи шипиллаб эшик олдига келди.

– Ким у?

– Бу Сауднинг уйими?

– Йўқ. Бу фалончининг уйи.

– Сауд қаерда яшашини билмайсизми?

– Йўқ.

Муздай уйда ёнбошлаб ётган йигит қалбига бу сўзлашув муздек ботди. "Сауд" исми унинг қулоғига "соат" бўлиб эшитилди. Шу пайтгача пастроқ даражада турган рашк ҳарорати бирдан кўтарилиб кетди.

– Қўнғироқни чалган ким?

– Билмайман.

– Нега билмайсан, нега ўзингни гўлликка соласан?!

– Аллоҳга қасам, билмайман.

– "Соатим қолиб кетди", дедику.

– Қанақа соат?

– Сен билан ади-бади айтишигунимча анави қочиб кетди, – деб тезда ташқарига отилди.

Сауд деган кишининг уйини излаб юрган йўловчи машинасига миниб анча олдинга кетиб қолган экан. Рашкчи йигит аранг машина номерини ёзиб олишга улгурди.

Шу ондан бошланган рашк ўти аланга олиб йигитга ҳеч тинчлик бермасди. Ноўрин рашк боис қизнинг тинчи бузилди, хонадон, ота-она, қайнона-қайноталарнинг тинчи бузилди. Номер орқали бояғи беғуноҳ киши топиб келинди. Унинг ҳам тинчи бузилди. Ҳамманинг ҳаловати йўқолган. Иш маҳкамага кўтарилди. Йигит ҳеч нимани исботлаб беролмади.

Дарвоқе, йигит ўша куниниёқ "соат"ни қидириб уйни ағдартўнтар қилиб ташлади. Ҳамма жойни обдан кавлаштириб,

синчиклаб тинтиб чиқди. Ҳар куни қиладиган иши "соат" ахтариши бўлди.

Бу тинтувлар, машамшалар, уйнинг ичида кечган кунлик терговлар тугагунча гулдек хотин сўлиб, ранги ўчиб, синиқиб, рашик қилишига арзимайдиган қиёфаги кириб қолди. У эрига Худонинг зорини қилди. Ялинди, ёлворди. Ўжар эр эса вафодор хотинга қулоқ осмасди...

Йигитнинг рашики ноҳақ. Покдомон аёлига нисбатан гумони ўринсиз. Бу ёмон гумон асосидаги рашикка мисол эди.

Шу баҳонада ёш келинларга, умуман хотин-қизларга ўғит, панд-насиҳат эмасу кичкина бир маслаҳат бермоқчиман.

Уйда эри ёки ака-укаси ё ўғли ва умуман эркак зоти бор маҳалда эшик тақиллаб қолса, аёл кишининг югуриб бориб эшик очиши, дарвоза ортидаги одам билан сўзлашиши дуруст эмас. Уйда ҳеч ким бўлмаган пайтда эшикни очмай туриб, қопи қоққанга жавоб бериш жоиз. Шунда ҳам аёл овозини мулойим, ингичка қилиб гапирмайди. Аллоҳ таоло аёлларга номаҳрам эркак билан сўзлашув борасида сабоқ берар экан сўз ҳайъати ва оҳангига катта эътибор қаратади.

﴿ فَلَا تَخْضَعْنَ بِالْقَوْلِ فَيَطْمَعَ الَّذِي فِي قَلْبِهِ مَرَضٌ وَقُلْنَ قَوْلًا مَعْرُوفًا ﴾

﴿ (Эшик ортида бегона эркакка жавоб қилган пайтингизда) майин-латофатли сўз сўзламанг. (Майин овозингиз боис) қалбида марази бор кимса(нинг нияти бузилиб) тамаъ қилиб қолади. Яхши – тўғри сўз сўзланглр. ﴾

Ахзоб 32-оят.

Шоир айтганидек: الأذن تعشق قبل العين أحيانا – "Гоҳо кўздан олдин қулоқ ошиқ бўлади". Ёқимли овоз, жозибадор оҳанг, назокатли товуш ҳар қандай кишини ўзига ром қилиши бор ҳақиқат. Муғаннийнинг сўзига эмас, ширали овозига сеҳрланиб, ўзини унинг оёғи остига отган "фанат ишқибозлар" шоир сўзини тасдиқлайди.

Рашк ўзи нима?

Ўзбек қомусида "рашк"ни шундай изоҳланган:

Рашк [ф. رشك – қизғаниш; кунчилик; кўра олмаслик; рақиблик] Яхши кўрган кишисини бировдан қизғаниш, кунчилик.

Кунчиликдан мурод – ҳасад. Рашк ҳасад ва кўролмаслик даражасига етса, у ҳолда рашк юқорида айтилганидек, мақтовга лойиқ сифатини йўқотади. Уни "рашк" деб аталмайди.

Рашк араб тилида الغيرة "ғайрат" дейилади. Мумтоз адабиётимизда рашк ушбу лафзда келган.

Рашк хусусида Қуръон Каримда бирорта оят йўқ. Аммо ҳадисларда бу тўғрида анча-мунча маълумот мавжуд.

Саҳиҳи Бухорийда كتاب النكاح باب الغيرة "**Никоҳ китоби**" "**Рашк боби**" бор.¹ Ундан кейин باب غيرة النساء وَوَجَدَهُنَّ – "**Аёллар рашки ва аламу қайғуси**" тўғрисида боб келади.

Ҳофиз Ибн Ҳажар Қози Йездан нақл қилиб дейди:

"Рашк калимаси дилнинг ўзгариб туришидан олиб ясалган сўздир.² Ўзига хос нарсада ўзганинг шерик бўлишидан пайдо бўлган газаб рашк дейилади. У эр-хотин ўртасида кўпроқ".

Бадриддин Айний ҳам айни шу таърифни келтирган.

Журжоний "Таърифот"ида: *Ўз ҳаққида ўзганинг шерик бўлишини суймаслик*" дейилган.

Мазкур таърифлар одамзод ҳаққида айтилган бўлиб, Ҳақ таоло зотига умуман тўғри келмайди. Аллоҳ таоло ҳам рашк қилади. Шунинг учун зинони, фоҳишабозликни ҳаром қилди. Унинг сифатларини банда сифатига қиёслаш дуруст эмас.

¹Маълумот: "Никоҳ китоби" Саҳиҳда 67-китобдир. "Рашк боби" "Никоҳ китоби" нинг 107-боби. Ва бу боб Бадриддин Айнийнинг "Умдатул қорий" китоби 20 жилд 290-бетида, Ибн Ҳажарнинг "Фатҳул Борий" китоби 11 жилд 666-бетида жойлашган.

²غيرة مشتقة من تغير القلب

Қисқа қилиб айтганда, рашк эр-хотин ўртасида бир-бирини қизғанишдир. Бу, модомики ҳаддан ошмаса, ғулув даражасига етмаса, асли яхши сифат ҳисобланади. Шунинг учун уни "Ахлоқ" китобининг гўзал хулқлар зимнида баён қилинган.

Энди эр хотинини, ота қизини чиндан қизғанса-ю, лекин уларнинг кўчага очиқ чиқиб кетишига рози бўлса, у ҳолда бу ҳақиқий қизғаниш дейилмас. Лаби учган пиёладай бу рашкнинг ҳам бир неча жойи учган, бир неча жойи дарз кетган...

Аёл рашки қиладими? Ёрини қизғанадими?

Аёлнинг рашки эркакниқидан кучлироқ. Бу эса эрга нисбатан бир нав бахт. Ошиб кетгани азоб-уқубат.

Росулulloҳнинг ﷺ суюкли завжалари Оиша розияллоҳу анҳа дейди:

Росулulloҳ ﷺ тунда менинг уйимдан чиқиб кетдилар. Рашик келди. Қайтиб келиб мен қилган ишни кўрдилар.

– *Оиша, сенга нима бўлди?! Рашик қилдингми?*

– *Нечун рашик қилмайин, мендай аёл сиздай эрга рашик қилмайдими?*

Муслим ривояти.

Оиша онамиз ўз уйида бўлган қизиқ воқеани эслаб дейди:

Росулulloҳ ﷺ меникида ўтирганларида София у кишига таом жўнатади.¹ Овқат олиб келган кишини кўрганымда мени қалтироқ босди. Тавоқни туртиб ерга тушириб юбордим. Росулulloҳ ﷺ шу заҳоти менга қарадилар. Юзларида газабни сездим. "Бугун Росулulloҳ лаънатига учрашдан паноҳ тилайман. Қилмишимнинг каффорати нима, ё Росулulloҳ", дедим. "Худди София таомидек таом тайёрла, идишидек идиши бер", дедилар.

Бу имом Аҳмад ривояти. Бухорийда келган ҳадисда, Оиша розияллоҳу анҳо идишни синдирганда, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам : "غَارَتْ أُمَّكُمْ" "Оналаринг рашик қилди", деганлар.

¹عن عائشة قالت ما رأيت صانع طعام مثل صافية. (p) дейди Оиша (p). "Софийядай пазандани кўрмадим",

Севиш неъмат бўлгани каби севилиш ҳам катта неъмат. Бир-бирини қизганиш эса алоҳида неъмат.

Севгидаги садоқат аломатларидан бири – Рашкдир.

Хотин эрига, эр хотинига рашк қилдими, демак билингки, улар ўртасида мустаҳкам муҳаббат бор. Ўзбек мақолида "*Севги бор жойда рашк бор*" дейилган.

Рафиқасининг бегона эркак билан ўйинга тушишини бир чеккада томоша қилиб ўтирган эркак муҳаббатида шубҳа бор. Хотинининг келишган қадди-қоматини оч бўриларга кўз-кўз қилган эрнинг "*сени севаман, сенсиз яшолмайман*" деган сўзлари сохтакорликнинг айна ўзи.

Қаранг, рашк ҳақда роса сўзлабмизу унинг зидди бўлмиш бадфеълни сўзлаш ёддан кўтарилай дебди.

Рашкнинг зидди даюсликдир.

Абдурразок "Мусаннафи"да келади:

Набий ﷺ "*Рашк иймондан, беномуслик нифоқдан. Беномус киши даюсдир*", дедилар.

"Мустадрак"да: "*Уч тоифа жаннатга кирмайди: она-онасига оқ бўлган фарзанд, даюс эркак, эркакчалиш хотин*", дейилган.

Кўчага очик чиққан хотинини қизганмаган ҳар бир эркакни даюс деб аташ дуруст эмас. "Даюс" калимаси сўкишни ифодалайдиган калимага айланган.

Баъзи одамлар хотин-қизининг кийим-кечагига, кўчаларда санғиб юришига жуда бепарво. Бепарволик эса даюсликнинг биринчи одимидир. Ундан кейин боқибеғамлик келади. Яъни боқий беғамлик Ундан кейин эл-юртга душманнинг кераги йўқ. Раҳмон Қўчқор дейди: "*Азалдан маълумки, бепарво одам душмандан ҳам хавфлироқдир*".

1967-йил билан 2014 йил орасида қанча фарқ бўлиши мумкин. Ҳеч қанча эмас. Лекин шу йиллар орасида қанча-қанча ўзгаришлар бўлмади дейсиз.

1936 йилда таваллуд топган нодир рашк соҳиби 1967 йили 31 ёшида шундай деган эди:

РАШКИМ

*Сени ётлар тугул ҳатто —
Қилурман рашк ўзимдан ҳам,
Узоқроқ термулиб қолсам
Бўлурман гаши кўзимдан ҳам.*

*Кўзим ёнгай сенга нарғис —
Кўзин тикса чаманларда,
Яширмам, лолага рашким
Аён бўлгай юзимдан ҳам.*

*Дегайларки, чаросу
Ол гилос олмиш лабингдан ранг,
Лабинг тегса ҳасад қилгум
Гилос бирлан узумдан ҳам.*

*Сени жоним дедим ёлғиз,
Сени қалбим дедим танҳо,
Чимирдинг қош, пушаймонман
Кўпол айтган сўзимдан ҳам.*

*Висол оннда кўз очса,
Не тонг, тонгдан кўнгилда ранж,
Жудо қилгай мени ой юз,
Хумор кўз юлдузимдан ҳам.*

*Сенга ўн тўртда боғландим,
Ҳануз эркин бўлолмас дил,
Ўзим доғман, ақл кирмас,
Тўзимсиз ўттизимдан ҳам.*

Эркин Воҳидов.
1967 йил.

Орадан бир мунча вақт ўтгандан кейин марҳум Ўткир Ҳошимов 2000-йил эркагининг портретини чизади. Биз уни "Ўзимнинг мўминчигим" ҳикоясида кўрдик.

— Салом алейкум, миссис Малейка!

— О-о-о, мистер Аҳмадий! — Маликахон бир зумда жаҳлдан тушиб, очилиб-сочилиб узоқ гаплашди. Айниқса, хайрлашар чогида айтган гапи Мўминтойнинг жон-жонидан ўтиб кетди.

— Ай лав ю, Ҳабибий, мистер Аҳмадий! Ай лав ю!

Уйда ўтирган эркакнинг сериалдан бўлак нима эрмаги бор? Мўминтой ҳам ярим йиллаб чўзиладиган ажнабий сериалларни кўра-вериб, инглизчани бинойидек тушунадиган бўлиб қолган, "ай лав ю" — "мен сени севаман" дегани эканини биларди. Устига-устак бултур ётоқдаги гиламни келтирганида Маликахон "бу Аҳмадий" фирмасининг гилами, уч минг доллар туради, деб огоҳлантиргани эсида эди.

Воқеликдан хабардор киши адиб сўзини муболағага ёки ёлғонга йўймайди. Ҳажвий тарзда тасвирланган ушбу фожиа дили иймондан холи ўзбекнинг аянчли ҳаётидан бир кўри-ниш. Илгари, яъни салкам 20 йил олдин энг уятсиз қиз ҳам ёнидан ўтган барно йигитга қарагиси келса, ер остидан қараб кўяр эди. Ҳозир бақрайиб қарайди, "гап отади".

Ўтган йили ресторан директори 50 ёшли ака билан учрашган эдим. У шахсан менинг ўзимга шундай деган эди:

"Коллеж қизлари менга гап отади. Бир куни менга эшиткизиб дугоналарига: "ҳамма пул шу бойларда, шуларга тегиш керак" деди. Мен унга: "Қизим, сиздан катта қизимни турмушга чиқарганман. Неварам бор" дедим. Ишхонадаги рус аёл "как вам не стыдно!" деб уларни койиб берди".

Ёш мусулмон таксист йигитни бозорчи хотин зинога таклиф қилади. Йигит кўнмайди. Замона "Зулайҳо"си йигитнинг жон холига қўймайди. Охири йигит унинг эрига ёрилади:

— Ака, аёлингиз шундай-шундай қиляпти.

— Ука, мен опангизга ишонаман. Ҳар кимнинг ҳам гапига ишонавермайман.

Москавдан олти-етти ойда бир марта уйига келадиган эрга маҳалла аҳли:

- Уйингга бегана эркаклар келяпти, – деганда, корчалон:
- Биз бир-биримизга кўнгил қўйиб турмуш қурганмиз. Мен унга ишонаман, – деб жавоб берган эди.

Ҳар икки воқеани ўша шаҳарда яшайдиган, воқеани ишти-рокчиларининг ўзидан эшитган йигитлар айтиб берган.

Наҳот 40-50 йил ичида инсон табиати шунчалар ўзгариб кетиши мумкин? Наҳот шунчалар тубанлашиши мумкин?

Қани ҳозирги кунда: *"Лабинг тегса ҳасад қилгум, Гилос бирлан узумдан ҳам"* дейдиганлар? Ёшлар орасида:

*Кўзим ёнгай сенга наргис —
Кўзин тикса чаманларда,
Яширмам, лолага рашким
Аён бўлгай юзимдан ҳам.*

дейдиган рашкчилар қолдимикин? Наргис эмас, ғирт нокас хотинига кўзини бақрайтириб қараса ҳам эр жониворнинг эти жунжикмаяпти. Юзида рашк аломати тугул, бир оз ўзгариш ҳам сезилмаяпти. Лола эмас, луттибозлар унинг хотини, қизи атрофида гирдикапалак бўлсада унинг парвойи палак.

Хотинининг қўлидаги узукни биров ечиб кетса, ҳар қандай юраксиз эр узук ҳимояси учун куч топиб шерга айланади. Агар биров унинг машинасидан балонни ечиб кетсин-чи, ҳар қандай ювош ҳам қутуриб, маҳаллани бошига кўтаради.

Ор-номус, иффатнинг узукча, балонча қадр ийўқми?!

Балон эмас, узук эмас, ор-номус, шарм-ҳаё: иштон, кўйлак ечиляпти. Кофта, юбка кесилляпти. Кофтани кесиб-кесиб киндик очилди. Юбкани қирқиб-қирқиб сон очилди. Фақат эр кўриши керак бўлган нозик жойларни бутун маҳалла аҳли кўряпти. Маҳалла нима, бутун мамлакат томоша қиляпти.

"Кўз зино қилур, зиноси назар" дедилар Росулulloҳ ﷺ.

Ҳар бир аъзонинг ўзига яраша зиноси бор. Кўз-кулоқ, қўл-оёқ, тил-дил зино қилади. Ушбуларнинг бари чинакам зинога

йўл очади. Иш чинакам зинога етиб борганда бошга тушган орни кетказиш қийин бўлади. У доғни ювиб бўлмайди.

Саҳобалардан Саъд ибн Убода розияллоҳу анҳу уйланган кунлари келин нор туяда келади. "Хотиним ўтирган туяга бирор эркак ўтирмасин" деб шу онда туяни сўйиб ташлайди.

Салафлардан бири дейди: "Тушимда номаҳрам аёлни кўрсам, дарҳол кўзимни олиб қочаман".

Солиҳ инсон ҳатто тушида ҳам рашк қилади. Ўнгида ўз номусини ҳимоя қилгани каби, уйқуда ҳам номус ҳимоясига туради. Зеро эркак уйғоқлигида қандай эркак бўлса, уйқуда ҳам эркаклигича қолади.

Набий ﷺ дедилар: *"Тушимда Жаннатни кўрдим. Қаср чеккасида бир аёл таҳорат олаётган экан, "бу кимнинг қасри?" деб сўрадим. "Умар ибн Хаттобники" дейишди.*

- *Умар, сизнинг рашкингишни эслаб, орқамга қараб қайтиб кетдим, – дедилар Умар розияллоҳу анҳуга қарата.*
- *Ота-онам фидо бўлсин, Сиздан ҳам рашк қиламанми, ё Росулаллоҳ, – деб Умар йиғлаб юбордилар.*

Бухорий Саҳихи.

Насоро динига мансуб эркакча кийинган, сочи янги солдатнинг сочидек калта ёш аёл Аҳмад Дийдотга савол беради:

– Ислонда аёллар бошига рўмол ўраб юриши шарт экан. Шунда уни эркаклар ҳурмат қилармиш. Буни мен зулмининг, аёл эркини топташнинг бир кўриниши деб билдим. Бизга ҳижоб тўғрисида сўзлаб берсангиз. Биби Марям рўмол ўраганми?

– Хоним, сизнинг муқаддас китобингизда: "Аёл бошига рўмол ўраб юрсин. Рўмол ўрамаган аёл сочини кириб ташласин", дейилган. [Исҳоҳ 11]. Бу сўзни муқаддас Апостол Павел "الرسالة الأولى إلى أهل كورنثوس" "Первое послание к Коринфянам"да айтган.

Исҳоҳ 14. 34-сониди: "Аёллар канисада овозини кўтармасин", дейилган.

Лекин каниса ҳам, сизлар ҳам бунга ишонмайсиз ва амал ҳам қилмайсизлар. Шу боис фисқ-фасодга сиз аёллар сабабчи бўлиб қоляпсизлар. Америкадай жойда, Нью-Йорк шаҳрида кечаси аёл киши бемалол юролмайди. Францияда аҳвол бундан баттар: куппа кундуз куни, кўчанинг қоқ ўртасида бир аёлнинг номуси топталади, заифа зўрланади, лекин йўловчиларнинг биронтаси пинагини бузмайди. Яна, "майли, қўяверинглар, у ҳам балким маза қилаётгандир", дейишади.

Католиклар черковидаги роҳибаларнинг қандай кийинишини ўзингиз яхши биласиз. Уларга кўзи тушган одам қайта қарагани уялади.

Агар Исо алайҳиссаломнинг онаси Марям келиб қолсалар, ҳеч ким у зотга икки марта қаролмайди. Қайта назар ташлашга хижолат бўлади.

Аммо сингилжоним, соҳил бўйида, чўмиладиган "либос" да юрган аёлларни кўрган киши улардан кўзини узолмайди. Улар шу кўринишлари билан ёшу қарини мафтун этиб, йўлдан оздирмоқдалар. Қасам ичиб айтаман, ҳатто мендай ёши бир жойга бориб қолган мўйсафидни ҳам анча қийин аҳволга қўядилар, – деб бошидаги дўпписини ечиб, оппоқ сочига ишора қилади.

Залда қаттиқ кулги билан гулдуросли қарсак янграйди. Савол берган эркакчалиш қизнинг ўзи ҳам кулиб юборади.

– Тўғриси яна айтаман, кўча-кўйдаги очиқ аёлларга кўзим тушса, ичимда аланга пайдо бўлиб, вужудимни ёндиради.

Яна кулги кўтарилади. – Мен буни жиддий айтяпман. Ахир Аллоҳ эркак табиатини шундай яратиб қўйган эканда.

Бу оламда эркакларни бузадиган асосий нарса – аёлдир. Буни биласизларми? Қуръони карим:

﴿ زَيْنَ لِلنَّاسِ حُبُّ الشَّهَوَاتِ مِنَ النِّسَاءِ وَالْبَنِينَ وَالْقَنَاطِيرِ الْمُقَنْطَرَةِ ﴾

﴿ *Одамларга аёлларни суйиш шахвати зийнатланди...* ﴾

деди.

Оли Имрон 14-оят.

Биринчи ўринга аёллар қўйилди. Ундан кейин ўғилларни суйиш, ундан кейин олтин-кумушдан иборат битмас-туганмас бойликлар айтилди...

Мен яшаётган шаҳарда катта юк машинасини ҳамда енгил машиналарни сотувга қўйилган. Машина теппасига баҳайбат реклама ёзилган. Рекламанинг катта қисмига соҳил бўйида очиқ танасини офтобга тоблаб ётган қизнинг сурати ёпиштирилган. Ҳайрон қолдим. Машина савдоси билан бу аёлнинг қандай алоқаси бор? Ўйлаб ўйимга етолмадим.

Ҳайратимни яширолмай, сотувчи йигитдан бунинг сирини сўрадим. "Одамлар суратни кўриб, тагидаги ёзувни ўқишади. Сурат харидоларнинг диққатини ўзига жалб қилади", деди.

Сурат тагига нима ёзилганини биласизми?

Мафтункор очиқ аёл сурати остига "Буни бир тажриба қилиб кўр" дейилган эди. Билмай қолдим, кимни ёки нимани назарда тутиляпти? Машинани тажриба қилиб кўр, деяптими, ёки аёлними?..

Зални эркак-аёлнинг кулгиси тутиб кетади.

"أحمد ديدات والحجاب" Видео лавҳасидан таржима.

Мана буни "аёл эркини топташ" деса арзийди. Аёлни арзон матога сотилиши, уни рекламада ҳар хил суратда намоён қилиниши аёл зотини таҳқирлаш ва зулм дейилади.

Суратга кўзи тушган ёш-яланг, ҳатто катталар ҳам қурбақага талпинган илон каби сурат томон талпинади-да. Кўрганга биров пул сўрармиди.

Раҳмон Қўчқор ёзади:

Халқимиз қадим-қадимдан аёл зотини ардоқлаши, уни онам, опам ва синглим атаб, бениҳоя ҳурмат-иззатда олиб юриши, аёл шаъни ва иффатини ҳар нарсадан устун қўйиб ҳимоялаши билан кўплаб бошқа қавмларга ўртак бўлгани аён гап. Ўзбекларда ҳовлининг "ички" ва "ташқи" ҳовли сифатида алоҳида қисмларга ажратилгани, шўро даври жамиятшунослари даъво қилганидек, асло "феодализмнинг чиркин урфи"

бўлмай, бу ҳам ўз аёли, қизи ва келинини ҳар қандай таҳдидлардан иҳоталаш, уларнинг иффати ва ибосини пок сақлашдек инсоний, миллий эътиқоддан келиб чиққан қадриятларнинг амалдаги кўринишидир.

Шундай тарихий тажрибага эга бўлган халқ орасидан кимнингдир, қай бир тубан йўл билан топган пулига ўз юртошини, ўз миллатдошини ўйламай-нетмай сотиб юбораётган кимсалар чиққан экан, уларнинг бу қилмиши шу халққа, шу миллатга хиёнат, бориб турган сотқинлик эмасми?!

Динимиз аёл кишини бошқаларга пуллаб, уларни фаҳш ботқоғига итқитишдек тубанлик эмас (бунга қандай оғир жазо тайинланиши Яратганга аён!)¹ ҳатто номаҳрам эркак ва аёлнинг ёлғиз қолмасликларини ҳам қатъий уқтиради. Оиласини, ота-онасини ёхуд эрини ва бола-чақасини ташлаб ўзга юртга, мутлақо нотаниш одамлар орасига турли транспорт воситаларида юборилаётган (баъзан эса ўз ихтиёри билан кетаётган!) қиз ёки жувоннинг маҳрами нима бўлишини тасаввур қилайлик. "Ишлаб пул топиб келаман, кейин дангиллама участка қурамиз!" дея маҳмаданалик қилаётган хотинини ўз измига солиш ўрнига, унинг ич кўйлақлар билан тўла юкларини кўтариб вокзалга ёхуд аэропортга кузатишга чиққан, хотинни хорижга кузатиб қўйиб, ўзини ҳеч нарсадан

¹ ﴿إِنَّ الَّذِينَ يُحِبُّونَ أَنْ تَشِيعَ الْفَاحِشَةُ فِي الَّذِينَ ءَامَنُوا لَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ﴾^٤

﴿ Мўминлар орасида фоҳишабозлик ёйилишини суювчи кимсалар учун бу дунёда ҳам, Охиратда ҳам аламли азоб бордир. ﴾ Нур сураси 19-оят.

Маълумки, баъзи гуноҳларнинг жазоси Охиратга олиб қўйилади. Баъзи гуноҳларга бу дунёда ҳам, Охиратда ҳам жазо берилади. Ота-онага оқ бўлиш шулар жумласидан. Оятдан маълум бўлишича, одамлар орасида фоҳишабозлик тарқалишини суйган, истаган кишининг жазоси кечиктирилмайди. У дунёга етиб бормасдан олдин, шу дунёнинг ўзидаёқ албатта жазосини олади.

Олимларнинг айтишича, "Зино – қарз. Зинокор албатта қарзини узиш керак. Қарз ё жуфти ҳалоли ё қизи билан узилади". Бу дегани, ким бировнинг аёлига тажовуз қилса, унинг хотинига бошқа бир бузук тажовуз қилади. Ким бировнинг қизига кўз олайтирса, бошқа биров унинг каримасига кўз олайтиради. Ҳатто билагини ушласа, унинг маҳрамларидан бирининг билаги ушланади.

шубҳа қилмайдиган овсар мақомига солиб, бамайлихотир уйга қайтган "эр жаноблари" ёр-биродарлари орасида бошқаларга гап бермай, эғнидаги қимматбаҳо палтоси билан мақтанса ҳам, ажаб эмас. Улар Имом Бухорий ҳазратлари ривоят қилган мана бу ҳадиси шарифни наҳотки эшитмаган бўлсалар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

"Эркак киши зинҳор аёл билан холи қолмасин. Магар маҳрам билан бўлса, майли" дедилар.

Шунда бир киши туриб:

"Эй, Оллоҳнинг Расули, хотиним ҳажга чиқди. Мен эсам фалон газотга қатнашмоқчиман" деди.

Сен қайт! Хотининг билан бирга ҳаж қил!" дедилар.

Жаноби Пайгамбаримизнинг эр кишини ҳатто диннинг энг муҳим вазифасидан қайтариб, хотинига, ҳатто ҳаждек шубҳадан холи, муқаддас сафарда-да маҳрам бўлишига буюрганлари остида қанчалар буюк ҳикмат ётганини англаш чинакам мусулмон одамдан унчалик катта фаросатни талаб қилмаса керак.

Раҳмон Қўчқор. "Бирники юзгами?.." «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» 2009 йил 8-сони

Ор-номус ва шон-шарафни ҳимоя қилиб ёзилган бу мақола муаллифи, элига жонкуяр олим Р.Қўчқор ҳақларига ҳар қанча дуо қилсак оз. Ҳақ таоло ор-номус ва эл иззати, шон шуҳрати учун жон куйдирадиган яхшилар сафини кенгайтирсин.

"Бухорий бўстонида" эсланганидек, Саҳиҳ 97 та Китобдан иборат. Мақолада келтирилган ҳадис Саҳиҳнинг учта Китоби, тўртта бобида келган. Бу эса мазкур ҳадиснинг катта аҳамият касб этишига далолат қилади. Шунинг учун Бухорий ҳадисни тўртта шаръий масалага далил ва шоҳид ўлароқ келтирган.

1- 28-Китоб, 26-боб 1861-ҳадис.

2- 56-Китоб, 140-боб. 3006-ҳадис.

3- 56-Китоб, 181-боб. 3061-ҳадис.

4- 67-Китоб, 111-боб. 5233-ҳадис.

Мақолада 56 ва 67-Китобдаги ҳадис лафзи келган. Бошқа лафзларда: "لا تسافر المرأة إلا مع ذي المحرم" "Аёл фақат маҳрами билан сафар қилсин", деган кўшимча бор.

Рашк ҳасрат қилади, қулоқ тутингиз

*Рашк ҳасрат қилади, қулоқ тутингиз:
Мен хотинигизман ҳамда қизингиз.
Қаттиқ кўзлар чунон озор бермоқда,
Йўқми унга қарши айтар сўзингиз.*

*Қизганинг, ҳар кимга ишонманг мени,
Қизганинг, дунёга алмашманг мени.
Мен фақат сиз учун яралдим, бегим,
Ўртага қўйвориб, талашманг мени.*

*Кўрмасин кўксимни сиздан ўзгаси,
Сиз учун сочимнинг ҳар бир толаси.
Нечун бепарвосиз номус шаънига,
Ордан тўкилмасин кўзим жоласи.*

*Бегим, мен сиздаги бебаҳо дурман,
Йўлингиз ёритган чарогон нурман.
Йўқолсам, топилмас давлатингизман,
Султоним, сиз ота, мен онадурман.*

*Эҳтиёт қилингиз ёмон кўзлардан,
Авайлаб асрангиз, шилқим безлардан.
Бизга тушган зубор сизга лой бўлар,
Шарм-ҳаё қочмасин нурли юзлардан.*

Ж.



Мени тушин, мени қизгон, ёр

*Элдан сўра, бахшидан¹ сўра,
Яхшилар кўп – ёмондан кўра.
Муҳаббатим меҳрингга ўра,
Мени тушин, мени қизгон, ёр.
Асра мени ёмон сўздан, ёр.*

*Кўнгил билан суҳбат айладим,
Шунча ёрдан сени сайладим.
Севармикан, дея ўйладим,
Мени тушин, мени қизгон, ёр.
Асра мени ёмон кўздан, ёр.*

*Олам аро ёлғизлик ёмон,
Кел мен томон, муҳаббат томон.
Йўлларингга кўз тутар бу жон,
Мени тушин, мени қизгон, ёр.
Асра мени ёмон сўздан, ёр.*

Шукур Қурбон.



¹ **Бахши** – Халқ шоири, оқин маъносида. Ирим-сирим қилувчи, фолбин маъносида эмас.

Фарзандлар ҳасрати

Фарзанд ҳам ҳасрат қиладимиз?

Кимдан, нимадан ҳасрат қилиши мумкин?

Гўдакнинг "инга-инга"си катталарнинг "войдод!"идек гап. Чақалоқнинг чинқириғи, ингалаши катта кишиларнинг инграши ва войвойлаши билан баробар.

Фарзанд чақалоқлик пайтида ҳам, балоғатга тўлмасдан олдин ҳам, тўлгандан кейин ҳам, ўсмирлигида ва ҳатто катта бўлган пайтда ҳам ҳасрат қилар экан. Бунга энг зўр шоҳид – Ҳаёт. Шахсий юмушларингиздан бир пасга кўз юмиб, ҳаётга – болалар дунёсига разм солсангиз, бу сўзга ҳар бир қадамда далил топасиз.

Фарзанд кичкина инсон. Ўша "тирмизак"нинг ҳам ўзига яраша ташвиш ва муаммолари бор. Ташвиш ва муаммоси ҳал бўлмаган бола албатта ҳасрат чекади. Гоҳ унли, гоҳ унсиз, гоҳ забони ҳол, гоҳ мақол билан нола қилади. Болапақир ёмон тарбиянинг ёмон оқибатидан фарёд этади. Кимдир бола фарёдини эшитиб, ёрдамга шошса, кимдир боланинг ўзини назарга илмаганидек, ҳасратини ҳам назарга илмайди. "Ким кўйибди ёш болага ҳалитдан шикоят қилишни. У зумрашанинг нимаси кам, нимага нолийди?" деб ўдағайлайди.

2014 йилнинг энг нохуш хабарига айланган хоразмлик 13 яшар қизча ҳодисасини ҳали одамлар унутгани йўқ. Бир кун келиб одамлар бу воқеани унутар, лекин 13 яшар "она" ва у туққан бола бу иснодни умрбод унутолмаса керак.

Хоразмлик 13 ёшли қиз акасидан ҳомила бўлади, фарзанд кўради. Бу шум шов-шув ҳамма ёққа тарқагани учун тафсилотга ўтмайман. Чақалоқ хонадонга қувонч эмас, ҳасрат олиб келади. Аслида фарзанднинг дунёга келиши ҳамма учун байрам, қувонч. Лекин бу хонадонда туғилган фарзанд ҳаммадан бор қувончни тортиб олди. Кутилмаган пайтда, кутилмаган ота-онадан дунёга келган чақалоқ учун онаси бир вақтнинг ўзида ҳам она, ҳам амма. Ота эса ҳам дада, ҳам тоға.

Ҳаммада иккита бобо, иккита момо бор, унда эса битта бобо, битта момо холос. Ота томон, она томон деган қутлуғ анъана бузилган. Ана ҳасрату мана ҳасрат. Асрларга тати-гулик ҳасрат. Оқибати ўйланмасдан босилган ножўя қадам бола ва унинг келажақда туғилажақ зурриёти учун умрбоқий ҳасратни мерос қолдирди.

Хўш, ота-она қаерда хато қилган эди?

Ҳар бир нарсани диққат билан ўргатган башарият муаллими Росулulloҳ ﷺ болаларни тунда ётқизиш, уларга қандай жой солишгача ўргатиб кетганлар.

عَنْ عَمْرِو بْنِ شُعَيْبٍ عَنْ أَبِيهِ عَنْ جَدِّهِ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "مُرُوا أَوْلَادَكُمْ بِالصَّلَاةِ وَهُمْ أَبْنَاءُ سَبْعِ سِنِينَ وَاصْرِبُوهُمْ عَلَيْهَا وَهُمْ أَبْنَاءُ عَشْرِ سِنِينَ وَفَرِّقُوا بَيْنَهُمْ فِي الْمَضَاجِعِ".

Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалам дедилар:

"Фарзандларингиз етти ёшга тўлганда намозга буюринг. Ўн ёшга етганда (ҳам намоз ўқимаса), уларни уринглар ва (шу ёшда) уларнинг ётоғини ажратинглар: алоҳида-алоҳида ётқизинглар".

Абу Довуд Сунани.

Атиги бир ҳадисни ҳаётга татбиқ қилинмагани учун аччиқ ҳасрат оламга таралди. Ота-онанинг хатоси ҳам шу ерда эди. У фарзандлар ётоғини ажратмаган. Оч бўри билан кўзини бир ерга қамаб қўйган. Қаранг, 25 яшар ака билан 13 яшар сингил бир хонада ухлар экан. Бу умуман ақлга тўғри келмайдиган ҳолат-ку. Агар қашшоқлик уларни бир хонада ётишга мажбур қилган тақдирда ҳам, бу важ ва узр ҳеч қаерда инобатга ўтмайди. Чунки бу нарса ечимсиз муаммо эмас. Ечими бор.

Азизлар, ота-онанинг бепарволиги аввало уларнинг ўзига ва зурриётига қимматга тушади. Инсон пайғамбарона гўзал таълимотдан узоқлашган сари ҳасрати ортиб бораверади.

Дунёга келган куниёқ ўлимга маҳкум этилган норасида гўдак ҳақида ҳеч эшитганмисиз? Шундай гўдаклар борлигидан хабардормисиз?

Дин ва тарихдан бохабар кишилар бундан 1400 йил олдин тириклайин кўмилган қизлар тўғрисида маълумотга эгалар.

Қуръон бу тўғрида: ﴿ وَإِذَا الْمَوْءِدَةُ سُئِلَتْ ﴿٨﴾ بِأَيِّ ذَنْبٍ قُتِلَتْ ﴾

﴿ Тириклайин кўмилган қиздан қайси гуноҳи учун қатл этилгани сўралганда... ﴾ деб хабар берган.

Таквир 8-9оят.

VI-VII аср жоҳилиятида қиз кўриш "ор"и ва қашшоқлик хавфи айрим жоҳил ота-оналарни ўз фарзандини тириклайин кўмишига асосий сабаб қилиб кўрсатилса, XX-XXI аср жоҳилиятида боланинг ношаръий дунёга келиши ношаръий ва ноқонуний "ота-она"ларни чақалоқни ахлатга ташлаб кетишига, сойга ёки қувурга ташлашига асосий сабаблардан биридир.

Боланинг ўлимга ҳукм этилишига бошқа сабаблар ҳам бор экан. Бу навни яқинда ўқиб қолдим. Бегуноҳ болани ўлимга ҳукм этган ҳам ота, уни ижро этмоқчи бўлган жаллод ҳам ота.

Озод Шарафиддиновнинг шоир "Ғайратий тўғрисида сўз" мақоласида шундай гўдак тўғрисида сўз кетган.

"Тугилган кунидеъ ўлимга маҳкум қилинган чақалоқ тўғрисида эшитганингиз борми? Ғайратий дунёга келиши биланоқ ана шундай мудҳиш қисматга рўпара келган. Унинг қотили отаси бўлмоғи керак эди. Гап шундаки, Ғайратийнинг онаси кўз ёраётиб нобуд бўлган. Хотинини жонидан ортиқ яхши кўрган ота алам ичида ўзини йўқотиб қўйиб, фожиянинг сабабчиси деб янги тугилган фарзандини билади ва уни чопиб ташламоқчи бўлади. Азага келган маҳалла аёллари чақалоқни бир амаллаб олиб қочадилар.

Ота бу мудҳиш фожиа рўй берган уйдан бутунлай бош олиб чиқиб кетади ва Қирғизистонга Тўқмоқ шаҳридаги қариндошлариникига кетиб, ўша ерда ўн икки йил қолиб кетади. Ғайратий эса маҳалладаги Ойимхон деган ярим уйгур аёлнинг қўлида қолади. Ойимхон меҳрини аямай етим қолган

гўдакни ҳар томонлама парвариши қилиб, улғайтиради. Аммо у ҳар қанча ғамхўр ва меҳрибон бўлмасин, етимлик етимликда – Ғайратийнинг болалиги анча машаққатлар ва хўрликлар ичида кечади.

1914 йилда ота Тўқмоқдан Тошкентга қайтади ва ўтган ишлар учун ўғлидан кечирим сўрайди. Уруш даврининг қийинчиликларига қарамай, ота-бола иноқлик билан турмуш кечира бошлайдилар. Ёш Ғайратий ўқиб, савод чиқариш имконига эга бўлади. Ўқиш жараёнида Ғайратий шоирлик истеъдодига эга эканлиги маълум бўлади. У шеърлар ёза бошлайди, орадан кўп ўтмай яқин ўтмишида ўзи бошидан кечирган етимлик машаққатлари, сарсон-саргардонлик ҳақида дostonлар тўқийди".

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»,
2002 йил 39-сон.

Болаларнинг бири қаттиққўл ота-онадан ҳасрат қилса, бири ака-укасидан ҳасрат қилади. Гоҳо моддий етишмовчиликдан фиғони фалакка етади, гоҳида мактабдаги номаъқулчидикдан нолийди. Баъзида, кўпинча деса ҳам бўлаверади, ёши катталарнинг фитратга, ҳақиқатга зид тутумидан, инсофсизлигидан норози бўлиб ранжийди, дили оғрийди.

Фарзанд улғайиб, ўзи ота бўлиб, мустақил ҳаёт кечираётган маҳалда ҳам ҳасрат қилар экан. Бунга ўзим гувоҳ бўлдим. Сизлар гувоҳ бўлгани, балким мен гувоҳ бўлгандан кўпроқ ва баттарроқ бўлиши мумкин.

Бир жойда "Биррул волидайин" ҳақида берилиб гапирдим. Сўз интиҳосига етди, йиғин тугаб, йиғиндаги суҳбатдошлар кетиш тараддудига тушди. Шунда ургутлик бир йигит мени чеккага тортиб, "ҳамма домлалар нуқул ота-она тўғрисида гапирди, болалар ҳақ-ҳуқуқи ҳақида ҳам гапиринглар", деди. Тасодифий таклиф ортида дашном яширинганини ҳар қандай пандовақининг ҳам англаши қийин эмас эди. Табассумдан йироқ норизо юз билан менга бақрайиб, тўсаттан айтилган

сўзга ўша пайтда нима деб жавоб берганим ёдимда йўқ. Эсанкираб қолганим аниқ. Лекин унинг сўзини ҳалигача унутганим йўқ. Чала бўлса ҳам мазмунини эслайман.

"Менинг корхонам бор. Укаларимнинг иқтисодий аҳволи тангроқ. Отам укаларимга нима керак бўлса, "акангни ишхонасидан олиб кел", дейди.

Корхонага мен хўжайин бўлганим билан, у ердаги нарсаларда кўпчиликнинг ҳаққи бор. Менинг ҳам ўзимга яраша ҳисоб-китобим бор. Бу гапни отамга айтсам, мени тушунишни хоҳламайди. Отанинг ҳаққини эслатади, оқ бўлишнинг ёмон оқибатидан қўрқитади, мол-дунёни ёмонлайди.

Оталарнинг зўравонлигини биз фарзандлар уларнинг юзига айта олмаймиз. Бу – сизларнинг вазифангиз!.."

"Ҳамма домлалар нукул ота-она ҳақида гапиради, болалар ҳақ-хуқуқи ҳақида гапирмайди", деган гапга дарров қўшилиш қийин. Билишимча, домлалар ҳар икки мавзуда суҳбат ўтказишган. Амри маъруфда ота-она тўғрисида гапирилгани каби фарзанд тарбияси тўғрисида ҳам гапирилган, гапирилмоқда.

Шахсан мен толиби илм сифатида 96-97 йилларда "Фарзанд тарбиясидаги хатолар" унвони остида бир нечта жойда сўз ирод этганман.

Лекин ургутликнинг гапида ҳам жон бор. Ҳақиқатда оналар орасида зўравони йўқ эмас, болага текин ишчи кучидек қарайдигани кўп. Болани аямай ишлатишади. Бола китоб ўқиса, "сенга китоб ўқишни ким қўйибди. Ўқиб профессор бўлармидинг. Домла бир ойда топганини омилар бозорда бир кунда топиб қўйяпти. Товуқнинг тушига дон киради, тагин бир умр пулни тушингда кўриб юрмагин", деб ўқишдан боланинг кўнглини совутишади. Талантни тириклайин дафн этишади. Баъзилари боласи ҳидоят топса, тўғри йўлга тушса, ғазабланар экан. Бир қори укамизнинг айтишича, дўстининг онаси ҳидоят топган ўғлига "ҳасратланиб": "Ўғлим, бундан кўра эшикдан ширакайф бўлиб кириб келган пайтларинг жуда яхши эди" дер экан.

Фарзандларнинг аксари қаттиққўл ота-онанинг калтагидан шикоят қилади. Гоҳ ота дўппосласа, гоҳ она. Гоҳ аччиқ устида, гоҳ "тарбия" бериш мақсадида болага қўл кўтарилади.

Тарбияга оид ёзилган арабча китобда ачинарли воқеани ўқиган эдим. Унда бир араб хонадони ҳақида ҳикоя қилинади. Ўзбек ўқувчисига тушуниш осон бўлсин деган мақсадда воқеани бир оз тасарруф билан ўзбекчалаштириб таржима қилдим.

Она кеча олиб келган помадасини қизининг қўлида кўриб тутақиб кетди. Чунки ишлатилмаган янги помаданинг учи ерга кўп ишқалангани сабабли эзилиб қолган эди. У шунчалар дарғазаб бўлдики, азбаройи тутаққанидан кўзига ҳеч нима кўринмай, қўлидаги супурги дастаги билан қизини аямасдан савалай бошлади. "Қаерга суркадинг бунинг?" деган саволига "деворга" деган жавобни олгач, унинг тутаққан ўти керосин сепилган оловдек ловуллаб кетди. Супурги билан савалаб қўли толиққан она супургини улоқтириб, кўксидagi игна тўғноғични ечди. Қизнинг "тавба қилдим, ойижон, энди помадангизни олмайман" деб ялиниб ёлворишига қарамасдан, нонга чекич урган нонвойдек қизнинг қўлига учли игнани санча бошлади. Қонга беланган оппоқ қўл бир паста помададек қизариб кетди. Шундагини аёл қизни уришдан тўхтади. Кўзи жиққа ёшга беланган қиз ишлқ этиб ерга йиқилди.

Кеч кирди.

Толиққан она оёғини базўр судраб хонаси томон юрди. Чироқни ёққанда кўзи девордаги ёзувга тушди. Не кўз билан кўрсинки, деворда қизил рангда: "Ойижон, мен сизни жуда-жуда яхши кўраман – Севаман" деган ёзув бор эди.

Фломастер билан помадани фарқига бормаган қизча она помадасини бўёққалам деб ўйлаб, онага бўлган муҳаббатини деворга ёзиш билан изҳор қилган экан. Она эса бундан беҳабар. Шунда игна санчган пайтда қиз қўлидан сизган қон каби она кўзидан ёш сизиб чиқди. Чарчоқни унутиб, тезда қизининг хонасига шошди. Бечора қиз юмшоқ каравотига кўтарилишига ҳам кучи етмай ерда ухлаб ётарди. Она қўли бинт билан чандилган қизига қараб хўнграб юборди.

Эртасига эрталаб қизи ўқийдиган мактабга борди. Қиз бетоблиги учун мактабга келолмаслигини муаллимга билдириб қўймоқчи эди. Қизи ўқийдиган синф эшигини аста қоқди. Киришга изн бўлгач, ичкарига кирди. Синф ўқувчиларга тўлган. Фақат биринчи партада ўтирадиган қизининг ўрни бўш, холос. Она доскага қаради. Доскага катта ҳарфлар билан **"ойижон, мен сизни жуда яхши кўраман"** деган ёзув ёзилган эди.

– Келинг, марҳамат. Раънохон қани? – деди муаллим.

– Бироз тоби қочган эди, шунга келолмади.

– Шамолладими?

Нима деб жавоб беришга ўйланиб қолган она:

– Ҳа, шша-мол-лаб қолди, – деди дудуқланиб.

– Терлаб турган бола совуқ сув ичгандирда...

– Шундай... – деди юзи қизарган она.

– Кечаги дарсда "онани яхши кўриш" мавзусида сўзлашган эдик. Ўқувчиларга уй вазифаси топшириб, ҳар бир бола уйга бориб онасига "мен сизни яхши кўраман" деб оғзаки ва ёзма равишда баён қилсин, деган эдик. Қизингиз Раъно вазифасини бажардимми?

Она жавоб бериш ўрнига юзини ерга қаратди. Бир оздан сўнг ўзини ўнглаб:

– Ҳа, бажарди, – деди.

– Мен унга ишонаман. Қизингиз ажойиб қиз. Вазифаларни мен ўйлагандан кўра аъло даражада бажаради. Катталар калласига келмаган ажойиб фикрларни ўртага ташлайди...

– Қизимнинг партасига ўтирсам майлими?

– Бемалол.

У қиз ўрнига ўтириб дарсни тинглай бошлади. Тасодифан қўли парта остидаги қоғозларга тегиб кетди. Қоғозлардан бирини олиб ўқиди. Унда "Азиз муаллим, мен онажонимни сиз айтмасингиздан олдин ҳам жуда-жуда яхши кўраман", дейилган эди. Қизининг хатини таниган она бошини янада қўйи эгди. Унсиз йиғлай бошлади. Қилмишига пушаймон бўлди.



Қадимгиларнинг "етти ўлчаб, бир кес" деган ўғити муайян бир соҳа аҳлига хосланмаган, бу ҳикмат ҳаммага тегишли. Тарбияда, таълимда, тижоратда, одамлар билан бўлган муомалада етти ўлчаб, бир кесмоқ шарт. Сўнги пушаймон – ўзингга душман, дейдилар. Кейинги пушаймон асқотмайди.

Фарзанд бугун ота-она қувончи, эртага уларнинг таянчи. Донолар: "Давлатнинг боши – фарзанд", "Ота-онанинг – давлатинг, Фарзандларинг – савлатинг", деган. Фарзандларга шу эътибор билан қарашни унутмаслик керак.

1996-97 йилларда Салмон ал-Авда шаритидан эшитганим бир фожиона ҳодиса ёдимга тушди.

Юқорида чет элдаги уй-жой муаммосини қисман эслаб ўтдик. Чет элда шахсий уйга эга бўлиш жуда қийин. Бераҳм иқтисодий тузум ва нотўғри бошқарув одамларни шу аҳволга солган.

Ҳикоя қилмоқчи бўлганим ёш ота неча йил деганда аранг шахсий уйга эга бўлади. Уйни замонавий жиҳозлар билан безайди. Қимматбаҳо мебеллар, юмшоқ диван-креслолар; ҳузурбахш ўриндиқлар мебель магазинидан тўғри янги уйга олиб келинади.

Янги уйни янги жиҳозлар билан ясатган ота ишга кетади. Она кундалик юмушлар билан банд. Болалар уй ичида ёлғиз қолган. Шунда болалар юмшоқ ўриндиқларни от қилиб минадилар. Устида сакрайдилар. Пичоқ олиб чиқиб, баъзи шўхроғи диваннинг пахтасини суғуриб олади. Қисқаси ота ишдан келгунча уйни ағдар-тўнтар қилиб ташланади.

Янги уйни бу аҳволда кўрган отанинг тутуни осмонга чиқади. Ғазабдан ўзини тутолмайди. Болаларни қувиб кетади. Каттасини ушлаб олиб ўлгидай дўппослайди. Боланинг "тавба қилдим, дадажон, иккинчи қилмайман" деган сўзи унинг қулоғига кирмасди. Боланинг калтак зарбидан қизариб, кўкариб кетган танаси отага кўринмасди. Норасиданинг ялиниб-ёлвориши ота раҳмини заррача кўзғолмади. Боланинг онаси ажратаман деб яқинлашган эди, ғазабнок эр: "Йўқол! Болани

сен бузгансан", деб уни яқинлаштирмади. Ҳовуридан тушмаган баджаҳл ота қаердандир арқон топиб келиб, сўлжайиб ётган боланинг қўл-оёғини маҳкам боғлашга тушди. Арқонни шунчалик қаттиқ тортиб боғладики, агар инсонда суяк бўлмаганида, арқон қўлни бутунлай узиб ташлаши мумкин эди.

Қўл-оёғи боғланган болани шарт кўтариб, ертўлага ташлаб чиқди. Бечора она боласининг қўлини бўшатмоқчи эди, эр "агар болага яқинлашсанг, талоксан!" деб бақирди.

Қўрқинчли ертўлада ёлғиз қолган болача йиғлаб-йиғлаб охири уйқуга кетади. Эрталаб баджаҳл ота "безори" ўғлидан хабар олгани ертўлага тушади. Не кўз билан кўрсинки, бола беҳуш ётарди. Кечикиб келган оталик раҳми кўзгаб, дарҳол болани касалхонага олиб борди. Табобат аҳли болани обдон текширганларидан кейин отага ўз хулосаларини баён қилдилар.

- Боланинг қони заҳарланган. Агар унинг қўл-оёғини зудлик билан кесилмаса, заҳар бутун танага тарқаб, бола нобуд бўлиши мумкин.
- Доктор, бундан бошқа чора йўқми? Ҳар қанча пул бўлса, мана мен тайёрман. Керак бўлса, уйимни сотаман, бор-будимни сотаман. Фақат ўғлимнинг қўл-оёғини кесманглар. Илтимос, бошқа чора изланглар.
- Иложи бўлганида, биз сиздан яширармидик. Тезроқ розилик беринг, биз операция қилишимиз керак, йўқса, бола ҳалок бўлади.
- Иложи бўлмаса... кеса..., – деб ота касалхонани бошига кўтариб ўқирди.

Болакай касалхонадан тузалиб чиқди. Ўз уйига келди. Укалари билан ўтирган жойида ўйнай бошлади. Унинг чопқилаб югургиси келар, қўли билан бир нарсаларни ушлагиси келар, лекин бунинг иложи йўқ эди. Шунда болакай дадасига қўлини чўзиб, ялинган ҳолатда: "дадажон, дадажон, қўлимни, оёғимни қайтариб беринг. Иккинчи диванингизга ўтирмайман, креслони бузмайман", деди.

Эйвоҳ!

Жаҳолат, ғазаб одамзодни не кўйга солмайди дейсиз.

Қаранг! "Доктор, бундан бошқа чора йўқми? Ҳар қанча пул бўлса, мен тайёрман. Керак бўлса, уйимни сотаман, бор-будимни сотаман. Ўғлимнинг қўл-оёғини кесманг" эмиш.

Эндими?! Кеча кечаси ақлинг қаерда эди?!

Ой туйнукка, арава эшакка келганда эсинг кирдимми?

Аллоҳ таоло сенга фарзанд тортиқ қилган вақтда ҳамма аъзосини бус-бутун қилиб берган эди. Туғуруқхонадан бола-ни бекаму куст, тўрт мучаси соғ олиб чиққансан. Энди қилғиликни қилиб, "кесмайлар"га ўтасанми, ношуд, нодон!

Синиқ диванни дурадгор тузатади, синган чинни, сополни қадоқчи қадоқлайди. Кесилган қўлни ким ўрнига қайтаради? Ким уни қадоқлайди? Дурадгорми, қадоқчими, шифокорми? Бу бандасининг қўлидан келадиган иш эмас.

Жаҳолатга берилманг! Ғазаб келса, муштни тугманг, тилга эрк берманг! Турган киши, ўтириб олсин, ўтирган ётиб олсин. Шунда ҳам ғазаб босилмаса, таҳорат олиб намоз ўқисин, ғазабни кўзғатадиган жойдан чиқиб кетсин...

Танбех!

Хатони тузатишидаги услуб гоҳида Хатонинг ўзидан ўтиб кетади.

Хатони ўзига ўхшаши хато билан Муолажа қилинмайди.



Яқинда бир суҳбатда Гиннеснинг рекордлар китобига кирган "дунёдаги энг бахил аёл"¹ ҳақида сўзлашди. Американинг киндигида дунёга келган Netty Green исмли аёл отасидан 7,5 миллион доллар мерос олади. Ёлғиз фарзанд Netty Greenга олти ёшга етганда отаси унга банкда ҳисоб очади. Қиз ўзига

¹ "Бахиллар" ҳақида ўқиганим, эшитганим бор эди. Лекин бу қадар бахилликни илк бор эшитишим. "Ҳаёт хангомалари"да уларнинг айрими билан танишамиз.

ўхшаган миллионерга турмушга чиқади. Ўғил кўради. Бола бола эканда, шўх ўғли кўчада оёғини синдириб келади.

107 миллион долларга эга давлатманд она болани бепул даволайдиган касалхонани қидиради. Узоқ қидирувдан кейин "текин" табиб тополмайди. Вақт ўтган сайин боланинг дарди кучайиб боради. Охири, доктор унинг оёғини кесишга мажбур бўлади.

Хабарнинг тагига етиш учун уни қидириришга тушдим. Гиннеснинг рекордлар китобининг арабча нусхасига илгари бир кўз югиртириб чиққандим. Лекин музкур хабарни китобнинг электрон нусхасидан топдим. "Google"га "أجمل امرأة في العالم" деб ёзсангиз, юқоридаги хабар манбаси билан танишасиз.

Ибрат.

*Гоҳо жаҳолат балосидан кўра бахиллик балоси
ёмонроқ бўлар экан.*



Болани уриш тўғрисида яна бир гап.

Тирноқ остидан кир ахтарадиганлар "Ислом фарзандни уришга буюрган" деб айюҳаннос солади. Кичкина нарсани катталарштириб, дунёга жар солади.

Ҳа, ҳадисда *"Авлодингиз етти ёшга тўлганда намозга буюринг. Ўн ёшга етганда (ҳам намоз ўқимаса), уринглар ва (шу ёшда) уларнинг ётоғини ажратинглар: алоҳида-алоҳида ётқизинглар"*, дейилган.

Диққатга сазовор ҳадисга эътибор қилинг!!!

Набий ﷺ болани нима учун уришни ва қачон уришни ўзлари тайин этдилар, ўта аниқлик билан белгилаб бердилар.

"Авлодингиз етти ёшга тўлганда намозга буюринг".

Ота-она ўз зиммасидаги вазифани бажариб, фарзандини 7 ёшдан намозга буюради. Намоз бир кунда беш маҳал ўқилади. Кимдир боласини бир кунда икки маҳал намозга буюриши

мумкин, кимдир беш маҳал боласига: "Ўғлим, бомдод бўлди, намозингизни ўқиб олинг, пешинга азон айтилди, пешинни эсдан чиқарманг, аср яқинлашиб қолди, асрдан кечга қолманг, шомнинг вақти қисқа, шомни ўз вақтида ўқиб олинг, ҳамма хуфтон намозига йўл оляпти, хуфтонни ўқиб, кейин ухланг", деб турли василалар билан боласини намозга тарғиб қилади. Бола етти ёшга тўлганда бошланган падарона бу ўғит у ўн ёшга етгунча давом этади. Бола ўн ёшга тўлганда ҳам отанинг сўзини писанд қилмаса, буйруғини бажармаса, илтимосини олмаса, шунда ота боласини уришга ҳақлидир.

Нега уради?

Уришнинг фойдаси борми?

Чунки инсон руҳ ва жасаддан иборат. У иккисининг роҳат ва уқубати бир-бирига умуман ўхшамайди. Руҳ роҳати ва уқубати, яъни жазоси ўзгача, жасад роҳати ва уқубати ўзгача.

Руҳ бир оғиз ширин сўзга суюнади, бир оғиз дағал сўздан ранжиб, оғриқ сезади. Жасад эса ундай эмас. Сўз билан уни на мукофотлаш мумкин ва на жазолаш мумкин. Сўз жасадда оғриқ пайдо қилмайди. Жасад зарбадан, калтақдан оғриқни сезади.

Тарбия олимларнинг айтишича, сўз билан тарбия топмаган бола қўл билан, яъни жисмоний жазо билан тарбияланади.

"Ўн ёшга етганда (ҳам намоз ўқимаса), уринглар".

Агар ота боласини ҳар куни икки маҳал намозга ундаса, уч йил давомида, яъни 7 ёшдан 10 ёшгача 2190 марта боласига сўз билан мурожаат қилган бўлади. Чунки бир йилда 365 кун бўлса, уч йилда 1095 кун бор. Ота эса бир кунда икки маҳал болани намозга буюради, тарғиб қилади, керак бўлса ялинади. 1095 ни икки кўпайтирсак, натижа 2190 бўлар экан.

Агар ота боласини ҳар куни беш марта намозга ундаса, уч йил давомида 5 475 марта боласига намоз хусусида мурожаат қилган бўлиб чиқади. Чунки уч йилда 1095 кун бор, бу сонни 5 га кўпайтирсак, натижа 5 475 бўлиб чиқяпти.

Демак ота уч йил давомида ози билан икки минг марта ёки энг кўпи билан беш минг марта буюргандан кейин бола бу буйруқни бажармаса, Шариат шу пайтда уришга рухсат беряпти.

Агар бир ишчи бошлиқнинг битта буйруғини бажармаса, бошлиқ уни ишдан бўшатиб юборади. Наҳот ота бир бошлиқча бўлолмаса?! Битта гапи эмас, мингта, беш мингта гапини ўз пушти камари писанд қилмай, ота буйруғини бажармаса, наҳот ота бўлиб ўз боласини уришга ҳадди сиғмаса?!

Диққат қилинг!!!

Набий ﷺ фақат намоз ўқимагани учун уришга рухсат бердилар. Бошқа дунёвий ишларга эмас. Бола чинини синдириб қўйса калтаклаш, креслонинг пахтасини чиқарса савалаш, бекордан бекорга, ҳуда-буҳудага қўл кўтариш Ислолда йўқ.

Болани қанча урилади? Аямасдан дўппосланадими?

Ёки жоҳил ота хумордан чиққунча болани тепкилайдими?

Ёки қон чиқиб, бирор ери сингунча урадими?

Саҳиҳи Бухорий ва Саҳиҳи Муслимда келган ҳадисда жанобимиз шундай марҳамат қилдилар.

عن أبي بردة الأنصاري قال: سمعتُ النبي ﷺ يقول: "لا تجلّدوا فوقَ عشرةِ أسواطٍ إلا في حدٍّ من حدودِ الله".

أخرجه البخاري

"Ўнтадан ортиқ саваламанглар, илло Аллоҳ жиноятга белгилаган ҳаддларнинг биридагина ўнтадан оширинг".

Бу Бухорий ривояти. Муслим ривоятида ушбу лафз билан келган:

"لا يُجلدُ أحدٌ فوقَ عشرةِ أسواطٍ إلا في حدٍّ من حدودِ الله"

"Бирор кимса ўнтадан ортиқ саваланмайди, илло Аллоҳ ҳаддларидан бирор ҳаддагина ўнтадан оширилади".

Яъни жинойи жавобгарликка тортилган жиноятчигагина ўнтадан ортиқ дарра уриш мумкин. Бу жазо қози ҳукмидан кейин ижро этилади.

لَا يُجَدُّ калимасини, менимча, савалмоқ, қамчиламоқ, дарра-ламоқ, деб таржима қилса бўлаверади. Зеро бу уч калима бири-бирига маънодош калималардир.

Агар ота шўх ўғлининг қилмиши учун уни жазоламоқчи бўлса, иш уришни тақозо қилса, қўлга эрк бермасдан ушбу шартларга риоя қилмоғи талаб қилинади:

1- Юзга урмайди. Нозик жойлардан четланади.

2- Бор кучи билан урмайди.

3- Майиб қилиб қўймайди.

4- Уламолар таъкидлаганидек, غَيْرَ مُبْرَحٍ жуда қаттиқ оғриқ еткизадиган даражада урмайди.

5- Саваламоқчи бўлса, ўн мартадан оширмайди. Агар жазо жинойтдан ошиб кетса, отанинг ўзи жавобгарликка тортилади.

Росулуллоҳ ﷺ даврларида бир шўх бола қаттиқ тўполон қилиб, ахлоқ-одоб чегарасидан ўтиб кетади. Шунда Набий ﷺ болага: "Қиёматда қасос бўлмаганида, адабингни бериб қўярдим", дедилар.

6- Уришдан мақсад аламдан чиқиш, қўлини қичиғини бос-тириш эмас, таъдиб ва тарбия бериш бўлмоғи керак.

7- Болани ёмонлик қилган заҳоти эмас, бир муддат ўтгандан кейин жазолаган маъқул.

Ривоят қилишларича, Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумо ўғилларидан бирини уришмоқчи бўлсалар туяга ўтирғизиб, Мадина ташқарисига олиб чиқар эканлар.

Ота аввало ўғлига оғзаки тушунтириш беради. Ёмон иш қилганини эслатади. Бу жинойт жазосиз қолмаслиги унга бот-бот уқтирилади. Отанинг ғазаби пасайиб, жаҳлдан қайтиб, ховуридан тушгандан кейин боласини савалаши мумкин.

Болани унинг бобо ва момаси олдида урилмайди. Кексаларнинг дили ранжийди. Ёки "бизга аччиқ қияпти, аламини боласидан оляпти", деган ўйга боришлари мумкин.

Болани унинг ўртоқлари, синфдошлари, кўни-кўшнилар хузурида урмайди. Бу боланинг обрўсини тўкиш билан бирга кўзда тутилган мақсад амалга ошмай, акс натижа беришига олиб бориши мумкин.

Боланинг туғишган ака-ука, опа-сингиллари жазони кўриши жоиз. Тоинки бу жазо қолганларга ҳам сабоқ бўлмай.

Европа қонуни болани уришни мутлақо таъқиқлайди. Агар бола ота-онасидан тегишли жойларга шикоят қилса, давлат болани ота-онадан тортиб олиб, уларни "ота-оналик ҳуқуқи"дан маҳрум қилади. Бу ғайриинсоний қонун Европага ҳижрат қилган мусулмонларга янада кескинроқ, янада қаттиқроқ татбиқ қилинар экан. Европадан келган меҳмон шулар тўғрисида тўхтаб, ақл бовар қилмас ҳодисани сўзлаб берди.

"Мактабда муҳожирларнинг фарзандига дарсдан ташқари дарс уюштирилган. Шу дарслардан бирида ўқитувчи қиздан:

- *Facebook ишлатасанми? – деб сўрайди.*
- *Йўқ, – дейди қиз.*
- *Нега?*
- *Дадам рухсат бермайдилар.*

Шу заҳоти ўқитувчи қаергадир сим қоқади.

Сим қоқилган пайтда қизнинг отаси уйда бўлмайди.

"Уйга келсам, подъездимиз олдида полиция машинаси турибди. Полициячига салом бериб ичкарига кирдим. У ерда ҳам бир полиция ходими турибди. Уйда эса бошқа полициячи рафиқамга бир нарсалар деб гапириб ётибди. Мени кўриб, ҳе йўқ, бе йўқ, кўксимга бир тепиб, қўлимга кишан солди. Дабдурустдан рўй берган воқеадан гангиб қолдим. Юрак хуруж берадиган дардим бор эди. Шу пайт юрак хуруж бериб қолди. Аввал зўравон полиция ходими бунга ишонмади. "Масхарабозлик қилмай ўрнидан тур!" деди. Менинг туришига мажолим йўқ эди. Аҳволнинг жиддийлигини билгач, тез ёрдам чақирди. Ҳушдан кетдим. Кўзимни очиб қарасам полиция ертўласида ётибман. Нима бўлганини кейин билдим.

Менинг ўз қизимга "facebook ишлатма" деганим уларга ёқмаган экан. Уйга келсам, онаси йиглаб ўтирибди. "Тинчликми", деб сўрасам, у "давлат бизни ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиб, болаларни уйдан олиб чиқиб кетди", деди...

"Демократия!!!" деб оғиз тўлдириб мақталган Европадаги ахвол мана шунақа. Бу, биз билган демократия, билмаганимиз қанақа экан?..

Болани чертмай тарбия бераётган европаликлар бу услуб уларга қимматга тушаётганини энди-энди тушиниб етишмоқда. Ота калтагидан қўрқмаган бола талтайиб, кўнглига келган номаъкулчиликларга қўл уряпти. Шапшак, бемаъни бўлиб ўсяпти. Ёшлигида бежазо қолдирилган боланинг кичик хатоси у улғайгач, катта жинойтга фундамент бўлиб қоляпти.

Аслида бола урилмайди. Уришга лойиқ иш қилган пайтда уни қилмишига яраша жазолаш жоиз. Бу аввало унинг ўзи учун, қола берса, ота-она, жамият ва давлат учун фойдалидир. Ёшлигида жазоланган бола катта бўлганда жинойтга қўл урмайди. Бу Ислом келмасдан олдин амалда қўлланган тарбия услуби. Сўзга кирмайдиган беадаб бола таёқ, хипчин билан чўчитилган. Ибн Абу Шайбанинг "Мусаннаф"ида келади:

عيسى بن يونس عن الازاعي عن يحيى بن أبي كثير¹ قال: قال سليمان بن داود لابنه: "من أراد أن يغيظ عدوه فلا يرفع العصا عن ولده"

Сулаймон ибн Довуд алайҳимассалом ўғилларига дедилар: "Ким душманини газаблантирмоқни истаса боласидан асони кўтармасин". Яъни боланинг ёшлигида яхши тарбия берсин.

Сулаймон алайҳиссалом Бани Исроил пайғамбарларидан бири. У зот ўз ўғилларига насихат қилиб, "болангни калтақдан қўрқадиган маҳалгача назорат қилиб тур" демоқдалар.

"Адабул Муфрад"да: дейилган. *عن نافع عن ابن عمر أنه كان يضرب ولده على اللحن*

¹ Ўзингиз гувоҳи бўлганингиздек, Яхё асарда саҳобани зикр қилмаган. Шунга кўра бу асар Яхё ибн Абу Касирнинг "мурсал"и деб билинади. Мурсал – заиф.

Нофеъ Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилиб дейди: "*Ибн Умар боласини лаҳн учун урад эди*".

Лаҳн – Сўзни нотўғри талаффуз қилиш, ёмон нутқ, ғализ гапириш, демакдир. Тил қоидаларига амал қилмаслик, ҳарфларни алмаштириб юбориш, ҳар бир ҳарфни ўз ўрнидан чиқармаслик "лаҳн" дейилади.

Араблар қадимдан тилга катта эътибор қаратган.

مر عمر بن الخطاب رضي الله عنه برجلين يرميان فقال: أحدهما للآخر أسبت فقال: عمر سوء اللحن أشد من سوء الرمي .

Умар ибн Хаттоб розияллоҳ анҳу камондан ўқ отаётган икки кишининг ёнидан ўтиб қолдилар. Улардан бири иккинчисига: "Тўғри отдинг, нишонга тийди", – деди. Шунда Умар: "Ёмон нутқ ёмон отишдан ёмонроқдир", – дедилар.

أسبت деган киши араб тилида "син" билан "сод" ни алмаштириб қўйган эди. أصبت дейиш ўрнига أسبت деган. Бу "нишонга тегди" ўрнига "тийди"¹ дегандек гап. Шунга амирулмўминин дикқат қилиб, унинг хатосини ўрнида тўғрилаб қўйдилар. Давлат арбобининг тилга эътибор бериши жуда нодир ҳолат...

Мавзудан бир оз чекиниб эслатмоқчиманки, ўзбеклар ҳам "Тилга эътибор – элга эътибор" деб бекорга айтмаган. Тилга оид бир рисоламда бу борада ўз фикрларимни билдирганман. Унда Иброҳим Раҳимнинг 1989 йил, 15 сентябрда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»да нашр этилган «Тилимизни ҳаққа чўқиганми?» мақоласидан намуна келтирилган.

*Дил сирин очгани бир нуктадон йўқ,²
Сизлар каби гўзал нуктафишон йўқ,³
Тилни қуш чўқиган, ширин забон йўқ,
Биздаги ёмондин ўтган ёмон йўқ.*

Ж. "Бадиъа"дан.

¹ "Тегмоқ" бошқа, "тиймоқ" бошқа. **Тиймоқ** – Нафсни тиймоқ, ғазабни тиймоқ.

² **Нуктадон** – Сўзнинг нозикларини тушунувчи, ақли етук, нозик фаҳм.

³ **Нуктафишон** – Нозик фикрлар айтувчи. Хитоб Навоийга қаратилган.

Оғзаки ва ёзма нутқда ўз нуқсонимни тан олган ҳолда айтаманки, бу борада ҳаммамизнинг камчилигимиз ўзимизга етарли. Ҳеч ким баркамолликни даъво қилмайди. Лекин ўша нуқсон ва камчиликларни бартараф этишга ҳаракат зарур. Керак бўлса, давлат миқёсида буни амалга ошириш лозим.

Адиб Аҳмад Аъзам "Тил номуси" китобида:

"Она тилимизга муносабатимизни тубдан ўзгартиришимиз лозим. Тилимиз хароб аҳволга тушиб боряпти, уни қайта жонлантириши учун ҳаялламай иш бошлаш керак", деган таклифни илгари сурган.

Ёзувчи Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон тил тарихи, ҳозир ва келажагига оид "Тил миллатнинг ўзаги" мақоласида:

"Хуллас, тилнинг қаддини тиклаш бўйича оммавий бир ҳаракат юзага келди. Юзага келди-ю... афсус, бу ташаббус, бу гайрат менинг назаримда йил ўтган сайин сўниб, тил уйғониш тўлқини секин-аста орқага қайта бошлади. Мана, ҳозир ўша илк қонуннинг қабул қилинганига 21 йил бўлган бўлса, кундалик ҳаётда бу қонунга риоя тобора орқага кетяпти деб ўйлайман.

Демак, тил масаласи шунчаки гап орасида айтиб кетилаверадиган жўн, кичик, майда масала эмас, балки давлат аҳамиятига эга, улкан масаладир. Агар бу тил пала-партиш ва сурбетларча бостириб кириб келаётган ёт сўзлар ҳисобига айниб ё қашшоқлашиб кетаверса, Оллоҳ кўрсатмасин, болаларимизга нима қолдирамиз ва улар ўзларини қайси тил эгаси деб айтишади? Ҳолатга боқсангиз, кейинги пайтларда шу салбий ҳодиса кузатиляпти, одамларда тилимизга эътибор тобора пасайиб кетяпти", деб бекорга ачинмаган.

Шавкат Раҳмон ҳайқириғи чархчининг чархидан сачраган учқундек дилларга отилади:

*Сўзларни қайрайлик, тагин қайрайлик,
Токи кескир бўлсин бамисли олмос.
Ўтकिр сўз қолмаса шоирларидан,
Ўтकिр сўз қолмаса... ҳеч нима қолмас.*

"Меҳр-муҳаббат" калимасининг маъноси нақадар ёқимли бўлса, талаффуз ва оҳанги ҳам шу қадар майин, ёқимлидир. Томоқни қириб "меҳр-муҳаббат" дейиш оҳангни бузади, тингловчининг қулоғига ёқмайди, дилига ботади.

Қани энди, ота-оналар, жонкуяр мураббийлар боланинг ёшлигидан тилига эътибор қаратишса, унинг нутқини ўстиришга астойдил киришишса. Шунда ота-онасига, жамиятига қувонч бағишловчи нутқи равон авлод пайдо бўларди.

Тилини суйган одамгина элини суяди, элига қайишади, жон куйдиради. Ажнабий тилни сув қилиб ичиб, ўз тилида дудуқланиш тилга безътиборлик аломати, тилга безътибор кишининг элига қайишиши қийин...

Шу ўринда "Тил тойиса, тузалмас" рисоласида келтирган бир лавҳани бу ерга кўчирмоқчиман.

Мелоддан олдин ўтган маишҳур нотик Марк Туллий Цицерон: "Ё зўр сардор, ё зўр оратор бўлиш керак" деган экан.

Хўш, бу ўхшатиш тасодифми, ёинки бир-бирига қандайдир алоқаси борми?

Навоий дейди:

Олибмен тахти фармонимга осон

Черик чекмай Хитойдан то Хуросон.

Черик, лашкар демакдир. Алишер Навоий лашкар тортмасдан фақат сўзнинг ўзи билан Хитойдан Хуросонгача бўлган минтақаларни забт этганини очиқ айтмоқда.



Боланинг лофчи бўлиб улғайиши тарбиядаги хатолардан биридир.

Лофчи бола вақт ўтган сайин лофчи йигит бўлади, сўнг лофчи ота... Каттароқ лавозимни эгалласа, лофчи раҳбар... ва ҳоказо. Буларнинг ҳаммаси болаликдан бошланади.

Бола лофчи бўлиб туғиладими ёки лофни кимдандир ўрганадими?

У лофчи бўлиб туғилмайди. Атроф муҳитнинг таъсирида лофга ўрганади. Гоҳида ўзи тўқиган лофига ҳаммадан кўра ўзи кўпроқ ишонади.

– Ая, ая!

– Ҳа, нима дейсан?

– Тезда бу ерга келинг. Каламушдай тараканни ушлаб олдим.

Она чопиб келади. Каламушдай эмас, оддий тараканни кўриб боласини койийди.

– Мен сенга "ваҳима қилма, лоф урма", деб ҳар куни минг марта айтаман, – дейди. Шовқунни эшитган ота ҳовлиқиб келади.

– Тинчликми?

– Лофчи ўғлингиз "каламушдан катта таракан ушладим" деб ваҳима қиляпти.

– Мен сенга ҳар куни миллион марта айтаман: "болани ваҳимачи қилиб қўйма, болани лофчи қилиб ўстирма!"

"Ҳар куни минг марта", "миллион марта" деган лофлар болани бузганини бечора ота-она сезмайди.

Бу ҳодисада ким лофчироқ эканини, ким болага бу борада "устоз" эканини ўзингиз билиб олгандирсиз.

Тўғри топдингиз, боладан кўра онаси лофчироқ, онадан кўра ота лофчироқ. Бола улғайгач, ота-онасини йўлда қолдирадиган, лоф деса, олақопни олиб югурадиган лофчи бўлмай қаёққа боради.



Фарзанд тарбиясидаги хатолардан бири – фарзандларни бир-бирига айғоқчи қилиб қўйишдир. Бола тарбиясига ҳарис айрим ота-оналар, хусусан оналар кичик ўғилни катталарига айғоқчи этиб тайинлашади. "Акангни мактабда кузат, нима қиляпти, ким билан юрипти, ҳаммасини менга етказ", "аканг кўчада нима қилди, қаерга борди, нима еди", "компьютерини текшир, орқасидан пойла, нималарни томоша қиляпти, менга айт!" – деган топшириқларни кенжа ё ўрта фарзанд зиммасига юкланади.

Тарбиянинг бу услуби қадимда жуда кам учраган. Одамлар бу нотўғри услубнинг оқибати яхшиликка олиб бормаслигини англаб етишган ва ундан четланишган.

Жуда тор доирада қўлланган бу услуб сўнги йигирма йил давомида ривож олиб оммавийлашиб кетди. Ҳолбуки, унинг зарари айғоқчининг ўзини ҳам четлаб ўтгани йўқ. Айғоқчи ёққан ўт ҳўлу қуруқни баробар ёндирди.

Бу услубнинг тарбиядаги зарарларга қисқача тўхтаб ўтсак.

1- Зарар. Айғоқчи бола ёшлигида бошлаган бу одатни катта бўлганда "касб"га айлантиради. Илгари ака-укасини пойлаган бўлса, ёши каттайганда, ҳаммани пойлайдиган бўлади. Ҳамманинг орқасидан тушади.

2- Акада ёки опада "сотқин" укасига нисбатан нафрат уйғонади. Ота-онанинг ўзлари билмаган ҳолларида фарзандларини бир-бирига душман қилиб қўядилар.

Нега нафрат уйғонмасин?! Ахир тирмизак ўз акасининг мактабдаги, кўчадаги, компьютер олдидаги барча ишларини ота-онасига етказиб турса, бунинг оқибатида ота катта ўғилни албатта қийишди, гоҳида уриши ҳам мумкин. Баъзи бир яхшиликлардан бечорани маҳрум қилиши мумкин. Бу унинг дилида чуқур из қолдиради. Бола тарбиясидаги энг оғир марҳала ўсмирликдир. Ўсмир дили ўта нозик бўлади. Уни дўстлари, тенгхўрлар ҳузурида қийиш, тергаш фойда бермайди.

Ака "сотқин ука" қилмишини унутиши қийин. Ахир ўша "айғоқчи" ука уни ота-онасига ёмон кўрсатиб қўйган-да.

Кимдир буни кечиради, кимдир кечиролмайди. Натижада ака-укалар ўртаси бузилади. Меҳр-муҳаббат кўтарилади.

3-Фарзанд бу услубни ота-онадан мерос олади. "Қуш инидан кўрганини қилади" деб бекорга айтилмаган. Болалар улғайиб, ўзлари ота-онага айланганларида улар ҳам ая-дадалари каби болаларининг орқасидан одам кўядилар. Оқибатда бутун бошли оила бир-бирига бемехр бўлиб ўсади. Бу юқумли дард аста-секин жамиятга юқади. Айғоқчи бор жойда хотиржамлик йўқолади...

3- Ёлғон ва ҳийла иллатлари болада пайдо бўлади.

Агар бу қабих одат болада аввалроқ туғилган бўлса, ёмон тарбиянинг натижасида у икки иллат унда ўсиб, ривожланади.

– Нега бугун мактабда учинчи соатга кирмадинг?

– Кирдим, онажон.

– Ёлғон гапирма!

– Ўлай агар, рост айтаман.

– "Ўлай агар" дема. Танаффусда футбол ўйнаб дарсга қатнашмадинг. Уканг менга ҳаммасини етказди. Сен мени нима деб ўйлаяпсан. Онам ҳеч нимани билмайди деб ўйласанми?

Кўчадан келганда ҳам шу аҳвол: "қаерда эдинг, нима қилди? Яширмай тўғриси айт! Айтмасанг, укангдан сўрайман". Шудан кейин бола турли ёлғонларни ўйлаб топади. Катталар калласига келмаган ҳийла ёш бола калласига оқиб келади.

Фитратга зид қонун, қаттиққўллик, зулм ва ситам ҳийлани дунёга келтиради. Инсон табиатига зид қонунлар чиққан сайин одамзод ҳийлага шунча моҳир бўлиб бораверади.

Тўғри, ота-она фарзанднинг, хусусан ўсмир ўғил-қизнинг ҳар бир қадамидан хабардор бўлиб туриш керак. Лекин бу услуб билан эмас. Агар кичик ўғил онага гап ташиша, "акам ундай қиляпти, бундай қиляпти" деса, она аввало кичик ўғлига тушунтириши керак, гап ташиш дуруст эмас, деб билдириши керак. Ана ундан кейин хабарнинг тагига етиши лозим.



Бола сўкинишни қаерда ўрганади? Уйдами, кўчадами?

Кимнингдир ўғли кўчадан ўрганиб келса, кимнингдир ўғли уйда обдон ўрганиб, кўчадагиларга ўргатади.

Сўкиш отанинг "ит!", "эшак!", "мол!" деган хақоратлардан бошланади. Онанинг "ҳа, жуванмарг"ги уни ривожлантиради. Кўча кўрган, Россияда "юриб қўйган" акалар теша тегмаган сўкишлардан ўрганиб келиб, уйларида татбиқ қилишади. Шу тарзда тили ширин бола айниб, тили шалақ дилозорга айланади. Одамлар қопағон итдан қочганларидек, унинг сўқағон тилидан қочадилар.

Бундан анча йил олдин газетада ўқиб қолган эдим. Полшада сўкиниш бўйича мусобақа ўтказилган экан. Мусобақада руслар ғолиб чиқади. Россияда юрганлар у сўкинишлардан озми-кўпми ўрганиб, она юртга экспорт қиладилар-да.

Шу тариқа русча билмайдиган бола русча сўкинишнинг устасига айланади.



Бола тарбиясидаги хатолардан яна бири – болани ҳеч ким сезмаган ҳолатда ёлғонга одатлантиришдир.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам даврларида бир аёл кўлини беркитиб, ёш боласига қарата: "агар ёнимга келсанг, бир нарса бераман", деди. Буни кўрган жанобимиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Агар ўша бир нарсани ҳозир бермасанг, Қиёматда ёлғончилардан ҳисобланасан", дедилар.

Нега одамлар безори, батарин болага қарата "падарингга лаънат" деб унинг ўзига эмас, отасига лаънат ўқийди? Қилғиликни ота эмас, бола қилдику. Лаънатни ҳам унинг ўзига ўқиб қўя қолишсин. Аслида лаънат ўқиш жоиз эмас. Бу кўпларнинг тили ўрганган ёмон одат. Лекин минг афсуски, бу ёмон одатдан қутилганимизча йўқ. Ҳали бери қутулмасак керак.

Одамларнинг болага эмас, падарга ёпишишининг сири боланинг бузилишида асосан сабабчи ота эканлигидир. Дунё-

га келтирган – у, тарбия бермаган – у, болани бузган – у...
Демак, лаънатга ҳам, раҳматга ҳам лойиқ унинг ўзи.

Хонадонлар ичига яхши разм солсак, бола ёлғонни уйдан ўрганишига ишонч ҳосил қиламиз.

Кўча эшик таққиллайди.

Уйнинг энг кичик аъзоси эшикка чопқилайди.

– Ассалому алайкум, амаки.

– Ва алайкум ассалом, дадангиз уйдаими?

– Ҳозир билиб чиқаман.

Оғзи куйган қатикни ҳам пуфлаб ичади, дейилганидек, бола бир марта "дадам уйдалар" деб панд еган. Шунинг учун дарҳол жавоб беришга шошмай "ҳозир билиб чиқаман" деди. Агар ростини айтиб қўйса, аввалгидек калтак ейди...

– Дада, фалончи амаки сизни сўраб келди, унга нима деб жавоб берай?

– Уф! Яна кебди-да. Дадам уйда йўқлар, деб кўявер.

Бола амаки билан отаси ўртасида ўтган нарсдан беҳабар. Ота уни хушламаслигини билмайди. Бу одам ё қарз сўраб келган ёки қарзини сўраб келган. Бунга боланинг ақли етмайди. Шу тариқа бола ёлғон сўзлашни отадан таълим олади.

Телефон безовта қилган пайтда айни шу аҳвол такрорланади. Мобиль телефон кўнғироғи чалинганда ота даставвал сим қоқаётган одамнинг исмига қарайди. Боғланувчи унга керакли одам бўлса, ўғлига телефонни узатиб: "дадам кўчага чиқиб кетган, соткасини унутибди", дейди. Шу тариқа ота ўз ўғлига ёлғончиликда ўрнак бўлади.

Боласини жонидан ортиқ кўрадиган онанинг ҳам боланинг каззоб бўлиб етишишида роли катта. Балки биринчи уруғни мурғакнинг покиза дилига онаизор эккандир?

Тетапоя қилаётган боланинг тезроқ юриб кетишини истган она "ёнимга чопиб келсанг, бир нарса бераман" деб болани аврайди. Бола нарса илинжида тез одим отади. Келиши билан она уни қучоғига олиб, икки юзидан ўпиб қўяди. Ваъда берилган нарсани бермайди. Ана шу пайтда боланинг дилига

ёлгон уруғи экилади. У уруғни ота-она навбатма-навбат суғориб, ниҳолга айлантиришади. Ниҳол улкан дарахтга айланади. Қолган ёлгонни бола кўчадан, бозордан, мактабдан, ошна-оғайнилардан ўзлаштириб боради. Мисол учун ота-боланинг бозордаги манзарасига назар ташлайлик.

Ўғли билан қишлоқдан шаҳарга бозор қилгани келган ота шаҳарлик сотувчи билан нарх талашяпти.

– Чўнтагимдаги бор пулнинг ҳаммасин беряпман, бошқа бир тийиним йўқ. Йўл кирага ҳам пул қолмади.

– Ундай бўлса, майли. Бизга ҳам савоб керак. Акахон, сиз учун зиёнига сотяпман, – деб молни беради.

Ҳар иккисининг ёнида ўғли туради.

Ҳар иккиси отасининг ёлғонига тирик гувоҳ бўлади.

Мошхўрдага қатик бўлиб, ёнидаги сотувчи "ҳа, акамиз зиёнга сотяптилар", деб қўяди.

Чўнтагида бир тийин қолмаган ота бошқа сотувчидан аввалгидан кўпроқ нарса харид қилади. Яна ўша ёлгон такрорланади. "Зиёнга сотган" сотувчи кейинги харидорга аввалги харидорга сотган нархидан арзонроқ нархга сотади. Савдо ниҳоясида, "бугун яхши фойда кўрдик" деб қўяди.

Фарзандлар эса буларнинг барини кузатиб туради.

Келтирган мисолларим содда, жўн мисоллар эди, у мисоллар замон билан бирга одим отаётган янги авлод ва янги оталарнинг ёлғону фириблари, ҳийла-найранглари олдида ҳеч нима эмас. Замонавий ёлғончиликни эшитиб ёқа ўшлайсиз. Ёлғонни сув қилиб ичворган ўтган аср Алдаркўсаси замонавий Алдаркўса ёнида сувга тушган нондек бўшашиб қолади. Унинг олдида ип эшолмаслигини тан олади.

Айтишларича, олийгоҳ устозларидан шикоят кўпайиб кетган студентга университет ректори "ота-онангни олиб кел!" деб буйруқ берибди.

Студент "ота-онасини" олиб келади. Ректор ва устозлар унинг "ота-онасига" йиғилиб қолган дардларини тўкиб соладилар. Боласидан кўра беш баттар бепарво кўринган "ота-она"

айрим домлаларда шубҳа уйғотади. Бола кийган қимматбаҳо кийим, домлаларнинг биронтасида йўқ соатига 200 километр босадиган елқанот машина ва қишлоқча кийинган содда "ота-она" шубҳани янада кучайтиради. Бир домла "ота-она"дан шахсиятини исботлайдиган ҳужжат сўрайди. Улар паспортни кўрсатишади. Паспортни кўрган домла бошига тўқмоқ тушган кишидек гангиб қолади. Маълум бўлишича, бу эркак ва аёл бир-бирига умуман бегона кишилар экан. Студент уларни мардикор бозоридан ёллаб, "бир соатга ота-онам роли ўйнаб берасизлар", деб институтга олиб келган экан.

Бошқа бир воқеа. Аниқроғи фожиа.

Бир йигит "иккинчиси"га уйланишни истади. "Иккинчиси" бир шарт билан рози бўлади.

– Айтинг шартингизни, – дейди йигит.

– Биринчи аёлингизнинг розилиги керак.

– Шуми, у албатта рози. Ундан кўнглингиз тўқ бўлсин.

– Шахсан ўзларини менинг олдимга олиб келасиз. Мен у киши билан ўзим гаплашмоқчиман.

– Гап бўлиши мумкин эмас. Ҳозироқ олиб келаман.

Йигит бир зумда биринчи "хотини"ни ҳозир қилади. Кундошлар илиқ кўришадилар.

– Сиз розимисиз? – келин бўлмишнинг биринчи ва охириги саволи шу бўлди.

– Вой, мен минг марта розиман. Бу киши шуни истабдими, менинг қаршилик жойим йўқ.

Жуда катта бўлмаса ҳам енгилроқ тўй билан янги келин янги уйга кириб келади. Биринчи "хотин" ўз қизини чиқариб турган онадек "кундош"ининг тўйида елиб-йўгуриб хизмат қилади. Бундай иноқ оилага ҳавасингиз келади...

Ҳамма можаро кейин бошланди.

Асал ойининг биринчи ҳафтасидаёқ ҳаётга заҳар тушади. Эрининг уйланганини билиб қолган биринчи хотин – ҳақиқий бека янги уйга келиб, роса лўлилик қилади.

Кейин маълум бўлишича, биринчи хотин ролини ўйнаган хотин мардикор бозоридан олиб келинган нотайин аёл экан.

Ана сизга фириб, мана сизга ёлғон.

Қаранг! Оила ёлғон асосида қуриляпти. Тарбия ҳам ўз ўзидан шу асосда қурилади-да.

Бу фожиа эмасми?

Улардан қандай бола туғилиши мумкин?!

Қўрқманг, модомики ота-она ичкиликка берилмаган экан, модомики гиёҳвандликдан йироқ экан, бола тўрт мучаси соғ ҳолда дунёга келади.

Қўрқадиган жойи бу эмас.

Ёлғончи отадаги ёлғончилик сифати ирсий йўл билан ўтмаган тақдирда ҳам бузуқ тарбия орқали болага аниқ ўтади. Бола болалигича қолиб кетмайди. Ўсади, улғаяди. Балким, катта лавозимларга кўтарилар. Тақдир тақозоси билан мин-барга, меҳробга келиб қолар.

Мана бу ҳақиқий фожиадир! Бир дона шахс фожиаси эмас, бутун бошли миллат, давлат фожиасига айланади.

Ёлғон аввало уйдан бошланиб, у ерда зуваласи пишитилади. Кейин мактаб, кўча бу борада ўз хиссасини қўшади.

Эски асрда ҳам, ундан олдингисида ҳам, янги аср ва ундан кейинги асрда ҳам ҳол шундай. Мисол билан мақол (сўз) ойдинлашади.

Унинг мисолини А. Қаҳҳордан эшитамиз. Адиб билан 40-йилдаги хонадонга кирайлик. Роппа-роса 74 йил орқага қайтиб, бузилиш ибтидосини топишга ҳаракат қилайлик.



Айб кимда?

Ҳамроев кечки овқатдан кейин бирпас чўзилмоқчи бўлган эди, тўғри келмади: нариги уй тўпалон – болалар бир-бирини ёстик билан уриб ўйнаётибди; соат саккиз яримда мажлисга бориш ҳам керак. Кеча Ҳамдам ота-оналар мажлиси бўлиши тўғрисида мактабдан қоғоз олиб келган.

Ҳамроев ҳеч қачон мажлисга борган эмас, аммо фурсати бўлганда бир тайёрланиб бормоқчи ва бола тарбиялашни билмаган ёки бу ишга совуқ қараган ўқитувчиларни уялтирмоқчи эди. Бу ният унинг хотини Собирахонга жуда маъқул бўлди.

– Гапиринг, изза қилинг! Болалар мактабда ўқиб қайта бевош бўлиб кетяпти. Сиз уйда йўқ вақтларда Ҳамдамнинг дастидан менга кун йўқ. Илгари уриб енгар эдим, энди урай десам, қочиб томга чиқиб кетади, томда туриб менга тилини кўрсатади.

Ҳамроев қўйин дафтарига нималарнидир ёзди.

– Хўш, тағин нималар қилади?

– Тағин... урсам "барибир оғримайди" деб хир-хир кулади... Ҳа, айтганча, бир йилдан бери бирон марта "ая" деганини эшитганим йўқ, ҳамиша "Турондот" дейди.

Ҳамроев кулиб юборди. Бу лақабни Собирахонга ўтган йили байрамда бировникига меҳмон бўлиб боришганда ўзи қўйган ва шу билан ҳаммани кулдирган эди.

– "Турондот" дейдими-а? Лекин буни мажлисда гапириб бўлмайди, чунки... лекин бир томондан гапирилса ҳам бўлади, бола деган катталарнинг гапини гапирмаслик керак.

– Албатта! Мактабда шунақа нарсаларни ўргатмаса нимани ўргатади? Қуруқ илм билан бола бола бўлар эканми?

Ҳамроев Собирахоннинг шикоятларини, газеталарда ўқиган, одамлардан эшитган тарбияга доир гапларни ёзиб қўйин дафтариини тўлдирди, кейин буларнинг ҳаммасидан хулоса чиқарди:

- Мен бирон қоғозга ўқимасдан қўл қўйсам, сен бирон қўйлакнинг ёқасини қийшиқ қадаб қўйсанг, ишга совуққонлик билан қараганимиз учун жавобгар бўламиз, нима учунбола тарбиясига совуққонлик билан қараган ўқитувчига қонун йўқ, қани, чақир бу ёққа Ҳамдамни!

Нариги уйдан, увадаси чиқиб кетган ёстикни кўтариб, Ҳамдам чиқди.

- Ўтир, бу ёққа! Хўш, сен нима учун кўча болаларига ўхшаб ахлоқсизлик қиласан!

Ҳамдам ёстикни курсига қўйиб устига ўтирди ва онасига қаради.

- Нима қилдим?
- Мен сўраётиман, менга қара! Нима қилганингни билмайсанми? Нима учун ойинг урганда... хайр, бу ҳам майли. Нима учун ойингни "ая" демай... йўқ, нима учун томда туриб, аянгга... умуман, томларда юрар эмишсан, ер кўтармайдими? Мактабда сенга шуни таълим берадими? Қани дафтарларинг?

Ҳамдам аясига қаради.

- Қачон мен томда юрибман?
- Йўқ, томни қўй, менга дафтарларингни кўрсат! Бу йил ўқиш бошлангандан бери нечта "аъло" баҳо олдинг?
- Битта ҳам... ёмон баҳо олганим йўқ. Мана...

Ҳамроев дафтарларни варақлай бошлади.

- Хўп, ҳозир кўрамиз... "яхши"... "ўрта"... Қани "аъло"? Русчадан нима учун "яхши"?
- Аъло ўқисам ҳам ўқитувчимиз "яхши" кўяди, "аъло"дан "яхши" яхши дейди.
- Ҳа-ҳа! Ҳали сиз ёлғон гапиришни ҳам биласизми?! Қани, берирок кел, кўзимга қара! "Яхши" яхши дейди-ми?

Ҳамдам ёлғон гапиришнинг бундай оқибатини умрида биринчи кўриши эди, йиғлаб юборди.

– Менга қара дейман! Ким ўргатди сенга ёлғон гапир-ришни? Қайси домланг?

Собирахон аралашди:

– Қўйинг энди, минбаъд ёлғон гапирмайди. Вой, товба, русчадан нега "яхши", балодай гапиреди шекилли-ку!

Ҳамроев Ҳамдамнинг қулоғидан чўзиб, ўзига қаратди.

– Тағин ёлғон гапирасанми? Бундан кейин ёлғон гапирадиган бўлсанг, билиб қўй, мен ойингга ўхшаб оғримайдиган қилиб урмайман-а!.. Шу ёлғон гапингдан кейин русчадаги "яхши" олганингга ҳам ишонмайман. Қани, хўш, масалан, чойнакнинг қопқоғини русчада нима дейди? Самоварнинг жўмрагини нима дейди?

Ҳамдам икковини ҳам билмади ва йиғлаганича нарига уйга кириб кетди. Ҳамроев қўйин дафтарини олиб нималарнидир ўчирди, яна нималарнидир ёзди.

– Йўқ, – деди дафтарни чўнтагига солиб, – бу ишга жиддий қараш керак. Шундай бўлгандан кейин мажлисга жиддий тайёргарлик кўриб борилмаса бўлмайди. Тарбияга доир китоб кўп.

– Соат саккиз бўлди, – деди Собирахон.

Ҳамроев ўйланиб қолди: борса, албатта гапириши керак, гапирмайдиган бўлса боришнинг кераги йўқ. Сўзга чиққанда гапни нимадан бошлайди, нима тўғрида ва қандай хулоса чиқаради.

– Йўқ, бу хилда боришдан фойда йўқ, Турондот, – деди, – бу сафарча сиз боринг. Мен янаги сафар жиддий тайёргарлик кўриб бораман.

– Қўйсангиз-чи! Умримда бормаган жойимга қанақа қилиб бораман. Менинг боришимдан нима фойда?

– Фойда бўлмаса зиён ҳам йўқ-ку!

Эр-хотин фойда-зиён тўғрисида тортишиб соатни саккиз ярим қилишди.

Ҳамдам чиқди.

- Нима қилиб ўтирибсизлар? Директор жуда тайинлаган эди, хатни топширмагандирсан деб эртага мени уришадди.
- Ойинг бормайди, боришидан фойда ҳам йўқ, мен янаги сафар бораман.
- Мудир сўраса шунақа дейманми?
- Нега?! Кап-катта бўлиб шунга ҳам важ тополмайсанми?
"Дадам ишдан кеч келди, ойим бетоб ётибди" дегин!
 Ҳамдам дадасига қараганича узоқ туриб қолди.
 У эртага худди шундай дейди.

1940 йил.



Азиз ўқувчи, боланинг бузилишида ким айбдор эканини ўзингиз топиб олгандирсиз. Ҳа, агар отани айбдор билсангиз, тўғри топибсиз. Шунинг учун безори боланинг қилмишидан тутаққан киши унга қарата "падарингга лаънат!" деса, ажабланмаса ҳам бўлаверади. Ота боласига тарбия бермай лаънатга лойиқ иш қилган. Масаланинг "лекини" бор. Гап шундаки, динимизнинг гўзал таълимотига кўра, тилни лаънатдан сақлаш зарур. Ғазабли важоҳат билан "Падарингга лаънат!"нинг ўрнига, важоҳатни сал ўзгартириб, майли, ўша оҳангда бўлса ҳам: "Отангни Аллоҳ раҳмат қилгур!" деб хумордан чиқса бўлаверади. Тилнинг қичиғини бостириш учун лаънат ўқиш шарт эмас.

Фарзандларга ажратилган бу қисмда яна бир айтиладиган муҳим гап қолди. У гапдан кейин ҳасратхона эшигини аста ёпиб, бошқа мавзуга ўтамиз. Тўғриси айтганда, у "бошқа мавзу" ҳам "ҳасрат"га узоқ-яқиндан алоқаси бор мавзудир.



Айтмаса бўлмайдиган гап

Болалар ҳасрати ва бола тарбиясидаги хатолар тўғрисида гап кетар экан, шу ўринда айтмаса бўлмайдиган яна бир муҳим гапни – ёзувчига *"ҳақиқат бўлиб туюлаётган гап"*ни айтмай ўтиб кетишнинг сира иложи йўқ экан. Тарбияга оид у *"гап"*ни мен таниқли адиб Тоҳир Маликнинг *"Ғафлат уйқуси"* мақоласида ўқиб қолдим. Ёзувчининг ёниб ёзганлари оналарга, мураббий, масъул ва мутасаддиларга асқотади, янги авлодга илмий, маънавий озуқа бўлади, деб умид қиламан. Адиб бағри куйиб ёзади:

1945 йилда Япония урушида мағлуб бўлди. Икки шаҳари бутунлай вайрон этилди. Одатда мағлуб халқлар узоқ йиллар мобайнида қад кўтаролмайдилар. Япония урушида енгилди, бироқ қисқа муддатда қад ростлаб, голиб мамлакатларни иқтисодий, илмий кўтарилди жиҳатидан сиқиб қўйди. Бу нима, Худонинг мўъжизасими?

Ростми, ёлгонми, билмайман: урушдан кейин бир одам Японияга фақат бир кун раҳбар бўлган экан. Эрталаб сайланганида у мамлакатдаги барча бойларни тўплаб «Болаларни ўқитиш, яхши боқиш учун пул беринглар», дебди. Бойлар миллионлаб пул беришибди. Кечқурунги мажлисда у одам ишдан олинибди. Шунда бойлар «пулдан айрилдик», деб ташвишга тушганида собиқ раҳбар «Сизлар ачинмай туринглар, бугун яхши дарахт экдинглар, мевасини ўн йиллардан кейин териб ейсизлар», деган экан.

Биз ҳавас қилаётган Япония бу даражага айнан болаларга кўрсатган меҳри туфайли эришган, десам, янглишмайман. Биз япон магнитофонларига, автомобилларига ишқибозмиз. Японияга бориб келганлардан нарх-навони суриштирамиз, лекин «японлар болларига қандай тарбия берар эканлар?» деб зинҳор сўрамаймиз. Янада аччиқ ҳақиқатни айтсам, у ёққа борган биродарларимиз бу масалага қизиқиб ҳам кўришмайди. Бу юртга бир неча йил муқаддам борган ёзувчи акаларимиз

эса япон болаларининг «аччиқ қисматлари»дан ҳикоя қилдилар. Ажабки, «болаларга шароит яратиб бермаган» Япония гуллаб-яшнасаю «бахтли болалик учун партияга минг раҳмат!» деб қўшиқ куйловчи юрт тобора қашишоқлашса?! Бу тушунарсиз ва мантиқсиз бир ҳол эмасми?

Сиз мазкур мақолани ўқиганингиздан сўнг хоҳ мени қарганг, хоҳ нафратланинг, аммо мен ўзим учун ҳақиқат бўлиб туюлаётган гапни айтишига мажбурман:

Болаларимизга бўлган муносабатимиз яхши эмас!

Биз бу муносабатни тубдан ўзгартирмас эканмиз, ҳеч қачон ёруғликка чиқолмаймиз!

Катта мажлислардаги гаплар, қарорлар, декларациялар осмонда дириллаётган чиройли варракдек кўзни қувонтиришидан бошқа нарсага ярамай қолади. Кичик давраларда шу фикрни айтсам, дўстларимдан бири «нимага ўзбекларни танқид қилаверасиз, ўзбекмисиз ўзи?» деб танбеҳ берди.

Шу пайтгача «ўзбекмиз!» деб фахрланиб, ўзимизни ўзимиз мақтаб келдик. Энди камчилигимизни ҳам бир-биримизга айтайлик, тuzатишига киришайлик. Ўзбекнинг шуҳратини аллома боболаримиз оламга ёйдилар. Бизчи, ўзбекнинг шони-шуҳрати учун нима қилдик? Қозоқнинг буюк ёзувчиси Абайнинг насиҳатлар асари бор. Унда қозоқларнинг айби аямай айтилган. Абай халқим кўксига офтоб тегсин, деб бу насиҳатларни бағри куйиб ёзган.

«Ўзбекистон овози» газетаси, 1991, декабр.

Tohirmalik.uz дан олинди.

Тонг отса ҳам турмай ухлаган эрни
Нима деб аташга ҳайронман, ҳайрон.
Бедорлар, уйғотинг, гофил, кар, кўрни,
Тонг отмай уйғонган жумлаи жаҳон.

Ж.



ҲАСРАТ ҲАҚИДА СЎНГИ СЎЗ

*"Сўнги сўз" деганим айтилган эмас,
У сўзни айтгани ҳеч ким ботинмас.
Ҳали инсоният оларкан нафас,
Сўзлар янгиланур доим басма-бас.¹*

*Бахт кутганга офат келар ногаҳон,
Соғларни бирпасда қилар ногирон.
Ҳар қадамда бало, йўқ балогардон,
Кеча бадавлат эл бугун нотаваон.*

*Худди ҳаво янглиғ ўзгарар инсон,
Гоҳи зимистону гоҳи тобистон.²
Энг комил инсонда бисёдир нуқсон,
Ўзгариш олдида донолар ҳайрон.*

*Қишдан сўнг баҳорни кутар тирик эсон,
Баҳор келса қувнар ҳаттоки ҳайвон.
Бу не ҳол, қишдан сўнг яна зимистон?!
Юракни гижимлар қаттиқ ҳаяжсон.*

*Ишонган тоғларинг, камарбасталар,
Танг аҳволда қолсанг важни дасталар.³
Шундай бўлса ҳамки охирги сўзни
Айтар тафоулан⁴ биздай хасталар.*

Ж.

¹ "Тўхтовсиз, қайта-қайта" маъносида.

² **Зимистон** – Қиш. **Тобистон** – Ёз.

³ **Важ** – Баҳона.

⁴ **Тафоулан** (асли **تفاؤل**) – Некбинлик қилиб, оптимистлик.

Ҳасрат ҳақида сўнги сўз

Ҳасрат ҳақида гап кўп. Бу асарда ҳамма билган ва ҳамма айтаётган ҳасратлар қаламга олинди. Ҳамма айтмаганини мен ҳам ҳамма қатори айтмай дилга тугдим. Дилда борини ичда пишитмай дарров тилга чиқариш яхши самара бермас экан.

Бундан олдинги рисоламни ҳамин қадар ўқиб чиққан "мунаққид"лардан бири: "муаллиф ҳамма билган нарсаларини тикиштираверишини,¹ ҳамма биладиган нарса-ходисаларни такрорлашни, узундан-узун кўчирмаларни келтиришни, маъно-мақсадни чиройли ифодалаш учун чиройли сифатларни қалаштириб ташлашни, шеърӣ кўчирмаларни ортиқ даражада кўпайтириш"ни кимдандир қасди бор аламзада одамдай шафқатсиз танқид қилиб, ўринли-ўринсиз эътирозларни уюб ташлаган эди. Майли, унинг ҳам сазаси ўлмасин, шу сафар ҳамма билган нарсаларимни ёзмасам ёзмай кўя қолай, деб шу ерда бу мавзуга нуқта қўйиш заруратини сездим.

Лекин шу ўринда Кайковуснинг "Қобуснома"сида баён этилган, подшоҳ Хисрав Парвезнинг доно вазири Абузурж-меҳрнинг ушбу сўзини қистириб ўтмасак бўлмайди: "Ҳамма нарсани ҳамма билур, аммо ҳамма нарса хануз онадин туғил-мамишдир..."

Демак, айтилмаган ҳасрат ҳали кўп. У ҳақда "сўнги сўз" хануз айтилмаган, ҳали бери айтилмаса керак. Зеро одамзоднинг ҳали кўрмаган жавру жафоси, хаста кўнгли чекмаган дарду балоси, қилмиши боис бошига тушажак савдоси кўпга ўхшайди. Омманинг одим отиши:

Тўғри йўлдан чиқиб, эгри йўлга оғиши,

Глобаллашув натижасида ёшларнинг, ҳатто катталарнинг фосиқларга кўр-кўрона тақлиди,

Фисқ-фужурнинг ошкор тусга ўтиши, хотин-қизларнинг елка ва сонини очиб юриши, эркакдек кийиниши,

¹ Қандай ёзган бўлса, шундайича кўчиряпман.

Хотинчалиш эркакларнинг пайдо бўлиши,
Илоҳий уқубатни тезлаштирувчи ҳаромхўрлик, луттибоз-
лик; бесоқолбозлик каби гуноҳларнинг урчиши,

Худо хушламас тўйлар, шариатга хилоф азалар кишини
шу тўхтамага келишга мажбурлайди. Маъсият хорликдан ўзга
самара бермаслиги ўзгармас илоҳий қонунда битилган.

﴿ سَيُصِيبُ الَّذِينَ أَجْرَمُوا صَغَارٌ عِنْدَ اللَّهِ وَعَذَابٌ شَدِيدٌ بِمَا كَانُوا يَمْكُرُونَ ﴾

﴿ *Жиноятчиларга қилган макрлари боис яқинда Аллоҳ томо-
нидан хорлик, хўрлик ва шиддатли азоб етажакдир.* ﴾

Анъом 124-оят.

عَنْ ابْنِ عُمَرَ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ عَلَيْهِ السَّلَامُ: "وَجُعِلَ الذُّلُّ وَالصَّغَارُ عَلَى مَنْ خَالَفَ أَمْرِي وَمَنْ تَشَبَهَ بِقَوْمٍ فَهُوَ مِنْهُمْ"

*Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: "Менинг
амримга қарши бўлганлар хор-зорликка маҳкумдур. Кимки
ўзини бирор қавмга ўхшатса, бас, у – улардандир".*

Ахмад ривояти.

"Кимки ўзини бирор қавмга ўхшатса..."

Қавмдан мурод – фосиқ, бетавфиқ, ғайридин кимсалар.

Ўхшатишдан мурод – эргашиш, таклид қилиш. Шунга
кўра, фосиқларга келган бало ўзини уларга ўхшатганларни
ҳам четлаб ўтмайди.

*Эътиқод қилса Худога бандаси хор ўлмагай,
Нафсига ҳоким ўлиб, ҳеч кимга зор ўлмагай.*

*Бу фалак чархи бузуқмас, ким нима экса ўрар,
Яхшилик ёҳуд ёмонлик асти бекор ўлмагай.*

*Ҳар кишининг охирада номаи аъмоли бор,
Пулсирот узра бировга бир мададкор ўлмагай.*

Абдусалом Иброҳимов.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам хабар бериб дедилар:

"Фоҳишабозлик ошкоро тарқалган қавм орасида вабо ва ўтмишдаги одамлар билмаган касалликалар тарқайди.

Тарозудан, микёлдан, (литрдан, метрдан) уриб қолишса, қаҳатчилик, қийинчилик – оғир турмуш ва султоннинг жабр-зулми билан жазолангайлар.

Молларининг закотини адо этишмаса, самодан ёмғир тўсиб қўйилур, агар чорва ҳайвонлар бўлмаганида, умуман ёмғир ёгмас эди.

Агар Аллоҳ ва Росулнинг аҳдини бузсалар, Аллоҳ уларнинг устига бегона душманни ҳукмрон қилиб қўяди, қўлларидаги баъзи нарсалардан (мол-дунё, ҳуррият ва бошқа неъматлардан –Ж) маҳрум бўладилар.

Имомлари – раҳнамолар Аллоҳнинг Китобига асосланиб ҳукм юргизмасалар ва Аллоҳ нозил этмиш нарсани танламасалар, Аллоҳ уларнинг мусибатини ўз ораларида қилиб қўяди".

Ибн Можа Сунани.

Шунга кўра, ҳасрат ҳақида охирги сўзни айтишга, гапга нуқта қўйишга ҳали эрта деб ўйлаган эдим.

Аслида "Алданган қиз ҳасрати",

"Алданган йигит ҳасрати",

"Алданган миллат ҳасрати",

"Нон кўйида олис диёрларда юрган муҳожир ҳасрати",

"Моли таланган ғаний, қорни тўймаган фақир ҳасрати", аввал жамиятнинг кичик бир бўлаги ҳисобланган, охирги пайтда сафи кенгайган, ҳатто нефт салтанати бўлмиш Саудия Арабистонида ҳам кўрқинчли тарзда кўпаяётган "Тиланчилар ҳасрати" ва бундан бошқа "Ҳар хил ҳасратлар" ҳақида ёзсак яхши бўлар эди, бу ҳасратларнинг баъзисига материал тўплаб ёзишга ҳам киришган эдим, лекин маълум сабабларга кўра шу ерда ҳамма "ҳасрат"ни тўхтатишни маъқул кўрдим. Агар "дардингни айт, барини ёзаман" дейилса, дардини дoston қилишни истаган дилафгорлар бисёр экан.

Айтишларича, дунёда шундай ер бор эканки, унда мол-мулки таланмаган бирорта тожир йўқ эмиш. "Оҳ" урмаган, нолимаган жоннинг ўзи йўқ. Бор ҳам, йўқ ҳам бирдек нолийди. Дилозорлик, дилафзорлик авжига чиққан. Бу борада уларга етадиган мамлакат жумла жаҳонда йўқ.

Уларнинг тили эмас, дили сўзлайди. Қулоғи эмас, қалби эшитади. Дилда бори тилга чиқмайди. Ҳазин дилларга қулоқ тутилса, дардманд дилдан чиқаётган ҳасрату ҳайқириқлар еру кўкни ларзага келтиради...

Уларнинг ҳар бирини ёритаман десак, иш чўзилиб кетади. Қола берса, азиз ўқувчининг кайфиятини кўтариш, кўтаринки руҳини бузмай сақлаб қолиш "Ҳамдард"нинг вазифаси. Шу боис бу мавзунини яқинлаб, навбатни яхши ниятда "Ҳасрат ҳақида сўнги сўз"га бераман. (Ажабмас, бу ҳақиқатда, ҳасратларга сўнги сўз бўлса).

Бу қисмда ҳасратга оид учта долзарб масалада баҳс юритилади. Олдиндан айтиб қўйган яхши, баҳс андак чўзиладиган, шунга кўра бир оз таҳаммул этасиз деган умиддаман. "Ҳасрат ҳақида сўнги сўз" уч қисмдан иборат.

1- Қисм. Ҳасратни кўзгайдиган энг кучли омил.

2- Қисм. Пулга сотиб олинган ҳасрат.

3- Қисм. Ҳасрат Кунини.



Ҳасратни кўзғайдиган энг кучли омил

Одамлар ҳар хил бўлгани каби ҳасратлари ҳам ҳар хил бўлар экан. Шунингдек, ҳасрат омиллари ҳам турли-туман. Шу омиллар ичида энг таъсири юқори омил "Ноинсофлик" экани ҳаёт майдонида очиқланди. Узоқ йиллик ҳасрат тарихи буни тасдиқлади.

Оғир, вазмин киши сал нарсага ҳасрат қилмайди. Ориятли, ўзини қадрлайдиган сипо йигит дуч келганга оғиз очиб шикоятланмайди. Ўзини тута билган босиқ эркак дарров ловуллаб кетмайди. Табиатан кўникувчан одам боласи кўп нарсага кўникади, мослашади.

Аммо ҳасратнинг кўзғалишига ноинсофлик сабаб бўлса, оғир, вазмин ҳам, сипо, босиқ ҳам ўзини тутолмас экан.

Инсон очликка чидайди, йўқликка чидайди. Зулмга бардош қилади, оғриққа сабр қилади. Совуқ-иссиққа дош беради. Пичинг, кесатиқ гапларни кўтаради.

Аммо инсофсизликка чидолмас экан. Зулмга топган бардошни, оғриққа топган сабрни инсофсизликка тополмас экан. Совуқ-иссиққа, пичинг, кесатиқ гапларга топилган катта дош инсофсизлик қаршисида йўқолиб қолар экан.

Ноинсофлик инсонни безовта қилади. Осойишта оламини ағдар-тўнтарини чиқариб ташлайди. Тинчини бузади, ўй-фикрини бесаранжом қилади. Ҳаяжонни ошириб, изтироб тўлқинини кучайтиради. Ноинсофликнинг енгил шабадаси Кўқоннинг қаттиқ шамолидан кучли.

Кўқон шамолини биласизми?

"Кўқон шамоли қишда қутиради. Томларда, дарахтларда, симёзочларда увиллайди, ўкиради, чийиллайди. Дарахтларни эгади, букади, қарс-қарс синдиради. Электр симларини узади, ўт чиқаради. Ҳамма ёққа даҳшат солади. Шивалаб (бир текис) ёгаётган қорни ўз майлига қўймай тўзгитади, олис-олисларга учириб бориб пастқамликларга, зовурларга, бурчак-бурчакларга тиқиб ташлайди...

Аёзли кун ўтади, тигли тун ўтади, бироқ бу бешафқат шамолнинг адоғи кўринмайди".

Ноинсофлик ана шу шамолдан ёмонроқ.

"Йўқолган пичоқнинг сопи – олтин"; "Йўқолган болтанинг дастаси – олтин"; "Ўлган сигир сутли бўлади", шу ва шунга ўхшаш мақоллар йўқолган нарсанинг қадри кўлдан кетгандан кейин билинади, қиймати ошади, деган маънони англатади.

Араб ҳикматларида: "لايشعر بالنعمة إلا من فقدها"; "قدر النعمة بعد الزوال" – *Неъматнинг қадри у завол топгандан сўнг билинади; Неъматни йўқотган кимсагина неъматни ҳис қилади, дейилган.*

Ўзбекча мақолни шарҳлаган олимлар: "Бировдан омонат олинган нарсани йўқотма, синдирма, узма, бузма. Акс ҳолда таомилга кўра, ўрнига ундан яхшироқ нарса беришга тўғри келади. Чунки, эгаси ўзининг йўқолган нарсасини "ана ундоқ эди, мана бундоқ эди" деб мақтаб, баҳосини ошириб, ўрнига тўлаган унча-мунча нарсангни назар-писанд қилмайди", деб изоҳлашган.

Қодирий: "Халқ ҳикматлари – турмуш онасининг дард чекиб туққан тўнғич ўғли", деган экан. Хуллас, серташвиш халқнинг сермаъно мақоллари турли хил ҳолат ва вазиятларда турли мақсадларда истеъмол қилинади. Йўқолган нарса, у нима бўлишидан қатъи назар кишида қайғу пайдо қилади. Қўлидан кетган, йўқолган нарсага қайғуриш, хафа бўлиш, асаб бузилиши бу – инсон табиати. Илло дунё матоларидан, балки дунёнинг ўзидан зуҳд қилган зоҳидларгина йўқолган нарса учун ғам чекмаслиги мумкин. Олтин сопли пичоқ учун ҳам, дастаги тиллодан бўлган болта учун ҳам, ҳаром ўлган серсут сигир учун ҳам пинагини бузмас, асабланмас, жонини қийнаб юрмас. Чунки буларнинг бари бефойда. Дониш элнинг: "Йўқолганга қайғурма, топилганга қувон" деган ҳикмати бекорга айтилмаган.

Аммо инсоф йўқолса, инсофсизлик келса, салобатли зоҳид ҳам чидолмас экан, ўзини тутолмай тутақиб кетар экан.

Майли, оддий пичоқ эмас, олтин сопли пичоғимиз йўқолса-йўқолсин, дастаси тилло болтамиз гум бўлса-гум бўлсин, сутли сигиримиз ўлса-ўлиб кетсин, лекин ИНСОФ йўқолмасин, ИНСОФ ўлмасин.

Бир вақтлар тиниқ сувлари билан ўзини кўз-кўз қилган, бугунги кунда балчикқа айланган ариқлар, сойлар, анҳорлар забони ҳоли билан "Қайдасан, эй ИНСОФ?" деб нидо қилади. "Эй одамзод, инсофинг борми?!" деб қичқиради. "Бизга ахлат, чиқинди ташлама! Ахир ота-бобонг сувга тупурмаган" деб фарёд қилади.

Қирқ ямоқ табиат "дод!" деб ИНСОФни қидиради.

Селитрадан тўйган наботот, кимёвий ўғитлардан безган сабзаёт инсониятга ИНСОФ тилайди.

Инсониятнинг ўзи эса шакли инсонга ўхшаш, тутуми ваҳший ҳайвон каби "инсон"лардан ҳасрат қилиб, шоҳу гадога ИНСОФ тилайди.

"Шарқ юлдузи"нинг 1990 йил ноябр сонида Иброҳим Раҳимнинг "Қайлардасан, жаннатий инсоф?" номли мақоласи берилган эди. Унда адиб ноинсофлик одам боласининг ичида пайдо қиладиган ғалаён, шиддатли тўфон ҳақида сўз юритган.

Адиб кўп соҳаларда илдиз отган ноинсофликка мисоллар келтиради. Биз бунда мақола бошида келган мисолни келтирмақчимиз.



Қайлардасан, жаннатий инсоф?

Ҳамдам оқсоқолни ажиб бир ҳолатда учратиб ҳайрон бўлдим. У ғазабдан титраб, нималарнидир ғудирлар, сўкинарди. Ажабо, кўй оғзидан чўп олмаган, гўдакни ҳам сенламайдиган, барчага бирдай яхшилик қилиб обрў топган ҳалол, пок, нуруний инсонни ким, нима учун бу кўйга солди экан? Биргина мен эмас, уни шу кайфиятда кўрган ҳар қандай киши ҳам ажабланарди.

"Болалар дунёси"нинг ланг очик эшигига кириб чиқаётган одам борки, унга эътибор қилмай ўтолмасди. Унинг орқасидан бориб "Ассалому алайкум" деб таъзим қилдим, оқсоқол дафъатан саломимга алик олмади, хаёли банд, дили азоб тортаётгандай хомуш, фаромуш эди. Унинг "шайтон... шайтон-ей" деган сўзлари қулоғимга чалинарди. Эътибор билан тингладим, у бир вақтлар маддоҳлар айтиб юрган мадҳни такрорларди:

Ҳей, одамлар, кўркма шайтондин,
Шайтон чикди бугун инсондин...

Мен унга юзланиб, саломимни такрорладим. Қария мени кўриб, ўзини ўнглаб олишга уринса-да, титроғи босилмасди, асабдан ияк соқоллари қимирлаб турарди. Қалби изтиробдаю, руҳи бениҳоя азобда эди. Шу боисдан, унинг доимо кулиб турадиган кўзлари безовта, нақшон юзи аллақандай рангсиз эди. сўрадим:

– Сизни ким хафа қилди, отахон?

– Ҳеч ким... – деди қария изтиробини яширгандай.

Қалтироқ овози унинг ички дардини ошкор қилиб турарди. Такрор сўрадим:

– Нимдан хафасиз, бўлмасам?

– Одамдан чиққан шайтондан хафаман! – деди оқсоқол аламини яширолмай.

– Ўша беандишанинг номини билсам бўладими?

Ҳамдам оқсоқол бир оз жимиб тургач:

– Инсоф қаёққа бадарға бўлди?! – деди овозини дўриллатиб.

Важоҳатидан сездимки, кимдир унга ноинсофлик қилибди. Аниғини билгим келиб, илтижо ила қайта сўрадим:

– Ўша ноинсофнинг номи борми?

– Қайси бирини айтайин. Афсуски, ёндафтар тутмайман. Манавинисини қаранг. Ҳозир кўғирчоқ бўлимидан топдим. "Уч яшар қизалоққа совға танлаб беринг" десам, сотувчи қиз чиройли кўғирчоқни кўрсатди. Кўзимга чўғдай кўринди. "Бундан яхшисини тополмайсиз, бобой", деди, ўшани олдим. Кўзбойлоқчи қиз эканми, кўғирчоқни кўрсатиб, менга манавини ўраб берипти. Буни нима деса бўлади?

Оқсоқолнинг қўлидаги кўғирчоқни кўриб, мен ҳам ғазабландим. Пластмассадан қуйилган кўғирчоқ чўлоқ, биқини тешик эди. "Эварамнинг туғилган кунига совға қилиб борувдим, уялиб қолдим", дейди орзу-ҳавасли меҳрибон бобо.

– Қайтариб бермадингизми?

– Сотувчилар бобиллаб, талаб ташлашди. "Олаётганда кўзингиз қаёқда эди? йўлда ўзингиз синдириб, энди бизга тухмат қиляпсиз", деб кўпчилик орасида мазах қилишди. "Инсофларинг борми, йўқми?" десам: "Бу ҳақда сизга ҳисобот бермаймиз, тошингизни теринг", дейишди.

Шундан кейин оқсоқол қизалоққа кўйлакча сотиб олиш учун ярим соат овора бўлибди. Кўйлакчаларнинг ҳаммасида ҳам бир нуқсон бор эмиш: бирининг чоки сўкилган, иккинчисининг этаги осилган. Тўғриси айтганда, тикувчи ҳам, назоратчи ҳам ноинсофлик қилганлар.

Қадимда ноинсофлик энг жирканч иллат ҳисобланган. Эл-юртда тавқи лаънат қилинган одамни "ноинсоф" деб атаганлар. Бундай кимсалар ўз юртида бош кўтариб юра олмаганлар. Ҳамдам оқсоқолнинг айтишича, ноинсофнинг бу дунёси бўлса ҳам, у дунёси бўлмайди.



"Қўй оғзидан чўп олмаган, ҳатто гўдакни сенламайдиган, барчага бирдай яхшилик қилиб обрў топган ҳалол, пок, нуроний инсон" бор йўғи битта қўғирчоқ учун шунча хуноб бўлди. Ноинсофлик унинг метин табиатига ўз таъсирини кўрсатди. Ноинсофлик қўғирчоқда эмас, жиддий ҳаётда рўй берса нималар рўй бериши мумкин...

Тинч, осойишта ҳаётни истасак, ҳаммамиз ёппасига "инсоф" деб аталмиш улуғ хислатни, йўқолган фазилатни топиб келайлик. Ўзимизни, уйимизни, кўча-ю бозоримизни "инсоф" зийнати билан безайлик.



Ноинсофлик ҳақида ўқиб, эшитиб, "Инсоф бутунлай қирилиб кетдими? Ёшларда инсоф қолмадими?" деган савол пайдо бўлади ва бу савол кишининг тинчини бузади.

Бихамдиллоҳким, инсоф бутунлай қирилиб кетгани йўқ. Одамларда яхшилик сақланиб қолган. Гоҳида мусулмон ёшлар бу борада катталарга ўрнак бўлишяпти.

Шу маънода бир ҳикоя ўқиганим бор, шуни сиз азизларга илиниб, e.adabiyot.uz сайтидан шундоғича нақл қилмоқчиман.



Инсоф

Тоҳир ҳожи мошина ишқивози. Бир вақтлар автосервисда ишлагани учунми, минмаган мошинаси қолмаган ҳисоб. Яқинда яна биттасини олибди. Чет элники экан. Юришини кўрайлик, деб бекаларимизни олиб, тоғдаги боғҳовлига жўнадик.

Тоҳир ҳожи нимагадир бугунги ёшлардан хафа эди. Орада фарзандларини ҳам қўшиб қўярди: ёшлар бефарқ, дангаса, ҳамма нарсани пул билан ўлчайди, катталарнинг ҳурматини жойига қўймайди. Инсоф деган нарса қолмади. Муштдайдан тортиб тошдайигача қўлида сотка, қулоқларида алламбало мусиқалар...

Хуллас, бора-боргунча дардларини эшитиб кетдим. Куйиб-пишганида жон бор. У ўзини ўйламаяпти, келажагини ўйлаяпти. Хоҳлаймизми-йўқми, ёшлар келажагимиз-да, ахир. Қанийди ҳамма ҳам шу таиши билан яшаса. Гарчи ҳамсуҳбатим баъзи ўринларда ошириб-тошираётган бўлса ҳам, баъзи гапларига қўшилмаётган бўлсам ҳам, қарши фикр айтмадим. Руддат¹ одам билан баҳслашиб бўлмайди. Шусиз ҳам асаби таранг...

Қизиги шундаки, худди Тоҳир ҳожининг гапларини тасдиқлагандек, бизни ҳали ўнгдан, ҳали сўлдан ёшлар қувиб ўтишарди. Вой бу ҳовлиқмаликлари... Тоғ йўли равон, табиат мафтункор. Енгил мошиналар қалдирғочдек учади. Гумбира-гумбур мусиқаашулалар. Манзилга етгач, у киши хотини билан идишларни олиб, мошинада булоққа сувга кетди. Мен ошга уннадим. Ҳожининг қаерда бўлса ҳам, соат бирга етиб келишини билардим. Пешин намозини ўқишимиз керак-да. Соат бирга қараб ошни дамладим. Мўлжал пешинни ўқигандан кейиноқ дастурхонга ўтириш. Аммо ҳадеганда меҳмонимдан дарак бўлавермади. Пешинни ўзим ўқидим. Соат икки ҳам бўлди, йўқ. Ош ланж бўлиб кетди. Хавотир олиб, кўчага отланган эдим, ҳартугул келиб қолди.

– Э, – дедим мен, – сизларни талқон еб, сувга жўнатиш керак экан-ку...

– Ошни сузинг, кейин гапириб бераман, ўзиям сиз ёзадиган нарса, – деди у кулиб.

¹ Руддат маъносини излаб тополмадим. Шиддат дейилмоқчимикин деб тахмин қилдим.

Ошни еб бўлгач, бир пиёла чой устида Тоҳир ҳожи ҳикоясини бошлади.

Идишларни сувга тўлдиргач, тоғ манзараларини келинингиз га тепароқдан кўрсатгим келиб қолди. Бир ерга чиқиб тўхтадик. Мошинани йўл чеккасига қўйиб, чор-атрофни роса томоша қилдик. Сўнг кетайлик десак, мошина юрмайди денг. У ёқ-бу ёгини кавлаштирган бўлдим, аммо бир иш чиқара олмадим. Охири ёши улугроқ бир ҳайдовчини тўхтатдим.

– Эй ака, – деди у кулиб, – биз ҳам сизга ўхшаган “лётчик” миз – ҳайдашни биламиз-у, ўзини тушунмаймиз.

Яна бир кишини тўхтатдим. У ҳам худди келишиб қўйгандек, “лётчик” миз деб елка қисди.

Нима қиларимни билмай, Тошкентга, автоустахонада ишлайдиган ўғлимга сим қоқдим. У бир соатдан кейин бўшабини, сим қоқиб, сўнг этиб келишини айтди.

Шу пайт ёнимиздан шувв этиб битта “Тико” ўтди. Нарироққа бориб, тўхтади. Сўнг тисариб олдимизга келди. Эгаси ёшгина экан.

– Ассалому алайкум, тинчликми, дода?

– Э-э, мана бу савил юрмай қолди, – дедим уни кўзга илмайроқ.

– Кўрсам майлими?

– Кўрсанг кўр...

Йигитча уни-муни кўрди, мошинанинг тагига ҳам кириб чиқди. Бир пайт мошина гуруллаб ишлаб кетди. Бир-биримизга қараб жилмайшидик. Ҳалитдан бери энди тоғда қолиб кетамизми, деб хуноб бўлаётган хотинимнинг чеҳраси ёришиди.

– Баракалла, болам, ёш бўлсанг ҳам, уста экансан, мана бу хизмат ҳақинг, – деб унга пул тутдим.

– Пулингизни олмайман, – деди йигитча, – менга Аллоҳдан инсоф сўраб дуо қилинг.

Ҳанг-манг бўлиб қолдим. Гўё йигитча менинг, ёшларда инсоф қолмади, деб қилиб юрадиган иддаоларимни эшитгану писанда қилаётгандек эди.

– Эй болам, ўзинг инсофнинг ичида экансан-у, – дедим ҳайратимни яширмай. – Аллоҳ янада зиёда қилсин, – деб дуо қилдим.

Йигитча қўлини кўксига қўйиб, “Тико”ни учирди-кетди. Мошина бир оз юргач, яна иш кўрсатди. Бу сафар ёши ўттизлар атрофидаги, янги “Нексия” минган йигит ёнимизга келиб тўхтади.

– Ассалому алайкум, ҳа, отахон?!

– Кўрмайсизми, бир барака топкур болам ҳозир юргизиб берувди, яна иш кўрсатиб қолди, – дедим саломлашиб.

Йигит бўйнидан бўйинбоғини ечиб, енгини шимариб, ишга тушиб кетди. Афтидан, биладиган кўринарди. “Чет мошинасининг оҳанжамаси кўнда”, деб қўйди иш орасида. Кийимлари жуда тоза, аммо у парво қилмай, берилиб уннар эди. Шундай йигитни уринтириб қўйганимдан хижолатда қолдим. Лекин йигит қанча уринмасин, машина сира ўт олмасди.

Чўнтагидан телефонини чиқарди. Ким биландир боғланди. Гаплашиб, мошинанинг маркасини айтди.

Ҳолатини тушунтирди. “Ҳа, хўп” деб бир жойини очди. Кейин яна бояги одамга сим қоқди. У ёқдаги одам бир нарсаларни тушунтирди. Йигит унинг айтганларини қилиб, мошинани ёқди. Ёнмади. Яна сим қоқди ва энди бошқа жойини ковлашга тушди. Хижолатдан тамом бўлаёздим. Хаёлимда йигит телефоннинг ўзини беш-олти минглик ёқиб юборди-ёв. Вой, барака топкур-эй. Менинг телефонимдан фойдаланинг, деб икки-уч айтдим. Унамади.

Ниҳоят, мошина ўт олди. Уч-тўрт марта қайта ўчириб ёқди.

– Ана энди сизни қийнамайди, – деди бақлашкадаги сувда қўлини совунлаб ювар экан. Кейин қўл телефонимни олдида, унга бир кишининг исми, телефон рақамини ёзиб берди. – Инжиқлик қилса, шу устага учрашинг. Чет мошиналарнинг пири, – деди.

– Раҳмат, мана буни олиб қўйинг, – деб пул узатдим.

– Йўқ, – деди йигит, йўлнинг иши қийин, шунақада бир-биримизга қарашмасак, қачон қарашамиз. Мен розиман.

– Яхши, – дедим мен, – ҳеч бўлмаса, телефон ҳақини олинг, ҳазилакам ёқдингизми, мени хижолат қилманг, болам.

– Яхшилик қилсанг, бутун қил, деганлар, отахон, – дея самимий кулди йигит ва машинасига ўтириб, жўнаворди.

* * *

– Яратганга тавбалар қилдим, – деди Тоҳир ҳожи бошини эгиб. – Ёшлар орасида тилласи кўп экан. Аллоҳ мени тоққа олиб чиқиб кўзимга кўрсатиб қўйди. Бундан бу ёғига анови болам айтганидек ўзимга инсоф сўрайман.

Тоҳир ҳожининг бу гаплари “Кўпчиликни ўнглайман деган одам, аввало, ўзини ўнғласин”, деган ҳақиқатни ёдимга тушириб юборди.

Эркин Малик.
e.adabiyot.uz. сайтидан олинди.



Ҳадиси шарифда жаноби Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: "إِذَا قَالَ الرَّجُلُ هَلَكَ النَّاسُ فَهُوَ أَهْلَكُهُمْ"

"Агар бир киши "одамлар ҳалок бўлди" деса, одамларнинг ҳалокатга энг ҳақлисиди унинг ўзидир", деганлар.

Муслим Саҳиҳида ва имоми Молик Муваддотисида келган.

Агар кимда ким "одамлар ҳалок бўлди", бузилиб кетди, расво бўлди ва шунга ўхшаш уларни таҳқирлайдиган сўзларни айтса, билингки, унинг ўзи энг бузилган, расво кишидир.

Абу Умар ибн Абдул Барр "Истизкор"да дейди: "Ҳадиснинг маъноси шуки: Агар киши бу гапни ўзига бино қўйиб, одамларни менсимай, уларни таҳқирлаб айтса, у ҳақиқатда ҳадисда мазаммат қилинган кишидир. Агар одамларга ачиhib, уларнинг қабих ишларидан хавфсираб айтса, у киши ҳадисда мақсад қилинган кишилар қаторига кирмайди".

Одамларда инсоф сақланиб қолгани учун тоза ҳаводан нафас оляпмиз. Солиҳ кишилар, адолатпарварлар, ҳақгўйлар, инсофлилар борлиги учун самовий ва арозий балодан омонда яшамоқдамиз.

Муҳаммад алайҳиссалом умматида хайрият ҳамон бор, йўқолмаган. Уларни ёмон деган одамнинг ўзи ёмондир.

Одамлардан нолиган одамдан қўрққин

Отамнинг деганлари

*Ичкуяр дўст мудом ачитиб сўйлар,
Қамчидек бўлса ҳам гапларин уққин.
Сўзидан қайтмаган одамдан қўрқма,
Дардини айтмаган одамдан қўрққин.*

*Қўли очиқларнинг йўли ҳам очиқ,
Сахийдан чиқмагай ҳеч қачон сотқин.
Фойдасин билмаган одамдан қўрқма,
Ўпқони тўлмаган одамдан қўрққин.*

*Оддийлик дегани буюклик демак,
Камтарлик безайди инсоннинг хулқин.
Меҳнат қилиб толган одамдан қўрқма,
Ўзин катта олган одамдан қўрққин.*

*Умрнинг маъноси – Ватанни севмоқ,
Отанг ҳам халқингдир, онанг ҳам халқинг.
Бахтидан нолиган одамдан қўрқма,
Халқидан нолиган одамдан қўрққин.*

Нафас Дўсанов.
"Шарқ юлдузи" 1990.11.



Муҳаммад ибн Идрис Шофиъий дейдилар:

"من نَمَّ لك نَمَّ بك، ومن نقل إليك نقل عنك، ومن إذا أرضيته فقال ما ليس فيك، كذلك إذا أغضبتك قال ما ليس فيك".

"Сенга бировни чаққан киши, сени ҳам бировга чақади. Сенга гап олиб келган кимса сендан ҳам гап олиб кетади. Хурсанд қилганигда сенда йўқ хислатни гапириб мақтаган кас хафа қилган пайтингда сенда йўқ сифатларни чаплаб ёмонлайди".



Ноинсофлар ва ноинсофлик борасида гап кетганда ҳар бир одамда бунга мисол топилади. Кимда битта мисол бўлса, кимда ўнта мисол бор, кимда эса саноксиз мисоллар қалашиб ётади. Бунга мисол тополмайдиган одамнинг ўзи йўқ.

Гап инсоф ва инсофлиларга ўтганда кўпчилик мисолни ўтмишдан олиб келади. Китобларда ёзилган қиссалардан сўзлайди. Замонасида ё мисол йўқ, ёки бор бўлса ҳам у унга дуч келмаган. Ёки инсоф танқис, инсофли ноёб бўлгани учун бир вақтлар дуч келган ҳодисасини аллақачон унутиб қўйган.

Менинг ҳам ёдимдан кўтарилмаслиги учун шахсан ўзим гувоҳи бўлган учта ҳодисани эслаб ўтмоқчиман.

Бир ҳафта олдин Мадинадаги *صيدلية حياتي* "Ҳаётим" номли дорихонадан 129 риёлга бир нечта дори харид қилган эдим. Бугун жума намозидан кейин айрим дориларни олиш учун яна шу дорихонага кирдим. Киришим билан сотувчи менга 31 риёл пул ва харид қилган дориларимнинг рўйхати, нархи кўрсатилган фактурани кассадан олиб, қўлимга тутқазди.

- Ўтган сафар янглишиб, сендан 31 риёл кўпроқ олиб қўйибмиз, – деди.
- Менми, яна адашмаяпсанми? – дедим ҳайратда.
- Ол, олавер, сеники. Мана бу олган нарсаларингнинг рўйхати, мана буниси нархи.

Мен фактурани ўқиб кўрсам, ҳақиқатда мен олган нарсалар экан.

Иккинчи мисол. Мадинаи мунавваранинг Султона номли кўчасида жойлашган *الشياكة* – Шиёка (ёки шаяка) фирмасидан 200 риёллик кийим-кечак харид қилдим. Сотувчига матлуб маблағни узатдим. У 100 риёлни олиб, қолган 100 риёлни қайтариб берди. Сабабини сўраганимда, "бундан бир неча ой олдин биздан баъзи нарсаларни олган эдингиз, ўшанда адашиб, сиздан 100 риёл зиёда олиб қўйган эканмиз, ўша 100 риёл билан бу ёғи тўғри бўлиб кетади", деди.

Учинчи мисол. Баққоладан иккита бир хил нарса сотиб олдим. Сотувчи иккита бир хил нарсага икки хил нарх айтди: бири икки ярим риёл, бири уч риёл.

- Нега битта нарсага икки хил нарх? – сўрадим мен.
- Бу молнинг биттасини эски нархда олганмиз. Мана бунисини нарх кўтарилгандан кейин олиб келганмиз, – деб тўғриси айтди.

Тан олишимиз керакки, Европада бу борада инсоф анча олдинлаб кетган. Баъзи жиҳатлардан биз улардан орқадамиз. Социалистик тузум гўзал ахлоқимизга салбий таъсир кўрсатган. Одамларни хийлакор, очкўз, лафзсиз, кўрқоқ қилиб қўйган. Бироқ баъзи жиҳатлардан европаликлар биздан орқада...

Ҳақни эътироф этиб, тўғриси сўзлаш инсоф тақозо қилган буюк ҳақиқатдир.

Ҳа, Мадинада мен ушбу уч ҳодисанинг шахсан гувоҳи бўлганман. Лекин яширмай айтиш керакки, баъзи соҳаларда ноинсофлик зоҳир. Хусусан йўл ҳаракати маданиятида оқсоқлик яққол кўзга ташланади. Ноинсофлик очиқ-ойдин. Уни яширишнинг иложи йўқ.

Инсоф фақат моддий нарсаларнинг ўзига чекланмаган. У ҳаётнинг ҳамма соҳасига дахлдор. Савдо-сотикда инсоф зарур бўлгани каби ўқиш ва ишда ҳам инсоф зарур. Шунингдек, қўни-қўшни, қавм-қариндош, куда-анда орасида ҳам инсоф билан муомалада бўлиш зарур. Инсоф ҳаётни безайди, хотир-жамликни таъминлайди. Агар мамлакатда ноинсофга қирғин келиб, ҳамма инсофга келса, бундан аввало элнинг ўзи фойда кўради. Лекин кимлардир зарар кўрар экан.

Биринчи бўлиб табиблар зарар кўриши мумкин. Инсоф бор жойда касал камайиб кетиши аниқ. Айниқса, кардиолог билан уролог ишсиз қолиш эҳтимоли каттароқ. Негаки, кўп касалликлар асабнинг чарчашидан, асаб бузилишидан келиб чиқади. Асабни эса ноинсофлар ишдан чиқаради. Ноинсоф маъдум жойда бундай хавотирга ўрин қолмайди.

Иккинчи бўлиб маҳкамадаги қозилар зарар кўради. Баъзи маҳкамаларда штат қисқартирилса, баъзиси умуман ёпиб қўйилади, ёки мактабга ўтказиб юборилади. Адвокатлар бошқа ҳунар ўрганиб, мамлакат ободончилигига хисса қўшадилар.

Зарар кўради деганимиз бутунлай ишсиз қолади дегани эмас, йўқ. Инсоф-адолат ҳукмрон бўлган жойда ҳеч ким оч қолмайди. Ҳеч кимда кўркүв, хавфсираш бўлмайди.

Ана шундай даврда нонвой *сахарда туриб нон ёпади, нонни, ёгли патирларни дўконнинг олдидаги тахтага дасталаб қўйгандан кейин чорвогига кириб кетади-ю, шом қоронгисида чиқади; дўконга келиб нонни, тушган пулни санайди.*

Боласини магазинга жўнатган она юрагини ҳовучлаб ўтирмайди. Сафардаги фарзандидан умуман хавотир олмайди.

Эр-хотин бир-биридан шубҳа қилмайди. Аҳдга вафо кучаяди. Омонатга хиёнатдан ҳеч ким кўркмайди. Одамлар истаганча маблағни кўркмасдан кўчада кўтариб юраверадилар.

Хуллас, инсоният орзу қилган фароғатли ҳаёт бунёд бўлиши учун мамлакат аҳлининг энг катта қисми ва энг катталари инсоф сифатига эга бўлиши лозим-лобуд. Бу эса қийин эмас.

Тўғри тарбия, бамаъни бошқарув бўлса, олам гулистон.

*Инсоф тила, дўстим, шоҳу гадога,
Барча мушкул осон Қодир Худога.
Ноинсоф баттолга ёндашма асло,
Ён бериб ёндашган қолар балога.*

*Имом бўлсанг, элни инсофга чақир,
Нотиқ бўлсанг, юртда жар солиб бақир.
Шоир бўлсанг, сўзнинг ҳалол сеҳри-ла,
Кўр кўзларни очгин, қолмасин сўқир.*

*Шоҳ бўлсанг, доимо инсоф ёр бўлсин,
Қишлоғу шаҳарлар адлингга тўлсин.
Ноинсофлар думин ўзинг тугиб қўй,
Адолатинг кўриб эл хандон кулсин.*

Ж.

Пулга сотиб олинган ҳасрат

Қизик, ҳасратни пулга сотиб оладиганлар ҳам бор экан. Бир китобда ўқиб қолдим, чет эллик ўрта ёшли аёл докторга соғлигидан шикоят қилади. Доктор оғир аҳволда келган ранги синик бу беморни обдон текширгандан сўнг:

– Малол келмаса, кундалик ҳаётингиз, кун тартибингиз тўғрисида қисқа сўзлаб берсангиз, – дейди.

– Эрталаб уйқудан тургач, радиони ёқиб қўйиб нонушта тайёрлайман. Кундалик ахборотни тинглайман. Турмуш ўртоғим телевизорни қўяди. У ҳам зўр қизиқиш билан кундалик янгиликларни кузатиб боради. Нонушта асносида ҳаммамиз 10-15 дақиқа телевизор кўрамиз. Сўнг болалар мактабга, биз ишга йўл оламиз. Ишдан қайтгач, почтадан газета-журналларни олиб, бир сидра кўз югуртириб чиқаман. Кечки таомни тановул қилиб бўлгач, ойнаи жаҳон орқали дунё янгиликлари ва мамлакат янгиликлари билан танишамиз. Кино кўрамиз...

– Етарли, раҳмат. Ҳозирча сизга ҳеч қандай дори ёзмайман. Соғайиб кетишингиз учун кун тартибини ўзгартиришга тўғри келади. Бир ҳафтача радио эшитманг, газета ўқиманг, телевизор кўрманг. Бир ҳафтадан кейин мурожаат қилинг.

Бир ҳафтадан кейин аёл докторга учрайди. У анча тетик. Рангига қон югуриб, соғлигидан далолат бериб турибди.

Маълум бўлишича, аёл телевизор, радиога муккасидан кетган экан. Жимитдай мияси оила, ишхона ташвишларидан ташқари жаҳоннинг субутсиз ҳодисалари, даҳшатли хабарлари, кўрқинчли манзаралар билан тўлиб кетган. Чарчаган мия катта босимни кўтаролмаган. Юрак фаолияти сусайган.

Айтишларича, мия билан юрак ўртасида узвий алоқа бор экан. Оғиздан кирган нарса ошқозон, жигарга боргани каби кўз ва кулоқдан кирган сўз, ходиса каби маълумотлар тўғри мияга боради. Мия маълумотни юракка юборади. Кўз, кулоқ орқали мияга етиб келган маълумотлар юрак фаолиятига ё салбий таъсир кўрсатади, ё ижобий таъсир кўрсатади.

Кўз, кулоқ ва юрак бир-бирига боғлиқ нозик ва муҳим аъзо. Кўз ва кулоқ ўзи кўрган, эшитган ахборотларни тез суратда мияга узатади, юрак миядан тезда қабул қилиб олади. Қуръон оятларига диққат қилсангиз, бу уч аъзо – эшитиш, кўриш аъзоси ва инсонни бошқариб турадиган энг асосий аъзоси юрак аксар оятларда ёнма-ён зикр қилинган.

﴿ وَجَعَلْ لَكُمْ السَّمْعَ وَالْأَبْصَرَ وَالْأَفْعِدَةَ لَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ ﴾

﴿Шояд, шукр қиларсиз деб,¹ (Аллоҳ) сизлар учун қулоқ(лар), кўзлар ва юракларни яратди.﴾ Наҳл 78-оят.

Бандалар бу учта буюк неъмат: бозорда сотилмайдиган, уста-хунарманд ясаб беролмайдиган бепулга тортиқ қилинган мазкур аъзолар шукрини адо этдиларми, йўқми, бу ҳақда оятда ҳеч нима дейилмаган. Кейинги оятлар шукр масаласига ҳам тўхтайтиди.

﴿ وَهُوَ الَّذِي أَنْشَأَ لَكُمْ السَّمْعَ وَالْأَبْصَرَ وَالْأَفْعِدَةَ قَلِيلًا مَّا تَشْكُرُونَ ﴾

﴿У сизлар учун қулоқ(лар), кўзлар ва дилларни пайдо қилди. Сизлар эса камдан-кам шукр қилурсизлар.﴾

Мўминун 78-оят.

﴿ وَجَعَلْ لَكُمْ السَّمْعَ وَالْأَبْصَرَ وَالْأَفْعِدَةَ قَلِيلًا مَّا تَشْكُرُونَ ﴾

﴿У сизлар учун қулоқ(лар), кўзлар ва юракларни яратди. Сизлар эса оз шукр қилурсизлар.﴾² Сажда 9-оят.

¹ Яъни "шукр қилмоғингиз учун". لِلتَّغْلِيلِ «لَعَلَّ» дейди муфассирлар.

² Тил – Аллоҳнинг бору бирлигига далолат қилувчи аломатлардан бири.

﴿ وَمِنْ آيَاتِهِ خَلْقَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَأَخْلَافُ أَسْنِينَكُمْ وَأَلْوَانُكُمْ ﴾ "Унинг оятларидан бири – Осмонлару ерни яратмоғи ва тилларингу рангларингни ҳар хил қилмоғидир".

Бани башарнинг тили турли-туман бўлгани каби тил қоидалари ҳам турли-туман бўлар экан. Ҳар бир тилнинг ўзига яраша фасоҳати, балоғати бор. Тил қоидалари ва фасоҳат ва балоғат мезони гоҳида бир-бирига тўғри келмас экан.

﴿ قُلْ هُوَ الَّذِي أَنْشَأَكُمْ وَجَعَلَ لَكُمُ السَّمْعَ وَالْأَبْصَرَ وَالْأَفْئِدَةَ قَلِيلًا مَّا تَشْكُرُونَ ﴾

﴿ *Айтинг, У сизларни (йўқдан) бор этди ва сизлар учун қулоқ(лар), кўзлар ва юракларни яратди. Сизлар эса кам шукр қилурсизлар.* ﴾

Мулк 23-оят.

Бир маънодаги оятнинг қайта-қайта такрорланиши бу мавзунинг Аллоҳ наздида катта аҳамият касб этишига ва муҳимлигига далолат қилади.

Бу бебаҳо учта аъзонинг шукри унинг муҳофазаси билан амалга ошади. У аъзолардан тўғри фойдаланиш, Аллоҳ мубоҳ қилган амалларда ишлатиб, ҳаром қилган амалларидан тийилиш билан рўёбга чиқади. Шунингдек, эрта-ю кеч тил дил жўрлигида: "менга кўз, қулоқ ва юрак берган Аллоҳга ҳамду сано айтаман. Тўрт мучамни соғ қилган Аллоҳга шукр қиламан", деган мазмундаги лафз билан шукр қилинади. Шукр ортидан ушбу дуога ўхшаш дуо қилса яна ҳам яхши.

اللَّهُمَّ مَتِّعْنَا بِأَسْمَاعِنَا وَأَبْصَارِنَا وَقُوَّتِنَا مَا أَحْيَيْتَنَا ، وَاجْعَلْهُ الْوَارِثَ مِنَّا ، وَاجْعَلْ ثَارَنَا عَلَى مَنْ ظَلَمْنَا ، وَأَنْصُرْنَا عَلَى مَنْ عَادَانَا ، وَلَا تَجْعَلْ مُصِيبَتَنَا فِي دِينِنَا ، وَلَا تَجْعَلِ الدُّنْيَا أَكْبَرَ هَمِّمْنَا وَلَا مَبْلَغَ عِلْمِنَا ، وَلَا تُسَلِّطْ عَلَيْنَا مَنْ لَا يَرْحَمُنَا

Бу мазкур оятлардан истинбот қилинган шахсий фикрлар. Оят тадаббурининг ҳаётга татбиқи. Шахсий тажрибам.

Айни шундай дуо қилиш суннат ё фарз деб айтолмайман.

Агар эътибор берган бўлсангиз, кўз, қулоқ, дил ҳақида сўзлаган оятларнинг аксарида эшитиш аъзоси "қулоқ" бирлик сийғасида келган. Кўз билан дил эса жам сийғасида. Бунинг сабабини луғатшунослар, муфассирлар муфассал баён қилишган. Шунинг учун биз унинг тафсилотига кирмаймиз. Қизиққанлар "Ат-Тахрир ва ат-танвир" тафсирининг "Анъом" 46-оят, Юнус 31-оят тафсирига мурожаат қилишса, излаган нарсаларини топадилар...

Қуръон – Қаломуллоҳ. Шу боис унинг оятларини бошқа тилга ўгираётган киши оятни ўзича тасарруф қилолмай, имкон қадар оят лафзини сақлаб қолади. Ўзбек тилида қулоқ, кўз дегандан кўра кўз-қулоқ дейиш ўнғай ва фасоҳатли. Аммо араб тилида бунинг акси экан. Бирлик ва жам сийғаси ҳам айни шундай. Биз шайх Алоуддин Мансур ҳазратларидан андоза олиб, арабча лафзда ҳазф қилинган, сўз сиёғи талаб қилган жумлаларни ўзбек тилида қавс ичида бериб борамиз. Шунингдек, жам сийғаси ҳам қавс ичида берилади.

Аллоҳ "қарама!" деб буюрган нарсага қараш, "эшитма!" деган нарсани эшитиш кўз-қулоқ неъматига ношукрликдир. Нафақат ношукрлик, балки жинойт ҳамдир. Шунингдек, юрак устига керагидан ортиқ юкни юклаш ҳам ношукрликнинг бир тури. Банда бу учта аъзонинг ҳар биридан сўралади.

﴿ إِنَّ السَّمْعَ وَالْبَصَرَ وَالْفُؤَادَ كُلُّ أُولَئِكَ كَانَ عَنْهُ مَسْئُولًا ﴾

﴿ Албатта қулоқ, кўз ва қалб, буларнинг барчаси хусусида (ҳар бир инсон) масъулдир. ﴾

Исро 36-оят.

Асримизда алоқа воситалари жуда кўп ва турли-тумандир. Илгари почта, телефон, телеграф, радио, телевидение, газета-журналлар одамларга ахборот берган бўлса, ҳозирги кунда интернет ва компьютернинг ўзи эски алоқа воситалари қилган ва қилолмаган ишларни уддалаяпти. Бу борада анча олдинлаб кетди. Телевизорни эмас, компьютерни ҳақиқий ойнаи жаҳон деса арзийди. Қўлдаги телефон ҳам айни шундай: жимитдек бир жиҳоз телефон, телеграф, радио, телевизор, газета-журнал вазифасини бажаряпти. Почта етим боладек ёлғизланиб қолган. Баъзи ёшлар почта нималигини билмаса ҳам керак.

Тараққиёт шу тариқа жадал суръат билан ривожланса, ким билади яқин кунларда посилка ёки қанор қопда бирор нарсани WhatsApp орқали, ёки skype орқали жўнатиш йўлга қўйиладими? Мободо, шу даражага етиб келинса, мусулмон киши бундан ажабланмайди. Чунки Қуръонда Яман маликаси Билқийсининг тахти Байтул макдисда жойлашган Сулаймон саройига кўз очиб юмгунча олиб келингани ҳикоя қилинган. "Кўз очиб юмгунча" ибораси муболаға учун эмас, ҳақиқий маънода қўлланилмоқда. Ахир дунёнинг у чеккасидан бу чеккасига жўнатилган sms кўз очиб юмгунча етиб боряпти-ку.

﴿ قَالَ يَا أَيُّهَا الْمَلَأُ أَيُّكُمْ يَأْتِينِي بِعَرْشِهَا قَبْلَ أَنْ يَأْتُونِي مُسْلِمِينَ ﴿٢٨﴾ قَالَ عِفْرِيَّتٌ مِنَ الْجِنِّ أَنَا ءَأَيْنِكَ بِهِ ءَقَبْلَ أَنْ تَقُومَ

مِنْ مَقَامِكَ وَإِنِّي عَلَيْهِ لَقَوِيٌّ أَمِينٌ ﴿٣٩﴾ قَالَ الَّذِي عِنْدَهُ عِلْمٌ مِنَ الْكِتَابِ أَنَا ءَأَيْنِكَ بِهِ ءَقَبْلَ أَنْ يَرْتَدَّ إِلَيْكَ طَرْفُكَ ﴾

- *Жаноблар, улар менинг ҳузуримга муслмон бўлиб келишларидан олдин қайси бирингиз унинг тахтини менга олиб келади? – деди Сулаймон.*
- *Мен уни ўрнингдан туришингдан олдин сенга келтирурман. Мен уни олиб келишга қодирман ва омонатдорман, – деди баҳайбат бир жин.*
- *Мен эса кўз очиб юмгунинггача сенга уни олиб келурман, – деди китобдан илми бор (билимдон) киши.*

Намл 38-39-40-оятлар.

Дарҳақиқат, Билқийс тахти бир лаҳзада Сулаймон қасрида пайдо бўлади.

Диққат қилинг, жин: "ўрнингдан турмасингдан олдин келтираман", деса, илмдор инсон: "кўз очиб юмгунингча олиб келурман" деди ва сўзининг устидан чиқди. Бу – милоддан олдин бани башар илм билан етишган тараққиётга бир мисол.

Хуллас, бугун сиз интернет орқали посилка ололмасангиз ҳам, бироқ ахборот олишингиз мумкин. Уйда, йўлда, ишхонада, ошхонада қаерда бўлишингиздан қатъи назар сиз бутун дунё билан боғланиш имкониятига эгасиз. Ўтирган жойингизда бемалол дунё янгиликлари билан таниша оласиз. Ахборот олганингиз каби ахборот узатишингиз ҳам мумкин.

Шунга кўра интернет жуда яхши янгилик деб олқишласак бўлади. Бироқ унинг зарарларини ҳисобга олиб, интернетдан огоҳлатиришимизга ҳам асослар бор, етарли факторлар бор.

1- Биринчи сабаб – вақтнинг зое бўлиши.

Мазкур жиҳозлар олдида кўп ўтириш, улардан ҳудабехуда фойдаланиш инсон вақтини ўғирлайди. Ҳозир вақт ўғрилари кўпайган. Шулардан энг учига чиққан профессионал ўғри интернетдир.

У – ойнаи жаҳон. У – телефон. У – телеграф. Унда "ижтимоий тармоқлар" деб аталмиш Facebook, Twitter, Whats App, Skype, You tube деган турли даҳмазалар бор. У орқали радио эшитиш, телевизор кўриш, газета, китоб, хат ўқиш мумкин...

Буларнинг ҳаммаси одамдан вақт талаб қилади. Вақт эса азалдан бир кеча кундузда 24 соатдан иборат. Замон ўзгарди деб янги авлодга 10 соат қўшиб, 34 соатга узайтирилгани йўқ.

Интернетга ёпишиб олган кишининг ҳолати оққуш, чўртан балиқ, қисқичбақа мисолига ўхшайди. Оққуш аравани юқорига тортса, чўртан балиқ сувга, қисқичбақа ўзи томон тортади. Арава эса жойидан жилмай тураверади.

Йигит айни илм ўқийдиган ёшида, касб-хунар эгаллайдиган бир маҳалда интернетга қаттиқ боғланиб, олтин фурсатни қўлдан бой беради. Facebook уни бир томонга, Twitter, Whats App бошқа томонга, Skype, You tube яна бир томонга тортади. Бечоранинг араваси жойидан жилмай манзилга етолмайди. Юксалиш учун, бойиш учун ҳар бир дақиқа ва ҳар сония зўр аҳамият касб қиладиган XXI асрда соатларни, суткаларни зое қилиб, мақсадга эришолмайди. Ҳаётда ютқизиб қўяди.

2- Радио ва телевизорга берилиш соғлиқка зарар.

Чет эл радио ва телевидениеси биз билган совет радио ва телевидениесига умуман ўхшамайди. Матбуот ҳам айни шундай. У кундалик янгиликлар билан таништириш баробарида дунёдаги ваҳимали ҳодиса-ю кўрқинчли воқеаларни ҳам бутун дунёга тарқатиб туради. "Катта арава қаёққа юрса, кичики ҳам шу ёққа юради" деганларидек, чет элдаги ўзбек радиоси ҳам "катталари" қаёққа юрса, ўша ёққа эргашади. (Улар ҳам кўп қатори Ғарбга думкашак). Эшматнинг азасидан тортиб, Тошматнинг тўйигача "ёритилади". Шунча ахборотни йиғиш учун "ўтюрак журналист" гўё бир қулоғу бир кўзини юлиб олиб, одамлар орасига улоқтиради. Бир кўз, бир қулоғи ай-ғоқчилик қилиб олам кезади, бири ўзи билан қолади. Шунинг учун тезкор мухбирлар полициянинг исковучи тополмаган майда-чуйда нарсаларни топиб, эфирга тез узатишга муваффақ бўладилар. Ярим кечаси гадой топмас жойда бир ҳодиса рўй берса, тонг отмай у хабар Прагага, Британияга етиб боради. Воқеа содир бўлган қишлоқ аҳли бу хабарни чет эл радиосидан бўрттирилган ҳолда эшитади.

Абу Довуд "Сунани"да келади, Росулulloҳ ﷺ дедилар:

"كَفَى بِالْمَرْءِ إِثْمًا أَنْ يُحَدِّثَ بِكُلِّ مَا سَمِعَ" – "Эшитган ҳар бир нарсасини гапиравериши киши учун гуноҳкорликка кифоя қилади".

Дейл Карнеги ёзади: "Лютер Бербанк бир кун шундай деган эди: "Мен кўпинча миллионга яқин экин ўстираман, улардан энг сифатлиси битта ёки иккита бўлиб, шуни танлаб олар, қолган барчасини йўқ қилиб ташлардим".

Кўпчилик олдида чиқиб ўқиладиган маърузини ҳам айнан шу руҳда тайёрлашга тўғри келади – худди шундай исрофгарчилик ва худди шу тарздаги шафқатсиз танлаб олиши йўли билан. Юзта фикрни танлаб олинг ва улардан тўқсончасини ташлаб юборинг".

Дейл Карнеги.
"Мувоффақият калити".298-299-бет.

Топган тутганини ғалвирдан ўтказмай эфирга узатадиган суҳандонга асқотадиган фойдали насихат экан. Гурунчни тозаламасдан ош дамлаб, хўрандани йўқотган ошпаз ҳолига тушиб қолмаслик учун суҳанвар журналистлар ҳам оғиздан чиқаётган гапларини саралашлари фойдадан холи эмас.

1989-90-йиллар эди. Олимлардан биридан соддароқ киши сўради:

- Мен бугундан бошлаб мухбирнинг гапига ишонмай кўйдим. Кеча ундоқ деган мухбир бугун бундоқ деб ўтирибди. Улар ҳам ёлғон гапирар экан.
- Сиз шу пайтгача уларга ишониб келганмидингиз?.. – деди олим. Даврада кулгу кўтарилди.

Мухбирга ҳам осон эмас. У ҳар куни теша тегмаган хабарларни эфирга узатиши керак. Хўжайинини рози қилганидай, мухлисни ҳам рози қилиши шарт. Йўқса, мухбирлар туғрисида ишланган француз филмида айтилганидай: "у ҳам кўчадаги миллион-миллион ишсизлар сафига қўшилиши мумкин".

Мухбирлар шаънида айтилган сўздан муаллиф журналистларни ноҳақ танқид қилди деган хулоса чиқарманг. Очиғи, мухбир зоти ҳаммани танқид қилади-ю ўзи танқидни кўтаролмайди. Айрим ёш, гапдон журналистлар пичинг, қочирма сўз билан сездирмай истехзо қилади, ёши каттароғи хушмуомаллик билан рад бериб қутилади. "Бойота"дек "иннайкейин" деб саволлар билан одамни хит қиладигани ҳам йўқ эмас.

Кўзни очадиган журналист бор, ухлатадигани бор. Бошидан сув ўгириб ичса арзийдиган журналистлар ҳам топилади. Уларнинг бошига қилич келса ҳам, бошидан зар сочилса ҳам ҳақиқатга зид иш қилмайдилар, ҳаргиз ёлғон сўзламайдилар.

Тан олиш керак-ки, ижтимоий-сиёсий воқеаларни кенг ёритиб бораётган журналистларнинг тинимсиз меҳнати боис дунёнинг у чеккасидаги воқеалардан дунёнинг бу чеккасидаги халқлар хабардор бўлиб турибди. Бу тарафи яхши, лекин кимдир у ҳодислардан сабоқ олса, кимлардир марка йиққан "хобби"чи боладай нуқул маълумот йиғяпти, холос.

Тошкентлик мархум домлалардан бири шундай деган эди: "бугунги кунда одамлар Америка президентининг қачон қаерга боришини билади. Яна бир давлатнинг президенти ким билан қачон учрашишидан хабардор. Дунёнинг қайси бурчагида қандай воқеа бўлса, ипидан ингнасигача билади. Лекин ўзининг ўғил-қизи қаерда юрипти билмайди. Қачон кимлар билан учрашяпти, нималар қиляпти, қаерларда санғиб юрипти бундан беҳабар".

Ҳақиқатда, баъзилар ер тагида илон қимирласа, билади, лекин қизи ким билан кўз уриштиряпти, буни билмайди.

Бирор ҳодисани радиода эшитиш, газетада ўқиш бошқа, телевизорда кўриш бошқа. Ҳадисда "ليس الخبر كالمعاينة" "*Эшитиши кўришдек эмас*", дейилган.

"Куни кеча Россияда фалончини ваҳшийларча ўлдирилди", "Фалончини чавақлаб кетилди", "Бир жойда олти нафар йигит бир аёлни зўрлади", "Бир ерда портлаш содир бўлди", "Яна

бир жойда кўнгилсиз ҳодиса рўй берди. Тунда катта тезликда кетаётган машина ҳалокатга учради. Машина ичидагиларнинг ҳаммаси ҳалок бўлган"... деган хабарларни радиода эшитишнинг инсонга таъсири ўзгача, телевизорда кўришнинг таъсири умуман ўзгача.

Юқорида келган "*Эшитиш кўришдек эмас*" ҳадисининг давомида жанобимиз ﷺ ибратли воқеани ҳикоя қилиб берадилар: "Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга: "Қавминг йўлдан озиб ёмон ишлар қилди", деганида, қўлидаги "лавҳаларни" ерга ташламайди, ҳодисани ўз кўзи билан кўрганидан сўнг ғазаб билан лавҳаларни ерга улоқтиради".

Бакр ибн Воил қабиласи Бани Ярбуъ қабиласидаги Абу Мулайк номли чавандознинг икки ўғлини қатл қилади. Икки фарзандининг вафотини эшитган ота ўзини қўлга олади, сабр қилади. Фарзандлар мурдаси ота олдига олиб келинганда ота ўзини тутолмай, от устидан ўзини ерга отади.

Илгари шаҳар ё қишлоқда "фалончини ўлдириб кетибди, бировнинг номусига тегибди" деган хабар тарқаб қолса, шу бир дона хабар одамларнинг тинчини бузарди. Кимнидир қон босими кўтарилган, кимнингдир қандли диабетни кўзгаган, кимнингдир бошига оғриқ кирган, ким ундай, ким бундай касалга чалинар эди. Алоқа воситалари кўпайгандан кейин киши нафақат ўзининг қишлоғидаги хабарни, балки бутун дунёдаги хабарни эшитади, кўради. Шундай бўлгандан кейин у касал бўлмай ким касал бўлсин.

Энг ёмон касаллик ҳар куни ҳар хил хабарларни эшитавергандан кейин инсоннинг ҳис қилиш, сезиш, ташқи таъсирини қабул қилиш қобилияти пасаяди. Бора-бора ўлиши ҳам мумкин. Қисқаси, инсон бепарво, лоқайд бўлиб қолади. Агар унга: "фалончини бозорда чавақлаб кетишибди, бечоранинг болалари етим қолди" деган қўрқинчли ва ачинарли хабарни етказилса, у пинагини бузмасдан: "бир балоси бўлмаса, шудгорда қуйруқ на қилур", деб қўя қолади. Ёқа ушлаб тавба қилмайди, марҳумга ачинмайди, етимлар учун кўз ёш тўкмайди.

Қувончли хабарни ўқиётган мухбир нохуш хабарларга ўтганда аввалги кайфият билан ўқишни давом эттиради, овози ҳам, юз тузулиши ҳам ўзгармай бир хил туради. Кўздан вулқондек ёш отиладиган хабарни пинагини бузмай ўқиб кетади. Маҳзунлик аломати умуман сезилмайди.

Аллоҳумма, илло, ёлғон бўлмасин, арабларнинг қайсидир каналида ахборот ўқиётган ҳижобли диктор Фаластинда ўлдирилган 100 дан ортиқ киши хабарига етганда ўзини тутолмай йиғлаб юборган. Араб дикторлари орасида кўнгилчани кўп.

Радио, интернет тўғрисидаги танқидий фикрлар билан мен "мутлақо радио эшитма, умуман интернетга яқинлашма" демокчи эмасман. Меъёр-чегарани ушланг, ҳар нарсанинг эвида бўлгани яхши, демокчиман, холос.

Муаллифни нотўғри тушунадиганлар топилиши мумкин, у айтмаган гапни айтди дейдиганларнинг чиқиши эҳтимолдан узоқ эмас. Бу иллат азалдан мавжуд. Шу муносабат билан қадимда рўй берган ғаройиб ҳодисани эслаб ўтмоқчиман.

Хатиб Бағдодийнинг ҳикоя қилишича,¹ Абдуллоҳ ибн Муборак "адас ҳадиси" ҳақида сўралдилар.

- Эмишки адас (таоми) етмишта пайғамбарнинг тилида муқаддаслаштирилган экан. Шу хабар тўғрими?
- (Етмишта эмас), бир дона пайғамбар тилида ҳам муқаддаслаштирилмаган. Адас ични дам қилади, озор беради. Бу гапни сизларга ким айтди?!
- Аслам ибн Солим.
- Аслам кимдан ривоят қилибди?
- Сиздан.
- Ёлғон тўқигани етмагандай, яна менга ҳам нисбат бердими?



¹ موسوعة الحديث الشريف على شبكة إسلام ويب

Ҳасрат Куни

Қуръони Карийм гоҳида дунёнинг яралиши ҳақида хикоя қилса, гоҳида дунёнинг ниҳоясидан хабар беради. Гоҳида ўқувчини мозий қаърига олиб кетади. Инсониятга ўтмишдан сабоқ берар экан, бу билан унинг ҳозир ва келажак йўлларини ёритади. Аҳком, ахлоқ-одоб масалаларини етарли даражада тафсилоти билан баён қилади.

Оятларни тиловат қилар экансиз, ҳаётингизга керакли барча фойдали маслаҳатлар ва кўрсатмаларни дур тергандек бирин-бирин териб борасиз. Қўйнингиз ҳикматларга тўлгандан сўнг Қуръон сизни толиқтирмаслик учун ҳайвонот оламига саёҳатга олиб чиқади. Ҳайвонлар ҳақида турли хикоялар, масаллар билан маълумотингизни бойитади, иймонингизни янада зиёда қилади. Дам ҳайвонот оламига назар солишга чақирса, дам самовот сайрига чақиради.

﴿ أَفَلَا يَنْظُرُونَ إِلَى الْإِبِلِ كَيْفَ خُلِقَتْ ﴿١٧﴾ وَإِلَى السَّمَاءِ كَيْفَ رُفِعَتْ ﴾

﴿ Туянинг қандай яратилганига, осмоннинг қандай кўтариб қўйилганига... назар солмайдиларми? ﴾

﴿ قُلِ انظُرُوا مَاذَا فِي السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ ﴾ ﴿ Осмонлар ва Ердаги мавжудотга қаранглар!" деб айтинг. ﴾

Ер кўрки ҳамда бандалар ризқ манбаларидан бири бўлмиш боғларни сайр этишга ундаган оятлар Қуръонда кўп.

﴿ انظُرُوا إِلَى ثَمَرِهِ إِذَا أَثْمَرَ وَيَنْعِهِ ﴾ ﴿ Мева туккан пайтда мевасига ва пишгандаги самарига боқинглар! ﴾

Шулар қаторида Каломуллоҳ инсониятнинг энг охирги манзили дўзах ва жаннат тасвирига катта эътибор қаратади. Айниқса, жаҳаннамдаги тортишувлар, ҳасрат ва надоматлар ҳамда жаҳаннам аҳлининг орзу-истакларини ҳали ҳаёт бўлган инсонларга етказиб, уларни Ҳасрат Кунидан огоҳлантиради.

﴿وَأَنْذِرْهُمْ يَوْمَ الْحَسْرَةِ إِذْ قُضِيَ الْأَمْرُ وَهُمْ فِي غَفْلَةٍ وَهُمْ لَا يُؤْمِنُونَ﴾

﴿Сиз уларни Ҳасрат Кунидан, иш ниҳоясига етиб, ўлим барҳам топган Кундан огоҳлантинг. Улар иймон келтирмасдан гафлатда юришибди.﴾

Марям 39-оят.

Дунё ҳасратлари вақтинчалик ҳасрат. Кун келиб ҳамма ҳасрат барҳам топади. Қувонч ҳасратни енгиб, ҳаммаси унут бўлади. Аммо Охиратда ундай эмас. Охират мангу бўлгани каби ҳасрати ҳам мангудир.

Аллоҳ таоло Муҳаммад алайҳиссаломга фармон бериб: "Сиз уларни Ҳасрат Кунидан огоҳлантинг!" деди.

Қиёмат кунини "Ҳасрат Кун" деб атади. Зеро бу кундаги ҳасрат ҳақиқий ҳасратдир. Дунёдаги ҳасратлар унинг ёнида ҳолва бўлиб қолади. "Ҳасрат" деб аташга ярамайди.

Қиёмат кунини Аллоҳ бошқа оятда "Ғошия" деб атаган. Ўз Росулига хитоб қилиб: ﴿هَلْ أَتَاكَ حَدِيثُ الْغَاشِيَةِ﴾ "Сизга Ғошия хабари етиб келдимми?" деди.

Ғошия – Ҳамма жойни қамраб олувчи, ўраб олувчи деган маънони ифодалайди. Яъни ҳеч ким ҳеч қаёққа қочиб кетолмайди. Зеро Қиёмат ҳамма ерни қамраб олган.

"Иш ниҳоясига етиб, ўлим барҳам топган Кундан огоҳлантинг!"

﴿إِذْ قُضِيَ الْأَمْرُ﴾ ояти Саҳиҳи Бухорийда келган ҳадисга асосланиб шундай таржима қилинди.

Бухорийда: ﴿بَابُ قَوْلِهِ﴾ وَأَنْذِرْهُمْ يَوْمَ الْحَسْرَةِ – Аллоҳ таолонинг:

﴿Сиз уларни Ҳасрат Кунидан огоҳлантинг!﴾ деган сўзи ҳақида боб бор. Боб остида ушбу ҳадис келган.

Абу Саид ал-Худрий розияллоҳ анҳу ривоят қиладилар, Росулulloҳ соллalloҳ алайҳи васаллам дедилар:

"(Қиёмат куни) ўлимни оқ-қора рангли қўчқор ҳайъатида олиб келинади. Шунда жарчи:

– Эй Жаннат аҳли, – деб нидо қилади. Улар бўйинларини чўзиб унга қарай бошлайдилар.

– Мана бун танийсизларми? – деб сўзида давом этади.

– Ҳа, таниймиз, бу – ўлим, – деб жавоб беради Жаннат аҳли. Уларнинг ҳаммаси ўлимни аниқ кўрган эди. Сўнгра жарчи жаҳаннам аҳлига қарата:

– Мана бун танийсизларми? – дейди. Улар бўйинларини чўзиб унга қарайдилар.

– Ҳа, таниймиз. Бу – ўлим, – деб жавоб берадилар. Уларнинг ҳаммаси (аввал) ўлимни аниқ кўриб билган эди.

Шу пайт ўлим (қўйдаи) сўйилади. Сўнг жарчи: "Эй Жаннат аҳли (бугундан бошлаб) ўлим йўқ, мангулик – абадият, эй жаҳаннам аҳли, ўлим йўқ, мангулик – абадият", дейди.

Сўнгра Росулulloҳ ﷺ ﴿ وَأَنْذَرَهُمْ يَوْمَ الْحَسْرَةِ إِذْ قُضِيَ الْأَمْرُ وَهُمْ فِي غَفْلَةٍ ﴾ оятини ўқидилар. Улар гафлатдадирлар. Аҳли дунё ﴿ وَهُمْ لَا يُؤْمِنُونَ ﴾

"улар иймон келтирмайдилар", дедилар.

Бухорий Саҳиҳи.

Охиратда инсон нимадан ҳасрат қилиши мумкин?

Шу китобнинг аввалидаёқ мангуликдаги ҳасратга ишора қилиб, ушбу ояти каримани келтирган эдик.

﴿ وَأَتَّبِعُوا أَحْسَنَ مَا أُنزِلَ إِلَيْكُمْ مِنْ رَبِّكُمْ مِنْ قَبْلِ أَنْ يَأْتِيَكُمْ الْعَذَابُ بِغَتَّةٍ وَأَنْتُمْ لَا تَشْعُرُونَ أَنْ تَقُولَ نَفْسٌ بِحَسْرَتِي عَلَىٰ مَا فَرَطْتُ فِي جَنبِ اللَّهِ وَإِنْ كُنْتُ لِمَنِ السَّخِرِينَ ﴾

﴿ Ўзингиз сезмаган ҳолда азоб сизга тўсатдан келмасидан олдин, (мужрим) инсон: "Во ҳасрато! Аллоҳ ҳаққида сустлик қилиб қўйдим, динни эрмакловчи масхарабоз бўлдим", деб афсус чекмасидан илгари Роббингиз томонидан сизларга нозил этилган энг гўзал таълимотга эргашингиз! ﴾

Охиратда киши ноинсофдан ҳасрат қилмайди. У Кунда фирибгардан нолимайди. Битмай қолган уйи, ўтириб қолган қизи, тўймаган қорни, таланган моли учун оҳ-нола чекмайди.

Балки у Кунда нодон банда ўз қилмишидан ҳасрат қилади, **"Аллоҳ ҳаққида сустлик қилиб кўйдим"**, фармони бажармадим, деб афсус-надомат чекади.

"Иймон келтир", деса, иймон келтирмадим,

"Намоз ўқи", деса, намоз ўқимадим,

"Ҳалол бўл", деса, ҳалол бўлмадим,

"Авратингни ёп", деса, аксини қилиб ечиндим, дарвозани ланг очгандек авратимни ланг очволдим,

"Ғийбат қилма", деса, ғийбат қилдим,

"Тухмат қилма", деса, тухматда жавлон урдим,

"Ёлғон гапирма", деса, уялмасдан ёлғон гапирдим,

"Чақимчилик қилма, бировни сотма", деса, кўркмасдан чақимдим, сотдим, динни калака қилдим, деб ҳасратланади. Шунингдек, уни йўлдан оздирган "даҳо"лардан, гумроҳ раҳнамолардан нолийди, уларни лаънатлайди.

Аё дўстлар, ногоҳ эшитдим ҳасрат,

Юракни эзувчи афсус-надомат.

Дўзахда йўқ экан заррача раҳмат,

Азоб узра азоб топилмас шафқат.

У ҳасратга ҳеч ким солмайди қулоқ,

Бақир-чақир қилиб қирилгай томоқ.

Бўтадай бўзлайди тушганда тўқмоқ,

Ҳамма айб ўзида, тушунгин, ўртоқ.

Ж.

Қуйида жаҳаннамдаги ҳасратларнинг бештаси билан танишамиз. Шундан олдин Сиз азизларга эслатма тарзида айтмоқчиманки, ўзингизга берилган олтин фурсатни кўлдан бой берманг. Сизга тортиқ этилган у олтин фурсат – умрингиздир. Умр ҳаётда фақат бир марта берилади, қайта берилмайди.

Келинглар, энди, бир марталик умрни зое кетказганлар ҳасратига кулоқ тутайлик. Қуръон хабар берган жаҳаннамдаги мужримларнинг аянчли қисматидан ибрат олайлик.

Биринчи ҳасрат

﴿ قَالُوا وَهُمْ فِيهَا يَخْتَصِمُونَ ﴿٩٦﴾ تَاللَّهِ إِن كُنَّا لَفِي ضَلَالٍ مُّبِينٍ ﴿٩٧﴾ إِذْ نُسَوِّكُمْ بِرَبِّ الْعَالَمِينَ ﴿٩٨﴾ وَمَا أَضَلَّنَا إِلَّا الْمُجْرِمُونَ ﴿٩٩﴾ فَمَا لَنَا مِنْ شَافِعِينَ ﴿١٠٠﴾ وَلَا صَدِيقٍ حَمِيمٍ ﴿١٠١﴾ فَلَوْ أَنَّ لَنَا كَرَّةً فَنَكُونُ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ ﴾

﴿ (Йўлдан озган ночор инсонлар иблис ва унинг лашкарлари билан) талашиб-тортишар эканлар (уларга) қарата: "Аллоҳга қасамки, сизларни Роббил оламийнга тенглаштириб, биз ҳақиқатда аниқ адашган эканмиз. Бизни мужримлар йўлдан оздирди. Мана энди бизнинг на шафоатчимиз бор ва на яқин дўстимиз. Қани энди бизга яна бир бор умр берилса-ю, биз ҳам мўмин бўлсак эди", дедилар. ﴾

Шуаро 96-102-оятлар.

Жаҳаннамдаги илк ҳасратлардан бири ёмонга яқин юришнинг ёмон оқибатидан чекилган афсус-надоматдир.

"Аллоҳга қасамки, сизларни Роббил оламийнга тенглаштириб, биз ҳақиқатда аниқ адашган эканмиз".

Бир кун келиб ҳар бир инсоннинг кўзи очилади. Бу дунёда кўзнинг очилиши – бахт-саодат. У дунёда очилган кўз эса – ҳасрат ва надомат.

Ҳар бир даврнинг ўз яхшиси ва ёмони бор. Ҳар бир замон ва макон яхши ва ёмондан холи бўлмаган. Яхшилиқни истаган яхшига интилади, ёмонликни истаган ёмонга ёндошади.

Донишманд халқ насиҳат қилиб: "Ёмоннинг тўрида ёт-гунча, Яхшининг бўсағасида ёт", дейди.

*Ёмонларга яқин борманг, ёндашманг,
Ҳушёр бўлинг, тўғри йўлдан адашманг.*

Ҳабибий.

Лекин заиф инсон нафс амрига кириб, қандайдир дунёвий мато илинжида ёмонга илашиб қолади. Тўрига бўлган ҳавас уни ёмонга янада яқинлашишга ундайди. Илгари бирор бир амални эгаллаш учун даҳрийлар фирқасига аъзо бўлиш шарт эди. Фирқага аъзо бўлганларнинг ошиғи олчи бўлган. Уларнинг эътиқодича, фирқага аъзо бўлмаган кишининг бири икки бўлмас, боғи кўкармас экан...

Тўрига интилиш бир даврга хос эмас. Қадимда ҳам, ҳозирда ҳам тўрига интилиш ҳирси бўлган, бундан кейин ҳам давом этишида шубҳа йўқ. Бу ўзича ёмон сифат эмас. Тўрига интилиш чўққига интилиш демакдир. Чўққига интилган инсонни, хусусан ёшларни қоралашга ҳаққимиз йўқ. Ботқоққа ботмай юқорига интилсин. Лекин тўрига чиқаман деб ёмонга ёндашишни қоралаймиз. Мансабга канадек ёпишишни ёмонлаймиз. Ҳалол меҳнат, ўқиш-интилиш билан чўққига чиққанларни олқишлаймиз.

Ёмонга ёндашган бир кун келиб афсус-надомат чекиши муҳаққак. Инсон бу дунёда афсус чекиб ўзини ўнглаши чинакам бахт. Афсус Охиратга қолса, бу – чинакам ҳасрат.

"сизларни Роббил оламийнга тенглаштириб, биз ҳақиқатда аниқ адашган эканмиз".

Бу қалтис хато анча кечикиб эътироф этилди. Агар банда шу хатони дунёда тан олиб тавба қилганида, охиратда ҳасрат қилмай хандон отган бўларди.

Тирик шахсларни ёки жонсиз бутларни илоҳийлаштириш қадим замонга хос эмас. Ривожланган даврнинг ривожланган мамлакатада ривожланган кишилардан ҳам бу каби хурофот содир бўлар экан.

Вазирлардан бири янги очилган корхона зиёратига келади. Ишхонага катта қилиб мамлакат раисининг сурати осилган.

- Бу ким? – сўрайди вазир.
- Президентимиз! – деб жавоб беради кўпчилик.
- Йўқ! Бу зот Парвардигоримиздир! Уқдиларингми?
- Уқдик. Бу зот Парвардигоримиз.

Худди шу кишилар жаҳаннамда: *"Сизларни Роббил оламийнга тенглаштирибмиз"* деб нолаи афғон қилади. Ожиз бандани малак ё пайғамбарга тенглаштиришнинг ўзи жинойт. Лекин улар махлуқни махлуққа эмас, Парвардигорга тенглаштиради. Сўнг бошига тушган азоб-уқубатнинг асосий сабабчисини эслайди: *"Бизни мужримлар йўлдан оздирди"*.

"Мана энди бизнинг на шафоатчимиз бор ва на яқин дўстимиз бор".

Жаннатга сазовор кимса жаннатга, жаҳаннамга лойиғи жаҳаннамга йўл олар экан, кофир мўмин етишган манзилат, иззат-икромни ўз кўзи билан кўради. Шунда у мўминлик нақадар буюк шараф ва фазилат эканини англаб етади ва шу ерда мўмин бўлишни орзу қила бошлайди. Эътирофи кечикканидек, орзуси ҳам анча кечикиб пайдо бўлади.

"Қани энди бизга яна бир бор умр берилса-ю, биз ҳам мўмин бўлсак эди".

Наҳотки 70 йил инсон боласининг кўзини очилишига камлик қилса!

Наҳотки инсон 70-80 йил давомида кўз ўнгида рўй бераётган воқеалардан, содир бўлаётган илоҳий мўъжизалардан таъсирланмаса! Бутун умри давомида наҳот атига бир марта Охиратни ўйламаса-я!

Ёшлиқда қизларнинг орзу-истаги, қизиққан нарсаси бошқача, ўғил болаларники бошқача бўлади. Қизлар ғолибо мода, кийим-кечак, тилло, турли пишириқларни ўрганишга қизиқадилар. Орзу-ҳаваслари ҳам шунинг атрофида айланиб юради. Ўғил бола эса велосипед, машина, "айфон", "жалакси"га қизиқади. Орзу-истаги ҳам шу нарсаларни қўлга киритиш, уларни безаш бўлади.

Қиз кампирга, йигит чолга айланган пайтда ҳар иккисининг орзуси деярли бир хил бўлиб қолар экан. Ҳар иккиси касалликдан қочади. Дарднинг кетишини истайди. Суҳбатлар ҳам бир хил – "яхши дори топдим", "арзон дори бор экан", "кучли дўхтир билан танишиб қолдим" ва ҳоказо.

Охиратда нажот топмаган инсонларнинг орзу-истаклари ҳам деярли бир хил бўлади. Улар у ерда мусулмон бўлишни орзу қиладилар.

﴿ رَبَّمَا يَوَدُّ الَّذِينَ كَفَرُوا لَوْ كَانُوا مُسْلِمِينَ ﴾

﴿ *Ҳали кофирлар мусулмон бўлишни истаб қоладилар.* ﴾

Ҳижр 2-оят.

﴿ وَلَوْ تَرَىٰ إِذِ وَقِفُوا عَلَى النَّارِ فَقَالُوا يَا لَيْتَنَا نُرَدُّ وَلَا نَكَذَّبُ بِآيَاتِ رَبِّنَا وَنَكُونُ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ ﴾

﴿ (Эй Росулим), уларни отаи узра турғизиб қўйилган пайтларида: "Кошки, у дунёга қайтарилсагу Парвардигоримизнинг оятларини ёлгонга чиқармай мўмин бўлсак" деганларини кўрсангиз эди. ﴾

Анъом 27-оят.

Шу ва шунга ўхшаш орзулар билан яхшилиқни умид қилган жаҳаннам аҳлининг орзуси рўёбга чиқмайди. Шунда улар ер билан битта бўлиб кетишни истайдилар.

﴿ يَوْمَئِذٍ يَوَدُّ الَّذِينَ كَفَرُوا وَعَصَوُوا الرَّسُولَ لَوْ تُسَوَّىٰ بِهِمُ الْأَرْضُ ﴾

﴿ *Ўша куни кофирлар ва пайғамбарга итоатсизлик қилганлар ер билан яксон бўлиб кетишни истайдилар.* ﴾

Нисо 42-оят.

﴿ إِنَّا أَنْذَرْنَاكُمْ عَذَابًا قَرِيبًا يَوْمَ يَنْظُرُ الْمَرْءُ مَا قَدَّمَتْ يَدَاهُ وَيَقُولُ الْكَافِرُ يَلَيْتَنِي كُنْتُ تُرَابًا ﴾

﴿ *Албатта Биз сизларни яқин қолган азобдан, ҳар бир киши ўзи қилиб ўтган нарсага қарайдиган ва кофир "кошкийди, мен тупроқ бўлиб кетсам" дейдиган кундан огоҳлантирдик.* ﴾

Набаъ 40-оят.

**Мўминликни бугун орзу қилинг! Фурсатни бой берманг!
Эртага Охиратда бу орзу-истакнинг фойдаси тегмайди!**

Иккинчи ҳасрат

﴿ إِنَّ اللَّهَ لَعَنَ الْكَافِرِينَ وَأَعَدَّ لَهُمْ سَعِيرًا ﴿٦٤﴾ خَالِدِينَ فِيهَا أَبَدًا لَا يَجِدُونَ وِلْيَةً وَلَا نَصِيرًا ﴿٦٥﴾ يَوْمَ تُقَلَّبُ وُجُوهُهُمْ فِي النَّارِ يَقُولُونَ يَلَيْتَنَّا أَطَعْنَا اللَّهَ وَأَطَعْنَا الرَّسُولَ ﴿٦٦﴾ وَقَالُوا رَبَّنَا إِنَّا أَطَعْنَا سَادَتَنَا وَكُبَرَاءَنَا فَأَضَلُّنَا السَّبِيلَ ﴾

﴿ Албатта Аллоҳ кофирларни лаънатлади ва улар учун ҳарорати ўта юқори даражали оловни¹ тайёрлаб қўйди. Улар унда мангу қолажаслар. (У ерда) на дўст ва на ёрдамчи топадилар. Юзлари оловда айлантирилган кунда, улар: "Кошкийди, Аллоҳга итоат этганимизда ва Росулга итоат этганимизда эди" деб қоладилар. Ва яна: "Парвардигоро, биз бошлиқларимизга ва катталаримизга итоат қилибмиз, улар эса бизни йўлдан оздиришди", дейдилар. ﴾

Аҳзоб 64-67-оятлар.

Шариат таълимотига кўра, инсон бошлиққа ва катталарга итоат қилиши зарур. Бу тартиб-низом жамият ва давлатнинг манфати учун, қола берса, ўша шахснинг ўз фойдаси учун жорий этилган. Бошлиқлар ва катталар ҳаддан ошиб, тўғри йўлдан оғиб, Қуръон қонунига, Илоҳий фармонларга қарши чиққан пайтда бошлиқ ким бўлишидан қатъи назар унга итоат қилинмайди. Бундай пайтда катталарга ё раҳнамоларга эмас, фақат ва фақат ҳаққа эргашилади. Акс ҳолда, банда Илоҳий лаънатга ва каттиқ уқубатга дучор бўлади.

"Албатта Аллоҳ кофирларни лаънатлади ва улар учун ҳарорати ўта юқори даражали оловни тайёрлаб қўйди. Улар унда мангу қолажаслар. (У ерда) на дўст ва на ёрдамчи топадилар. Юзлари оловда айлантирилган кунда..."

¹ وَالسَّعِيرُ: النَّارُ الشَّدِيدَةُ الْإِقْبَادِ

"Қаттиққўл Малаклар унинг юзини тоқат қилиб бўлмас оловга тутиб айлантириб туради", дейди муфассирлар.

Бу ҳодисалар ҳали юз бергани йўқ. Буларнинг бари Охиратда амалга ошади. Аллоҳнинг бандаларга раҳмат ва инояти ўлароқ, улар у Кун келмасдан илгари огоҳ этилмоқдалар.

Одамларнинг тажрибасидан фойдаланиш донишлик аломати. Шунинг учун ўтган аср бошлиқлари ва катталарига узоқ йиллар итоат қилиб, уларнинг ноҳақ йўлда эканлиги аниқлангандан сўнг улардан бутунлай воз кечган кишилар тажрибасини ўрганиш ва у хатоларни такрорламаслик – муваффақият гарови, икки дунё саодатини таъминловчи асос, жаҳаннам ўтидан сақловчи омилдир. Шу ваздан **"Эътиқодимни нега ўзгартирдим?"** мақоласидан мавзуга оид ўринларни келтиришни маъқул кўрдим.

Муаллиф дейди:

Дарёлар ирмоқлардан, ирмоқлар томчилардан ташиқил топади. Шундоқ экан, бир одамнинг аччиқ тажрибаси ҳам нимагадир асқотиб қолиши мумкин-ку! Хамма бўлмаса ҳам, лоақал неварачевараларим ўқиб, мен бошимдан кечирган адашишлар ва хатоликлар йўлига қадам қўйишдан ўзларини тиярлар.

Биз Сталиннинг фарзандлари эдик.

Сталинга садоқатимиз шу қадар улуг эдики, уни ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмасди. Биров "Сталин учун жон беришинг керак" деса, кўпчилигимиз сира иккиланмасдан "Мен тайёр!" дея олдинга чиқардик. Биз ана шундай садоқатли ва фидокор эдик.

Анча йиллар ўтиб кетгандан кейин билдим – фашистлар Германиясидаги бизга тенгқур ёшлар ҳам Гитлерга садоқатда худди ўзимизга ўхшар экан, улар ҳам ўзларининг фашистча идеаллари йўлида жон фидо қилишга тайёр тураркан.

Ҳа, мен партияга аъзо бўлдим. Ҳаётимда жуда катта ўзгариш содир бўлди – ўзимни ниятлари пок, виждони тоза, олижаноб, мард, фидокор ва содиқ одамлар гуруҳига қўшилган, улар билан бирга дунёда улуг, энг бахтиёр, энг адолатли жамият қуришдек катта иш йўлида ҳаммаслак бўлган одам деб ҳисоблай бошладим. Мен партияга бирон мансаб ёхуд имтиёз таъмасида кирганим йўқ эди. Партия мабода, бирор имтиёз берса, ҳаминша жангларда олдинги сафда бўлиш, жабҳаларнинг энг оғир жойларида чолишиш, масъулиятнинг энг мушкулени зиммага олиш имтиёзини беришини яхши билардим. "Коммунист" дегани мен учун энг фаол ижодкор, эски дунёни тағ-туғи билан барбод қилиб, ўрнига янги дунё яратувчи курашчи эди.

Авваллари у мен учун етиб бўлмас юксакликдаги нарса эди, энди эса мен шундай одамлар билан ҳамсаф, ҳамнафас бўлдим. Бугун буларнинг ҳаммаси жуда анойи, гўл одамнинг ҳавойи гапларидек туюлади, лекин ўша кезларда буларнинг бари чинлигига астойдил ишонар эдик.

Жонажон партиямнинг бағрида юриб кайф этган ҳақиқатларимдан бири шу бўлдики, у тили бошқа, дили бошқа партия экан. Катта-катта мажлисларнинг қарорларида, тантанали йиғинларда, шиорлар ва хитобларда бир хил гап айтиларди-да, амалдаги иш унга сира тўғри келмас эди.

Афсуски, партиянинг ички ҳаётидан ҳам, умуман, ўша даврлардаги жамият ҳаётидан ҳам бунақа мисолларни кўп-лаб келтириш мумкин. Уларнинг бари биз партия раҳбарлигида социалистик жамият эмас, аллақандай тўнқарилган тесқари жамият қурганимиздан далолат беради.

Тўғри, ҳаётимиз аввалгидан бирмунча дуруст бўлиб қолган эди. Еб-ичишимиз ҳам, яшаш шароитларимиз ҳам хийла эпқага келиб қолган эди. Бироқ жамият ҳаётида ёлгон-

яшиқнинг кучайиши, инсоний қадр-қимматнинг камайиши, ҳаромхўрлик ва нопокликнинг авж олиши ахлоқни хароб этиб, эътиқодларнинг томирини қурита бошлаган эди.

Мен онамни "ая" дердим. Аям Қўқоннинг ёнгинасидаги Охунқайнар қишлоғида туғилиб ўсган, сўнг тақдир тақозоси билан аввал Қўқонга, кейин Тошкентга келиб қолган. Аям чамаси ўн йилча савдо соҳасида меҳнат қилганларидан кейин – 1938 йилда партияга кирдилар. У киши партияга чин юракдан ихлосманд эдилар. Аёлликларига қарамай, у кишини том маънода партиянинг солдати деса бўларди. Партия қайси ишга, қандай лавозимга қўймасин, аям уларни гап-сўзсиз, эътирозсиз бажарар, партиянинг ҳар бир топиригини сидқидилдан адо этишга тиришар эди. Биз оилада тўрт фарзанд эдик; очигини айтганда, болаликда она меҳрига тўйганмизми-йўқми, аниқ айта олмайман. Биз уйқудан турмасдан аям ишга кетган бўлар, кечқурун у киши ишдан қайтганда биз ухлаб қолардик. Шу алфозда йиллар ўтди — биз улгайдик, уйли-жойли бўлдик, аям ҳам салкам ярим асрлик аъзолик стажига эга бўлган партия фахрийсига айландилар. Аммо бир кун келиб, кексалик кор қилдимиз ё кўп йиллик "қадрдон" касаллари — диабет енгдимиз, ҳар ҳолда аям ётиб қолдилар. Бутун умри одамлар орасида — ҳаракатда, фаолиятда ўтган одам ётиб қолмасин экан. Негаки, ташқи дунёдан узилиб, тўрт девор ичига қамалиб қолишдан ёмони йўқ. Биз – фарзандлар, албатта, қўлимиздан келганча аямнинг аҳволини енгилаштишга ҳаракат қилдик, лекин у киши алам ва изтироблар ичида ҳаётдан кўз юмдилар. Кейин ўйлаб қарасам, у кишининг умрига завол бўлган нарса фақат қанд касалининг тажовузларигина эмас экан. Шак йўқ, ўлим ҳақ! Аммо одамни қисматидан беш кун бурун бу дунё билан видолашувга мажбур қиладиган сабаблар ҳам кўп экан. Аямнинг ҳадеганда тилга чиқавермайдиган алланечук оғир пинҳо-

ний бир дарди бор эди. Кўпинча ишдан қайтиб, ҳузурларига кирсам, кўзлари намиққан, юзлари тунд бўларди.

— Яна йигладингизми, ая?

— Йўқ, болам, нега йиглай? Шунчаки сиқилдим-да, — дердилар аям шикаста овозда.

Бир куни ўзлари ёрилдилар:

— Нега бундай-а, ўғлим? Мен эллик йиллик умримни партияга бағишладим, сочимни сунурги, қўлимни косов этиб, унинг хизматини қилдим, энди эса партия ширамни сўриб олиб, пўстимни туфлаб таишлади. Шунча хизматларим қумга сингиб кетдимми?

Дарҳақиқат, аям ётиб қолганларидан кейин у киши аъзо бўлган ташилот аямни ҳисобдан чиқариб, маҳалладаги мактабнинг партия ташилотига киритиб қўйган эди. Бу тўғрида бир одам келиб хабар бериб кетди-ю, ундан кейин бошқа ҳеч ким келмади. Орадан ойлар ўтди.

Партия аъзоси ҳар ойда аъзолик бадали тўлаб турмоғи керак. Бу – партия аъзоси учун сўзсиз бажарилиши лозим бўлган темир қонун эди. Агар уч ой аъзолик бадали тўланмаса, у ўз-ўзидан партиядан чиқиб кетарди. Аям шундан қаттиқ безовта бўлди ва мени мактабга жўнатди.

— Э, домла, шунга таивиши қилиб юрибсизми? — деди котиб беғамгина оҳангда. — Нафақадаги одам бор-йўғи йигирма тийин бадал тўлайди. Ўзимиз тўлаб юборяпмиз.

Аямнинг куйганича бор эди — партия ўзининг хасталикка учраб, ишга ярамай қолган аъзосидан бутунлай юз ўгирган эди. Мен эса у кишининг аламли саволига тузукроқ жавоб топиб беролмай гаранг эдим. Ҳа, бизнинг партия учун одам чўт эмас эди — инсон қадрини ҳақида оғизда кўп баландпарвоз гаплар айтилса-да, амалда зарур бўлиб қолса, у ҳар қандай одамнинг баҳридан ўтиб кетаверарди.

Орадан кўп ўтмай шунга ўхшаши кўргулик ўзимнинг бошимга тушиди.

Мен нафақат мунаққид ва адабиётшуносман, балки мунтазам равишда таржимачилик билан ҳам шуғулланганман. Таржима қилган асарларим орасида Ленинга бағишланганлари кўп. У пайтларда мен Ленин ҳақидаги очерк ва ҳикоялар, қиссалар ва романларни ўзбек китобхонига етказишни жуда муҳим иш деб ҳисоблардим. Ўзбек ёшлари бу китобларни ўқиб доҳийдан ибрат олса, унга ўхшаган баркамол бўлишга ҳаракат қилса қандай яхши! У кезларда кўпгина совет кишилари каби **Ленинни парвардигордек** бенуқсон деб билардим. Жиндай тили чучуклигини айтмаса, бошқа айби йўқ эди. 20-йиллардаёқ матбуот саҳифаларида **"Ленин пайгамбарми, йўқми?"** деган мавзуда жуда жиддий баҳс ўтган. Ҳар ҳолда, унинг бутун дунё меҳнаткашларининг доҳийси эканига совет кишиларида заррача шубҳа йўқ эди. Лекин бир гал менда алланечук гумон пайдо бўлган.

Ўшанда мен биринчи марта хорижий сафарга чиқиб, Мисрга борган эдим. Сафар давомида мисрлик оддий одамлар билан мулоқотда бўлишга ҳаракат қилдим. Лениннинг тасвири зарбланган нишонлардан анча-мунча олиб олган эдим. Мисрликлар нишонларни бажону дил олишди, у ёқ-бу ёгини айлантириб томоша қилишди, сўнг расмни кўрсатиб "Бу ким?" деб сўрашди. Қизиқ-а, улар меҳнаткаш бўлатуриб, ўз доҳийларини танимадилар. "Бу — Ленин" дейман ранжиганимни билдирмасликка тиришиб. Улар эса менга бақрайиб туравердилар. "Ленин ким?" деб сўрайдилар. Кейин-кейин билдимки, хорижда Лениннинг шуҳрати унчалик эмас экан, у ердаги одамлар Ленинсиз ҳам бинойидек кунларини кўриб турар эканлар. Бизнинг назаримизда эса, **Ленин бўлмаса, ер юзида ҳаёт тўхтаб қоладигандай эди. Мабодо, оламда бирон мангу турадиган нарса бўлса, бу — Ленин бўлмоғи керак эди.**

Кейин ошкоралик ва қайта қуриш бошланди. Илгари яшириб келинган ҳақиқатлар юзага чиқа бошлади. Кўзимиз

очилди. Лекин... Шу ўринда Чўлпоннинг бир байти эсга тушади:

*Нечун очилди кўзим, қайга кетди уйқуларим?
Бу уйғонишда тўлиб-тошиб, ошди қайғуларим.*

Кўзимиз очилиб кўрдикки, Ленин бобо ҳам ўзимиз қатори эканлар, кўнда бенуқсон эмас, аксинча, анча-мунча жиноятларга қўл уришдан қайтмаган, анча-мунча одамнинг ҳаётига зомин ҳам бўлган эканлар. Ленин бобо ҳам нафс балосига гирифтор бўлган осий бандалардан эканлар, фақат еб-ичиш, молу дунё орттириш касалига эмас, бутун дунёни ўз бичимига мослаб қайта қуриш дардига мубтало бўлган эканлар.¹ У киши фаолият майдонига кириб келишлари биланоқ Архимеднинг машҳур гапини ўз манфаатларига мослаб, "Менга таянч нуқтасини беринг, бутун дунёни ағдар-тўнтар қиламан!" деб ҳайқирган эдилар. Кейин партияни ўзлари учун шунақа таянч нуқтаси қилиб олдилар, партия аъзолари ва партияга аъзо бўлмаган оддий одамларни ўзларининг хомхаёлларини рўёбга чиқаришда восита деб билдилар. Бу гаройиб ҳодисани идрок этмоқчи бўлиб ҳарчанд уринаман, лекин тагига етолмайман. Қандоқ бўлдики, Россия империясидек катта бир мамлакат

¹ Раҳмон Қўчқор ёзади: "Албатта, айтишингиз мумкин – Лениннинг кичкинагина қорни қанча ҳам нарсани сиғдиради, еса ебди-да, деб. Афсуски, Ленин ва ленинчиларнинг курсоқларини туби тешик экан, унинг поёни йўқ экан. Ва бу курсоқлар шу қадар урчиганки, сал бўлмаса, дунёнинг олтидан бир қисмини еб битирай деди.

Жиддий тилда айтадиган бўлсак, коммунистлар етмиш йилдан кўпроқ ҳокимият тепасида ўтириб, қўл остидаги халқларни эксплуатация қилишнинг бошқа бирорта тузумда кузатилмаган усулларини ўйлаб топишган, бу усулларни ҳеч сесканмай миллионлаб одамларнинг устида, уларнинг жони эвазига синашган.

Улар учун одам улкан машинанинг "винтчаси ва паррагидан" бошқа нарса эмас, унинг умри бўлса, бу машина ўтхонасига қаланадиган арзон ўтин эди".

"Партиянинг олтинлари".
"Асрни ҳоритган ҳодиса".

бир ҳовуч найрангбознинг тузогига илинди? Нечук эс-ҳуши жойида, ақли расо миллион-миллион одамлар большевиклар тўқиган афсоналарга чиппа-чин ишонди?

Ўтмиш ҳақида қанча кўп ўйласам, бунақа саволлар шунча кўпроқ пайдо бўлади.

Аmmo биз савол бериб ўрганмаган эдик. Негаки савол бермоқ учун одам синчков бўлмоғи, ҳар нарсанинг тагига етишига тиришмоғи керак, фикрлайдиган одам бўлмоғи шарт. Биз айни шу фикрлаш масаласида оқсар эдик, юқоридан айтилган ёхуд матбуотда ёзилган ҳар қандай гапни таҳлил чигиригидан ўтказмай, ҳақиқат деб қабул қилишига кўникиб қолган эдик. Бунинг натижасида ҳар хил ёлгон-яшиқлар, бўлар-бўлмас афсоналар онгимизга сингдириларди. Ҳар куни такрор-такрор айтаверганидан кейин ёлгон ҳам ростга ўхшаб қолар экан. Гап қуруқ бўлмасин, бир-иккита мисол келтирай.

Кўп йиллар мобайнида "Улуз Октябрь инқилоби инсоният тарихида янги давр очди" деган ибора бизнинг "бисмилло" миз бўлган. Ҳар бир маърузада, ҳар бир мақолада, ҳар бир китобда бу гап қайта-қайта таъкидланар, қайта-қайта қулоққа қуйилар эди. Лекин ҳеч ким "1917 йил октябрида ўзи инқилоб бўлганми ёхуд шунчаки давлат тўнтаришими? Ё бир ҳовуч саргузаштталаб унсурлар уюштирган фитнамиди у? Тўнтариш ёки фитна бўлса, уни "улуз" деб бўладими? Бу тўнтариш очган "янги давр" нималарда акс этади?" деган саволларни бермас эди.

Партия сафида ўтган ўттиз йиллик умримни сарҳисоб қилиб, "Нима орттирдиму нималардан маҳрум бўлдим?" деган саволни қўйсам, орттирганим бир ҳовуч бўлса, йўқотганим тоғдай беқиёс! Мен партиёга жуда катта орзу-умидлар билан кирган эдим. Мақсадим — мансаб эмас, имтиёзлар эмас, балки маслакдош дўстлар билан биргаликда улуз ишларни амалга ошириш, маънавият юксакликларида парвоз қилиш, инсон деган номга доғ туширмай яшаиш эди. Минг афсуски, бу

орзулар ушалмади. Аксинча, партия сафида юриб, жиндай риёкор, жиндай алдамчи, жиндай иккиюзламачи бўлиб қолдим, меҳнат қилиш ўрнига ўзимни меҳнат қилаётгандай қилиб кўрсатишни ўргандим, сафсатабозликка, кўзбўямачликка кўникдим.

Ҳа, кўзлар жуда кечикиб очилди, ақл кечикиб кирди. Лекин мен кечикиб бўлса ҳам кўзим очилганига шукрлар қиламан.

Шундай қилиб, мен олтмиш ёшимда эътиқодимни ўзгартирдим ва Зюгановнинг маломатига қолдим. Начора, бу ҳам бир кўргулик-да! Ўртоқ Зюганов менга таъна тошларини отиб, анча-мунча хумордан чиқиб олган бўлса ажаб эмас. Аммо масаланинг "лекин"и шундаки, ўша кезларда эътиқодини ўзгартган биргина мен ёки Эшмат билан Тошмат эмас эди. Ундайлар минглаб, юз минглаб, ҳатто миллионлаб эди. Ўзингиз ҳисоблаб кўринг, бир замонлар РСДРП, кейин—РКП (б), ундан сўнг — ВКП (б) ва ниҳоят, КПСС деган ном билан довруғ қозонган партия сафида 80-йилларнинг охирига келиб тахминан 20 миллион аъзо бор эди. 20 миллион-а! Айтмоққа осон! Бу саноқ ўртача нуфузли Оврупо мамлакатининг аҳолисига тенг келади.

Компартия тарқаб кетганидан кейин янги партиялар тузилди. Мени ҳам улар сафига киришга таклиф қилдилар. "Мени қўйинглар, биродарлар,— деб жавоб бердим. — Келинг, энди бу ёғига адашсам, ўзим адашай, ўзим тузатай ва ўзим жавоб берай".

Мендан сўрашлари мумкин — хўп, коммунистик эътиқоддан воз кечибсиз, бошқа партиялардан бош тортибсиз, энди эътиқодсиз яшамоқчимисиз?

Нега энди эътиқодсиз яшар эканман? Аксинча, бугун иймоним бутроқ, эътиқодим мустаҳкамроқ бўлиб қолди.

Энди биз теранроқ ва дадилроқ фикрлайдиган бўлмоғимиз керак, маънавиятимизни янги босқичга кўтаришимиз зарур.

Биз янги, мустаҳкам ва юксак иймонга эга бўлмоғимиз даркор. Янги иймонга эга бўлмоқ учун эса бутунлай пок-ланмоқ шарт. Бунинг учун қолган умр этиб берса, бас!



Бу ўзбекистонлик таниқли олим Озод Шарафиддиновнинг 60 ёшдан кейин ёзган мақоласи эди. Олим ҳеч қандай маломатдан кўркмай ўз эътирофини айтишга журъат топади. "Ўша пайтда ҳаммаям партиядан воз кечган", дерсиз. Йўқ, ҳамма ҳам партиядан воз кечган дейиш қийин. Чунки шахсан ўзим ўшанда ўқиган эдим, бошида дўпписи бор бир кекса киши "агар ўлсам, мени партбелитим билан бирга кўминглар" деб васият қилган. Бу васият газетада эълон қилинган.

Унутмаслик керакки, партиядан чиққани билан ҳанузгача унинг қаро қилмишидан воз кечмаганлар йўқ эмас...

1929 йилда Қўқон шаҳри яқинидаги Оханқайнар қишлоғида туғилган олим 2005 йил Тошкент шаҳрида оламдан ўтади.

Иймон билан вафот этган ҳар бир бандани Аллоҳ гариқи раҳмат, шойистаи жаннат қилсин, гуноҳини афв айласин, амийн.



Учинчи ҳасрат

﴿ وَقَالَ الَّذِينَ فِي النَّارِ لِخَزَنَةِ جَهَنَّمَ ادْعُوا رَبَّكُمْ يُخَفِّفْ عَنَّا يَوْمًا مِّنَ الْعَذَابِ ﴾

﴿Дўзахдагилар жаҳаннам қўриқчиларига: "Раббингизга дуо қилинглар, бирон кун биздан азобни енгиллатсин", дейди.﴾

Ғофир 49-оят.

Жаҳаннамдаги кишининг орзу-истаклари билан қисман танишиб келяпмиз. Кўзи дунёда очилмай, жаҳаннамда очилган нодон у ерда аввало:

- 1- Унга янгитдан умр берилишини орзу қилади. Бу эса амри маҳол. Орзу орзулигича қолади. Чунки инсонга умр бир марта берилади, холос.
- 2- Кейин мусулмон бўлишни орзулайди. Бунинг ҳам имкони йўқ. Чунки вақт ўтган. Ўтган вақт эса қайтарилмайди.
- 3- Етти ёшида иймон аҳли каби намозга турмади. 17 ёшга кирди. Ҳеч нима ўзгармади. 27 ёшгача умр кайфу сафо билан ўтди. 37 ёшда айш-ишрат авжига минди. 40 ёшда ақли етилиб, энг юқори чўққисига чиқди. 50, 60 ёшга етти, лекин кўз очилмади. Пешона саждага тегмади. Юзига жаҳаннам ўти ҳамла қилган пайтда ҳаёти дунёга қайтишни, мўмин бўлишни умид эта бошлайди. Энди ҳаргиз Аллоҳ оятларини ёлғонга чиқармаслигини айтади. Буларнинг бари рўёбга ошмайди.

Шунда: *"жаҳаннам қўриқчиларига: "Раббингизга дуо қилинглар, бирон кун биздан азобни енгиллатсин"* деб ялинишга ўтади. Ўзининг тилаклари, орзулари, дуолари ижобат бўлмагандан кейин *"Раббингизга дуо қилинглар"* дейишга ўтади. Бу тилак ҳам бажарилмайди. Уларнинг навбатдаги тилаклари билан *"Тўртинчи ва Бешинчи ҳасрат"* да танишамиз.

Тўртинчи ҳасрат

﴿ إِنَّ الْمُجْرِمِينَ فِي عَذَابٍ جَهَنَّمَ خَالِدُونَ ﴿٧٤﴾ لَا يُفْتَرُ عَنْهُمْ وَهُمْ فِيهِ مُبْلِسُونَ ﴿٧٥﴾ وَمَا ظَلَمْنَاهُمْ وَلَكِنْ كَانُوا هُمُ الظَّالِمِينَ ﴿٧٦﴾ وَنَادُوا يَمْلِكُ لِيَقْضِ عَلَيْنَا رَبُّكَ قَالَ إِنَّكُمْ مَكِيدُونَ ﴾

﴿ Албатта мужримлар жаҳаннам азобида мангу қолажасклар. Улардан азоб енгиллатилмас ва улар азоб ичра бутунлай ноумид қолурлар. Биз уларга зулм қилганимиз йўқ, балки уларнинг ўзи ўзларига золимлик қилишди.

(Мужримлар жаҳаннам қўриқчисига): "Эй Молик, Парвардигоринг бизни қазо қилсин – жонимизни олсин" деб ҳайқирадилар. Молик: "Сизлар бу ерда мангу туражасклар", дейди. ﴾

Бу оятлар "Зухруф" сурасида келган. Мазкур суранинг 68-оятидан то 73-оятига қадар Аллоҳ таоло Жаннат аҳли хусусида сўзлайди.

"Эй бандаларим, бугун сизларга ҳеч қандай хавф-хатар йўқ, бугун гам чекмайсизлар... Жуфти ҳалолингиз билан бирга шод-хуррам ҳолда Жаннатга киринглар" деб Жаннатдаги ноз-неъматларни, жаннатдагиларга кўрсатилган иззат-икром ва хизматларни батафсил баён қилгандан сўнг 74-оятдан бошлаб дўзах аҳлининг аянчли ҳолатини сўзлайди.

"Албатта мужримлар жаҳаннам азобида мангу қолажасклар".

Ғуноҳ жиноят даражасига етса, ғуноҳкорни "мужрим" деб аталади. Ҳар бир мужрим – ғуноҳкор, лекин ҳамма ғуноҳкор ҳам мужрим эмас. Хато қилган – айбдор, айб қилган – ғуноҳкор, жиноят қилган эса мужримдир.

Аллоҳ мужримларнинг жаҳаннамда мангу қолишини таъкидлаб айтгандан сўнг унинг сабабини очиклайди.

"Биз уларга зулм қилганимиз йўқ, балки уларнинг ўзи ўзларига золимлик қилишди".

Жаҳаннамга тушиш, унда мангу қолишга сабаб уларнинг ўзи, уларнинг қинғир қилмиши экан.

Олимлар мазкур мужримларнинг асосий жинояти "куфру туғён ва ширкдир" дейдилар. Зеро мушрик билан мулҳидгина жаҳаннамда боқий қолиши мумкин. Қолган гуноҳкорлар, агар қалбларида заррача иймон бўлса, бир кун эмас бир кун дўзахдан озод бўлажаклар.

Мужримнинг шу аҳволга тушишига асосий сабаб Қуръон хабар берганидек, у қалб, кўз-қулоқ каби аъзолардан оқилона фойдаланмаган.

﴿وَلَقَدْ ذَرَأْنَا لِجَهَنَّمَ كَثِيرًا مِّنَ الْجِنِّ وَالْإِنسِ لَهُمْ قُلُوبٌ لَا يَفْقَهُونَ بِهَا وَلَهُمْ أَعْيُنٌ لَا يُبْصِرُونَ بِهَا
وَلَهُمْ آذَانٌ لَا يَسْمَعُونَ بِهَا أُولَئِكَ كَالْأَنْعَامِ بَلْ هُمْ أَضَلُّ أُولَئِكَ هُمُ الْغَافِلُونَ﴾

﴿Биз жин ва инсдан кўпларини жаҳаннам учун яратганимиз муҳаққақдир. Уларнинг қалблари бўла туриб фаҳмламайдилар, кўзлари бор, (бирок) кўрмайдилар, қулоқлари бўлишига қарамай эшитмайдилар. Улар чорва ҳайвонлари кабидирлар, балки улардан баттардирлар. Ана ўшалар гафлатда қолган кишилардир!﴾

Аъроф 179-оят.

Аллоҳ Ўзининг бору бирлигини бандаларга билдириш учун иккита Китобни очиб қўйди. Бири – Қуръони карийм, иккинчиси – Коинот. Коинотда, коинотнинг жонли мавжудоти бўлмиш инсоннинг ўзида – унинг яратилишида, аъзоларида, аъзоларнинг ишлашида Яратувчининг борлигига далолат қилувчи мўъжизалар талай. Инсон ақлини ишга солса, кўзи билан атрофга боқса, қулоғи билан ҳақиқатга қулоқ осса, ҳеч қачон адашмайди. Бу аъзоларни фақат кайфу сафо, айш-ишрат учун ишлатиб, улардан Охират йўлида фойдаланмаслик инсонни жаҳаннам ёқасига олиб боради. Жаҳаннамда эса, ўзингиз ўқиб билганингиздек, раҳм-шафқат бўлмайди.

Азоб жонидан ўтиб кетган мужримлар Молик деб аталмиш жаҳаннам кўрикчисига ялиниб:

"Эй Молик, Парвардигоринг бизни қазо қилсин – жонимизни олсин" дейдилар.

Агар шу одамларга бирон кимса бу дунёда ўлим тилаб кўрсин-чи, ўххў... нималар бўлиб кетмайди дейсиз? Улар у бечорани тинч кўймайди. Тавбасига таянмагунча унинг бошига анво хил балоларни солишади.

Жаҳаннамда эса ўзлари ўзларига ўлим тилайдилар. Энг катта орзулари ўлим бўлиб қолади.

Молик ўзингиз билгандек рад жавобини беради. Улар сўрайди, Молик жавоб беради.

Хўш, шу савол-жавоб орасида қанча вақт ўтган бўлиши мумкин, биласизми? Ўн дақиқами, бир соатми? Балким бир кун, балким бир ой ўтгандир. Жавоб сал кечиккандир? Унинг аниқ жавобини тафсир китобларидан излаймиз.

Ибн Касир Абдуллоҳ ибн Аббосдан ривоят қилади: "Орадан минг йил ўтгандан сўнг Молик уларга жавоб беради".

Тасаввур қилинг, 1000 йил-а!!!

Бу 1000 йил дунё ҳисобидаги йилми, охират ҳисобидаги йилми, буни тагига етолмадим. Зеро охиратнинг бир куни дунёнинг минг йилига тўғри келади.

Минг йилдан кейин келган жавоб ҳам дилни хушнуд қиладиган хушxabар эмас, аксинча қайғуни ортириб, ғамни кучайтирадиган жавобдир:

"Сизлар бу ерда мангу туражаксизлар".



Бешинчи ҳасрат

﴿ قَالُوا رَبَّنَا غَلَبَتْ عَلَيْنَا شِقْوَتُنَا وَكُنَّا قَوْمًا ضَالِّينَ ﴿١٠٦﴾ رَبَّنَا أَخْرِجْنَا مِنْهَا فَإِنْ عُدْنَا فَإِنَّا ظَالِمُونَ ﴿١٠٧﴾ قَالَ أَحْسَبُوا فِيهَا وَلَا تُكَلِّمُونِ ﴿١٠٨﴾ إِنَّهُ كَانَ فَرِيقٌ مِّنْ عِبَادِي يَقُولُونَ رَبَّنَا ءَأَمِنَّا فَأَغْفِرْ لَنَا وَارْحَمْنَا وَأَنْتَ خَيْرُ الرَّحِيمِينَ ﴿١٠٩﴾ فَاتَّخَذْتُمُوهُمْ سَخِرِيًّا حَتَّىٰ أَنْسَوَكُم ذِكْرِي وَكُنْتُمْ مِّنْهُمْ تَضْحَكُونَ ﴿١١٠﴾ إِنِّي جَزَيْتُهُمُ الْيَوْمَ بِمَا صَبَرُوا أَنَّهُمْ هُمُ الْفَآئِرُونَ ﴾

﴿ (Қиёмат мезонида амали тош босмаган гуноҳкорлар) дейди: "Парвардигоро, бадбахтлигимиз бизга устун келиб, адашган қавмлардан бўлиб қолдик. Парвардигоро, бизни жаҳаннамдан чиқар. Агар биз яна (шу ёмон йўлга) қайтсак, демак бизнинг ўзимиз уқубатга лойиқ золимдурмиз".

Аллоҳ дейди: "Жим бўлларинг!¹ Менга (бир оғиз сўз) сўзламаларинг! Менинг бир гуруҳ бандаларим бор эди. Улар: "Роббано, биз иймон келтирдик, гуноҳларимизни мағфират эт, раҳм айла, Сен Ўзинг раҳм қилувчиларнинг энг яхшисисан", дер эдилар. Сизлар эса уларни масхара қилдингиз, устидан кулдингиз, ҳатто уларни истеҳзо қилиш Мени эслашни ёдингиздан кўтариб қўйди.

Мана бугун Мен уларни сабр қилганлари боис мукофотладим – ана улар (бугун) голибдурлар. ﴾

Мўминун. 108-111-оятлар.

Бу дунёда ўзини "мен бадбахтман, адашганман" деб васфлаган кишини кўрганмисиз? Сизни билмадиму, лекин мен шу ёшга кириб ундай одамни учратганим йўқ.

Энг ҳайратланарли жойи дунёдаги энг бадбахт кимса ҳам ўзини "бахтлиман" дейди. Роҳи ростдан адашиб, тор, қоронғу кўчаларда йўлини йўқотиб, тентираб юрган жоҳил ҳам ўзини "адашганман" деб ҳисобламайди. Бировдан йўл сўрамайди.

¹ ﴿ أَحْسَبُوا ﴾ كَلِمَةٌ بَلِيغَةٌ فِي الزَّجْرِ تَعْنِي: السُّكُوتُ مَعَ الذَّلَّةِ وَالْهَوَانِ؛ لِذَلِكَ يَقُولُونَهَا لِلْكَلابِ.

Йўл кўрсатганни назарга илмайди.

Дунёда бадбахтнинг "бахтлиман" дейишидан кўра хайратлироқ нарса бўлиши мумкинми?

Ҳа, бу дунёда ҳамма нарса бўлиши мумкин экан. Ўзини "бахтлиман" деган ўша бадбахт уялмай-нетмай "мен одамзодни бахтли қиламан, бахт-саодатга йўллайман" деган иддаоСИ ҳаммасидан хайратлидир. Ўша қинғир йўлига ҳаммани юргизади. У йўлга юрмаганларни мажбурлайди, зўрлайди.

Унга қарата: "Ўзинг бадбахт бўлсанг, бошқаларни қандай бахтли қиласан? Ўша бахтни аввал ўзингга раво кўр, одамлар сенинг ҳақиқатда бахтли эканингни ҳаётда кўрсин, ана ундан кейин бошқалар сендан андоза олаверади. Ўзинг ёрқин кундузда йўлингга тополмай адашиб, сарсон-саргардон кезяпсан-у яна "мен инсониятни тўғри йўлга бошлайман" деган даъвоНИ илгари сурасан-а", дегингиз келади.

Энг ачинарлиси, бахт-саодат манбаидан бохабар одамлар ё зарга алданиб, ё зўрдан ҳайиқиб унга эргашадилар, унинг байроғини юқорига кўтарадилар.

Бу асъаса-ю дабдабалар, баландпарвоз ялтироқ сўзлар, беъмани иддаолар даъвогар гўристонга ташланиши билан якун топади.

"Бахтли" инсон гўристон орқали бошқа оламга йўл олади. Вақт ўтиб Қиёмат қоим бўлади. Ҳар ким қилмишига яраша жазо топади. Тасодифан эмас, анча муддат муҳлат ўтгандан сўнг, Қиёмат мезонида амаллар тортилгандан кейин қилмишига жазо ўлароқ жаҳаннамга тушиб, унинг ақл бовар қилмас азобларини татигандан кейин "бахтли" инсон Аллоҳга ёлвориб: *"Парвардигоро, бадбахтлигимиз бизга устун келиб, адашган қавмлардан бўлиб қолдик.*

Парвардигоро, бизни жаҳаннамдан чиқар. Агар биз яна (шу ёмон йўлга) қайтсак, демак бизнинг ўзимиз уқубатга лойиқ золимдурмиз", дейди.

Тафсирларда ёзилишича, мужримлар Молик орқали ўлим сўраганларида улар 1000 йилдан кейин рад жавобини олар

эканлар. Жавоб уларни қониқтирмагач, ўзлари тўппа-тўғри Парвардигори оламга мурожаат қиладилар.

Аллоҳдан жавоб кутадилар. Ажабмас, ҳаммага раҳм қилган Аллоҳ уларнинг илтижосини қабул айласа.

"Парвардигоро, бизни жаҳаннамдан чиқар".

Ўша куни бу талабга жавоб келмайди. Азоб енгилламайди. Эртасига яна жавоб кутишади. Жавобдан дарак йўқ.

Ой, йил, бир аср кутишади. Наҳот жавоб шу қадар кечикса.

Ибн Касир Абдуллоҳ ибн Амрдан ривоят келтиради:

"Аллоҳ дунё умрининг икки баробари ўтгунга қадар уларга ҳеч нима деб жавоб бермайди".

Агар шу асар саҳиҳ бўлса, бундан оғир гап йўқ деб ўйлайман. Бир минг йил, икки минг йил, уч минг йил эмас, балки саноғи бандасига қоронғу йиллар мобайнида уларга жавоб келмайди.

Охири уларга ўзлари инкор қилган Илоҳдан жавоб келади. Жавобнинг оғирлигига қаранг:

Аллоҳ дейди: "Жим бўлларинг!¹ Менга (бир оғиз сўз) сўзламаларинг!"

Оятда " *أَخْسَوْا فِيهَا* " дейилган. Бу инсонни таҳқирловчи калимадир. Баъзи муфассирларнинг айтишича, итни ҳайдаш, овозини ўчириш учун айтиладиган сўз экан. "Ҳап бўл, жим бўл, йўқол, хор-зор бўл" деган маъноларни ифодалайди.

"Менга (бир оғиз сўз) сўзламаларинг!"

Абдуллоҳ ибн Амрга кўра, шундан кейин мужримлар тилдан қолиб, инсоний нутқдан маҳрум этиладилар. Сўз ўрнига эшак каби ҳанграйдилар.

Улар қайси жинойтлари учун бу қадар оғир жазога маҳкум бўлишди? Фақат намоз ўқимаганлари ёки рўза тутмаганлари учун шунчалик азоб-уқубатга гирифтор бўлдиларми?

¹ ﴿ أَخْسَوْا ﴾ كلمة بليغة في الزجر تعني: السكوت مع الذلة والهوان؛ لذلك يقولونها للكلاب.

Ёки бундан бошқа каттароқ жинойтга кўл урганмилар?

Ояти карима уларнинг бу қадар азобга дучор бўлиш сабаблардан айримига тўхтаб дейди:

Менинг бир гуруҳ бандаларим бор эди.

Улар: "Роббано, биз иймон келтирдик, гуноҳларимизни мағфират эт, раҳм айла, Сен Ўзинг раҳм қилувчиларнинг энг яхшисисан", дер эдилар. Сизлар эса уларни масхара қилдингиз, устидан кулдингиз, ҳатто уларни истеҳзо қилиш Мени эслашни ёдингиздан кўтариб қўйди.

Ислом динининг ҳозирги кунгача босиб ўтган тарихидан маълум бўлишича, динга қарши чиққан айрим мушриклар мулҳидлар, зўравонлар, босқинчилар бир кун келиб ҳидоят топишган. Қилмишларига пушаймон бўлиб, ёмонликларини яхшилик билан ювиб юборган эканлар.

Ароққа мукка тушган пиёнисталар, фоҳишабозлар ва ҳатто каллакесар жаллодлар тавба-тазарру қилиб Ислом динига кирган.

Аммо динни калака қилган, диндорларни масхара қилган, мусулмонларнинг устидан кулган шахсларга бу буюк бахт — Ҳидоят бахти насиб қилмаган экан.



Ё Аллоҳ, Ё Раҳмон, Ё Залжалоли вал икром,

Ўзинг бизни жаҳаннам азобидан асра, Ўзинг паноҳ бер.

Банда фазлу марҳаматинг билан Жаннатга киради, адолатинг билан жаҳаннамга дохил бўлади.

Илоҳо, борсан, бирсан, яккасан, ягонасан. Бирлигинг ҳаққи ҳурмати мен заиф бандангни, ота-онамни, аҳли аёлимни, зурриётимни, хешларимни ва китоб ўқишга вақт ажратган барча мухлис китобхонларни жаҳаннам азобидан Ўзинг сақла.



Қуёш ердагилардан алами бордек тепадан иссиқ пургаб, аёвсиз қиздириб турган кунда инсон 1000 марта "кун совисин" деса, иссиқ даражаси пасайиб қолмайди. Лекин ҳадисда келишича, ким кўзи очиқлик пайтида жаҳаннам азобидан уч марта паноҳ тиласа, жаҳаннам: "Илоҳо, Ўзинг уни жаҳаннамдан асра" дер экан. Термизий Сунанида келади:

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "مَنْ سَأَلَ اللَّهَ الْجَنَّةَ ثَلَاثَ مَرَّاتٍ قَالَتِ الْجَنَّةُ: اللَّهُمَّ ادْخُلْهُ الْجَنَّةَ، وَمَنْ اسْتَجَارَ مِنَ النَّارِ ثَلَاثَ مَرَّاتٍ قَالَتِ النَّارُ: اللَّهُمَّ اجْرِهِ مِنَ النَّارِ"

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар "Ким Аллоҳдан уч мартаба жаннатни сўраса, жаннат: "Илоҳо, Ўзинг уни жаннатга дохил эт", дейди. Кимки жаҳаннамдан паноҳ тиласа, жаҳаннам: "Илоҳо, Ўзинг уни жаҳаннамдан асра", дейди".



Оятларга диққат қилган бўлсангиз, жаҳаннамийлар ҳасрат қилаверади, ҳасрат қилаверади, лекин улар ҳасратига қулоқ осадиган ҳамдард топилмайди. Ўртага тушиб улардаги азобни сал бўлса ҳам енгиллатадиган атиги бир дона шафоатчи келмайди. "Қўй, ҳафа бўлма, бу кунлар тезда ўтиб кетади, кўрмагандек бўлиб кетасан", деб далда берадиган ҳамдам йўқ.

У жой дунё эмас, Жаҳаннам!

Аллоҳ ҳаммамизни жаҳаннам азобидан Ўзи асрасин.

Ҳаётдан унумли фойдаланмаган одамларнинг Охиратдаги "Ҳасрати" билан танишар эканман, кўпларнинг дилини банд қилган "ютуқ", "зафар" деган тушунчалар хаёлимга келиб қолди. У бечоралар ўзини ҳаётда ютган, зафар қозонган деб ўйларди. Охиратга қадам қўйганда ютқазганини англаб етди...

Ижозатларинг билан "Ҳамдард" мавзусига ўтмасдан олдин "ютуқ фалсафаси" борасида енгил мубоҳаса қилиб кўрсак.

Ҳаётда ким ютгану ким ютқизган?

Футболда голни кўп урган жамоа ютган, голни кам урган жамоа ютқизган ҳисобланади. Волейбол, баскетбол, хоккей каби ўйинларда ҳам қоида шундай.

Шахматда мот қилиш ютуқ, мот бўлиш мағлубият.

Курашда кураги ерга тегмаган полвон ғолиб, йиқилиб, ўрнидан туролмагани мағлуб.

Боксда рақибини бир уриб ерга чалпак қилган боксчи ютади, нокаут бўлгандан кейин ўн секунд орасида оёққа турмаган боксчи ютқизади.

Югуриш, сузиш мусобақасида маррага биринчи етиб келган спортчи чемпион, охири етиб келгани хунибийрон.

Мактаб ва бошқа ўқув муассасаларида имтиҳондан ўтган толиб аълочи, йиқилгани росиб, яъни иккичи.

Сайловда кўп овоз олган ютиб чиқади, кам овоз олган ўйиндан чиқади.

Урушда душманни тор-мор қилган ғолиб, асир тушган мағлуб. Шунга ўхшаш ҳар соҳанинг ютуқ ва ютқизиш борасида ўз ўлчов ва шартлари бор.

Хўш, ҳаётдаги ютуқ нима-ю ютқизиш нима?

Ким ютган ҳисобланади, ким ютқизган?..

Мунозарали масала.

Ҳар бир тоифанинг бу борадаги фикрини келтириб, ўзимни ҳам, сизни ҳам қийнаб ўтирмай, ўзим билган ва ўзим тўғри деб эътиқод қилган ҳақиқатни қисқа айтиб қўя қолмоқчиман. Буни ўта содда мисол билан изоҳлаб бераман, сўзимни оят билан исботлайман. Лекин оятни қабул қилмайдиган мункирга келсак, у Қуръон оятларида ва коинотдаги оятларда, яъни мўъжизотларда оз-моз фикр юритса, сўзимга қўшилади деб ўйлайман. Йўқса, сўзимнинг исботига Охиратда ўзи шохид бўлади. Охират эса унчалик узок эмас. Ҳар куни ҳар хил одам у ерга равона бўляпти. Тегирмон навбати билан ҳаммага етиб келади. Ҳеч ким ўлимдан қочиб қутулмайди.

Охир-оқибатда одамлар кимга ҳавас қилса, ўша киши ҳақиқий бахтли инсондир. Ўша инсон чинакам золибдир.

Ҳамма ҳавас қилган инсон ким?

Ҳамма кимга ҳавас билан боқади?

Бугунги кунда ҳавас меъёри ўзгарган. Ҳавас қилиб бўлмайдиган одамларга ҳавас қилинмоқда. Ушбу ҳақиқатни ҳам назардан қочирмаслигинингизни сўрайман. Ҳамма ҳавас қиладиган одамларни чамалаб, тақрибий рўйхат туздим:

- 1- Қадим замонлардан бери одамзод шоҳларга, шаҳзода-ю маликаларга ва сарой аҳлига ҳавас қилиб келган.
- 2- Шунингдек, ҳавасманднинг боёнларга ҳавас кўзи билан боқиши азалдан давом этиб келаётган анъана. У ўзи ва фарзандининг бой-бадавлат бўлишини орзулаган. Бугунги кунда "олигарх" деб аталган сарватдор ҳавасмандлар кўзлаган катта нишондир.
- 3- Амалдорлар, мансабдорлар; ҳокимлар, губернаторлар.
- 4- Билимдонлар; билимнинг юқори чўққисини забт этган академик, профессор, доктор деган унвонга эга зотлар ҳам ҳавас аҳлининг диққат марказида турган шахслардир.
- 5- Жаҳонгирлар, фотиҳлар, музаффар кумондонлар. Замонамиздаги генерал, полковник, майор деган ҳарбий унвон соҳибларига ҳам ҳавас қилувчилар кам эмас.
- 6- Чемпионлар. Бунга футбол ўйинчиси, боксчи, курашчи, шахмат чемпиони каби спортнинг бирор тури бўйича биринчиликни қўлга киритган спортчилар киради.
- 7- Гўзаллик шайдолар икки кўзини қадаган "гўзаллик конкурси"нинг ғолибини ҳавас қилмайдиган одам кам.
- 8- Замона зайли билан бир вақтлар боболар нафратланган иккиюзламачи, найрангбоз, беномус ҳезларга бугунги кунда набиралар ҳавас қилмоқда.
- 9- Машҳур кишилар, обрўдорлар. Гарчи обрўйли кишининг номи улуғ, супраси қуруқ бўлса ҳам унга ҳавас ва ҳасад қилувчилар топилади.

Хуллас, хомчўтим бўйича адади тўққизтага етган тоифа ичидаги донгдор кишилар кимни ҳавас қилишса, ўша киши ҳақиқий ғолиб, чинакам бахт соҳибидир.

Шуни унутмаслик керакки, "ҳавас" деганда ёшликдаги ўт-кинчи ҳавасни назарда тутилгани йўқ. Бир ёниб ўчадиган ҳавас ҳам бунга кирмайди. Дунёвий ҳойи-ҳавас эмас, ухровий ҳавасни назарда тутиляпти. Тўққизта тоифа дунёнинг ҳамма лаззатини татиб, ҳаётда бекам-кўст яшаб ўтганидан кейин қилган Охиратдаги ҳавас назарга олинган. Донолар наздида эътиборга лойиқ орзу ҳавас энг охирги орзу-ҳавас бўлиб, қолган ҳавасларнинг бари абасдир.

Хўп, оламга доврўғи кетган у тўққиз тоифа киши, агар Аллоҳга бейймон рўбарў бўлса нимани орзу қилиши мумкин? Кимга ҳавас қилади деб ўйлайсиз?

Бу савол жавоби юқорида ўтган бўлса-да яна бир карра эслаш зиён қилмайди.

﴿ رَبِّمَا يَوَدُّ الَّذِينَ كَفَرُوا لَوْ كَانُوا مُسْلِمِينَ ﴾

﴿ *Кофирлар мусулмон бўлишни истаб қоладилар.* ﴾

Бу ушалмас орзу Охират куни жаҳаннамда баралла айтилади. "**Қани эди биз ҳам мусулмон бўлсак эди**"

Жаҳаннамдаги азоб кучайганда, жаҳаннамда жазоланаётган осий мусулмонларга илоҳий афв эълон қилиниб, улар бирин-кетин жаҳаннамдан чиқаётганда ва жаннатга кирётганда кофирлар мўлтиллаган кўзларини уларга қадаб: "Қанийди биз ҳам мусулмон бўлсак" дейди.

Аллоҳ таоло Росули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламга уларнинг энг сўнги истаклари ҳақида хабар бергандан кейин:

﴿ ذَرَّهُمْ يَا كُلُوا وَيَتَمَتَّعُوا وَيُلْهِمِ الْأَمَلُ فَسَوْفَ يَعْمُونَ ﴾

﴿ *Уларни қўяверинг, еб-ичиб ҳузур қилиб юраверсинлар, (пуч) орзулар уларни банд қилаверсин, яқинда (ҳаммасини ўзлари) билиб олулар.* ﴾ Хижр2-3-оятлар.

Машхур кишилар билан ўтказилган суҳбатларда кўпинча "ёшликка қайтиб қолсангиз, қайси йўлни танлаган бўлур эдингиз?" деган маънода савол берилади. Бундай саволга ғолибо "ҳеч тараддудланмай айна шу йўлни танлардим", деган жавоб олинади. Санъаткор яна санъат йўлини танлайди, футболчи яна футболни. Ёшлигидан қора меҳнатда ўсиб, умр бўйи оғир ҳаёт кечирган киши "фалончига ўхшаб ашулачи бўлишни" ёки "фалончидек катта раҳбар бўлишни" орзулайди. Ўғри, қароқчи ҳам ўз "иши"дан нолимайди. Агар ёшлик қайтиб қолса, у яна шу касбни танлашини айтади.

Камдан кам одам "тавба қиламан, иймон йўлини танлайман, номига мусулмон эмас, чинакам мусулмон бўлиб яшайман, дунё билан бирга охиратимни обод қиламан" дейиши мумкин. Охират саҳнасига қадам қўйган паллада фақат ва фақат "мўмин-мусулмон бўлишни" орзу қилади.

Ҳаёти дунёда мўмин яшаб, мўмин ўлиб, Охиратда мўмин ҳолда тирилиш ҳақиқий бахт, чинакам зафардир.

﴿ الْم ۱ ﴾ ذَلِكَ الْكِتَابُ لَا رَيْبَ فِيهِ هُدًى لِّلْمُتَّقِينَ ﴿۲﴾ الَّذِينَ يُؤْمِنُونَ بِالْغَيْبِ وَيُقِيمُونَ الصَّلَاةَ وَمِمَّا

رَزَقْنَاهُمْ يُنْفِقُونَ ﴿۳﴾ وَالَّذِينَ يُؤْمِنُونَ بِمَا أُنزِلَ إِلَيْكَ وَمَا أُنزِلَ مِن قَبْلِكَ وَبِالْآخِرَةِ هُمْ يُوقِنُونَ ﴿۴﴾

أُولَئِكَ عَلَىٰ هُدًى مِّن رَّبِّهِمْ وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ ﴿۵﴾

﴿ Алиф, Лам, Мийм. Ҳақлигида ҳеч шак-шубҳа бўлмаган ушбу Китоб гайбга иймон келтирган, намозни тўла-тўқис адо этган ва Биз ризқ қилиб берган нарсалардан инфоқ-эҳсон қиладиган тақводолар учун – ҳидоятдир!

Улар сизга нозил этилган ва сиздан илгари нозил этилган нарсаларга иймон келтирадилар ва Охират кунига аниқ ишонадилар. Ана улар Раббилари томонидан ҳидоят топган кишилардир, уларгина нажот топувчидир. ﴾

Бақар сураси 1-5-оятлар.

Ҳа, эй азиз мўмин!

Модомики Сен ушбу оятда келган сифатларга эга экансан, бир кун келиб Сени ҳамма ҳавас қилиши муқаррар.

1- Шоҳлар, шахзодалар, маликалар...

2- Мол ҳаққини адо этмаган олигархлар,

3- Золим амалдорлар, ҳоким тўралар,

4- Илми ҳидоятга йўлламаган билимдонлар,

5- Қонхўр жаҳонгирлар,

6- Чемпионлар,

7- Соҳибжамоллар,

8- Санъаткорлар,

9- Обрўдорлар,

Буларнинг бари, агар Охиратга бейймон йўл олишса, у ерда шубҳасиз иймон аҳлига ҳавас қиладилар. Кошкийди, мен "Мўмин" бўлсам деб қоладилар. Яъни Сенга ўхшашни истайдилар.

Гоҳида қозони қайнамай оч қолган мўмин биродарим,

Моли талофат кўрган тожир,

Касалликка гирифтор бўлган бемор,

Тутқинликдаги маҳбус,

Ватанини соғинган муҳожир,

Ғам-андуҳ дилини сад пора қилган маҳзун,

Модомики мўмин экансан, заррача койинма. Қуръон ва ҳадис далолати ва умумбашар шаҳодати билан Сен энг бахтли Инсонсан!

Сен иймон йўлини танлаб ютдинг, иймон асосида яшаб ютдинг, ҳамма қатори дунёни тарк қилиб кетаётган пайтингда кўпчилик олиб кетмаган иймонни ўзингга ҳамроҳ қилиб жуда катта ютуққа эришдинг.

Мўмин бўлиш учун бугун ҳамманинг иконияти бор!

Имкониятдан оқилона фойдаланинг!

Фурсатни қўлдан бой берманг!



ҲАМДАРД

Ҳамдардлик олти хил бўлади, – дейди олимлар.

1- Моддий; молиявий ҳамдардлик.

2- Мансаб, обрў воситасида амалга ошириладиган ҳамдардлик.

3- Жисмоний ҳамдардлик: қўл билан ёрдам бериш, хизмат кўрсатиш, оғирини енгил қилиш.

4- Ўғит-насиҳат, иршод ва тасалли каби сўз билан кўрсатиладиган ҳамдардлик.

5- Дардманд ҳаққига самимий пинҳона ва ошкора дуо ҳамда зойибона истизфор айтиш каби ҳамдардлик.

6- Дардаки дардини ҳис этиб, дардига шериклик билан изҳор этилган ҳамдардлик; ҳамнафаслик, ҳамдамлашмоқ.

Бу навга мисол тариқасида ушбу ҳодисани келтиришади.

Совуқ авж палласига чиққан аёзли кунда Бишр ул-Ҳофийнинг уйига бир неча нафар киши кириб келади. Юпун кийинган Бишр аччиқ совуқда дир-дир титраб ўтирган экан.

– Абу Наср, бу нимаси? – дейди ҳайратланган зиёратчилар.

– Исингани ҳеч нарса тополмаган мискинларни эслаб, уларга ёрдам беролмаганим учун, ҳечқурса совуқда уларга шерик бўлиб ҳамдардлик билдирмоқдаман, – деб жавоб беради.

"Ал-Фавоид" дан.

Жасурни – жангда, донишмандни – заабланганда, дўстни – муҳтожликда сина.

Ўзбек халқ мақоли.

Укам, пессимистмас, оптимист бўлгин,¹

Тушкунликка тушмай умид қил мудом.

Сўрасанг, бераман, деган Раббинг бор,

Саждагоҳга чопгин, анда тут мақом.²

Ж.

¹ **Пессимист** – Руҳий тушкунликка юз тутган, ҳаётга, келажакка умидсизлик билан қарайдиган киши.

Оптимист – Келажакка ва умуман ҳар ишга ишонч билан қаровчи, ҳаётдан завқ олиб яшовчи киши.

² **Масжид** луғавий маъноси Саждагоҳ, намоз ўқийдиган жой демакдир. Росул

луклоҳ *وَجَعَلْتُ لِي الْأَرْضَ مُسَجِدًا وَطَهْرًا فَأَيُّمَا رَجُلٍ مِنْ أُمَّتِي أَدْرَكْتَهُ الصَّلَاةَ فَلْيَصِلْ: ﷺ*

Байтдан мурод, намоз ўқиб, намоз ичида дуо қил, демакдир.

Дардманд киши кимга ва нега ҳасрат қилади?

Дардманд асосан уч хил мақсадда ҳасрат қилади.

1- Ёрдам талабида.

Ҳасратчи кўмак илинжида дилидаги дардини тилига чиқаради. Мисол: Хастанинг ҳақимга ҳасрати. Яъни докторга беморнинг шикояти. Даъвогарнинг қозига шикояти. Ҳожатманднинг ҳожатбарорга ҳасрати. Яъни муҳтожнинг ҳожатни чиқарувчи мурувватли кишига мурожаати.

Масаланинг учинчи мисолга оид "лекини" бор. "Лекин"ни ҳам кечиктирмай ўз ўрнида айтиб ўтган маъқул деб ўйлайман.

Гап шундаки, кейинги пайтда Аллоҳдан эмас, бандадан сўраш каби ёмон иллат кўпайиб бормоқда, балки оддий ҳолга айланмоқда. Алдаб кетиш эса бу – иккинчи бало. Йўқ, униси ҳам, буниси яхши ҳам хислат эмас. Тўғри, мўминлар бири-бирига ёрдам бериши керак, ўзаро ҳамкорлик динимиз буюрган гўзал хислатлардан, лекин мусулмон сал нарсага банданинг эшигини қоқиши дуруст эмас. Мўмин қаноатни ўзининг ажралмас сифатига – табиатига айлантисин. Аллоҳ "сўранг, бераман" деб турган пайтда банданинг остонасида хорланмасин.

*Биз розимиз бўлса агар оддий чакмон, қотган нон,
Бизга меҳнат заҳматидан ўзга миннати ёмон.*

Саъдий Шерозий.

Ўзига тўқ олийжаноб кишиларнинг мўмин биродарларини хўрлатиб қўйишлари, хор-зор аҳволга тушиб, муҳтожликдан бировларга қўл чўзишига йўл қўйишлари иймон хислатига зид амалдир. Бойнинг молида муҳтожнинг ҳаққи бор. Бу ҳақда "Ранг кўр, ҳол сўр"да гаплашамиз.

2- Юракни бўшатиш мақсадида.

Эркагу аёл, хусусан аёл зоти кўнглидаги дардини кимгадир айтиб анча енгиллайди. Бу тоифа аввалгиси каби кўмак талаб қилмайди. Нозим айтганидек:

*Юрагини бўшатди охир,
Дардларини юмшатди охир.*

Бунга яқинидан айрилган кишини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. "Отам ўлди, болам ўлди" деган ҳасратчи "отамни топиб бер, боламни қайтариб бер" деган ўйда эмас, юракни бўшатиб, дардни енгиллатиш учун ҳасрат қилади. Шунингдек, кимдир эридан, (ҳозирги кунга келиб) кимдир хотинидан, кимлар эса катталардан шикоят қилади. Рўзғордаги етишмовчиликдан нолиб, юрагини бўшатиб олиш қадимдан мавжуд.

Лекин ҳар кимга ҳам юракни бўшатмаган маъқул. Ҳар ким билан ҳам дардлашмаслик афзал.

*Кимсани дард аҳли деб сирримга маҳрам айладим,
Ўз-ўзумни куч била расвои олам айладим.*

*Элга расво бўлмоғи бўлдум не суд эмди, агар
Юз туман мисмор¹ ила оғзимни муҳкам айладим.*

*Эй Навоий, дема сирринг кимсага мундоқки, мен
Кимсани дард аҳли деб, сирримга маҳрам айладим.*

Наводир уш-шабоб. 409 ғазал.

"Ўз дўстим деб сир айтма, Дўстингни ҳам дўсти бор" дейдилар. Бу, биринчидан. Иккинчидан, одамлар бировнинг дардини эшитишни эмас, биров уларнинг дардини эшитишини яхши кўрадилар. Пулни сақлайдиган омонотдорни топиш мумкин, лекин сир сақлайдиган омонотдорни топиш мушкул.

3-"Ўрганган кўнгил қўймас" дейилганидек, баъзилар тил ўрганиб қолгани учун шикоят қилиб туради. Бу тоифа ғолибо тилининг қичиғини бостириш учун кимга бўлса ҳасрат қилаверади. У одам ёрдам берадими, йўқми унинг учун фарқи йўқ. Унга фақатгина эшитадиган қулоқ бўлса, бас.

¹ Мисмор – Мих.

Ҳасратни тингловчилар эса ўн хил бўлар экан.

1- Ҳасратни эшитиб, астойдил ёрдам берувчилар.

2- Ҳасратни эшитиб, имкон қадар ёрдам берувчилар.

3- Ҳасратгўйга ичи ачиган ночор дарддошлар.

Учинчи тоифа ҳасратчининг ўзидек заиф бўлиб, яхшилик қилишни хоҳлайди-ю, лекин имкони йўқ. Улар ҳасратчига кўз ёш, оҳ-нола билан шерик бўлишдан нарига ўтмайдилар.

Бу уч тоифа "ҳамдард" деб аталади.

4- Дардсиз бепарволар. Яъни инсон арзини – дил дардини ўта совуққонлик ва бепарволик билан тингловчилар.

Қадимгиларнинг: "Дардсизга дардингни айтма", "Боши оғримаганнинг олдида "бошим" дема" деган ўғитлари бекорга айтилмаган. Улар бу сўз билан: "Дардсизга дард-ҳасратингни айтиб, уни ҳам ўзингни ҳам қийнама. Айтганинг билан барибир фойдаси йўқ. У гапингни тушунмайди, дардингга малҳам бўлолмайди", демоқчилар.

5- Ҳасратни эшитиб суюнадиганлар.

Булар голибо ҳасадчилар бўлиши мумкин ёки ғанимлар. Аслида киши ғанимига дардини айтмайди. Илло рақибнинг рафиқдек гуфтугўсига ишонган киши унга алданиб, ўзи билмаган ҳолда унга юрак бўшатиб қўйиши мумкин.

*Ҳасадчига ҳасрат қилмагин асло,
Заҳарда даво бор, унда йўқ даво.
Ҳасадгўй хеш эмас, ҳамдард бегона
Дардларингга малҳам бўлади гоҳо.*

Ж.

6- Қалби адоватга тўлган бераҳм инсон. Киши молига, ерига кўз олайтирган ёв. Унга ҳасрат қилган кимса зиёндан бошқа натижа олмайди. Бундан икки аср олдин айрим туркистонликлар рус шоҳига бориб, ўз хонларидан шикоят қилишган эди. Бу эса рус шоҳининг Ўрта Осиё томон юришига баҳоналардан бири бўлиб хизмат қилади.

7- Оламга овоза қилувчи жарчилар. Улар орасида пок виждонлиси ҳам бор, бадбинлари ҳам бор. Бу тоифага дилини очган хастадил ғолибо шармандаликка учрайди.

8- Дакки-дашном берувчилар, таъначилар.

Сиз унга дардингизни айтсангиз, у: "Мен сизга нима деган эдим? Сиз мени назарга илмадингиз. Сўзимга қулоқ осмадингиз", деб кўнглингизни кўтариш ўрнига, аксинча, хато, айб ва камчиликларингизни юзингизга солади.

9- Воситачилар.

Бунга кўпроқ матбуотни, оммавий ахборот воситаларини ва Facebook, Twitter каби тармоқларни мисол қилиш мумкин. Илгари одамлар йиғилиб қолган дардларини газетага тўкиб солишарди. Журналист уларга мушошир ёрдам беролмасада, дардини жамоатчиликка етиб боришига кўмаклашади. Юқорида Қодирийнинг "Иштирокюн" газетасига ёзган ҳасратнамо мақоласини ўқигандик. Унда жумладан шундай дейилган эди: *"Юқоридаги бир неча сатр ҳасратни ёзарга "кампирининг дарди гўзада", деган каби Тошқунбой мақоласи сабаб бўлди. Ман-да ўз дардимни ёздим. Йўқса эзмаланиб ўлтурмоққа вақтим ҳам йўқ эди. "Иштирокиюн" бошқармаси бу эзмаликни босарми, йўқми маним ишим эмас. Ҳар ҳолда ҳасратимни ёзиб, юрагимни бўшатиб олганим учун ўзимни енгил каби сезмоқдаман".*

Баъзилар дардини хумга айтгандан ёки ичида сақлаб касалликка чалингандан кўра, маслаҳат олиш ниятида дардини газетага тўкиб солишни афзал кўради. Чунки газетхон орасидан холис маслаҳатгўйлар, ёрдам берувчи олийжаноб инсонлар чиқиб қолиши мумкин. Чора-тадбир излаб шикоятчига астойдил кўмаклошувчилар ҳам топилиб қолади. Ҳали тамомига етмаган "**Кўз – дил дарвозаси**" унвонли рисолада марҳум адиб Мирзакалон Исмоилийнинг бир қиз мактубига жавоби ва амалий ёрдами ҳақида ёзгандим. Ҳозир шунга ўхшаш бошқа бир ҳодисани мисол ўлароқ келтирмоқчиман.

Энди мўйлабим сабз урган палла эди. "Совет Ўзбекистони" газетасида ёки "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" дами, аниги эсимда йўқ, бир илғор ишчи йигитнинг ҳасратга тўла мактубини ўқиб қолдим. Йигитнинг ёзишича, у уйланиш арафасида юрганда завод директори уни ўз хузурига чақиради. Йигит директор кабинетига киради. Директор унга: "Руминияга¹ бепул путёвка бор. Шунинг биттаси сизга берилади", деб уни табриклайди. Йигит яқинда уйланишини рукач қилиб, текин йўланмадан воз кечмоқчи бўлади.

– Ўрнимга бошқа киши бора қолсин. Яқинда менинг тўйим... Ҳамма нарса тайёр, фақат тўй кунини тайин қилиш қолган, холос.

– Сиз заводимиздаги энг илғор ишчилардансиз. Мен бу путёвкани сизга илиндим. Ўзингиз борасиз, гап тамом!

Директор директорлигини қилди. Йигит базўр рози бўлди.

Уйланиш арафасидаги "куёвтўра" истар-истамас сафарга отланди. Унга юзта путёвкадан битта висол оқшоми афзал эди, лекин начора... Уни ёлғиз онаси кузатиб қўйди.

Муштипар онанинг кўнгли ўғлининг кўнглидек ғаш. У бир томондан суюнса, бошқа томондан сиқилади. Тўй ташвиши устига сафар ташвиши уни анча ўйлатиб қўйган. Кечагина ўғлини кузатган она тириқ этса, эшикка қарайди. Гўё кеча кетган ўғли бугун қайтиб келадигандек. Нотинч дилдаги бу ҳолат соғинчми, ёки хавотирми, буни кампирнинг ўзи ҳам билмади. Бу галги "тириқ" унга нохушлик олиб келишидан ҳам у беҳабар.

Эшик тақиллади.

Она чопиб бориб эшикни очди.

Остонада газета ушлаган қўшниси турарди. У кампирни оғир бўлишга чақириб, газетадаги хабарни ўқиб берди. Унда Руминияга учган самолёт осмонда ҳалокатга учрагани ҳақида шум хабар ёзилган эди. Агар қўшни ушлаб қолмаганида, шум

¹ Қайси шаҳарлиги аниқ эсимда йўқ. Ўша пайтда "Иттифоқдош республикалар" деб аталган Оврупадаги давлатлардан бирига экани аниқ.

хабарни эшитган она аниқ ерга куларди. Зум ўтмасдан етти маҳаллага дув-дув гап тарқади. Она қора кийиб, аза очди.

Маййитсиз хонадонда азабозлик бошланди.

Бўлажак куда томон ҳеч бўлмаса уч-тўрт кун кампирга елкадош бўлиб туриш ўрнига куёв берган ҳамма нарсаларни унинг эшиги остига ташлаб, бутунлай алоқани узди қўйди. Онанинг ярасига туз сепилди, азасига аза қўшилди.

Ўша пайтда қизлар кўчада қолмасди. Бирпасда "эри ўлган" қизнинг эгаси чиқиб қолса денг. Қизни кўз тагига олиб юрганлардан бири кимга мудҳиш, кимга суюнчли бу ҳодисани эшитибок, унга совчи жўнатиб, тўйни тезлатиб юборади. Отнинг ўлими итнинг байрами дейилганидек, янги куёвникида тўй-тантана, собиқ куёвникида мотам, аза.

Таъзияга келувчиларнинг қадами узилиб, кампир яна ёлғиз қолди. Кўз ёшлари қуримаган онаизор уйда ёлғиз ўтирган пайтда эшик оҳиста тақиллади. "Таъзиячилардан бири бўлса керак" деган ўйда азадор она эшикни очди. Эшикни очди-ю остонада турган одамни кўриб кўрқиб кетди. Дард анча эзиб қўйган кампир эсанкираб, ҳушсизлана бошлади. Агар остонадаги киши қўлидаги нарсаларни тез ерга ташлаб, чакқонлик билан уни ушлаб қолмаганида, ҳушидан кетган кампир гурсиллаб ерга қулаши аниқ эди.

Бир вақт она ўзига келди ва тепасида ўтирган ўғлини кўриб:

– Болам, ўзингмисан? – деди.

– Ҳа, ойижан, мен ўғлингизман.

– Нега кўзларингда ёш, болам?

– Ўзингиз кўрқитиб юбордингиз-ку.

– Тушимми, ўнгимми? Қани тушим ўнг бўлиб қолса.

– Ойижон, бу ўнг, туш эмас.

– Тирикмисан, ўғлим?

– Ҳа, кўриб турганингиздек тирикман.

– Онагинанг ўргилсин болам, сени қайтариб берган Худога беадад шукур, – деб ўғлини бағрига босди.

Бир-бирини қучоғига олган она-бола шу ҳолда узоқ қолиб кетишди. Она гўё уйғониб қолса, ўғлини қайта кўролмайдигандек, кўзини маҳкам юмиб олган. Онаизор сира "уйғонишни" истамасди. Ҳеч нимадан хабари йўқ ўғил эса "онам анча соғиниб қолибдилар" деб ўйлаб, она қучоғидан чиқишга шошилмади.

Маълум бўлишича, ҳақиқатда, хорижга учган бир самолёт осмонда ҳалокатга учраган. Пассажирлар ҳам, учувчилар ҳам ҳалок бўлган. Лекин бу йигит учган рейсдаги самолёт эмас, бошқа рейсдаги самолёт экан. Қўшни эса газетадаги хабарни аниқламай-нетмай, кампирга нотўғри маълумот етказган. Бир одамнинг хатоси билан шунча кўрғилик бўлиб ўтади.

Йигит ўша куниёқ қизни кизни кизига чопади. Қутидор эшигидан қувилган Отабекдек, у ҳам ичкарига киритилмай, остонадан қувилади. Қизнинг ўзига сим қоқади. Қиз: "мени тинч қўйинг, бахтимга зомин бўлманг, фалон куни менинг тўйим", деб узил-кесил алоқани узиб қўяди. Гангиб қолган йигит аввалига ҳеч нимага тушунмайди. Ҳамма нарсани онасидан эшитгач, баттар изтироб чекади. Ғам-алам худди пўлат қирғичдай унинг қалбини тирнарди. Айрилиқ, хиёнат, онаси бошидан кечирган қора кунлар... буларнинг бари йигит бағрига тиф бўлиб санчиларди.

Нима қиларини билмай боши қотган йигит ўша даврнинг машҳур газетасига дардини тўкиб солади. Муштарийлардан маслаҳат сўрайди. Мен ҳам эринмай муштарийларнинг йигитга йўллаган мактубларини ўқиб бордим. Шу мактублардан бирида:

"Ўғлим, бахтинг бор экан. Агар шу воқеа тўйдан кейин рўй берганида, нима бўларди?!.."

Бевафо ёринг никоҳдан олдин сенга хиёнат қилди. Бир оз кутмади. Хабарнинг тагига етмади. Иккинчи жаҳон уруши тугаганига қирқ йилдан ўтишига қарамай, менга тенгдош кампирлар ҳали ҳам эрларини кутиб ўтиришибди. Улар янги келинчаклик пайтида отинг ўчгур уруш бошланган. Ҳамма

эркаклар қатори уларнинг ёш қаллиглари ҳам урушга сафарбар этилган.

Кимнингдир эри урушдан соғ қайтди, кимнинг эри ногирон бўлиб қайтди. Кимнингдир эри бутунлай қайтмади – ундан қора хат келди. Қора хатда эрининг ўлими ҳақида аниқ ёзилган бўлишига қарамай, у "келинчак"лар ҳанузгача эрларини кутишмоқда. Келган совчиларга "Менинг эрим бор. Эртага эшик қоқиб кириб келсалар нима деган одам бўламан", деб совчиларни қайтарган.

Сенинг қаллигинг эса бир ой сабр қилолмабди... Демак ўртадаги муҳаббат мустаҳкам бўлмаган...

Ундан айрилганингга куюнма, аксинча ундан қутулганингга суюн", деган мазмунда жавоб хати келган эди.

10- Зўравонлар. Яъни ҳасратчини ҳасрати учун жазолайдиганлар. Буни кичик оила миқёсида ҳам, корхона, ташкилот ва мамлакат миқёсида ҳам кузатиш мумкин.

Баъзи хонадонларда хотин, ўғил-қиз ҳасрат қилишдан ман этилган. Турмушдан сал нолиган киши жазога маҳкум.

Бу аянчли ҳодисани давлат ва мамлакат миқёсида ҳам кўриш мумкин.

Сталин даврида одамлар ҳаётдан нолигани кўрқар эдилар. Зеро нолиган кишига ёрдам эмас, жазо берилган, у бечорани тўғри қамокқа олинган, қийноққа солинган. Буни кўриб билиб турган зиёлиларнинг дами ичида бўлган.

Ёзувчи Ҳамид Ғулом ўз устози Ғофир Ғулом таваллудининг 90 йиллиги муносабати билан ёзган мақоласини куйидаги хотиралар билан ниҳоялайди:

"Ёдимда: Таваккал (Қодиров) торини бир неча дақиқа беозоргина созлаб турди-да, Ҳазиний газали билан маишхур "Фарғона тонг отгунча..."ни бошлади, кейин унга Фурқат мухаммаси "Сайдинг қўябер..."ни улади, учинчи қўшиқ Зебунисо газали билан "Ушишоқ" бўлди...

*МЕН ҒОҒУР АКАНИНГ паҳлавонларникидек кенг яғри-
нига икки қўлаб, надомат ила муштлаганини, беихтиёр ҳўн-
раб йиглаб юборганини, том маънода ўкраб дод солганини
ўшанда кўрганман, ҳайратланиб, ўзимни йўқотиб қўйганман...*

*Дунёда ўз ватани ва ўз асрида халқ орасида энг баланд
обрўга, давлат миқёсида олий мартабага эга бўлган, "Ғофур
Ғулом!" деганда эл-юрт ҳурматига оёққа турадиган алло-
манинг дил тубидан наҳотки, шунча фигон, фарёд пинҳоний
кўмилиб ётган бўлса?!*

*Бу нима: давр ҳасратими, замонасозлик азобими, дил
тубидан отилиб чиққан ҳақиқат вулқоними?!*

*Биз бундай азобли саволларга эндигина жавоб бера бош-
ладик".*

Ўз. АС 1993 йил, 23 апрел.

*Нолима бошингни деворга уриб,
Дийдорни соғинган кўзлардан сўра.
Озодликнинг ўзи катта бахт экан,
Озодлик қадрини бизлардан сўра.*

*Хотиржам ичасан уйда чойингни,
Аёлинг тўшайди тунда жойингни,
Бизлардек лойлама умр сойингни,
Озодлик қадрини бизлардан сўра.*

*Қўлингга сув қуйса эркатой қизинг,
Ўғлинг сочиқ тутар артгани юзинг,
Қучоғингда порлар тунда юлдузинг,
Озодлик қадрини бизлардан сўра.*

*Ота-онанг ҳаёт дуосини ол,
Кеч бўлмай аларнинг ризосини ол,
Бизлар асир бўлдик, озод юрақол,
Озодлик қадрини бизлардан сўра.*

Х.Ҳ.

"Талант тарбияси"нинг соҳиби Умарали Норматов ёзади:

"Ғофур Ғулом ҳали қаҳатчиликдан қирғинга учраган минг-минглаб марҳумлар қабрига тортилган тупроқ совумасдан туриб, 1933 йил кузида ёзиб тугатган "Кўкан" достонининг иккинчи қисми бошдан-оёқ "тўқ маданий турмуш"ни таъминлаган колхоз тузуми мадҳига бағишланган. Шоир талқинича, колхозда "озиқ-овқат сен же, мен же", "Колхоз тўйин, унум юксак, аъзолари тўқ. Ортиқ бизда камбағаллик, батраклик йўқ".¹

Реал аҳволни кўра-била туриб бутунлай тескарисини – тўкинлик, фаровонлик ҳақида ёзиш даражасига бориш, фақат истеъдодли шоир учун эмас, бутун бошли адабиёт учун нақадар оғир кўргилик!²

Ғ. Ғуломни қўя турайлик, нега бошқа теран реалист ёзувчилар асарларида ҳам ўша даҳшатли ҳақиқат четлаб ўтилган. Мен кўндан бери ҳайрон бўлиб юрардим. "Мусибатлар ўрими" китобида бу саволга жавоб топгандай бўлдим. Р. Конквистнинг ёзишича, "Сталинизм телбалигининг яна бир мудҳиш томони шунда кўринадики, на матбуот, на ахборот манбаларининг бошқа бирортасида очлик ҳақида ҳатто эслатиш ҳам ман этилган. У ҳақда шунчаки оғиз очган

¹Котибнинг мазкур мақолада ёзишича, кулоқ қилиш, камоқ, сурғунларни ҳисобга олмаганда Украинада фақат 5 миллионга яқин киши очликдан қирилган. "Қозоқлар урушда 350 000 жонни йўқотдилар. "Шиддатли одим" йилларида 4 миллиондан ортиқ одам бой берилди", дейилади мақолада.

² Ўз.АС 1993 йил 8 январ сонидан Наим Каримов ўтмишни қисқа лавҳаларда эслаб ёзган эди:

"Ўттиз еттинчи йилда ишдан ҳайдалиб, босмадан чиқиш олдида "Танқис" деган китоби сочиб юборилган, бирорта асари совет матбуотининг темир деворларини тешиб ўтолмаган Ойбек икки-уч йил оғир иқтисодий аҳволда яшаган".

*"Кунларнинг бирида Ғофур Ғуломнинг келгани шарафига дўстлари чойхонада шўрва тайёрламоқчи бўлибдилар. **Не-не машаққатлар билан гўшт топиб, бир амаллаб шўрвани ҳам пиширибдилар.** Аммо сузишга яқин ўйлаб кўрсалар, шўрвага нон ҳам керак экан. Нонсиз шўрва билан қорин деган жонивор тўймаслигини кўз олдиларига келтириб, нон топиш йўлини ўйлаб кетибдилар"...*

одам советларга қарши ташивиқот қилишида айбланар, қоидага кўра беш йил ва ундан ортиқроқ меҳнат лагерига ҳукм қилинар эди".

Табиийки, ўша давр ҳақида қалам тебратган адиблар буни ҳисобга олмай иложи йўқ эди. Мабодо асарда бу ҳақда гап-сўз бўлса ҳам улар цензура томонидан асло ўтказилмагани аниқ.

Садриддин Айнийнинг тожик ва ўзбек адабиёти ривожига даги катта хизматларини камситмаган ҳолда унинг ижодида маъмурий қўмондонлик системасининг тазйиқи ва таҳдиди остида юз берган муайян бирёқламаликлар, реализмдан, умуминсоний қадриятлардан чекиниш ҳоллари мавжуд эканига эндиликда адабиётшунослар эътибор бера бошлади".¹

Иқтибос тугади.



Гоҳида ҳасрат мақтов сийғасида келади. Мисол, Умар ибн Хаттоб ﷺ хузурларига бир аёл келиб эрининг тунда таҳажжуд ўқиши, кундузи доим рўза тутиши ҳақида сўзлаб беради. Умар "эринг яхши одам экан" дейдилар. Бошқа гап айтмайдилар. Аёл чиқиб кетади. Шунда Каъб ибн Сур² сўз олиб:

– Амирулмўминин, аёл эрини мақтаб эмас, ундан шикоят қилиб келди, – дейди.

– Қандай?

– Туни билан намоз ўқиши, кундузи рўза тутиши, аёл ҳаққини (тушак ҳаққини) адо қилмаётганини англатади.

– Тўғри айтасан. Эр-хотинни ҳузуримга олиб келинглар. Ўзинг аёлни тушунганинг каби энди ўзинг ажрим қил.

Эр-хотин амирулмўминин ҳузурига келади.

¹ Умарали Норматов. "Ҳаёт сабоқлари". Шарқ юлдузи. 1990 йил, апрел сони.

² Каъб ибн Сур Набий ﷺ даврларида иймон келтирган, лекин унга Набийни ﷺ кўриш насиб қилмайди. Умар ﷺ Каъбни мазкур воқеадан сўнг Басрага қози этиб тайинлайдилар. Ҳижрий 36 йил, мелодий 656 йили вафот этадилар.

– Аёлинг сендан шикоят қилиб келди, – дейди Каъб.

– Рўзғордан нолидими, ош-нони каммикан? – деди эр.

– Рўзғордан эмас, аёллик ҳаққидан нолиди. Сенинг зиммангда аёлингни ҳаққи бор ва сенга тўртага уйланиш ҳалол. Шунга биноан, бир кун ўз аёлинг ҳаққини адо эт, уч кун бошқа ишингни қил, – деди Каъб.

Умар ибн Хаттоб رضي الله عنه Каъб тутумини олқишлаб:

– Аёлнинг яширин шикоятини англаганинга фаросатинга қойил қолган эдим, энди ажриминг аввалгисидан ўтиб тушди, – дедилар.

Демак, хастадил ҳасратчига нисбатан атрофдаги одамлар ўн хил муносабатда бўлар экан. Уларни қисман билиб ўтдик. Баъзи жойларда дардманд кўп, лекин дардга қулоқ тутувчи инсон топилмайди. Ҳасратчига дил эшигини очувчи меҳрибон йўқ. Улар учун ҳамма эшиклар берк. Бечоралар "эрини мактаган хотин"дек, тангликни кенглик деб юриптилар.

Хўш, ҳамдард ким? Ҳамдардлик нима? У қандай амалга ошади? Қуйида шу саволларга жавоб излаймиз.

Ҳамдард – 1-Кимсанинг ғам-қайғусини бирга кечирувчи, дардининг тарқалишига кўмаклашувчи.

2-Кимсанинг жисмоний дардини, оғриғини енгиллаштириш учун унга ёрдам берувчи, кўмакчи, деб изоҳ берилади Ўзбек тилининг изоҳли луғатида. Луғатшуносларнинг диққат билан "дардининг тарқалишида кўмаклашувчи, кимсанинг жисмоний дардини, оғриғини енгиллаштириш учун унга ёрдам берувчи, кўмакчи" деган таърифларига эътибор беринг. Бу таъриф ҳамдард калимасининг моҳиятини ва истилоҳий маъносини англашда кўмаклашади.

Ҳамдардлик – Кимсанинг ғам-қайғуси, дардига шериклик, биргалик ҳис-туйғуси, шундай ҳис-туйғули ҳолат.

Бу ўзбек қомусидаги таъриф.

Ҳамдардлик арабчада المواساة дейилади. Калиманинг асли ва луғавий маъносида луғатшунос Ибн Форис шундай дейди:

"Ҳамза" (ا), "син" (س) ва "вов" (و) калиманинг асл ҳарфлари бўлиб, "даволаш", "ислоҳ қилиш, тузатиш" деган маъноларни ифодалайди. Шунинг учун касални муолажа қилган табиб: *أسوت الجرح – "Жароҳатни даволадим"*, дейди.

Истилоҳий маъноси ўзбек тилида изоҳланган маънога яқин. Ибн Мискавайҳ *تهذيب الأخلاق* китобида: *"Ҳамдардлик – Дўстлар ва ҳақдорларга ёрдам бериш ҳамда мол ва озиқ-овқатда муштаракликдир"* дейилган.

Ибн Ҳажар "Фатҳ"да: *"Ҳамдардлик – Мол эгаси ўз молида ўзининг қўли билан бирга биродарининг қўлини тенг қўймоғидир"*, деб таърифлаган.

Ҳамдардлик қилган киши "ҳамдард" деб аталади. Ҳамдардни ҳар қанча таъриф-тавсиф қилса кам.

Ҳамдард – дунёнинг кўрки. У ҳаёт суви сингари руҳи синиқ ғамгинларга "жон" бағишловчи Масиҳваш инсондир.

Ҳамдард – Қуёш нури ёритолмаган маҳзун дилни ёритувчи нурафшон чироқ.

Ҳамдард – Табиб тузата олмаган, дори қор қилмаган хаста дилларга шифобахш малҳам.

Ҳамдард – Ўксик кўнгилларга таскин берувчи юпанчиқ.

Ҳамдард – Кимгадир тоғдек таянч, кимгадир осмондек соябон. Унинг вужуди эл-юрт ободлигининг гаровидир.

*Бўлмас обод эл, адолатли нигоҳбон бўлмаса,
Бир-бирига меҳру шафқатли қадрдон бўлмаса.*

Ҳабибий.

*Дедим: дил ҳам, эл ҳам ҳеч обод бўлмас,
Юрtdа холис ҳамдард инсон бўлмаса.
Яхшилар амали ҳеч барбод бўлмас,
Тепада турган бош ёмон бўлмаса.*

Ж.

Ҳамдарднинг биз эслаган ва эсламаган барча фазилатларидан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, ҳамдард ҳаёти дунёга хос Неъматдир... Ҳамдардсиз ҳаёт сувсиз денгизга ўхшайди. Қуриган денгиз ўз сифатини йўқотиб, ҳамма ёқни шўр босади. Пешонаси шўрларнинг шўрига шўрва тўкилади...

Ҳамдардлик олти хил бўлади.

1- Моддий; молиявий ҳамдардлик.

2- Мансаб, обрў воситасида амалга ошириладиган ҳамдардлик.

3- Жисмоний ҳамдардлик: қўл билан ёрдам бериш, хизмат кўрсатиш, оғирини енгил қилиш.

4- Ўғит-насихат, иршод ва тасалли каби сўз билан кўрсатиладиган ҳамдардлик.

5- Дардманд ҳаққига самимий пинҳона ва ошкора дуо ҳамда ғойибона истиффор айтиш каби ҳамдардлик.

6- Дардкаш дардини ҳис этиб, дардига шериклик билан изҳор этилган ҳамдардлик; ҳамнафаслик, ҳамдамлашмоқ.

Бу навга мисол қилиб қуйидаги ҳодисани келтиришади.

Совуқ авж палласига чиққан аёзли кунда Бишир ул-Ҳофийнинг уйига бир неча нафар киши кириб келади. Юпун кийинган Бишир аччиқ совуқда дир-дир титраб ўтирган экан.

– *Абу Наср, бу нимаси? – дейди улар ҳайратланиб.*

– *Исингани ҳеч нарса тополмаган мискинларни эслаб, уларга ёрдам беролмаганим учун, ҳечқурса совуқда уларга шерик бўлиб ҳамдардлик билдирмоқдаман, – дейди.*

Ушбу тақсимдан маълум бўладики, ҳамдардлик куруқ сўзнинг ўзи билан амалга ошмас экан. Одамларнинг ҳожати ва дарди бир хил эмас. Кимдир пулга муҳтож, кимдир ишга муҳтож, яъни иш тополмай қийналиб юрибди. Ким эса зулмни ундан даф этувчи кишига муҳтож. Унга пул, иш керак эмас, унинг пули етарли, иши жойида, лекин қандайдир зўравон унга зулм қилган. У шу золимдан ҳадиксираб яшайди. Бошқалар эса бир оғиз ширин сўзга муҳтож. Унга ҳам пул ёки иш

керак эмас. Ҳеч ким унга зулм қилмайди, лекин у яқинидан айрилган, дилбандидан жудо бўлган. Бу одам дардни аритувчи сеҳрли сўзга муҳтож...

Ҳожат ва дардлар ҳар хил бўлгани каби ҳамдардлик ҳам ҳар хил бўлади. Пулга муҳтож кишига дардни аритувчи сеҳрли сўзларни айтиш бефойда, сўз билан унинг дарди аримайди. Унга ширин сўз билан бирга моддий ва молиявий ҳамдардлик билдириш даркор. Кўмири йўқ кишига "сабр қилинг" деб ҳамдардлик билдириш ўрнига кўмир олиб бериш Худо суйган ишдир. Қишга қалин кийими, иссиқ пойафзали бўлмаган етимга "дунёда етим бир сен эмассан, тинчлан жигарим" деб панд-насихат қилгандан кўра унга кийим олишга кўмаклашиш чинакам ҳамдардликдир.

Иш қидириб юрган кишига ёки шафоатчига муҳтож кишига мансаб, обрў воситасида ҳамдардлик билдирилади.

Оғир юк кўтариб келаётган кишига ёки уй томини қишгача ёпиб олай деб шошилаётган кишига "ҳорманг", "оғир бўлинг", деган сўздан кўра жисмоний ҳамдардлик: қўл билан ёрдам бериш, хизмат кўрсатиш билан ҳамдардлик қилинади.

Касалхонада бемор ҳаққига дуо қилиб, умидбахш сўзлар билан унинг руҳини кўтаради. Дорига муҳтож беморга дори билан кўмаклашади. Мана бу ҳақиқий ҳамдардликдир.

Ҳаётга янги қадам қўяётган ёшларга, янги иш бошлаган шогирдларга ва шунга ўхшаш насихатга, йўлланмага муҳтож кишиларга ўғит-насихат, иршод ва тасалли каби сўзлар орқали ҳамдардлик кўрсатилади.

Ҳамдардликнинг яна бир олий тури – дуо билан яхшилик қилиш. Касалга шифо сўраш, фақирга бойлик, барака тилаш, мазлумга нажот сўраш, мусофирга оқ йўл тилаш ва шу каби дилдан чиққан самимий дуо шишадек тиник, холис самимий ҳамдардликдир.

Кўлидан ҳеч нима келмайдиган киши Бишр ал-Ҳофий каби дардмандлар дардига шерик бўлиб ҳамдардлик билдиради.

Ранг кўр, ҳол сўр

Ҳамдардлик кўрсатиш учун муҳтож ёки ҳожатманд киши сизнинг ёнингизга келиб ҳасрат қилиши шарт эмас. Донишлар: "Ранг кўр, ҳол сўр" дейди. Яъни ранги рўйига боқиб, ўзинг ундан аҳвол сўра. Ташқи қиёфанинг ўзи унинг ҳолидан дарак бериб турибди, сен уни ялиниб шикоят қилишга мажбурлаб қўйма, рангини кўриб, ҳолини ўзинг сўра, дейилмоқда. Бу олийжаноб хулқнинг тўлиқ татбиқи Росулulloҳнинг ﷺ нурафшон ҳаётларида ўз аксини топган.

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ قَالَ بَيْنَمَا نَحْنُ فِي سَفَرٍ مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذْ جَاءَ رَجُلٌ عَلَى رَاحِلَةٍ لَهُ قَالَ فَجَعَلَ يَصْرِفُ بَصَرَهُ يَمِينًا وَشِمَالًا فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ «مَنْ كَانَ مَعَهُ فَضْلٌ ظَهَرَ فَلْيُعِدْ بِهِ عَلَى مَنْ لَا ظَهَرَ لَهُ وَمَنْ كَانَ لَهُ فَضْلٌ مِنْ زَادٍ فَلْيُعِدْ بِهِ عَلَى مَنْ لَا زَادَ لَهُ». قَالَ: فَذَكَرَ مِنْ أَصْنَافِ الْمَالِ مَا ذَكَرَ حَتَّى رَأَيْنَا أَنَّهُ لَا حَقَّ لِأَحَدٍ مِنَّا فِي فَضْلٍ

Абу Саид ал-Худрий розияллоху анху ривоят қилади:

"Биз Росулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам билан бирга сафарда эдик. Шу пайт бир киши ўзининг туясида келиб, ўнгу сўлга назар ташлай бошлади. Шунда Росулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам: "Кимда ортиқча туя бўлса, туяси йўққа берсин. Кимда ортиқча озуқа бўлса, озуқаси йўққа берсин", деб яна мол-мулкнинг ҳар хил турини эслаб, (ортиқчасини садақа қилишга буюрдилар-ки) ҳатто биз ортиқча молда бирортамизнинг ҳаққимиз йўқ экан деган ўйга бориб қолдик".

Ҳадис шарҳида келишича, ўзининг туясида келиб, ўнгу сўлга назар ташлаган кишининг туяси сафарга ярамайдиган жуда ориқ туя бўлган. Киши ёрдам сўрагани уялиб, бирорта ортиқча туя бормикин деб теваракка кўз югуртиради. Кишининг муҳтожлигини Росулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам унинг юзидан ўқийдилар, ранг-рўйдан пайқайдилар, ва шу заҳоти саҳобаларни ажойиб услуб билан ҳамдардликка — ўзаро ёрдамга ундайдилар.

عَنْ سَلْمَةَ بْنِ الْأَكْوَعِ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَالَ: «مَنْ ضَحَى مِنْكُمْ فَلَا يُصْبِحَنَّ فِي بَيْتِهِ بَعْدَ ثَلَاثَةِ شَيْئًا». فَلَمَّا كَانَ فِي الْعَامِ الْمُقْبِلِ قَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ نَفَعْنَا كَمَا فَعَلْنَا عَامَ أَوَّلِ فَقَالَ: «لَا إِنَّ ذَاكَ عَامٌ كَانَ النَّاسُ فِيهِ بِجَهْدٍ فَأَرَدْتُ أَنْ يَنْشُرُوا فِيهِمْ».

Салама ибн Акваъ розияллоху анху ривоят қилади, Росулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

– *Ким қурбонлик қилса, уч кундан кейин қурбонликдан бирон-бир нарса уйида қолмасин, – дедилар.*

Келгуси йили саҳобалар:

– *Ё Росулаллоҳ, бу йил ҳам ўтган йилга ўхшаб иш тутайликми? – деб сўрашди.*

– *Йўқ. Ўтган йили одамлар қийин аҳволда эдилар. Шунга гўшт улар орасида тарқашини истагандим, – дедилар.*

Ҳар иккала ҳадисни имом Муслим ривоят қилган.

Ҳозик инсон, хусусан раҳбар киши ижтимоий-иқтисодий воқеа-ҳодисаларни диққат билан кузатиб бормоғи даркор. Бу билан жамиятда пишиб етилган муаммоларни тез фаҳмлаб ўрнида ҳал қилиши осонлашади. Ўзингиз гувоҳи бўлган тарихий икки ҳодисада Росулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам фожеага айланиши мумкин бўлган муаммони ҳақимона ҳал қилдилар. Киши руҳиятининг нозик томонларини ҳис этган жанобимиз ﷺ ўнг-сўлга боқиб ёрдам кутган ночорнинг оғир аҳволини унинг юзидан англадилар. Ҳали у ўз ҳожатини тилига чиқармасдан туриб, ҳозик зот ﷺ ҳеч кимнинг номини зикр қилмай, ҳеч кимни хижолатга қўймай, фақат сафар учун туяга муҳтож бир киши орқали қолган муҳтожларнинг ҳам бошқа муаммоларини ҳал қилдилар.

"Кимда ортиқча туя бўлса, туяси йўққа берсин. Кимда ортиқча озуқа бўлса, озуқаси йўққа берсин", деб яна мол-мулкнинг ҳар хил турини эслаб, ортиқчасини садақа қилишига буюрдилар".

Сўз ва ҳодисаларнинг моҳиятини тез англаб олиш қобилияти ўта кучли саҳобалар шу ерда ҳам зийраклик қилиб улуғ

раҳнамо ﷺ мақсадларини дарҳол фаҳмладилар ва тез суръатда ҳаётга татбиқ қилишга ўтдилар.

Иккинчи ҳадисда бир шахсни эмас, бутун бошли жамиятни оғир аҳволдан қутқаришнинг амалий суратини кўрамиз.

Раиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини ва жамиятда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни диққат билан кузатиб борган пайғамбар алайҳис саллом кўпчиликнинг қозонига гўшт тушмаётганини билиб, ўзаро ҳамдардлик орқали бу муаммони ҳал қилишга ўтдилар ва Қурбон ҳайитида: *"Ким қурбонлик қилса, уч кундан кейин қурбонликдан бирон-бир нарса уйида қолмасин"* деб фармон бердилар.

Келгуси йили бу фармон ўз кучида қолдими, йўқми, бунни билиш учун саҳобалар янги қурбон ҳайитида онҳазратга ﷺ савол билан мурожаат қилишди:

– *Ё Росулаллоҳ, бу йил ҳам ўтган йилга ўхшаб иш тутайликми?*

– *Йўқ. Ўтган йили одамлар қийин аҳволда эдилар. Шунга гўшт улар орасида тарқашини истаган эдим, – дедилар.*

"Агар Муҳаммад ҳозир орамизда бўлганида, асримиз (XX-XXI аср) муаммоларини бир пиёла чой ичиб бўлгунча чиройли ҳал қилиб берарди" деган ақлли шарқшунос батамом ҳақ сўзни айтган эди.

Сизга ҳамдардлик кўрсатган – ғам-қайғунгизни сиз билан бирга кечирган, дардингизни тарқалишига кўмаклашган, оғирингизни енгил қилган, моддий ва маънавий ёрдам берган инсоннинг яхшилигини унутмаслик етук ахлоқлардандир.

Абу Дардо розияллоҳу анҳу ҳикоя қилади: Мен Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам ҳузурларида ўтирган эдим. Шу пайт кийимининг этагини кўтариб Абу Бакр кириб келди. У кийимини шунчалик юқори кўтарган эдики, ҳатто тиззаси ҳам кўриниб қола ёзганди.¹

¹ Ҳозирги кунда ҳам араблар узун кўйлак кияди. Қадамини тезламоқчи ё югурмоқчи бўлса, гоҳ кўли билан этагини кўтариб, гоҳ этагини бар уриб олади.

Абу Бакрни бу ҳолда кўрган Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

– Биродарингиз жанжаллашган (кўринур)", – дедилар. Абу Бакр салом бериб:

– Мен билан Хаттоб ўгли орасида бир нарса ўтди. Мен шошма-шошарлик қилиб қўйдим, сўнг қилмишимга пушаймон бўлиб, ундан кечирим сўрасам, у кечиршидан бош тортди, – деди.

– Абу Бакр, сизни Аллоҳ кечирсин, – дедилар Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уч марта.

Умар ҳам қилмишига пушаймон бўлиб Абу Бакр манзилига келади. "Абу Бакр уйдадилар?" деб сўраган эди, "йўқ" деб жавоб берилди. Сўнг тўғри Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурига йўл олди. Салом бериб даврага қўшилди. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг юзлари газабдан ўзгариб кетганди. Абу Бакрнинг (Умарга) раҳми келганидан тиз чўкиб:

– Ё Росулаллоҳ, мен айбдорман, (мендан ўтди), – деди икки бор такрорлаб.

– Аллоҳ мени сизларга пайгамбар этиб юборди. Сизлар "ёлгон" дедингиз – ишонмадингиз. Абу Бакр эса мени пайгамбар эканимни тасдиқлади, жони ва моли билан ҳамдард бўлди. Сизлар Абу Бакрни тинч қўясизми йўқми?! (Тобакай унга озор берасиз?!) – дедилар бот-бот такрорлаб.

Шундан кейин Абу Бакрга ҳеч озор берилмади.

Бухорий Саҳиҳи.

Ошиа розияллоҳу анҳо ривоят қилади: Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Хадижани эсласалар уни мақтаб, мадҳини жойига қўяр эдилар. Бир кун ҳамма хотинлар каби рашик келиб, "Тиши тушиб қизил милки қолган (кампирни) намунча мақтамасангиз. Аллоҳ унинг ўрнига ундан яхширогини алмаштириб берди-ку" деворибман. Шунда Росулаллоҳнинг юзлари шундай ўзгариб кетдики, мен бундай ўзгаришни ҳеч қачон кўрмагандим, илло ваҳий нозил бўлган пайтда шундай ҳолга

тушар эдилар. "Аллоҳ менга ундан яхшисини алмаштириб бергани йўқ – Одамлар менга кофир бўлган пайтда у биринчи бўлиб менга иймон келтирди. Одамлар мени ёлгонга чиқарганда у мени тасдиқлади. Одамлар мени ҳамма нарсадан маҳрум қилган оғир вақтда у моли билан менга ҳамдард бўлди. Аллоҳ азза ва жалла менга ундан фарзандлар берди, бошқа хотинларимдан эса фарзандни маҳрум этди", дедилар.

Имом Аҳмад Муснади.

Анас розияллоҳу анҳу ривоят қилади:

Набий Соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага келган пайтларида Муҳожирлар ёнларига келиб:

– Ё Росулаллоҳ, Ансорлардан кўра молини аямай берувчи, фақир бўлишига қарамай ҳамдардликни қойиллатувчи қавми кўрмадик. Бизга меҳнат машаққатидан ўзлари кифоя қилишди,¹ меваларига эса бизни шерик қилишди. Ҳатто биз ансорлар савобнинг ҳаммасини олиб қўяр эканда деб ўйлаб қолдик, – дедилар.

– Йўқ, ундай эмас. Модомики сизлар улар ҳаққига дуо қилиб, уларни олқишлар экансиз улар билан ажрда баробарсиз, – дедилар.

Термизий Сунани.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилади:

Абул Қосим соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Агар Ансорлар бир водийдан ё бир дарадан юрса, мен ҳам улар юрган водий ё дарадан юрган бўлур эдим. Агар ҳижрат бўлмаганида, мен Ансорлардан бир киши бўлур эдим", дедилар.

Абу Ҳурайра: "Ота-онам фидо бўлсин, Ансорлар бошпана ва ёрдам бергани (ва ўйлайманки, ҳамдарлик қилгани учун) Росулаллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни ҳеч ранжитмадилар", деди.

Имом Аҳмад Муснади.

¹ Яъни бизни боғларида ишлатишмади.

Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу хутба асносида дедилар:

"Биз Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам билан сафарда-ю ҳазарда бирга бўлдик. У зот беморларни йўқлардилар, жанозаларда иштирок этар, биз билан бирга жанг қилар ва бизга озми-кўпми ёрдам бериб ҳамдардлик қилар эдилар.

Имом Аҳмад Муснади.

Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу ҳикоя қилади:

"Уйимда ўтирган эдим. Уйимиз олдидан Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам ўтиб қолдилар. Менга "юр" деб ишора қилдилар. Дарров ўрнимдан турдим. Қўлимдан ушлаб мени ўзлари билан бирга олиб кетдилар. Қайсидир хотинларининг уйига келдик. Ўзлари ичкарига кирдилар. Сўнг менга ҳам ичкарига киришга рухсат берилди.

– Тушликка бирор нарса борми? – дедилар.

– Бор, – деган жавоб келди ичкаридан. Сўнг учта кулча олиб келиб дастурхонга қўйилди. Расулulloҳ бир кулчани менин олдимга қўйдилар, бирини ўзларининг олдиларига қўйиб, учинчисини иккига бўлиб, бир бўлагини менин олдимга, иккинчи бўлагини ўзларининг ёнларига қўйдилар.

(Дастурхонда шу учта кулчадан бошқа ҳеч нима йўқ эди).

– Нон ботириб егани бирор нарса борми? – дедилар ичкарига қарата.

– Йўқ, фақат озгина сирка бор, холос.

– Сиркани буёққа олиб келинлар. Сирка – нақадар яхши идом-а,¹ – дедилар.

Муслим ривояти.

Ушбу ҳодисани асл манбадан олиб, ўзбек тилига ўғирар эканман ўзимни тутолмадим. Кўзимдан шашқатор ёш оқиб, юрагим эзилиб кетди. Пайғамбаримизнинг ﷺ меҳрибонлиги, мустаҳам иродаси, қаноати кўз ўнгимда қайта гавдаланиб,

¹ Нон ботириб ейиладиган ҳамма таомни араблар идом дейди.

булутни тебратган шамол сингари дилдаги булутни ҳар ёнга тўлқинлатиб тебратиб юборди. Онҳазратнинг ﷺ ирода ва қаноатини нимага ўхшатишга ҳайрон бўлиб қолдим.

Набийнинг иродаси салобатли тоғларга ўхшайди, десам, бугунги кунда техника кучи билан тоғни талқон қилинмоқда. "Темир ирода" деб темирга қиёсласам, темирни бир кун занг босади. Аммо Набийнинг ﷺ беқиёс мустаҳкам иродаси ҳеч қачон синмаган, эгилмаган, темирдек зангламаган...

Ерда Аллоҳнинг буюк вазифасини бажариб юрган Росул ҳамма қатори башар – очқайди, чанқайди... Очқаган, чанқаган куни йўқчиликдан нолимади, шак келтирмади, вазифасида сусаймади... Энг оғир аҳволда ҳам ўзгалар ғами билан яшади. Тавҳидда, ибодатда ўрناق бўлгани каби ҳамдардликда ҳам ўрناق бўлди... соллаллоҳу алайҳи васаллам.

Кўча-кўйда пиёда юрган раҳбарни биласизми? Маҳалларда яёв кезган подишоҳ ё қиролни эшитганмисиз?

Жобир сўзларига кулоқ тутинг.

"Уйимиз олдидан Росулulloҳ ﷺ ўтиб қолдилар. Менга "юр" деб ишора қилдилар. Дарров ўрнимдан турдим. Қўлимдан ушлаб мени ўзлари билан бирга олиб кетдилар".

Оддий фуқарони кўлидан тутиб ўз уйига олиб кирган раҳнамо ҳақида ўқиганингиз, эшитганингиз борми?

Дастурхони юпун шоҳ ҳақида нима биласиз? Нони бўлган куни идоми бўлмаган, идоми бўлган куни нони бўлмаган қиролларни биласизми?

Жаноби Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дастурхонлари шундай эди – нон бўлган куни идом йўқ, идом бор куни нон йўқ...

Маълумингизким, юзта подишоҳ битта пайғамбарга тенг бўлмайди. Пайғамбар Аллоҳ томонидан муайяддир – қувватланган, мадад берилган. Шунга қарамай улар ҳаммадан айри ҳолда яшашмаган, ҳаммадан кўра яхшироқ ҳаёт кечиришмаган. Бунинг сабаби юқорида айтилгани учун қайта такрорлашга ҳожат сезмадим. (36-37-бетларга қаранг).

Иброҳим ибн Адҳам дейди:

"Ҳамдардлик – мўминларнинг ахлоқидандир".

Абул Аъраж дейди:

"Зайд ибн Асламнинг¹ мажлисида қирқта фақиҳ ўтирар эди. Улардаги энг кичик хислат ўзаро ҳамдардлик бўлиб, қўлларидagi нарсани бир-бирларидан аямас эдилар".

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу хабар беради:

"Биз Жаъфарни "мискинлар отаси" деб номлардик. Унинг уйига борар эдик. Бизга бергани ҳеч нарса тополмаса, асал идишини олиб чиқарди. Ҳаммамиз биргаликда юқини ялар эдик".

Абдулоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Умар ва Анас ибн Молик каби саҳобалардан ҳадис ривоят қилган улуғ тобеин, Заҳабий таърифлагандек, пешво, қудва – ўрнак манбаси, нотик ва сўзи ҳужжат бўлмиш Бакр ибн Абдуллоҳ: "Бойлардек яшаб, камбағалладек ўлишни умид этаман" дер эди.

Ушбу сўзга Заҳабий изоҳ бериб дейди: "Дарҳақиқат, раҳматли Бакр ибн Абдуллоҳ шундай одам эди. Оддий кийиниб фақирлар ёнига борарди. Улар ҳолидан хабар олиб, улар билан суҳбатлашиб ўтирар эди".

Муҳаммад ибн Али ибн Ҳасан дейди:

"Абу Ҳамза Суккарийнинг қўшниси ҳовлисини сотувга қўяди. "Нархи қанча?" деб ҳовлининг нархини сўрашганда, "ҳовлининг таннархи икки минг, Абу Ҳамзадек ажойиб инсонга қўшни бўлганиз учун яна икки минг қўшиб берасиз", дейди.

Бу савдо Абу Ҳамзага етиб боради ва ҳовлисини сотмоқчи бўлган қўшнисига қирқ минг бериб, "ҳовлини сотмай қўяверинг, (қўшни бўлиб бирга яшайверайлик)", дейди".

¹ Зайд ибн Аслам Мадина уламоларидан, фақиҳ ва муфассир. Ҳижрий 136, мелодий 753 йили вафот этган.

Кенгга кенг дунё, торга тор дунё

Аё дилтанг, газабнок биродарим.

Ҳаёт қийинчиликларидан бири сени нишонга олган пайтда, моддий оғир аҳволга тушиб қолганингда, роса ахтариб, эрта-кеч тинмай қидириб, атиги бир дона ҳамдард тополмасанг, дардингни енгиллатадиган, сенга моддий ва маънавий ёрдам берадиган, қийин аҳволдан қутқарадиган битта кўмакчи тополмасанг, биламан, бу дунёдан ва одамлардан кўнглинг совийди. Кенг дунё кўзингга тор кўринади. Одамзодга нисбатан нафратинг кучаяди. "Одам" деб аталмиш мавжудотдан умуман кўнглинг совийди. Сенга ёрдам бермаган инсонлардан ва умуман инсониятдан қасос олиши туйғуси қалбингда куртаклайди. "Агар омадинг келиб катта лавозимга ўтирсанг, бу бахил одамларни тавбасига таянтир, ҳаммасидан ўчингни ол, қир, қама, тала, ўлдир, кунпаякун қил!!!" деган шайтоний ўйлар миянг атрофида ўралашиб қолади. Машаққат ортган сари бу ёвузона фикр юракка ўрнашади. Юракка ўрнашгандан кейин тамом, у фикр қон орқали томирларга тарқаб, бутун танангни эгаллайди. Бас, шунда сен одамийлик хусусиятини йўқотасан. Ҳатто қиёфанг ўзгаради. Йиртқич, ваҳший бир махлуққа айланасан. Дунё гўзаллигидан баҳра ололмайсан, аксинча, қон тўкиб, юлиб, талаб, вайрон этиб лаззатланасан. Ҳамманинг қийналганини кўриб роҳатланасан, эзилганини томоша қилиб ҳузурланасан...

Юраги тор тажангим, замгиним, маъюсим!

Ўзим дардингни олай, тасаддуқ бўлай, ўргилай, айланай. Агар ҳолинг сўраб бир ҳамдард келмаса, ёрдам берувчи мард йўқламаса, дарди-ҳол айтгали дардкаш топилмасанг, сен ёмон фикрларга борма. Асабингни жиловла. Дунёда хайрихоҳ кўп, билмадим, нега улар йўлингда кўринмади. Ростини айтсам, Сенга эшигини очмаган бадкирдордан кўл силта, дардингни инсонга айтма, газетага ёзма, одамлар орасида овоза қилма.

Ҳаммадан воз кечиб, ёлғиз Ҳаққа чоғиб бор, Раббингга юзлан. Онт ичиб айтаман, яна "онт ич", десанг, яна онт ичаман, Меҳрибон Аллоҳдан сўра, Аллоҳнинг Ўзи мурудингни беради – мол десанг, мол, соғлиқ десанг, соғлиқ, фарзанд десанг, фарзанд... Унинг карами кенг, саховатининг чеки йўқ. Фақат сўрашни бил – муножот, роз айтишни ўрган. Қачон, қандай сўрашни билиб ол. Дуо одоблари, аҳкоми ва дуо мастажоб бўладиган вақтларни бил. Ҳазрати Умар: "Дуонинг ижобат бўлишида шубҳам йўқ, фақат дуо қилишни билиш керак" деган эдилар. Энг аввало луқмангни покла. Пайғамбар ﷺ оғзидан чиққан дуони ёдла, буни "маъсур" дуо дейилади. Бу дуоларни Аллоҳнинг Ўзи Росулulloҳга ﷺ ўргатган. Бу дуолар аввал мустажоб бўлган, яна мустажоб бўлмай, инша Аллоҳ.

Бир мўйсафиднинг ёнига иши юришмаган ёш йигит келиб дардини айтибди. Қария: "Иккиларни иккида ишга сол" деб маслаҳат берибди. Иккиларни иккида ишга солган йигитнинг сал кунда иши юришиб, ғами арибди.

У "иккилар" нима дерсиз?

Иккидан мурад – икки кўл, икки оёқ, икки кўз, икки лаб... "Иккида ишга сол", яъни тунги соат икки. Унинг мақсади, соат тунги иккида кўрпангга жафо қилиб ўрнингдан тур. Икки оёғингни ерга қадаб, икки ракаатдан намоз ўқи. Икки кўзингдан тинмай ёшлар тўк. Икки қўлингни очиб, икки лабингни пичирлатиб, тил ва дил иккисини ишга солиб астойдил дуо – илтижо қил, демакдир. Зеро туннинг бу соатидан бошлаб, то тонг отгунга қадар дуо мустажоб бўладиган муборақ вақтдир.

﴿وَإِذَا سَأَلَكَ عِبَادِي عَنِّي فَإِنِّي قَرِيبٌ أُجِيبُ دَعْوَةَ الدَّاعِ إِذَا دَعَانِ فَلْيَسْتَجِيبُوا لِي وَلْيُؤْمِنُوا بِي لَعَلَّهُمْ

يُرْشِدُونَ﴾ Бақара 186-оят.

﴿Бандаларим сиздан Мен ҳақда сўрасалар, Мен албатта уларга яқинман. Менга дуо қилган дуогўйнинг дуосини ижобат этаман. Рушду ҳидоятда юрмоқлари учун Мен(инг амримга) ижобат этсинлар, Менга иймон келтирсинлар.﴾

***Азиз ҳамдардлар! Ўзига тўқ бой-бадавлат инсонлар!
Яхшиликка ҳарис, савобга ўч мусулмон биродарлар!***

Дилтанг, ғазабнок¹ одамнинг ички туйғусига шубҳа билан ёндашмайсиз деб ўйлайман. Бу туйғулар шубҳадан йироқ ҳаётий ҳақиқатдир. Агар қийналган киши одамлар орасидан ўзига ёрдам берувчи одамни тополмаса, у юқорида айтилган ёмон хаёлларга бориши аниқ. Агар жамиятда шундай ёвуз фикрли инсонлар кўпайса, ҳамма, жумладан сиз ҳам, биз ҳам анча талофат кўрамиз. Воқеликдан бохабар киши бу сўзга далил қидирмайди деб ўйлайман... Агар ҳаётда ҳамдард – кўмакчи тополмаган муҳтож одамнинг дили иймондан Мосуво бўлса, иш янада катталашиб, ваҳшиёна тус олади. Ҳатто иймони заиф мўмин ҳам қалтис ишга қўл уриши ҳеч гап эмас. Аввал эслаб ўтилганидек, қадимда бир олим бошига мусибат тушади. Танг аҳволда қолган олимга бани башардан биронтаси ёрдам қўлини чўзмайди. Қидириб ҳамдард тополмайди. Шу оғир паллада ит унинг жонига ора киради. Олим ёвузлашмайди-ю, лекин башарни уятга қўядиган китоб ёзиб, уни *تفضيل الكلاب على كثير ممن لبس الثياب* – "Кийим кийганларнинг кўпидан кўра итнинг афзаллиги" деб номлайди.

Шунинг учун Сиз хайрихоҳ азизларга таъзим ила ташаккур билдириб айтаманки, Сиз олийжаноблигингиз, саховатингиз ва муҳтожларга кўрсатаётган холисона яхшилигингиз билан нафақат муҳтожнинг ўзигагина яхшилик кўрсатяпсиз, балки бу билан жамиятга мисли кўрилмаган яхшилик қиляпсиз, давлат ва жамиятни турли хатарлардан сақлаб қоляпсиз. Аллоҳ бу саъйингизни бемукофот қолдирмайди.

قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "لَا يَزَالُ اللَّهُ فِي حَاجَةِ الْعَبْدِ مَا كَانَ الْعَبْدُ فِي حَاجَةِ أَخِيهِ".

Росулуллоҳ ﷺ: "Моддомики банда биродарининг ҳождатида экан, Аллоҳ мудом у банданинг ҳождатида бўлгай, ", деганлар.

¹Дилтанг – Ғоят ҳафа, сиқилган. Ғазабнок – Ғазабга тўлган.

Сиз дунё юмушлари билан банд бўлган чоғингизда ҳам ва хатто қаттиқ уйқуга кетган пайтингизда ҳам ҳаққингизга дуолар Худованд хузурига тинмай кўтарилиб туради. Сизга офият, фароғат, фаровонлик, соғ-саломатлик, тинч-омонлик, қут-барака, ишингизга ривож тиланади... Нега?

Чунки Сиз кимгадир ғамхурлик қилгансиз, Кимнингдир кўнглини кўтаргансиз, Кимгадир маслаҳат бериб, тўғри йўлга солгансиз, Муҳтожга ёрдам бергансиз, Ишсизни иш билан таъминлагансиз, Етимнинг бошини силагансиз, Бева-бечора ҳолидан хабар олгансиз, Кўчада қолган уйсизга бошпана бергансиз, Очга озуқ-овқат, юпунга кийим-бош, кўрпа-тўшак бергансиз, Касални йўқлайсиз, жанозага эргашасиз, Дард-мандга даркашсиз, дардини тарқалишига кўмакдошсиз, Ҳаммага ҳамдардсиз, Қаерда яхшилик бўлса ўша ерда ҳозир у нозирсиз – ҳамкорсиз, ҳамдастсиз, Ғамзаданинг ғам-қайғусига шериксиз, ғамини аритасиз, Хафанинг хафалигини ёзасиз, тасалли берасиз...

Бу инсоларнинг ҳар бири ҳар куни эрта-кеч ҳаққингизга дуо қилади, борингизга шукр қилади.



Азизлар, бу дунё шундай яратилган эканки, ундан баҳра олиш моддиятдан кўра маънавиятга – инсоннинг руҳиятига кўпроқ боғлиқ экан. Моддий бой-у маънавий қашшоқ одам маънавий бой, моддий қашшоқ кишичалик маза ололмас экан. Маънавий бой, руҳияти юксак инсон каби тўлиқ баҳраманд бўлолмас экан. "Кенгга кенг дунё, торга тор дунё" дейдилар.

Кулинг, атрофингизда ҳамма кулаётганга ўхшайди.

Тумтайсангиз, олам сизга тумтаяётгандек туюлади. Тундга чароғон кун ҳам тун кабидир.

Дилингиз ғамга тўлса, дунёни ғамгин кўрасиз. Дилисиёҳга ёриғ олам ҳам сиёҳдир.

Феълни кенг қилинг, жаҳон сизга кенг бўлур.

Битта-иккита иблиссифат махлуқ боис дунёни иблислар босиб кетган, деб ўйламанг. Дунёда малакнамо яхшилар кўп, анво яхшилик кўп. Улардан фойдаланиш ўзингизга боғлиқ.

Айтадиларки, Фотимадек жуфти ҳалол истасанг, аввало ўзинг Алидек муносиб ёр бўл. Худди шунга ўхшаш яхшиликни истасангиз, аввало ўзингиз яхши бўлинг. Сизга гўзал муомила қилишларини хоҳласангиз, сиз одамларга гўзал муомала қилинг. Бағрингиз бутун бўлишини истасангиз,¹ бағрингизни кенг қилинг...



*Агар сен норасо бўлсанг, бу олам норасо сенга,
Ҳаётга нораво бўлсанг, ҳаёт ҳам нораво сенга.*

*Бу дунё кори шундоқким, топурсан ҳар не изларсан,
Агар сен ошино бўлсанг, бўлурлар ошино сенга.*

*Меҳр, лутфу садоқат – дўсту ёрликнинг буюк шарти,
Агар сен бевафо бўлсанг, улар ҳам бевафо сенга.*

*Қидирма ўзгалардан саҳв ким, саҳв ичра ботгайсан,
Агар сен саҳв этиб отсанг, отурлар беҳато сенга.*

*Ҳаёли, пок одам ҳаргиз бировлар устидан кулмас,
Агар сен беҳаёсан, эл кўрингай беҳаё сенга.*

*Сени бу нурли оламга нур улашмоққа кетурмишлар,
Агар қалбинг басир бўлса, ёруғ кун ҳам сиёҳ сенга.*

*Ёруғ кунлар умидида, Ҳабиб, умринг ўтиб боргай,
Шукурким, яхшилар меҳри раво сенга, даво сенга.*

Ҳабиб Саъдулла. (1942-2006)

¹ Бағри бутун – Ғамсиз, ташвишсиз, беармон.

Тарихнинг порлоқ саҳифасидан таралган зиё

Салжукий шоҳларига 30 йил вазирлик қилган Низомулмулк *سير الملوك* "Шоҳлар ҳаёт йўли" ёки *سياسة نامه* "Сиёсатнома" аса-рида шоҳона ҳамдардликка ажойиб мисоллар келтиради. Биз шу ўрингача оддий одамларнинг бир-бирларига ҳамдардлиги тўғрисида сўзладик. Шоҳларни адолатга чақириб келган вазир Низомулмулк эса шоҳларнинг бу борадаги вазифаси тўғрисида сўзлайди. Кўп тилларга таржима қилинган бу асар аллақачон ўзбек ўқувчисининг қўлига етиб борган. Таржималардаги тафовут боис мен аввал асарнинг арабча матнини келтириб, сўнгра "Янги аср авлоди" 2008 йилда Тошкентда нашр этган нусхасидан ўзбекча матни кўчиришни маъқул кўрдим.¹

Тўққиз аср олдин ёзилган бу ноёб асар кўп халқларнинг амирларига дастур – йўлланма вазифасини бажариб келган. Низомулмулк асар муқаддимасида баён қилганидай, 479-х йилда Абулфатҳ Маликшоҳ ибн Муҳаммад томонидан "ҳар ким ўз фикр саҳифасини варақлаб чиқсин: бизнинг давримизда (Маликшоҳ ҳукмронлик қилган даврда) мақтовга сазовор бўлмайдиган ишлар борми, саройда, қасрда, девонда бизнинг шартимизга тўғри келмайдиган, кўзимизга кўринмай қолаётган, бизга махфий бўлган ишлар борми, биздан илгарги подшоҳлар юритган яхши сиёсатнинг қайси жиҳатларини биз бажаролмадик, мамлакат низоми ва қонун-қоидаларида қандай камчиликларга йўл қўйдик, шуларнинг барида диққат-эътиборни кучайтиринглар..." деган маънода фармони олий содир бўлгандан кейин Абу Али Ҳасан ибн Али Тусий Низомулмулк (1018-1092м – 408-485х) ушбу асарни ёзишга киришади. Низомулмулк 10 йил Алпарслонга сўнг унинг ўғли Маликшоҳга ҳалол вазирлик қилган.

¹ Асарнинг ўзбекчасини ziyouz.com дан, арабчасини *مكتبة الشاملة* электрон кутубхонасининг *التاريخ والأنساب والبلدان* қисмидан топишингиз мумкин.

Китобнинг масъул муҳаррири Шариф Холмурод дейди:

"Чиндан ҳам бугунги кунда юксак тараққиёти ҳақли равишида эътироф этиб келинаётган қитъа ва минтақаларнинг аксарияти ҳали уйқу оғушида бўлганида Шарқда, жумладан бизнинг қадимий юртимизда давлатчилик бобида каттагина тажриба тўпланган эди.

Мусулмон Шарқда уйғониш даври чўққисига чиқиб, кейинги тараққиёт босқичини Ғарбга узатди. Шарқдаги бу жараён умумжаҳон цивилизациясининг ўстиринлик ва балагат даври эди.

Адолат, тенглик – ҳаққонийлик ва бошқа инсоний эзгуликлар манбаи, шубҳасиз, Қуръони карим ва Ҳадис шариф бўлса, "Сиёсатнома" сингари асарлар шу муқаддас китобларда баён этилган фикрлар ва уларни рўёбга чиқариш бобида олиб борилган ишлар ифодасини аниқ бир фаолият доирасида кўрсатиб, шарҳлаб ва изоҳлаб беради. Давлат масаласи "Сиёсатнома"нинг ўзак томирини ташкил қилади.

Низомулмулк ўз китоби воситасида қуруқ панд-насиҳатни, кўрсатма беришни мақсад қилиб қўймайди. У турли давлатларнинг ҳукмдорлари, авлодлари тажрибасидан, жумладан ўз шахсий тажрибасидан бизга мароқли ҳикоя қилади. Шу жиҳатдан ҳам, гарчи асар асосан энг мураккаб ва масъулиятли инсоний фаолият жабҳаси бўлмиш сиёсатдан сўзласа-да, гоят қизиқарли бадий асар сифатида мароқ билан ўқилади. Бошқача айтганда, муаллиф муҳим сиёсий муаммолар хусусидаги фикрларига бадий ён босиб, уларнинг маъқуллигига ўқувчи ишончини мустаҳкамлайди, асар ибратини янада кучайтиради". Иқтибос тугади.

"Нашриёт" муқаддимасида шундай дейилади:

"Сиёсатнома" асари яратилган даврдан бошлаб олимлар, тарихчилар, адиблар, энг асосийси, шоҳу ҳокимлар диққатини ўзига тортиб келади. Бу асарни султонлар ва бошқа мансабдорлар кўчиритириб олиб, ўз фаолиятларида фойдаланганлар.

"Кўпгина хорижий нашрларда "Сиёсатнома" асари бугунги сиёсатчилар учун ҳам энг яхши қўлланма сифатида баҳоланади".

"Асар ҳозирги давр сиёсатчилари, давлат амалдорлари ва мансабдор кишиларга, умуман ўтмиш тарихимизга қизиқувчи барча ўқувчиларга маънавий руҳ ва куч беради, деб ўйлаймиз".

Нашриётдан.

الفصل الثالث

في جلوس الملك للمظالم والتحلي بالخصال الحميدة

لا بد للملك من الجلوس للمظالم يومين في الأسبوع لاستلال العدل من الظالمين وأنصاف الرعية والاستماع إلى مطالبها والبت في أهم الشكاوى التي تعرض عليه وإصدار حكمه فيها فما إن يشيع في المملكة بأن الملك يستدعي إليه المتظلمين وطلاب العدل يومين أسبوعيا ليستمع إلى مطالبهم وتظلماتهم حتى يخاف الظالمون فيكفوا أيديهم عن الناس ولا يجرؤ أحد على الظلم والتماذي خشية العقاب حكاية في هذا المعنى قرأت في كتب المتقدمين أن أكثر ملوك العجم كانوا يقيمون دكة مرتفعة في العراء ويقفون عليها ممتطين الجياد ليمكنوا من رؤية جميع المتظلمين الذين كانوا يجتمعون هناك لأنصافهم وكان سبب هذا أن الملك كان يجلس في مكان موصدة أبوابه وهو البلاط حيث الدهاليز والحجب والحجاب مما يمكن ذوي الأهواء والظالمين من الحيلولة دون وصول المتظلم إليه حكاية أخرى

وسمعت أن أحد الملوك كان ثقيل السمع فكان يظن أن النقلة والحجاب لا ينقلون إليه شكاوى المتظلمين في صدق ودقة مما كان يحمله على إصدار أحكامه وأوامره بخلاف مقتضيات الأمور لذا أمر بوجود ارتداء المتظلمين ثيابا حمراء على أن لا يرتدي غيرهم مثلها حتى يعرفهم ثم كان يجلس على فيل في الصحراء وينادي كل من يراه بثوبه الأحمر إلى أن يجمعهم كلهم ومن ثم يجلس وحيدا ويستدعيهم واحدا واحدا مستفسرا عن أحوالهم بصوت عال ويقضي بأنصافهم لقد اتخذوا كل هذه الاحتياطات ابتغاء الدار الآخرة وحتى لا يظلم شيء خافيا عليهم

الفصل التاسع والأربعون

في إجابة المتظلمين وقضاء مطالبهم وإنصافهم

يغص القصر دائماً بالمتظلمين الذين لا يغادرونه قبل أن يتسلموا أجوبة شكاياتهم ان هذا قد يبعث كل رسول أو غريب يفد إليه على الظن حين يسمع صراخ المتجمعين وجلبتهم بان ظلما عظيما ينزل بالناس فحتى يوصد الباب دون هذا الظن ينبغي أن تجمع شكاوى أهل كل مدينة وناحية من الحاضرين على حدة وتوضع في مكان واحد ثم يأتي خمسة منهم إلى القصر لبيان أمرهم وعرض أحوالهم ويتلقون الجواب ويتسلمون الحكم ويعودون حالا وهذه هي السبيل للقضاء على الجلبة والضوضاء والصراخ التي لا أساس لها كتاب يزدجرد إلى عمر وجوابه عنه

يروى أن الملك يزدجرد أرسل إلى أمير المؤمنين عمر بن الخطاب رضي الله عنه رسولا يقول ليس في العالم اليوم مملكة أكثر سكانا من مملكتنا وخرانة أعمر من خزانتنا وجيش أكثر من جيشنا وليس لأحد من الة وعدة فأجابه عمر أجل إن مملكتك مكثفة لكن بالمتظلمين وإن خزانتك مترعة لكن بالمال الحرام وأن جيشك كثير لكنه شاق عصا الطاعة وإذا ما دالت الدولة فإن الالة والعدة لا يغنيان قتيلا ان في هذا كله لدليلا على انحطاط دولتكم وقرب زوال ملككم وهكذا كان

إن الطريقة الأمثل أن يبدأ سيد العالم خلد الله ملكه بالإنتصاف من نفسه حتى يصير الجميع منصفين ويقطعوا دابر الطمع مما هو محال وغير حق مثلما فعل السلطان محمود . . .

جواب عمر بن عبد العزيز لعامل حمص

كتب عامل حمص إلى عمر بن عبد العزيز لقد انهار سور حمص ورمه واجب فيم تأمر فكتب إليه عمر سور حمص بالعدل وطهر طرقاتها من الخوف والظلم ولا حاجة بعد إلى الطين واللين والحجر والجص



УЧИНЧИ ФАСЛ

ПОДШОҲНИНГ МАЗЛУМЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШИ, ОДИЛ ВА ЯХШИ ХУЛҚЛИ БЎЛИШИ ҲАҚИДА

Подшоҳ ҳафтада икки кун зулм кўрганларни қабул қилиб, золимларнинг додини бериб, жазолаб ва раият сўзларини бевосита эшитиб бориши керак.¹ Муҳим бўлган аризаларни қабул қилиб, ҳар бирига жавоб бериши лозим. Агарда, "подшоҳ додхоҳларни² олдига чақириб, ҳафтада икки мартаба уларнинг сўзларини эшитади ва золимларнинг жазосини беради", деган хабар мамлакатга тарқалса, унда золимлар қилмишларининг оқибатини ўйлаб, қўрқиб бедодлик қилмайдилар.

Ҳикоят

Олдин ўтган кишиларнинг китобларидан шуни ўқиб билдимки, ажам шоҳлари бир дўкон³ ясаб, уни отга юклаб сахрога⁴ олиб борарканлар, токи ўша жойда йиғилган мазлумларни кўриб, ҳар бирининг арзини эшитиб олиш мумкин бўлсин. Бунинг сабаби шу эдики, агарда подшоҳ бирор жойда ўтириб қолса, у ерда даҳлиз, долон,⁵ эшик ва парда пайдо бўлади. Ғаразли кишилар ва ситамгарлар шундан фойдаланиб, зулм чекканларни подшоҳ олдига қўймайдилар.

¹ لا بد калимасини "керак" деб таржима қилинибди. Унинг ўрнига "шарт, зарур, лобид" дейилса маъно тўғрироқ, таъсири кучлироқ бўлади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида ҳам "Лобид"ни мажбурий, ноилож, деб берилган.

² **Додхоҳ** – Даъвогар, адолат талаб этувчи.

³ Дўкон эмас, курси, ўриндиқ.

⁴ Сахро эмас, фазо, очиқ жой. Арабча матнда . . . *دكة مرتفعة في العراء ويقفون عليها* "Очиқ кенг жойга баланд курси ўрнатиб, ҳаммани кўриб туриш учун унинг устида тик турар эдилар"

⁵ Дарвозадан то ҳовлигача қурилган, икки томони девор, усти ёпиқ кенг йўлак.

Ҳикоят

Эшитдимки, шоҳлардан бирининг қулоғи оғир экан. У, "тилмочлик қиладиганлар мазлумлар сўзини менга тўғри етказмайди ва уларнинг ҳолини билмай, ишларига мувофиқ келмайдиган бирон буйруқ бериб қўйишим мумкин", деб ўйлаб қолади. Ана шунда у зулм кўрган кишилар қизил кийим кийсин, бошқа ҳеч ким бундай рангдаги кийим киймасин, токи мен уни (мазлумни) таниб олай, деб буйруқ берибди. Бу шоҳ бир филга ўтириб, саҳрода юрганида тўхтаб, қизил кийганларни (битта-битта) олдига чақиртириб оларкан. Улар ҳам баланд овозда ўз аҳволларини айтиб берарканлар ва подшоҳ уларга жавоб қайтараркан. Ўша замонда бундай эҳтиёткорлик шоҳ учун бирор-бир нарса қоронғи қолмаслиги учун қилинаркан.¹

ҚИРҚ ТЎҚҚИЗИНЧИ ФАСЛ

ШИКОЯТГА КЕЛГАНЛАР ЖАВОБИНИ БЕРИШ ВА УЛАРНИНГ ИШЛАРИНИ ИНСОФ БИЛАН ҲАЛ ҚИЛИШ ҲАҚИДА

Зулм кўрган кишилардан кўпи сўлтон саройидан адолат истаб, муқим бўлиб қоладилар. Улар ўз ариза ва шикоятларига жавоб олсалар ҳам, баъзан кетмайдилар. Четдан кузатган бирор киши ё элчи уларни кўриб, дод-фарёдларини эшитиб, бу саройдан одамларга қаттиқ зулм ва ситам тегаркан, деб ўйлайди. Шунинг учун уларга инсоф эшигини очиб қўйиш керак. Ғариб ва шаҳарлик кишиларнинг ҳожатларини йиғиб,

¹ Арабча матнида لقد اتخذوا كل هذه الاحتياطات ابتغاء الدار الآخرة "Шоҳлар охират хонадонини истаб – Жаннат илинжида бу барча эҳтиёткорлик чораларини кўришган", дейилган. Ўзбекча матнда эса ўзингиз кўрганингиздек ўзгариш бор. Ушбу ҳикояни (шу китобнинг 397-бетига) арабча матни билан солиштирсангиз ўртадаги тафовутнинг қанчалигига ўзингиз гувоҳ бўласиз.

бир жойда(га) ёзиб қўядилар. Ходим беш кишиникидан ортиқ аризаларни кўтариб саройга кирмасин. Ҳожатлари чиққандан сўнг беҳуда дод-фарёд кўтармасдан қайтиб кетишлари лозим. Шунда ишлар тез ҳал бўлиб, раият ҳам роҳатда бўлиб, олам обод, биров-бировага бедодлик ва ҳақсизлик қилмайдиган бўлади.

Ҳикоят

Ажсам мулкининг охирги шахриёри Яздигурд амир ал-мўминин Умарга (ﷺ) элчи юбортириб, шундай дейди:*

– Бугун (бутун) оламда бизнинг саройимизга тенг келадиган одами кўп бошқа сарой йўқ, бизнинг хазинамиз энг обод ва қўшинимиз ҳам оламдаги энг жасур лашкарлардандир. Биздаги мол-мулк ва нарсалар ҳеч кимда йўқ.

Амир ал-мўминин жавоб қайтариб дейди:

– Ҳа, сизларнинг саройларинг серодам, аммо улар зулм кўрганлардандир, хазиналаринг обод, аммо бу етимлар¹ моли эвазига, қўшинларинг бўйсунмаслик ва исён кўтаришида жасурдир.² Давлат қўлдан кетса, шунча бойликка ҳожат қолмайди. Бу ҳам сизларнинг давлатсизликларингдан дарак беради.

(Шу ерда муаллиф Маликшоҳга мурожаат қилиб дейди):³

Бу борада энг юксак намунавий йўл – саййидул олам (Аллоҳ мулкларини мангу қилсин) ўзлари биринчи бўлиб инсофни бошлаб бериб ўрнатиб бўлмоқларидир. Тоинки, бу билан барча халқ инсофли шахсларга айлангай. Ва султон Маҳмуд тажрибасида ўтгани каби одамлар амри маҳол ва ноҳақ ишда тамагирликдан умидни узиб қўйгайлар.

¹ Аслида "ҳаром моллар" ёзилган. Етим сўзи йўқ.

² Асли, "бу эса давлатингизни заволига ва емирилишига далилдир", дейилган.

³ Бу мурожаат ўзбекча матнда ғалати ўзгартириш билан берилган. Шунинг учун кейинги сатрларни ўзим таржима қилдим. Чунки нақл қилаётган ўзбекча матн билан арабча матн тўғри келмади.* Арабча матнда ﷺ деган дуо бор.

Умар ибн Абдулазизнинг Ҳимс ҳокимига жавоби

Ҳимс¹ шахрининг омили (ҳокими) Умар ибн Абдулазизга шундай деб ёзади: "Ҳимс шахрининг девори бузилиб хароб бўлибди, уни қайта тиклаш керак". "Ҳимс шахрига адлу инсофдан девор қуриш керак, йўлларни зулм ва хавф-хатардан тозалагин, шунда гил, гишт, тошу гипсга² ҳожат қолмайди!"



Фидо этсанг арзир одил султонга
Жонингни, молингни сочиб ҳар ёнга.
У бор экан мудом кун йўқ ёмонга,
Кўз-кўз қил юртингни шунда жаҳонга.

Султон ёмон бўлса, кутма яхшилик
Энг ювои махлуқдан, эй дили ўксик.
Чунки балиқ бошдан сасир дейдилар,
Бундай чоғда шердек наърайди кучук.

Низомулмулк³ вазир, эй олий ҳазрат,
Сиздай вазирларга муҳтождур давлат.
Ҳар нарса ўзгарган, ҳар нарса бўлак,
Сўз бошқа, иш бошқа, бузуқдур ният.

Ж.



¹ Ўзбекча матнда "Хумс" дейилган.

² Ўзбекча матнда "гаж" ёзилган. Арабча матнда الجص ёзилган, яъни гипс.

"Сиёсатнома" ўзбек тилига форс тилидан таржима қилинган. Шунинг учун бизнинг айрим эътирозларимиз ўринсиз бўлиши мумкин. Асар қайси тилда ёзилганини аниқлаш масалага анча ойдинлик киритади.

³ Низомулмулк ва Маликшоҳ таржимаиҳолини سير أعلام النبلاء нинг 19-жилдида ўқишингиз мумкин. Ҳар бир толиби илм, хусусан туркийзабон эллар бу икки шахс ва улар яшаган давр билан танишиши керак, деб ўйлайман.

ҲАЁТ ҲАНГОМАЛАРИ

*Деди:¹ – Тил зарбаси қиличдан ўтқир,
Дедим: – Тилни тийган чинакам ботир.
Деди: – Қўйгин шундай гапларни ҳозир,
Ғамгинга кулгили гаплардан гапир.*

*Шунча йил қовоғин солгани етар,
Эрта-кеч газабга тўлгани етар.
Қўй, бироз дам олсин, яйрасин шўрлик,
Ажабмас, шу билан яраси битар.*

*Йигирмага кирмай чол бўлиб қолди,
Ўзидек ёшгина кампирни олди,
Юраги ташвишдан зардобга тўлди,
Йигирмадан ўтиб, бўлари бўлди.*

*Етмишдан ўтган чол ундан бақувват,
Гарчи узоқ йиллар чекса ҳам заҳмат.
Тишда бодом чаққан, қопни кўтарган,
Шу ёшда жуфти-ла сургандир ишрат.*

*Йигирмани урган тенгдан у ҳайрон,
Қисқа умр кўриб хўп бўлди вайрон.
Укажон, ўзингни олдириб қўйма,
Ўткинчи дунёда яшагин шодмон.*

*Эшитсин мўрт ёшлар аҳмоқ ишидан,
Ўргансин адабни шундай кишидан.²
Соқит қилсин энди ғамни бошидан,
Гул унсин кулгудан тўккан ёшидан.*

¹ "Деди"нинг фоили ҳаёт.

² "Адабни беадабдан ўрган", "Ақлни ақлсиздан ўрган". Мақол.

"Хўн" дедим ҳаётнинг холис сўзига,
Ўзидан олиб мен бергум ўзига.
Кулгу бўлган ўзи, кулган ҳам ўзи,
Орқадан гапирмай, айтгум юзига.

Бахти кулмаган ҳам кулинг биз билан,
Дил розин айтаман кулдириб дилдан.
Аслида бахтингиз кулиб боққан-ку,
Нечун сиз сезмайсиз, эй аҳли Ватан.

Ҳар жойдан йигганим қайроқи сўзлар
Нобакор, бебарор шахсларни тузлар.
Ҳангомада ҳикмат, ибрат бекинган,
Ким мириқиб кулса, ким роса бўзлар.

Дўст-душманлар билсин, бизнинг динимиз
Кенг,¹ енгил,² муносиб, осон – заҳматсиз.³
Эътиқодда жамол, одобда жамол,
Шаръинда танглик йўқ, зоятда азиз.

Мутойиба жоиз, ҳаром истехзо,
Истехзо қилганга қаттиқдир жазо.
Табассум, жилмайиш баайни суннат,
Тумтайганга кулгу етарли сазо.⁴

Ж.

¹ Ҳадисдаги "في ديننا فسحة" калимасини Ибн Ҳажар "سعّة" "кенг" деб изоҳлаган.

² "سهلة" калимасини "енгил" деб изоҳланган.

³ *إِنَّ عَائِشَةَ قَالَتْ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَوْمَئِذٍ "لَتَعْلَمَ يَهُودُ (وَالنَّصَارَى) أَنَّ فِي دِينِنَا فَسْحَةً إِنِّي أُرْسِلْتُ بِحَنِيقَتِي سَمْحَةً"*

⁴ **Сазо** – Қилмишига яраша оладиган танбех, таъзир, дашном, жазо.

Яъни, Сизга тумтайган, хумрайган кишини кулгу – очик юз билан қаршилашингиз унга берилган етарли жазодир.

Ҳаёт ҳангомалари

Ҳаёт деб аталмиш тириклик уйи ҳар хил ҳодисаларга тўла. Бирини кўриб хафа бўласиз, бирини эшитиб ҳафсалангиз пир бўлади, биридан ҳайратингиз ошса, бошқа биридан ҳаяжонланасиз. Ҳаёт хонадонида яна шундай қизик ҳодисаларга дуч келасизки, уни кўриб, ё эшитиб беихтиёр хахолаб кулиб юборасиз. Шунга кўра бу қисмни ҳаётнинг ибратга бой ичак узди ҳангомаларига бағишладик. Зеро "Қайғудош" ва "Ҳамдард"нинг вазифаси ҳазин қайғусини қувончга алмаштириш, жилла бўлмаса, сал кулдириб, мунгли юзига табассум киритишдир.

Асри саодатда рўй берган "Ийло ҳодисаси"да "Росулуллоҳ хотинларини талоқ қўйибдилар" деган миш-миш тарқайди. Бу нохуш гап Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу қулоғига етиб келади. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни қазноқда ёлғиз маҳзун ҳолда кўрган Умар ибн Хаттоб турли қизик сўзлардан сўзлаб онҳазратдан ﷺ ғамни аритишга уриниб, охири кулдириб юборади. Бу ёғини Умарнинг ﷺ ўзидан эшитинг:

فَلَمْ أَزَلْ أُحَدِّثُهُ حَتَّى تَحَسَّرَ الْغَضَبُ عَنْ وَجْهِهِ وَحَتَّى كَثُرَ فَضْحِكَ وَكَانَ مِنْ أَحْسَنِ النَّاسِ ثَغْرًا
"Росулуллоҳга сўзлайвердим, сўзлайвердим,¹ ва ниҳоят юзларидан газаб кетди, ҳатто тишларининг оқи кўриниб, жилмайдилар, сўнг кулиб юбордилар. (У зотнинг) тишлари бағоят гўзал эди".

Қиссанинг асли Муслим Саҳиҳида.

Демак, маҳзунни кулдириш бизга салафи солиҳдан мерос экан. "Қайғудош" ва "Ҳамдард" ҳам ғамгинлар жилмайишига биров ҳисса қўшса, ўзини бахтиёр ҳисоблайди. Тишини тишига қўйиб яшаётган ғазабнок, агар сўзимиздан таъсирланиб асабини жиловласа, секин-аста тишини оқини кўрсатиб кулса, бу – "Ҳамдард" ва унинг муаллифи учун катта ютуқдир.

¹ Нима ҳақда сўзлаганлари ҳадис матнида келмаган. Лекин Умарнинг қизик, кулгили сўз сўзлаганларини сўз сиёғидан билса бўлади.

Мазкур мавзуларни мен белгилаганим йўқ. Ўқиганингиз "нима ҳақда ёзсам экан" деб ўйлаб-ўйлаб топилган ёки қочоқ "илҳом париси"ни узоқ кутиб овланган мавзулар эмас, касални яширсанг, иситмаси ошқор қилганидек, бу асарлар дард асоратидир, мунгли илҳом самарасидир.

"Қайғудош", "Ҳамдард", "Ҳаёт ҳасратлари", "Ҳаёт ҳангомалари" каби мавзуларни ҳаётнинг ўзи белгилаб берди. Мен бундан уч йил олдин бошлаб қўйган асосий мавзулар эса ҳаёт белгилаган ва ёзишга ундаган мазкур мавзулар боис охирига етмай қолди... "Бухорий бўстонида", "Осмон вакили ерликлар орасида", "Кўз – кўнгил дарвозаси", "Тил тойиса, тузалмас"... шулар жумласидандир.

Ҳарамда بلوغ المرام китобидан дарс бошлаган шайх Атия ибн Муҳаммад Солим раҳимахуллоҳнинг (1346-1420х, 1927-1999м) дарсларида ўтириб эшитган эдим:

"Олимлар бирор китобдан дарс бошлашса, Парвардигори оламга ёлвориб, "Илоҳо, шу китобни охирига етказишни Ўзинг насиб эт", деб дуо қилар эканлар". Каминани ҳам китобни охирига етказа олмаслик хавфи бот-бот кўрқитди. Мададкорнинг ўзидан мадад сўраб, китобни ниҳоясига етказдим. Бунинг учун Унинг ёлғиз Ўзига чексиз шукр, ҳамду сано айтаман. Агар тавфиқ бермаганида оқ қоғоз оқлигича қолиб, "Ҳамдард" дунёга келмасди. *Алҳамдулиллаҳиллазий бинеъматиҳи татиммус-солиҳот.*

"Бировни ҳажв қилиш қандай бўларкин?" деган истиҳола ҳажв жанрига яқинлашмасликка ундади. Лекин жаноб Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шоир Ҳассон ибн Собитга қарата айтган сўзлари менга далда бўлди.

عن البراء قال رسول الله صلى الله عليه وسلم يوم قريظة لحسان بن ثابت: "اهج المشركين فإن جبريل معك" رواه البخاري

Баро ибн Озиб розияллоҳу анҳу ривоят қилади:

"Қурайза куни Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳассон ибн Собитга қарата: "Муширикларни ҳажв қил, Жибрил сен билан биргадир", дедилар".

Бу – Бухорий ривояти, имом Аҳмад ривоятида: "Ҳассон, муширикларни ҳажв эт, Рухул Қудус сен билан" дейилган.

"مواقف ضحك فيها رسول الله" номли китобда йўлбошчимизнинг ﷺ бу борадаги йўллари билан танишишингиз мумкин. Мисол тариқасида иккита ҳадис келтирмоқчиман.

Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу таҳорат учун сув талаб қилдилар. Сув келтирилгач, таҳорат олдилар – қўлни ювдилар, оғизни, бурунни чайқадилар, сўнг юзни ва қўлни тирсаккача уч мартадан ювиб, бошига масҳ тортилар ва оёқни ювиб бўлгач, кулиб юбордилар.

(Буни кўриб турганларнинг ҳаммаси ҳайрон, лекин ҳеч ким кулгу сабабини сўрашга ботинмади).

– Нега кулганимни сўрамайсизларми? – дедилар Усмон.

– Нега кулдингиз, амирул мўминийн? – деб сўради атрофдагилар.

– Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг сув талаб қилиб таҳорат олганларни кўрдим. Таҳоратдан сўнг кулиб юбордилар. Сўнг бизга қарата:

– Нимга кулганимни сўрамайсизларми? – дедилар.

– Нимага кулдингиз, ё Росулalloҳ? – сўрадик биз.

– Агар банда таҳоратга сув олиб юзини ювса, Аллоҳ унинг юзидан содир бўлган барча хатоларни ўчириб ташлайди, агар билакни тирсаккача ювса ҳам, бошига масҳ тортса ҳам худди шундай бўлади, оёгини ювгандан кейин ҳам оёқда қилинган хатолар маҳв этилади, – дедилар.

Ҳадиснинг асли имом Аҳмад Муснадида.

Парвардигори оламнинг бандаларга бўлган чексиз раҳмати Набий ﷺ туйғуларини тўлқинлантириб кулдирган бўлса, ажаб эмас. Балким, таҳорат сабабли уммат гуноҳининг тўкилишадан суюнгандирлар. Аллоҳ Моида сурасининг 6-оятида бандаларни таҳорат, ғусл ва таяммумга буюргандан сўнг:

﴿ مَا يُرِيدُ اللَّهُ لِيَجْعَلَ عَلَيْكُمْ مِنْ حَرَجٍ وَلَكِنْ يُرِيدُ لِيُطَهِّرَكُمْ وَلِيُتِمَّ نِعْمَتَهُ عَلَيْكُمْ لَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ ﴾

﴿ Аллоҳ сизларга машаққат туғдиришни истамайди, балки сизларни поклашни ва шуқр қилишингиз учун сизларга Ўз неъматини камолига етказишни истайди. ﴾ деди.

Демак, таҳорат, ғусл ва таяммумдан бўлган шаръий мақсад биз осий бандаларни гуноҳлардан поклаш экан. Бунинг учун нега суюнмайлик, нечун кулмайлик?.. Агар биров оғир оёқ аёлга "кирингни ювиб бераман, моғор босган гиламингни ювиб, янгидек қилиб бераман" деса, қувонади-ку. Гуноҳларнинг оғир юки елкамизни чўктирган биз бандалар нечун ўзимиз покланиб, енгил тортганимиз учун қувонмаймиз? Нечун суюнмаймиз? Ахир Аллоҳ енгил амал учун – юз-қўлимизни Қуръон ва суннатга мувофиқ ювганимиз учун гуноҳларимизни маҳв этиб, бизни покляпти-ку...

Таҳорат – буюк ибодат. У ҳиссий ва маънавий покланишнинг биринчи босқичи. Шунинг учун Ислом фикҳшунослигидаги биринчи боблар "Таҳорат" аҳкоми билан бошланади. Таҳоратнинг охирги қатраси билан гуноҳлар тўкилади – маҳв этилади. Тирноқ остидаги гуноҳ ҳам қолмайди. Шунинг учун Набий ҳар замонда (ҳамиша эмас) таҳоратдан кейин сочиқ тутилса, артинмас эдилар. Баъзи олимлар "маййитни ғусл қилиб бўлингандан кейин артмасдан сувнинг охирги қатраси қуругинча ўз ҳолига қўйиб, бир оз кутишни" тавсия қиладилар. Айтишларича, Умар ибн Абдулазиз шундай васият қилган экан. Зеро охирги ғусл банданинг дунёдаги энг охирги амалидир ва каффорот учун – гуноҳдан покланиш учун энг охирги қулай имкониятидир.¹

¹ Бу гап кичик гуноҳларга тааллуқлидир. Гуноҳи кабиралар – молиявий ва жисмоний жиноятларга бошқа каффорот ва ҳад белгиланган. Масалан, билмасдан одам ўлдириб қўйган киши мақтул эгаларига дия тўлайди ва икки ой кетма-кет

Бу ва бундай кейинги ҳадисни Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам кулгуларига шоҳид ўлароқ келтирдим. Ҳадисдаги масалаларга тўхташ китоб мавзуси эмас. Шундай бўлсада шу ҳадисга оид иккита нуқтани баён қилишни зарур деб билдим.

1-Таҳоратни чала қилиб жазоланиш ҳам мумкин. Бу борада Росулulloҳ ﷺ икки ё уч мартаба: "وَيْلٌ لِلْأَعْقَابِ مِنَ النَّارِ مَرَّتَيْنِ أَوْ ثَلَاثًا" "*Жаҳаннам ўтидан оёқлар ҳолига вой!*" дедилар.

2- Чин мўмин "Таҳорат гуноҳга каффорат экан" деб бу буюк маънони суистеъмол қилмайди. "Гуноҳни қилаверамиз ортидан таҳорат билан гуноҳни ювамиз", деб калта ўйлаш мўмин сифати эмас.

Суфён хомуш ҳолда ерга қараб узоқ қолиб кетдилар.

– Гуноҳлардан кўрқяпсизми? – деди шогирдлар. Суфён ердан кичик бир хасни олиб:

– Гуноҳдан шунчалик ҳам кўрқмайман. Лекин ҳаётим охирида "сен иймонга лойиқ эмассан" деб иймонимнинг олиб қўйилишидан кўрқаман, – деди.

Иккинчи ҳадис.

Абу Зар розияллоҳу анҳу ривоят қилади: Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

Мен жаннатга энг охири кирадиган жаннат аҳлини ва жаҳаннамдан энг охири чиқадиган кишини биламан.

Қиёмат куни бир кишини олиб келинади. "Унинг кичик гуноҳларини ўзига намоёни этинг, катта гуноҳларини кўтаринглар, (кўрсатманглар)", дейилади Малоикларга.

Барча кичик гуноҳлари унинг кўз ўнгида намоён этилади. "Фалон куни мана бундай, мана бундай гуноҳлар қилгансан. Бошқа куни эса мана бундай, мана бундай гуноҳлар қилган-

рўза тутиб беради. Авариядаги ҳалокат ҳам шунга киради. Шунингдек, бошқа катта гуноҳлардан покланишнинг ўзига яраша йўллари мавжуд. Бировнинг ҳаққини еб кетиб, таҳорат билан покланаман дейиш, бировга тухмат қилиб, ғусл билан пок бўлиб кетаман, деб ўйлаш қуруқ хомтамалиқдир.

сан", дейилади. У ҳеч нимани инкор этолмай "ҳа" деб бўйнига олади. Катта гуноҳларининг намоёни этилишидан қўрқиб туради. Шунда унга қарата (Аллоҳ томонидан): "Ҳар битта ёмонлигинг ўрнига биттадан яхшилик – ҳар бир гуноҳ учун битта ҳасанот сенга берилди", дейилади. (Бундай ўзгаришни кутмаган банда) "Ё Раб, менинг бошқа гуноҳларим ҳам бор, бу ерда уларни кўрмаймман", дейди.¹

Ровий Абу Зар: "(Сўз шу ерга етганда) Росулulloҳнинг кулганларини кўрдим, шундай кулдиларки, ҳатто озиқ тишлари ҳам кўрина ёзди" деб ривоятни якунлайди.

Муслим ривояти.

Парвардигори оламнинг фазли карами, лутфу иноятини ўқиб, эшитиб кўздан қувонч тўла ёшлар оқади. Ўқиб, эшитганимизни Қиёмат Кунини ўз кўзимиз билан кўрсак, қандай ҳолатга тушаркинмиз. Худонинг ҳузурига олиб борадиган амалимиз кам-у, лекин Унинг чексиз лутф-марҳаматини билганингиздан кейин дил бу дунёда бир лаҳза қолишни хоҳламай, У томонга ошиқиб кетар экан...



Биз келтирмоқчи бўлган ҳангомалар ҳаётдан олинган.

Аслида "Ҳаёт ҳангомаси" деб аталган ҳангомалар ортида қувонч эмас, ҳасрат яширинган. Баъзи ҳақиқатларни жиддий тусда айтган киши турли хатарларга дуч келиши мумкин. Айни ҳақиқатни юмор аралаш баён қилса, хатар камаяди ё мутлоқ даф бўлади. Шунга ўхшаш, заиф банда ҳам "билса – ҳазил, билмаса – чин" қабалида арзи ҳолини айтиб, юракни бўшатиб олади.

Келинлар, энди бир оз кулиб, кўнгил чигалини ёзайлик. Зардобга тўлган юракни бўшатиб, енгил тортайлик.



¹ Яъни "катта гуноҳларимни ҳам ҳасанотга алмаштириб беринлар" демоқчи.

*Кулинг хандон отиб, қолмасин армон,
Кулгу ҳам доридек бўлади дармон.
Замонга сиз боқинг, боқмаса замон,
Чехранггизни кўриб ёв бўлсин ҳайрон.*

*Замон эмас, асли ўзимиз ёмон,
Нохолис қочирим сўзимиз ёмон.
Борни кўролмаса, йўққа бермаса,
Минг шахло бўлса ҳам кўзимиз ёмон.*

*Аскиянинг асли "Азкиё"¹ экан,
Азкиё "закий"дан олиб ясалган.
Бемаъни сўзгамас, маъноли сўзга
Кулгандир донишлар азал-азалдан.*

*Латифа ҳам асли латофатдандур,
Ҳар нарсадан ранжиши ҳамоқатдандир.
Масхара, истехзо Исломдан эмас!
Тўғри сўзни айтмоқ адолатдандир.*

*Дўстим, тумтаймасдан сипо ўтиргин,
Сен боис бўлмасин бошқалар гамгин.
Беҳуда ҳиринг ҳам сенга ярашмас,
Сипоргарлик билан жилмайиб тургин.*

Ж.



¹ "Аския асли азкиё калимасидан олинган" дейилади Ўзбек тилининг изоҳли луғатида. Азкиё "закий"нинг жами. Закий – зийрак, ақли, қобилиятли, зехни, ақли ўткир деган маъноларни ифодалайди.

Мактаб ўқитувчиси дарсни тингламай бепарво ўтирган ўқувчидан сўрайди:

– Тулки тухум кўядими, туғадими?

Аниқ жавобни билмаган шотир бола ўша заҳоти:

– Устоз, тулки айёр, ундан ҳамма нарсани кутса бўлади, – дейди.

Ҳозиржавоблик яхши хислат. Бу нав ҳозиржавобликни "ҳуснут тахаллус" дейдилар, яъни оғир ҳолатдан амаллаб қутулиш демакдир. Худди шунга ўхшаш ҳолат Афанди билан ҳам рўй берган экан.

Шўролар даврида бригада бошлиғи вазифасидаги Афанди пахта планини бажармайди. Ғазабдан тутакқан колхоз раиси мажлисда Афандини тик турғизиб:

– Бригадангиз планни бажаролмади, буни қандай изоҳлайсиз? – дейди.

Афанди сўзга чечан нотиклардай кўлини кўтариб, силтаб, пахтанинг оқлигини, оқ олтинни олтин кўллар яратишини ва унинг бошқа ажойиб хусусияту фойдаларини баланд овозда сўзлай кетди. Сўзга берилиб кетган Афандини тўхтатиб бўлмасди. Мажлисдаги колхозчилар нотикнинг сўзидан таъсирланибми, ёки одат бўлиб қолгани учунми, нутқ сўнгида узок қарсак чалишди.

Мажлисдан сўнг раис Афандидан сўрайди:

– Ўртоқ Афанди, пахтанинг оқлигини бизам биламиз, сиз менинг саволимга жавоб бермай, нималар деб валдирадингиз?!

– Ўртоқ раис, оғзимга бошқа гап келмаса, нима қилай?

Баъзан ҳаёт жумбоқларига тўғри жавоб тополмай, юқоридаги ўқувчи ва Афанди каби "ҳуснут тахаллус" билан қутуламиз. Гоҳида қуйидаги бахилга ўхшаб баъзи нарсалардан кўз юмишга мажбур бўлиб, ўзни қоронғуликка урамиз.

Бир бахил киссасидан зўр-базўр эски пулларни чиқариб, уч дона апельсин харид қилади. "Танлаб-танлаб тозисига учрабди" деганлариданми, ёки "Эшакнинг танлагани – шўра" деганлари амалга ошганми, ҳар нечук у танлаган апельсиннинг биринчиси ёмон чиқади. Уни сал нарига суриб, иккинчи апельсинни арчиди. Буниси ҳам аввалгидек. Учинчи апельсинни арчгани юраги дов бермайди. "Бунисиям ёмон чиқсая", деган хавф пули куйган бахил дилини тирнайди. Шунда шарт ўрнидан туриб, чироқни ўчириб келади. Учинчи апельсинни қоронғуда паққос туширади. Бисотдаги охириги апельсиннинг аввалгилардай ёмон чиқишидан чўчиган "доно" бахил кўрмайин ҳам, куймайин ҳам қабилида иш тутган эди.

Яхши яшаш учун кўпчилик шу услубни муносиб кўради. Начора, баъзан чироқ ўчириб кун кўришга тўғри келар экан...

Ҳозиржавобликнинг намунали турига яна айрим мисоллар келтирамиз.

- Манави узукдан кўра қимматбаҳо нарса борми? – деб сўрайди султон қўлидаги узукка ишора қилиб.
- Йўқ, бу узукдан кўра қимматбаҳо нарса йўқ, – дейди сарой аҳли.
- Бор, – деб овоз кўтаради бир ғулом. Ҳаммани ҳайрат ва хавф қамрайди. – Ҳазрати олийлари, узукни тақиб турган бармоқ узукдан қимматроқ, узук қимматбаҳо бўлса, қўл бебаҳодир, – дейди.



Бодияда яшовчи қавм ўзларининг оғир турмушларидан шикоят қилиб, ёрдам талабида султон ҳузурига кирадилар. Илгарги замонда султон ёнига кириш осон бўлган экан.

Султоннинг ҳайбати тутиб, ҳеч ким арзи ҳол этгани олдинга чиқмайди. Шунда бир ёш ғулом қавм номидан сўзлайди. Ёш боланинг сўзга чиқиши шохга ёқмайди.

- Ораларингда ёши каттароқ киши йўқми? – дейди шоҳ.
- Амирулмўминийн, агар ҳар нарса ёш билан ўлчанса, ёш билан белгиланса, сиз ўтирган ўринга сиздан кўра ҳақли ёши катталар бор эди, – дейди ғулом.



Ҳорун ар-Рашид мулозимлардан бирини қатл этишга буюради. Қатлга маҳкум мулозим йиғлаб юборади.

- Жиноят содир этиб, яна йиғлайсанми? – дейди Ҳорун ар-Рашид.
- Амирулмўминин, жиноятимга иқрорман. Ўлимдан кўрқиб йиғлаётганим йўқ. Бир бошга бир ўлим бор. Мени бошқа нарса йиғлатди.
- Нима экан у?
- Нариги дунёга кетар пайтда амирулмўмининни хафа қилганим чатоқ бўлди. Ўлимимдан олдин бир кулдириб кетсам армоним йўқ эди, – деганда халифа шундай қаҳқаҳ отиб беғубор кулиб юборди-ки ҳатто сарой аҳли ҳам унга жўр бўлди. Ғазабдан тушган султон уни гуноҳидан ўтади.

Сўзни ҳаёт бешиги бўлмиш мактаб ичидаги ҳангомалардан бошлаган эдик. Яна ўша беғубор болалик даврига, яхшилик ва ёмонликнинг бошланиш нуқтасига қайтиб, сўзимизни қолган жойидан давом эттирамиз.



- Ўғлимнинг имтиҳондан ўтиши нимага боғлиқ? – сўрайди ота ўқитувчидан.
- Унинг ёнига ўтирадиган болага, – дейди ўқитувчи.



Математика ўқитувчиси бир ўқувчига савол беради:

- Рустам, синфдошинг Ботирнинг 90 минг қарзи бор. Агар у 90 мингни тўққизга бўлиб қарзни узмоқчи бўлса, ҳар ойда қанчадан берган бўлади?
- Бир тийинам бермайди.
- Ўтир, сен дарсни тушунмабсан, билмабсан.
- Кечирасиз, сиз Ботирни билмайсиз.



Ватан таърифи ҳақида салкам бир соат сўзлаган муаллим Алидан сўрайди:

- Али, айтгинчи, Ватан нима?
- Бола жавоб бермай жим туради.
- Мен сенга неча бор айтдим, Ватан – иккинчи онанг, энди тушундингми?
 - Тушундим.
 - Ўтир! Вали, сен айт, Ватан нима?
 - Ватан Алининг онаси, менинг янгам, – деб тез жавоб беради Вали.
 - Қанақа она, қанақа янга?! – ғазабланади муаллим.
 - Ўзингиз Алига "Ватан онанг" дедингиз-ку, Алини онаси менинг янгам-да.

Ватан нима?

Ажойиб савол. Бу нафақат мактаб ўқувчиси, балки катталар ҳам билиши зарур бўлган муҳим билимлардандир.

Ватан киндик қони тўкилган ерми, ёки киши тинч бошпа-на топган ерми, ё бўлмаса, бошпути олинган давлатми? Ёки инсонийлик қадри ва ҳурмати сақланиб, Яратганга қулчиликни бемалол адо этилган заминми? Отанинг ватани бошқа, боланинг ватани бошқа бўлиши мумкинми? Биздан олдинги авлод Москвани ватаним деб эътиқод қилган, ҳимояси учун

унинг остонасида жонини берган. Ҳозиргиларга у шаҳар гирт бегона.

Жавобларнинг кўпи жумбоқли. Файласуфларнинг бошини қотиради. Аслини олганда, бу дунёга ҳамма меҳмон. Отамиз Одам Атонинг асли жойи Жаннат. Кимки Жаннатга етолса, ҳақиқий ватанига етибди...

Ҳозир эса ўтган кунларни эслаб, 70 йил туз-нон бўлган "ватан" ҳангомаларига қайтсак. Саҳобалар ҳам жоҳилиятни эслаб, кулиб олишар экан.

Мухбир арманидан сурайди:

- Саҳрода социализм қурилса, нима бўлади?
- Қум танқислиги вужудга келади.



- Ўртоқлар! Биз яқинда яхши яшаймиз, – дейди Брежнев ишчилар даврасида.
- Биз-чи?.. – деб сўрайди ишчилар.



Брежнев Москвада бўлиб ўтган олимпиада ўйинларининг очилиш маросимида нутқ сўзляпти:

– О, О, О, О, О...

Шунда ортда турганлардан бири аста пичирлайди:

– Леонид Ильич, у "о, о" эмас, олимпиада ҳалқачалари.



Бош котиб сўзлари ҳақиқий эмас, фонограмма экан деган "туҳмат"ни ҳазм қилолмаган Брежнев минбардан туриб қоғозга қарамай кескин рад бера бошлайди: "Оғзига кучи етмаган баъзи полвонлар мени танқид қилиб, мажлисда ўзи сўзламай-

ди, пластинка қўйилади, дебди, дебди, дебди..." Пластинкани ўчиргунларича "дебди" залда ўн беш марта такрорланади. Кулги садоси эмас, қарсак садоси янграйди. Ўн бешта республикдан келган халқ депутатлари ўринларидан туриб қарсак чалишади. Муҳташам катта зал давомли гулдурос қарсаклар садосидан титраб кетади. Бош котиб оломон қарсаги остида мамнун ҳолда ўз ўрнига ўтиради.



Москвага қисқа муддатга келган Ёсир Арафотни шахсан Брежневнинг ўзи аэропортдан кузатиб қўяди. Самолёт ҳавога кўтарилиб, кўздан ғойиб бўлгунгача Брежнев ундан кўз узмай, қўлини кўтариб у ёққа, бу ёққа силкиллади тураверди.

- Леонид Ильич, бу киши давлат раҳбари эмас, Фаластин озодлик ҳаракатининг бошлиғи, холос. Оддий одамга шунча иззат-икром?..– дейди таажжубини яширолмаган мулозимлардан бири.
- Унинг кимлигини билмадим, лекин муччи олишни қойиллатар экан, баччағар, – дейди бош котиб ҳамон самолётдан кўз узолмай.



Энг қисқа латифа бўйича ўтказилган мусобақада руслар ғолиб чиқади. Японлар латифаси уч калимадан иборат эди. Инглиз икки калима. Шунда рус латифагўйи минбарга чиқиб: «Коммунизм» деган эди, ҳамма бирдан баралла қаҳқаҳлайди.

Шундай қилиб «Коммунизм» сўзи энг қисқа латифа бўлиб қолибди.



Зобитлардан бири "Facebook" да ёзади:

Бугун бир ёш йигит ўзбек тилида ёзган ишини текшириб, тахрир қилиб беришимни илтимос қилганча, хонамга кириб келди.

Матнда АҚШ ёнида ёзилган СССР кўзимга чўғдай кўри-ниб кетди.

- АҚШ дегани нима? – сўрадим ундан.
- Америка Қўшма Штатлари, – деди у, ҳайрон бўлганча қараб.
- Яхши. СССР дегани нима? – давом этдим мен.
- Соединенные Советские Социалистические Республи-ки, адашмасам, – фикр билдирди йигит, жиддий қиёфа ила.

Соддадил суҳбатдошимнинг юзига қараб, кулиб кўяр эканман, вақт қанчалик тез ўтаётгани, дунё шиддатла ўзгариб бораётгани, кўп нарсалар, кўплаб "доҳийлар" тез унут бўлаётганига яна бир бор амин бўлдим. «Ленин ким бўлган?» деган саволимга 6-синфда ўқиётган ўғлимнинг жавобини эслаб, мийиғимда бир оз кулиб қўйдим.

Бу каби ҳаётий ҳангомалар бошига мусибат тушган шахс ё миллатни юпатишда, тасалли беришда ва келажакка умид билан боқишга кўмак берувчи воситадир. СССР дек баҳайбат давлат, Лениндек ўтқир инсонки йўқликка юз тутдими, сен кўраётган қаро кунлар ҳам йўқликдан қочиб қутулолмайди, деган хулосалар унинг мажруҳ қалбига таскин беради.

"Титаник" кемасининг ихтирочиси Томас Эдрюс: "Энг даҳшатли ҳалокат юз берган тақдирда ҳам "Титаник" уч кеча-кундуз чўкмасдан, сув юзида туради!" деб ҳаммани ишонтирган эди. Кеманинг ўнг томони муз қоясига урилади. Муз консерва қопқоғини кесгандай баҳайбат кемани юз метр узунликда кесиб ўтади. Шунда кемада турган Томас Эдрюс: "Уч соатга қолар қолмас кема гарқ бўлади" дейди.

Фалокат оёқ остида эканини унутиб, кўпчилик катта гапириб қўяди. Ўша катта гапга кўпчилик лаққа тушади. Совет давридаги сал асоси бор катта кетишлар ва унинг оқибатини кўрган одам майда каттазанларга алданмайди.



Ота ўғлини атрофга қараб мулоҳаза қилишга, фикр юри-тишга, воқеликка боқиб, тўғри хулоса чиқаришга ўргатяпти:

- Агар ойинг карам, гўшт, лавлаги, картошка олиб овқат-га уннаса, бугун тушликда қандай таом еймиз?
- Билмадим?
- Борш ичамиз, ўғлим, борш. Унутма!
- Хўп бўлади.
- Онанг супурги, латта, пақирда сув олса, нима бўлади?
- Билмадим?
- Уйимизда уборка бўлади. Ўғлим, ўзингни ўраб турган нарсаларга боқиб хулоса чиқаришни ўрган. Фикр юрит. Ёзишни ўрган. Мана сенга пул, бунга янги дафтар, янги ручка олиб, командировкадан келгунимча ёзиб бор.
- Хўп бўлади.

Сафардан қайтган ота ўғлининг дафтарини текширади.

"Онам карам, гўшт, лавлаги, картошка олди, демак бугун борш ичамиз. Ҳақиқатда борш ичдик".

"Онам бугун супурги, латта, пақирда сув олди, демак уборка бўлади. Чинданам бугун уйимизда уборка бўлди".

"Уйимизга шу куни Гриша амаки келдилар. Бирга овқатландик. Кейин улар менга "кўчада ўйнаб кел", деб ётоқхонага кириб кетишди. Кейин нима бўлди, билмайман..."

Хиёнат биринчи бўлиб қайси миллатдан бошланганини айтиши қийин. Қайси миллатда кўпчилигини билиши осон эди. Бироқ мўр-малахдай ёпирилаётган глобаллашув даврида ва

эрнинг қадри йўқолаётган пайтда қайси бир миллат бу борада олдинлаб кетаётганини аниқлаш мушкул бўлиб қолди.

Бир аёл дугонасидан ҳол сўраяпти:

- Намунча хомуш кўринасан?
- Эрим ташлаб кетди.
- Бирор жиддий кор-ҳол бўлдимикин деб ўйлабман-а.



Ўлим тўшагида ётган эр хотинига дейди:

- Мендан кейин турмушга чиқасанми?
- Асло турмушга чиқмайман, ёлғиз ўтаман.
- Ҳали ёшсан, мендан кейин эрга тегавер, лекин эринг машинамни минмасин.
- У киши машина ҳайдашни билмайди.



Бахил аёл ўғлини нонга жўнатар экан:

- Тезда бориб нон олиб кел. Кўчада анқайиб, тагин пулни йўқотиб қўйма, – деб тайинлайди.
- Хўп бўлади, ойижон, – бола учиб чиқиб кетади.

Бола нонвойхонага етай деганда ишдан қайтаётган дадасини енгил машина уриб юборади. Бола нонни олмай шошиб онасининг ёнига чопади:

- Ойи, ойи...
- Ҳа-а-а, нима бўлди? Ҳовлиқмай гапирсангчи.
- Ҳозир дадамни машина уриб кетди.
- Воей, кўрқиб кетдим-а. Пулни йўқотдингми деб юрагим ёрилди, – деб кўксига уч марта тупириб қўяди аёл.



Қурилишда ишлайдиган йигит тепадан тушиб кетади ва ўша заҳоти тил тортмай ўлади. Нохуш хабарни унинг хотинига қандай етказишга ўйланиб қолишади. "Буни менга қўйиб беринглар", деди йигит билан ишлайдиган ошналарида бири. У йигитнинг уйига кирди, қолганлар ташқарида қолди.

- Кўнглингизга олмасангиз, бир гап айтаман, – деб сўз бошлади йигит унинг хотинига.
- Бемалол.
- Эрингиз кеча қимор ўйнаб ютқазиб қўйди.
- Вой, қимор ўйнаган қўлларинг шал бўлсин.
- Уйни сотувга қўйган.
- Оғзидан қони келсин.
- Кўхликкина бир жувонга ўйланиб олган.
- Қурилишидаги энг баланд иморат тепасидан йиқилиб ўлмаса, икки дунёда розимасман.
- Маййитни олиб кираверинглар, иш пишти, – деди йигит ташқарида кутиб турган ишчиларга.

Ҳакийм Зот эр-хотинни муҳаббат ва раҳмат ришталари билан боғлаб қўйган. Мазкур воситага путур етиши билан турмуш дарз кетади.



Куёвлар учун энг қисқа насихат.

Бу насихат оилани мустаҳкамлашда катта ёрдам беради.

Ўйланиш арафасида юрган йигит кўпни кўрган олим ҳузурига келиб деди:

- Мен яқинда ўйланаман, насихат қилсангиз.
- Хотининг ҳақида дўстларингга гапирма, дўстларингга хотининг ҳақида гапирма!

Рашик ҳақида сўз кетганда "Тоҳо кўздан олдин қулоқ ошиқ бўлади" дейилган эди. Олим ўғитида ҳам кўздан кўра қулоқ ёмонроқ эканига ишора бор. У "хотинингни дўстларингга

мақтасанг, дўстлар орасида ўзинг хотинингга харидор топиб берасан. Дўстларингни хотинингга мақтасанг, ўзинг ўзингга душман орттирасан, ҳар иккисининг натижаси – хотиндан айрилишидир. Бундай мақтов хиёнат эшигини очади", демоқчи. Ҳозир хотинни мақташ шарт эмас. Ҳеч очилмаган қиз ҳам тўй куни "очилиб кетяпти". Тўй кечасида дўст-душман шаффоф кийимли келинни ҳар томонини кўриб бўляпти. Тўйхонада тўйиб кўргани етмагандай, тасвирга туширволиб, хоҳлаган пайтда томоша қилиб юрибди.

Абдурауф Фитратнинг ёш, гўзал рафиқаси қандай қилиб ўз шогирдининг дўсти билан юриб кетиш қиссасини бошқа рисоламизда ўқийсиз, ишга Аллоҳ. Фитратнинг кўз ёш тўкиб ёзган:

Рафт аз барам
Ёри нозанин,
Бар жабин зи қаҳр
Барфиканда чин...

Кетди ёнимдан
Ёри нозанин,
Тушди қаҳридан
Манглайга ажин...

шеърининг давомини ҳам ўша рисолада ўқишингиз мумкин...



- Фаришта учадами? – деб сўрайди ёш бола онасидан.
- Ҳа, ўғлим, учади.
- Унда нега бизнинг ходимамиз учмайди?
- У фаришта эмасда.
- Нега унда дадам уни доим "фариштам" дейдилар?
- Бугун учади, ўғлим. Қандай учишини томоша қиласан.



Ўзбеклар меҳнаткаш халқ... Ўзбеклар ориятли халқ... Ўзбеклар меҳмондўст, қўли очиқ халқ... ўзбеклар ундай, ўзбеклар бундай... Ўзбеклар хусусияти ва фазилати кўп, лекин йиллар ўтган сайин миллат ёки шахс ўз хусусиятини сақлаб қоладими? Ёки йўқотадами?

Суданликлар ҳаётдан ҳикоя қилувчи қуйидаги Судан халқ ҳангомаси бу саволга қисман жавоб беради.

Ишдан қайтган аёл ўз уйига келиб эшик қоқди.

– Ким у?

– Мен, дадаси, мен.

– Ўғлим, мен ишдан жуда толиқиб келдим, сен эшикни оч, ойинг келди, – дейди ота ўғлига.

– Укажон, мен мактабдан жуда чарчаб келдим, ойим келибдилар, сен эшикни оч.

– Дадажон, мен боғчада бугун кўп ўйнаб оёғим роса оғриб қолди...

Ота, икки ўғил эшик очгани эриниб, жойидан жилмай ёта-веради.

– Онаси, отангникига кетавер, эшик очгани ҳамма эрин-япти, талоқсан, – дейди эр ётган жойида.

"Эринчоғлигим курсин, сумкамдаги калит ўлгурни ўзим олиб эшик очганимда талоқ бўлмасдим", дейди аёл.

Танбал ота-онадан танбал фарзандлар вужудга келади. Ғайратли ота-оналарнинг фарзанди ҳам ўзига ўхшаб ғайратли бўлади. Ориятли инсонларнинг зурриёти ҳам ўзларидек ориятли... Лекин ҳозирги кунда бунинг акси рўй бермоқда... "Нега ундоқ?" деган савол жавобсиз қолмоқда.

Ўзбек хонадонларидаги талоқ сабабларини ўргансангиз, юқоридаги ҳангомадан кўра кулгили ҳолатларга дуч келасиз. Келин дангаса, куёв ундан баттар... У бунга, бу унга буйин бергиси келмайди. Катталар эса тарафкаш. Қиз томон қизни, куёв томон ўғилни тарафини олишади. Ҳамма ўзича ҳақ. Маданият ўзгарган сари хусусиятлар ҳам ўзгариб бормоқда...



"Шаҳар ҳокимининг ити ўлибди" деган хабар тарқаганда шаҳарликларнинг ярми таъзияга шошади. Ҳар ким биринчи бўлиб ҳоким тўранинг кўнглини кўтаришга ошиқади. Ярим йўлга етганларида "Ити эмас, ўзи ўлган экан" деган шов-шов тарқайди. Шунда ҳамма бирданига ортга қайтиб кетади.



- Кўзгуга боқсам юрагим сиқилади, – дейди подишоҳ.
- Шоҳим, сиқилманг. Сиз бир кунда бир марта ойнага қарайсиз, холос. Биз эртадан кечгача сизга қараб ўтирамиз, – дейди Афанди.



Афандини тўйхонадан ҳайдаб юборишибди. Афанди ҳеч нима бўлмагандек, гердаииб, салобат билан тўйхонадан чиқиб кетади.

- Афанди, юришингиз бошқача, изза бўлганларини яшир-яптиларми? – дейди дарбоза тагида турганлардан бири.
- Шунга ҳам изза бўламанми? Бу бир фақирнинг тўйи экан, керак бўлса, бундан катта тўйлардан ҳайдалганман, – дейди Афанди.



Тўйга киритилмаган Афанди тўнини алмаштириб келади. Зарбоф тўнли кишини бирон зодагон келди деб ўйлаб, иззат билан ичкарига киритишади. Ош еб ўтирган Афанди ҳар замонда тўнига ош тутиб: "Қани, олиб ўтирсинлар, агар сиз бўлмаганингизда, каминанинг оғзи ошга тегмасди", дейди.

Кийимга қараб муомала қилиш давосини кутаётган эски дардлардан. Бу дардга чалинмаган миллат йўқ.



Қишлоқдан келган эр-хотин музей айланиб юришибди. Улар билмасдан қадимий бир кўзани синдириб қўйишади.

- Ўн бешинчи аср кўзасини синдириб қўйдиларинг-ку! – дейди музей ходими йиғламсираб.
- Янгимикин деб хижолат бўлиб турувдик. Яхшиям эски экан. Ўрнига янгисидан олиб берамиз.

Советлар "эскилик сарқитлари" деб кўп қадрятларимизга қарши курашган эди. Ҳозир бу кураш деярли йўқ ҳисобида, лекин янги нарсага бўлган катта ҳирс қадимий қадрятларимизнинг четланишига олиб боряпти.

Янги нарса ўз ўрнига, лекин у эскининг ўрнини босолмайди.



- Кўринишингиз ёмон эмас, 60 ёш учун бу катта гап, – дейди доктор отахонни текшириб кўргандан кейин.
- Ким айтди сизга мени 60 да деб? Бу йил 73 га чиқдим.
- Демак раҳматли отангиз ҳам узоқ умр кўрган эканда?
- Ким айтди сизга дадам ўлган деб? Дадам асал ойини ўтказгани Малайзияга кетдилар.
- Ирсият марҳум бобонгиздан ўтган эканда?
- Нима?! Бобом ҳаётлар. Шу киши: "болам, ёлғизлик ёмон, уйлан!", деб қўярда-қўймай дадамни уйлантириб қўйдилар-да. Биз эса бола-чақадан ортганимиз йўқ.

Доктор тортмадан қандайдир дори чиқариб оғзига ташлади. Бобосининг отаси ҳақида сўз очгани кўрқди.



- Бу инсондан умрбод қарздорман. Ўла ўлгунимча унинг яхшилигини унутмайман.
- У сизни ўлимдан қутқарганми?
- Йўқ. Бу киши амакимни даволаган доктор. Шу доктор бўлмаганида, биз мерос ололмасдик.



Қаттиқ йўталаётган бир киши доктор ҳузурида ўтирибди:

- Бир кунда уч дона чексангиз етади. Бир ҳафтадан кейин келинг, – деди. Айтилган муддатда бемор ҳозир бўлади. Йўталиш аввалгидан кучлироқ эди.
- Учтадан ортиқ чекманг деган эдим-ку.
- Учтадан оширганим йўқ.
- Аввал қанча чекар эдингиз?
- Биттаям чекмасдим.



- Сизга умуман чекиш мумкин эмас. Бир дона сегаретни оғзингизга ола кўрманг. Қўлингиздан келса, чекаётган кишининг ёнидан ўтманг! Тушундингизми? – дейди доктор беморга.
- Тушундим, дўхтир, тушундим. Шу бугундан бошлаб чекишни ташлаганим бўлсин, – дейди бемор.
- Майли, сизга жавоб, келаси ҳафта яна мурожаат қилинг. Бемор йутала-йутала ўрнидан туриб, эшик томон аста юра бошлайди.
- Раз ташладингизми, чўнтакдаги бир пачка сегаретни бизга ташлаб кетаверинг.



- Дада, уйланган пайтингизда бобом сизга нима берганлар?
- Машина.
- Момом-чи?
- Оқ фотиҳа.
- Онамчи-чи?
- Асабийлик.



- Ойи, тезроқ пул беринг.
- Пулни нима қиласан?
- Кўчада бақириб юрган одамга бераман.

Она болам камбағалпарвар, сахий бўлиб етишяпти деган ўйда суюниб, унга пул беради. Бола пулни олибоқ кўчага чопади. Бир мунча вақт ўтгандан кейин бола кириб келади.

- Кўчадаги мискин нима деб бақирди, ўғлим.
- Айскрем, айскрем (музқаймоқ, музқаймоқ) деб бақирди.



- Холажон, тилингизни кўрсам майлими? – дейди қизалоқ кўшнисига.
- Нега?
- Чунки мен умримда чаёни кўрмаганман. Ойим доим сизни "фалончининг тили чаён" дейдилар.



Тор уйда қийналиб яшайдиган оила янги кенг манзилга кўчади. Эски кўшнилardan бири янги уйга кўчган кўшнисининг ўғлидан сўрайди:

- Янги уйларинг қалай, зўрми, сенга ёқдими?
- Жуда-жуда ёқди. Ҳаммамизга алоҳида хона берилди. Мен алоҳида хонада, укаларим алоҳида хонада ётибмиз.

Лекин бечора онамга алоҳида хона тегмади. У яна отам билан бир хонада яшамокда, – деб жавоб беради онасига ачинган болакай.

Шу болага ўхшаб калта ўйлайдиган баъзи катталар кимларнингдир таиққи кўринишига қараб ачинишади. Шундай беъмани "ачиниши ва раҳмдиллик"ка мисол, баъзи "кўнгли бўи"ларнинг "бечора" мусулмонларнинг беш маҳал намоз ўқишига, саратон иссиғида 16-17 соат рўза тутишига "ачиниши"дир. Ҳолбуки, мусулмонлар машаққат билан бирга маънавий лаззат олишини улар билмайди. Ҳали бирорта мусулмон намоз ўқиб бели букчайиб қолгани йўқ, рўза тутиб ўлган эмас.



- Ойижон, мен сиз учун ҳаётимни қурбон қиламан, – дейди олти яшар қизча.
- Қизим, мен сен учун ҳаётимни қурбон қиламан, – дейди онаси.
- Ойижон, "қурбон қиламан" дегани нима ўзи?
- Сен бу сўзни қаердан ўргандинг?
- Телевизордан.



Ўрис эртақларидан таъсирланган ўзбек йигитининг тилаклари:

Онаси ўпмаган, отаси сўкмаган, кўчама-кўча санғиб юрмаган, Youtube кўрмаган, оданаклассникига кирмаган, умуман интернет ишлатмаган, скайпда кўришмаган қизни олтин балиқдан сўраган эдим, у ўзини ўлганга солиб олди.

Балиқдан, бандадан эмас, Аллоҳдан сўрасанг, гарчи ундай қиз ноёб бўлсада, Парвардигоринг айтганингни беради...

Франциялик адиб Балзак боланинг хатига қараб туриб унинг келажакда ким бўлиб етилишини айтиб бераман деган даъво билан чиқади. Фарзандининг келажакига қизиққан оналар болаларнинг дафтари кўтариб "башоратчи" даргоҳига шошадилар. Кекса бир аёл бир неча сатр ёзуви бор варақни унга кўрсатади. "Башоратчи" ёзувга узоқ тикилиб:

- Бу бола каттайганда ҳам ақли кирмай, нодонлигича қолади, – дейди.
- Кечирасиз, жаноб, бу сизнинг ёшликдаги ёзувингиз, – дейди кампир тиржайиб.



Бўлган воқеа.

Талабалик давримизда домла дарсда уйқусираб ўтирган студентларга қарата:

- Илтимос, уйланган йигитлар охирги сафда бир қатор бўлиб ўтирсаларинг. Сизлар бемалол дам олаверинглар, мен манави бўйдоқларга дарс ўтавераман, – дейди.
- Нега энди айнан уйланган йигитлар дам олиши керак, – деб аудиториядаги занжи йигитлар домланинг ҳазилига ҳазил тариқасида эътироз билдирадилар.
- Сенлар нимани биласан. Мана мен уйланганман, оилалиман. Шунинг учун у бечораларнинг ғамини ҳис қиламан, дардини биламан. Улар аудиторияда бемалол ухлалмасан, қаерда ухласин. Уйга борсан, хотини нуқул уни бер, буни бер деб қийнайди. Бир кун хотинимга:
- Бер, бер, деявермай, олинг ҳам дегин! – дедим. Эртаси:
- Олинг, олинг... тузатиб келинг, – деб олдимга бузуқ кир ювадиган машина билан бузуқ кондиционерни тутди. Полициянинг "бери", ҳам "оли" ҳам бало бўлганидай, аёлларнинг "бери" ҳам, "оли" ҳам бир бало.



Бу ҳам бўлган воқеа.

Куллиётда талабалар сони тўқсондан ортиб кетади. Устоз овози аудитория охирида ўтирган талабаларга эшитилмайди. Шунда ёқага иладиган кичик микрофон олиб келинди.

Қиш кунларининг бирида кекса домла тумовга чалинади. Тинмай бурнидан сув оқиб турган домла қийналиб қолди. Дастрўмолни чиқариб, бурун қоқиш мақсадида ташқарига чикди. Ёқага ёпишган микрофонни ўчиришни унутган домла-нинг астойдил бурунни бўшатишидан аудитория зириллаб кетади.



Ёш боланинг ён дафтаридан.

Манзилий қурол-аслаҳалар:

1-Шапалоқ. Бу – бешотар милтиқ. Гоҳида ҳаммаси тугилиб, муштга айланади. Ўлдирмайди, бошни айлантириб, кўз ўнгингда юлдузчалар пайдо қилади.

2- Чимчимоқ – икки калибрли қурол. Яқиндан ишлатиладиган овозсиз ёмон аслаҳа.

3-Калиш, ковуш, туфли, этик. Узоқдан отиладиган бутун дунёда оммавийлашган ва ривожланган қурол. Ғолибо қочаётган душманга отилади. Кўпинча нишонга беҳато тегади. Жанг майдонидаги гранатага ўхшайди.

4-Ўқлоқ. Ҳам яқиндан, ҳам узоқдан туриб ишлатиладиган хавфли қурол.

5- Сунурги. Асли ўқлоқ навида, лекин хавфли эмас.

6- Косов. Давлатларо тақиқланган совуқ қурол. Ёғоч ёки темирдан ясалган. Ҳар иккиси ҳам нишонга тегса, душманга жароҳат етказади.

7- Тил. Мазкур қуролларнинг энг ёмони. Яраси битмайди. Асорати ёмон.



Ҳамманинг устидан ёзадиган анонимчининг ўғли балиқ овига чиқади. Чувалчанг қидиргани эриниб, қоғозга "бу семиз чувалчанг", деб ёзади. Қоғозни қармоқ учига илиб сувга ташлайди. Бирпасдан кейин қармоқ ипи тортилади. Бола тезда қармоқни кўтаради. Унда балиқ ўрнида ёзув турарди. Вароқ орқасига "бу лаққа балиқ" деб ёзилган эди.



Уч «донишманд» ни шаҳар аҳлини қийнаган бир муаммони ҳал қилиб беришга чақиришибди.

- Шаҳримизда катта чуқурлик бор. Бу чуқурлик қадимий бўлиб, кўп ота-боболаримизнинг ҳалокатига сабаб бўлган. Ҳозир фарзандларимиз унга тушиб, нобуд бўлишяпти. Доно маслаҳатингизга муҳтожмиз, – дейди шаҳар оқсоқоли.
- Чуқур атрофига кучли, забардаст йигитларни кўйиш даркор. Кимки чуқурга тушса, дарҳол касалхонага олиб боришади, – дейди биринчи «донишманд».
- Маъзур тутадилар. Бу тадбир ҳикматли бўлмади. Шикастланганларни касалхонага олиб борилгунча, ҳалок бўлиши мумкин. Шунга кўра, чуқур ёнига икки-учта тез ёрдам машиналарини олдиндан келтириб қўйиш керак, – дейди иккинчи «дониш». Ўз ҳамкасбларининг маслаҳатидан хуноби ошган учунчи «донишманд» сўз олади:
- Чуқурни зудлик билан кўмиш керак. Ҳа, ҳа, тезда кўмиб ташлаб, ўрнига касалхона ёнида шундай чуқур қазиш лозим.



Самолёт янги чиққан пайтда губернатор самолётга чиқади. Тепадан пастга қараб майда-майда бўлиб кўринаётган одамларни кўради.

- Агар ерга 100 доллар ташласам нима бўлади?
- Халқдан бирортаси топиб олиб роса хурсанд бўлади.
- Агар минг доллар ташласамчи?
- Бир эмас, бир нечта киши хурсанд бўлади.
- Халойиқнинг ҳаммасини хурсанд қилиш учун нима ташлаш керак?
- Ўзингизни ташланг.



Бир «ҳожи» олимдан сўраяпти:

- Таксир, ҳажда бир хато менда уч марта такрорланди...
- Қандай хато?

– Эҳром боғлагандан сўнг рафиқам билан Минога йўл олдик.¹ Минога эрта келиб олибмиз, вақт бор деб, аёлга яқинлик қилдим. Эртаси Арафотга йўл олдик, Арафотга ҳам ҳаммадан олдин борибмиз. Шунинг учун вақт бор деб, яна... Эртаси Муздалифадан тўғри Минога келдик. Ҳамма шайтонга тош отгани кетди. Эр-хотин ёлғиз қолдик. Ҳали вақтимиз кўп экан деб, яна... Кейин билсам, бу – хато экан. Энди нима қилай?

– Ҳожилар уч кун шайтонга тош отадилар. Сиз ҳаммадан эрта шайтоннинг олдига бориб, ёнига туриб олинг...

Яъни шайтонга отилган тошлардан сиз ҳам насиба олинг.

Ҳажга покланиш учун борилади. Унинг ўзига яраша таълимотлари бор. Шаръий кўрсатма асосида эмас, ўзи билганча ҳаж қилиш билан баъзилар покланиш ўрнига булганиб қайтади. Шулардан бири қисса қаҳрамонидир. Бу, хаёл маҳсули эмас, ҳаёт маҳсули. Ҳаётда эса савоб олиш керак бўлган ўридан гуноҳкор бўлиб чиқаётганлар йўқ эмас.



¹ Эҳром боғлаган ҳожига жуфти ҳалолга яқинлик қилиш қаттиқ тақиқланган.

Рамазон ойи киргач, Қуръон ўқиш ниятида "Мусхаф"ни қидириб ярим соатдан бери тополмаган эр ошхонада ивирсиб юрган хотинига бақиряпти:

- Аяси, ҳо аяси!
- Нима дейсиз?
- Қуръонни тополмаяпман.
- Ўтган йили қўйган жойингизда турибди. Ҳеч ким теккани йўқ.

Қуръонга муносабатимиз ўзгармагунга қадар аҳволимиз ҳам ўзгармайди. Ўқийдиган Мусхафингиз (Қуръон) устуни қоплаган чанг миқдорича қалбингизни гашилик ва гам қоплайди. Қуръони чанг қопламаган одамнинг дилини ҳаргиз гам қопламайди.

Қуръон чангини латта билан эмас, қўл билан артинг, яъни Уни ўқиб турсангиз, устуни чанг қопламайди.



Сохталиқ кирмаган соҳа қолмади десак янглиш бўлмас. Ҳозиргина "Покланиш" хусусда келтирилган ҳам кулгили, ҳам куйгили ҳаётини ҳангома ҳамда қуйидаги ҳаётини ҳангома сўзимизни тасдиқлайди.

Бир алкаш иккинчи қаватдан ерга қулайди. Кайфи учиб, дарҳол тавба қила бошлайди: "Эй Худо, иккинчи оғзимга ароқ олмайман! Тавба қилдим! Ўзинг асра, болаларим етим қолмасин", деб ялинади. Иттифоқо, у кум уюмининг устига тушиб, омон қолади. Шунда: "Одам алахсираса ҳар нима деб юборар экан", деб ароқ дўконига йўл олади.

Сўзида турмаган фақат бир алкаш бўлса, қани эди. Ваъдасида турмаганлар, "тавба қилдим" деб, яна ўша маъсият, жиноятга қайтганлар қанча?! Бу ҳақда Юнус сураси 22-23-оятларига, Анкабут сураси 65-оятга қаранг.

*Хиёнат авжсида, ё Раб, диёнат сохтадин сохта
Илтижолар ижобатсиз, ибодат сохтадин сохта.*



Чет эллик миллионер суюкли итини йўқотиб қўяди. Ўзи қидириб тополмагач, кунда чиқадиган рўзномага эълон бериб келади. Эълонда "Ким итнинг жойини топса, 500 доллар, олиб келиб берса, 500 доллар қўшимча мукофот" дейилган эди.

Эртасига айна шу газета нашр этилмайди. Ҳайрон бўлган миллионер нашриётга боради. Эшик тагидаги қоровул уни ичкарига қўймайди.

- Жаноб, ичкарида ҳеч ким йўқ.
- Мухбирлар қани, ишчилар қани?
- Кеча қандайдир миллионернинг ити йўқолиб қолган экан, ҳамма ўшани қидиргани кетган.



Буниси ҳам хорижнинг ҳаётий ҳангомаларидан.

"Қандай қилиб 100 ёшга кириш мумкин?" номли кўрсатув эълонидан кейин кўпчилик бу кўрсатувни интизорлик билан кута бошлайди. Телевизор кўришга хуши йўқ кишилар ҳам телевизор "жиннилари"дан олдин келиб, экран тагига ўтириб олган. Ҳамманинг қулоғи динг, кўзи экранга қадалган. Ва ниҳоят диктор сўз бошлайди: "Ҳурматли телетомошабинлар, программамиздан ўрин олган "Қандай қилиб 100 ёшга кириш мумкин?" номли кўрсатув маълум сабабларга кўра қолдирилгани учун сизлардан узр сўраймиз. Сизга манзур бўладиган кўрсатувни олиб борувчи тиббиёт фанлар доктори узоқ давом этган оғир хасталикдан сўнг 31 ёшида бевақт кўз юмди".



Ит ўз номини кўтариб юришдан уялиб, ўрмон шоҳи шернинг ҳузурига арз қилиб келади:

- Исминни ўзгартириб беришингизни сўрайман.
- Нега?
- Исмин ҳақоратга айланиб қолди. Ким уришиб қолса, бир-бирини "ит!" деб сўкяпти.
- Ҳмм, майли, ўйлаб кўрамиз. Сен ташқарида осифлик турган гўштни олиб, эртаси кун қайтариб кел. Эртага сенга биргалашиб янги ном танлаймиз.

Ит гўштни олиб инига равона бўлди. Бир пастда ит инини гўштнинг иштаҳани очувчи ҳиди тутиб кетади. Шер "гўштга боқма" дегани йўқ. Кел, шу бугун маза қилиб, лаққа гўштни томоша қилиб олай, деган хаёл ўтади. Гўштга узоқ термилиб қолган ит: "бир ялаб кўрай, ялаган билан камайиб қолармиди?" деб шапалоқдай тили билан гўштни ялай бошлайди. Итнинг сўлаги оқиб, иштаҳаси очилиб кетади. Шунда у ҳеч истиҳола қилмай "ит деган исм ҳам ёмон эмас, оғзига кучи етмаганлар ит деса деяверсин", деб гўштни паққос туширади.



Бўридан сўрашди:

- Нега сен итдан тез чопасан?
- Мен ўзим учун югураман, ит эгаси учун югуради.

Шахсий манфаат учун жон куйдириши инсон замирида бор нарса. Манфаат балиқдек соқовни булбулигўё қилиб қўяди, манфаат йўқ жойда булбулигўё ҳам балиқдек соқов бўлиб олади. Кепак еган от югурик бўлмайди, дейдилар-ку. Совет ҳукуматининг емирилиши сабабларидан бири ҳам шу – мулкдорликнинг йўқлиги, дейишади. Инчунин ишлаб чиқаришда, маорифда ва ҳаётнинг бошқа тармоқларида "шахсий манфаат"га катта эътибор қаратилса, кўзда тутилгандан кўра яхшироқ ва кўпроқ фойдани қўлга киритиши мумкин. "Ихлос –

Аллоҳ учун" деган эътиқод эса шахс, жамият ва давлат учун шахсий манфаат келтирган фойдадан минг чандон кўп фойдаларни бериш кучига эга. Бунинг учун эса иймоний тарбияни кучайтириш керак...



Бўғирсоқ ҳаммомдан чўмилиб чиқиб, сочикқа артина бошлайди. Шунда бир муҳим нарса ёдига тушиб, "вой, бошни ювиш эсдан чиқибди-ку", дейди.

Бўғирсоқ ҳангомаси кулгили бўлгани билан, бир томондан ачинарли ҳамдир. Чунки бундай эсарлик, балки бундан баттар эси настлик ҳаётда кўп учрайди. Ҳангомадаги бўғирсоқдай тентактоблар соғлар орасида талай.

Кимдир бозорга чиқиб, нега бозорга келганини билмайди. Кимдир айтмоқчи бўлган сўзини йўқотиб қўяди. Буниси ҳеч гап эмас, кўпчиликда содир бўлади. Лекин тубандаги овсарлик жуда ёмон ва ачинарлидир.

Кимдир беш йил, балки ўн йил илм даргоҳида юриб-юриб, битирар пайтда "вой, ўқимасдан ўйнаб юраверибмиз-ку, ёшликни зое кетказибмиз-ку", деб афсус-надомат чекади. Кимдир уни, кимдир буни эслолмайди. Бунга ҳам чидаса бўлади. Бироқ навбатдаги эсарлик эгасига қимматга тушган эвазсиз эсарликдир.

Жуда кўпчилик нима учун яралганини, дунёга нега келганини, нима учун яшаётганини билмай, охири дунёдан ўтар пайт видолашаётганда вой-войлаб қолади. "Бир марта ҳам Парвардигорга қулчилик қилмабман. Одамлар каби ибодатга юз тутмабман. Намоз ўқиган, рўза тутган, ҳаж қилган, закот берган одамларнинг бирортаси кам бўлгани йўқ. Ҳаёт давомида ибодат қилиб уларнинг бирон ери камайиб қолмади, умр бўйи беибодат ўтиб, менинг шохим чиқиб қолмади.

Эссиз умр!.. Эссиз ҳаёт!.. Эссиз одамийлик!", деб нолаи афгон қилади.

Қуйидаги сўнги ҳангома аслида ҳангома эмас, ҳаётий ҳақиқат, кулгилироқ аянчли ҳодиса. Мен уни шундогича интернетдан кўчириб олдим.



Энг бемаъни васиятномани марселлик этикдўз ёзган.

Васиятномадаги 123 та сўздан 94 тасини ўқишга тил бормайди.



Миллионер ва кинопродюсер Рожер Доркас эса ўзининг 65 миллион доллар маблағини Максимилиан лақабли итига қолдирган. У итига инсон сифатида ҳужжат олган экан. Хотинига эса бор-йўғи 1 цент теккан. Доркасинг хотини анойилардан эмас экан. У Максимилианга турмушга чиққан ва ит ўлганидан сўнг унинг меросига эга бўлган.

Иймондан холи жамиятда фитратга зид гайритабиий шундай ишларга дуч келасизки, ундан кулишни ҳам, йиғлашни ҳам билмайсиз. Бир томондан кулгили, бир томондан куйдириб йиғлатадиган. Дилда иймон бўлмаса, дил соҳиби чинакам қувонч нималигини билмайди.

Рожер Доркас ва унга ўхшашларга Худо пул берибдию ақл бермабди. Ақли бўлганда ҳаётда итни эмас, инсонни дўст тутган булур эди. Эс-хуши жойида бўлганида, пул нималигини билмайдиган суякхўрга 65 миллион долларни мерос қолдирармиди.¹



¹ Баъзиларнинг маслаҳатига кўра, бу қисмдан кўп ҳангомалар олиб ташланди.

Рисолани Алишер Навоийнинг:

*Йўқ даҳрда бир бесару сомон мендек,
Ўз ҳолига саргаштаю ҳайрон мендек,
Ғам кўйида хонумони вайрон мендек
Яъники, алохону аломон мендек,*

деган сўзи билан бошлаган эдик. Мана рисола ҳам ниҳоясига етти, бихамдиллаҳ. Яхши ниятда кўл урилган бу ишда хатолик ўтиши табиий. Ёзганларим орасида нимаики тўғри бўлса, бу – Аллоҳдан. Нимаики хато бўлса, у – мендан. Тўғрисига чексиз шукр қиламан, нотўғрисига минг бор тавба-истиғфор айтаман.

Рисолани ҳазратнинг сўзи билан бошлаган эдим, шу баҳонада Сиз азиз китобхонлар билан ғойибона суҳбатлашдим, дардлашдим, энди поёнига етган рисолани яна шу зотнинг сўзи ила якунлашни муносиб билдим.

*Сўзим хўб эрса раҳмат айла ҳамроҳ,
Вагар дедим ёмон: астағфируллоҳ...*

***Субҳанака Аллоҳумма ва бихамдик. Ашҳуду ан ла илаҳа
илла ант. Астағфирука ва атубу илайк.¹***



¹ Ушбу дуони ёдлаб олишингизни ва суҳбатлар, йиғинлар охирида ўқиб юришингизни тавсия қиламан. Бу дуони Росулulloҳ ﷺ "**Мажлиснинг каффорати**" деганлар.

Мундарижа

ҲАЁТ ҲАСРАТЛАРИ	3
Ҳасрат тарихи ва таърифиға қисқа назар	5
Ўтмишни ёритиш масъулияти	13
Навоий фарёди	31
Таққос ва таҳлил	40
Тавалло	89
Оғриқ.....	90
Сув йўғида – таяммум	108
ОТА-ОНА ҲАСРАТИ	117
Ота-она ҳасрати.....	119
Ўзимдан чиққан балога, қайга бораё давога?	138
Ўн йилдан кейин "тирилган" она ҳасрати.....	148
Муҳаббат боғчадан бошланадими?!	174
Етим оталар ҳасрати	177
Қарилдикдир, ёронлар	179
Чол-кампири етмишда етим бўлмасин.....	183
Тилаб олган боламиз.....	184
Қадр билмас қариндошдан қадр қилган ёт яхши	196
Модомики бордир дунёда эҳсон.....	207
Кўр боланинг ҳасратлари	219
Кўр бола орзуси	220
Қайнона ҳасрати ва хандаси.....	221
Ўғил боланг – бировнинг хасми	226
Ҳали аёл бўлмабсиз, пошшо	230
XXI аср "эр"ларининг ҳасрати.....	233

"Ўзимнинг мўминчигим"	246
Йўқолган Рашк ҳасрати	253
Рашким.....	260
Рашк ҳасрат қилади, қулоқ тутингиз.....	268
Мени тушин, мени қизғон, ёр	269
ФАРЗАНДЛАР ҲАСРАТИ	270
Айб кимда?	297
Айтмаса бўлмайдиган гап	301
ҲАСРАТ ҲАҚИДА СЎНГИ СЎЗ	303
Ҳасратни кўзгайдиган энг кучли омил.....	309
Қайлардасан, жаннатий инсоф?	312
Инсоф.....	315
Одамлардан нолиган одамдан кўркқин.....	319
Пулга сотиб олинган ҳасрат.....	323
ҲАСРАТ КУНИ	333
Биринчи ҳасрат	337
Иккинчи ҳасрат	341
Учинчи ҳасрат	351
Тўртинчи ҳасрат.....	352
Бешинчи ҳасрат.....	355
Ҳаётда ким ютгану ким ютқизган?.....	360
ҲАМДАРД	365
Ранг кўр, ҳол сўр	382
Кенга кенг дунё, торга тор дунё.....	390
Тарихнинг порлоқ саҳифасидан таралган зиё	395
ҲАЁТ ҲАНГОМАЛАРИ	403
Мундарижа	440